

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ
ИНСТИТУТИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ
МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ САМАРАЛИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЙ-
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР ВА АМАЛИЁТ
МУАММОЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий
конференция*

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2022 йил 22 апрель

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ
САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЙ-
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР ВА
АМАЛИЁТ МУАММОЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий
конференция материаллари
2022 йил 22 апрель*

**ТОШКЕНТ
«QAMAR MEDIA»
2022**

УЎК 336.02(575.1)
КБК 65.261.4(5Ўзб)

Тахрир ҳайъати аъзолари:

Уразалиев К.Т., Усманова М.С., Джамалов Х.Н., Бердиева У.А., Шодиев О.А.,
Артиков Н.А., Ибрагимов Б.Б.

«Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини таъминлаш: назарий-концептуал асослар ва амалиёт муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «QAMAR MEDIA», 2022. – 798 б.

Мазкур илмий-амалий конференция материаллари Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган солиқ сиёсатини такомиллаштириш жиҳатларини қамраб олган ҳамда улар юзасидан муаллифларнинг фикр-мулоҳазаларини ўзида мужассам этган. Илмий тезисларнинг мазмуни ва унда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигига муаллифларнинг ўзлари масъул-дирлар.

Материалы научно-практической конференции включают в себя приоритетные направление Стратегии развития совершенствования налоговой политики в повышении конкурентоспособности национальной экономики, а также научные взгляды и собственные мнения авторов. Следует отметить, что за содержание текста тезиса ответственность несут авторы.

The materials of the scientific-practical conference include the topical problems of improving tax policy to improve the competitiveness of national economy, as well as scientific views and opinions of the author's. It should be noted that, the authors of the abstracts are responsible for the content of the text.

Тешабаев Т.З.

Тошкент молия соинститути ректори

СОЛИҚЛАР – МАМЛАКАТ РАВНАҚИНИНГ МУҲИМ ДАСТАГИ

Қимматли вақтларингизни аямасдан мазкур анжуманда иштирок этаётганингиз учун барчангизга ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз!

Маълумки, глобаллашув ва рақамлаштириш жараёни электрон ҳукуматнинг кенг ривожланиши асосида солиқ маъмуриятчилиги соҳасига ҳам юқори талабларни қўймоқда. Жаҳон солиқ амалиёти далолат берадики, солиқ сиёсатининг ҳозирги замон талабларига мослашувчанлигини таъминлашнинг замирида солиқ маъмуриятчилиги сифатини ошириш масаласи ётмоқда.

Жаҳон солиқ амалиётида солиқ маъмуриятчилиги сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтириш ҳисобига солиқ тушумларини сезиларли тарзда ошириш, солиқ маъмуриятчилигидаги самарасиз харажатларни қисқартириш йўналишлари очиб берилган. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, айрим мамлакатларда солиқ тушумларининг юқори даражаси солиқ ахлоқи ва маданиятининг юқорилиги ҳамда солиқ қонунчилигининг барқарорлиги билан боғлиқ бўлса, бошқаларида иқтисодиётда солиқ юқининг юқорилиги, самарасиз имтиёзлар ва солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги боис солиқ тушумларининг паст даражаси мазкур тизимдаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар доирасида мамлакатда қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий рақамли шаклини жорий этиш, солиқлар ва йиғимларни ундиришда (тўлашда) солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон маълумот алмашинувини такомиллаштириш ҳамда назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини янада такомиллаштириш, шунингдек, давлат божи ва бошқа йиғимларни ундиришнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида солиқ маъмуриятчилигининг самарали усул ва воситаларини босқичма-босқич жорий этишнинг аҳамияти ва мазмунини тушунтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, қатор ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда таъкидлашим керакки, ҳозирги кунда аксарият мамлакатларда амалга оширилаётган рақамли трансформациялар давлат органлари ва биринчи навбатда солиқ органлари ва молия ташкилотлари фаолияти учун ўзига хос шарт-шароитларни белгилаб беради. Бундай шароитда анъанавий ва янги рақамли бизнес тузилмалари учун тенг солиқ режими ва бир хил солиққа

тортиш қоидаларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Илгари, янги бизнесни яратиш учун компания ўзининг истеъмолчи мамлакатдаги жисмоний иштирокини ўрнатиши керак эди. Рақамли иқтисодиёт ривожини билан мамлакатимизда юридик шахс ташкил этмасдан ҳам йирик бизнесни ривожлантириш мумкин бўлди. Рақамли иқтисодиёт компанияларга рекламани етказиб бериш ва онлайн-платформалар ёрдамида исталган миллий чегаралар орқали ўз миқдорларига эришиш имконини берди. Бу эса фойда жорий солиқ солинадиган базадан ташқарида олинганлиги сабабли солиқ тушумларида сезиларли камомадларга олиб келади. Ўз навбатида, анъанавий бизнес шаклига эга бўлган компаниялар рақамли масофадан бошқаришга эга компанияларга нисбатан ноқулай аҳволда қоладилар. Натижада, юқори технологияли компаниялар камроқ самарали солиқ ставкасини тўлайдилар. Бу рақамли иқтисодиётнинг кўплаб муаммоларидан бири бўлиб, солиқ органлари олдида ҳуқуқий, услубий ва маъмурий характердаги кўплаб мураккаб вазифаларни кўяди.

Ушбу қийинчилик ва чақириқлардан ташқари, рақамли иқтисодиёт, албатта, янги имкониятларни ҳам тақдим этади. Давлат органлари энди рақамли давлат хизматларини жорий этиши ва тақдим этиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда солиқ тўловчилар шахсий солиқ маълумотларидан фойдаланиш имкониятига эга. Электрон тизимлар солиқ тўловчига солиқ идорасига сўров ва аризаларни юбориш, солиқларни тўлаш учун тўлов ҳужжатлари, ҳисобланган ва тўланган солиқлар, қарзлар тўғрисида ҳисоботлар, маълумотларни олиш, солиқ текшируви ҳолатини кузатиш имконини беради. Жисмоний шахслар учун ҳам алоҳида электрон хизматлар яратилмоқда. Электрон декларацияларни тўлдириш ва солиқларни тўлаш имкониятидан ташқари, корхона ташкил этиш ёки яқка тартибдаги тадбиркорлик учун патент олиш учун зарур ҳужжатларни масофадан туриб тайёрлаш, солиқ калкуляторларидан фойдаланган ҳолда солиқ режимини танлаш ва ҳоказоларни таъминлайдиган электрон ресурслар мавжуд.

Инновациялар нафақат давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига, балки солиқ назорати методологияси ва воситаларига ҳам таъсир кўрсатади. Камерал солиқ текшируви ва товарларнинг жисмоний ҳаракатини марказлаш ёрдамида назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари жорий этилмоқда. Солиқ назорати чоралари билан бир қаторда электрон декларацияларни таҳлил қилиш тизимлари ҳам жорий этилмоқда. Бундай тизимлар солиқ тўловчиларнинг солиқ таваккалчилигини аниқлаш, турли солиқ турлари бўйича уларни ноқонуний ушлаб қолиш ва қайтаришнинг олдини олиш имконини беради.

Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ҳозирги кундаги кенг глобал жараён дур. Дарҳақиқат, иқтисодиётни, шу жумладан солиқ маъмуриятчилиги амалиётини рақамлаштириш жараёни кенг масшабали, муҳим ва зарурий ҳодиса бўлиб, кун тартибига давлат бошқаруви учун ҳам, илмий-назарий тадқиқотлар жараёни учун ҳам кўплаб янги, мураккаб муаммо ва механизмларга ечим топиш заруриятини кўймоқда. Шу сабабли, ушбу тенденциялар билан боғлиқ муаммолар келгусида кўплаб илмий конференциялар кун тартибига бўлишини ишонч билан таъкидлашимиз мумкин. Умид қиламизки, ушбу анжуман қатнашчиларининг маъруза ва

чиқишлари Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини таъминлашнинг назарий-концептуал асослари ва амалиёт муаммолари ечимига ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшади.

Тошматов Ш.А
Ўзбекистон Миллий Университети
ўқув ишлари бўйича проректори, и.ф.д., профессор

ТРАНСФЕРТ НАРХЛАРНИ БЕЛГИЛАШДА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мамлакатимиз қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришни кўзда тутди. Мазкур йўналиш қуйидаги муҳим вазифалардан бири сифатида солиқ сиёсатини такомиллаштириш белгиланган. Республикада солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепциясининг қабул қилиниши иқтисодиётимизда йирик корхоналарнинг солиқ юкини камайтиришга, жисмоний шахслар даромадларидан олинган солиқ ставкаларини кескин пасайтириш ва бирхиллаштиришга, бир нечта солиқ ва мажбурий тўловларни бекор қилинишига замин яратди. Мазкур соҳадаги ислохотларнинг чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ҳамда самарасиз солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларини бекор қилиш бўйича ишчи комиссиянинг янгиланган таркиби тасдиқланди. Ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасида туб концептуал ўзгаришлар киритилиши кўзда тутилмоқда-ки, халқаро тажриба асосида қабул қилинаётган шундай ўзгаришлардан бири трансферт нархларини белгилашда амалга ошириладиган солиқ назоратига қаратилган.

Трансферт нархларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлмаса-да иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан трансмиллий корхоналар ва солиқ органлари учун трансферт нархлар бўйича Қўлланма ((OECD) Transfer pricing guidelines for multinational enterprises and tax administrations) ишлаб чиқилган ва 2010 йил 22 июлда тасдиқланган¹.

Бу тавсиявий тусдаги ҳужжат бўлиб, унинг қоидадари турли мамлакатлар, жумладан (ИХТТ) аъзоси бўлмаган давлатлар миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Ҳозирда амалда бўлиб турган Қўлланма 1979 йилда қабул қилинган Трансферт нархлар бўйича Ҳисоботнинг янги таҳрири ҳисобланади.

Трансферт нархларининг қисқа таърифини келтирадиган бўлсак – бу трансмиллий корпорациялар ичида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва бажариладиган хизматларга ёки алоқадор корхоналар, шунингдек

¹ <https://www.oecd.org/tax/transfer-pricing/oecd-transfer-pricing-guidelines-for-multinational-enterprises-and-tax-administrations-20769717.htm>.

корхоналарнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ўрнатиладиган нархлар ҳисобланади.

Трансферт нархларини шакллантириш деганда аниқ товар (хизмат) ва бу товарни сотадиган субъектга боғланган трансферт нархларини ўрнатиш жараёни тушунилади. Трансферт нархларни шакллантиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Тўлиқ харажатлар усулида ҳисоб-китоб йўли билан топилган доимий ва ўзгарувчан харажатлар суммасининг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган миқдоридан келиб чиқиб трансферт нархлари аниқланади. Мазкур усул саноат корпорацияларида кенг қўлланилади, сабаби биринчидан осон усул, чунки бўлинма раҳбарларининг қўлида доимо харажатлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлади, иккинчидан солиқ ва божхона органлари талабларига зид келмайди, учинчидан бошқа усулларга нисбатан камроқ меҳнат талаб қилади. Шу билан бирга ушбу усулнинг асосий камчиликлари сифатида бозор конъюктурасини ҳисобга олмаслиги ҳамда реал бозор нархларидан алоҳидалашганлигини келтириш мумкин;

2. Тўлиқ қиймат усулида ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб трансферт нархлари аниқланади. Ушбу усулда трансферт нархларининг ҳисобланиши харажатларни камайтиришга бўлган қизиқишларини рағбатлантирмайди ва натижада улар фаолиятининг самарадорлигини пасайишига олиб келади. Шунингдек мазкур усулда мол етказиб берувчининг устама харажатларнинг тақсимланишида ҳам муаммолар юзага келади;

3. Маржинал харажатлар усулида трансферт нархлар ҳар бир қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот учун умумий харажатларни ўсишидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда маржинал даромадларга тенг бўлгунга қадар қўшимча маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши зарар келтирмайди;

4. Жорий бозор нархлари усулида трансферт нархлари ҳисоблаб чиқиш учун маҳсулотларнинг жорий бозор нархлари асос қилиб олинади, агар бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса шу товарга ўхшаш (аналог) товарнинг жорий нархи асос қилиб олинади. Мазкур усулда фойдаланиш оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришда рақобат бозори шаклланган ҳолларда мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга бозор монополлашган ҳолда бу усулни қўллаш самара бермайди.

5. Шартномавий нархлар усулида трансферт нархлари ҳисоблаб чиқиш учун тузилган шартномаларда кўзда тутилган нархлар асос қилиб олинади. Мазкур усулнинг тузилган шартнома асосида кафолатланганлиги билан бирга камчиликлари сифатида ҳар доим ҳам шартнома шартларининг тўлиқ бажарилмаслигини келтириб ўтиш мумкин. Мазкур усулдан нархлар тез ўзгарувчи ва тўлов тизими такомиллашмаган мамлакатларда бу усулни қўллаш керакли самарани бермайди.

6. Регрессив усулда трансферт нархларини ҳисоблашда корпорация томонидан очиқ бозорда олдин сотилган маҳсулотларининг нархи асос қилиб олинади. Оралиқ маҳсулотларга нисбатан трансферт нархларни ҳисоблашда ҳақиқий нархдан бошқа бўлинмалар харажат ва фойдасини қоплаш учун қилинадиган тўловлар чегириб ташланади. Чегиришлар технологик занжир

бўйича тескари тартибда амалга оширилади.

7. “Технологик занжир” усулида трансферт нархларини шакллантиришда бозор нархлари ва харажатлар асос қилиб олинади. Бунда мол етказиб берувчи корхона ўзининг алоқадор корхоналарига бозор нархлари бўйича етказиб берса-да, тўғридан-тўғри харажатлардан иборат таннарх бўйича охириги истеъмол товари ишлаб чиқарувчига тушади. Маҳсулот сотилгандан кейин корпорация бўйича жамланган фойда кейинги навбатда алоқадор корхоналар ўртасида технологик занжир бўйича тақсимланади.

8. Фойдани тақсимлаш усули ҳам “Технологи занжир” усулига ўхшаб кетса-да, лекин бу усулда трансферт нархлар шакллантиришда тўлиқ қиймат усулидан фойдаланилади, лекин корпорация бўйича йиғилган фойда алоқадор корхоналарга охириги истеъмол маҳсулотни қийматини шаклланишидаги улушига қараб тақсимланади

9. Шартнома-индекс усулида трансферт нархлар шакллантиришда иккита асосий шарт бажарилиши керак: алоқадор корхоналар ўртасидаги келишувлар таъминланиши ва фойдани тақсимлаш индекси ўрнатилиши. Ушбу усулда трансферт нархлар тўлиқ харажатлардан юқори лекин бозор нархларидан паст бўлган даражада ўрнатилади.

10. Математик дастурлаш усулида трансферт нархлар ўзгарувчан харажатлар билан “дастурланадиган” нархлардан келиб чиқиб шакллантирилади. Бунда “дастурланадиган” нархлар ресурсларнинг танқислиги даражасини кўрсатувчи қийматли баҳосидан ташкил топади. “Дастурланадиган” нархлар чизикли боғланишга асосланиб топилади.

Трансферт нархларини татбиқ этишнинг бош мақсади корпорация ичида солиқ солишни минималлаштириш ҳамда солиқ юки паст ёки имтиёзли солиққа тортиш тартиби амал қиладиган ҳудудларда жойлашган савдо корхоналарида фойдани жамлаш орқали ихтиёрида қоладиган соф фойдани оширишдан иборат.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасида трансферт нархни белгилашда амалга ошириладиган солиқ назорати доирасида қуйидаги солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текширади²:

- 1) фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ;
- 3) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 4) қўшилган қиймат солиғи;
- 5) акциз солиғи.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа оид бундай солиқ назорати, агар битимнинг тарафларидан бири мазкур солиқни тўловчи бўлса ҳамда қазиб олиниши чоғида солиқ солиш адвалор солиқ ставкаси бўйича амалга ошириладиган фойдали қазилма битимнинг предмети бўлса, амалга оширилади.

² <https://regulation.gov.uz/uz/document/7232>.



1-расм. Трансферт нархларнинг шаклланиш жараёнлари³:

Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғига оид бундай солиқ назорати, агар битимнинг тарафларидан бири тегишли солиқни тўловчи бўлмаган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўлса, амалга оширилади.

Трансферт нархни белгилаш чоғидаги солиқ назорати махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг бундай иштирокчи бўлмаган шахслар билан тузилган битимларига нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Солиқ текшируви натижасида, трансферт нархни белгилашда солиқ ҳисобланиши бўйича кўрсатилган суммалар пасайтирилганлиги ёки зарарнинг суммаси кўпайтирилганлиги аниқланган тақдирда солиқ идоралари ходимлари томонидан солиқ базасига ва солиқ суммасига тузатишлар киритилади.

Трансферт нархларини аниқлашда ва объектини ҳисобга олишда назорат қилинадиган битимлар муҳим аҳамият касб этади. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига назорат қилинадиган битимларнинг қуйидаги турлари келтирилган.

1. Ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги назорат қилинадиган битимлар.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари бўлган ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги битим қуйидаги ҳолатларнинг биттаси мавжуд бўлганда назорат қилинадиган битим деб эътироф этилади:

1) мазкур шахслар ўртасидаги битимлар бўйича даромадларнинг тегишли календарь йилдаги суммаси 5 миллиард сўмдан ошса;

2) битимнинг лоақал битта тарафи махсус солиқ режимини қўлласа ёки махсус иқтисодий ҳудуд иштирокчиси бўлса ҳамда ушбу битимнинг бошқа тарафлари ичида махсус солиқ режимини қўллайдиган шахс мавжуд бўлса, шунингдек мазкур шахслар ўртасидаги битимлар бўйича даромадларнинг тегишли календарь йилдаги суммаси 500 миллион сўмдан ортиқни ташкил этса;

³ Тегишли манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

3) битимнинг лоақал битта тарафи фойда солиғини тўлашдан озод этилган бўлса, пасайтирилган солиқ ставкасини ёки бошқа солиқ имтиёзларини қўлласа ҳамда бу битимнинг бошқа тарафлари ичида бундай солиқни тўлашдан озод этилмаган шахс мавжуд бўлса;

4) битимнинг тарафлари бири томонидан қазиб олинган фойдали қазилма битим предмети бўлса, агар ушбу фойдали қазилмага нисбатан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқда адвалор солиқ ставкаси назарда тутилган бўлса, шунингдек мазкур шахслар ўртасидаги битимлар бўйича даромадларнинг тегишли календарь йилдаги суммаси 500 миллион сўмдан ортиқни ташкил этса.

2.Ташқи савдога оид назорат қилинадиган битимлар.

Ташқи савдога оид назорат қилинадиган битимлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) жаҳон биржа савдоси товарларининг ташқи савдоси соҳасидаги битимлар;

2) тарафларидан бирининг рўйхатдан ўтказилиш жойи ёки яшаш жойи ёхуд солиқ резидентлиги офшор юрисдикция бўлган битимлар.

Жаҳон биржа савдоси товарларининг ташқи савдоси соҳасидаги битимлар, агар бундай битимларнинг предмети қуйидаги товар гуруҳларидан бирининг ёки бир нечтасининг таркибига кирувчи товарлар бўлса, назорат қилинадиган битимлар деб эътироф этилади:

1) рангли металлар;

2) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар;

3) минерал ўғитлар;

4) табиий газ;

5) пахта толаси ва пахтали ип.

Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати ўтказилганида қуйидаги усуллардан фойдаланади:

1) таққосланадиган бозор нархлари усулидан;

2) кейинги реализация қилиш нархи усулидан;

3) харажат усулидан;

4) таққосланадиган рентабеллик усулидан;

5) фойдани тақсимлаш усулидан.

Бунда таққосланадиган бозор нархлари усули назорат қилинадиган битимлар нархларининг бозор нархларига мувофиқлигини аниқлаш учун устувор ҳисобланади. Агар солиқ солиш мақсадларида таққосланадиган бозор нархлари усулини қўллаш мумкин бўлмаса ёки уни қўллаш назорат қилинадиган битимлар нархларининг бозор нархларига мувофиқлиги бўйича асосланган хулоса чиқариш имконини бермаса, бошқа усулларни қўллашга йўл қўйилади. Бунда энг кўп қўлланиладиган усул таққосланадиган бозор нархлари усули ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ агар назорат қилинадиган битимнинг нархи бозор нархлари оралиғи чегарасида бўлса, солиқ солиш мақсадларида ушбу нарх бозор нархларига мувофиқ бўлган нарх деб эътироф этилади. Агар назорат қилинадиган битимнинг нархи бозор нархлари

оралиғининг энг кам миқдоридан кам бўлса ёки унинг энг кўп миқдоридан кўп бўлса, ушбу нарх бозор нархларига мувофиқ бўлмаган нарх деб эътироф этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, трансферт нархларини шакллантириш бўйича солиқ назоратини белгиланиши биринчидан халқаро амалиётга мос келади ҳамда республикамизга трансмиллий компанияларнинг кириб келиши натижасида трансферт нархларини шакллантириш оқибатида солиқ тушумларидаги йўқотишларнинг олдини олади, иккинчидан ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги ва ташқи савдога оид операцияларда солиқ назорати самарадорлагини оширишга хизмат қилади.

Жўраев А.С.

*Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш
институтининг ректори в.б., и.ф.д., профессор*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИДИР

Мамлакатимизда бугунги кунда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, фермерлик ҳаракати юртимиз тараққиётида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани, далада ишлайдиган ҳар бир одамда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссини кучайтириб, келажакка ишончи янада мустаҳкамланиб бораётгани, фақатгина қишлоқ хўжалигини эмас, балки бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда. Бошқа соҳалар сингари аграр тармоқнинг ҳам бугунги шиддатли замон билан ҳамнафаслигини таъминлаш, деҳқону миришкорларимиз, фермерларимиз томонидан етиштирилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига эришишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш каби вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш, улар фаолиятини солиқ имтиёзлари ва преференциялар орқали қўллаб-қувватлаш, солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш каби масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш услубияти иқтисодий ислохотларнинг ҳар бир босқичда такомиллаштирилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари

ерларнинг меъерий қийматидан солиқ тўлаб келмоқдалар ва бу ҳолат соҳада хўжалик юритувчиларининг молиявий натижалари якунига боғлиқ эмас.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг айримларига, яъни агрофирмалар, деҳқон хўжаликларига нисбатан солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими ҳамда умумбелгиланган тартибда солиқ ундириш механизмлари жорий этилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун амалда солиқ ундиришнинг турли услубиятлари қўлланилиши ҳамда молия-хўжалик фаолияти якунларига солиқларнинг боғлиқ эмаслиги, соҳа вакиллари солиққа тортишда ягона услубиятнинг ишлаб чиқилмаганлиги, меъерий ҳужжатларда қарама-қаршилиқлар мавжудлиги мавзунини янада чуқурроқ тадқиқ этишни талаб этади.

Президентимиз томонидан 2017 йил 9 октябрда ПФ-5199-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони имзоланган эди. Ҳужжатда қайд қилинишича, Ўзбекистон фермерлари кенгаши етарли даражада фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қила олмади, фермерлик ҳаракатини ривожлантира олмади. Бундан ташқари, 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш даражаси самарасиз деб топилди. Шу боис ташкилот Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида қайта тузилди. Юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги йўналишларда ишлар олиб борилмоқда:

биринчидан, фермер хўжалиги юритиш учун бериладиган ерлар тоифасидан қишлоқ хўжалиги кооперативларининг, ширкат хўжаликларининг ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг, шу жумладан қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётганларининг ер участкалари чиқариб ташланди.

Мамлакатимизда паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативларини қайта ташкил этиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда, улар эгаллаган ер участкалари эса фермер хўжаликларига берилмоқда. Бироқ яқинда ишлаб чиқилган “Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси давлат иқтисодий фаолиятнинг ушбу шаклини қайта тикламоқчи эканлигидан далолат беради.

Шу тариқа, фермер хўжаликлари юритиш учун бундан буён фақат захира ерлар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ажратилади;

иккинчидан, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг фаолияти тартибга солинди. Таъкидлаш жоизки, 2022 йилда кўп тармоқли фаолиятни ўзлаштирамаган фермер хўжаликлари билан ерни ижарага олиш шартномалари бекор қилинади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан бирга уни қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва тақиқланмаган бошқа фаолият билан шуғулланадилар.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини юритади. Кўп тармоқли фермер хўжалигининг участкаси захира ерларга олиб қўйилганда у ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали қайта ташкил этилиши мумкин;

учинчидан, ер участкалари ўлчамларига ва уларни фермерларга бериш тартибига тузатиш киритилди. Наслдор чорвачилик фермер хўжаликларига бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,5 гектардан ҳамда бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда 0,6 гектардан ажратилади. Бундан ташқари, ғаллачилик учун участканинг энг кам майдони 10 гектарни ташкил этади. Боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун эса камида 1 гектардан 5 гектаргача бўлган чегара белгиланди.

Президентимизнинг "Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш, уларга банк хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари ташкил этилди.

Марказлар томонидан фермер хўжаликларига қуйидаги асосий хизматлар кўрсатилади:

- фермер хўжаликлари бўйича бухгалтерия ҳисоби юритиш;
- фермер хўжаликлари ишчиларига иш ҳақи ва ундан мажбурий ажратмалар ажратиш;
- мавсум якуни бўйича фермер хўжаликларининг асосий воситалари, товар-моддий захиралари, пул маблағлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари инвертизациядан ўтказиш;
- солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар, солиқ органлари билан қарздорлик бўйича солиштирма далолатномаларини тузиш ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини ташкил этиш;
- молиявий ва статистика ҳисоботларини тузиш ва уларнинг тегишли органларга тақдим этилишини ташкил этиш;
- фермер хўжалигининг йил якунига кўра даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш ва кейинги йилга бизнес режа тузишда амалий ёрдам бериш.

Хулоса сифатида қуйидагиларни эътироф этишимиз мумкин:

- фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фаолият юритиши ва кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириши учун кенг кўламли барча шарт-шароитларни яратиб бериш лозим;
- кўп тармоқли фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятларини солиққа тортишда энг мақбул бўлган услубиятни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;
- худудлар кесимида фойда ва қўшилган қиймат солиғини тўлаётган фермер хўжаликларининг пахта ҳамда ғалла етиштираётган ерлари ҳажмини ер солиғи тўлашдан тўлиқ озод қилиш лозим.

*Ниязметов И.М.
Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги
Фискал институт “Солиқлар ва
солиққа тортиш” кафедраси мудири, и.ф.д.*

СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ БЎШЛИҚЛАР

2017 йилдан янги Ўзбекистон сари ташланган илк қадамлар асносида иқтисодий чучуқ ва кенг қўламли ислох қилиш, жумладан, иқтисодий ўсишга имкон яратувчи замонавий солиқ тизимини шакллантириш масаласи давлат сиёсатининг энг асосий мақсадлари қаторидан ўрин олди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодийга солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинди. Солиқ тизимида йиллар давомида тўпланиб келган муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2018 йилда солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда белгиланган концептуал йўналишларда чоратадбирларнинг 2018-2020 йиллар мобайнида ҳаётга татбиқ қилиниши қуйидаги бир қатор натижаларни берди.

Умумбелгиланган (йирик бизнес) ва соддалаштирилган (кичик бизнес) солиқ режимларида солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектлари солиқ юкидаги номутаносибликни бартараф этиш мақсадида тадбиркорлик субъектининг энгил солиқ режимида қолиши ёки стандарт солиқ режимига мажбуран ўтишини ҳал қилувчи мезон сифатида ялпи тушум белгиланди. Натижада 2019 йилдан йиллик тушуми 1 млрд. сўмдан ошган тадбиркорлик субъектлари умумбелгиланган солиқ режимига, яъни фойда солиғи ва ҚҚС тўлашга ўтказилди. Шу орқали, биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ юкини адолатли тақсимлашга эришилди, иккинчидан, “кичик бизнес субъекти” мақомининг суистеъмол қилиниши, яъни бизнес субъектларининг энгилликлардан фойдаланиш учун “қолип”га тушиш ҳаракатлари маълум даражада чекланди ва шу орқали норасмий бандлик авж олишининг олди олинди.

Солиқдан қочиш “тирқиш”ларига сабаб бўлиб келган махсус режимлар, жумладан, савдо корхоналари, бозорлар, автостоянкалар, лотерея фаолияти ёки ўйин автоматларини ташкил қилувчилар ва шу каби бошқа фаолият турлари учун солиқ солишнинг алоҳида режимлари олиб ташланди. Бу эса тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимининг нисбатан унификацияланишига олиб келди.

Бир-бирини такрорловчи айрим солиқлар ва иқтисодий асосланмаган қўплаб мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ҳисобига солиқлар ва йиғимлар умумий сони 35 тадан 16 тагача қисқартирилди.

2018-2019 йиллар мобайнида иш ҳақига солиқлар юки кескин камайтирилди. Хусусан, жисмоний шахслар даромад солиғининг юқори ставкаси 22,5 фоиз бўлган прогрессив механизмдан 2019 йилда 12 фоиз

ставкага эга бўлган бир поғонали шаклига ўтказилиши, Пенсия жамғармасига олинадиган 8 фоизли мажбурий суғурта бадалининг бекор қилиниши, шунингдек, хўжалик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасининг 25 фоиздан 12 фоизга туширилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ солиқ юки 1,5 баробардан ортиқроқ камайди. Бунинг натижасида норасмий бандлик даражасининг сезиларли қисқариши кузатилди.

Истеъмолга солиқлар тизимини такомиллаштириш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, ҚҚС тўлақонли занжирини шакллантириш, қўшилган қийматни солиққа тортишнинг каскад усулидан қочиш, ишлаб чиқариш ва товарлар реализациясининг ҳар бир босқичида яратилган қийматга мос солиқ ундиришни таъминлаш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий асосга эга бўлмаган турли хил имтиёзлар олиб ташланиб, ҚҚС тўловчилари қамрови кенгайтирилди.

Бундан ташқари, акциз солиқлари тартибга солинди, уларнинг таркиби кескин қисқартирилди. ҚҚС ставкасининг пасайтирилиши, республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан ўсимлик ёғи, техник мой, қимматбаҳо металллар, пахта толаси, шунингдек, импорт қилинадиган озиқ-овқат, дори-дармон, гигиена ва электротехника маҳсулотларининг қарийб барча турлари бўйича акциз солиғи бекор қилиниши истеъмолга солиқлар юкини камайтиришга имкон берди.

Мулкий солиқлар ва ресурс тўловлари фискал аҳамиятини ошириш, мулк, ер ва сув ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида юридик мақоми, тушуми ва бошқа мезонларидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектларига мол-мулк, ер ва сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларнинг татбиқ этилиши бундай солиқларни тўловчилар сонининг кескин ортишини таъминлади.

Мол-мулк солиғи механизми такомиллаштирилди. Корхоналар учун мулк солиғи объекти сифатида фақат кўчмас мулк қолдирилди, ставкаси эса 5 фоиздан 2 фоизга туширилди. Жисмоний шахслар мулк солиғи базаси мулкнинг инвентарь қийматидан кадастр қийматига ўтказилди, 2021 йилдан эса босқичма-босқич бозор қийматига ўтказилмоқда.

Айрим солиқларни (ягона солиқ, ягона ижтимоий тўлов) ҳисоблаб чиқишнинг илмий асосланмаган ва бозор талабларига жавоб бермайдиган турли хил базавий (энг кам) меъёрларини бекор қилиш ҳамда солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш орқали тадбиркорлик субъектларига маъмурий юк енгиллаштирилди.

Мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат шароитини яратиш мақсадида 84 турдаги солиқ имтиёзлари бекор қилинди ҳамда индивидуал имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечилди.

Солиқ тизимида амалга оширилган кенг қамровли ислохотларга қарамай, соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.

Хусусан, солиқ сиёсатидаги энг катта бўшлиқ, бу – яширин иқтисодиёт, норасмий бандлик ва “конверт” усулида меҳнатга ҳақ тўлаш муаммоларини самарали ҳал қилувчи механизмларнинг йўқлигидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон иқтисодиётида банд аҳолининг расмий ҳисобга олинган қисми 2020 йил якунларига кўра 38,5 фоизни ташкил қилган. Ёки бошқача айтганда, норасмий бандлик даражаси мамлакатда 61,5 фоизни ташкил этмоқда. Айнан шу муаммо мамлакат иқтисодиётининг тенг ярмини ташкил қилаётган норасмий секторни жиловлашга тўсқинлик қилмоқда.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатдики, йирик миқёсдаги бундай норасмий бандликни бартараф этишнинг асосий чораси, бу – аҳоли даромадлари ва мол-мулкни умумдекларациялаш асосида солиққа тортиш тизимини йўлга қўйишдир.

Даромадларни декларациялаш асосида солиққа тортишнинг халқаро андозаларга асосланган механизмини ишга тушириш Ўзбекистон солиқ тизимидаги бўшлиқларни ёпиш, ҳозирда ҳисобга олинмаётган норасмий даромадларни солиққа жалб қилиш орқали солиқ тўловчилар қамрови ҳамда солиқ базасини кенгайтириш ва даромад солиғининг фискал аҳамиятини ошириш имкониятини юзага келтиради.

Солиқ сиёсатидаги иккинчи йирик бўшлиқ универсал акцизлар муаммосидир. Ўзбекистонда амалда бўлган ҚҚС тизимининг таҳлили унинг мураккаб ва нисбатан кам такомиллашган механизмга эга эканлигини кўрсатди. Хусусан, ҚҚС фискал салоҳиятини баҳоловчи С-самарадорлик кўрсаткичи 49 фоизга тенг бўлиб, амалдаги солиқ механизмнинг ҚҚС идеал салоҳиятига нисбатан икки баравар самарасиз эканлиги аниқланди.

ҚҚС механизми самарадорлигининг пастлиги асосан турли хил имтиёзлар мавжудлиги ва солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш даражасининг пастлиги каби иккита омилга боғлиқлиги кузатилди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган солиқ ислохотлари натижасида ягона солиққа асосланган режимлар бекор қилинган бўлсада, амалдаги айланмадан солиқ ҳамда мавжуд имтиёзлар тизими ҚҚС тўлақонли занжирини яратишга изн бермаяпти.

Халқаро солиқ амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, солиқ тизимида бир пайтнинг ўзида универсал акцизларнинг фақат бир тури амал қилади. Мисол учун, тизимда ҚҚС мавжуд бўлса, у билан параллел равишда қўшимча яна оборот солиғи (сотувдан солиқ) қўлланилмайди. Ўзбекистонда эса бир вақтнинг ўзида ҳам ҚҚС, ҳам айланмадан солиқ амал қилади. Бу назарий жиҳатдан ҳам, халқаро тажриба нуктаи назаридан ҳам нотўғри амалиёт бўлиб, ҚҚС самарадорлигига путур етказмоқда.

Амалиёт таҳлили ва кузатувлар шуни кўрсатдики, айланмадан солиқ тўлаш режимига ўтиш мезони ўзини тўлиқ оқламади. Бунинг сабаби шундаки, тадбиркорлик субъектларининг йиллик тушуми 1 млрд. сўмдан ошиши уларга ҚҚС мажбуриятини юзага келтиради. Товарлари тўлиқ ёки қисман ҳисобга олинмаган бозорлари бор, шунингдек норасмий бандлик даражаси юқори бўлган Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун хом ашёни ҚҚСсиз арзонроқ нархларда сотиб олиш имкониятлари мавжуд. Бу эса ўз-ўзидан бундай тадбиркорлик субъектларининг реализацияни ҳам ҚҚСдан яшириш ёки ҳеч бўлмаганда айланмадан солиқда қолишига сабаб бўлади.

Мазкур муаммо Ўзбекистон солиқ сиёсати олдида янги масалани – кичик ва йирик бизнес ўртасидаги звено, яъни ўрта бизнес субъектлари мақомини белгилаш ва бу тоифа учун солиқ солишнинг бирмунча енгиллаштирилган шаклини жорий этиш вазифасини қўймоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун солиқ солишнинг енгиллаштирилган тартибини жорий қилиш баробарида бундай субъектлар мақомини аниқлаш мезонларини халқаро амалиёт қиёсий таҳлили асосида ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Солиқ тизимидаги бўшлиқлардан яна бири мулкӣ солиқларга тўғри келади. Халқаро амалиётда мулкӣ солиқлар маҳаллий бюджетлар даромадларида муҳим роль ўйнасада, Ўзбекистонда бундай солиқларнинг фискал аҳамияти жуда паст. Бу солиқларнинг маъмурчилиги ҳам жуда самарасиз. Айниқса, мол-мулк солиғи механизмининг юридик ва жисмоний шахслар учун кескин фарқланиши ушбу солиқни самарасиз қилиб келди.

2020 йил 3 декабрда қабул қилинган ПФ-6121-сонли Президент фармонида кўра мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк (бино, иншоот ва ер участкалари) объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда ушбу солиқлар ўрнига кўчмас мулк солиғини киритиш вазифаси қўйилди. Шу сабабли, Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларнинг мунтазам ва ишончли солиқ базасини шакллантириш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда мулкӣ солиқлар тизимини ихчамлаштириш мақсадида, мол-мулк ва ер солиқлари механизмини унификациялаш ҳамда кўчмас мулк солиғининг базасини аниқлашда юридик шахслар учун йиллик ўртача қолдиқ қиймат усули, жисмоний шахслар учун эса норматив баҳолаш усулидан воз кечиб, кўчмас мулкнинг қийматини бозор механизмлари асосида оммавий баҳолаш тизимига ўтиш зарур.

Тўлақонли солиқ сиёсати олиб борадиган ҳар қандай давлатда табиатдан оқилона фойдаланишни солиқ воситасида тартибга солиш муаммоси долзарб аҳамият касб этади. Зеро, солиқ сиёсати юритишда давлат фискал, иқтисодий, ижтимоий мақсадлар қаторида экологик мақсадни ҳам кўзлайди. Бирок, Ўзбекистон солиқ тизимида экологик солиқларнинг ўрни унчалик сезиларли эмас. Республикада фойдали қазилмалардан фойдаланганлик учун юқори фискалликка эга акцизлар ва рента тўловларига кўпроқ аҳамият берилгани ҳолда атроф-муҳитни ифлослантиришни олдини олиш ёки табиатга етказилган зарарни қоплаш имконини берувчи фискал инструментлар яхши йўлга қўйилмаган. Шу сабабли, Ўзбекистон солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилишда назарда тутилиши лозим бўлган яна бир муҳим масала, бу – солиққа тортишнинг экологик йўналтирилганлигини кучайтиришдир.

*Воронин С.А., д.э.н., проф.
Ташкентского филиала
РЭУ им. Г.В. Плеханова
главный специалист Института
бюджетно-налоговых исследований*

ПУТИ РАЗВИТИЯ КЛАССИФИКАЦИИ НАЛОГОВ И СБОРОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимини шаклланишининг илмий-тарихий жиҳатлари кўриб чиқилади. Замонавий солиқ ислохотларида солиққа тортишнинг илмий асосларига мос келишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Солиқлар ва йиғимларни таснифлашда методологик ёндашувларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: солиқ таснифи, солиқларнинг номланиши ва маъноси, тасниф белгилари, солиқ ислохоти

Аннотация. В статье рассматриваются научные и исторические аспекты формирования налоговой системы в Республике Узбекистан. Особое внимание уделяется соответствию современной налоговой реформы научным основам налогообложения. Даны рекомендации по улучшению методологических подходов, по которым осуществляется классификация налогов и сборов.

Ключевые слова: классификация налогов, названия и смысл налогов, классификационные признаки, реформа налогообложения

Annotation. The article examines the scientific and historical aspects of the formation of the tax system in the Republic of Uzbekistan. Particular attention is paid to the compliance of the modern tax reform with the scientific foundations of taxation. Recommendations are given for improving the methodological approaches by which the classification of taxes and fees is carried out.

Keywords: tax classification, names and meaning of taxes, classification signs, tax reform

Одним из направлений Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы является улучшение налогового администрирования, продолжение курса на снижение налогового бремени и упрощение системы налогообложения. Внесенные за последние годы изменения в налоговом законодательстве оказывают влияние как на деятельность юридических и физических лиц, так и на формирования средств Государственного бюджета. В настоящее время уже можно сопоставить соответствие отдельных принятых мер с основными положениями, предложенными в разные годы представителями ведущих научных школ.

Адам Смит, как основоположник классической школы, считал налоги источником пополнения бюджета и справедливой ценой за оплату услуг государства. Поэтому началом разработки научных принципов организации налоговой системы как единого целого принято считать фундаментальные положения, разработанные данным исследователем.

Базовым постулатом этой школы налогообложения является разработанный методологический подход о приоритете «предложения» как фактора, определяющего «спрос» через влияние на рынок ресурсов. В данном случае, рынок признается автоматическим регулятором экономических отношений, а позитивная роль государства в регулировании экономики полностью игнорируется.

На этих методологических основах одной из зародилась *теория обмена*, суть которой заключалась в возмездном характере налогообложения. Все граждане, которые оплачивают налог на доходы, покупают у государства общественно значимые блага (безопасность, судопроизводство и др.).

В то же время, Д. Риккардо, рассматривал *налоги как источник зла*, препятствующий накоплению и образованию капитала. Он утверждал, что налогом должны облагаться в первую очередь предметы роскоши, а не товары первой необходимости, и выдвинул идею необлагаемого минимума в налогообложении физических лиц.

В начале XX века теория обмена постепенно трансформировалась в работах Ф. Нитти (1868-1953) в *теорию удовлетворения «коллективных потребностей»*, платой за удовлетворение которых являются налоги. Данная теория основывается на идеях невмешательства государства в экономику.

По мнению А. Лаффера (1940 г.р.), высокие ставки налогообложения негативно влияют на экономическую активность, сокращают совокупное предложение, замедляют экономический рост, и затем, ведут к сокращению поступлений в Госбюджет. Согласно положениям его теории существует непосредственная связь налоговой системы с теневой экономикой, масштабы которой растут по мере роста объема налоговых изъятий⁴. Одним из концептуальных применений кривой Лаффера является определение ставки налогообложения, при которой достигается максимальный фискальный доход (иными словами, «оптимизация» сбора доходов). Однако, по мнению Х. Нормурадова, теоретически рассчитать кривую Лаффера и ее максимальную точку невозможно...⁵

Имеет смысл выявить, какие важнейшие положения основных теорий налогообложения (их авторов-классиков) использовались в Узбекистане в ходе налоговой реформы 2019-2021 годов.

Селигмен, представитель «теории обмена», предлагал в начале использовать пропорциональную систему налога на доходы физических лиц, а после этого – внедрять прогрессивную шкалу. В Узбекистане с 1 января 2019 г. осуществлен переход к плоской шкале НДФЛ при ставке 12%, что, на наш взгляд, *вполне обоснованно и соответствует идеям Селигмена*.

Лаффер, представитель «теории экономики предложения» утверждал, что необходимо сокращать налоговую нагрузку на бизнес. В Узбекистане совокупная налоговая нагрузка на экономику существенно не изменилась: 25,4% в 2018 г., 25,9% - в 2019 г., 25,9% - в 2020 г. и 26,7% в 2021 г. к ВВП (с

⁴ Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе / пер. с англ. 4-е издание – М.: Дело ЛТД, 1994.

⁵ Хамидулла Нормурадов. Динамика поступлений налогов и пик кривой Лаффера для Узбекистана. 07.02.2020. Электронный ресурс: <https://review.uz/post/dinamika-postupleniy-nalegov-i-pik-krivoy-laffera-dlya-uzbekistana>

учетом расходов ГЦФ). В тоже время, налоговое бремя без учета расходов ГЦФ, наоборот, налоговая нагрузка на экономику существенно возросла: 18,6% - в 2018 г., 21,2% - в 2019 г., 22,1% - в 2020 г., 22,4% в 2021 году (к ВВП)⁶.

В налоговом законодательстве до настоящего времени недостаточное внимание уделяется вопросам улучшения методологических подходов, используемых при осуществлении классификации налоговых платежей, а также для их учета при ценообразовании. Данный фактор искажает расчеты уровня налоговой нагрузки на деятельность предприятий и отраслей экономики. В Налоговом кодексе в новой редакции (действует с 2020 г.) классификация налогов и сборов представлена слишком в обобщающем виде (налоги и сборы).

Предложения и рекомендации:

В целях реализации Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы целесообразно внести определенные корректировки в действующие инструменты налогообложения, вытекающие из научно-методологических положений и практического опыта стран, использующих социально-ориентированную концепцию развития. В частности, можно применить подходы, вытекающие из теории общественных (коллективных) потребностей (теории обмена) при совершенствовании классификации налоговых платежей и сборов. Их можно применить для совершенствования классификации налоговых платежей и улучшения их учета при ценообразовании.

На наш, взгляд, налогоплательщики должны чувствовать реальный эффект от уплаченных налогов и сборов. Чем больше налогоплательщики уплачивают налогов, тем больший возврат в виде качественных государственных услуг они должны ощущать в повседневной деятельности. В этом случае, высокий уровень налоговой нагрузки не будет препятствовать экономическому росту и способствовать уходу от налогообложения.

В целях повышения качества индикаторов налоговой нагрузки на деятельность хозяйствующих субъектов и отраслей экономики большое значение имеет классификация группировка налогов и обязательных отчислений по признакам «регулярности» оплаты налогов и «делимости» предоставляемых государством общественных услуг. Среди экономистов до настоящего времени пока еще нет единого мнения по данному вопросу. Так, по мнению Пинской М.Р., «...в настоящее время в российской экономической литературе преобладает трактовка налога как принудительного изъятия государственной властью части денежных средств у хозяйствующих субъектов и отдельных граждан...»⁷ Проблема «регулярности» оплаты налогов во взаимосвязи с «делимостью» общественных услуг *при разработке механизмов налогообложения в последние годы осталась без должного внимания.*

В целях повышения качества расчетов налоговой нагрузки на деятельность хозяйствующих субъектов большое значение имеет группировка налогов и

⁶ Данные Министерства финансов и Госкомстата РУз. Электронный ресурс: www.mf.uz, www.stat.uz

⁷ Пинская М.Р., Мельничук М.В., Осипова В.М. Теория налогов (с компендиумом «A short history of taxes and taxation»: учебное пособие / Финансовый университет при Правительстве РФ. – Москва: Прометей: 2018. С.53.

обязательных отчислений по признакам «регулярности» оплаты налогов и «делимости» предоставляемых государством общественных услуг.

Предлагаемую группировку налоговых платежей целесообразно использовать при определении пороговых (предельных) показателей налоговой нагрузки в разрезе отраслей экономики (корректировки ставок), разработки мер по усилению стимулирующей роли налогообложения в структурных преобразованиях, регулировании ценообразования на продукцию субъектов естественных монополий и предприятий-монополистов, анализе уровня рентабельности на микро- и мезо уровнях.

В целях оценки уровня налогообложения по отраслям экономики и отдельным предприятиям целесообразно осуществлять группировку налоговых и других обязательных платежей по следующим укрупненным группам: *Налоги; Отчисления и взносы; Сборы и государственные пошлины*. По каждой из этих групп следует четко определить их экономическую сущность. При этом название налога, сбора или обязательного отчисления должно вытекать из его основной функции.

Учитывая, что все расходы консолидированного Госбюджета в цивилизованной экономике должны осуществляться ради налогоплательщиков, отдельных категорий иждивенцев, а также реализации утвержденных приоритетов развития страны, то правительству целесообразно определиться: какие расходы юридических и физических лиц должны возмещаться за счет их доходов (прибыль, зарплата, дивиденды), а какие - за счет затрат предприятий. Это позволит создать условия для обоснованного определения уровня налоговой нагрузки на коммерческую деятельность предприятий.

В зависимости от того, в какой группе находится соответствующий налог или обязательный платеж, должно меняться и его место при ценообразовании. По каждой из этих налоговых групп предлагается устанавливать предельный уровень налоговой нагрузки по виду деятельности или по отрасли экономики. В этом случае, можно будет на практике применить идею А. Лаффера, представителя «теории экономики предложения», о необходимости установления предельно допустимого уровня налогообложения на предприятие и отрасль. Введение данной меры будет способствовать сокращению сферы теневой экономики.

Если обязательный платеж (налог) вносится за предоставление государством «неделимых» услуг, то расходы хозяйствующего субъекта на его уплату должны возмещаться за счет валовой прибыли. Если платеж осуществляется за конкретный предоставленный налогоплательщику общественный ресурс (недра, земельно-водные ресурсы, человеческий потенциал и др.), то эти расходы должны возмещаться за счет себестоимости производимой продукции или оказываемых услуг. Эти положения необходимо включить в правила ценообразования при учете оплаты услуг государства, а также в Налоговый кодекс в новой редакции, который введен в действие с 1 января 2020 года.

Внедрение предлагаемой группировки налогов, обязательных отчислений, сборов и государственной пошлины вытекает из положений «теории обмена

эквивалентов» и направлена на нахождение «компромисса» между налогоплательщиками и государством в условиях рыночной экономики и нарастающих глобальных вызовов. Предлагаемые рекомендации целесообразно использовать при разработке налогово-бюджетной политики Узбекистана на среднесрочный период.

Уразалиев Камолитдин Тажиккулович
Тошкент молия институти
“Солиқлар ва солиққа тортиш”
кафедраси мудири, и.ф.ф.д. (PhD.)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ХИЗМАТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАЪМУРЧИЛИГИ

1. Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларига асосланган янги солиқ сиёсати талаблари асосида солиқ тўловчилар учун яратилган шароит ва иқтисодий базис, ривожланишнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда “солиққа тортишнинг тартибга солиш функцияси”, “солиққа тортишнинг тартибга солиш функцияси самарали тараққиёти” тушунчалари мазмунига тизимли ёндошувга асосланган янги таъриф берилиши лозим.

2. Солиққа тортиш амалиёти тадқиқи асосида, унинг тартибга солиш функцияси самарали тараққиёти тизимли муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга оид таклифлар тизими ишлаб чиқилиши зарур.

3. Жаҳон солиқ амалиёти тажрибаларини умумлаштирган ҳолда солиққа тортиш фискал типининг тартибга солувчи типига трансформациялашуви объектив тенденцияси кузатилаётганлигини аниқлаб бериш ва шу билан боғлиқ тарзда янги Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиш истиқболларида солиққа тортишнинг тартибга солувчи типига ўтишнинг мақсадга мувофиқлиги исботлаб берилиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикасидаги солиқ тизими модернизациясига ҳозирги ёндошувларни ўзгартириш зарурлигини аниқлаш талаб этилади. Солиқлар тартибга солиш функцияси амал қилишини солиқ имтиёзлари тизими фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини илмий асослаб бериш даркор. Шу муносабат билан “солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тизими самарасиз ва имтиёзларнинг бекор қилиниши, улардан мутлоқ воз кечилиши лозимлиги ҳақида”ги ёндошувларни қайта кўриб чиқиш ҳамда “солиқ имтиёзлари тизими самарали фаолиятини таъминлаш” амалиётига қайтишнинг мақсадга мувофиқлиги, авваломбор, корхоналарнинг илмий-техник ишланмаларга, янги технологиялар сотиб олишга, қидирув тадқиқот ишларига, персонал малака даражасини ошириш ишларига, ишлаб чиқаришнинг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш ишларига йўналтириладиган фойдадан солиқ бўйича имтиёзлар тизимини қўллаш зарурлигини асослаб бериш зарур.

*Сабиоров. М.Қ
Тошкент молия институти
“Солиқлар ва солиққа тортиш”
кафедраси доценти, и.ф.ф.д., доцент*

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АХОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мамлакатимиз солиқ тизимида жисмоний шахслар даромад солиғи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу солиқ тури солиқ тўловчилар сонининг кўплиги ва солиқ базасининг катталиги билан ажралиб туради. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатдики, даромад солиғининг бюджет даромадларидаги салмоғи сўнгги ўн йиллар мобайнида камайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Мазкур солиқ бўйича тушумларнинг катта қисми меҳнат ҳақи шаклида олинаётган даромадлардан ундирилаётгани, даромад солиғи бўйича ставкаларнинг эса йилдан йилга пасайтириб борилаётгани даромад солиғи тушумларининг жами бюджет даромадларидаги салмоғи қисқаришига сабаб бўлиши мумкин. Бозор ислохатларининг кўлами ва сифати ошиб бориши билан аҳоли иқтисодий фаол қисмининг бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан шуғулланишга интилишлари ва моддий манфаатдорликнинг кескин ошиши оқибатида улар томонидан турли кўринишдаги даромадлар олишига имкон яратилади. Буни иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиёти ҳам тасдиқлайди, ҳозирги кунда барча ғарб давлатлари ходимларининг ярмидан кўпроғининг умумий даромадлари таркибида, турли даромад манбаларидан олган даромадлари нисбатан юқорида салмоқни (учдан бир қисмини) ташкил қилади.

Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликка ва даромад топишга юқори даражадаги эркин шароит яратиш билан бир қаторда ушбу даромадларнинг қонунийлигини таъминлаш ва тўлиқ солиққа жалб қилиш ҳам долзарб масаладир. Халқаро амалиётда синалган даромадларни декларациялаш амалиёти бугунги кундаги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда ҳам зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда бундай тизимни жорий этиш орқали фуқаролар даромадларининг тўлиқ ҳисобга олиниши ва тўғри ҳамда адолатли солиққа тортилиши таъминланади. Чунки, даромадларни декларациялаш тизими моҳиятан жамиятдаги барча даромад манбаларини ўрганиш, уларни ҳисобга олишга ҳамда солиқдан қочишни олдини олишга қаратилган механизмдир. Шу сабабли, халқаро амалиёт тажрибаларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда даромадларни декларациялаш асосида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, аксарият кўпчилик олимлар солиққа тортишда адолатнинг таъминланиши муаммосни энг асосий масала сифатида кўтаришган. Адолатни таъминлаш эса асосан даромадларни солиққа тортиш механизми орқали рўёбга чиқарилади. Бунда фақат аҳолининг ёки тадбиркорлик субъектларининг барча қисмини солиққа жалб қилиш орқали солиққа тортишнинг умумийлигини таъминлаш тушунилмайди. Балки, даромадларни солиққа тортиш даражасида ҳам адолат таъминланиши, яъни фуқароларнинг тўлов қобилияти ва даромадлари даражаси ҳам ҳисобга олиниши назарда тутилади. Даромадларни солиққа тортишдаги умумийликни таъминлаш горизонтал адолатга эришиш имкониятини беради. Солиқ тўловчиларнинг тўлов қобилияти ва даромадлари даражасини ҳисобга олган ҳолда прогрессив солиққа тортиш эса вертикал адолат қарор топишига олиб келади.

Шундай қилиб, фуқаролар учун белгиланган даромад солиғи воситасида аҳоли даромадларининг, биринчи навбатда катта (юқори) даромадларнинг бир қисмини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларига қайта тақсимлаш амалга оширилади. Шу орқали жамиятда фуқаролар даромадларидаги нотенглик маълум даражада текисланади.

Мақолада Ўзбекистон Республикасида даромадларни солиққа тортишнинг турли механизмлари қўлланилиши масалалари ўрганилганлиги боис, анъанавий таҳлил усулларидан, жумладан, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, тизимли ёндашув, кузатув, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил, омилли таҳлил, расмий график, жадваллар ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган оқилона иқтисодий, жумладан солиқ ислохотлари натижасида барқарор иқтисодий ўсишга ҳамда аҳолининг реал даромадларини ошириб боришга эришилмоқда. Бирок, ушуб ўсиб борувчи даромадларни тўлиқ қамровли ва адолатли солиққа тортиш масаласини ижобий баҳолаб бўлмайди.

1. Даромад солиғи воситасида аҳоли даромадларининг, биринчи навбатда, катта (юқори) даромадларнинг бир қисмини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларига қайта тақсимлаш амалга оширилади. Шу орқали жамиятда фуқаролар даромадларидаги нотенглик маълум даражада текисланади.

2. Замонавий тадқиқотлардан маълум бўлишича, аҳоли бойлиги ва даромадларидаги ҳаддан зиёд тенгсизлик нафақат ижтимоий норозилик ва нобарқарорлик омили ҳисобланади, балки мамлакатнинг иқтисодий ва демографик кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу кишиларнинг

ишлаб чиқариш мотивацияси ва инсон ҳатти-ҳаракати функционал ҳолатининг бузилиши билан изоҳланади.

3. Бозор муносабатларига йўналтирилган мамлакатлар ўтиш даврида солиқ инструменти орқали аҳоли даромадларини қайта тақсимлаш ва иқтисодий тартибга солишни амалга оширади. Аҳоли даромадларидаги сезиларли тенгсизликни бартараф этиш муаммоси ривожланган мамлакатларда аллақачон маълум даражада ҳал қилинган. Бироқ, аксарият ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда бу муаммо ҳанузгача ҳал қилинмаган.

4. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳолининг жуда катта қисми норасмий банд бўлиб, уларнинг даромадлари бевосита солиққа тортилмай келмоқда. Аҳоли норасмий бандлигининг кучайиб бориши умумий иқтисодиётда норасмий сектор улушининг янада кенгайиб боришини рағбатлантиради. Норасмий иқтисодиётнинг кенгайиб бориши эса давлатнинг молиятизимини ичдан кемиради ва издан чиқаради.

5. Республикамизда даромадлар устидан тўлақонли солиқ назоратини таъминлаш, жисмоний шахслар даромадларини адолатли солиққа тортиш ҳамда мазкур солиқнинг фискал аҳамиятини ошириш мақсадида жаҳон солиқ амалиёти тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жисмоний шахсларнинг йиллик умумий даромадлари, харажатлари ва мол-мулкини декларациялаш тизимини жорий этиш лозим.

*Шодиев О.А., ТФИ,
старший преподаватель кафедры
“Налоги и налогообложение”
самостоятельный соискатель*

АКЦИЗНЫЙ НАЛОГ: ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

В условиях рыночных отношений прямое воздействие на экономику, на хозяйственную деятельность страны должен оказать механизм налогообложения - один из главных инструментов государственного регулирования экономикой, процессом производства, распределения и потребления. Не случайно на фасаде здания одного из центральных налоговых учреждений США в Вашингтоне высечена фраза: “Налоги - цена цивилизованного общества”.

Так, налоги используются не только для регулирования производства, но и для стимулирования развития одних отраслей экономики, в то же время сдерживая развитие других - менее важных. С помощью налогов также возможно регулирование потребления. Например, такой налог, как акциз влияет на спрос и покупательную способность в отношении тех товаров, на которые он распространяется.

Проблемы совершенствования акцизного налога в настоящее время являются чрезвычайно актуальным. Акцизы по-прежнему остаются причинами дебатов в парламенте, широко обсуждаются в прессе, но, к сожалению, в отечественных научных журналах и публикациях этот вопрос обходится стороной. Очевидно,

что такое положение дел приводит к противоречивому законодательству. Возможно, что это объясняется тем, что акцизы являются относительно новым явлением в нашей экономике. В связи с этим, исследование основных направлений совершенствования акцизного налога в Узбекистане и выработку решений по спорным вопросам с точки зрения, как теоретических аспектов косвенного налогообложения и налогового администрирования, так и исследования, и анализа мирового опыта, представляется весьма целесообразным.

Следует отметить, что акцизный налог используется в качестве один из основных форм косвенного налогообложения в ряде государств, находящихся на различных этапах экономического развития. Вместе с тем, акцизный налог получил широкое распространение в современном мире. Основной причиной широкого распространения акцизного обложения со времен глубокой древности и до наших дней являются его ощутимые фискальные выгоды и высокая скорость их получения. Еще в 1666 г. французский экономист Ф.Дэмэзон отмечал, что акциз «способен один принести казне столько же и даже больше, чем все другие налоги»²⁵.

Термин «акциз», по мнению ряда исследователей, происходит от голландского «exijs» (от старофранцузского «accise»), означавшего «оценка для налогообложения». Также существует мнение о том, что слово «акциз» могло произойти от латинского «accidere», («вырезать», «отрезать»), что означало засечки на специальной палке, использовавшейся для измерения количества напитка в сосуде в целях налогообложения.

Акцизный налог представляет собой разновидность косвенных налогов на товары преимущественно массового потребления (а также услуги), включается в цену продукта (или тарифы на услуги) и перекладывается, таким образом, на конечного потребителя. Сущность и природа индивидуального акциза сходна с универсальным акцизом - налогом на добавленную стоимость, налогом с оборота, налогом с продаж. Отличительной же особенностью индивидуальных акцизов является то, что взимается они лишь с определенных товаров. Товары, облагаемые акцизами, обычно обладают общей характерной чертой: спрос на эти товары малоэластичен по отношению к уровню дохода.

Акцизы были одним из первых налогов, вводимых в периоды экономической трансформации, поскольку этот налог относительно легко вводить и следить за его уплатой. Эти административные преимущества проистекают из способности налоговых органов осуществлять контроль над физическим объемом определенных товаров вместо того, чтобы полагаться на бухгалтерские книги для его взимания.

Исторически, акциз считался налогом на производство, а не на потребление, и налагался на производителя, как правило, по месту производства. Акцизный налог существовал, или существует, на базе фиксированной суммы на единицу продукции или в процентах от стоимости товара, эта мера дополняет административные преимущества налога. Кроме того, налог может давать

²⁵ Малов В.Н., Кольбер Ж.Б. Абсолютистская бюрократия и французское общество. М.: 1991. С.90

значительные доходы, в особенности в расчете на единицу административных издержек, если перечень подакцизных товаров тщательно продуман и включает лишь ограниченный круг товаров.

Основным отличием акцизов от прочих налогов и обязательных платежей на потребление является, *во-первых*, их специфическая сфера деятельности - потребление конкретного товара (услуги) или группы товаров (услуг) и, *во-вторых* - без эквивалентности. Если первое отличает акцизы от таких налогов на потребление с широкой базой обложения как НДС или налог с продаж, то второе - от всевозможных платежей и сборов за пользование общественными товарами или услугами.

Существует три основных вида акцизов, подразделяемых в зависимости от функции, которую они выполняют. К первой группе относятся так называемые традиционные акцизы - на алкоголь и табачные изделия. Взимание данного вида акциза преследует две основных цели: ограничение потребления вредных для здоровья продуктов и фискальная.

Ко второй группе относятся акцизы на нефть и нефтепродукты, которые помимо фискальной функции выполняют еще и роль коррекции негативных экстерналий.

Третья группа включает в себя акцизы на так называемые люксовые товары и, как правило, не имеет целенаправленной фискальной роли. В большей степени данный вид акциза призван играть перераспределительную функцию, так как основными потребителями люксовых товаров являются более состоятельные граждане.

Кроме того, возможно также преследование иных целей, например, поощрение трудоемких производств путем взимания акцизов с продуктов капиталоемких производств, относящихся в некоторых странах к люксовым товарам (автомобили, дорогая электроника и т.д.), поощрение местных производителей или же улучшение внешнеторгового баланса путем взимания акцизов в дополнение к таможенным пошлинам с импортных товаров.

Переходная экономика может выиграть от рациональной организации акцизных схем, поскольку налог может выступать значительным источником налоговых поступлений на ранних этапах переходного периода. Организация системы акцизов относительно проста и может дать налоговому ведомству и его сотрудникам значительный опыт по работе с товарами, сделки с которыми осуществляются в рамках рыночной экономики. Такой опыт поможет заложить основу более сложных методов аудита и контроля, необходимых для работы с НДС и налогом на доходы физических лиц. Таким образом, акцизы могут обеспечить как доходы, помогающие справляться с трудностями транзитного периода, пока экономика развивается, так и помочь налоговому ведомству перейти на новые, более сложные методы налогообложения. При этом существуют и определенные выгоды от обложения акцизами определенных товаров, считающихся вредными, или ассоциирующихся с негативными побочными явлениями. Налогообложение может отчасти воспрепятствовать потреблению потенциально опасных товаров, таких как табачные изделия и алкоголь, а также, например, бензина и горючего, потребление которых

связанно с загрязнением атмосферы. Такие косвенные выгоды могут стать побочным результатом налога, однако большинство акцизов вводятся, как это и должно быть, для получения налоговых поступлений.

Для достижения этой цели акцизы должны быть, *во-первых*, просты как в организации, так и в применении, что достигается за счет поддержания минимального перечня подакцизных товаров. В настоящее время большинство стран ограничило список подакцизных товаров табаком, алкоголем и определенным ассортиментом нефтепродуктов. Доходы от этих товарных групп высоки, круг их производителей относительно узок и большинство товарных категорий четко определены. *Во-вторых*, ставки налога не должны быть слишком высоки. Страны с переходной экономикой имеют относительно открытые границы, и контрабанда может стать проблемой в случае, если местные акцизы значительно выше соответствующих налоговых ставок в соседних странах. Нелегальное производство, в особенности чисто кустарное производство алкогольных товаров, может возрасти, если ставки акцизов слишком высоки. Подобное производство имеет тенденцию снижать выгоды для общественного здоровья, которые предусматривались как одно из следствий введения налога. *В-третьих*, налог должен взиматься как можно раньше в цепочке начисления добавленной стоимости. Акциз должен взиматься либо в момент импорта, либо производства (или отгрузки).

Два других фактора являются отличительной чертой современных акцизов. *Во-первых*, налог начисляется либо на стоимость, либо на единицу продукции, с поправкой на инфляцию. Налог в процентах от стоимости сложно применять на стадии производства, из-за многообъемности расчета заводской цены на момент отгрузки. Эта проблема может быть решена с использованием справочных рыночных цен, когда налог на стоимость рассчитывается на основе этой цены, после чего по этому результату рассчитывается стоимость единицы продукции и взимается налог на стадии производства. Другим удовлетворительным вариантом может быть взимание налога с единицы продукции с поправкой на инфляцию в случаях, когда относительные цены изменяются незначительно, а инфляция высока. *Во-вторых*, методы налогообложения добавленной стоимости используются для кредитования акцизов, уплаченных на ресурсы, использованные для производства подакцизной конечной продукции, например, крепленых вин. Иными словами, следует избегать каскадной схемы акцизов, и использовать методы аналогичные НДС, обеспечивая тем самым взимание акциза как налога только на конечную продукцию.

В заключение необходимо отметить, что, исследовав теоретических аспектов акцизного налога мы пришли к следующим кратким выводам:

- акцизы являются важным источником налоговых поступлений в переходный период;
- акцизы выступают одними из немногих рычагов воздействия государства на экономические процессы, имеющие место в обществе;

•совершенствование налогообложения в сфере акцизов является одним из важнейших условий улучшения экономической ситуации, пополнения государственного бюджета;

•основными принципами реформирования акцизного налогообложения является установление таких правил их уплаты, которые бы в максимальной степени ограничило возможность ухода от налогообложения.

*Ubaydullayeva A.H.
Specialist of the 1st category
Institute for Fiscal Studies
under the Ministry of Finance*

EXPAND SMALL AND MEDIUM-SIZED BUSINESSES THROUGH TAX REFORMS AND TURN THEM INTO LARGE BUSINESSES

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимини шаклланишининг илмий-тарихий жиҳатлари кўриб чиқилади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун солиқ тизимига ўзгартиришлар киритиш таклифлари берилган.

Калит сўзлар: кичик ва ўрта бизнес, солиқ ислоҳоти, ҚҚС

Annotation. The article examines the scientific and historical aspects of the formation of the tax system in the Republic of Uzbekistan. Proposals have been made to amend the tax system to develop small and medium-sized businesses.

Key words: small and medium enterprises, tax reform, VAT


Аннотация: В статье рассматриваются научные и исторические аспекты формирования налоговой системы в Республике Узбекистан. Внесены предложения по изменению налоговой системы для развития малого и среднего бизнеса.

Ключевые слова: малый и средний бизнес, налоговая реформа, НДС

The role of small and medium business enterprises is very pivotal for the development of any county and the position of these factors are also essential for the development of Uzbekistan along with creating job positions for population. Uzbekistan is regarded as the most crowded country in the Central Asia zone, with almost one third of residence are involved into under the age of 29 and the half of the population have been registered as living in rural areas. According to the statistics, approximately 800,000 individuals who are younger than the age of 29 are regarded as joining to the labor market every year, and this condition is revealing how much job generation is crucial and challenging priority in Uzbekistan (D, Tadjibaev, 2019). As the president of Uzbekistan has mentioned, the development of private micro and small enterprises (MSEs) and entrepreneurship are often regarded as a top priority strategy as it is considered now that small business is a major force for the purpose of economic growth, a rise in GDP and the main address to acute social issues like poverty, unemployment, particularly among youth and females and poor states of life (D. Tadjibaev, 2019). Implementation of SME definition for tax target in Uzbekistan hinders the generation and growth of job positions. Furthermore, the explanation of

SMEs by a number of workers has become difficult because of part-time work, casual work or not permanent work becoming more extend employed by workers.²⁶

Figure 1: SME Sector in Uzbekistan



In addition to this, the contribution of SMEs to GDP has been significant during the given periods, and to be more clarify GDP witnessed to rise by 54.9% in 2021 from 38.2% in 2005, which represents that SMEs has played a considerable role in the economy of the country. According to the value contributed of SMEs in total has been equal to SUM 120, 351.6 billion by contrasted to SUM 5,437 billion in 2005 (D, Tadjibaev, 2019). Based on the graph above the value added of SMEs has been considerable during the period of 2005 and 2021. The value added of small and medium business has increased gradually from almost 75% in 2005 to roughly more than 80 % in 2021, while that of accounted for approximately 20% in the case of share of export in 2005, this number has faced outstanding growth up to nearly twice by coming 2021. In the share of export level, the contribution of SMEs has been immense and resulted in the growth of export by 40% as the case of investment in 2021. Those outstanding growth of economy because of small and medium enterprises has marked as one of the quickest countries in the Central Asia.

Uzbekistan has faced significant reforms of tax system in almost in all spheres of life since 2019. Particularly there created some mitigating atmosphere for small and medium and even to large firms to pay taxes in a convenient way. Noticeable, reduction of the tax burden on enterprises under the role of the general taxation regime which points out the decline of the VAT rate from 20 percent to 15 percent, and elimination of contributions to the State Targeted Funds from revenues declined by 3.2 percent. In addition to this, drop in the sphere of impact of turnover taxes which prior to this reform these taxes have been paid by nearly all enterprises, these days just small enterprises are going to select between turnover tax and VAT while medium and large enterprises do not cover them at all (J, Yusupov, 2020). Those

²⁶ Tajikulovich, U., 2019. E-Commerce and Taxation Aspects in Uzbekistan. *GIS Business*, [online] 14(3), pp.121-128. Available at: <<https://www2.deloitte.com/>> [Accessed 15 March 2021].

initiations in the reform of taxation have helped a lot in terms of developing the business operation sphere of all small and medium sized enterprises in Uzbekistan.

Even though long-lasting reforms to boost firms' operations and create good conditions for business sector in Uzbekistan, the experience from reviewing the current situation shows that not all of the attempts succeed in reality. A deeper analysis represents that despite no formal barriers is seen here to start SME, some barriers exist to restrict the growth of SME. SMEs has no incentive to create additional jobs in formal sector due to high tax rates and expand their operations in a larger context. In some cases, transformation from individual entrepreneurship to firms appears to be inefficient due to high cost of unofficial payments and lack of financial resources. Furthermore, infrastructure and corruption practices seem to be the biggest problem in Uzbekistan as an obstacle for firms' growth. In this section, we will describe the particular obstacles to SME growth.

For almost 20 years, Uzbekistan has followed the path of creating a favorable tax environment for small businesses by applying simplified tax regimes. In particular, there is a huge discrepancy in the level of the tax burden of taxpayers in the simplified regime with large enterprises that pay taxes in the general order. Because business entity in order to move to a single tax regime, it had to have the status of a micro-firm or small business. The only criterion for determining this status was the "number of employees. The fact that the number of employees was only criterion until 2019 that allow businesses with a large turnover, as well as large plots of land and capital to operate as several "small enterprises" to enter the "limited number of employees" in order to pay less tax.

In order to eliminate the imbalance in the tax burden of taxpayers in the general and simplified tax regimes, to prevent the abuse of the status of "SME", the annual turnover (gross income) was determined as a decisive criterion for the business entity to remain in the simplified tax regime or forced transition to the general tax regime. According to it, a turnover tax has been introduced for businesses with an annual income of up to 1 billion soums. However, the analysis of practice showed that the criterion for the transition from turnover to tax regime was not successful.

This is due to the fact that the annual income of business entities exceeds 1 billion soums, which makes them liable for VAT. There are markets where goods are not fully or partially accounted for, also there are opportunities to purchase raw materials for SMEs at lower prices without VAT in Uzbekistan, where the level of informal employment is high. This will cause such businesses to hide their sales from VAT.

For this reason, most businesses have taken measures to avoid the problem of VAT, not to exceed 1 billion soums. They can achieve this in three different ways: (1) concealing their income; (2) to close a firm with a turnover of 1 billion soums and open another; (3) establishing parallel firms and controlling their turnover. Attempts to solve this problem through a simplified VAT regime have not been justified.

Tax regimes

In determining the status of SMEs, it is necessary to include not only the amount of annual income, but also the balance (capital) of the enterprise and the number of employees. Based on the Chinese experience, it is necessary to expand the limited

number of workers. Because, Uzbekistan is also one of the countries with the largest labor force. Without increasing the limited number of employees, problems in private business, such as informal recruitment and “envelope” remuneration, cannot be avoided. To this end, a proposal has been developed to update and expand the criteria for determining SME status. According to it, the following new criteria should be established:²⁷

- number of employees (average annual);
- annual revenue (sales volume);
- balance (capital) volume.

The first criterion for determining SMEs, i.e., the new version of the limit norms on the number of employees, is as follows Table 1, it is proposed to double the limit norms on the number of employees in Uzbekistan.

Table 1. Current and proposed categories of SMEs in Uzbekistan and criteria for the number of employees

	Current categories of small businesses	Number of employees	Proposed categories of SMEs	Number employees
I	Individual entrepreneur	< 3	I Micro firm (business entities established on the basis of individual private ownership and engaged in ordinary activities, regardless of their status as individuals or legal entities)	< 20
II	Microfirm:			
2.	Wholesale, retail and catering	< 5		
2.	In the service sector and other non-manufacturing sectors	< 10		
2.	In manufacturing industries	< 20		
I	Small business:		II	< 100
3	Science, scientific services, transport, communications, services (except insurance companies), trade and catering and other non-manufacturing industries	< 25		
3	in mechanical engineering, metallurgy, fuel and energy and chemical industry, cultivation and processing of agricultural products, construction and other industrial and production sectors provided by the legislation	< 50		
3	Metalworking and instrumentation, woodworking, furniture industry, as well as other industrial and production sectors provided by the legislation	< 100		
3	In the light, food and building materials industries	< 200		
-			III	Medium business < 500

When determining the status of a small enterprise, it is recommended to set annual revenue and balance of 3 billion soums, three times more than the current norm (1 billion soums). For medium-sized businesses, this norm should be set at 15 billion soums. The difference between the boundary norms of the criteria for

²⁷ Tax Foundation. 2021. Tax Foundation. [online] Available at: <<https://taxfoundation.org/>> [Accessed 19 March 2021]. Stats.oecd.org. 2021. *OECD Statistics*. [online] Available at: <<https://stats.oecd.org/>> [Accessed 19 March 2021].

determining the status of SMEs is five times hierarchically. That is, the standards for a small business are five times higher than the standards for a micro-firm, and the standards for a medium-sized business are five times higher than for a small business. This definition of border norms is in line with the principle of objectivity in taxation, as well as ensuring the competitiveness of small and medium-sized businesses and their effective operation.

*Аширбоев Ё.М.
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил тадқиқотчиси*

БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Билвосита солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилар ҳисобланади. Лекин, солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни билвосита солиқларнинг барчаси бевосита истеъмолчилар зиммасига тушади. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига қўшимча равишда қўйилади.

Билвосита солиқларнинг ижобий томони шундаки, улар республикада ишлабчиқарилган товарларни республикадан ташқарига чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарларнинг сероб бўлишига ёрдам беради ҳамда инфляция даражасини (муомаладаги ортикча пул массасини) бирмунча жиловлаб туради. Билвосита солиқлар ставкасининг асосли равишда оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан-тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди.

2021 йилда Давлат бюджети даромадлари таркибидаги бевосита 35,8 % ва билвосита солиқларнинг 34,2 % нисбати сақланиб қолди. Даромадлар таркибидаги турли солиқларнинг нисбати динамикаси 1-диаграммада кўрсатилган.

Давлат бюджети даромадлари таркибига сўнгги уч йилдаги солиқ сиёсати чораларининг ўзгартирилиши, илгари берилган солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши, иқтисодиёт секторларида олиб борилаётган ислохотлар ҳисобига солиқ базасининг кенгайтирилиши, шунингдек хом ашё товарлари нархларининг динамикаси таъсир кўрсатди.

Солиқ тушумлари таркибининг ўзгариши солиқларнинг айрим турлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши билан ҳам боғлиқ.

2021 йилда билвосита солиқлар бўйича тушумлар ўтган йил билан солиштирганда 9,9 трлн. сўмга 21,2% ошиб, 56,3 трлн. сўмни ташкил этди.



1-диаграмма. Давлат бюджетининг умумий даромадларидаги улуши (%)

2021 йилда солиқ ва божхона органлари томонидан маъмурлаштириладиган қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар 52,8 трлн. сўмни ташкил этди (қоплаш суммаларини ҳисобга олмаганда) ёки 2020 йил билан солиштирганда 12,6 трлн. сўмга ошди. (2-диаграмма)

Бунда 2020 йил билан солиштирганда божхона органлари томонидан ундириладиган қўшилган қиймат солиғи 38,2 %га ошди, солиқ органлари ундирадигани – 24,8 %га. Тушумларнинг ўсиши солиқ базасининг кенгайтирилиши (солиқ ислоҳоти ўтказилиши ва солиқ имтиёзлари бекор қилиниши), иқтисодий ўсиш (шу жумладан 2020 йилда амал қилган карантин чекловларини юмшатилиши) ҳамда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш чораларини кўриш ҳисобига таъминланмоқда.

Қўшилган қиймат солиғининг бюджетга тўлиқ келиб тушишини таъминлаш билан бир қаторда ҳисобга олинadиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобланган солиқ суммасидан ошиши натижасида юзага келадиган солиқ ўрнини қоплаш тартиби такомиллаштирилмоқда.

2020 йил 1 июлгача фақат экспортчи компанияларга қўшилган қиймат солиғининг ўрни қопланган. 2020 йил 1 июлдан бошлаб барча компанияларга қўшилган қиймат солиғи ўрнини қоплаш имконини берувчи тизим жорий этилган ва муддатлар белгиланган.

Шунингдек, 2020 йилда солиқ тўловчиларга 9,0 трлн. сўм қайтарилган бўлса, 2021 йилда қоплаш суммаси 14,4 трлн. сўмни ташкил этди (келиб тушган маблағларнинг 27,3 %). 14,4 трлн. сўм миқдоридagi қоплаш суммаларини ҳисобга олганда 2021 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар ҳисоботда 38,4 трлн. сўм миқдоридa акс этирилди (тушумлар қоплаш суммасига камайтирилган).



2-диаграмма. Қўшилган қиймат солиғи тушумлари ва қопланиши бўйича маълумот

Солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобига тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда қўшилган қиймат солиғини йиғиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар қўшилган қиймат солиғи самарадорлигини ошириш имконини берди. Халқаро молия институтлари қўшилган қиймат солиғидан даромадларни таҳлил қилишда қўшилган қиймат солиғининг самарадорлик коэффициентини қўллайдилар. Бу турли мамлакатлар турли солиқ ставкаларини ва солиқ ўрнини қоплаш тартибини қўллаши билан изоҳланади. Бунда ИХТТ мамлакатлари бўйича ўртача кўрсаткич 60 % атрофида бўлиб, бу қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган айланмалар ва пасайтирилган ставкалар мавжудлиги билан изоҳланади.

Қўшилган қиймат солиғи самарадорлиги (йиғилувчанлиги бўйича) 2020 йилдаги 44,5 %дан 2021 йилда 48 %гача ошди. (ҚҚС йиғиш самарадорлиги = ҚҚСдан даромад ЯИМдан фоизларда / ҚҚС ставкаси).

2021 йилда акциз солиғи тушумлари 2020 йил билан солиштирганда 1,4 трлн. сўмга ошди ва 13,1 трлн. сўмни ташкил этди. Тушумларнинг ошиши, асосан 2021 йил февраль ва октябрь ойларида солиқ ставкаларини ўртача 15 %га индексация қилиниши ҳисобига таъминланди.

Бунда алоқоголь маҳсулотлари бўйича акциз солиғи тушумлари, ставкаларнинг индексация қилинишига қарамадан 2020 йил даражасида сақланиб қолди. Импорт қилишда акциз солиғи тушумининг камайиши унинг 2020 йил 1 августдан – транспорт воситалари учун ҳамда 2021 йил 1 январдан – 73 та товар позицияси (озик-овқат, электр техника товарлари ва ҳ.к.) учун бекор қилиниши билан боғлиқ. Ушбу сабабларга кўра акциз солиғи солинмайдиган маҳсулотларни импорт қилиш ҳажми 978,6 млн. АҚШ долларидан 557,6 млн. АҚШ долларигача қисқарди.

Шу билан бирга, алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғи бекор қилиниши уларнинг расмий импортини қонунийлаштиришга имкон берди. Бунда, масалан 2021 йилда колбаса маҳсулотлари импорти 2020 йилга нисбатан деярли 4 бараварга ўсган.

Божхона божи. 2021 йилда божхона божи тушуми 4,8 трлн. сўмни ташкил этди ёки 2020 йил билан солиштирганда 1,2 трлн. сўмга ошди. Божхона божи тушуми абсолют миқдорда ошганига қарамай, Давлат бюджетининг умумий даромадларида унинг улуши 2-3 %доирасида сақланиб турибди.

Шу билан бирга, 20 турдаги товарларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкасини қўллаш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилди. Уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармонида келтирилган. 2021 йилда имтиёзлар суммаси 480,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Қайд этиш лозимки, 2021 йилда умумий импорт ҳажмида божхона тўловларига тортиладиган импортнинг улуши 68,9 % ни ташкил қилди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бевосита ва билвосита солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир. Европа мамлакатларида билвосита солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Жаҳон солиқ амалиётида Давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита ва билвосита солиқларнинг нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига баҳо бериш мумкин. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида билвосита солиқларнинг салмоғи 45 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 55 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 15-20 фоизни ташкил қилади.

Иброҳимов. Д.М
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
Зайдуллаев А., ТДИУ магистранти

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Мамлакат иқтисодиётини етакчи соҳа ва тармоқларининг замон билан ҳамнафас фаолият юритишига барча зарур шароит яратиб берилмоқда. Солиқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суъратлар билан ривожланиб ишбилармонлик муҳитини янада яхшиланишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд

тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилгани таъкидланди.

«Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди»²⁸

Давлат бюджети даромадлари таркибига сўнгги уч йилдаги солиқ сиёсати чораларининг ўзгартирилиши, илгари берилган солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши, иқтисодиёт секторларида олиб борилаётган ислохотлар ҳисобига солиқ базасининг кенгайтирилиши, шунингдек хом ашё товарлари нархларининг динамикаси таъсир кўрсатди.

Солиқ тушумлари таркибининг ўзгариши солиқларнинг айрим турлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши билан ҳам боғлиқ.

2021 йилда билвосита солиқлар бўйича тушумлар ўтган йил билан солиштирилганда 9,9 трлн. сўмга 21,2% ошиб, 56,3 трлн. сўмни ташкил этди.

2021 йилда Давлат бюджети даромадлари таркибидаги бевосита 35,8 % ва билвосита солиқларнинг 34,2 % нисбати сақланиб қолди. Даромадлар таркибидаги турли солиқларнинг нисбати динамикаси 1-диаграммада кўрсатилган.



1-диаграмма. Давлат бюджетининг умумий даромадларидаги улуши (%)

²⁸ 2021 йил - «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси “Халқ сўзи”, 2020 йил 30 декабрь, № 276 (7778)

2021 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича умумий тушумлар 23,0 трлн. сўмни ташкил этди. Бу 2020 йил билан солиштирганда 1,8 трлн. сўмга кўп. 2021 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича даромадларнинг асосий улуши аввалгидек 68,6 фоизи ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тўғри келади. Ушбу солиқ бўйича тушумларнинг асосий улуши 74 % давлат улушига эга тоғ-кон саноати корхоналарига тўғри келади. 2021 йил 1 январдан олтин, палладий, кумуш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 20 %дан 15 %гача пасайтирилганига қарамай, бир йилда тушумлар атиги 0,6 трлн. сўмга камайди. 2021 йилда олтин ва мис нархларининг ошиши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг оширилиши, шунингдек миллий валюта курси динамикаси сабаб бўлди. 2021 йилда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича тушумлар 2,2 трлн. сўмга ошиб, 6,5 трлн. сўмни ташкил этди. Шундан мол-мулк солиғи бўйича – 2,4 трлн. сўм, ерсолиғи бўйича – 4,1 трлн. сўм.

Қўшимча тушумлар қуйидагилар ҳисобига таъминланди:

- линияли объектлар ва бошқа объектларга нисбатан қўлланиладиган мол-мулк солиғи бўйича пасайтирилган ставканинг 0,2 %дан 0,4 %гача ва ер солиғи ставкаларига пасайтириш коэффициентининг 0,1 дан 0,25 гача оширилиши;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғибўйича базавий солиқ ставкаларининг 15%га индексация қилиниши.

- Бунда солиқ ставкаларининг аниқ миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан туманнинг иқтисодий ривожланиши ва нуфузига қараб ушбу ставкаларга оширувчи ва пасайтирувчи коэффициентларни қўллаш билан базавий ставкалар асосида белгиланади. Бу маҳаллий бюджетларга юридик шахслардан 853 млрд.сўм миқдорида қўшимча тушумларни таъминлаш имконини берди;

- яшаш учун мўлжалланган уйлар ва квартиралар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича ставкаларнинг 15 %га индексация қилиниши;

- солиқ солинадиган кўчмас мулк объектлари сонининг ошиши.

Қуйидагилар мол-мулк ва ер солиқлари ошишига олиб келди:

- барпо этилган янги иморатларнинг фойдаланишга топширилиши; кўчмас мулк объектларини инвентаризация қилиш доирасида кадастр органларининг маълумотлар базасида ҳисобга олинмаган кўчмас мулк объектларини аниқланиши.

- 2021 йил охирига келиб кўчмас мулк объектлари сони деярли 8 млн.объектни ташкил этди, шу жумладан қарийб 7,5 млн. турар жой фонди объектлари. Солиштириш учун, 2016 йилда турар жой фонди объектлари сони қарийб 5,3 млн. объектларни ташкил этган. 2021 йилда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар бир йилда 42,9 %га ошиб, 684 млрд. сўмни ташкил этди.

Қуйидагилар ҳисобига ушбу солиқ бўйича тушумларнинг 206 млрд. сўмга ошиши таъминланди:

- солиқ ставкаларининг 15%га индексация қилиниши, иқтисодийнинг айрим тармоқлари учун эса – 30 %га;
- 2021 йил бошида қишлоқ хўжалиги корхоналари 2020 йил учун солиқни тўлаши.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ ставкалари турлича бўлган бир нечта фаолият турлари билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар учун 2021 йилдан жорий этилган янги тартиб ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Улар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва тегишли ставкаларда солиқ тўлашлари шарт. Илгари солиқ ставкалари солиқ тўловчиларнинг тоифасига қараб белгиланиб, турли мақсадларда фойдаланиладиган сув ҳажми инобатга олинмас эди.

Ўзбекистон Республикасида ресурс солиқлари давлат бюджети даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб асосий ўрин тутади.

*Ибрагимов Бобуришох Боходир ўғли
Тошкент молия институти
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси, PhD*

СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Тадбиркорлик субъектларини эркин фаолиятини таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим устувор вазифаси ҳисобланади.

Давлат солиқ сиёсати²⁹ ва тизимининг оқилона шаклланиши мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайди.

Солиқлар бозор муносабатлари шароитида давлат хазинасини тўлдирувчи асосий манба бўлиб ҳисобланиши сабабли уларга давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантирувчи, энг муҳим бўлган умумдавлат вазифаларини ҳал этиш учун зарур миқдордаги маблағни жамлантирувчи дастак сифатида қараш лозимдир[].

Солиқ аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат³⁰ бўлиши билан биргаликда ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодий таркибий тузилишини ўзгартиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов «Солиқ

²⁹Т.Маликов «Бюджет-солиқ сиёсати» номли монографиясида, гарб олимлар даврасида молиявий, бюджет ҳамда солиқ сиёсати каби жумлалар текст мазмун моҳиятидан келиб чиккан холда «синоним сифатида» ишлатилиши ушбу олимлар учун «тушунарли» ҳамда «нотугри» ҳисобланмаслиги хақида фикрларини билдириб утган.

³⁰ Биз ҳам ушбу тушунчаларни текст моҳиятидан келиб чиккан холда тушунишларни истадек.

тизимининг энг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом-ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишидир» деб таъкидлаган [3].

Солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги пул муносабатларини чуқур ўрганиш, уларни тўғри ташкил қилишни таъминлаш солиқ тизимининг моҳияти ҳисобланади. Солиқ муносабати иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларини инобатга олиш ва улар манфаатлари муштараклигини таъминлаш ушбу муносабатларни тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Тарафлар манфаатлари муштараклигини таъминлаш учун эса классик ва умумэтироф этилган солиққа тортиш тамойилларига амал қилиш зарур бўлади.

Солиқ солишнинг классик ва умумэтироф этилган солиққа тортиш тамойилларига амал қилиш солиқ юқини меъёрини оптималлаштириш, солиқ тўловчини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга манфаатдорлигини ошириш, инвестициялар ва модернизацияга маблағлар йўналтирилишини рағбатлантиришга олиб келади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида солиқ сиёсатининг асосий мақсади асосан давлат манфаатларни таъминлашга, яъни давлат бюджетга кўпроқ маблағ тўплашга қаратилган бўлса, кейинги йилларда “кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти” тамойили асосида унинг мақсади қонунийликни таъминлаш ва иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати хазинага маблағ тўплаш билан бирга иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилишини таъминлаши зарур. Шунинг учун мамлакатимизда давлат бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Мустақиллик йилларида, мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий қафолатлар яратилди.

Солиқ юқини оптималлаштириш борасидаги оқилона солиқ сиёсати натижаси бюджет даромадларининг бажарилишини таъминлаш учун хизмат қилиши олимлар томонидан эътироф этилади.

Япон олими Ли Дж (Lee J) давлат харажатлари ва иқтисодий ўсишнинг Барро (Barro) модели асосида давлат харажатлари таркиби ва унинг мақбул миқдорини ўрганиш натижасида бюджет харажатларини умумий миқдори чегараланган ва даромад солиғи юқори бўлганда ҳолларда иқтисодий ўсиши пасайиши, аксинча даромад солиғи нисбий даражада паст ҳамда давлат харажатлари инвестицияга йўналтирилган ҳолатларда иқтисодий ўсиш юқори бўлади, деган хулосага келган.

Ушбу амалиёт Шарқий Осий давлатлари мисолида давлат инвестициялари учун мақбул даражадаги давлат харажатларининг йўналтирилиши иқтисодий ўсишнинг юқорилигини таъминлашга хизмат қилиш ўз исботини топганлигига бугун барчамиз гувоҳмиз.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам бежизга солиқ юкини оптималлаштириш борасидаги оқилона солиқ сиёсатини давом эттириш асосий мақсадлардан қилиб белгиланмаган.

*Usmanova M., TMI
Soliqlar va soliqqa tortish
kafedrası prof. v.b
Xamidov Sh. ST-60 guruh talabasi*

IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYA QILISHDA DAVLAT BYUDJETNING MOLIYAVIY STRATEGIYASIDA SOLIQLARNING TUTGAN O'RNI VA TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

Zamonaviy iqtisodiyot rivojiga, shuningdek, tadbirkorlik sub'ektlari faoliyatiga ta'sir ko'rsatadigan asosiy omillardan biri bu davlatning amaldagi soliq siyosati hisoblanadi. Soliqlar davlat va mahalliy byudjetlar daromadlarining asosiy qismini tashkil etadi va byudjetning xarajatlar qismi orqali iqtisodiyotga moliyaviy ta'sir ko'rsatishi bilan ajralib turadi. Soliqlar davlatning muayyan davrda aniq maqsadlarga qaratilgan iqtisodiy sohasidagi faoliyatida, davlat byudjeti va mahalliy byudjetlar daromadlarining shakllanishini ta'minlashda, iqtisodiyotni tartibga solishda va boshqarishda alohida ahamiyatga ega. Yurtimizda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar samarali soliq siyosati, uning iqtisodiyot taraqqiyoti ravnaqi uchun muhim mexanizm ekanligi, qolaversa, soliq siyosatidagi shiddatli islohotlarning borishiga, bu sohaga oid soliq amaliyotidagi tizimli o'zgarishlarni real baholashni belgilab beradi. Shu nuqtai-nazardan ijtimoiy iqtisodiy rivojlanishning hozirgi bosqichida yangi talablar asosida mahalliy byudjeti daromadlari barqarorligini ta'minlashda soliqlar ta'sirchanligini oshirish masalalarini o'rganish muhim ahamiyatga ega.

Shu o'rinda Muxtaram Prezidentimiz tomonidan Yurtimizda olib borilayotgan islohotlar samarasini yana-da oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirish maqsadida 2022 yil 28 yanvardagi "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son

farmonida³¹ mahalliy byudjet daromadlari bazasini oshirish, ularning moliyaviy mustaqilligini ta'minlash, mahalliy byudjetlarning daromad qismini mustahkamlashga qaratilgan byudjetlararo munosabatlarni takomillashtirish, hududlar, tuman hamda shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish, investitsiya muhitini yaxshilash orqali hududlarga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish kabi ustuvor vazifalar belgilangan bo'lib, mazkur vazifalarni ta'minlashda rivojlangan davlatlar ilg'or tajribasini o'rganish, ularning ijobiy natijalarini respublikada qo'llash muhim masala hisoblanadi. Yuqoridagilardan kelib chiqib, mahalliy byudjetlar daromadini oshirish, ularning barqarorligini ta'minlash chora-tadbirlarini amalga oshirishda mahalliy byudjet daromadlar siyosatini samarali olib borish bo'yicha ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalarni ishlab chiqishda mazkur masalaga tizimli yondashish muhim o'rin tutadi. Xususan, rivojlangan davlatlarda daromadlar siyosatini samarali olib borishda mahalliy byudjetning daromad bazasini belgilashdagi soliq potentsiali, mahalliy byudjet daromadlar tarkibini shakllantirish tartibi, solikli daromadlarning turli darajadagi byudjetlar o'rtasida taqsimlanishi mexanizmlari kabi omillar muhim rol o'ynaydi.

Davlat moliyasining asosiy daromad manbai bo'lib milliy daromad hisoblanadi, ammo ayrim xollarda , urush , tabiiy ofatlar va boshqalar paytida davlat daromadi manbai milliy daromad bn birgalikda jamg'arilgan milliy boyliklar ham bo'lishi mumkin. Davlat byudjei daromadlarini shakllantirishning shartli ravishda quyidagicha guruhlash mumkin :

1. Soliqlar va soliqqa tenglashtiriluvchi majburiy to'lovlar
2. Davlat mulkini xususiylashtirishdan keladigan daromadlar
3. Davlat zayomlari
4. Qog'oz pullar emissiyasi

Yuqorida ko'rinib turibdiki, davlat daromadlar tizimida markaziy moliyaviy manba bo'lib soliqlar hisoblanadi. Soliqlar davlat byudjeti daromadlarini shakllantirishning asosiy va muhim manbai hisoblanadi. Shu sababli, hamma vaqt soliq'larga e'tiborsiz qaralmagan va davlat boshqaruvining hech bir davrida davlat byudjeti daromadlarini shakllantirishning soliq'lardan boshqa samarali vositalari ilmiy jihatdan asoslanmaganligini alhida qayt etish lozim. Xozirgi kunda davlat byudjeting 90-95 % i soliqlar orqali to'ldiriladi. Bizga ma'lumki, davlat byudjeti yildan yilga sezilarli darajada o'sib bormoqda. Quyida biz jadval taqdim etamiz va soliq yig'uluvchangiligini yillar kesimida muhokama qilamiz.

Quyidagi jadval ma'lumotlaridan ko'rinadiki, 2021 yilda 2020 yilga nisbatan bevosita soliqlar bo'yicha yig'iluvchanlikning 33.6 % ga, bilvosita soliqlar bo'yicha

³¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmon.

soliq yig'iluvchanligining 2021 yilda 2020 yilga nisbatan 22.4 % ga , resurs to'lovlari va mol-mulk solig'i bo'yicha 2021 yilda 2020 yilga nisbatan 4.3 % ga o'sishi kuzatilgan. Tahlil natijalaridan shuni ko'rishimiz mumkinki, bevosita soliqlar bo'yicha soliq yig'iluvchanligining yuqori ko'rsatkichni tashkil etishiga so'nggi yillarda respublikada yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i, qolaversa daromad soligining stavkalarini va turli imtiyozlar hisobiga soliq to'lovchilar soning o'sishi, soliqqa tortiladigan bazaning kengayishi, soliqlarni o'z vaqtida to'lanishi sabab bo'lgan bo'lgan.

Soliq turlari bo'yicha 2020-2021-yil byudjet tushumlari to'g'risida ma'lumot³²

mlrd so'mda

Soliq turlari	2020 -yil	2021 -yil	Ulu shi (foizda)	O' sish sur`ati
Byudjetga tushumlar, jami	103 566	127 867	100	12 3.5
Shu jumladan				
Bevosita soliqlar	43 811	56 534	45.8	13 3.6
Bilvosita soliqlar	31 324	38 351	30.0	12 2.4
Resurs to'lovlari, va mol-mulk solig'i	21 257	22 168	17.3	10 4.3
Davlat boji va jarimalar	2 033	3 333	2.6	16 3.9
Boshqa soliqlar va yig'img'lar	5 141	5 481	4.3	10 6.6

Shu o'rinda 2022 yil uchun byudjet parametrlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining "2022-yil uchun O'zbekiston Respublikasining davlat byudjeti to'g'risida" gi qonuni ijrosini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida³³ gi O'zbekiston Respublikasi prezidentining qarori imzolandi. Yuqoridagi qaror natijasida tadbirkorlarga qator imkoniyatlar va imtiyozlar yaratilishi ortidan soliq bazasini kengayishi va soliq yukini pasayishi nazarda tutilgan. Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, davlat byudjeti daromadlari barqarorligini ta'minlashda soliqlar ta'sirchanligini oshirish maqsadida soliq va boshqa to'lovlarni o'z vaqtida

³² www. <https://soliq.uz/page/asosiy-korsatkichlar>

³³ O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING "2022-YIL UCHUN O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING DAVLAT BUDJETI TO'G'RISIDA"GI QONUNI IJROSINI TA'MINLASH CHORA-TADBIRLARI TO'G'RISIDAgi 30.12.2021-y., 07/21/73/1227-sonli qaror

to'liq kelib tushishini va to'liq undirishni ta'minlash, talab komponentlari ta'siri doirasi, qo'shilgan qiymat hajmi tarkibi, eksport va import hajmiga ta'sir etuvchi ko'rsatkichlar guruhi, eng kam ish haqi miqdorining oshishi, ishlab chiqarish hajmlarini iqtisodiyot tarmoqlari kesimida o'sish darajalari kabi ko'rsatkichlarni bir butunligini tizimli tahlilini amalga oshirishib o'rganilishi maqsadga muvofiq, davlat byudjetiga muntazam daromad kelib tushishini ta'minlashda soliq ma'muriyatchiligida to'lovchilar va soliq solish ob'ektlarini to'liq qamrab olishi asosiy maqsad hisoblanadi.

*Usmanova M.TMI,
Soliqlar va soliqqa tortish kafedrasini prof. v.b
Bakirova M. ST-60 guruh talabasi*

TARAQQIYOT STRATEGIYASINI AMALGA OSHIRISHDA BYUDJET-SOLIQ SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI

Har bir davrda barcha rivojlangan davlat va jamiyatlar o'zlari uchun muhim bo'lgan yo'nalishlarda ma'lum bir maqsadlarga eltuvchi strategiyani ishlab chiqadi. Misol uchun, dunyoning rivojlangan davlatlaridan biri bo'lgan Germaniyaning ham o'z taraqqiyot strategiyasi mavjud. 2015 yilda Birlashgan Millatlar Tashkiloti 2030 yil kun tartibini qabul qilib, 17 ta Global Barqaror Rivojlanish Maqsadlari (SDG)ni e'lon qilgan bir paytda, Germaniya 13 yil oldin ilgari surgan Milliy barqaror rivojlanish strategiyasiga ega edi. U 2018 yilda qayta yangilandi. Shuningdek, bundan besh yil oldin O'zbekiston ham o'z rivojlanish tarixida yangi bir davrga qadam qo'ydi. Ushbu davrda boshlangan islohotlarni amalga oshirish uchun esa xalqimiz bilan bamaslahat tarzda ishlab chiqilgan Harakatlar strategiyasi hayotga tatbiq etildi. O'tgan davr mobaynida ushbu Strategiya asosida keng ko'lamli ishlar amalga oshirildi. Quvonarlisi, qisqa vaqt ichida Harakatlar strategiyasida ko'zlangan maqsad va vazifalarga tahlil va raqamlar asosida emas, O'zbekistonning har bir fuqarosi o'z turmush tarzida his qilgan o'zgarishlar orqali to'laqonli erishildi. Ayni vaqtda ushbu yo'nalishlarda boshlangan islohotlar izchillik bilan davom ettirilmoqda. Jumladan, yangi muddatga O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan boshlagan demokratik islohotlar yo'lini yanada qat'iy davom ettirishga qaratilgan, asosiy maqsadi "Inson qadri uchun" degan ustuvor tamoyilni to'la ro'yobga chiqarish bo'lgan "Harakatlar strategiyasidan – Taraqqiyot strategiyasi sari" tamoyili asosidagi Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi e'lon qilindi. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi 2017–2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishga qaratilgan Harakatlar strategiyasining uzviy davomi bo'lib, bugungi global o'zgarishlar, aholi turmush tarzi, hayot talabi va qadriyatlarimizdan kelib chiqqan holda, yettita yo'nalishda belgilab olindi. Shuningdek, ushbu strategiyadagi har bir vazifa va maqsadlar joriy yil bo'lib o'tgan saylov jarayonlarida bevosita

fuqarolarimiz ishtirokida muhokamadan o'tkazilib, hayotiy taklif va tashabbuslar bilan to'ldirildi. Taraqqiyot strategiyasida yurtimizda yashayotgan har bir fuqaroning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini eng oliy qadriyat etib belgilangan va u milliy rivojlanishimizning yangi bosqichini boshlab beradi. Taraqqiyot strategiyasi doirasida amalga oshirilayotgan ishlar barcha sohalarni qamrab oldi. Eng asosiysi, mamlakatimizda insonning huquq va erkinliklarini, sha'nini, qadr-qimmatini, manfaatlarini, davlat organlarining jamiyat oldida hisobdorligini ta'minlash islohotlarning bosh maqsadi etib belgilandi. Ushbu Davlat dasturi quyidagilarni muhim vazifa sifatida belgilab oldi:

Inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish;

Mamlakatimizda adolat va qonun ustuvorligi tamoyillarini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish;

Milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash;

Adolatli ijtimoiy siyosat yuritish, inson kapitalini rivojlantirish;

Ma'naviy taraqqiyotni ta'minlash va sohani yangi bosqichga olib chiqish;

Milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda umumbashariy muammolarga yondashish;

Mamlakatimiz xavfsizligi va mudofaa salohiyatini kuchaytirish, ochiq, pragmatik va faol tashqi siyosat olib borish. Milliy iqtisodiyotni isloh qilish va jadal rivojlantirish borasida tashqi savdo, soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va xususiy mulk daxlsizligini kafolatlash, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashni tashkil etish hamda hududlarni jadal rivojlantirishni ta'minlash bo'yicha muhim vazifalar belgilab olindi.

Fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag'allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o'rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta'lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta'minlash sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarildi. Bugungi kunga kelib yurtimizda soliqlar va soliqqa tortish jarayonlari mukammal tarzda tashkil etilgan va boshqarilmoqda. Demak, yuzaga kelgan muammolarni yechish va ularning yechimiga doir zaruriy xulosa va takliflarni ishlab chiqish va ularni amaliyotga tadbiiq etish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasida soliq ma'muriyatchiligi samarali faoliyatini ta'minlash mamlakat iqtisodiy jarayonlarining eng muhim yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Taraqqiyot strategiyasida milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash bo'yicha muhim vazifalarni amalga oshirish maqsad qilib olindi. Eng avvalo, iqtisodiyotdagi eng muhim jihatlardan biri bo'lgan yillik inflatsiya darajasini 2022-yilda 9 foizgacha va 2023-yilda 5 foiz hamda fiskal taqchillikni 3 foizgacha pasaytirish choralari ko'rilib, keyinchalik inflatsiya va Davlat budjeti taqchilligi ushbu ko'rsatkichdan oshmasligini ta'minlash hamda davlat ulushiga ega tijorat banklarida transformatsiya jarayonlarini yakunlab, 2026-yil yakuniga qadar bank aktivlarida xususiy sektor ulushini 60 foizgacha chiqarish dolzarb etib belgilandi. Shuningdek, iqtisodiyot tarmoqlarida barqaror yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash orqali kelgusi besh yilda aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot — 1,6 baravar oshadi. 2030 yilga borib esa aholi jon boshiga to'g'ri

keladigan daromadni 4000 AQSh dollariga yetkazish hamda «daromadi o'rtachadan yuqori bo'lgan davlatlar» qatoriga kirish uchun zamin yaratish rejalashtirilgan.

Bundan tashqari, har bir tuman budjetining kamida 5% «Fuqarolar budjeti» dasturi doirasida aholining takliflari asosida aniqlangan eng dolzarb muammolarni hal etishga yo'naltiriladi. Tashqi qarz darajasi yiliga 4,5 mlrd dollardan oshmasligini ta'minlash maqsad qilingan. YAIMda sanoat ulushini oshirib, sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmini 1,4 baravarga ko'paytirish rejalashtirilmoqda. Buning uchun mashinasozlik, kimyo, neft-gaz, energetika, kon-metallurgiya sanoati, transport sohalaridagi 23 ta yirik korxonalar mustaqil ravishda ichki va tashqi moliya bozorlariga chiqishi, xalqaro kredit reytingini qo'lga kiritish orqali investitsiya loyihalariga mablag' jalb etishi kerak. Shuningdek, energiya resurslari va tabiiy gaz bozorlarini ijtimoiy himoya kafolatlarini belgilagan holda liberallashtirish, sohaga xususiy investitsiyalarni keng jalb etish, aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini himoya qilish uchun ijtimoiy iste'mol standartlarini kiritish hamda qtisodiyot tarmoqlari va aholiga neft-gaz mahsulotlari uzluksiz yetkazib berilishini ta'minlash rejalashtirilgan. Navbatdagi muhim vazifa sifatida esa markaziy idoralarni transformatsiya qilish, fuqarolarga xizmat qiladigan ixcham va samarali boshqaruv tizimini yaratish vazifasi qo'yilmoqda. Buning uchun, eng avvalo, vazirlik va idoralarni tashkil etish va tugatishning tartibi, ularni bir-biridan farqlab turadigan mezonlar, tarkibiy tuzilma va shtatlarni belgilashga oid aniq talablar ishlab chiqiladi. Shu asosda bir xil yo'nalishdagi vazifalarni amalga oshirayotgan idoralar optimallashtiriladi.

Bundan tashqari, Markaziy idoralarning hududiy tuzilmalar bilan ishlash jarayoniga yangicha yondashuvlar joriy etilib, eskirgan byurokratik usullardan voz kechiladi. Bunda hududlardagi ijtimoiy-iqtisodiy masalalarni tezkorlik bilan mustaqil hal etish bo'yicha vazirlik va idoralarning vakolatlari yanada kengaytiriladi. Eng muhim yo'nalishlaridan yana biri dastur iqtisodiyotni elektr energiyasi bilan uzluksiz ta'minlash, «Yashil iqtisodiyot» texnologiyalarini barcha sohalariga faol joriy etish, iqtisodiyotning energiya samaradorligini 20%ga oshirishni nazarda tutadi. Shuningdek, iqtisodiyot tarmoqlarining havoga chiqaradigan zararli gazlar hajmini bir birlik Yalpi ichki mahsulot hisobida 10%ga qisqartirish rejalashtirilmoqda.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosiy «drayver» sifatida belgilanib, uning hajmini kamida 2,5 baravar oshirishni ta'minlash ko'zda tutilgan. 2026 yil yakuniga qadar iqtisodiyotning real sektori, moliya va bank sohalarida ishlab chiqarish va operatsion jarayonlarni raqamlashtirish darajasini 70%ga yetkazish ko'zda tutilgan. asturiy mahsulotlar industriyasi hajmini 5 baravarga, ularning eksportini esa 10 baravar oshirish va 500 million AQSh dollariga yetkazish rejalashtirilgan. Dasturga muvofiq, iqtisodiyot barqarorligini ta'minlash doirasida 2023 yildan qo'shilgan qiymat solig'i 12 foizgacha va bank, moliya va telekommunikatsiya kabi tadbirkorlik uchun foyda solig'i 15 foizgacha tushiriladi hamda 2025 yil 1 iyuldan tadbirkorlikka oid barcha majburiy talablar yagona elektron reyestri ishga tushiriladi, 2022 yil 1 aprelgacha litsenziya va boshqa ruxsat etuvchi hujjatlarni olish soddalashtiriladi. Jumladan, muayyan faoliyat bilan ko'chma tartibda, avtotransport orqali shug'ullanish imkoniyati yaratiladi. Hamda 25 dan ortiq

faoliyat turi bo'yicha monopoliyalar (suyultirilgan gaz yetkazuvchi, neft mahsulotlarini saqlash va boshqalar) tugatiladi.

Xulosa qilib aytganda, Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasida boshlangan islohotlarni ham izchil davom ettirishga alohida e'tibor qaratilgan. Xususan, kadrlarni tanlash va joy-joyiga qo'yish jarayoniga yangicha, zamonaviy yondashuvlar joriy etish, kadrlarning davlat xizmatiga tanlov asosida qabul qilinishini yanada takomillashtirish, ular uchun uzluksiz malaka oshirish, natijadorlikni baholash va lavozim bo'yicha ko'tarilish mezonlarini belgilash kabilar shular jumlasidandir. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasining ushbu yo'nalishida belgilab berilgan vazifalarning hayotga tatbiq etilishi xalq bilan to'g'ridan-to'g'ri muloqot qilish, jamiyat va davlat boshqaruvining har bir nuqtasida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash va davlat idoralarini, tom ma'noda, xalqqa xizmat qiladigan maskanga aylantirishda muhim rol o'ynaydi.

*Soliqlar va sug'urta fakulteti
St-61-4 guruh talabasi A.Salomov
"Soliqlar va soliqqa tortish"
kafedrasi dosenti U. Berdiyeva*

TARAQQIYOT STRATEGIYASINI SAMARALI AMALGA OSHIRISHDA SOLIQ TO'LOVCHILARNING BYUDJET OLDIDAGI QARZDORLIGINI KAMAYTIRISHNING AHAMIYATI

Bugungi mamlakatimizning soliq tizimini tubdan takomillashtirish, soddalashtirish va soliq ma'muriyatchiligini isloh qilishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Buning davomida soliq sohasida, ko'plab o'zgarishlar amalga oshirilmoqda, sohaga oid yangidan yangi me'yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilinmoqda. Ana shunday islohotlardan ko'zlangan asosiy maqsad bo'lib soliq to'lovchilar uchun soliq yukini kamaytirish, soliq ma'murchiligining shaffofligini ta'minlash hamda soliq solish mexanizmini soddalashtirish hisoblanadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2022-yil 16-mart kuni Davlat soliq qo'mitasida sohani takomillashtirish bo'yicha navbatdagi vazifalar yuzasidan yig'ilish o'tkazdi.³⁴ Ushbu yig'ilishda aytib o'tilganidek, ayrim hollarda tadbirkorlar yangi dastur va talablarni tushunmagani sababli ko'plab savollar ham paydo bo'lmoqda. Shuning uchun "Soliqchi – ko'makchi" tamoyili asosida ularga yangicha ishlashni o'rgatish, elektron xizmatlar qamrovini oshirish zarurligi ta'kidlandi. Soliq qo'mitasiga barcha hududlarda tadbirkorlar bilan muloqotlar o'tkazish, ommaviy axborot vositalari orqali xalqqa hisobot berib borish vazifasi qo'yildi.

Ushbu vazifalardan ko'zlangan asosiy maqsadlardan yana biri - bu soliq to'lovchilarning byudjet oldidagi qarzdorligini kamaytirishdan iborat. Soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni byudjetga belgilangan muddatda va belgilangan miqdorda tushishi taraqqiyotni rivojlantirishning eng yaxshi samara beruvchi

³⁴ Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Davlat soliq qo'mitasida sohani takomillashtirish bo'yicha vazifalar yuzasidan yig'ilishi 16.03.2022 <https://yuz.uz/uz/news/>

omillaridan hisoblanadi.

Davlat soliqlarni davlat byudjetini shakllantirish uchun amalga kiritadi, soliqlar birorta aniq xarajatlarni qoplash maqsadiga ega emas, bu ayrim turdagi daromadlardan tushadigan tushumlardan amalga oshiriladigan xarajatlar ularga bog'liq bo'lib qolishini oldini olish zarurati bilan asoslangan. Biroq bir qancha hollarda umumiy soliqlar bilan birga maqsadli soliqlar ham belgilanadi, ularni amalga kiritilishi iqtisodiy faoliyatda ijobiy ro'l o'ynashi mumkin.³⁵

Soliq qarzlari sabablarini tahlil qilish - nafaqat to'lovlarni amalga oshirmaslikning paydo bo'lishi va o'sishi sabablarini tasniflashi, balki ularni bartaraf etish bo'yicha ayrim chora-tadbirlarni belgilash imkonini beradi. Bu chora-tadbirlar, albatta, o'z-o'zidan soliq qarzlarni to'liq bartaraf etishga olib kelmaydi, lekin ma'muriy va iqtisodiy xarakterdagi boshqa harakatlar bilan birgalikda korxonalariga to'lovlarni to'lamaqlik darajasini minimallashtirish va keyinchalik ularni to'liq bartaraf etishga erishish imkonini beradi. S. B. Pronin va M.S. Pronin, soliq qarzlarning sabablari uch guruhga bo'lgan:

Iqtisodiy sabablar - bularga makroiqtisodiy, tarmoq ichidagi va mikroiktisodiy sabablar kiradi.

Asosiy makroiqtisodiy sabab - bu Rossiya iqtisodiyotining ayrim tarmoqlari, hududlari va iqtisodiy faoliyat turlarining iqtisodiy rivojlanishining ular oladigan daromadlari bo'yicha heterojenligi. Mikroiktisodiy darajaning sabablari tashkilotning o'zi faoliyatiga asoslanadi va birinchi navbatda, qoniqarsiz boshqaruv va zaif moliyaviy nazorat, buxgalteriya hisobi va soliq hisobining sifatsizligi bilan bog'liq.

Tashkiliy-huquqiy sabablar qarzдорlikni undirish jarayonida ishtirok etuvchi tuzilmalarning yetarli miqdorda va texnik jihozlanishining yo'qligi, ushbu tuzilmalarning o'zaro hamkorligidagi hanuz mavjud qiyinchiliklar, shuningdek, hududiy soliq organlari faoliyatining turlicha, ko'pincha juda past darajada ekanligidir. soliq intizomi va soliq yig'ishga ta'sir qiladi.

Axloqiy-psixologik tabiatning sabablari ichki soliq madaniyatining yo'qligi, qarzlarni undirishning muqarrarligini anglamaslikdir, bu erda juda ko'p korxonalar va tashkilotlar rahbarlari soliqlarni to'liq to'lash va muvaffaqiyatli biznes deb hisoblashadi. mos kelmaydigan tushunchalar.

Korxonalar va tashkilotlar rahbarlarining katta qismi soliqlarni to'liq to'lash va muvaffaqiyatli biznes bir-biriga mos kelmaydigan tushunchalar degan jamiyatda hukm surayotgan fikrga amal qiladi. Va soliq organlari bunday rahbarlardan qo'shimcha katta miqdorda undirib, ularni ma'muriy va jinoiy javobgarlikka tortganda, ular yuzaga kelgan qarzlarni to'lamaqlik uchun barcha sa'y-harakatlarni amalga oshiradilar. Shu bilan birga, amaliyot shuni ko'rsatadiki, soliq to'lashdan qochishga bo'lgan bunday urinishlar, ayniqsa, agar ular huquqiy normalarni bilishga asoslanmagan bo'lsa, yaxshi narsaga olib kelmaydi.

Soliq qarzlarning shakllanishiga ta'sir qiluvchi umumiy iqtisodiy sabablarga qo'shimcha ravishda, soliq organlari harakatlarining tashkiliy-boshqaruv xususiyatining aniq sabablarini ajratib ko'rsatish kerak. Soliq qarzlarning o'sishiga yordam beradigan o'ziga xos omillarni uchta asosiy blokga bo'lish mumkin:

³⁵ Xvan L.B.: Solik huquqi. Toshkent Konsauditinform, 2001. 26-bet

✓ soliq nazorati choralari natijasida hisoblangan qo‘shimcha soliqlar summasi ko‘rinishidagi qarz;

✓ joriy (avans) to‘lovlarni to‘lamlaslik;

✓ soliq to‘lovchining ro‘yxatdan o‘tgan joyining o‘zgarishi munosabati bilan qabul qilingan qarz.

Soliq qarzlarning o‘shishiga ta‘sir etuvchi aniq sabablarning ta‘sirini tahlil qilish shuni ko‘rsatdiki, soliq qarzlarning umumiy hajmida asosiy ulush qo‘shimcha soliqlar, penyalari va soliq tekshiruvlari dalolatnomalari bo‘yicha jarimalar hissasiga to‘g‘ri keladi.

Shunday qilib, soliq qarzlarni shakllantirish sabablarining xilma-xilligi ularni bartaraf etishga kompleks yondashuvni, shu jumladan soliq qonunchiligiga o‘zgartirishlar kiritishni talab qiladi. Shu bilan birga, davlat turli mexanizmlardan foydalangan holda, mamlakat iqtisodiyoti uchun salbiy oqibatlarga olib kelmaslik uchun soliq qarzlari miqdorini tartibga solishi mumkin va kerak. Soliq qarzlari sabablarini tahlil qilish nafaqat to‘lovlarni amalga oshirmaslikning paydo bo‘lishi va o‘shishi sabablarini tasniflash, balki ularni bartaraf etish bo‘yicha ayrim chora-tadbirlarni belgilash imkonini beradi.

Soliq qarzining vujudga kelishi soliq munosabatlarida sodir bo‘ladigan o‘ziga xos huquqbuzarlik yoki soliq to‘lovchining bevosita faoliyatiga tegishli moliyaviy munosabatlar oqibatida sodir bo‘ladi va davlat byudjeti daromadlariga sezilarli darajada zarar keltiradi. Soliq to‘lovchilar tomonidan soliq qonunchiligiga rioya etmaslikning har qanday alomatlari soliq qarzini keltirib chiqarishi mumkin. Qonunbuzarlikning bosh omili hisob-kitobni to‘g‘ri yuritmaslikdan boshlanadi. Shu tufayli hisob-kitob, ayniqsa buxgalteriya hisobini to‘g‘ri yuritish bo‘yicha qattiq talabni korxonalar rahbari va bosh buxgalter zimmasiga yuklashni yanada kuchaytirish, javobgarlikni oshirish hozirgi kun davr talabi bo‘lib hisoblanadi. Agar davlat soliq xizmati organlari tomonidan o‘tkazilgan tekshirishlar yoki o‘tkazilgan soliq nazorati shakllari tahliliga nazar tashlaydigan bo‘lsak, soliq to‘lovchilar tomonidan soliqlarni hisoblab chiqarishda qo‘pol xatolarga yo‘l qo‘yilishi va buning natijasida ular katta miqdorda moliyaviy jarima to‘lab, iqtisodiy qiyinchiliklarga duch kelishini ko‘pgina mamlakatlar soliq amaliyotida uchratishimiz mumkin.

Soliq qarzi summalari paydo bo‘lishi holatlarini oldini olishda quyidagi mezonlarga e‘tibor berilishi lozim:

1. Xo‘jalik subyektlari tomonidan belgilangan muddatlarda byudjet va byudjetdan tashqari davlat maqsadli jamg‘armalariga to‘lovlarni amalga oshirmasdan mablag‘larini boshqa maqsadlarga yo‘naltirish.

2. Soliq organlari tomonidan o‘z vaqtida inkasso topshiriqnomalarini soliq to‘lovchining banklardagi hisobraqamlariga qo‘ymaslik.

3. Yirik soliq to‘lovchilar tomonidan banklardagi hisob raqamlari bo‘lganligi munosabati bilan qoshida sho‘ba korxonalarini ochib, asosiy oborotini ular orqali amalga oshirish.

4. Asosiy hisobraqamidan tashqari boshqa banklarda ikkilamchi hisobraqamlari ochib, asosiy pul aylanmalarini ular orqali amalga oshirish.

5. Banklar ishtirokisiz hisob-kitoblarni amalga oshirish (tovar ayirboshlash, qarzini uchinchi shaxs foydasiga kechish) holatlari hisobiga sodir etilishi mumkin.

6. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Davlat soliq organlari soliq to'lovchilar tomonidan to'lanadigan to'lovlarni to'liq davlat byudjetiga o'tkazilishini nazorat qilishda albatta soliq qarzlarini sodir bo'lishiga sababchi bo'ladigan holatlarni chuqur tahlil qilib lozim bo'lgan hollarda tegishli mansabdor shaxslarga ular haqida amaliy tavsiyalar berishlari bu tavsiyalarga soliq to'lovchining munosabatini nazorat qilib borishlari odatda ijobiy natija beradigan omillardan hisoblanadi.

*Murtozaeva. Z Student of the
Tashkent Financial institute
Usmanova. M Professor at the
"Taxes and taxation" Department of
Tashkent Financial institute*

FISCAL POLICY REFORMS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Annotation: The state fiscal policy is a set of measures based on the improvement of the economic, legal and organizational-control system for the future as one of the effective means of regulating economic processes in the country

Keywords: Fiscal policy, strategy, modern trends of fiscal policy, budget, macroeconomic stability

One of the main tasks of any state is to stabilize the country's economy. Such stability is achieved due to the fiscal policy of the state. The most basic feature inherent in fiscal policy is that the policy should be aimed at the development of the country's productive forces and a permanent impact on economic success. Budget - the main elements of tax policy are revenues and expenditures of the state budget. Fiscal policy consists mainly of replenishing the budget through taxes and redistributing the funds received, one of the main regulatory features of fiscal policy is manifested in the support of sectors and the population of the economy due to this tax deduction.

The issues of increasing the efficiency of fiscal policy and improving the tax system are theoretically an indirect way of regulating the economy by the state and are aimed at ensuring macroeconomic stability through the balance of mutual financial solvency of the state and taxpayers, achieving accelerated economic growth. It is for this reason that in the following years the issues of increasing the effectiveness of the fiscal policy carried out in our country and improving the tax system are primarily focused on reforms of strategic importance, such as reducing the tax burden, widespread use of effective means of tax administration and simplification of the taxation system.

Faced with market relations after the independence of the Republic of Uzbekistan, it was necessary to carry out deep reforms in fiscal policy. The most important of these reforms was the adoption of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 "On the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan" No. 4947. This law defined 5 priority directions of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 and served as a program of our actions for the following years.

It should be recognized as a striking example of the reforms being carried out in Uzbekistan, which are being resumed, in the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 29, 2018 "On the concept of improving the tax policy of the Republic of Uzbekistan" PF-5468 "the main directions of the concept of improving the tax policy of the Republic, eliminating discrepancies in the level of tax burden between economic entities paying taxes under a simplified and universal system taxation;

by unifying taxes, it is necessary to make them acceptable, combine taxes with those that have a similar tax base, reduce and simplify tax reporting, and minimize operating expenses;

ensuring the stability of the macroeconomic situation, reliable formation of the state budget of the Republic of Uzbekistan and its revenues;

to maintain a favorable regime for foreign investors and investments, to support them in every possible way and reliably protect them; to improve through the widespread introduction of forms and principles of tax control, including modern information and communication technologies that provide more complete coverage and accounting of taxation objects and taxpayers, to introduce procedures for taxation of transactions related to the formation ³⁶”.

Uzbekistan, along with other countries, faced the negative consequences of the COVID-19 pandemic in 2020-2021. Significant deterioration of the epidemiological situation and a decrease in economic activity in the context of the introduction of quarantine measures, easing of fiscal policy, increase in health care costs and social support of the population called for immediate action. As a result, in the context of the slowdown in economic growth, there was an increase in the budget deficit and external debt with the attraction of additional external debt.

Adoption of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5978 of April 3, 2020 "On additional measures to support the population, sectors of the economy and businesses during the coronavirus pandemic" socio-economic support of the population during the pandemic period was intended to provide benefits to their activities.

With the adoption of the Law of the Republic of Uzbekistan "On the State Budget of the Republic of Uzbekistan for 2021" dated December 30, 2020 as part of the implementation of the country's fiscal policy, as well as the adoption of the new Tax Code of the Republic of Uzbekistan with amendments "On amendments and additions to the Tax Code of the Republic According to the general part of the Tax Code, it can now be noted that the tax rates for all types of taxes are determined by the tax code as a positive change. In our country, even in monetary policy, Pricing policy, Investment policy, Social Policy, anti-migrant policy and the policy of the Bank of Japan, sharply positive silence has changed the effective side³⁷.

In this regard, it should be noted that the most basic idea of the new tax concept is to reduce the tax burden, apply a simple and stable tax system. Thanks to this, it is

³⁶ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 of February 7, 2017 "On the Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan." - www.lex.uz.

³⁷ Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-657 of December 25, 2020 "On the State Budget of the Republic of Uzbekistan for 2021".

possible to increase the competitiveness of our economy and create a favorable environment for entrepreneurs and investors. Unfortunately, a large share of the gross domestic product is accounted for by the "hidden" economy, which negatively affects the development of the country. Reducing the tax burden and creating more favorable conditions for doing business is the only way to end the "hidden" economy. Therefore, it is necessary to develop a separate program that provides for effective measures in this regard. In the new version of the tax Code, it is mandatory to encourage honest taxpayers, who are the basis of the country's development, and punish those who engage in clandestine activities.

In general, after the adoption of the concept of improving tax policy, the tax system is being modernized in our country, and in these conditions, in order to ensure an effective fiscal policy of the state, "further encouragement of conscientious disciplined taxpayers", "legalization of income and "reduction of the share of the hidden economy", mutual coordination and coordination of proportions.

*Қиёсов Ш.У., (PhD), доц.
Тошкент молия институти*

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ: ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Маълумки, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини янада ошириш, мулки ва активлари қийматининг муттасил ошиб боришини кафолатлаш орқали улар турмуш шароитини яхшилашни солиқ механизми орқали рағбатлантириш муҳим ҳисобланади. Бу борада “Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини яхшилаш” энг муҳим шартлар ҳисобланади. Ҳозирда аҳолининг янада тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлаш, даромадларини янада ошириш, мулки ва активлари қийматининг муттасил ошиб боришини кафолатлаш аҳамиятининг ўсганлиги Ўзбекистон Республикасида ҳам жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини янада ошириш, мулки ва активлари қийматининг муттасил ошиб боришини кафолатлаш орқали улар турмуш шароитини яхшилашни солиқ механизми орқали рағбатлантириш масаласи Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» таҳририда муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Ҳозирда «мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш» масаласи Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга

мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 79-мақсадида муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Таъкидлаш лозимки, **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** - қонун асосида ўрнатилган миқдорда ва муддатда давлат бюджетига жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларидан ундириладиган мажбурий тўловдир.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар улар даромадларининг муайян қисмини давлатнинг марказлашган фондини шакллантириш учун давлат бюджетига ундириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларда намоён бўлади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бир вақтда ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳамда жисмоний шахсларнинг фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади:

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг амалдаги тизими кўпроқ давлатнинг ижтимоий функцияларининг, ижтимоий адолат ва тенгликка эришишнинг стратегик вазифалари бажарилишини таъминлашга эмас, балки асосан жорий фискал эҳтиёжларни ҳал этишга қаратилган. Мазкур тизим мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари вазифалари талабларига жавоб бермайди ва такомиллаштиришга муҳтож.

2. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг мазкур такомиллашган тизими амалдагисидан қатор афзалликларга эга бўлади жумладан, солиққа тортилмайдиган минимумнинг жорий этилиши билан жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг прогрессивлиги кучаяди ва асосли чегирмаларнинг қатъий амал қилиши билан солиқ оғирлиги заифлашувига эришилади, фуқаролар кам даромадли қатламидан жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишдан тушумнинг пасайиши ва шу билан бир вақтда аҳоли юқори даромадли қатламидан тушумнинг ўсиши маълум даражада жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимида ижтимоий адолат ва фискал самарадорлик мутаносиблигини таъминлашга имкон беради. Бу билан аҳолининг кам даромадли қатлами ихтиёрида қолувчи даромад кўпаяди, у эса истеъмол ва жамғаришнинг ўсиши орқали мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлайди.

3. Давлатнинг бозор шароитида иқтисодиётни мақсадли бошқаришнинг шаффоф механизмларини яратиш орқали 2021 йилдан мамлакатимизда ўрта синфни шакллантириш, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ҳамда истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдорлар жорий этилишини инobatга олиб жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг янги сифат тавсифини таъминлашга қаратилган тегишли йўриқлар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу йўриқлар ва кўрсатмаларнинг ишлаб чиқилиши ва тез фурсатларда ҳаётга татбиқи даромадларни солиққа тортишда ижтимоий адолат тамойили ижроси таъминланишига ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадлари легаллашувидан ҳамда солиқ қонунчилигига итоаткор фуқароларнинг ўз келажаги ва муваффақиятларига бўлган ишончининг ошишини таъминлайди.

4. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш ва бунда солиқ тўловчилар ҳамда солиқ органлари ўзаро манфаатли фаолиятини таъминлаши лозим. Бунда солиқ тўловчи жисмоний шахсларни самарали фаолият юритувчи солиқ маъмуриятчилиги институти орқали давлатга бўлган ишончи ортади.

5. Давлат фискал вазифалари кескинлигини эътиборга олиб ҳамда ижтимоий адолат тамойили ижросини таъминлаш мақсадида жисмоний шахсларнинг манбаидан олинадиган даромадларини солиққа тортиш тизими самарадорлигини ошириш юзасидан “жисмоний шахс мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадни солиққа тортишда иккинчи ва ундан кейинги рўйхатдаги мол-мулк ижарасидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ тўловларида ўсиб боровчи усулни жорий этиш” ҳамда “жисмоний шахслар даромадлари легаллиги ва улар ҳақиқий миқдорини ҳисобга олишга оид солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш юзасидан жисмоний шахслар “ўта қиммат харидлари бўйича ҳисоб юритилиши тизимининг жорий этилиши” лозим”.

6. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5544-Фармонида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг муҳим омиллари қаторида бу соҳа изчил ривож учун солиқ имтиёзлари ва преференциялари бериш зарурлиги таъкидланган. Ушбу зарурият нафақат юридик шахслар фаоллигини таъминлаш мақсадида, балки шу билан бирга жисмоний шахслар фаол иштироки учун ҳам бирдай тааллуқлидир. Шу жиҳатдан инновацион фаолиятнинг барча иштирокчиларини ушбу жараёнда фаол, манфаатли иштирокини таъминлашнинг муҳим солиқ рағбати сифатида уларнинг ушбу фаолиятдан олган даромадларининг 20 фоизини солиқдан озод қилиш мақсадга мувофиқдир.

*Ахрорбек Юсупбеков,
Дилшода Юсупбекова
Тошкент Стамотология Институти*

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, уларга солиқ имтиёзларини жорий қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга,

жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи такомиллаштирилмоқда. Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда кўрилатган чора-тадбирлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш таъминланди, БМТ Минг йиллик ривожланиш мақсадларининг асосий параметрларига эришилди.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқларга халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳо берилди. Масалан, аҳолининг умр кўриши 4,6 ёшга — 1995 йилдаги 69,1 ёшдан 2017 йилда 73,7 ёшга ошди. Ўзбекистон тиббиётидаги энг катта янгиликлардан бири сифатида трансплантация амалиётининг йўлга қўйилмоқда. Хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда буйрак, жигар ва ўзак хужайра трансплантацияси бажарилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш, иммунопрофилактика соҳасида сезиларли натижаларга эришилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сон қароридан сўнг Ўзбекистондаги хусусий клиникалар сони сўнгги йилда 3040тадан 4073та ошган. Мамлакатимиз тиббиёти тарихида биринчи марта хусусий клиникаларга деярли барча йўналишларда, хусусан, абдоминал жарроҳлик, торакал жарроҳлик, нейрохирургия, онкология, травматология ва болалар жарроҳлиги бўйича лицензия беришга рухсат этилди.

Хусусий тиббиёт муассасалари ҳам айланма, фойда ва ер солиғидан озод этилди. Солиқ кодексига киритилган ўзгаришларга кўра, тиббиёт муассасалари тиббий хизматларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод қилинди. Қолаверса, тиббиёт муассасалари эгаллаб турган ерлар солиқ солинмайдиган ер участкалари рўйхатига киритилди, фойда солиғи эса 0% ставкада қўлланиши белгиланди.

Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун билан хусусий тиббиёт муассасалари учун имтиёзлар жорий этилди, Хусусан, Солиқ кодексининг 243-моддаси 1-қисми 11 ва 14-бандларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, тиббиёт муассасалари тиббий хизматларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод этилди. Бу хизматларга қуйидагилар кириши белгиланди:

- тиббий ёрдам ва санитария;
- диагностика, профилактика ва даволаш;
- стоматология хизматлари, шу жумладан тиш протезлаш бўйича хизматлар.

Бундан ташқари, санаторий-курорт, соғломлаштириш хизматлари, жисмоний тарбия ва спортга доир хизматларни реализация қилиш ҳам айланма солиқ солишдан озод қилинди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш муассасалари

эгаллаб турган ерлар (туристик хуудларда жойлашган санаторий-курорт муассасалари бундан мустасно) солиқ солинмайдиган ер участкалари рўйхатига киритилди. Шундай қилиб, хусусий тиббиёт муассасалари ҳам ер солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлди.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 337-моддаси 1-қисми 4-бандига кўра, тегишли лицензия асосида тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар бўйича фойда солиғига 0% ставка қўлланилиши белгиланган:

- тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизматлари кўрсатиш,
- ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш хизматлари,
- стоматологик хизматлар, тиш протезларини ўрнатиш хизматлари

(бундан косметология хизматлари мустасно).

Бу билан хусусий тиббиёт билан ўз эгалигидаги ерларда, шу жумладан ижара асосидаги бинолар жойлашган ерларда шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига ер солиғи бўйича ҳам кенг имтиёзлар тақдим этилмоқда.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммолар фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича концепция ҳамда стратегик мақсадларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислохотлар тўлиқ бўлмаган шаклда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолининг тиббий ёрдам сифатига доир истак ва талабларига жавоб бермаяпти;

иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сметали молиялаштириш тизими эскирган бўлиб, молиявий ресурсларни самарасиз ишлатилишига ва соҳани сурункали тарзда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда;

учинчидан, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги фуқароларнинг ихтисослашган тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишининг кўпайишига сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли даражалари ва босқичлари, шу жумладан, даволаш ва саломатликни тиклаш жараёнида узвийлик суест ривожланган;

бешинчидан, амалдаги кадрлар сиёсати тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида, айниқса, бирламчи бўғинда мутахассислар билан таъминлашнинг, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчилари ва бошқарув ходимларини тайёрлашнинг истиқболларини прогнозлаштириш имконини бермаяпти;

олтинчидан, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан интеграцияси суестлиги ихтисослаштирилган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги билан биргаликда замонавий тиббиёт ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, электрон соғлиқни сақлаш соҳасида ягона стандартлар мавжуд эмас, тиббий хизматнинг интеграциясини ва самарали бошқарилишини

таъминлайдиган замонавий дастурий маҳсулотлар жорий этилмаган, мавжуд ахборот тизимлари ва технологиялари тарқоқ тусга эга ва тор йўналишларга мўлжалланган.

Шундай қилиб, ушбу муоммоларни ҳал қилиниши келажақда тиббий хизмат бошқарувини оптималлаштириш, инфраструктурани яхшилаш, тиббий хизмат нормативлари ва стандартларини ишлаб чиқиш, дори-дармон таъминотини яхшилаш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш ва соҳага замонавий ахборот технологияларини жадал татбиқ этишга имкон беради.

*Эрназаров Н.Э., мустақил тадқиқотчи
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

АКЦИЗОСТИ ТОВАРЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ АМАЛИЁТИГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ ХУСУСИДА

Акциз солиғи турли иқтисодий ривожланиш босқичларида бўлган қатор давлатларда билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга акциз солиғи ҳозирги кунда жаҳон солиққа тортиш амалиётида мувафақиятли қўлланилмоқда. Акциз солиғининг қадим даврлардан ҳозирги кунга қадар бу даражада кенг тарқалишининг асосий сабаби, унинг фискалик аҳамияти ва йиғувчанлик даражасининг юқорилигидир. Бу ҳақда, ҳатто 1666 йилда француз иқтисодчиси Ф.Дэмэзон таъкидлаб ўтган эди: “акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир”³⁸.

Ҳозирги кунда иқтисодий адабиётда акциз солиғининг зарурлигини асослашнинг турлича ёндошувлари ва вариантлари учрайди. Жумладан, О.Р.Тегетаева фикрича, “акциз солиғи эгри солиқ таркибига кирсада, ҳозирда унинг асосий аҳамияти аҳоли ижтимоий истеъмолининг ҳолати ва истиқболлини баҳолаш мезони эканлигидадир”³⁹.

Л.В.Боровко фикрича, “ҳозирги замон солиқ сиёсатининг истиқболли йўналиши ва концептуал акциз солиғига тортиш амалиётининг ижтимоий йўналтирилган моделини шакллантириш ва унинг самарали ривожланишини таъминлашдир”⁴⁰.

М.А.Троянская ва Ю.О.Низамиевалар таъкидлашча, “билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида акциз солиғидан истеъмолни тартибга солувчи ва ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш имкониятларини яратиш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётир”⁴¹.

³⁸Малов В.Н., Кольбер Ж.Б. Абсолютистская бюрократия и французское общество. -М.: «Наука», 1991. С.90..

³⁹Тегетаева О.Р. К проблемам реформы акцизного налогообложения// Налоговый менеджмент. – 2016. – № 6.- с.23-27.

⁴⁰Боровко Л.В. Формирование социально-ориентированной модели акцизного налогообложения и эффективность её развития// Проблемы экономики и юридической практики, 2012, №6, с. 71-75.

⁴¹Троянская М.А., Низамиева Ю.О. Совершенствование акцизного налогообложения как инструмента налогового регулирования//Бизнес в законе, 2013, №8, с.121.

Юқорида билдирилган фикрларнинг умумлашма таҳлили “акциз солиғининг зарурлиги” тушунчаси моҳиятини тушунишга уч хил ёндошув мавжудлигини кўрсатди.

Биринчи ёндошув мазкур тушунчани тор маънода тушунишни изоҳлайди ва унинг эгри солиқ сифатидаги аҳамиятигагина урғу беришга асосланади.

Иккинчи ёндошув вакиллари эса, ўз навбатида, ушбу тушунча талқинида асосий эътиборларини концептуал акциз солиғига тортиш амалиётининг ижтимоий йўналтирилган моделини шакллантириш ва унинг самарали ривожланишини таъминлаш зарурлигига қаратадилар.

Ва ниҳоят, учинчи ёндошув вакиллари акциз солиғи зарурлигини давлат фискал базасини ушбу солиқ иштирокидаги шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши билан боғлайдилар⁴².

Акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини ислоҳ қилиш ва акцизларнинг самарали моделларини яратишни қамраб олувчи бир қатор концептуал қоидалар мунозарали бўлиб, илмий тушунишни, шунингдек, солиқ солинадиган базани шакллантириш ва баҳолаш ҳамда акциз ставкаларини табақалаштириш муаммосига ойдинлик киритишни талаб қилади. Тармоқ акцизларини ҳисоблаш, уларни бюджетга ундириш ва назорат қилишнинг солиқ тартибини ишлаб чиқиш амалиёт эҳтиёжларидан сезиларли даражада орқада қолмоқда.

“Акциз” термини, қатор тадқиқотчилар фикрича, голландча *exijs* (қадим французча *accise*) сўзидан келиб чиққан бўлиб, “солиқ солиш мақсадида баҳолаш” деган маънони англатади. Бундан ташқари қуйидагича мулоҳаза ҳам мавжуддир, яъни “акциз” сўзи лотинча *accidere* (кесиб олмоқ, кесмоқ) сўзидан олинган бўлиб, солиқ солиш мақсадида идишда мавжуд бўлган ичимлик миқдорини ўлчашда фойдаланиладиган махсус чўпдаги кертма белгини англатган.

Акциз солиғи оммавий турдаги истеъмол товарлари (хизматлари)га солинадиган эгри солиқ тури бўлиб, маҳсулот баҳоси (ёки хизматлар тарифи)га устама шаклда ўрнатилади ҳамда шу тариха охириги истеъмолчи зиммасига юклатилади.

Акцизлар моҳиятан индивидуал ва универсал акцизларга бўлинади. Индивидуал акцизлар моҳиятан ва табиатан универсал акцизлар - қўшилган қиймат солиғи, сотувга солинадиган солиққа ўхшаш бўлиб, чекланган товарлар гуруҳига солиниши билан улардан фарқланади. Одатда акцизга тортиладиган товарлар, умумий характерга эга бўлиб, ушбу товарларга бўлган талаб даромад даражасига нисбатан паст эластикли(эгилювчан)дир.

Акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини бошқариш самарали тадбирларига янгича ёндошув шунда намоён бўладики, унда Ўзбекистон Республикасида давлат солиқ сиёсатининг концептуал асослари доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини

⁴²Джамалов Х.Н., Уразметов Ж.М. Задачи анализа финансово-хозяйственно-цифровой деятельности в новой системе финансового менеджмента//Иқтисодиёт ва таълим, 2021.-№3, с.96-103.

тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш ётади.

Хулоса ва таклифлар.

Қорақалпоғистон Речспубликасида **жами тадбиркорлар** (юридик шахс ва якка тартибдаги) сони 2018 йилда **35 762 та**, 2019 йилда **38 431 та**, 2020 йилда **43 529 та**, 2021 йилда **46 155 тани** ташкил этган. Шундан, **юридик шахслар** 2018 йилда **14 420 та**, 2019 йилда **17027 та**, 2020 йилда **20 686 та**, 2021 йилда **24 214 тани** ташкил этган. Шу билан бирга, ушбу тадбиркорлик субъектларининг турли хил молиявий қийинчиликларга дуч келганлиги сабабли, 2018 йилда **3 378 та**, 2019 йилда **3 377 та**, 2020 йилда **3 214 та** ва 2021 йилда **5 697 таси** фаолият кўрсатмаган. Шунингдек, 2018 йилда **1 363 та**, 2019 йилда **1 321 та**, 2020 йилда **487 та**, 2021 йилда **82 таси** ўз фаолиятларини тугатган.

¹ Муаллиф ёндашуви.

² Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси

³ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида.

Якка тартибдаги тадбиркорлар 2018 йилда **21 342 та**, 2019 йилда **21 404 та**, 2020 йилда **22 843 та**, 2021 йилда **21 941 тани** ташкил этган. Шулардан, 2018 йилда **5 094 та**, 2019 йилда **3 654 та**, 2020 йилда **6 903 та** ва 2021 йилда **7 933 таси** турли ҳил молиявий қийинчиликларга дуч келганлиги сабабли фаолият кўрсатмаган. Шунингдек, 2018 йилда **2 785 та**, 2019 йилда **6 242 та**, 2020 йилда **5 215 та** ва 2021 йилда **4 061 таси** ўз фаолиятларини тугатган.

Шу ўринда ўринлик савол туғилади. Мазкур ҳолатларнинг асосий сабаб ва омиллари нималардан иборат? Ҳудудда фаолият кўрсатмаётган ва фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди:

Биринчидан, давлат органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлиги. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Маъмурий судидан олинган маълумотларга кўра, охириги 3 йил давомида жами 205 нафар тадбиркорлар томонидан маҳаллий давлат органларининг қарорлари устидан судларга шикоятлар киритилган. Шундан, 38,5 % (79 та) қаноатлантирилган, яъни 3 йил давомида 79 та ҳолатда судлар томонидан тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклаб берилган.

Иккинчидан, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорларнинг фаолиятини текширишлар сони ортганлиги. Жумладан, назорат қилувчи органлар томонидан 2021 йилда жами 5843 та тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширишлар ўтказилиб, ўтган йилга нисбатан (3 147 та) деярли икки бароварга кўпайган. Хусусан, Давлат солиқ бошқармаси 3 182 та, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси 1 287 та, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати 471 та, Экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 180 та, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги 174 та, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси 145 та, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси 110 та, Ўздавқарантин 109 та ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан 185 та текширувлар амалга оширилган.

Ушбу текширишлар Қораўзак туманида 293 та (фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг **45 фоиз**), Тахтакўпир туманида 198 та (**44 фоиз**), Қонликўл туманида 248 та (**43 фоиз**), Шўманай туманида 213 та (**38 фоиз**), Кегейли туманида 279 та (**32 фоиз**), Нукус туманида 274 та (**32 фоиз**), Тахиатош туманида 247 та (**30 фоиз**), Бўзатов туманида 96 тадан (**29 фоиз**), Беруний туманида 717 та (**28 фоиз**), Эллиққалъа туманида 469 та (**28 фоиз**), Мўйноқ туманида 166 та (**26 фоиз**), Кўнғирот туманида 459 та (**26 фоиз**), Чимбой туманида 267 та (**21 фоиз**), Хўжайли туманида 352 та (**19 фоиз**), Амударё туманида 355 та (**18 фоиз**), Тўрткўл туманида 444 та (**15 фоиз**), Нукус шаҳрида 766 та (**12 фоиз**) тўғри келган. Шундан, жами **411 ҳолатда** текшириш ўтказишнинг белгиланган тартиби бузилган ёки ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланган.

Республика худудида инновацион фаолиятга етарли эътибор қаратилмасдан, табиий ресурслар рентадига боғланиб қолганлиги, яъни қўшилган қийматли маҳсулотлар ялпи ҳудудий маҳсулотлардаги улуши баланд эмас. Жумладан, республикада 144 та конларда, 34 хил қазилма бойликлар аниқланган, шундан ҳозирда 213 тасида қазилма олиб борилмоқда, бироқ, ушбу табиий ресурсларнинг аксарият қисми қазиб олиниб, хом ашё сифатида сотилмоқда. Шу каби ҳолат, қишлоқ хўжалигида ҳам кузатилади, қўшилган қиймат занжирини яратиш аҳволи жуда паст. Бу ҳолат эса, республика иқтисодиётининг диверсификацияланмаганлиги, ривожланмаслигига олиб келмоқда. Чунки, табиий рентанинг юқори чегараси бор, яъни табиий ресурслардан чекланмаган миқдорда фойдаланиш мумкин эмас, инновациянинг эса чегараси йўқ.

Кузатишларда ниқланишича, 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида инновацион маҳсулот ишлаб чиқарган ва хизмат кўрсатган субъектлар сони **6 771 та** бўлганда Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич 101 та субъектни ташкил қилган. 2020 йилда инновацион ишланмалар учун Ўзбекистон Республикасида **74 578,1 млн.** сўм сарфланган бир пайтда, Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич **0 га** тенг бўлган.

Худудларда секторлар раҳбарлари томонидан тадбиркорларликни ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганлиги.

Вазирлар Маҳкамасининг “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 536-сонли қарорига асосан секторлар фаолиятини баҳолашнинг кўрсаткичлари белгиланиб, тадбиркорликка оид кўрсаткичлар фақат тадбиркорликнинг ўсиш сурати, ажратилган кредитлар ва уларни ўқитиш бўйича баҳоланипти.

Шу сабабли, сектор раҳбарларининг соҳага эътиборини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини баҳолашда:

- тадбиркорларнинг аҳоли сонига нисбати;
- фаолиятини тўхтатган тадбиркорларнинг фаолият юритаётган тадбиркорларга нисбати;
- йирик тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорларнинг умумий сонига нисбати кўрсаткичларини киритиш ўзининг ижобий натижасини беради.

Дунёда солиқ имтиёзларидан фойдаланишга оид икта йўналишни кузатиш мумкин, биринчиси юқори солиқ ставкаларини қўллаш орқали, баъзи бир соҳаларда солиқ ставкаларини классификациялаш, кўп сонли солиқ имтиёзларини ва солиқ даромадларидан чегирмаларни тақдим этиш ҳамда иккинчиси солиқ имтиёзларидан бекор қилиш эвазига солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ ставкасини пасайтириш имконини беради.

Биринчи йўналишда такрорий ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиш ва илмий-техникани ривожлантириш учун берилади. Иккинчиси эса – иқтисодиётнинг барча йўналишларида эркин фаолият олиб бориш учун шароит яратиш мақсадида берилади. Биринчи йўналиш бўйича давлатнинг иқтисодга таъсир сарф-харажатлари кўпаяди ҳамда ижтимоий харажатларнинг катта улушини ўз зиммасига олишга мажбур бўлади. Бунга юқори даражада солиққа тортиш имконият беради.

Иккинчи йўналишда эса имтиёزلарни бекор қилиниши ҳар доим ҳам солиқ базасини кенгайтиришга ва умумий солиқ ставкаларини камайтиришга имкон бермайди. Ўзбекистонда амалда фойдаланилаётган имтиёзлар тўғрисида эса бунақа деб бўлмайди. Маълумотларга асосан, имтиёзлар суммаси бюджетда ҳал қилувчи миқдорни ташкил этмайди. Бунинг ташқари имтиёзнинг асосий қисми ижтимоий хусусиятдаги, яъни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилмаганлигидир.

Солиқ имтиёзларини амал қилиш хусусиятлари ва ривожланган мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, ривожланган давлатларда фойдани солиққа тортиш бўйича олдинги ёндошув фойданинг юқори ставкаси амал қилган ҳолда, кенг миқёсда солиқ имтиёзлари тизимидан фойдаланиш ўрнига пасайтирилган солиқ ставкаси билан бирга қисқартирилган солиқ имтиёзлари тизими амал қила бошлади. Агар АҚШда солиқ ставкаларининг пасайиши «таклиф иқтисодиёти» назарияга асосланса, унинг амалиётидаги муваффақияти «Рейганомика» сиёсати билан боғлиқ. Ўтган асрда япон экспертлари баъзи мамлакатларда имтиёзлар оқибатида фойда солиғи тушуми қисқарганлигини кўрсатиб беришган. АҚШда фойда солиғи суммасининг 22%, Англияда эса 26%, Германияда 18% ва Японияда 11 % гача тушмаётганлигини исботланган.

Юқоридагиларга кўра, ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ҳудудда аниқланган қурилиш материаллари хомашё кон участкалари туманлар ва норуда материаллар турлари кесимида ажратилиб, тадбиркорларга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун аукцион орқали бериш;

2. Қурилиш материаллари хомашёсини вилоятда янада кенгайтириш мақсадида туманлар кесимида геологик жиҳатдан ўрганиш учун истиқболли участкалар руйхати шакллантирилиб, аукцион орқали ташаббускорларга бериш таклифлари ишлаб чиқиш;

3. Қорақалпоғистон туманларида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ва ташаббускорлар билан учрашув ўтказиб, қурилиш материаллари соҳасида лойиҳаларни аниқлаш;

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Нукус давлат университетида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва

инновацион ғояларни ишлаб чиқаришда қўллаш мақсадида бакалаврлар тайёрлаш масалаларни ўрганиб чиқиш;

(“Кимёвий технология”, “Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси”, “Геология ва нефть-газ конларини қидириши”, “Маркшейдерлик иши”, “Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш техниги” ва б.қ.)

5. Тадбиркорларнинг барча органларга (ҳалқ қабулхонаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, назорат органлари) қилган мурожаатлари ҳар ойда таҳлил қилинган ҳолда депутатлар кенгашида муҳокама қилиниши ва тадбиркорларнинг мурожаатлари ошган ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланишини йўлга қўйиш;

6. Тадбиркорлар фаолиятини текширишлар сонини кескин қисқартириш, текширишлар тартибини бузган ёки ноқонуний текширишлар ўтказилишига имконият яратган ташкилот раҳбарларига қатъий чоралар кўрилиши;

7. Тадбиркорларнинг инновацион фаолият юритишга қизиқишини орттириш мақсадида ушбу фаолиятни рағбатлантириш юзасидан таклиф ишлаб чиқилиши;

8. Сектор раҳбарларининг фаолиятини баҳолаш мезонларига тадбиркорликка доир алоҳида кўрсаткичларни киритиш лозим.

Ғ.А.Сафаров, ТМИ

“Солиқлар ва солиққа тортиш”

кафедраси тадқиқотчиси, и.ф.н, доцент

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими тубдан янгидан ташкил қилинди. Солиқ тизими мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига мутаносиб равишда ислоҳ қилиниб, бугунги кунда миллий анъаналаримизни ва жаҳон амалиётининг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган солиқлар амал қилмоқда. Бу борада кенг қўламли солиқ ислоҳотларини олиб борилиши натижасида аҳолининг реал даромадларини ошишига, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватлаш орқали улар фаолиятини жадал ривожлантиришга эришилди. Айниқса, бюджет-солиқ тизимининг эркинлаштирилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилиниши натижасида табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш тизимида кескин бурилиш бўлди¹. Барча тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони (<https://www.lex.uz>).

ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг жорий этилиши уларни бундай ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиши учун иқтисодий механизм яратди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини амалиётга жорий этилиши натижасида табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришларни давлат бюджети ва солиқ тўловчилар фаолиятига таъсирини танқидий ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакат солиқ тизими ва унинг хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир қатор солиқлар ва мажбурий тўловлар амал қилиб, улар таркибида эгри ва тўғри солиқлар асосий ўринни эгалласада, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи ҳам алоҳида амамиятга эга.

Мол-мулк ва табиий ресурс солиқлари иқтисодий моҳиятига кўра кўпроқ тўғри солиқларга мос келсада, хусусиятларига кўра тўғри солиқларнинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Шу билан бирга мазкур турдаги солиқларнинг бюджет параметрларида алоҳида акс эттирилганлиги, уларга алоҳида ёндашувни талаб этади.

Солиқлар давлат бюджети даромадларини етарлича маблағ билан таъминлаш билан бирга, мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига хизмат қилиши зарур. Табиий ресурс ва мол-мулк солиқлари юқоридагилардан ташқари хўжалик субъектларининг ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишига хизмат қилиши керак.

Мамлакатимизда солиққа тортишнинг икки хил тартиби, яъни умумбелгиланган ва соддалаштирилган тартиби амал қилиб, 2019 йилга қадар йирик корхоналар умумбелгиланган тартибда солиқ тўлаган бўлса, кичик тадбиркорлик субъектлари бир нечта солиқлар ва мажбурий тўловлар ўрнига соддалаштирилган солиқларни у ёки бу турини тўладилар. Натижада, соддалаштирилган солиққа тортиш тартибларида солиқ тўлаган хўжалик субъектлари мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўламадилар.

Республикамиз солиқ тизимини соддалаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар охир-оқибат солиқ тизимини мураккаблаштириб юборди. Солиқ тизимининг нобарқарорлиги сабаблари тадқиқи ягона солиққа тортиш механизмларида бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатди. Бундай бўшлиқларни бартараф этишга бўлган ҳаракатлар нафақат солиқ режимлари кўпайиб кетишига, балки солиқ ставкаларининг ҳам ҳаддан зиёд табақалашуви, шунингдек, солиқ базаларини аниқлашнинг илмий асосланмаган турли хил базавий меъёрлари ўрнатилишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиқ юқини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш

тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2019 йилдан барча тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг жорий этилиши уларни бундай ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиши учун иқтисодий механизм яратган бўлсада, табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш тизимида айрим муаммолар кузатилмоқда.

Республикада ер солиғи ставкалари ердан фойдаланиш мақсадига кўра белгиланиб, унинг ставкасини белгилашдаги асосий мезон бўлиб ернинг балл-бонитети ҳисобланади. Ер солиғи юкининг асосий қисми ноқишлоқ хўжалиги корхоналари зиммасига тўғри келган бир шароитда, улар учун ер солиғи объектининг ер майдони қилиб белгиланиши ер солиғининг моҳиятини ўзида етарлича намоён этмайди. Чунки ноқишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ эмаслигини эътиборга олган ҳолда, бундай корхоналар учун ер солиғининг объекти ер майдони эмас, балки ернинг жойлашуви, унга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланган ернинг кадастр қийматидан ундирилиши ўз моҳиятини кўпроқ намоён этади. Бу ўз навбатида, келажакда амалдаги ер солиғи ва мол-мулк солиғини унификация қилиш имкониятини яратади. Қолаверса, ноқишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерга бўлган зарурати даражасида ер участкаларидан фойдаланишга бўлган манфаатдорлигига, шунингдек, ерларнинг сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар учун молиявий ресурсларни шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортиш тартибини тубдан қайтадан кўриб чиқиш ва уларни республикада табиий ресурсларнинг асосий истеъмолчиси эканлигини ҳисобга олиб, табиий ресурс солиқларига устуворлик бериш ва уларни даромад олиш мавсумийлигидан келиб чиқиб тўлаш тартибларининг жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Республикамизда амалда бўлган бошқа солиқлардан фарқли равишда, кўп йиллардан буён ер участкаларига солиқ солиш тизимини халқаро тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштириш ишлари амалга оширилмади. Амалдаги тизим ва ўрнатилган ставкалар солиқ солишнинг адолатлилик тамойили талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шу боис, ер участкаларидан солиқ ундириш тартиби ва тизимини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Табиий ресурс солиқларининг асосий турларидан бири ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ер ости бойликларининг турларига қараб табақалашган тарзда белгиланган ва кўп йиллар давомида деярли ўзгартириш киритилмаган. Охирги йилларда ер ости бойликларининг жаҳон бозоридаги нархи бир текис эмас. Шу боис, амалдаги ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиш ва янги қазилма бойликлар учун солиқ ставкаларини

белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, солиқ ставкасини қазиб олинаётган айрим қазилма бойликларининг оғирлигига (тонна) нисбатан белгиланиши ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, қазиб олинган фойдали қазилманинг миқдори статистик ҳисоботларда ҳажмда (куб.метр) кўрсатилади, бироқ қазилмаларнинг зичлиги бир-биридан фарқ қилганлиги боис, ҳажми (куб.метр) оғирликка (тонна) ўтказишда солиқ тўловчи ва солиқ органлари ўртасида тушунмовчилик юзага келмоқда, натижада солиқ ҳисоботлари нотўғри тўлдирилмоқда.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни такомиллаштиришда уни ҳисоблашни соддалаштириш, шаффофликни ва тушумнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида, солиқ ставкаларини ер ости бойликларининг ҳажмига нисбатан белгилаш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатда сув ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳар йили сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари индексация қилинмоқда. Бу ҳолат кўпинча иқтисодиётдаги инфляция даражаси билан боғлиқ. Чунки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари фойдаланилган сув ҳажмига нисбатан қатъий сўмда белгиланган.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, амалдаги сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқа мақсадлар учун ишлатилган сув ҳажмига саноат корхоналари учун белгиланган ставкаларни;

- алкоғоль маҳсулотлари ва пиво ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажмига алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажми учун белгиланган ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан меъеридан ортиқ, улардан ваколатли органларнинг рухсатсиз фойдаланганиши солиқ мажбуриятларини ҳам ошишига олиб келади. Бу орқали чекланган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланишни солиқ механизми воситасида тартибга солишга эришилади. Шу боис, сувдан фойдаланиш ва истеъмол қилиш лимит (меъёр)ларидан ортиқча олинган сув ҳажми учун ҳамда сув ресурсларидан ваколатли органларнинг рухсатсиз фойдаланилганда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базавий ставкасининг оширилган миқдорини қўллаш зарур. Мазкур тартиб натижасида сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириб, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга иқтисодий механизм орқали таъсир кўрсатилади.

Юридик шахслардан олинандиган мол-мулк солиғи объектини белгилашда сўнгги йилларда бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Солиқ

солиш объектдан номоддий активлар қиймати чиқариб ташланди ва бошқалар. Шунга қарамасдан, мол-мулк солиғи механизмида айрим мунозарали масалалар сақланиб қолаяпти. Жумладан, амалдаги солиқ қонунчилигида муддатида ўрнатилмаган асбоб-ускуналар учун икки карра оширилган ставкада солиқ тўлаш белгиланган. Назаримизда ҳеч бир тадбиркорлик субъекти асбоб-ускуналарни хариб қилиб, уларни ўрнатиб ишлаб чиқаришда фойдаланмасликдан манфаатдор эмас. Шу боис, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи объектдан муддатида ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни чиқариб ташлаш керак. Бу ўзгариш натижасида тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайишига ва солиқ тўловчилар ихтиёрида қўшимча маблағ қолишига эришилади.

Амалдаги солиқ қонунчилига асосан жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи кадастр идоралари томонидан тақдим этилган жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматлари асосида солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади. Лекин жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулкларнинг кадастр қийматини белгилаш тизими мулкни баҳосига таъсир қилувчи қатор омиллар инобатга олинмаганлиги сабабли кадастр қиймати унинг бозор қийматидан фарқ қилади. Шу боис, жисмоний шахсларнинг турар жойлари ва нотурар объектларини кадастр қийматини белгилаш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари солиқ солиш объектининг эгаллаб турган майдони (кв.м)га қараб табақалашган. Лекин бунда битта солиқ тўловчига тегишли бўлган бир нечта мол-мулк майдони ҳисобга олинмаган. Бизнингча, мол-мулкнинг умумий майдони аниқланаётганда солиқ тўловчига тегишли бўлган барча мол-мулклар ҳисобга олиниши керак.

2-СЕКЦИЯ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАЛИ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ- КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

“Бизга ҳозир тушум ошиши асосийси эмас. Биринчи навбатда, тизимни тўғри қилиб, билмаганларга ўргатиб, солиқ юкини камайтириб, тадбиркорларнинг эмин-эркин, ҳалол ишлашини йўлга қўйишимиз керак. Солиқчилар жазоловчи эмас, кўмакчи бўлиши керак.”¹

Ш.Мирзиёев

2022 йил 16 апрел куни Давлат солиқ қўмитасида
соҳани такомиллаштириш бўйича ўтказилган
йиғилишда сўзлаган нутқидан

Уразалиев Камолиддин
“Солиқлар ва солиққа тортиш”
кафедраси мудири, PhD.

ИЗЧИЛ СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ - МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Анотация: иқтисодий ривожланишни таъминлашда солиқ маъмурчилигининг аҳамияти, мамлакатимизда самарали солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, жорий этишнинг долзаблиги ва вазифалари ёритилган. Шунингдек, бу борада эришилган дастлабки натижалар ва хулосалар баён қилинган.

Калит сўзлар: иқтисодий ривожланиш, солиқ тизими, солиқ маъмурчилиги, солиқ юки, рақамли иқтисодиёт, самарали солиқ маъмуриятчилиги.

Солиқ тизимидаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳеч кимни - тадбиркорларни ҳам, жисмоний шахс сифатида солиқ тўловчиларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Чунки солиқ тизимида ислохотларни амалга оширмай туриб эртанги кунимизни, фаровон жамият қуришни тасаввур қилиб бўлмайди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, “солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ

¹ Солиқ юкини камайтириш ва соҳани рақамлаштириш вазифалари белгиланди. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 17 март №55 (577)

маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг муҳим шартлари ҳисобланади”¹.

Ўзбекистонда давлат солиқ сиёсатининг концептуал асослари доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда самарали солиқ маъмуриятчилигини шакллантириш йўналишлари тизимли тарзда тадқиқ этиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви жараёнида фискал сиёсат ва солиқ тўловчилар солиқ салоҳиятини ошириш муаммоларининг кескинлашуви, солиқ тизими модернизациясининг самарали воситаларини давлат томонидан қўллаш кўп жиҳатдан солиқ маъмуриятчилиги фаолиятининг самарали ташкил этилишига бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислоҳининг алоҳида бир йўналиши сифатида солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини ташкил этиш йўналишларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ сўнгги йилларда мамлакатимиз солиқ маъмуриятчилигида туб ислоҳотлар амалга оширилди ва ушбу ислоҳотлар давом этмоқда.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш жараёнида соҳани тартибга солиш, ҳуқуқий базасини шакллантириш, уни жадал ривожланишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, соҳа фаолиятини бевосита тартибга солувчи 10 га яқин Президент фармон ва қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқарилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сон Фармони, 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон Қарори, 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ№5468-сонли Фармони, 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон Қарори ва ушбу асосида “2019-2021 йилларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги 29 июнь 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”, 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сон Қарорлари мамлакатимизда самарали солиқ маъмурчилигини ташкил этиш учун муҳим пойдевор бўлмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, асосий ислохотлардан бири сифатида 2020 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилинганлигини, тўғридан-тўғри қўлланувчи нормалар жорий этилганлигини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди. Мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Иш ҳақига нисбатан солиқ юки қарийб 2 баравар камайтирилди. Тадбиркорларга оғир юк бўлиб келган Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига 3,2 фоизли йиғимлар бекор қилинди. Ушбу тадбирлар натижасида 7 мингга яқин корхона ҳар йили ўртача 6 триллион сўм миқдоридagi солиқ тўлашдан озод бўлди ва шунча маблағ ўзларида қоляпти.

Қабул қилинган ҳужжатлар соҳадаги мавжуд муаммоларга барҳам бериш, амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Асосий мақсад солиқ тўловчилар зиммаларидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари, нима учун солиқ тўлаётганликларини тўлиқ ҳис қилишлари, бу жараёнларда давлат солиқ хизмати органларидан рози бўлишларига эришишдан иборат.

Шунингдек, солиқ тўловчилар даромадини яширмай, солиқларни ўз вақтида тўлашлари учун маъмурий тартиб-таомилларни камайтириш, соддалаштириш, иқтисодиётда хуфёна айланмаларни қисқартириш ҳисобига бюджетнинг даромад қисмини барқарор шакллантириш, бу орқали солиққа тортиладиган базани ва инсофли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш асосий мақсадлар этиб белгиланди.

Буларнинг натижасида тадбиркорларнинг ислохотларга ишончи ортиб, солиқ тушумлари 4 баравар кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 6 мингдан 152 мингга етди.

Мол-мулк, даромад ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробар камайтирилди. Буни аниқ мисоллар орқали ифодаладиган бўлсак, транспорт соҳасида солиқ юки - 3 баробар, озиқ-овқат саноатида - 2 баробар, тўқимачилик ва электр техникаси саноатида эса, 20 фоизгача камайди.

Қолаверса, солиқ юкининг тенг тақсимланиши ва пасайиши натижасида фойда солиғи тўловчилари 15,2, сув солиғи тўловчилари 36,5 ва ер солиғи тўловчилари 38 бараварга кўпайди.

Умумлаштирадиган бўлсак, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ихтиёрий бажарилиш даражаси 80 фоиздан 95 фоизга кўтарилди. Йиғилаётган солиқ миқдори 2020 йилнинг охиригача чорагидан бошлаб ҳар ойда 10 триллион сўмдан ошмоқда. Ўзбекистон солиқ тизимида шу пайтгача бундай натижа кузатилмаган¹.

Мамлакатимизда аҳоли ва бизнес учун қулайликларни ошириш, инсон аралашувини камайтириш мақсадида солиқ органлари фаолияти изчил рақамлаштирилмоқда. Давлат солиқ хизмати томонидан кўрсатилаётган электрон хизматлар кўлами кенгайди. Шахсий карточкаларда сальдо қаторларини ҳисоблаш каби мураккаб жараёнлар 10 баробар тезлашди. Масалан, илгари республика бўйича ҳисоблашга 24 соат кетган бўлса, эндиликда бу жараён 2-3 соатда амалга оширилмоқда. Бу яширин иқтисодий қисқартиришда муҳим омил бўлмоқда.

Киберҳужумдан ҳимоя, бизнес-аналитика технологиялари жорий қилинди. “e-ijara”, “e-imityoz”, “Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари”, “Солиқ текширувлари”, “Автоматлаштирилган камерал назорат тизими”, “Солиқ узилиши коэффициенти” каби янги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда дунёдаги тез ўзгаришчан, мураккаб вазиятда солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорларга кўмак бериш муҳимдир. Шу нуқтаи назардан давлат солиқ идоралари “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида янги услубда ишламоқда, солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган электрон хизматлар қамрови оширилиб, тадбиркорлар учун энг қиммат бўлган уларнинг вақти тежалмоқда, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, мавжуд муаммолар ва уларни ечими юзасидан таклифлар шакллантириш мақсадида ҳудудларда тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари орқали халққа йиғилаётган солиқлар тўғрисида ҳисобот бериб бориш йўлга қўйилди.

Хулоса

Мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор берилаётганлиги, тизимда ислоҳотлар босқичма-босқич изчиллик билан амалга оширилаётганлигини таъкидлашимиз мумкин.

Солиқ маъмуриятчилигини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш тадбирлари иқтисодий юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш, давлат бюджети даромадларини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга, солиқ юқини камайтириб, тадбиркорларнинг эмин-эркин, ҳалол ишлашини йўлга қўйишга, солиқчилар жазоловчи эмас, кўмакчи бўлиши учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилмоқда.

¹ Мутлақо янги солиқ тизими яратилди. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 31 март №64 (586)

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аҳолининг даромадларидан ундириладиган даромад солиғи тўғрисида кўплаб олим ва иқтисодчилар ўзларининг илмий қарашларида фикрларини баён этганлар. О.Абдурахманов жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар моҳиятини очишда унга қуйидагича таъриф берган: Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бу фуқароларнинг ҳар қандай қонуний фаолияти манбалари асосида оладиган шахсий даромадларидан давлат фойдасига ўтказадиган эквивалентсиз мажбурий тўловларидир¹.

А.Адизов жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга умумлаштирилган ҳолда қуйидагича, “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар-давлат ва жамият томонидан мажбурият сифатида кўрсатиладиган хизматлар ҳақи бўлиб, уларни маблағ билан таъминлаш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажм ва ўрнатилган муддатларда давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириладиган тўловдир” деб таъриф берган². Мазкур таърифнинг хусусиятли жиҳати шундаки, унинг муаллифи баъзи хорижий иқтисодчилар сингари солиқлар борасида аҳоли масъулигини таъкидлаш билан чекланмаган, балки давлат ҳам ўз зиммасидаги мажбуриятни адолатли тарзда бажариши лозимлигини таъкидлайди ҳамда мазкур мажбурият солиқлар орқали йиғилган маблағларни халқ манфаатидан келиб чиққан ҳолда тежамли сарфлаш ва бу борада тўловчиларга батафсил маълумотлар бериб бориш лозимлигини уқтиради.

Келтирилган таърифларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг аксариятида солиқлар фуқароларнинг шахсий даромадларидан давлат бюджетига тушадиган мажбурий тўловлар сифатида эътироф этилган. Иқтисодий қарашлардаги асосий фарқ қилувчи жиҳат шундан иборатки, баъзи муаллифлар солиқларнинг мунтазамлигини таъкидлашса, бошқалари уларнинг эквивалентсиз тўлов эканлигини қайд этишган. Фикримизча, жисмоний шахсларнинг даромад солиғига таъриф беришда солиқ солинадиган даромад тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жисмоний шахс даромадга эга бўлиб, солиқ солинадиган даромадга эга бўлмаса, яъни жисмоний шахснинг даромади имтиёзга эга солиққа

¹Абдурахманов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари./ Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2005. Б. -52-53.

²Адизов А. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш./ Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, 2004. Б. -25.

тортилмайдиган даромадни ташкил этса, ундан даромад солиғи ундириш хусусида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, бу - қонун асосида ўрнатилган миқдорда ва муддатда давлат бюджетига жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларидан ундириладиган мажбурий тўловдир.*

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи фуқароларнинг шахсий даромадларидан тўланадиган ва давлат бюджетига тушадиган мажбурий тўлов бўлиб, у ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун сарфланади ҳамда муайян иқтисодий муносабатларни акс эттиради. Давлат шу йўл билан миллий даромад тақсимотини амалга оширади. Даромад солиғи жисмоний шахслар фаолиятининг турли соҳаларидан олинадиган шахсий даромаднинг бир қисмини қайта тақсимлаш воситаларидан бири сифатида майдонга чиқади.

Бинобарин, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (барча солиқлар каби) икки томонлама хусусиятга эга бўлади, яъни ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзига хос шакли (уларнинг ижтимоий мазмуни) ва пул шаклидаги миллий даромаднинг бир қисми (моддий мазмуни) ҳисобланади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг манбаи, аҳолининг истеъмол фондидир ёки тақсимлаш жараёнларини ҳисобга олганда эса миллий даромаднинг бир қисмидир.

Шундай қилиб, жисмоний шахслар даромадидан солиқ ундирилишининг зарурлиги ижтимоий манфаатлар устунлигида намоён бўлмоқда. Бунинг маъноси шуки, даромад солиғидан фойдаланиш, аҳолининг номинал пул ва реал даромадлари даражасини муайян тарзда тартибга солиш зарурлиги билан боғлиқдир.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи аҳолининг пул даромадлари даражасига таъсир қилади, шу билан бирга, давлат солиқни даромадлардан янада мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун рағбатлантирувчи омил сифатида ишга солади. Даромад солиғи туфайли даромадларнинг, аввало юқори даромадларнинг бир қисми аҳолининг қўшимча маблағларга эҳтиёжи бўлган тоифалари фойдасига, умуман, юқорида таъкидланганидек, жамият манфаатлари йўлида қайта тақсимлаш содир бўлади. Даромадлардаги тенгсизлик даражаси маълум даражада қисқаради.

Солиқ аҳоли ва давлат ўртасидаги солиқ муносабатларининг уйғунлашувини таъминлаши лозим. Давлат бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиққа тортишнинг макроиқтисодий воситаси орқали аҳолининг даромадларини қайта тақсимлашда тартибга солувчилик ва рағбатлантирувчилик вазифасини бажарар экан, авваламбор, аҳолининг даромадларини турли манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, оқилона тартибга солиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи юқорида зикр қилиб ўтганимиздек, шундай бир ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эгаки, бошқа солиқларда бу ҳолатни сезиш мушкулроқ. Чунки ушбу солиқ ҳар бир солиқ тўловчининг ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бюджетнинг асосий даромад манбаларидан бири сифатида объектив зарурат ҳисобланади. Ушбу солиқнинг, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида долзарблиги ва аҳамияти ошиб боради, чунки бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг аҳоли умумий таркибидаги салмоғи ҳамда уларнинг даромадлари ошиб бориши кузатилади. Албатта, тадбиркорлар синфининг сафи тобора кенгайиб бориши, даромадларнинг ошиб бориши, жисмоний шахсларнинг ушбу қатлами туфайли ўз-ўзидан даромад солиғи тушуми кўпайиб қолади, дегани эмас. Бу ерда яна бир омил - бозор иқтисоди талабларига жавоб бера оладиган, жисмоний шахсларни ишлаб топган даромадлари манбаидан қатъий назар, прогрессив ва адолатли тарзда солиққа тортилишини таъминлаши керак бўлган бир омил мавжудки, у солиққа тортишнинг механизми бўлиб, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда ўз ичига ҳуқуқий ва услубий асосларни қамраб олади.

*Джамалов Х.Н. – к.э.н., доц. каф. «Налоги и налогообложение»,
Кенжаев Н.И. - соискатель ТФИ, к.э.н.*

ОБОСНОВАНИЕ МЕТОДОВ ПРЕОДОЛЕНИЯ СЛОЖИВШИХСЯ ОГРАНИЧЕНИЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ МЕХАНИЗМА НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Эффективность функционирования механизма взимания налогов во многом детерминирована действенностью организационной структуры национальной налоговой системы и институциональной практикой конструирования отношений между государственными органами и налогоплательщиками. Реализация стратегических целей налоговой политики обеспечивается через механизм налогового администрирования, предполагающий не только наличие институционально установленных правил взимания налогов и принудительной мотивации к их исполнению, но и использование экономических рычагов, инструментов и стимулов в налоговом процессе, а также методов экономического анализа и прогнозирования налоговых поступлений. Однако динамичное развитие налоговой системы Республики Узбекистан и реформирование деятельности администраторов доходов бюджетов в совокупности с перманентным совершенствованием налоговых отношений

способствовали возникновению институциональных провалов в реализации механизма налогового администрирования, которые требуют научного обоснования форм и способов их практического разрешения. При этом значительные издержки исполнения налогового законодательства (как для государства, так и для налогоплательщиков) вследствие неэффективности сложившегося механизма налогового администрирования наносят прямой ущерб общественным интересам, способствуя расширению криминализированных форм ведения бизнеса, торможению инновационно-инвестиционных процессов, снижению деловой активности и, как следствие, - сокращению бюджетных доходов.

Таким образом, максимизация общественного благосостояния и обеспечение устойчивых темпов экономического роста во многом зависят от того, насколько адекватны институциональные изменения налоговых отношений и механизмы их реализации потребностям общества, что определяет актуальность углубления теории, методологии и методического обеспечения процедур налогового администрирования.

Налоговое администрирование как новый институт налоговой системы представляет собой комплекс особых организационно-правовых отношений,

процедурно обеспечивающих реализацию взаимоотношений государства и

экономических агентов по поводу исчисления и уплаты налогов в рамках сложившейся системы налоговых отношений между государством (муниципальными образованиями), представленными специально уполномоченными органами-администраторами, и обязанными лицами (налогоплательщиками, налоговыми агентами, банками, регистраторами сделок гражданского состояния, имущественных и иных прав и др.).

Механизм налогового администрирования как структурированный комплекс легитимных правил управленческих действий специализированных

административных структур по исполнению налогового законодательства

включает: принципы (гармонизация масштабности экономического содержания, с одной стороны, и ограниченности институционального обеспечения процедур исполнения налоговых обязательств, концентрация, открытость, оперативность); предметно-ориентированные модули (организационный, контрольный, функциональный и правовой); инструменты (камеральный контроль, выездная налоговая проверка, налоговое расследование, встречающая проверка и др.), методы (налоговое планирование (прогнозирование), налоговое регулирование, налоговый контроль), институты государственного контроля за поступлениями установленных объемов налоговых платежей в бюджеты всех уровней.

Объективными предпосылками повышения эффективности механизма налогового администрирования как необходимого института реализации основных направлений налоговой политики государства выступают:

- достижение целостности и согласованности устанавливаемых государством институционально-правовых норм и правил взимания налогов («налоговой техники»),

- расширение массовой институциональной практики неформальной мотивации к уплате налогов,

- ужесточение внешнего принуждения к исполнению формальных норм

через упорядочение налоговых норм и правил, их уточнение и конкретизацию в законодательстве,

- развитие налоговых отношений в направлении придания им не только

обязательственного, но и рефлексивного статуса.

Предлагаемая концепция модернизации механизма налогового администрирования включает принципиально новый функциональный подход к его построению, исходя из общегосударственных целей управления налоговыми отношениями, предоставленных налоговым органам полномочий, а также инфраструктурного обеспечения условий, определяющих результативность фискальной деятельности. В качестве целеполагающего результата его модернизации идентифицирована потенциальная способность налоговой службы по обеспечению исполнения плательщиками налоговых обязательств и увеличению поступления налогов и сборов в бюджетную систему в установленные сроки и в определенных объемах.

Важнейшим положительным эффектом модернизации механизма налогового администрирования, обеспечивающей повышение его эффективности, выступает снижение риска макроэкономической нестабильности и повышение собираемости налогов, что особенно значимо в условиях выхода из кризиса, существенно снизившего налоговые доходы государства. В качестве направлений посткризисной модернизации налогового администрирования, способствующей достижению целевой направленности контрольных мероприятий на пресечение и предотвращение нарушений налогового законодательства, выступают:

- использование аналитических приемов отбора объектов для проведения налогового контроля;

- мониторинг крупнейших налогоплательщиков;

- прогнозирование тенденций изменения налоговой базы на основе оценки взаимной зависимости показателя начисленных налогов от финансового положения основных отраслей экономики:

- формирование гиперфункциональной контрольной среды.

Анализ современного состояния налоговой практики в Республике Узбекистан позволил систематизировать *основные направления совершенствования механизма налогового администрирования*, включающие модернизацию подходов к деятельности налоговой службы (в правовом, методологическом, материально-техническом и социально-психологическом аспектах) и развитие экономико-правовых основ взаимоотношений государства и плательщиков за счет улучшения качественных условий исчисления и взимания налогов, в том числе:

-реализация принципов справедливости, эффективности и доступности;

- обеспечение единообразного подхода к методике расчета основных налогов;

-соблюдение стандартов обслуживания налогоплательщиков налоговыми органами;

- снижение издержек на формирование налоговой отчетности путем существенного приближения правил налогового учета к правилам бухгалтерского учета.

В составе первоочередных мер выделены:

-предотвращение манипулирования ценами сделок между взаимозависимыми и контролируемыми лицами в целях уклонения от налогообложения, для чего необходимо уточнение положений об определении взаимозависимых и контролируемых лиц, установление закрытого перечня контролируемых сделок, введение института предварительных соглашений о ценообразовании, заключаемых налогоплательщиками с налоговыми органами, расширение перечня методик определения налогоплательщиками и налоговыми органами рыночной цены;

-изменение принципов взимания и возмещения налога на добавленную стоимость с целью фактического обеспечения его экономической нейтральности, снижения административных издержек и издержек налогоплательщиков по исполнению налогового законодательства;

-совершенствование механизма консолидации учета налоговых обязательств по налогу на прибыль для группы связанных лиц.

Приоритетами модернизации механизма налогового администрирования в современных условиях являются:

- согласование стратегических целей всех субъектов социально-экономической деятельности: государства, бизнеса, общества;

-обеспечение таких условий для работы добросовестных налогоплательщиков, при которых уплата налогов в полном объеме станет нормой.

*Аманов А.М.
"Иқтисодиёт, бошқарув, солиқлар
ва суғурта" кафедраси доценти*

ЯНГИ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ҳозирда солиқ тизимини рақамли иқтисодиётга ўтишини жадаллаштириш мақсадида солиқ органларининг ахборот тизимлари мажмуи тўлиқ ягона платформага ўтказилмоқда. Бунинг натижасида, маълумотларни киритиш, тўплаш, таҳлил қилиш тизимлари мақбуллашади, солиқ тўловчиларнинг ҳисобот топшириш жараёни 5-7 баробаргача енгиллашади, муносабатларда инсон омили аралашувини 60 фоизга қисқаради, солиқ маъмуриятчилиги ва назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймаслик бўйича имкониятлар юзага келади.

Бугунги кунда юртимиз демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилаётганган илғор ғоя ва ташаббуслар асосида мамлакатимизда солиқ соҳасида ҳам мутлақо янги бўлган адолатли, шаффоф ва изчил ҳамда ҳамкорлик тамойилларига амал қиладиган самарали тизим яратилди. Бундан кўзланган асосий мақсад хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқлар юқини камайтириб, фуқаролар даромадини ошириш, пировардида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадларга изчил солиқ маъмуриятчилигини жорий этиш орқали эришиляпти.

2019 йилнинг 30 декабрь куни янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниб, 120 дан ортиқ янги қоида амалиётга киритилди. Солиқлар сони 13 тадан 9 тага, мол-мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Иш ҳақига нисбатан солиқ юқи қарийб 2 баравар камайтирилди.

Табийий равишда савол туғилади: кўрилган бундай чоралардан фуқаролар, тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар қандай манфаат кўрмоқда? Таҳлилларга таяниб айтадиган бўлсак, кейинги тўрт йилда солиқ тушумлари 4 баравар кўпайиб, қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 6 мингдан 152 минггага етди. Энг муҳими, ўзгаришларни ҳар бир фуқаро, ҳар бир тадбиркорлик субъекти ҳис қилмоқда. Чунки, яқингача тадбиркорларга оғир юк бўлиб келган Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига 3,2 фоизли йиғимлар бекор қилинди. Ана шулар ҳисобидан 7 мингга яқин корхона ҳар йили ўртача 6 триллион сўм миқдоридagi солиқ тўлашдан озод бўлди ва шунча маблағ бугунги кунда ўзларида қолдирилмоқда.

Шунингдек, мол-мулк, даромад ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробар камайтирилди. Буни аниқ мисоллар орқали ифодаладиган бўлсак, транспорт соҳасида солиқ юки - 3 баравар, озиқ-овқат саноатида - 2 баравар, тўқимачилик ва электр техникаси саноатида эса, 20 фоизгача камайди. Қолаверса, солиқ юкининг тенг тақсимланиши ва пасайиши натижасида фойда солиғи тўловчилари 15,2 бараварга, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари 36,5 бараварга ва ер солиғи тўловчилари 38 бараварга кўпайди. Умумлаштирадиган бўлсак, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ихтиёрий бажарилиш даражаси 80 фоиздан 95 фоизга ошди. Йиғилаётган солиқ миқдори 2020 йилнинг охиригача чорагидан бошлаб ҳар ойда 10 триллион сўмдан ошмоқда. Ўзбекистон солиқ тизимида шу пайтгача бундай натижа кузатилмаган.

Аҳоли ва бизнес учун қулайликларни ошириш, инсон аралашувини камайтириш мақсадида солиқ органлари фаолияти изчил рақамлаштирилмоқда. Маълумотларни қайта ишлаш маркази ана шу йўлда амалга оширилган яна бир йирик лойиҳа бўлди. Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги Фармонида мувофиқ, Давлат бюджетидан ажратилган 100 миллиард сўм эвазига бинолар таъмирланиб, узлуксиз электр таъминоти қурилмалари, прецизион кондиционерлар, катта ҳажмли сервер ва компьютерлар билан жиҳозланди.

Ахборот тизимларининг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, солиқ тўловчиларга электрон хизматлар кўламини кенгайтириш, сифатини оширишга хизмат қилади. Чунки замонавий хизматлардан фойдаланувчилар сони жуда тез ортиб бормоқда. 2021 йилнинг ўзида солиқ тўловчилар томонидан шахсий кабинетдан фойдаланишлар сони 40,5 миллионгани (2020 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп), юборилган электрон ҳисобварақ-фактуралар сони 33,9 миллионгани (2020 йилга нисбатан 1,6 баравар кўп), онлайн назорат-касса машиналари орқали рўйхатга олинган чеклар сони 417,4 миллионгани (2020 йилга нисбатан 4 баравар кўп) ташкил этди.¹

Маълумотларни қайта ишлаш марказида гиперконвергент технологияси йўлга қўйилди ва у ахборот тизимларига юклама ҳажмини серверлараро тақсимлаб, уларнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаб келмоқда.

Натижада марказ қуввати 8 мартага ошди, электрон хизматлар кўлами кенгайди. Шахсий карточкаларда сальдо қаторларини ҳисоблаш каби мураккаб жараёнлар 10 баравар тезлашди. Масалан, илгари республика бўйича ҳисоблашга 24 соат кетган бўлса, эндиликда бу жараён 2-3 соатда амалга оширилмоқда. Бу яширин иқтисодий қисқартиришда ҳам муҳим омил ҳисобланади.

¹ <https://soliq.uz/press-services>

Киберхужумдан ҳимоя, бизнес-таҳлил технологиялари жорий қилинди. “E-ijara”, “E-imtiyoz”, “Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари”, “Солиқ текширувлари”, “Автоматлаштирилган камерал назорат тизими”, “Солиқ узилиши коэффиценти”, “K-Savdo” каби янги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилди. “Soliq” мобил иловасининг функционал имкониятлари кенгайтирилди. Хусусан, киберхужумларни олдини олиш бўйича “WAF” дастурий-аппарат мажмуасининг татбиқ этилиши туфайли ойига тахминан 100 мингдан ортиқ хужумларнинг олди олинмоқда.

Айни кезде 99,9 фоиз ҳисоб фактуралар электрон тарзда топшириляпти ва қабул қилиняпти. Савол туғилиши мумкин, нега 100 фоиз эмас? Чунки, 0,1 фоизи бу электрон ҳисобот топшириши қонун томонидан тақиқланган ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Демак, биз бу масалада амалда тўлиқ 100 фоизлик натижага эришдик. Ҳатто, Олмалик кон-металлургия комбинати Марказий банкка сотаётган олтин бўйича ҳисобварақ-фактуралари ҳам электрон тизим орқали топширилаётгани унинг шаффофлашиб бораётганининг амалий тасдиғи деса бўлади.

Барча тадбиркорлик субъектларининг рўйхатга олиш маълумотлари қайта кўриб чиқилиб, ундаги хато ва камчиликлар бартараф этилиши ҳамда бошқа вазирлик ҳамда идоралар маълумотлари билан бирхиллаштирилиши таъминланди.

2022 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва акциз солиғини давлат солиқ кўмитасида мавжуд электрон маълумотлар асосида автомат равишда шакллантириш механизми йўлга қўйилди.

Умуман олганда, ҳукуматимизнинг солиқ маъмуриятчилиги тизимида олиб бораётган иқтисодий ислохотлари мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилашга, ҳамкорликга чорловчи рақобат тамойилларини жорий этишга, солиқ турлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солишга, солиқ тўловчиларга солиқдан қочишни эмас, балки солиқ тўлагани учун рағбатлантириш чора-тадбирларини жорий этишга ҳамда янги самарали солиқ ислохотларини тизимли жорий қилишгага қаратилганлиги билан эътиборли ҳисобланади.

*Х.Б.Зарипов,ТФИ
PhD, доцент*

НАЛОГОВОЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЕ ПО НАЛОГУ НА ИМУЩЕСТВО

Аннотация

Мақолада мол-мулк солиғини амалдаги ҳолати ҳамда уни ишлаш механизмини бугунги кун талабларига мослаштириш йўлида амалга оширилаётган солиқ ислохотлари ифодаланган.

Аннотация

В статье описывается современное состояние налога на имущество и проводимые налоговые реформы по приведению механизма его действия в соответствие с современными требованиями.

Annotation

The article describes the current state of the property tax and the ongoing tax reforms to bring the mechanism of its operation in line with today's requirements.

Калит сўзлар: Мол-мулк солиғи, солиқ объекти, солиқ базаси, солиқ маъмурчилиғи, кўчмас мулк солиғи, маҳаллий бюджет.

Ключевые слова: Налог на имущество, объект налогообложения, налоговая база, налоговое администрирование, налог на недвижимость, местный бюджет.

Keywords: Property tax, object of taxation, tax base, tax administration, real estate tax, local budget.

Налоги на имущество исторически были одними из первых видов налогов и до сих пор остаются наиболее распространенным видом налогообложения. При этом исторический и современный опыт многих государств мира показывает, что применение налогов на имущество именно на местном (региональном) уровне способно в значительной степени повысить их функции – фискальную, регулирующую и контрольную. По сравнению с другими видами объектов (доход, прибыль, хозяйственные операции) имущество труднее скрыть от налогообложения, оно является не только показателем платежеспособности, но и потенциальным источником дохода, и обложение имущества налогом стимулирует более эффективное его использование. Введение налога на имущество было направлено на усиление фискальной роли налоговых доходов и вместе с тем должно было сыграть роль экономического стимула в повышении эффективности использования производственных фондов.

Так, в целях обеспечения единообразного подхода к налогообложению имущества организаций и физических лиц в качестве налоговой базы по налогу на недвижимое имущество организаций предлагается определить кадастровую стоимость объектов недвижимости. В этой связи заинтересованным органам исполнительной власти необходимо разработать методику определения кадастровой стоимости объектов недвижимости нежилого назначения (в том числе промышленных зданий, офисов, сооружений, линейных объектов и др.), обеспечить наполняемость Единого государственного кадастра недвижимости сведениями об объектах недвижимости, принадлежащих юридическим лицам, и об их кадастровой стоимости в целях создания условий для формирования в налоговых органах фискального реестра по налогу на недвижимость.

В целях дальнейшего совершенствования налогообложения имущества и земельных участков, внедрения современных методов их оценки и учета, повышения эффективности использования земельных и водных ресурсов, добываемых полезных ископаемых из недр, а также дальнейшего повышения самостоятельности органов государственной власти на местах.

С 2022 года в налоговое законодательство Узбекистана и налоговое администрирование внесён ряд изменений по налогу на имущество.

В отношении зданий и сооружений (за исключением линейных объектов и объектов незавершенного строительства) вводится порядок, в соответствии с которым при исчислении налога на имущество налоговая база по этим объектам не может быть ниже минимальной стоимости.

С 1 января 2022 года ставка налога на имущество юридических лиц снизилась с 2 до 1,5%, но введено требование о том, что налоговая база для зданий не может быть ниже минимального значения, установленного в абсолютной величине на 1 кв. м в следующих размерах:

в Ташкенте — 2,5 млн сумов;

в Нукусе и областных центрах — 1,5 млн сумов;

в других городах и сельской местности — 1 млн сумов.

В заключении подводя итоги можно сказать, что имущественное налогообложение представляет собой неотделимую часть налоговой системы, поступления благодаря которой занимают особое важное место в общих государственных доходах. Налоговые доходы бюджетной системы Узбекистана с имущества являются важной формой накопления доходов региональных и местных уровней власти. Перспектива развития налога на имущество организаций состоит в том, что он необходим для роста и развития государства.

Система налогообложения имущества организаций прошла большой путь становления, а основной целью вносимых изменений в настоящее время является наполняемость местных бюджетов и приведение национального законодательства к мировому уровню. Однако, анализируя роль налога на имущество организаций в бюджете страны, следует сказать, что в нашей стране и до проводимых изменений он имел достаточно весомую роль по сравнению с другими странами.

В настоящее время в Узбекистане осуществляется постепенный переход к налогообложению объектов недвижимого имущества организаций исходя из кадастровой стоимости. Данная реформа проводится с целью увеличения фискальной роли собственных источников налоговых доходов региональных и местных бюджетов. При этом одним из важных аспектов проводимой реформы налогообложения недвижимого имущества физических лиц является переход к более справедливому налогообложению, а юридических лиц—создание налоговых условий,

способствующих расширению предпринимательской и инвестиционной деятельности.

Таким образом, изменению подвержен не только порядок определения налоговой базы в отношении объектов недвижимого имущества, но и весь механизм налогообложения недвижимого имущества организаций и физических лиц. В настоящее время остается еще много нерешенных вопросов касательно налога на имущество организаций, однако разработанные в настоящем исследовании направления совершенствования данного налога будут способствовать более эффективной реализации фискальной и регулирующих его функций.

Следующий не менее важный вопрос касается замены имущественных налогов на один – это налог на недвижимость. Определенные трудности в данном вопросе представляет и необходимость кадастровой переоценки объектов недвижимости.

Подводя итоги, следует сделать вывод, что совершенствование имущественного налогообложения с учетом передового опыта налоговых реформ в этой сфере большинства стран, научных исследований зарубежных и отечественных экономистов, а также собственного опыта оптимизации налогообложения имущества будет способствовать пополнению доходов бюджетной системы и росту национальной экономики.

*Артиков Н. А., ТМИ
“Солиқлар ва солиқ тортиш”
кафедраси катта ўқитувчиси, Phd*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ КРИПТОВАЛЮТАГА ОИД СОЛИҚ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги С.С. Гуломовнинг умумий таҳрири остида чиқарилган Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижорат асослари деб номланган ўқув қўлланмасида келтирилган - Оқил инсон чидам билан имконият ахтаради ва бир нарсага эришади, аҳмоқлар эса ҳаракатсиз ҳолда омадни кутиб юраверадилар, деган сўзлари мамлакатимиз ривожланишининг бугунги кун воқелигида жуда катта аҳамиятга эга.

Дунё амалиётида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ижобий ҳамда салбий томонларининг мавжудлиги ва уларни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Лотин америкасида жойлашган Салвадор давлати 2021 йилда биткойнни миллий валюта сифатида қабул қилган дунёдаги биринчи давлат бўлиши баробарида ўз ҳудудида биткойнли банкоматлар, электрон ҳамён ва замонавий киоскларни чиқаришга қарор қилганлиги ҳам дунё амалиётида ахборот

технологиялари хусусан рақамли пуллардан фойдаланишнинг таъсири ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда республикамиз иктисодиётининг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шунингдек мамлакатимиз ичидаги тўловлар архитектурасига электрон пуллар ҳам тобора кенг жорий этилмоқда.

Рақамли ёки виртуал валюталар деб номланувчи электрон пулларнинг янги авлодлари марказий банклар, молия тизими ва бутун иктисодиёт учун долзарб масалаларни кун тартибига қўймоқда. Ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иктисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса шундай платформаларнинг давлат бошқаруви тизимлари билан муносабатларини ҳам тегишли тартибда такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда. Давлат бошқаруви тизимининг таркибий тузилмалари сирасига кирувчи солиқ маъмуриятчилиги ҳам рақамли иктисодиётнинг, хусусан крипто валюталарнинг солиқ тизимидаги ўрнини тўғри белгилаши ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Амалиётда рақамли активлар нархини аниқлаш осон эмас. Бас шундай экан унинг солиққа тортиш масаласи қанчалик мураккаблигини тортишмаса ҳам бўлади. Ҳозирги кунда дунёнинг баъзи давлатларида рақамли активларни солиққа тортиш масаласи билан шуғулланишга масъул бўлган маъмурий тузилмалар ҳам шакллантирилган.


Бирон бир расмий идора ёки юридик шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқарилган крипто валюталар, амалиётда қоғоз пулларнинг функцияларини бажаришдек вазифани ҳам таркибига олган ҳолда қабул қилиниб, фойдаланилмоқда. Халқаро валюта фонди экспертлари таърифига кўра, виртуал валюталар рақамли кўринишда ифодаланган қиймат эквиваленти бўлиб, хусусий ишлаб чиқувчилар томонидан ўз ҳисоб-китоблар тизими асосида ҳисоб-китоб бирлиги сифатида чиқарилади. Оммавий тарзда фойдаланилаётганлигига қарамадан, криптовалюталарнинг қандай активлар турига киришини ва қандай тарзда солиққа тортилиши кераклиги ҳақида яқиний бир хулосалар мавжуд эмас. Крипто валюталардан олинган даромадлар солиқ қонунлари нуқтаи назаридан тўғри талқин этилиши учун сўз юритилаётган рақамли электрон активларнинг технологик асосининг қандай ишлашини аниқлаб олиш биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Криптовалюта, бирор бир давлатнинг суверен кучини ифода этмайдиган, босилиши, ишлаб чиқарилиши ва эмиссияси марказий банклар томонидан амалга оширилмайдиган криптологик асосли рақамли электрон активлар ҳисобланади. Криптовалюта электрон пул билан ишлайдиган ташкилотлар фойдаланувчилари каби олдиндан тўлаб қўйиш тизимига асосланиб ишламасдан аксинча, қўлланиш шакли жихатидан пулнинг ўзгинасидир. Криптовалюталарнинг асосан “Ethereum, Litecoin, Ripple” деб

номланувчи турлари бўлсада унинг энг кўп танилган шакли Биткоин “Bitcoin” ҳисобланади. Кодлаштириш асослари турлича бўлишига қарамасдан барча криптовалюталар “peer-to-peer” “фойдаланувчилараро” деб аталувчи фойдаланувчидан фойдаланувчига маблағ ўтказиш моделининг маҳсулидир. Ҳозирги пайтда энг кўп учрайдиган ва оммалашиб бораётган бўлгани учун ишлаш принципи нуктаи назаридан Биткоин “Bitcoin” мисолида қараб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Биткоиндан фойдаланиладиган виртуал ҳамён 2019 йили янги бир тармоқ сифатида ишга туширилган. Биткоин, 2009 йилда ҳақиқий исми ким ёки кимлар эканлиги номаълум бўлган бир манбадан ишлаб чиқилган. Асосчилари деб, миллати япон деб танитилган Сатоши Накамото (Satoshi Nakamoto) тахаллусига эга бўлган киши ёки кишилар гуруҳининг 2008 йил 31 октябрда чоп этган “Bitcoin: A Peer-to-Peer Electronic Cash System” деб номланган мақоласи ва биткоин криптовалютасининг ишлаш механизмини кўрсатиб берган биринчи дастурий таъминоти маълум. Биткоин ишлаб чиқаришга кончи (miner) номини ҳам беришган. Кончи сўзининг қўлланишида “маблағ кончилиги” тушунчасидан келиб чиқиб шундай номланган. Маблағ кончилигини, интернетдаги электрон платформаларда юкланган маблағларнинг ичидан маълум мақсадларда фойдаланиш йўли билан аҳамиятли маблағларни қўлга киритиш, деб таърифлаш ҳам мумкин. Биткоин кончилиги ўз навбатида блокчи занжирдан фойдаланилган амалиёт воситасида тармоқ(интернет тўри) ичида блок кодларни юзага келтириш ва бу блокларнинг ичидаги санокли муаммоларни ҳал этиш йўли билан мукофотга эга булишни билдиради. Бу ерда тилга олинган мукофотнинг номи Биткоиндир.

Мавжуд биткоин ҳажми жадвали¹



Муомалада бўлган мавжуд Биткоин ҳажми, жадвали маълумотларидан ҳам кўришиб турганидек, бу электрон пул турининг нархидаги ўзгаришлар ҳақиқий маънода ҳам молия симфониясининг “танга рақси” ни кўрсатиб турибди.

¹ Manba: <https://coin.dance/volume/localbitcoins>

Ҳар бир Биткоин фойдаланувчиси ўзининг электрон ҳисоб рақамига эга бўлади ва бу рақамлар мақсад манзиллари каби фойдаланилиб, маблағларнинг бошқа кишиларга трансфер қилинишини таъминлайди. Яна шуни таъкидлаш керакки юқорида тилга олинган маблағлар ҳафтанинг ҳар куни ва ҳар соатида бирор бир молиявий ташкилотларга эҳтиёж сезмаган ҳолда бошқа бир кишига ўтказиб берилмоқда. Трансферлар блок кодларининг ташкил этган занжири (blockchain) асосида амалга оширилади. Аммо трансфернинг амалга ошиши, блок занжирини компьютерларида муҳофаза қилган кончилар томонидан тасдиқлашларига боғлиқдир. Чунки тизимнинг асосини ва ишончилигини занжирга даҳлдор бўлган барча компьютерларда тегишли тузатишларнинг киритиб борилиши орқали таъминланади. Амалга оширилган барча операциялар ҳисоб рақами базасида кузатиб, назорат қилиб борилади ва операцияларнинг орқага қайтарилиши мумкин эмас.

Даромаднинг қандай пайдо бўлганлигини яхши ўрганмасдан туриб тўғри ва адолатли солиққа тортиш амалиётига эришиб бўлмайди.

Кончилик (Mining). Юқорида биз Bitcoin нинг нима эканлигига таъриф берарканмиз Bitcoin кончилигига ҳам қисман тўхталиб ўтгандик. Bitcoin кончилиги илк пайтларда стандарт компьютерларнинг ишчилари (CPU) томонидан бажарилмоқда эди аммо занжирли блокларни шакллантириш учун масалалар ечимининг ҳар сафарида тобора мураккаблашганлигидан янада самаралироқ бўлган элементларга эҳтиёж сезила бошланди ва натижада CPUлардан фойдаланишни компьютер экран карталарига кейинчалик ASIC (Application Specific Integrated Circuit) ларга яъни амалиётга хусусий интеграл микросхемалардан фойдаланишга ўтилди.

Биткоин кончилиги билан шуғулланишнинг асосида илк бошидан буён ҳам дастурий ҳамда аппарат ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш керак бўлса ҳам ишлаб чиқаришнинг борган сари мураккаблашиши ва ASICлардан фойдаланиш масаласида профессионал даражада мутахассис билимига эга бўлиш талаб қилиниши даражасига келган. Хусусан, ASICлар ўзига хос маҳсулот бўлганлиги учун уларнинг компьютерга киритилиб фойдаланилиши асосий фойдаланувчи даражасида назорат қилиш имконияти чегарасида эмас. Шунга мувофиқ биткоин кончилиги ҳам тупроқдан олинган қазилмаларнинг қайта ишланиши оқибатида қўлга киритадиган қазилма бойликлар каби даромад кўринишидаги виртуал қийматнинг қўлга киритилишини назарда тутадиган фаолият ҳисобланади. Тилга олинган виртуал қийматнинг қаерда ва қандай изланиши кераклиги ҳақида эса етарли даражадаги билимларга эга бўлмасдан туриб билиш мумкин эмас.

Савдо даромади. Биткоинга эга бўлиш учун албатта биткоин кончилиги билан шуғулланиш шарт эмас. Криптовалюта биржаларида ҳисоб рақамингизни очиб сотиб олсангиз бўлгани каби бошқа бирортасидан блокчейн воситасида трансфер қилиб олсангиз ёки оффлайн

ҳамёнларнинг алмашинуви шаклида қўлга киритсангиз ҳам бўлади. Шундай қилиб биткоин ўз қийматини сақлайдиган восита сифатида фойдаланилади ва исталган пайтда муомалага чиқарилиб қутулиш имконияти мавжуд бўлади.

Ўзбекистонда солиқ тизими нуқтаи назаридан қаралишига эътибор берсак. Криптовалютанинг қандай таърифга асосан солиққа тортилиши зарурлигига эътибор берамиз. Криптовалютанинг Ўзбекистон солиқ тизимида қайси қонунчилик асосида, қандай даромадлар шаклида солиққа тортилиб, қандай қонунлар асосида имтиёзларга дахлдор бўлишини аниқлашимиз учун аввало унинг нимани ифода этиши ва қандай тушунилишини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда криптовалюталар учун уч турдаги мулкيات турини келтиришимиз мумкин, булар; пул, қимматли қоғозлар ва товар-хизматлардир.

Биткоинни ҳам ўз ичига олган ҳолда барча криптовалюталарнинг солиққа тортилишида юзага келадиган муаммоларни гуруҳлаштирак қуйидагилардан иборат бўлади;

- рақамли активларни декларация қилишга оид ташкилий-ҳуқуқий регламентларнинг мавжуд эмаслиги
- ҳисоб рақамларига етиб бориш ва трансферларни амалга ошириш учун фойдаланилган шахсий калитларнинг ҳеч бир биржада рўйхатдан ўтмаганлиги сабабли уларнинг шахсиятларини аниқлаш имкониятининг йўқлиги
- криптовалюта қончилиги билан шуғулланганларнинг ишлаб чиқарган криптовалюталарини бирор бир биржада қийматликка айлантирмагунларича, уларнинг қанча муддат давомида ишлаб чиқариш билан шуғулланишганлари ва қанча миқдорда ишлаб чиқарилганини аниқлашдаги муаммолар
- ҳисоб рақамларидаги ўзгаришларни ҳеч бир қайдларсиз амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги
- вақт ўтиши билан янги криптовалюталарнинг бозорга чиқиши ва уларни назорат қилиш бирор бир расмий маъмурий тузилма томонидан амалга оширилмаганлиги ва уларнинг қўлида эмаслиги.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки Криптовалюталарнинг пайдо бўлиши ва улардан даромад олиш йўлларининг ёнига ҳар куни янгиларининг қўшилиши, расмий ва хусусий бошқарувчиларнинг орадан чиқарилиб юборилиши натижасида тўғридан тўғри шахслар орасида маблағ ўтказишга асосланган амалиёт даврининг бошланганлиги иқтисодий муомалаларда ҳам тобора кенг бўй кўрсата бормоқда. Ривожланиш шу йўналишда борар экан иқтисодий муомалаларни турли авторитар таъсирлардан ҳоли қилиш талаби, келгуси даврларда даромад олишнинг янги инструментлари пайдо бўлишига олиб келади. Сўз юритаётганимиз рақамли инструментлар фойдаланувчилар орасида физик инструментларга қараганда бир неча баробар тезроқ тарқалаётганлигидан уларнинг ҳар

биттасини таъқиб қилиб кузатиш ва қонунчиликка қўшилиши солиқларни белгилаш нуқтаи назаридан катта муаммоларни келтириб чиқариши табиийдир.

Ўз навбатида келажакда юзага келадиган рақамли инструмент ва даромад турларини ҳам имкон даражасида максимал тарзда қамраб олган ҳолда қонунчилигимизда тегишли ўзгаришларни қилишимиз ва бу борадаги солиққа тортиш мавзусининг замон талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлашимиз кераклигини замонавий ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Кичкина ва иқтисодий жиҳатдан унчалик бой ҳисобланмайдиган Салвадорнинг дунёда биткоинни қонуний тўлов воситаси сифатида қабул қилган биринчи давлат бўлишга интилиши дунё миқёсида рақамли трансформация жараёнларидаги шиддатга мисол бўла олади. Умуман олганда рақамли трансформация деб қўлланиладиган жараёнлари жадаллаштиришимиз керакми ёки чуқур илмий асосланган ҳолда мамлакатимиз халқининг манфаатларига мос келадиган тарзда хизмат қиладиган йўналишда ривожлантириб қўллашимиз керакми деган саволга асосли жавоб топишимиз даркор.

Биткоин муомаласи орқали дунёнинг барча бурчакларида глобал иқтисодиётни янада қулайроқ қилиш баробарида, глобал иқтисодиётга хизмат қилувчи мазкур муомаланинг айна пайтда, турмушнинг қувончлари билан бирга ташвишларини ҳам ўз елкасида кўтаришга асосланиб ҳаёт кечираётган алоҳида олинган инсонга, оғир пайтда елкадош ва енгил пайтда қувончига шериклик қила олишдек ҳиссиётларга эга эмаслигини ҳам асло эсимиздан чиқармаслигимиз керак бўлади.

Юсунов. О.А
ТДИУ катта ўқитувчиси

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар воситасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Тажрибали экспертларнинг баҳолашлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса солиқ қонунчилигига тўлиқ риоя этаётган тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказмоқда, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзага келтирмоқда.

Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ этиш, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, солиқ назорати соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш лозим.

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётини етакчи соҳа ва тармоқларининг замон билан ҳамнафас фаолият юритишига барча зарур шароит яратиб берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда солиқ назоратини ҳаётимизга изчиллик билан жорий этилаётгани эришилаётган самарали ютуқларимизнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда. Солиқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суъратлар билан ривожланиб ишбилармонлик муҳитини янада яхшиланишига замин яратмоқда.

Давлатнинг самарали солиқ соҳасидаги ислоҳатларни амалга оширишда солиқ тизимини ривожлантириш дастурлари ижроси амалиётининг жаҳондаги илғор тажрибалари ҳамда бу борада Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларнинг тадқиқи асосида солиқ назоратини таъминлашда мамлакатда ва унинг ҳудудларида, иқтисодиёт тармоқларида, юридик ва жисмоний шахсларни солиқ тортишда солиқ назоратининг самарали воситаларини шакллантириш лозим.

Солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.


Солиқ органлари солиқ назоратини:

- 1.Солиқ текширувлари.
- 2.Солиқ мониторинги шаклида амалга оширади.

Солиқ органлари солиқ текширувларининг қуйидаги турларини ўтказди:

- 1.Камерал солиқ текшируви.
- 2.Сайёр солиқ текшируви.
- 3.Солиқ аудити.

Солиқ хавфини бошқариш хавфнинг олдини олиш, бартараф этиш ва уларни имкон қадар камайтириш, уларнинг қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда бажаришни, солиқ органларида мавжуд ахборот узлуксиз янгиланишини, таҳлил этилишини ва қайта кўриб чиқилишини назарда тутувчи тизимдир.



1-расм. Солиқ текширувларининг турлари ва ўтказиш муддатлари

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди.

Солиқ хавфини бошқариш тизими стратегияси ва тактикасини, ахборот йиғиш ва уни қайта ишлаш, солиқ хавфини таҳлил қилиш ва баҳолаш, солиқ хавфини бошқаришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.


Солиқ хавфи бу бюджет тизимига солиқ ва йиғимлар тўланмаслиги ёки тўлиқ тўланмаслигига олиб келиши мумкин бўлган, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ мажбуриятларини бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик эҳтимоли ҳисобланади.

Солиқ хавфи даражаси хавфнинг юзага келиш эҳтимолига ва унинг бўлиши мумкин бўлган оқибатларига боғлиқ тарзда аниқланадиган хавфнинг ҳолатини ифодалайди.

Солиқ хавфи даражаси мезонлари солиқ мажбуриятларини бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик хавфини баҳолаш ва кейинчалик солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) хавф даражасига қараб тоифаларга ажратиш имконини берувчи мезонлар мажмуидан иборат.

Солиқ хавфи таҳлили солиқ органларида мавжуд бўлган ахборотдан хавфнинг юзага келиши ҳолатлари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни идентификациялаш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслигининг эҳтимоли тутилган оқибатларини баҳолаш мақсадида мунтазам равишда фойдаланишдир.

Солиқ хавфини баҳолаш хавфнинг юзага келиши эҳтимолини ва у юзага келганда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши оқибатларини мунтазам равишда аниқлаб боришдан иборат.



2-расм. Солиқ хавфини бошқариш

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди.

Солиқ хавфини таҳлил қилиш ва натижаларини баҳолаш дастурий маҳсулотни қўллаш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар солиқ хавфи даражасига қараб паст, ўрта ва юқори хавфли тоифаларга ажратилади.

Солиқ хавфи даражасига қараб солиқ тўловчилар дастур орқали солиқ хавфи даражасини аниқлаш мезонига белгиланган баллар ва потенциал солиқ хавфи асосида баҳоланади ҳамда тоифаларга ажратилади.

Солиқ хавфи даражаси куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R = Sr / Sp \times 100\%$$

Бунда:

R — хавф даражаси (фоизда);

Sr — солиқ тўловчига берилган хавф баллари йиғиндиси;


Sp — хавф даражасини аниқлашда қўлланган потенциал солиқ хавфи баллари йиғиндиси.

Бунда солиқ хавфи даражаларини баҳолаш натижалари юқоридан камайиш тартибда, баҳолаш натижалари тенг бўлганда эса тўланмаган солиқ суммаси эҳтимоли асосида куйидагича тоифаланади:

81 фоиздан 100 фоизгача — юқори хавф;

30 фоиздан 80 фоизгача — ўрта хавф;

1 фоиздан 29 фоизгача — паст хавф.



3-расм. Солиқ хавфи даражаси

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди.

Солиқ хавфи даражаси юқори бўлган солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ аудити тайинланади.

Солиқ тўловчининг солиқ хавфи даражаси солиқ хавфини бошқариш тизими асосида олти ойда бир марта аниқланади.

Солиқ хавф даражаси юқори бўлмаган солиқ тўловчилар томонидан ўттиз календарь кундан ортиқ солиқ қарздорлиги тўланмаган тақдирда солиқ хавфи даражаси ҳар чоракда бир марта аниқланиши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари тизимида солиқ назорати методологиясини амалий таҳлил қилиш ва назарий тадқиқ этиш қуйидаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

- солиқ назорати соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилинмаган.

- давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, электрон солиқ назоратини амалга ошириш замонавий шакл ва услублари тўлиқ ривожлантирилмаган.

- инсофли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашиларни камайтиришга тўсқинлик қилувчи солиқ назорати фаолиятини амалга ошириш замонавий шакл ва услублари етарлича тадбиқ этилмаган.

Джамалов Х.Н.- доц. кафедри «Налого и налогообложение» ТФИ,
к.э.н.,

Неъматуллаева Г.Н.

соискатель кафедри «Налого и налогообложение» ТФИ

К ВОПРОСУ СОДЕРЖАНИЯ СИСТЕМЫ КОРПОРАТИВНОГО НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ И МЕТОДИКИ ЕГО ОРГАНИЗАЦИИ

Мировая практика налогового администрирования основывается на более широком подходе к налоговому контролю – его действие не ограничивается только государственным уровнем (макроуровень), и включает контроль налоговых обязательств внутри хозяйствующих субъектов, то есть систему корпоративного налогового контроля хозяйствующих субъектов (микроуровень). Стимулирование мероприятий по постановке или совершенствованию системы корпоративного налогового контроля может в значительной степени влиять на повышение эффективности работы системы налогового контроля на государственном уровне, в целом¹.

Ряд авторитетных авторов наряду с налоговым контролем, осуществляемым соответствующими государственными органами, выделяют внутренний налоговый контроль, осуществляемый руководителями, бухгалтерами или ревизорами организаций-налогоплательщиков².

Барулин С.В., Ермакова Е.А., Степаненко В.В. приводят следующее определение внутреннего налогового контроля – «это систематическая

¹Цепилова, Е.С. Внутренний налоговый контроль в системе государственного финансового контроля: исследование сущности и уточнение дефиниций // *Налого и финансовое право*. -2014. - №6. -С. 202

²Кучеров И.И. *Налоговое право России: курс лекций*. Изд. 2-е перераб. и дополн. / И.И. Кучеров. - М.: Центр ЮринфоР, 2016. - С. 245; Нестеров Г. Г. *Организация налогового учета и налогового контроля* - М.: Эксмо, 2016. – 624 с

деятельность, направленная на организацию самоконтроля (наблюдения, проверки менеджерами правильности начисления и уплаты налогов, движения входящих и исходящих налоговых потоков, эффективности использования налоговой прибыли, а также выявление, исправление и устранение налоговых ошибок до проверки со стороны налоговых органов»¹. В данном определении самым ценным является указание на систематический характер контрольной деятельности и выделение самоконтроля, под которым подразумевается контроль, организуемый внутри хозяйствующего субъекта.

Исаева А.Ю. под системой внутреннего налогового контроля в организации понимает «процесс, осуществляемый руководством для получения разумной уверенности в том, что компания достигнет поставленных стратегических налоговых целей и текущих задач, что её налоговое поведение соответствует законодательству, внутренним политикам и процедурам»². В этом определении внутренний налоговый контроль представлен как система, но его трактовка близка к комплаенс-контролю.

Исследованию «внутреннего контроля налогов» посвящены работы Кришталёвой Т.И., которая характеризует его как «контроль за правильностью налоговых расчётов, а также выявление и устранение налоговых ошибок до проверки со стороны налоговых органов»³. Однако в данном определении не затронута необходимость минимизации налоговых рисков.

Курбатов Т.Ю. выделяет «налоговый контроль как вид внутреннего государственного финансового контроля»⁴. Позволим себе уточнить этот вывод: на наш взгляд, налоговый контроль на макроуровне является видом государственного (внешнего) финансового контроля, а внутренний налоговый контроль – соответственно, видом внутреннего финансового контроля, осуществляемого на микроуровне.

В целом, соглашаясь с определением внутреннего налогового контроля Гостевой М.А. как «инициативного, предупредительного контроля, организуемого и проводимого хозяйствующим субъектом с целью проверки правильности и своевременности выполнения налоговых обязательств перед государством.... выступая как определённый механизм управления налоговыми рисками»⁵, считаем целесообразным указать на

¹Барулин С.В., Ермакова Е.А., Степаненко В.В. Налоговый менеджмент. Учебник. – М.: Дашков и К, 2015. - С.201.

²Исаева, А.Ю. Корпоративный налоговый менеджмент// Корпоративные финансы. - №3(15). - 2010. - С.92.

³Кришталёва, Т.И. Внутренний контроль – инструмент снижения налоговых издержек бюджетного учреждения // Экономика. Налоги. Право. - 2013. - №5. - С. 107-111.

⁴Курбатов, Т.Ю. Налоговый контроль как вид внутреннего государственного финансового контроля / Налоги.- 2013. - №6. - С.24-28.

⁵Гостева, М.А. Система внутреннего налогового контроля организации: автореф. дисс.....канд. экон. наук : 08.00.10 / Гостева Мария Александровна. - Москва, 2008. - С. 7..

необходимость его методологического и методико-организационного обоснования.

Если рассматривать налоговый контроль как процесс, позволяющий достигать определённых налоговых целей и запланированных сумм налоговых обязательств в том числе путём применения налоговых санкций, то можно дать следующее **авторское определение корпоративному налоговому контролю** - это составная часть корпоративного финансового контроля, представляющая собой особый вид деятельности внутренней контрольной службы хозяйствующего субъекта по мониторингу и проверке своевременности, правильности, полноты исчисления и перечисления налоговых обязательств, достоверности и порядка представления налоговой отчетности. Результатом такой деятельности является не только обеспечение выполнения норм налогового законодательства, но и выявление резервов снижения налоговых платежей и минимизация налоговых рисков.

Эффективная система корпоративного налогового контроля для предупреждения налоговых рисков должна отражать следующие условия (табл. 1).

Таблица 1

Условия эффективности системы корпоративного налогового контроля*

Условие	Содержание условия
гибкость	адаптивность к изменяющимся условиям налогового
последовательность	непрерывный характер процесса оценки риска негативных налоговых
комплексность	учет взаимообусловленности и взаимодействия хозяйственных

*Составлена автором по результатам исследования

К основополагающим процедурам корпоративного налогового контроля можно отнести следующие:

- все решения, касающиеся налоговых обязательств, принимаются на основе корпоративных регламентов, что позволяет исключить субъективизм;

- налоговые параметры фиксируются на этапе внедрения процедур, и никакое должностное лицо хозяйствующего субъекта (включая руководителя и главного бухгалтера) не может впоследствии принять единоличного решения;

- круг лиц, имеющих право выполнять определенные действия и процедуры отношении налоговых обязательств чётко обозначен и ограничен;

- любая финансово-хозяйственная операция должна документироваться в соответствии с нормативно-методическими

требованиями, установленными в Республике Узбекистан и локальными актами;

- для минимизации рисков возникновения налоговой ошибки используются унифицированные формы документов, при этом резервируется не менее одной копии;

- возможность и обоснованность применения налоговых льгот по каждой сделке подлежит ежедневному контролю;

- вся корреспонденция счетов бухгалтерского учёта и соответствующие налоговые расчеты производятся на основе таблицы типовых хозяйственных операций, составленной с применением рабочего плана счетов; в первичных документах и бухгалтерских регистрах делается ссылка на номер операции этой таблицы;

- в исключительных случаях налоговое заключение принимает группа экспертов (комиссия);

- нетипичная ситуация требует оформления карты налоговых решений, которую заполняет специальная экспертная комиссия по налогообложению¹.

Представляется, что система корпоративного налогового контроля выполняет четыре функции (табл. 2).

Таблица 2

Функции системы корпоративного налогового контроля*

Функции	Содержание функции
информационная	информация, полученная в ходе контрольных действий, используется для принятия новых управленческих решений по налогам
мобилизующая	поиск резервов для устранения недостатков, выявленных в ходе контроля, и для увеличения эффективности деятельности
воспитательная	следовать регламентам и соблюдать все предписания в формировании и исполнении документов по налоговым обязательствам
профилактическая	нацелена на предотвращение негативных налоговых последствий

*Составлено автором по результатам исследования

В соответствии с моментом осуществления, корпоративный налоговый контроль следует подразделять на предварительный, текущий и последующий.

Целью предварительного корпоративного налогового контроля является предотвращение нарушений на этапе планирования. Его процедурами предполагается выделение следующих основных элементов: объекта контроля, критериев эффективности состояния и функционирования объекта контроля и методики корпоративного налогового контроля.

¹Букина Г.Н. Корпоративный налоговый менеджмент как неотъемлемая составляющая стратегии управления бизнесом //Всероссийский экономический журнал.– 2007. - №1.С.45-52

Текущий корпоративный налоговый контроль осуществляется на этапе совершения хозяйствующим субъектом определенных действий, в том числе, выполнения сделок и договоров. Например, отсутствие отлаженной системы документооборота и хранения документации может стать серьезной проблемой, особенно операций двух-, трехлетней давности. Так, например, отсутствие обязательных реквизитов в счете-фактуре может являться причиной отказа в вычете НДС, отсутствие табелей учета рабочего времени не позволит отнести в расходы для целей налогообложения прибыли затраты на оплату труда.

В рамках последующего контроля подтверждаются фактические показатели, которые сравниваются с запланированными; в случае отклонения очень важно анализировать причины их возникновения и нивелировать их последствия.

Раскрытие содержания системы корпоративного налогового контроля и методика его организации невозможны без четкого формулирования его субъекта, объекта, предмета, правового статуса, задач и принципов контроля.

Анализ перечня *субъектов* налогового контроля позволил прийти к выводу, о том, что большая часть авторов, включая законодателя, ограничивает круг рассматриваемых объектов лишь «системой налоговых органов или органами, которые обладают полномочиями налоговых органов», при этом подчеркивая, что субъектом корпоративного налогового контроля должен являться контрольный орган (например, служба корпоративного налогового контроля), независимый от бухгалтерии хозяйствующего субъекта.

В качестве *объекта* корпоративного налогового контроля хозяйствующих субъектов рассматриваются факты хозяйственной деятельности, имеющие налоговые последствия.

В качестве *предмета* корпоративного налогового контроля выступают налоговые обязательства хозяйствующих субъектов.

Задачами корпоративного налогового контроля являются: проведение системного анализа влияния изменений внешней среды на налоговые обязательства хозяйствующего субъекта; регулярное осуществление актуализации, тестирования и сертификации системы контроля; мониторинг замечаний и планов их устранения; идентификация и документирование налоговых рисков и осуществление их контроля.

Система корпоративного налогового контроля хозяйствующего субъекта базируется на следующих принципах (табл.3). Их реализация позволяет обеспечить непрерывность, независимость, согласованность и предупредительный характер корпоративного налогового контроля хозяйствующих субъектов.

Таблица 3

Принципы системы корпоративного налогового контроля*

Принцип	Содержание принципа
независимости	Сотрудник или отдел корпоративного налогового контроля находится в непосредственном подчинении у руководства хозяйствующего субъекта и не должен быть связан с бухгалтерией или зависим от нее или иной финансовой службы
плановости	В хозяйствующем субъекте должны быть разработаны регламенты, соблюдение которых проверяется в ходе проведения плановых контрольных мероприятий
регулярности	Контроль должен проводиться систематически, носить регулярный характер
объективности и достоверности	Исключение субъективных оценок, искажения фактических данных
ответственности	По результатам контрольных мероприятий должны осуществляться взыскания с виновных лиц
законности	Необходимость соблюдения налогового, гражданского и др. законодательства Республики Узбекистан.
соблюдения налоговой тайны	Данные налогового учёта являются налоговой тайной
всеобщности налогового контроля	Контрольными мероприятиями должны быть охвачены все хозяйственные процессы, имеющие налоговые последствия
единства	Целостности и унификации корпоративного налогового контроля служит соответствующий стандарт
своевременности	Контрольные мероприятия проводятся не только перед составлением налоговой отчётности, но и в течение налогового(отчётного) периода
документально оформленных документов	Контрольные мероприятия оформляются соответствующими документами (например, актами проверки)

*Составлено автором по результатам исследования

Ряд авторов в качестве «элементов системы внутреннего налогового контроля выделяет: субъект, объект, предмет, правовую базу, методы, процедуры ВНК, этапы ВНК, документы, информационную базу»¹.

Более правомерно указаны элементы системы корпоративного налогового контроля состоят из следующих элементов (табл.4).

Таблица 4

Элементы системы корпоративного налогового контроля (СКНК)*

Элементы системы	Содержание элементов системы
Средства и методы контроля	Приверженность единым принципам и этическим ценностям Закрепление надзорных функций Формирование структуры, распределение прав и ответственности Приверженность принципам профессиональной

¹Jamalov Kh.N., Abdullayev A.B. Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations // The American Journal of Management and Economics Innovations, 2021. 3(05), p.151-163..

	компетентности Повышение уровня подотчетности
Оценка налоговых рисков	Идентификация актуальных задач Идентификация и анализ рисков Оценка рисков несоблюдения требований налогового законодательства Идентификация и анализ значительных изменений
Контрольные мероприятия	Выбор и совершенствование контрольных мероприятий Выбор и совершенствование IT решений в целях реализации контрольных мероприятий Закрепление налоговой политики и соответствующих регламентов
Информация и связь	Использование актуальной информации Внутренняя коммуникация Внешняя коммуникация
Мероприятия мониторинга	Осуществление одновременных или отдельных мероприятий оценки Оценка недостатков системы и их устранение

*составлена на основе обобщения [Цепилова, Е.С. Методические подходы к разработке внутрифирменных стандартов контроля исполнения налоговых обязательств // Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса. - 2014. - №2(27). - С.171]

В целом, корпоративный налоговый контроль - это составная часть корпоративного финансового контроля, представляющая собой особый вид деятельности внутренней контрольной службы хозяйствующего субъекта по мониторингу и проверке своевременности, правильности, полноты исчисления и перечисления налоговых обязательств, достоверности и порядка представления налоговой отчетности. Результатом такой деятельности является не только обеспечение выполнения норм налогового законодательства, но и выявление резервов снижения налоговых платежей и минимизация налоговых рисков хозяйствующего субъекта.

*Исламов К.С., Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Фискал институт “Мутахассислик”
кафедраси катта ўқитувчиси*

СОЛИҚЛАРНИ ЯШИРИШ НАТИЖАСИДА СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ҚОЧИШ ХАВФИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШНИ ИҚТИСОДИЁТГА ТАСИРИ ҲАМДА УНИ БАРТАТРАФ ЭТИШ МЕХАНИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада, тадбиркорлар томонидан қўлланилаётган солиқ тўлашдан қочишнинг турли хил йўллари, уни


аниқлаш ва олдини олиш тартиби, давлат бюджетида хуфёна иқтисодиётни камайтириш бўйича муаммо ва таклифлар ёритилган.

Калит сўзлар: яширин иқтисодиёт, иқтисодий фаолият, назорат, ҳисоботи, норасмий қисм, хуфиёна иқтисодиёт, иқтисодий жараёнлар, онлайн назорат касса машинаси.

Яширин иқтисодиёт ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол жараёнлари — иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки кишилар гуруҳи манфаатлари ётади. Яширин иқтисодиёт дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида мавжуд.

Дунёдаги биринчи пул ювиш жинояти америкалик машҳур мафия аъзоларидан бири Аль Капоне томонидан ўйлаб топилган ва содир этилган. У ўзининг қора ишлари орқали топган пулларни қонунийлаштириш мақсадида бир неча мамлакатда кўплаб кир ювиш жойларини оча бошлади. Одамларнинг бу масканларга оқими сезиларли даражада оша бошлади. Тўлов нақд пул орқали бўлиши билан биргаликда мафиянинг бухгалтерияси ўйинлари орқали пуллар алмашуви амалга оша бошлаганди. Солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар учун эса бундай жараён қонуний деб туюлар эди. Натижада мазкур жиноят пул ювиш номини олган.¹

Малакатимизда яширин иқтисодиётни олдини олишнинг дастлабки қадамлар оммавий чек талаб қилиб олишга бўлган тарғибот ва уларни қиммат баҳо совғалар билан мукофот тақдим этиш амалиёти кенг оммага тушунтириб борилмоқда. Бу орқали солиқлардан қочишга бўлган хатти-ҳаракатларга тўсиқ бўлиб солиққа тортиш манбаларини кенгайтиришга хизмат қилади.



¹ <https://www.youtube.com/channel/UCz0S27mdA8OhvH5hRhioJTW>

1-расм. Солиқларни яшириш натижасида, солиқ хавфини келиб чиқиши ҳамда йирик миқдорда солиқ қарзини ҳосил бўлишида амалётда учраётган муаммолар мавжуд.

Юқоридаги 1-расмда келтирилган Солиқларни яшириш натижасида, солиқ хавфини келиб чиқиши ҳамда йирик миқдорда солиқ қарзини ҳосил бўлишидаги муаммоларни ўрганиб чиқсак:

➤ тадбиркорлар томонидан нақт пулни яшириш ёки уни ОНKMдан ўтказмаслик натижаси солиқ тўланиши лозим бўлган айланмани камайтиради ва солиққа тортиш манбайини аниқлаш занжири узилишига олиб келади;

➤ тадбиркорлар томонидан, улгуржи ва чакана савдо фаолияти жараёнида, нақд пул ёки ОНKM эмас балки click, raunet, raume электрон тўлов тизими орқали амалга ошириб солиқ тўлашдан қочишга бўлган ҳаракат деб тушуниш мумкин бўлади;

➤ тадбиркорлар томонидан улгуржи ва чакана савдо фаолияти жараёнида, солиқ тўлашдан қочиш мақсадида, ўзга тадбиркорларнинг ОНKMдан фойдаланиб солиққа тортиш манбайини яшириб келмоқдалар;

➤ тадбиркорлар томонидан йирик миқдорда солиқ қарзини ҳосил қилиб юридик манзилларини тез-тез ўзгартириши, бир ҳудуддан бошқасига кўчиб юриши натижасида солиқ органини чалғитиш ва солиқ тўлашдан қочишнинг янги схемасини яратмоқдалар;

➤ тадбиркор фаолиятини қисқа муддат ичида (бир ҳафталик, ўн кунлик, бир ойлик ёки чораклик корхона) ташкил қилиб, кўп миқдордаги пул маблағларини оборотида айлантириб, йирик миқдорда солиқ қарзини ҳосил қилган ҳолда ўз фаолиятини вақтинча ёки тўлиқ тўхтатиб қўйиб охириги натижаси эса банкротлик билан тугамоқда;

➤ тадбиркор қисқа муддатлик фаолияти жараёнида йирик миқдорда солиқ қарзини ҳосил қилиб, солиқдан қочиш мақсадида бошқа тадбиркорнинг таркибига қўшилиб кетиши оқибатида тўланиши лозим бўлган солиқ қарзи тўланмай қолмоқда.

Давлат солиқ кўмитаси ва Марказий банк ўртасида маълумотлар алмашиш бўйича **битим мавжуд эмаслиги** ёки қонунчиликдаги бир-бирига тўғри келмайдиган ҳолатларнинг борлиги.

Ҳозирги кунда тадбиркорлар томонидан солиқ (*қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, даромад солиғи, айланмадан олинадиган солиқ*) ларни тўлашдан қочишнинг янги-янги усуллар пайдо бўлмоқда.

Асосан улгуржи ва чакана савдо, озиқ овқат, енгил таомлар ҳамда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғилланаётган тадбиркорлар очиқ-ойдин тўлов терминалларини ишламаётганлигини айтиб raunet, click ва raume тўлов тизимлари орқали харидларни амалга ошириш мумкинлигини билдириб ўтиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Ушбу ҳолатнинг олдини олмаслик эса тадбиркорлик субъектлари (Фаулиятини узоқ давом этра олмайдиган корханалар)нинг йирик миқдордаги пул маблағларини ҳисоб рақамларидан ўтказмаслиги натижасида тўланиши лозим бўлган солиқлардан қочиши имконини беради. Солиқ хавфини юзага келтиради.

Натижада эса солиқ қарздорлиги юзага келиши, ушбу солиқ қарзни қонунчиликда белгиланган тартибда ундириш чорасини қўллаб, Мажбурий ижро бюроси(МИБ)га ижросини таъминлаш мақсадида иш жилдлари юборилмоқда, МИБ ундирув натижаларини ўрганишининг якуни бўйича эса тадбиркорлик субъектига тегишли мол-мулки мавжуд эмаслиги ёки тўлов қобилияти йўқлиги натижасида, МИБ томонидан солиқ қарзини, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш бўйича иш жилдини Давлат солиқ хизматида органига ижросиз қайтарилиш ҳолатлари мавжуд.

Яширин иқтисодиёт натижасида солиқ қарзи ҳосил бўлишини олдини олиш мақсадида қуйидагиларни этроф этиш мумкин:

- банклар томонидан, солиқ тўлашдан қочиш хавфи мавжуд бўлган ва тадбиркорлар томонидан ноқонуний пул айланмаларини амалга ошираётганлигини олдини олиш мақсадида маълумотларни алмашиш учун ДСҚнинг маълумотлар базасига юборилишини амалга киритиш;

- айнан шу хизматлар орқали савдони амалга ошираётган тадбиркорлар ёки жисмоний шахсларнинг 24 соат мунтазам (*доимий, тез-тез, кўп миқдорда, жуда кўп миқдорда*) пул маблағлари пластик (*uzcard, hito ва шунга ўхшаш тўланиши мумкин бўлган*) рақамлари ҳақида тезкорлик билан маълумотларни ДСҚга узатиш тизимини ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз .

*Акбаров. А., Давлат солиқ қўмитаси
Давлат солиқ бош инспектори
мустақил тадқиқотчи*

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланишда солиқ маъмурчилигида замонавий ахборот технологиялари кенг қўлланиши ёритилган. Имтиёзларни тўғри қўлланилиши солиқ тўловчиларни ортиқча текширувларга олиб келмаслиги кўрсатилган.

Калит сўз: солиқ, солиқ имтиёзи, солиқ маъмурчилиги, электрон маълумотлар алмашуви, рақамлаштириш.

Аннотация: В данной статье описано широкое использование современных информационных технологий в налоговом администрировании при надлежащем использовании налоговых льгот.

Показано, что правильное применение льгот не приводит к чрезмерным проверкам налогоплательщиков.

Ключевые слова: налог, налоговая льгота, налоговое администрирование, электронный обмен данными, цифровизация.

Abstract: This article describes the widespread of using modern information technologies in the implementation of tax administration with proper of use tax exemption. The correct application of tax exemption does not lead to excessive checks of taxpayers.

Keywords: tax, Tax exemption, tax administration, electronic data exchange, digitalization

Сўнги йилларда рақамли иқтисодиёт инсон ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда. Янги технологияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига изчил суръатларда жорий қилиниши барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим ўрин тутмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида жадал суръатларда рақамли иқтисодиётни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларга кенг жорий қилиш зарурлиги, керакли инфратузилмани яратиш лозимлиги, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш яқин 5 йилликдаги энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланганлиги алоҳида таъкидланди. 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном берилиб, ҳукуматга “Рақамли Ўзбекистон–2030” дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юкланиши ҳам мазкур масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Охириги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон солиқ соҳасида ижобий ўзгаришларга эришаётган давлатлар рўйхатида ТОП-20 таликка кирди. Лекин, солиқ ма’мурчилиги бўйича мукамал тизим яратилмас экан, “хуфиёна иқтисодиёт”га қарши курашиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Бунинг энг тўғри ва ягона ечими – солиқ ма’мурчилигининг барча ё’налишларга, жумладан имтиёз йўналишида ҳам автоматлаштирилган ахборот тизимлари янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда, Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 22-сентябрда қабул қилинган 595-сон қарори солиқ ма’мурчилигини рақамлаштиришда янги босқични бошлаб берди.

Хусусан, 2021 йил 1 декабрга қадар мавжуд солиқ имтиёзлари бўйича маълумотлар базасини яратиш ва ҳар бир солиқ имтиёзи учун алоҳида солиқ имтиёзи уникал кодини (ИД-рақамини) бериш тартибини жорий этиш ҳамда солиқ имтиёзлари кодлари тўғрисидаги ахборотларни солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетига етказиб бериш амалиётини жорий этиш белгилаб кўйилди. Бу эса, солиқ тўловчилар томонидан солиқ

имтиёзларидан фойдаланиш жараёнлари ҳам автоматлаштирилиб борилмоқда.

Унга кўра, юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида, мавжуд солиқ имтиёзлари бўйича 4 мингга яқин уникал кодлар (ИД-рақам) яратилди ва уларни ҳисобини юритиш учун “Е-имтиёз” тизими ишга туширилди.

Тизимга ҚҚС имтиёзлари бўйича электрон ҳисобварақ фактура ва Онлайн НКМда имтиёзларни қўллаган ҳолда ҳар бир маҳсулот ва хизматларни реализация қилиш учун ҳар бир ҳар бир маҳсулот ва хизматларнинг идентификация кодига (49 минг МХИК) ва фойдаланилиши мумкин бўлган ташкилотларга (6 минг СТИРга) солиқ имтиёзлари ИД-рақамлари бириктирилди.

Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали – мй.солиқ.уз’ орқали эса солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат ё’ллаш интерактив хизмати ишга туширилган.

Солиқ тўловчилар томонидан юборилган мурожаатлар “Е-имтиёз” тизимининг мурожаатлар бўлимига келиб тушади ва Мурожаатларда кўрсатилган ма’лумотлар махсус ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилиб, уларнинг тегишли хулосаси асосида қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Тизим бир қатор афзалликларга эга. Бунда,

- Янгиланган платформа ва бошқа дастурлар ҳамда ташқи манба (кадастр, Онлайн НКМ, ЭХФ) маълумотлари билан интегарция қилиш;

- Солиқ имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш хавфини олдиндан профилактика қилиб, тўғри солиқ имтиёзларни танлаш. Хусусан, аввалги тизимда бу имконият мавжуд бўлмаганлиги сабабли, солиқ тўловчилар томонидан муддати яқунланган солиқ имтиёзларини танлаш ҳолатлари учраган. Мисол учун, Қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан та’минлаш даражасини тубдан ошириш мақсадида ПҚ-2639-сонли қарорига (21.10.2016-йил) асосан 2020-йил 1-июлга қадар пудрат ва субпудрат ташкилотлари, қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ташкилотларга солиқ имтиёзлари тақдим этилган бўлиб, муддати яқунлаганига қарамай, 2021 йилнинг 1-ярим йиллигида 32 та хўжалик субекти мазкур имтиёзни ноқонуний равишда қўллаб, 1,4 млрд. сўм миқдорида маблағларни бюджетга тўламаганлиги юзасидан солиқ текширувлари тайинланган¹.

¹Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб сайти маълумотларига кўра, <https://soliq.uz/press-services/news/show/muddati-yakunlagan-imtiyozlarni-qollash-holatlari-aniqlanmoqda>

- Статистик маълумотларни тезкор режимда шакллантириш имкони яратилди. Ўз навбатида, 2021 йилда 42,0 трлн.сўм солиқ имтиёзлари солиқ тўловчилар томонидан қўлланилган¹.

Тизим фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- Ташқи манба маълумотларини етарли эмаслиги.

Айрим уюшма аъзоларининг томонидан уюшмага аъзо солиқ тўловчилар учун берилган имтиёзлардан тезкор фойдаланиш имконини чекланганлиги. Айрим уюшмалар Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари базаси билан тўлиқ интеграция қилинмаганлиги натижасида уларнинг аъзолари томонидан имтиёздан фойдаланиш бўйича алоҳида мурожаат юборилишига ва маълумотлар махсус ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилиб, уларнинг тегишли хулосаси асосида қабул қилиниши олиб келинмоқда. Интеграцияда муаммоларни юзага келишига асосий сабаб, айрим уюшмаларнинг моддий-техник базаси етарли даражада шаклланимаганлиги;

- Имтиёздан фойдаланиш бўйича юбориладиган мурожаатлардаги қийинчиликлар

Бунда, айрим солиқ тўловчилар соҳа ёки ҳудудга тегишли имтиёзларни барча имтиёзлар рўйхатидан тўғри танлай олмаслиги.

- Онлайн НКМ ва ЭХФда имтиёздан фойдаланиш бўйича хатоликлар

Бунда, Онлайн НКМга имтиёзли реализация қилиниши керак бўлган товар ёки хизмат турига бириктирилган МХИК кодини тўғри бириктирмаслиги натижасида имтиёздан фойдалана олмаслиги бирақамлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган содда ва қулай ўқув-дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ тўловчиларнинг фаолияти билан боғлиқ барча йўналишларни рақамлаштириш самарали технологиялари билан қамраб олиш, замонавий АКТ дастурларини ишлаб чиқиш, молия, солиқ йўналишларида рақамлаштириш жараёнларини пухта ва оқилона тарзда йўлга қўйиш зарур.

Хусусан, Тизим фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифларни ишлаб мақсадга мувофиқ:

- Ташқи манба маълумотларини тўлиқ интеграция қилиш, Айрим уюшмалар томонидан маълумотларни тўлиқ етказиб берилишини таъминлаш.

- Имтиёздан фойдаланиш бўйича юбориладиган мурожаатларни оптималлаштириш. Бунда, имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини солиқ тўловчининг статуси, юридик манзили, ҳолатига қараб мос солиқ имтиёзлари рўйхатини шакллантириш.

¹Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб сайти маълумотларига кўра, <https://soliq.uz/other/open-data/download?id=2c9180827a754426017a76c2133c0001&format=xlsx>

- Онлайн НКМ ва ЭҲФда имтиёздан фойдаланиш бўйича солиқ тўловчиларнинг саводхонлигини ошириш. Бунда, рақамлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган содда ва қулай ўқув-дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири) // lex.uz.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й. 24 январь // president.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 августдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 595-сон қарор
4. <https://www.soliq.uz>
5. <https://www.lex.uz>

*Худойкулов С.Т. магистрант специальности
«Налоги и налогообложение» ТФИ
Джамалов Х.Н. – к.э.н., доц.
кафедра «Налоги и налогообложение»*

МЕТОДИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ НА ОСНОВЕ ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ НАЛОГОВЫХ НАРУШЕНИЙ

Налоговый риск как вероятностная величина определяется отклонением фактического уровня налоговых доходов бюджетной системы от их планируемого объема вследствие влияния негативного фактора, наступления нежелательного события (или их совокупности), влекущих бюджетные потери. Сферы возникновения налоговых рисков детерминируются спецификой налоговых отношений и субъектного состава их участников. Среди основных детерминантов налоговых рисков, можно выделить следующие:

- низкое качество принятия и реализации императивов налогового законодательства, несбалансированность мер налогового регулирования и стимулирования;
- внутренние противоречия нормативно-правовых актов;
- нестабильное применение налоговых норм и правил органами-администраторами;
- противоречивость правоприменительной практики;
- неисполнение налогоплательщиками действующего законодательства.

Институциональные преобразования в Республике Узбекистан способствуют возникновению налоговых рисков на разных стадиях формирования и реализации налоговых отношений. В этой связи наша классификация налоговых рисков включает риски налоговой политики (риски стратегических просчетов и возникновения «налоговых лазеек»), риски налогового администрирования и контроля (риски избыточного контроля и риски необнаружения), риски хозяйственной деятельности налогоплательщиков (риски умышленного уклонения, риски ошибок).

При этом внутренние риски возникают в процессе деятельности налоговых органов под влиянием следующих факторов:

- нарушения регламентов деятельности в системе налоговых органов (либо в отдельных подразделениях);
- нарушения функционирования программного обеспечения и технической системы;
- стратегические ошибки и тактические просчеты при осуществлении контрольных мероприятий, влекущие риски судебного оспаривания результатов проверок;
- недостаточный уровень квалификации инспекторского состава для решения поставленных задач;
- снижение лояльности сотрудников, влекущее противоправные действия.

В группе факторов внешних рисков, на которые влияние налоговых органов минимально либо невозможно, в работе выделены следующие:

- недобросовестность и сознательное уклонение от уплаты налогов;
- низкий уровень профессиональной компетентности налогоплательщиков в вопросах применения налогового законодательства;
- возможность нарушения законодательства в силу некорректности или неточности его положений;
- вступление в силу нового порядка формирования и (или) исполнения налоговых обязательств;
- специфическое воздействие локальных групп риска, классифицируемых по уровню объемов бизнеса налогоплательщика (крупные, средние и малые компании), по отрасли (добывающие компании, сфера транспорта, связи, металлургии, финансово-кредитная сфера, инвестиционная сфера и т.д.), по статусу и происхождению капитала (иностранные компании-нерезиденты, индивидуальные предприниматели, некоммерческие организации и т.д.).

В результате анализа действующей налоговой практики нами была охарактеризована специфика риск-менеджмента налоговых органов, направленного на предотвращение и выявление возможных налоговых правонарушений, возмещение ущерба, причиненного бюджетной системе противоправными либо ошибочными действиями (бездействием)

налогоплательщика либо иных обязанных лиц. При этом сформированы основные направления предотвращения негативного влияния налоговых рисков в соответствии с ранжированными типами мер реагирования (первый тип - сбор, мониторинг и обработка информации по объектам возможного нарушения; второй тип - особый углубленный камеральный контроль, предварительный (выборочный) контроль отдельных операций и сделок, информационные запросы; третий тип - назначение выездной налоговой проверки, встречный контроль, применение мер налоговой и административной ответственности; четвертый тип мер - использование межведомственной координации и сотрудничества с правоохранительными органами).

Далее обоснована необходимость реализации комплексного подхода при разработке системы мер по достижению максимальной результативности налогового администрирования, который основан на сочетании оценки влияния совокупности рискообразующих факторов и последовательности взаимосвязанных этапов их минимизации.

Модернизация системы управления рисками налогового контроля предполагает использование системного метода последовательной идентификации, комплексного анализа вероятности возникновения рисков ситуаций и оценки влияния рискообразующих факторов с целью минимизации их негативного воздействия на уровень налоговых поступлений в бюджетную систему страны.

В качестве основных факторов, детерминирующих возникновение и развитие рисков ситуаций, выступают:

- низкое качество институционализированных норм и, как следствие, - недостаточная обоснованность ожидаемых прогнозов их действенности и, особенно, институциональной практики их реализации, несбалансированность мер налогового регулирования и стимулирования, внутренние противоречия нормативно-правовых актов, нестабильность применения налоговых норм и правил органами-администраторами;

- противоречивость правоприменительной практики;

- неисполнение налогоплательщиками действующего законодательства.

В целом результаты исследования действующей налоговой практики в Республике Узбекистан дали возможность уточнить в предметном ракурсе методического обеспечения налогового контроля на основе:

1) систематизации его форм и методов с выделением новых критериев классификации (информационное обеспечение доказательств, уровень контроля, взаимодействие с проверяемым лицом, полнота охвата предметной сферы контроля);

2) определения целевой направленности камерального контроля на выявление налоговых правонарушений с перспективой трансформации формально-проверочного мероприятия в налоговое расследование;

3) концепции гиперфункциональности контрольной среды на основе риск-ориентированного подхода к развитию налогового контроля, обеспечивающей продуктивность его мероприятий за счет минимизации рисков необнаружения (затратность целенаправленного изучения информационных массивов разрозненных данных); рисков искажения (противоречивость объемов информации и ее качественных свойств) и рисков средств контроля (множественность функциональных обязанностей налоговых органов, ведущая к распылению контрольных усилий и снижению эффективности контрольных процедур).

Важно отметить необходимость разработки концепции управления налоговыми рисками в целях обеспечения максимальной эффективности деятельности налоговых органов, предусматривающей:

1) идентификацию областей проявления налоговых рисков - риски налоговой политики (возникновение «налоговых лазеек»), риски налогового администрирования и контроля (риски избыточного контроля и риски необнаружения), риски хозяйственной деятельности налогоплательщиков (риски умышленного уклонения и риски ошибок);

2) учет специфики этапов управления рисками в сфере налогового администрирования; 3) матрицу рангов принимаемых мер по минимизации налоговых рисков (первый тип мер - сбор, мониторинг и обработка информации по объектам возможного нарушения налогового законодательства, второй тип мер - углубленный камеральный контроль, проведение предварительного (выборочного) контроля отдельных операций и сделок, применение мер информационного обеспечения налогового контроля, третий тип мер - назначение выездной налоговой проверки, проведение мероприятий встречного контроля, применение мер налоговой и административной ответственности; четвертый тип мер - использование механизма межведомственной координации и сотрудничества с правоохранительными органами).

В результате обобщения имеющихся проблем налоговой практики нами предложена система мер совершенствования процедур урегулирования задолженности в рамках финансового оздоровления налогоплательщиков, в частности:

1) установление в Налоговом кодексе Республики Узбекистан возможности проведения однократной реструктуризации налоговой задолженности для организаций, попавших в кризисную ситуацию;

2) нормативное закрепление правил проведения экономического анализа организаций, претендующих на проведение реструктуризации, разработки его единообразного методического обеспечения;

3) обязательность экономического обоснования мероприятий по реструктуризации, оценке финансовых ресурсов и возможностей недоимщиков, наличия программ финансового оздоровления кризисных предприятий;

4) создание системы контроля со стороны органов исполнительной власти за выполнением программ финансового оздоровления организаций, использующим право на реструктуризацию;

5) расширение сферы применения в качестве обеспечительной меры института банковской гарантии и поручительства.

*Садуллаев Расулбек Палванбаевич
Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги
Фискал институт катта ўқитувчиси*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ПУЛЛИК ҲИСОБ - КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА НАЗОРAT-КАССА ТЕХНИКАСИ ВА ВИРТУАЛ КАССАЛАРДАН ФойДАЛАНИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоблар тизимида замонавий ахборот технологияларни жорий этиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича зарурий маълумотлар таҳлил қилинган ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ахборот ва коммуникация технологиялари, онлайн назорат-касса техникаси, виртуал касса, тадбиркорлик субъектлари, савдо нуқталари, мобил савдо.

Аннотация: В статье анализируется необходимая информация об эффективности использования онлайн кассовых аппаратов и виртуальных кассовых аппаратов при внедрении современных информационных технологий в систему расчетов в сфере торговли и услуг и усилении общественного контроля в этой сфере, а также разрабатываются соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: Информационно-коммуникационные технологии, онлайн-кассы, виртуальные кассы, хозяйствующие субъекты, торговые точки, мобильные продажи.

Annotation: The article analyzes the necessary information on the effectiveness of using online cash registers and virtual cash registers when introducing modern information technologies into the settlement system in the field of trade and services and strengthening public control in this area, as well as developing appropriate proposals and recommendations.

Keywords: Information and Communication Technologies, Online Cash Registers, Virtual cash, Business Entities, Fixed Trading, Mobile Trading.

Мамлакатда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар

яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экспертларнинг баҳолашлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса виждонли тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказмоқда, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида Президентнинг Фармони қабул қилинган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимиغا замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган барча юридик шахслар, якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлар томонидан фискал модулга эга бўлган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларни қўллаш тартиби белгиланди ва қуйидаги тушунчаларга эга бўлди².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сонли қарорига асосан:

Биринчидан, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, замонавий ахборот ечимларини жорий этиш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш 2022 йил 1 январдан бошлаб чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 30 октябрда ПФ-6098-сон Фармони.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимиغا замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон Фармони.

солиқ органларининг махсус мобиль иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга уларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизи республика бюджетидан қайтарилиши бундан автомобиль сотиб олганлик учун, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов, харид чеклари мустасно эканлиги;

Иккинчидан, назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибини бузганлик, нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда оширганлик ёки пасайтирганлик, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширганлик, шунингдек, идентификация қилиш воситалари билан мажбурий рақамли маркировка қилиш назарда тутилган маҳсулотларда қалбаки маркировка қўлланилганлик ёки маркировка мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органларига махсус дастур орқали хабар берган жисмоний шахсларга, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузарлардан ундирилган жарима суммаси ҳисобидан назорат-касса техникасининг ва ҳисоб-китоб терминалларини қўлламасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик бўйича белгиланган жариманинг 20 фоизи миқдорида мукофот тўланиши ва бунда, жариманинг қолган ундириладиган қисми белгиланган тартибда тақсимланиши;

Учинчидан, тўлов тизимлари операторлари ўз тўлов тизимларини онлайн назорат-касса техникаларига мажбурий равишда улаш ва шу орқали солиқ органларининг ахборот тизимларига интеграциялашни таъминлаш талаби ўрнатилиши белгиланган.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 январдан бошлаб маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги идентификациялаш кодлари акс эттирилмайдиган онлайн назорат-касса техникаси ва виртуал касса чекларини тақдим этиш жорий этилди.

2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги имкониятларга эга бўлмаган онлайн назорат-касса техникаларини давлат реестрига киритиш ҳамда солиқ органларида рўйхатга олиш, 2023 йил 1 январдан бошлаб эса улардан аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиш:

- ❖ банк карталари орқали тўловларни қабул қилиш;
- ❖ онлайн назорат-касса техникасининг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотни солиқ органларига тақдим этиш (виртуал кассалар ва онлайн назорат-касса техникаси сифатида фойдаланилаётган банк карталарини қабул қилувчи терминаллар бундан мустасно);
- ❖ штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини эркин ўқиш ва аниқлаш имкониятига эга бўлганлар.

Шунингдек 2022 йил 1 январдан бошлаб рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун онлайн назорат-касса техникаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмалардан (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалар) мажбурий фойдаланиш талаби ўрнатилиши жорий қилинган.

Буларга нисбатан, 2023 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машинаси ҳамда мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган махсус қурилмаларнинг ҳар бирини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин битта қурилма учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда, ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки айланмадан олинadиган солиқ ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаларини камайтириш ҳуқуқи берилди.

2022 йилнинг 1 апрель ҳолатига **жами 209144 та** онлайн назорат-касса техникаси ўрнатилган бўлиб, ҳақиқатда **168132 таси** фойдаланиб келинган. Республика бўйича фойдаланмасдан келинган онлайн назорат касса техникаси **36712 тани** ёки **18 фоизни** ташкил қилган.

Онлайн назорат-касса техникасидан фойдаланмаслик даражаси республика кўрсаткичидан паст ҳудудлар асосан, **Фарғона вилояти** 1068 тага (7%), **Тошкент шаҳар** 5455 тага (12%), **Хоразм вилояти** 1926 тага (14%), **Бухоро вилояти** 1732 тага (14%), **Қорақалпоғистон Республикаси** 1636 тага (15%), **Қашқадарё вилояти** 2287 тага (16%), **Сурхондарё вилояти** 1688 тага (17%) тўғри келади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида “Солиқ” мобил иловаси орқали келиб тушган мурожаатларда чек бермаслик ҳолатлари сони республика бўйича **23023 тани** ёки ҳудудлар кесимида солиштирилганда булар асосан, **Тошкент шаҳрида** 10541 тани, **Тошкент вилоятида** 2500 тани, **Андижон вилоятида** 1332 тани, **Самарқанд вилоятида** 1080 тани, **Наманган вилоятида** 1009 тани, **Қашқадарё вилоятида** 1009 тани, **Фарғона вилоятида** 952 тани, **Бухоро вилоятида** 733 тани, **Навоий вилоятида** 684 тани, **Хоразм вилоятида** 672 тани, **Қорақалпоғистон Республикасида** 665 тани, **Сирдарё вилоятида** 638 тани, **Жиззах вилоятида** 604 тани ва **Сурхондарё вилоятида** 603 тани ташкил этади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тасдиқланган субъектлар сони республика бўйича **13902 тани** ташкил этиб булар асосан, **Андижон вилоятига** **1034 тага**, **Хоразм вилоятига** **562 тага**, **Бухоро вилоятига** **546 тага**, **Қорақалпоғистон Республикасига** **482 тага**, **Навоий вилоятига** **469 тага**, **Жиззах вилоятига** **419 тага** ва **Сирдарё вилоятига** **376 тага** тўғри келган.

Хўжалик юритувчи субъект ва техник хизмат кўрсатиш марказлари томонидан ҳар ойда (абонент) тўлови ўртача **100,0 минг сўми** ташкил этади. Республика бўйича **209144** та онлайн назорат-касса техникаси ўрнатилган шахобчалар мавжуд. Ушбу шахобчаларда ўрнатилган онлайн-касса техникаларига бир ойда ўртача **20,9 млрд.сўм** (абонент) тўлов ҳисобланади.

Мазкур ҳуқуқбуралик аниқланган ҳолатлар юзасидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Солиқ кодексининг 221-моддасига асосан, назорат-касса техникасининг ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларининг қўлланилиши мажбурий бўлгани ҳолда, уларни қўлламадан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонларни, чекларни ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек ҳисоб-китоб терминаллари орқали тўловларни қабул қилишни рад этганлик - беш миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ кодексининг 139-моддасига асосан сайёр солиқ текширувларини ўтказиш чоғида солиқ органлари профилактика тадбирларини ва хронометраж кузатувларини амалга оширишга, назорат-касса техникаси ва тўлов терминаллари қўлланилишини текширишга ва солиқ назоратининг бошқа тадбирларини ўтказишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлсада, бугунги кунда айнан хронометраж кузатувлари тўлиқ амалга оширилмасдан келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, онлайн назорат-касса техникаси ва виртуал кассаларни қўллашда камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида қўйидагилар:

- ❖ Автомобиль сотиб олганлик учун, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати, банклардаги қабул қилинадиган тўловлар учун махсус мобиль иловада харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга уларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизда қайтариш;

- ❖ Хўжалик юритувчи субъект ва уларнинг шахобчаларига ўрнатилган онлайн назорат-касса техникаси ва виртуал кассаларни ишлатилишини тўлиқ назоратга олиш;

- ❖ Солиқ кодексининг 221-моддасига асосан, назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибини бузиш бўйича қўлланиладиган беш миллион сўм миқдорида жаримани, йил давомида такроран содир этилса ўн миллион сўм миқдорида жарима қўллаш;

❖ Хўжалик юритувчи субъект билан техник хизмат кўрсатиш маркази ўртасида шартномага асосан ундирилаётган (абонент) тўловларни кўриб чиқиш ва бекор қилиш;

❖ Агар хўжалик юритувчи субъект томонидан савдо ва хизматлар кўрсатганлик учун онлайн назорат-касса техникаси ҳамда виртуал касса тизимига пул маблағи кириш қилиниб харидорга берилмаса ушбу субъектда сайёр солиқ текшируви ўтказмаслик;

*Худойкулов С.Т. –магистрант специальности «Налоги и
налогообложение» ТФИ,
Джамалов Х. Н. – доцент кафедры «налоги и налогообложение»
ТФИ, к.э.н.*

К НОВЫМ АСПЕКТАМ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ МОДИФИКАЦИИ НАЛОГОВЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ

В «Стратегии Развития Нового Узбекистана за 2022-2026 годы», утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 29 января 2022 года № УП-60, , отдельное внимание обращено на вопросы разработки стратегии повышения эффективности налоговых рычагов регулирования деятельности хозяйствующих субъектов в условиях трансформации рыночной среды.

Налоговый метод мобилизации доходов основывается на принудительном изъятии части доходов хозяйствующих субъектов и населения, формы и методы которого находят отражение в праве. Ретроспективный анализ форм и методов принудительного изъятия налогов показал их эволюционную трансформацию от прямого открытого характера отчуждения (например, полюдьё), к обязательности самостоятельной уплаты (в натуральной форме через откупы, в денежной через - банки), в том числе на основе декларации, и, наконец, к самоначислению. Самостоятельное исчисление и уплата экономическим агентом налоговых платежей не отменяет того факта, что уплата осуществляется тем не менее посредством отчуждения дохода налогоплательщика. Если не будет зафиксирован факт осуществления налогового платежа, то в силу императивности налогов действует вариант принудительного взыскания, в том числе через судебные решения.

Меры принуждения имеют не только правовую форму, но и экономическое основание. Важное значение имеет исследование вопроса о контрольной функции налогов как отражении их экономической сущности во взаимосвязи с налоговым контролем как видом субъективной деятельности государства.

Анализ различных позиций экономистов относительно наличия у налогов контрольной функции и содержания данной функции позволил автору сделать ряд выводов. Во-первых, контрольная функция имманентно присуща налогам. Во-вторых, контрольная функция появилась позже появления самих налогов (в отличии от фискальной функции). В-третьих, выдвинута научная гипотеза об эволюции содержательного наполнения контрольной функции налогов под воздействием развития информационных и цифровых технологий. В-четвертых, обоснована необходимость и целесообразность рассмотрения содержания контрольной функции налогов применительно к двум уровням: микроуровню и макроуровню.

В экономической литературе преобладает рассмотрение контрольной функции налогов на микроуровне, когда ее содержание интерпретируется как возможность для государства при помощи налогов отслеживать ход финансово-хозяйственной деятельности организаций и граждан. Следует отметить, что в рыночной экономике государство не вмешивается напрямую в финансово-хозяйственную деятельность отдельных хозяйствующих субъектов, в т.ч. в формирование потоков налоговых платежей этих субъектов. Однако установление государством общих правил формирования и предоставления статистической, аналитической и налоговой отчетности оказывает определенное воздействие на информационное отражение денежных потоков в целях последующего налогового контроля. На этой основе органы налогового контроля получают картину финансовой деятельности хозяйствующих субъектов как основы формирования налоговых платежей в бюджет. Непосредственный же контроль за движением финансовых потоков происходит в рамках процедур налогового контроля.

Принципиально иной подход к раскрытию экономического содержания контрольной функции налогов прослеживается применительно к макроуровню. Налоговые поступления в этом случае выступают индикатором адекватности состояния существующей в стране налоговой системы потребностям государства в реализации возложенных на него обществом функций, а также индикатором необходимости корректировки векторов развития экономики в различных аспектах (по видам деятельности, отраслям, территориям и т.д.), совершенствования действующих норм налогового законодательства, а в ряде случаев - подготовки налоговой реформы.

Проведенное исследование содержания контрольной функции налогов, а также различных взглядов российских экономистов на налоговый контроль позволило обосновать вывод о налоговом контроле как форме практической реализации контрольной функции в субъективной деятельности государства. Можно выделить три аспекта налогового контроля, отражающие его комплексность и многогранность

как субъективной деятельности органов исполнительной власти, показана их взаимосвязь и взаимообусловленность, что отражено на рис.1(*Составлен авторами на основе обобщения позиций отечественных ученых о гранях налогового контроля).




Рисунок 1 – Многогранность налогового контроля*

Развитие информационных технологий расширяет возможности налоговых органов иметь достоверную картину сформированных у хозяйствующих субъектов финансовых потоков, что создает основу для трансформации взаимоотношений налоговых органов и налогоплательщиков. Данная трансформация состоит в переходе от жесткого противостояния (в основе которого лежит конфликт интересов налогоплательщиков и налоговых органов) к формированию партнерских отношений.

Принуждение к неукоснительному соблюдению установленных государством общеобязательных норм налогового законодательства может достигаться мерами не только материального, но и организационного, морального и психологического воздействия, построенными на достижении неотвратимости обнаружения отклонений от требуемого поведения и действий по выполнению налоговых обязательств. Объективно присущая противоречивость экономических интересов налогоплательщиков и государства в лице налоговых органов, вытекающая из самой сущности налогов, предопределяет модели их поведения.

Можно выделить основные факторы выбора модели поведения:

- конкретная ситуация, в которой осуществляется деятельность субъектов налоговых отношений (нечеткость и неоднозначность

трактовок прописанных норм, наличие противоречивости в формулировках отдельных статей, а также высокий динамизм налогового законодательства);

- *цель*, которую ставят перед собой субъекты налоговых отношений (например, налогоплательщики – минимизация/оптимизация налоговых платежей, а государство – обеспечение поступлений в бюджеты бюджетной системы);

- *критичная оценка* возможностей использования определенной модели поведения (в частности, профессионализм должностных лиц, информационная база и технологии обработки данных, оценка поведения других участников (как по горизонтали, так и по вертикали)).

Ретроспективный анализ позволил выделить основные модели поведения участников налоговых отношений и тренды их изменений. Для налогоплательщиков исходя из критерия уровня риска выделены две основные модели поведения: активная и пассивная. Модель активного поведения предполагает ориентацию на принятие относительно высокого уровня налоговых рисков, что реализуется через такие ее формы, как: регулируемых альтернатив; агрессивная; налоговая стратегия. Так, в случае агрессивной формы активной модели поведения не исключено и злоупотребление правом, в том числе через «провакционное» доведение налогоплательщиками на первом этапе мелких сделок до судебного разбирательства.

В модели пассивного поведения были выделены риск-нейтральная и дискретная формы. Для риск-нейтральной формы характерно строгое следование налогоплательщиком всем правилам исчисления и уплаты налогов, установленным действующим законодательством, а при неоднозначности толкования норм – принятие максимально нейтральных решений, в том числе ценой переплаты налоговых платежей. При дискретной форме ограничено применяются активные меры оптимизации налоговых платежей.

Выводы и предложения:

1. В рамках проведенного исследования в данной статье уточнены и теоретически обоснованы положения в части контрольной функции налогов, ее экономического содержания и связи с налоговым контролем, а также в части моделей поведения субъектов налоговых отношений, факторов их формирования, изменений и взаимозависимости. Выделены основные задачи и тренды налогового контроля, в том числе на основе предложенных принципов его развития в условиях расширения цифровизации экономических процессов.

2. Ретроспективный анализ изменений в камеральном и выездном налоговом контроле позволил показать наличие его связи с модификацией отношений между налогоплательщиками и налоговыми органами, в том числе как отражение углубленного проникновения аналитических

информационных технологий и риск-ориентированного подхода в контрольной деятельности, а также предложить корректировку методических приемов проведения контрольных мер в контексте реализации концепции партнерского взаимодействия участников налоговых отношений.

3. Сформулированный в данном тезисе комплекс практических рекомендаций позволит создать основу повышения качества контрольной деятельности налоговых органов при обеспечении комфортных условий предпринимательства.

*Dots. Bazarov Furqat Odilovich
TMI talabasi Boymurodova L.T.*

SOLIQ MA'MURCHILIGI: MOHIYATI VA RIVOJLANISH OMILLARI

Hozirgi globallashuv sharoitida iqtisodiyotning modernizatsiyalashuvida davlatning iqtisodiyotni tartibga solishdagi roli kuchayib, o'z oldiga qo'yilgan maqsad va vazifalarni amalga oshirishda avvalambor soliq siyosati, shu jumladan soliq ma'murchiligi ham muhim instrument bo'lib xizmat qiladi.

Ma'lumki, soliq tizimini isloh qilishdan ko'zlangan pirovard maqsad – soliq to'lovchilar zimmasidagi soliq yukini optimallashtirish orqali ishlab chiqarishni yanada rivojlantirish va iqtisodiyotni barqarorlashtirishga erishish hisoblanadi.

Har qanday mamlakatda ham ushbu maqsadga faqat izchil soliq siyosatiga mos strategiya va taktikani amalga oshirish orqali erishiladi. Mamlakatimizda keyingi yillarda maqsadli tarzda amalga oshirilayotgan soliq islohotlariga alohida e'tibor qaratilib, soliq organlari faoliyatini tubdan isloh qilish, soliq qonunchiligini soddalashtirish va tadbirkorlik sub'ektlarini qo'llab-quvvatlashga qaratilgan tendentsiyasi ortmoqda. Bu borada Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan qabul qilinayotgan Farmon va qarorlar soliq siyosatini erkinlashtirish, tadbirkorlikni rivoji uchun o'zaro manfaatli qulay shart-sharoit yaratish, ijtimoiy sohani rag'batlantirish, soliq yukini kamaytirish hamda soliq ma'murchiligini takomillashtirishga qaratilayotganligi istiqbolli hisoblanadi. Bu o'rinda, mamlakatimiz soliq ma'murchiligini takomillashtirish asosan soliq to'lovchilar va davlat o'rtasida soliq munosabatlari samaradorligi va sifatini oshirishga yo'naltirilishi - soliq siyosati samaradorligini ortishiga omil bo'lishini ta'kidlash o'rinlidir¹.

Bugungi kun talablaridan kelib chiqib, "Soliq ma'murchiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"²gi Qonun qabul

¹ "Soliq ma'murchiligi" o'quv qo'llanma. Jo'rayev A.S., Berdiyeva U.A

² [O'RQ-758](#), 11.03.2022 y.

qilinishi, xususan 3 ta kodeks: “Jinoyat kodeksi - Soliq kodeksi - Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeks”, shuningdek, quyidagi 2 ta: “Valyutani tartibga solish to'g'risida” va “Davlat soliq xizmati to'g'risida” gi qonunlarga quyidagi o'zgartish va qo'shimchalar kiritildi.

“Valyutani tartibga solish to'g'risida”gi qonunga quyidagi o'zgartish va qo'shimchalar kiritildi:

Xorijiy valyutadagi tushumni kechiktirish holati uchun qo'llaniladigan jarima miqdori 2 baravarga kamaytirildi.

Soliq kodeksiga quyidagi o'zgartish va qo'shimchalar kiritildi:

- soliq organlari tomonidan mol-mulkni xatlash va hududni (binolar) ko'zdan kechirish jarayonlarida uzluksiz va ketma-ketlikda videotasvirga olish orqali xolislikni ta'minlash tizimi joriy etildi;

- soliq nazoratini amalga oshirishga doir harakatlarning xolisligi videotasvirga olish qurilmalaridan foydalanish vositasida amalga oshirilishi belgilandi.

Mazkur o'zgartirishlardan maqsad – xolislarining hayoti va sog'ligiga xavf tug'dirishi mumkin bo'lgan, shuningdek, xotira susayishi va vaqt o'tishi bilan guvohi bo'lingan asl holat bo'yicha ma'lumotlarning yoddan ko'tarilishi kabi inson omili bilan bog'liq holatlarning oldini olish hamda obyektivlikni ta'minlash. Bunda soliq tekshiruvlarida:

- videotasvirni yozib olish to'xtovsiz va izchil ravishda olib borilishi;

- videotasvir materiallarining ko'chirma nusxasi soliq to'lovchiga taqdim etilishi;

- videoyozuv taqiqlangan yoki videoyozuvga olish imkoniyati mavjud bo'lmaganda xolislar majburiy tartibda jalb etilishi belgilandi.

“Ma'muriy javobgarlik to'g'risida”gi kodeksga quyidagi o'zgartish va qo'shimchalar kiritildi:

Soliq ma'murchiligini amalga oshirishda inson omilini cheklash va korrupsion holatlarni oldini olish maqsadida quyidagi ma'muriy huquqbuzarliklar bo'yicha ish yuritishning avtomatlashtirilgan tizimini joriy etish va ular bo'yicha ishlarni ko'rib chiqish vakolatini sudlardan soliq organlariga o'tkazish belgilandi:

- soliq hisobotlarini o'z vaqtida taqdim etmaslik;

- soliq va yig'imlarni to'lash uchun to'lov topshiriqnomasini bankka taqdim etmaslik uchun moliyaviy sanksiya qo'llash bekor qilingan.

Quyidagi holatlar uchun ma'muriy javobgarlik choralari bekor qilindi:

- budjetga to'lovlar bo'yicha qarzi bo'lgan korxonalariga o'z vaqtida inkasso topshiriqnomasini taqdim etmaslik;

- debitor va kreditor qarz muddatlarini o'tkazib yuborganlik;

- kassa operatsiyalarini yuritish tartibini buzganlik.

Insofli soliq to'lovchilar huquqlarini himoya qilish, tadbirkorlarga teng raqobat muhitini yaratish, iste'molchilarning huquqlarini ishonchli himoya qilinishini ta'minlash va sifatsiz mahsulotlarning ishlab chiqilishi va

sotilishining oldini olish, hamda yashirin iqtisodiyotga samarali qarshi kurashish maqsadida:

- soliqlar to'lashdan bo'yin tovlaganlik;
- to'lov intizomi va savdo yoki xizmat ko'rsatish qoidalarini buzganlik;
- soliq obyektlarini va xodimlar sonini yashirganlik;
- fiskal belgilarni aks ettirmaganlik;
- o'lchov vositalari bilan jihozlash bo'yicha qonunchilik hujjatlarida belgilangan talab va tartibga rioya etmaganlik;
- majburiy raqamli markirovka qilinadigan (jumladan alkogol, tamaki va pivo) mahsulotlarining qonunchilikda belgilangan qoidalarini buzganlik uchun javobgarlik choralari kuchaytildi.

Soliq ma'murchiligini yanada raqamlashtirish va soliq to'lovchilarga sifatli xizmat ko'rsatish maqsadida soliq organlarining axborot tizimlariga integratsiya qilish va axborot taqdim etishning qonunchilikda belgilangan talab va tartibga rioya etmaganlik uchun davlat organlari va tashkilotlari hamda ularning mansabdor shaxslariga javobgarlik choralari belgilandi.

Soliqqa oid munosabatlarni tartibga solishga qaratilgan qator idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni yuridik kuchi yuqori bo'lgan Vazirlar Mahkamasi qarorlari bilan tartibga solinishi qonun bilan mustahkamlandi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, shunday xulosaga kelish mumkinki, soliqqa oid huquqiy munosabatlarning ahvoli va rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish, soliq tushumlarini ishonchli prognozlashtirish faoliyatini takomillashtirish, soliq siyosatining o'rta muddatli va istiqbolli yo'nalishlarini ishlab chiqish, soliq ma'murchiligini barqaror rivojlanishi uchun uning normativ-huquqiy bazasi, tashkiliy va uslubiy jihatlari ilg'or xorij tajribasidan foydalangan holda takomillashtirish bugungi kunning dolzarb talabi bo'lib qolmoqda.

*Рузиев Фанишер Усарович
Тошкент Молия институти
мустақил изланувчиси*

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ МАЖБУРИЙ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкани мажбурий декларация қилиш тизимини жорий этишга доир амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, унда жисмоний шахсларнинг декларация қилиниши лозим бўлган активлари ва даромадларининг таркиби, декларациялаш тизимини амалиётга жорий этиш тартиблари ва босқичлари ҳамда мажбурий декларация қилиш тизимини жорий этишнинг афзалликлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: декларация, даромад, мол-мулк, актив, коррупция, давлат хизматчилари

Аннотация: В данной статье речь идет о принятых мерах о введении системы обязательного декларирования доходов и имущества физических лиц в Узбекистане, в которой описывается структура активов и доходов физических лиц, подлежащих декларированию, порядок и этапы реализации процедуры декларирования а также преимущества введения системы обязательного декларирования.

Ключевые слова: декларация, доход, имущество, активы, коррупция, госслужащие

Abstract: This article deals with the measures taken to introduce a system of mandatory declaration of income and property of individuals in Uzbekistan, which describes the structure of assets and income of individuals subject to declaration, the procedure and stages for implementing the declaration procedure, as well as the advantages of introducing a mandatory declaration system.

Key words: declaration, income, property, assets, corruption, civil servants

Кейинги йилларда юртимизда барча жабҳаларда кенг кўламли ислохотлар олиб борилиб, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, фаровон яшашини таъминлаш бош мақсад қилиб олинган. Ҳар бир мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, тараққий топиши учун энг аввало ўша ерда соғлом муҳит барқарор бўлмоғи лозим. Маълумки, ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказадиган, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштирадиган, пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келадиган иллатлардан бири бу коррупциядир.

Мамлакатимизда кейинги беш йил ичида мазкур иллатга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг олдини олишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси ва аниқ тизими яратилди ҳамда бу борада тегишли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, давлат органларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, давлат хизматчиларининг жиноий йўл билан топилган даромадларини легаллаштиришга қарши кураш, жисмоний шахсларнинг даромадларни яшириш ва солиқдан қочишларининг олдини олиш бўйича амалга ошириётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони¹ билан давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПФ-5729-сонли, 2019 йил 27 май.

манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилди. Шунингдек, 2021 йил 6 июлдаги Президентнинг ПФ-6257-сонли Фармони¹га асосан давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилиши белгиланган. Фармонга кўра, декларациялаш тизимини жорий этиш механизмлари, декларация тақдим этиши лозим бўлган давлат хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари тоифасини назарда тутувчи “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон Фармони²га мувофиқ эса, жисмоний шахсларнинг активларини келиб чиқиш манбаси ва даромадлари тўғрисидаги солиқ декларациялари асосида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида шаффофликни таъминлаш мақсадида жисмоний шахсларнинг активларини келиб чиқиш манбасини аниқлашни таъминлаган ҳолда, жисмоний шахсларнинг даромадлари тўғрисидаги солиқ декларацияси маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш вазифаси белгилаб қўйилган. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Президентнинг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли қарори³да даромад ва мол-мулк декларациялари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, уларни қайта ишлаш ва текширишнинг электрон ахборот тизимини яратиш, шунингдек, 2022 йил давомида уни солиқ, божхона, давлат кадастри ва бошқа тегишли органлар маълумотлар базалари билан интеграция қилиш чораларини кўриш назарда тутилган. Мазкур тизимни яратишдан асосий кўзланган мақсад жисмоний шахсларнинг активларини келиб чиқиш манбасини аниқлаш ва уларнинг даромадлари тўғрисидаги солиқ декларацияларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишдан иборатдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, жисмоний шахсларнинг активлари деганда, эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш объектлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пайлар, хиссалар) ҳамда номоддий объектлари тушунилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коррупцияга қарши мурасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПФ-6257-сонли, 2021 йил 6 июль.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. ПФ-6098-сонли, 2020 йил 30 октябр.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ-5177-сонли, 2021 йил 6 июль.

Бизнинг фикримизча жисмоний шахслар томонидан топшириладиган даромадлари ҳамда эгалигида бўлган активлари тўғрисида декларацияда уларнинг қуйидаги даромадлари кўрсатилиши лозим бўлади, жумладан:

- а) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари;
- б) мулкӣ даромадлари;
- в) моддий наф тарзидаги даромадлари;
- г) бошқа даромадлари.

Декларация қилинадиган активлари қаторига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган қуйидаги активлари кўрсатилиши лозим, жумладан:

- а) кўчмас мулклари:
 - ер участкалари (якка тартибда уй-жой қуриш, деҳқон хўжалиги юритиш, тадбиркорлик фаолияти учун, томорқа учун ажратилган ерлар ва ҳ.к.); турар жой объектлари (ҳовли уй, квартира, дала ҳовли ва ҳ.к.);
 - яшаш учун мўлжалланмаган нотурар жой объектлари (савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш шахобчалари, гараж ва ҳ.к.).
- б) кўчар мулклар (кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган мол-мулклар):
 - транспорт воситалари (енгил автомобил, юк автомобили, мотоцикл, мотороллер, махсус техника, қишлоқ хўжалиги техникаси ва ҳ.к.);
 - қимматбаҳо буюмлар ва металлар (заргарлик буюмлари, миллий ва маданий ёдгорлик буюмлари, санъат асарлари, коллекциялар, тангалар ва ҳ.к.)
 - томорқа (деҳқон) хўжалигида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ҳайвонлар, паррандалар, аквариум балиқлари, декоратив қушлар ва бошқалар;
 - интеллектуал мулк объектлари (илм фан, адабиёт, санъат асарлари, ихтиролар, селекция ютуқлари, саноат намуналари ва интеллектуал фаолиятнинг (мулкнинг) бошқа натижалари);
 - қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексел ва ҳ.к.);
 - юридик шахсларнинг устав жамғармаларидаги пайлари ва улушлари.
- в) мажбуриятлар (кредитлар, ссудалар ва ҳ.к.).

Жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳамда эгалигида бўлган активлари тўғрисида декларация шакли иккита қисмдан, яъни “Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация” ҳамда “Жисмоний шахснинг активлари тўғрисидаги декларация” қисмларидан иборат бўлиши лозим.

Республикамизда жисмоний шахслар томонидан ўз даромадлари ва эгалигида бўлган активларини мажбурий декларациялаш тартиби амалиётга босқичма-босқич, қуйидаги тартибда жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

Bugungi kunga kelib, 120 ta elektron tijorat obekti milliy reyestrda ro‘yxatga olingan xolos. Sub‘ektlarni ro‘yxatga olish www.e-tijorat.uz veb-sayt orqali amalga oshiriladi. Taqdim etilgan soliq imtiyozlari soliq to‘lovchilar ixtiyorida 1,9 mlrd. so‘m bo‘sh pul mablag‘larini qoldirish imkonini beradi. Shu bilan birga, O‘zbekiston Respublikasi axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligining ma‘lumotlariga ko‘ra,

¹ Lex.uz O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 17-noyabrdagi PQ-14-qarori.

² e-pos – tovar va xizmatlarga tijoriy korxonalar sayti orqali to‘lovni amalga oshirish.

³ Lex.uz - PQ-3724 son prezident qarori.

O'zbekistonda 150 dan ortiq elektron tijorat sub'ektlari faoliyat ko'rsatmoqda. Bundan tashqari, www.tgstat.com sayti ma'lumotlariga ko'ra O'zbekistonda savdo sohasida jami foydalanuvchilari 2 milliondan ortiq bo'lgan 100 dan ortiq yirik kanal mavjud bo'lib, bu omillar davlat ro'yxatidan o'tmagan tadbirkorlik sub'ektlarining (xufiyona tijorat) rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadi. SHuningdek elektron tijorat (xizmatlar) bilan shug'ullanuvchi xorij firmalari www.tax.uz portali orqali o'z ixtiyorlari bilan ro'yxatdan o'tishmoqda. Xozirgi kunda ularning soni 26 tani tashkil etadi. Davlat Soliq Qo'mitasining ma'lumotlariga ko'ra 2021 yil 1 choragigacha davlat byudjetiga 4,3 mlrd.so'm to'lovlar to'lashgan.

Respublikamizda o'zini-o'zi band elektron tijorat sohasida band qilgan shahslar qilgan shahslarga quyidagi yengilliklar berilgan.

Xususan, elektron tijoratni amalga oshirish tartibini erkinlashtirish va aholining keng qatlamini tadbirkorlikka jalb qilish va natijada aholini ish bilan ta'minlash maqsadida DSQ ishlab chiqilgan loyihaga o'zini o'zi band qiluvchi shaxslarga elektron tijoratni amalga oshirish huquqini berish normasini kiritishga qaror qildi.

Masalan, faoliyatni ro'yxatdan o'tkazish va amalga oshirish jarayonining soddaligi fuqarolarning xarajatlarini kamaytiradi. Chunki o'zini o'zi band qilganlarni ro'yxatdan o'tkazish va soliqlarni to'lash maxsus mobil ilova yoki soliq to'lovchining shaxsiy kabinetda "birgina tugmani bosish" orqali amalga oshiriladi².

Bundan tashqari, Soliq kodeksining 369-moddasiga³ asosan o'zini o'zi band qilgan shaxslarning mehnat faoliyati natijasida olingan daromadlari jismoniy shaxslarning jami daromadlariga kiritilmaydi.

*Usmanova. M., Toshkent Moliya instituti
"Soliqlar va soliqqa tortish" kafedrası prof.v.b.
Husainova.M.A., Toshkent Moliya instituti
ST-82 guruh talabasi*

SOLIQ MOBIL ILOVASINING AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI

Endilikda yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar faoliyatida o'tkaziladigan rejali va rejadan tashqari tekshirishlar to'g'risidagi batafsil

¹ stat.uz – Davlat statistika qo'mitasi rasmiy sayti

² Davlat soliq qo'mitasi rasmiy sayti.

³ Lex.uz – Soliq kodeksi

ma'lumotni O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasining "Soliq.uz" rasmiy saytidagi "Tekshirish reja-jadvalidan ko'chirmalar" interaktiv xizmatidan olish mumkin. Bu haqda O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi axborot xizmati xabar beradi.

Ushbu ma'lumot nazorat qiluvchi organlar faoliyatini muvofiqlashtiruvchi Respublika kengashining "Tekshirishlar.uz" rasmiy saytida ham joylashtirilgan. Mazkur saytda tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tekshiruvchi barcha nazorat qiluvchi organlar, tekshiruvchilar ro'yxati va tekshirishlarni tayinlash to'g'risidagi buyruqlar to'g'risidagi ma'lumotlar joylashtirilgan. Mobil vositalar (smartfon yoki planshet) orqali ko'rsatiladigan xizmatlar samaradorligi, qulayligi va mobilligini yanada oshirish maqsadida Davlat soliq qo'mitasi tomonidan ushbu xizmatlar ko'rsatishning yangicha shakli — "Soliq" mobil ilovasi ishlab chiqildi. Mazkur ilovadagi xizmatlar orasida "Tekshirishlar reja-jadvali"ni ham ko'rish mumkin. Kerakli ma'lumotga ega bo'lish uchun subyektning STIRini kiritish kifoya. Bu amalga oshirilganidan so'ng tekshirish rejalashtirilmaganligi yoki ushbu subyekt tanlangan yilning tekshirishlar reja-jadvaliga kiritilgan bo'lsa, nazorat qiluvchi organlarning ro'yxati va tekshirish muddatlari to'g'risidagi xabarnoma qisqa vaqt ichida taqdim etiladi.

Soliq ma'muriyatchiligi jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ilg'or avtomatlashtirilgan tahlil uslublarini keng joriy etish, soliq to'lovchilarga, eng avvalo, tadbirkorlik sub'yektlariga to'g'ridan-to'g'ri muloqotsiz elektron xizmat ko'rsatilishiga erishish davlat soliq xizmati organlari faoliyatining ustuvor vazifalari sirasidandir.

Soliq tizimidagi interaktiv xizmatlar orqali soliq to'lovchining «shaxsiy kabineti» yordamida murojaatlarni yo'llash, soliq organlarida hisobga turish, nazorat-kassa mashinalarini ro'yxatdan o'tkazish, ortiqcha soliq to'lovlarini qaytarish to'g'risida arizalarni jo'natish, soliq hisobotlari va deklaratsiyalarni elektron ko'rinishda yuborish, soliq qarzi mavjud emasligi, soliq organlarida hisobda turganligi (STIR), O'zbekiston Respublikasi rezidenti bo'lganligi to'g'risida va boshqa ma'lumotnomalarni olish mumkin. Soliq to'lovchilar tomonidan davlat soliq xizmati organlari xodimlari bilan muloqotsiz ko'rinishda 2018-yil boshidan my.soliq.uz portalidagi soliq to'lovchilarning «shaxsiy kabinet»lariga jami 600 mingdan ortiq foydalanuvchilar tomonidan 11 mln. dan ortiq murojaatlar bo'lgan. «Shaxsiy kabinet»lar orqali tadbirkorlik sub'yektlari tomonidan 6,5 trln. so'm miqdoridagi soliqlar elektron shaklda to'landi. Endilikda soliq to'lovchilar va soliq xizmati organlari o'rtasidagi elektron shaklda amalga oshirilmayotgan jarayonlarni elektron ko'rinishga o'tkazish yuzasidan ham amaliy ishlar olib borilmoqda. Hozirda Chirchiq shahri, Navoiy va Sirdaryo viloyatlarida elektron hisobvaraq-fakturalarni majburiy tarzda rasmiylashtirishni joriy etish bo'yicha eksperiment o'tkazilayotgan bo'lib, uning natijalari bo'yicha mazkur mexanizmni butun mamlakat bo'ylab tizimli ravishda amalga oshirish:

1. Jismoniy shaxslar – O‘zbekiston Respublikasi rezidentlari, soliq solish ob‘yektini vujudga kelganda davlat soliq xizmati organiga hisobga qo‘yish to‘g‘risidagi arizani taqdim etish;

2. Respublikamiz soliq to‘lovchilarining yagona reyestriga kiritilgan yuridik va jismoniy shaxslar – O‘zbekiston Respublikasi norezidentlari hisobga qo‘yilgan joydagi davlat soliq xizmati organiga hisob ma‘lumotlaridagi har qanday o‘zgarishlar haqida ma‘lum qilish;

3. Davlat soliq xizmati organlari tomonidan o‘tkazilayotgan kameral nazorat jarayonida soliq hisobotini to‘ldirishda xatoliklarga yo‘l qo‘yilganligi yoki taqdim etilgan soliq hisoboti va davlat soliq xizmati organlari ma‘lumotlari o‘rtasida aniqlangan ziddiyatlar bo‘yicha tegishli tuzatishlar kiritish bo‘yicha xabardor qilish;

4. Ortiqcha to‘langan soliq summasini mazkur soliq turi bo‘yicha penya va jarimalarni uzish asosida hisobga olinganda, soliq to‘lovchiga bu haqda xabarnoma berish;

5. Soliq to‘lovchiga soliq qarzini uzish bo‘yicha talabnoma berish;

6. Undiruvni soliq to‘lovchining mol-mulkiga qaratish to‘g‘risidagi da‘vo arizalarni yuborish;

7. Soliq qarzini debitor hisobidan undirilishi yuzasidan qarzdorning debitorlari «shaxsiy kabineti»ga elektron bildirishnomalar yuborishni va boshqa muloqotlarni elektron shaklga o‘tkazish va soliq to‘lovchining «shaxsiy kabineti» orqali amalga oshirilgan.

Soliq to‘lovchilar tomonidan o‘z faoliyatlarida muvaffaqiyatli foydalanilayotgan “SOLIQ” mobil ilovasi, www.soliq.uz rasmiy veb sayti, my.soliq.uz veb-portali, Soliq to‘lovchining shaxsiy kabineti, Ma‘lumotlarni qayta ishlash markazi, Ma‘lumotlarni uzatish korporativ tarmog‘i, Elektron soliq hisobotlarini taqdim etish tizimi, [SOLIQ kompleks axborot tizimi](#), Mazkur dasturlarning aksariyati oldinroq davlat idoralarida AKTni joriy etish bo‘yicha eng yaxshi loyihalar sifatida e‘tirof etilgan. Mobil ilova orqali barcha soliq to‘lovchilar, jumladan, jismoniy shaxslar, tadbirkorlar uchun foydali dasturlardan biri bo‘lib, unda soliq qonunchiligiga oid yangiliklar, soliq organlari, normativ hujjatlar, tez-tez beriladigan savollarga javoblar, soliqqa oid bahsli holatlarni ko‘rib chiqish va boshqa ko‘plab ma‘lumotlarni olish mumkin.

«E-factura» mobil ilovasiga quyidagi imkoniyatlar qo‘shilgan:

- Soliq to‘lovchining shaxsiy kabinetiga kirish;
- Kelgan elektron hisobvaraqlar fakturalarni ko‘rish;
- Elektron hujjatga ERI orqali imzo chekish;
- Eslatma va xabarnomalar olish;

• Operator tomonidan yaratilgan boshqa turdagi elektron xizmatlardan foydalanish.

Mobil ilovalar o‘zbek va rus tillarida ishlab chiqilgan. “Soliq” mobil ilovasini o‘rnatish oson. Mazkur ilova AppStore va GooglePlay‘da joylashtirilgan bo‘lib, uni yuklab olish uchun Davlat soliq qo‘mitasining

“Soliq.uz” rasmiy saytidagi havoladan foydalanish mumkin. Mobil ilova o‘zbek va rus tillarida ishlab chiqilgan.

2018-yilda Soliq mobil ilovasiga quyidagi funksiyalar qo‘shildi:

- Soliq to‘lovchining shaxsiy hisobvarag‘iga kirish;
- Hisoblangan va to‘langan summalarni, soliq bo‘yicha qarzlarni ko‘rish;
- Shaxsiy hisob kartalaridan ko‘chirma olish;
- Akt-sverka shakllantirish;
- Soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlarni to‘lash;
- Elektron xizmatlarning boshqa turlari.

Bugungi kunda Davlat soliq qo‘mitasining «Elektron davlat xizmatlari — my.soliq.uz» portali orqali 35 turdagi elektron davlat xizmatlari ko‘rsatilmoqda. Elektron davlat xizmatlaridan 15 tasi — axborot davlat xizmatlari, 20 tasi — interaktiv davlat xizmatlari tarkibiga kiradi. Portalda yuridik, jismoniy shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun soliq to‘lovchining «shaxsiy kabinet»lari joriy etilgan.

2022-yil 1-yanvardan boshlab chakana savdo, umumiy ovqatlanish va aholiga maishiy xizmat ko‘rsatish obyektlaridagi xarid uchun berilgan onlayn nazorat-kassa texnikasi QR-kodli chekini "Soliq" mobil ilovasida ro‘yxatdan o‘tkazgan jismoniy shaxslar xarid summasidan 1 foiz keshbekka ega bo‘lmoqda. Mablag‘ jismoniy shaxslarning bank kartalariga oy yakuni bilan qaytariladi. Avtomobil sotib olganlik, temir yo‘l va avia chipta xaridi, kommunal va aloqa xizmati uchun to‘lovlar amalga oshirilganda olingan xarid cheklari uchun keshbek qaytarilmaydi.

Qayd etilishicha, joriy yil 1-yanvardan 1-fevralga qadar 32 755 242 ta xarid cheki onlayn nazorat-kassa texnikalari orqali chop etilgan bo‘lib, shundan 1 482 563 tasiga “Soliq” mobil ilovasi orqali 19,4 mlrd so‘mlik keshbek hisoblangan. Ro‘yxatdan o‘tkazilgan cheklar tahlil qilinganda, ayrim texnik xizmat ko‘rsatish markazi (TxKM) xodimlari keshbekka ega bo‘lish maqsadida vazifalarini suiiste‘mol qilib, o‘zgarar tomonidan amalga oshirilgan xarid uchun shakllangan cheklarni o‘z nomidan ro‘yxatdan o‘tkazish holatlari aniqlandi. Jumladan, 3 nafar TxKM xodimi tomonidan o‘zlari xizmat ko‘rsatayotgan 281 ta tadbirkorlik sub‘ektining 11 mlrd so‘mlik 15,9 mingta xarid cheki ro‘yxatdan o‘tkazilgan. Xususan, TxKM xodimlari — Q.N. tomonidan 178 ta tadbirkorning 7 524 ta 5,8 mlrd so‘mlik, Q.A. tomonidan 80 ta tadbirkorning 5 206 ta 4,6 mlrd so‘mlik, R.F. tomonidan 23 ta tadbirkorning 3 131 ta 0,6 mlrd so‘mlik cheklarini “Soliq” mobil ilovasida QR-kod orqali ro‘yxatdan o‘tkazgan.

Xulosa qilib aytganda, Davlat soliq xizmati organlari tomonidan yaratilgan ushbu imkoniyatlar, soliq to‘lovchilar, ayniqsa, tadbirkorlik sub‘ektlarining soliq organlariga tashriflarini kamaytirishga, vaqt va sarf-xarajatlarini tejashga, tadbirkorlik faoliyati samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda. Shu bilan birga, soliq to‘lovchiga hisoblangan, u tomonidan to‘langan summalar, soliq qarzi, ortiqcha to‘lov, penyalar hamda budjet va budjetdan tashqari maqsadli

jamg'armalar bilan hisob-kitoblar to'g'risidagi ma'lumotlarni ham Davlat soliq qo'mitasining axborot resurslaridan bevosita olish imkoniyati yaratilgan. Bu esa soliq organi xodimi va soliq to'lovchilar o'rtasidagi munosabatlarni zamonaviy vositalar yordamida rivojlantirishga, soliq organlariga ortiqcha kelib-ketishlarni kamaytirishga xizmat qilmoqda. Lekin yuqoridagi vaziyatlar ko'ngilni xira qiladi. Buni oldini olish uchun tegishli chora-tadbirlar ishlab chiqilmoqda.

*Исламов Кудратилла Суннатович
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Фискал институти “Мутахассислик”
кафедраси катта ўқитувчиси*

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚ ҚАРЗИНИ УНДИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Анотация: Ушбу мақолада, мол-мулк ва ер солиқ қарзини жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундиришда учраётган муаммолар ҳамда уни бартараф этиш бўйича таклиф келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: жисмоний шахс, фуқаро, чет давлатларнинг фуқаролари, мол-мулк солиғи, маҳаллий солиқлар, юридик шахслар, ер солиғи, мажбурий тўланадиган солиқ, ер рентаси, солиқ қарзи, жорий тўлов, санкциялар, пенялар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан **солиқ органларининг ҳуқуқларига** “Солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўриш”. **Солиқ органларининг мажбуриятлари** “Солиқ қарзи суммасини сўзсиз ундириш” билан мустаҳкамланган. Жисмоний шахсларнинг солиқ қарзи умумий суммаси **бир миллион сўмдан ошса** қарздорнинг солиқ қарзини унинг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судга берилиши келтирилган¹

Солиқ қарзини тўлаш куйидаги тартибдаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- солиқлар суммаси;
- ҳисобланган пенялар;
- жарималар.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ жисмоний шахсларни мол-мулк ва ер солиқлари Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ундириб келган эди.

Жисмоний шахсларни солиқ қарзини ундиришга, умуман олганда уни тўловчилардан солиқларни йиғиб олиш механизминини янада такомиллаштиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни келтириб ўтишни жоиз

¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30, 55, 23, 27, 125-моддалари.

деб ҳисоблаймиз. Жумладан, солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини пайдо бўлишини уч қисимга бўлишимиз мумкин бўлади. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчи қисм, жисмоний шахснинг ижтимои ҳолатига таъсир этувчи омиллар мавжудлиги:

➤ *солиқ тўловчининг солиқ соҳасида билим ва кўникмаси етарли эмаслиги;*

➤ *солиқ юки ёки турмуш шароити оғирлиги;*

➤ *солиқ тўловчини вақтинча ёки умуман шисизлиги;*

➤ *қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ ёки қисман имтиёзга эга бўлсада имтиёздан фойдаланиш ҳақида маълумотга эга эмаслиги.*

Иккинчи қисм, жисмоний шахслар томонидан солиқларни тўлашдан қочишнинг турли хил усул ва йўллари йўлаб топиши ёки солиқларни қасддан тўламаслиги:

➤ *турар ёки нотурар объект меросхўрлари ўртасида солиқ тўловини тўлаш мажбуриятига келиша олмаслик ҳолатлари;*

➤ *турар ёки нотурар объектни бошқа шахсларни номига расмийлаштирилиши;*

➤ *солиқлар ва мажбурий тўловларни қасддан тўламаслиги.*

Учинчи қисм, давлат хизмати органларининг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини вақтида бажармаслиги:

➤ *жисмоний шахс томонидан турар ва нотурар объектларини сотиб умрбод бошқа давлатга кўчиб кетиши натижасида;*

➤ *кадастр томонидан турар ва нотурар объектлар ҳақидаги маълумотлар нотўғри юборилиши натижасида;*

➤ *давлат солиқ хизмати органи ходимлари томонидан ўз вақтида солиқ мажбуриятлари тўғрисида хабар берилмаслиги натижасида солиқ қарзи пайдо бўлди. Санаб ўтилган учта қисмнинг асосий муаммо, МФЙни раҳбари ва мутассади вакиллари ўз фуқароси, оилаларни ҳолатини билган даражада, ДСХО ходими билмаслигида.*

Ҳозир кунда ДСХОларида, жисмоний шахсларни солиқ қарзини учта қисимга ажратиб тақсимловчи таҳлика-таҳлил дастурий маҳсулоти мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ қарзини ундириш самарадорлигини аниқлаш ва ижтимоий ҳимояга мухтож қатлам билан қасддан солиқ тўламаётган солиқ тўловчиларни фарқлаб олиш имкони мавжуд эмас.

Солиқ кодексининг 125-моддаси талабларига асосан фақатгина бир миллион сўмдан юқори солиқ қарзи мавжуд жисмоний шахсларни суд орқали қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш чорасини кўриш мумкин бўлади.

Аммо бир миллион сўмдан паст қисмини ташкил этган солиқ қарзини суд тартибида қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш масаласи Солиқ кодексига мавжуд эмас бу ҳолат эса солиқ тўловчиларда боқимандалик кайфиятини шаклланишига олиб келади.

Буни яққол мисоли сифатида, статистик таҳлил маълумоти шуни кўрсатадики, 2021 йилнинг апрел ойи якуни бўйича қариб 5 млн.нафардан ортиқ жисмоний шахсларни мол-мулк ва ер солиқлар бўйича қарздорларнинг 25 фоиз солиқ қарзи бир миллион сўмдан юқорисини, қолган 75 фоиз солиқ қарз эса бир миллион сўмдан **паст қисмини** ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Яъни давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами қарздорликнинг 25 фоизгинаси жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судга мурожаат қилинган.

Бундан ташқари ҳозирги кунда Давлат солиқ кўмитаси томонидан жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини ундиришда таҳлика таҳлил дастурий маҳсулоти мавжуд эмаслиги. Бу борада жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларни ҳамда ўз вақтида тўланмаган солиқ қарзини ундирилишидан асосий мақсад маҳаллий бюджетни ўз вақтида маблағлар билан таъминлаш бўлса бундан ташқари солиқ тўловчилар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқларини ўз вақтида тўлаш маданиятини ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Жисмоний шахс мол-мулк ва ер солиқ қарзини ундиришда қуйидаги **таклифларни** амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

жисмоний шахс томонидан солиқ қарзи тан олинган тақдирда, унинг мол-мулки ҳисобидан ундириш солиқ органининг раҳбари қарори асосида мажбурий ундирув чораларини кўриш яъни солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлардаги маблағларидан (пулларида), иш-ҳақи ва унга тенглаштирган тўловларидан (нафақаларидан) ҳамда мол-мулкларидан ундириш имкониятини яратиш;

Жисмоний шахслар учун солиқ мажбуриятларини бажариш муддатлари тугаганидан кейин, давлат солиқ хизмати органининг жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши, бундан солиқ қарзининг суммаси ундирувни мол-мулкка қаратиш учун унинг умумий суммаси бир миллион сўмдан кам бўлган ҳоллар мустасно, бироқ тўлаш муддати тугаганидан кейин солиқ қарзини бир йил ичида тўланмаган тақдирда ҳам солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш чоралари қўллаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб солиқ қонунчилиги, унинг механизминини янада ривожлантириб мамлакатимиз ҳамда фуқароларимиз фаровон ҳаёти учун адолатли хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 51-моддаси.
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mol-mulk-soligi-uz/>
3. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ye/yer-soligi-uz/>
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30, 55, 23, 27, 125-моддалари.

RAQAMLI IQTISODIYOTNING MDHGA A'ZO DAVLATLAR SOLIQ TIZIMINI RIVOJLANTIRISHGA TA'SIRI

Raqamli iqtisodiyot ilg'or texnologiyalarni joriy etish bilan bir qatorda tashkiliy tuzilma va kadrlar tarkibidagi sifat o'zgarishlarini, biznesning yangi modellarini joriy etishni, raqamlashtirishga moslashtirilgan qonunchilikni yaratishni, yangi tizimlar bo'yicha boshqaruv qarorlarini qabul qilishni ta'minlaydi.

Ushbu dinamik jarayon barcha ijtimoiy va iqtisodiy sohalarga ta'sir qiladi, MDHga a'zo davlatlarning soliq organlari oldiga yangi vazifalarni qo'yadi. O'z navbatida, soliq ma'muriyatlari ham bunday qiyinchiliklarni yengib, raqamli muhitga moslashishga intilmoqda.

Axborot texnologiyalari rivoji bilan birga aholining xizmatlarni tez, arzon va sifatli olishga bo'lgan ijtimoiy ehtiyojlari ham ortib bormoqda. Biznes kabi soliq organlari ham soliq nazorati maqsadida ham, soliq to'lovchilarga shaxsiylashtirilgan xizmatlarni taqdim etishda ham yangi ma'lumotlar oqimidan foydalanishlari va soliq to'lovchilar bilan doimiy aloqada bo'lishlari kerak.

MDHga a'zo davlatlar soliq organlarining amaliy faoliyati soliq to'lovchilarga xizmat ko'rsatish sifatini oshirish, soliq qonunchiligining bajarilishini nazorat qilish va ko'rsatilayotgan xizmatlar ko'lamini takomillashtirishga qaratilgan bo'lib, shu maqsadda soliq qonunchiligiga samarali rioya etilishini, iqtisodiy faoliyatning shaffofligini ta'minlaydi. MDHga a'zo davlatlar byudjetlariga soliq tushumlarining faolligi, o'z vaqtida va to'liqligi, byudjetni rejalashtirish sifati va davlat daromadlari barqarorligini, shu jumladan, zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish orqali oshirishga qaratilgan.

Shu maqsadda MDHga a'zo davlatlarning soliq xizmatlari rahbarlarining Muvofiqlashtiruvchi kengashi MDH davlatlarida soliqqa tortish tizimini rivojlantirishga raqamli iqtisodiyotning ta'sirini doimiy monitoring qilib boradi. MDHga a'zo davlatlar tomonidan taqdim etilgan materiallar asosida 2019-yilda Muvofiqlashtiruvchi kengash ushbu mavzu bo'yicha MDHga a'zo davlatlar soliq xizmatlari zamonaviy faoliyatining asosiy yo'nalishlari, shuningdek, soliq tizimini takomillashtirish masalalarini aks ettiruvchi ma'lumotlarning qisqacha mazmunini tayyorladi.

MDHga a'zo davlatlar soliq organlarining to'lovchilar bilan munosabatlarini sifat jihatidan yaxshilash bo'yicha olib borilayotgan tizimli ishlar soliq majburiyatlarini ixtiyoriylik asosida bajarish uchun qulay sharoitlar yaratishga xizmat qilmoqda.

Davr talablarini inobatga olgan holda, to'lovchilarga xizmatlar ko'rsatish jarayonlarini, jumladan, elektron o'zaro hamkorlikni kengaytirish va elektron

xizmatlarning keng ko‘lamini rivojlantirish orqali tizimli qayta tashkil etish amalga oshirilmogda.

Soliq organlari faoliyatini raqamlashtirishda nazorat ishlariga joriy etilgan innovatsion texnologiyalar muhim ahamiyat kasb etmogda.

Shunday qilib, soliq tartib-qoidalarini elektron fiskallashtirishning muhim elementlaridan biri elektron hisobvara-q-faktura mexanizmini joriy etish bo‘lib, u:

MDHga a'zo davlatlar soliq to'lovchilari uchun zamonaviy soliqqa tortish qoidalari;

tovarlarni eksport qilishdagi to'siqlarni minimallashtirish;

elektron hisobvara-q-fakturalardan foydalanishda soliq to'lovchilar va soliq organlari uchun vaqt va mehnat xarajatlarini kamaytirish;

soliq to'lovchilarning soliq organlari xodimlari bilan bevosita aloqalarini qisqartirish;

elektron hujjat aylanishini yaratish va dastlabki soliq hisobotini avtomatik tarzda tuzish imkoniyatini ta'minlashdan iborat.

Yana bir misol - chakana savdo va xizmat ko'rsatish sohalarida yangi avlod onlayn-kassalaridan foydalanish. Ushbu qurilmalar real vaqt rejimida kassa operatsiyalari bo'yicha ma'lumotlarni soliq organlariga bevosita yoki fiskal ma'lumotlar operatorlari orqali uzatadi.

Chakana savdo tarmog'ini nazorat qilishning ushbu usuli MDHga a'zo barcha davlatlarning soliq ma'muriyatlari tomonidan loyihadan tortib to to'liq miqyosda amalga oshirishgacha qo'llaniladi. Yangi mexanizm soliq organlari bilan o'zaro munosabatlarni rasmiylashtiradi, kassalarni hisobga olish va ulardan foydalanish jarayonlarini maksimal darajada avtomatlashtiradi hamda bir vaqtning o'zida bir nechta muhim maqsadlarga erishishga qaratilgan:

jarayonlarning shaffofligini oshirish va noqonuniy operatsiyalarni amalga oshirish imkoniyatini minimallashtirish orqali fuqarolar va tashkilotlarning manfaatlarini ta'minlash;

iste'molchilar huquqlarini himoya qilish;

hisob-kitoblarni amalga oshirishning belgilangan tartibiga rioya qilish;

chakana savdo tushumlarini hisobga olish va qo'shilgan qiymat solig'i (QQS)ni byudjetga to'lashning to'liqligini ta'minlash.

*Berdiyeva U., "Soliqlar va soliqqa tortish"
kafedrasi dosenti*

Obidkhonov X., BX-4-1 guruh magistranti

SOLIQ MUNOSABATLARINI TARTIBGA SOLISHDA SOLIQ MA'MURCHILIGI TIZIMINING O'RNI

Mamlakatimizda soliq tizimidagi islohotlarni yanada jonlantirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "Soliq

ma'muriyatchiligini tubdan takomillashtirish, soliqlar va to'lovlarning yig'iluvchanligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni qabul qilindi.

Soliq ma'muriyatchiligini amalga oshirishda bir qator muammolar mavjudligi sababli Farmon bilan davlat soliq xizmati organlari tizimini isloh qilishning quyidagi muhim yo'nalishlari belgilandi:

soliq ma'muriyatchiligi jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ilg'or avtomatlashtirilgan tahlil uslublarini keng joriy etish, soliq to'lovchilarga, eng avvalo, tadbirkorlik subyektlariga to'g'ridan to'g'ri muloqotsiz elektron xizmat ko'rsatishga to'liq o'tish;

soliq solish obyektlari va soliq solinadigan bazaning o'z vaqtida hamda ishonchli hisobga olinishini ta'minlash, vakolatli organlar va tashkilotlar mansabdor shaxslarining soliq solish masalalari bilan bog'liq bo'lgan ishonchli axborotini o'z muddatida taqdim etish bo'yicha mas'uliyatini oshirish;

soliq majburiyatlarini bajarishda soliq to'lovchilarga har tomonlama ko'maklashish, soliqqa oid huquqbuzarliklar profilaktikasining ta'sirchan mexanizmlarini ishlab chiqish va soliq to'lovchilarning huquqiy madaniyatini oshirish, soliq nazoratini amalga oshirishning zamonaviy uslublarini joriy etish;

makroiqtisodiy ko'rsatkichlar dinamikasi va hududlarning soliq salohiyatini tizimli tahlil qilish orqali soliq solish obyektlarini to'liq qamrab olish va soliq solinadigan bazani kengaytirishni ta'minlash bo'yicha samarali tadbirlarni amalga oshirish;

faoliyat ko'rsatmayotgan korxonalarining faoliyatini tiklashga har tomonlama ko'maklashish, past rentabelli va zarar ko'rib ishlayotgan korxonalarining moliyaviy ahvolini sog'lomlashtirish, o'zaro hisob-kitoblar mexanizmlarini mustahkamlash, soliq qarzi oshishiga yo'l qo'ymaslik orqali soliq solinadigan bazani kengaytirish;

soliq solish masalalari, shu jumladan, respublika va mahalliy byudjetlar daromadlarini oshirishning qo'shimcha zaxiralarini aniqlash orqali moliya organlari, manfaatdor vazirlik va idoralar, shuningdek, mahalliy davlat hokimiyati organlari bilan hamkorlikni yanada kengaytirish;

kadrlarni tanlash va joy-joyiga qo'yish, soliq organlarini yuqori ma'naviy-axloqiy sifatlarga ega malakali xodimlar bilan to'ldirish bo'yicha tizimli ishlarni amalga oshirish, shuningdek, xodimlar o'rtasida huquqbuzarliklar profilaktikasini ta'minlash va ular uchun xizmatni o'tashning munosib shart-sharoitlarini yaratish.

Soliq organlari va halol soliq to'lovchilar o'rtasida ularga joriy soliq solish masalalarini hal qilishda har tomonlama ko'maklashgan holda kengaytirilgan axborot almashinuvini nazarda tutuvchi soliq nazoratining zamonaviy shakli – soliq monitoringi joriy etildi.

Vaqtinchalik moliyaviy qiyinchiliklarga to'qnash kelgan halol soliq to'lovchilar – xo'jalik yurituvchi subyektlarga soliq ta'tillari berish tarzidagi davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning yangi shakli nazarda tutildi.

Shuningdek, soliq to'lovchi tomonidan ortiqcha to'langan soliqlar va to'lovlarni qaytarish yoki hisobga olish muddati ikki baravarga qisqartirildi.

Soliq nazoratining to'g'ridan to'g'ri muloqotsiz shakllari samaradorligini oshirish maqsadida kameral tekshiruv natijalari bo'yicha aniqlangan tafovutlar yuzasidan soliq to'lovchilar tomonidan asoslar taqdim etilmagan taqdirda soliq auditi tayinlash joriy etildi.

Bundan tashqari, xo'jalik yurituvchi subyektlar o'rtasida "sog'lom raqobat"ni ta'minlash va "xufiyona biznes" yuritishga barham berish maqsadida soliq organlariga hisob-kitoblar haqidagi ma'lumotlarning onlayn rejimida berilishini ta'minlaydigan nazorat-kassa mashinalarini qo'llash orqali naqd pul tushumi ustidan avtomatlashtirilgan nazorat tizimi joriy etildi.

Shu bilan bir qatorda, real ish o'rinlarini legallashtirish uchun davlat soliq xizmati organlariga xo'jalik yurituvchi subyektlar xodimlarining hisobotdagi va haqiqiy soni muvofiqligi ustidan tizimli monitoringni amalga oshirish vazifalari yuklatildi.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "Soliq ma'muriyatchiligini tubdan takomillashtirish, soliqlar va to'lovlarning yig'iluvchanligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni bilan O'zbekiston Hisob palatasi tuzilmasida O'zbekiston Davlat byudjetiga tushumlarning to'liqligini nazorat qilish inspeksiyasi tashkil etilib, uning faoliyati byudjet daromadlarini ko'paytirish zaxiralarini aniqlash va ularning safarbar etilishini ta'minlash, soliq va bojxona to'lovlarning yig'iluvchanlik darajasini tizimli tahlil qilish, Davlat byudjeti daromadlarining prognoz ko'rsatkichlarining xolisligi va asosligini baholash, soliq solish obyektlari va soliq solinadigan bazani to'liq qamrab olish ustidan nazoratni amalga oshirishga yo'naltirilgan.

Soliq organlari faoliyatiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari joriy etilishini muvofiqlashtirish va soliq to'lovchilarga interaktiv davlat xizmatlari taqdim etish amaliyotini kengaytirish uchun mas'ul bo'lgan O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi raisining o'rinbosari lavozimi joriy etilmoqda.

Bundan tashqari, Farmon bilan 37 ta banddan iborat Davlat soliq xizmati organlari faoliyati va soliq ma'muriyatchiligining samaradorligini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar dasturi tasdiqlangan.

Nazarda tutilgan tadbirlarni o'z vaqtida va samarali amalga oshirish maqsadida soliq qonunchiligi va soliq ma'muriyatchiligini yanada takomillashtirish bo'yicha ishchi komissiya tashkil etildi. Ushbu komissiyaga, shu jumladan, quyidagilarni nazarda tutuvchi normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarini ishlab chiqish vazifalari yuklatildi:

soliq ma'muriyatchiligi va nazoratini tashkil etish tartibi va metodologiyasini tubdan takomillashtirish;

soliq yukini yanada kamaytirish, bir xil soliq solish obyektlariga ega bo'lgan soliqlar va yig'implarni birlashtirish;

solliq solishning soddalashtirilgan tartibini qo'llash uchun qo'shimcha mezon (oborotning chegaraviy miqdori) joriy etishni va ushbu miqdor oshgan korxonaga, kichik tadbirkorlik subyekti maqomini saqlab qolgan holda, qo'shimcha solliq majburiyatlarini belgilash;

ayrim yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun qat'iy belgilangan solliq stavkalarini optimallashtirish;

halol, shu jumladan, ish o'rinlari va mehnatga haq to'lash fondini legallashtiradigan solliq to'lovchilarni rag'batlantirish choralarini joriy etish.

Yuqorida ta'kidlab o'tilganlarni amalga oshirilishi solliq ma'muriyatchiligini tubdan takomillashtirishga xizmat qiladi, uning shaffofligini ta'minlaydi, bu esa, shubhasiz, mamlakat iqtisodiyotining barqaror rivojlanishida o'z aksini topadi.

Solliq munosabatlarini tartibga solishda solliq ma'murchiligi tizimining o'rni va ahamiyatini aniqlashda quyidagi holatlarga e'tibor berish lozim:

- a) solliq ma'murchiligi solliq munosabatlarini boshqarish tizimidir;
- b) solliq ma'murchiligi davlat solliq siyosatini amalga oshirilishini ta'minlaydi va shunga xizmat qiladi;
- d) solliq ma'murchiligi solliq organlari faoliyatini muvofiqlashtirib turadi;
- e) solliq ma'murchiligi solliq huquqining qoidalariga asoslanadi, ularni o'ziga xos tarzda to'ldiradi, uni nazariy va amaliy nuqtayi nazardan solliq mexanizmining o'ziga xos sterjeni sifatida talqin etish mumkin;
- f) solliq munosabatlari solliq ma'murchiligi predmetini tashkil etadi;
- g) solliq ma'murchiligi mohiyati, konkret holda, u tomonidan bajarilishi mumkin bo'lgan funksiyalar orqali namoyon bo'ladi.

Solliq ma'murchiligining mohiyatini aniqlashda solliq tizimi tuzilishi va solliq siyosatini tashkil etishning prinsiplari muhim rol o'ynaydi. Ushbu prinsiplarni uch guruhga bo'lish mumkin:

- 1) solliqqa tortish jarayonlarini ma'muriy boshqarishni o'zida aks ettiruvchi tashkiliy prinsiplar (umumiylik, tenglilik, o'zgaruvchanlik);
- 2) solliqlarning iqtisodiyotga ta'sirini o'zida ifodalaydigan iqtisodiy prinsiplar (samaradorlilik, tejamkorlilik, teng taqsimlanish);
- 3) solliq munosabatlarining qonun nuqtayi nazaridan aniqligini ko'rsatuvchi prinsiplar (birlilik-yagonalik, barqarorlik, aniqlilik).

Fikrimizcha, solliq ma'murchiligining mazmun-mohiyatini ifodalovchi ta'rifi ushbu jarayonda e'tiborga qaratilishi kerak bo'lgan barcha holatlarni hisobga olishi zarur.

Berdiyeva U., "Solliqlar va solliqqa tortish"
kafedrasi dosenti
Bakirova M., ST-60-4 guruh talabasi

SOLLIQ MA'MURIYATCHILIGI SAMARALI FAOLIYATINI TA'MINLASH

“El-yurt biz boshlagan halqchil islohotlarga bugun hayrixohlik va qat’iy ishonch bilan qarab, ularning hosili va samarasini tezroq ko’rishni istamoqda. Ana shu haqli talabni inobatga olgan holda, biz Yangi O’zbekiston Taraqqiyot strategiyasini ishlab chiqib, saylov jarayonida uni o’ziga xos umumxalq muhokamasidan o’tkazdik.”¹ O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyev “Oliy Majlis palatalari qo’shma majlisidagi” nutqida.

Taraqqiyot strategiyasida yurtimizda yashayotgan har bir fuqaroning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlari eng oliy qadriyat etib belgilangan va u milliy rivojlanishimizning yangi bosqichini boshlab beradi. Bunga yaqqol misol tariqasida Taraqqiyot strategiyasining “inson-jamiyat-davlat” degan yangi tamoyil asosida ishlab chiqilganligini ko’rishimiz mumkin. Barchamizga ma’lumki, bugun xalqimiz hayotida ulkan sifat o’zgarishlari yuz bermoqda. Jumladan, tashabbusi 2022-2026-yillarga mo’ljallangan “Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 28.01.2022 yildagi Farmonining qabul qilinishi mamlakatimizda tub demokratik islohotlar, transformatsion o’zgarishlar davrini boshlab berdi. Taraqqiyot strategiyasi doirasida amalga oshirilayotgan ishlar barcha sohalarni qamrab oldi. Eng asosiysi, mamlakatimizda insonning huquq va erkinliklarini, sha’nini, qadr-qimmatini, manfaatlarini, davlat organlarining jamiyat oldida hisobdorligini ta’minlash islohotlarning bosh maqsadi etib belgilandi. Ushbu Davlat dasturi quyidagilarni muhim vazifa sifatida belgilab oldi:

Inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish; Mamlakatimizda adolat va qonun ustuvorligi tamoyillarini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish;

Milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o’sish sur’atlarini ta’minlash;

Adolatli ijtimoiy siyosat yuritish, inson kapitalini rivojlantirish;

Ma’naviy taraqqiyotni ta’minlash va sohani yangi bosqichga olib chiqish

Milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda umumbashariy muammolarga yondashish;

Mamlakatimiz xavfsizligi va mudofaa salohiyatini kuchaytirish, ochiq, pragmatik va faol tashqi siyosat olib borish.

Milliy iqtisodiyotni isloh qilish va jadal rivojlantirish borasida tashqi savdo, soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo’llab-quvvatlash va xususiy mulk daxlsizligini kafolatlash, qishloq xo’jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashni tashkil etish hamda hududlarni jadal rivojlantirishni ta’minlash bo’yicha muhim vazifalar belgilab olindi.

¹ <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatiy-davom-ettiramiz>, Yangi saylangan O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning lavozimga kirishish tantanali marosimiga bag’ishlangan Oliy Majlis palatalari qo’shma majlisidagi nutqi.

Fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag'allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o'rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta'lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta'minlash sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarildi.

Bugungi kunga kelib yurtimizda soliqlar va soliqqa tortish jarayonlari mukammal tarzda tashkil etilgan va boshqarilmoqda. Demak, yuzaga kelgan muammolarni yechish va ularning yechimiga doir zaruriy xulosa va takliflarni ishlab chiqish va ularni amaliyotga tatbiq etish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasida soliq ma'muriyatchiligi samarali faoliyatini ta'minlash mamlakat iqtisodiy jarayonlarining eng muhim yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Taraqqiyot strategiyasida milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash bo'yicha muhim vazifalarni amalga oshirish maqsad qilib olindi. Eng avvalo, iqtisodiyotdagi eng muhim jihatlardan biri bo'lgan yillik inflatsiya darajasini 2022-yilda 9 foizgacha va 2023-yilda 5 foiz hamda fiskal taqchillikni 3 foizgacha pasaytirish choralari ko'rib, keyinchalik inflatsiya va Davlat budjeti taqchilligi ushbu ko'rsatkichdan oshmasligini ta'minlash hamda davlat ulushiga ega tijorat banklarida transformatsiya jarayonlarini yakunlab, 2026-yil yakuniga qadar bank aktivlarida xususiy sektor ulushini 60 foizgacha chiqarish dolzarb etib belgilandi.

Shuningdek, iqtisodiyot tarmoqlarida barqaror yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash orqali kelgusi besh yilda aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot — 1,6 baravar oshadi. 2030 yilga borib esa aholi jon boshiga to'g'ri keladigan daromadni 4000 AQSh dollariga yetkazish hamda «daromadi o'rtachadan yuqori bo'lgan davlatlar» qatoriga kirish uchun zamin yaratish rejalashtirilgan.

Bundan tashqari, har bir tuman budjetining kamida 5% «Fuqarolar budjeti» dasturi doirasida aholining takliflari asosida aniqlangan eng dolzarb muammolarni hal etishga yo'naltiriladi. Tashqi qarz darajasi yiliga 4,5 mlrd dollardan oshmasligini ta'minlash maqsad qilingan. YAIMda sanoat ulushini oshirib, sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmini 1,4 baravarga ko'paytirish rejalashtirilmoqda. Buning uchun mashinasozlik, kimyo, neft-gaz, energetika, kon-metallurgiya sanoati, transport sohalaridagi 23 ta yirik korxonalar mustaqil ravishda ichki va tashqi moliya bozorlariga chiqishi, xalqaro kredit reytingini qo'lga kiritish orqali investitsiya loyihalariga mablag' jalb etishi kerak. Shuningdek, energiya resurslari va tabiiy gaz bozorlarini ijtimoiy himoya kafolatlarini belgilagan holda liberallashtirish, sohaga xususiy investitsiyalarni keng jalb etish, aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini himoya qilish uchun ijtimoiy iste'mol standartlarini kiritish hamda qisodiyot tarmoqlari va aholiga neft-gaz mahsulotlari uzluksiz yetkazib berilishini ta'minlash rejalashtirilgan.

Eng muhim yo'nalishlaridan yana biri dastur iqtisodiyotni elektr energiyasi bilan uzluksiz ta'minlash, «Yashil iqtisodiyot» texnologiyalarini barcha

sohalarga faol joriy etish, iqtisodiyotning energiya samaradorligini 20%ga oshirishni nazarda tutadi.

Shuningdek, iqtisodiyot tarmoqlarining havoga chiqaradigan zararli gazlar hajmini bir birlik Yalpi ichki mahsulot hisobida 10%ga qisqartirish rejalashtirilmoqda.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosiy «drayver» sifatida belgilanib, uning hajmini kamida 2,5 baravar oshirishni ta'minlash ko'zda tutilgan. 2026 yil yakuniga qadar iqtisodiyotning real sektori, moliya va bank sohalarida ishlab chiqarish va operatsion jarayonlarni raqamlashtirish darajasini 70%ga yetkazish ko'zda tutilgan. asturiy mahsulotlar industriyasi hajmini 5 baravarga, ularning eksportini esa 10 baravar oshirish va 500 million AQSh dollariga yetkazish rejalashtirilgan.

Dasturga muvofiq, iqtisodiyot barqarorligini ta'minlash doirasida 2023 yildan qo'shilgan qiymat solig'i 12 foizgacha va bank, moliya va telekommunikatsiya kabi tadbirkorlik uchun foyda solig'i 15 foizgacha tushiriladi hamda 2025 yil 1 iyuldan tadbirkorlikka oid barcha majburiy talablar yagona elektron reyestri ishga tushiriladi, 2022 yil 1 aprelgacha litsenziya va boshqa ruxsat etuvchi hujjatlarni olish soddalashtiriladi. Jumladan, muayyan faoliyat bilan ko'chma tartibda, avtotransport orqali shug'ullanish imkoniyati yaratiladi. Hamda 25 dan ortiq faoliyat turi bo'yicha monopoliyalar (suyultirilgan gaz yetkazuvchi, neft mahsulotlarini saqlash va boshqalar) tugatiladi.

Xulosa qilib aytganda, jahon miqyosidagi murakkab jarayonlarni va mamlakatimiz bosib o'tgan taraqqiyot natijalarini chuqur tahlil qilgan holda keyingi yillarda Taraqqiyot strategiyasi Davlat dasturi doirasida belgilangan vazifalarni amalga oshirish va natijalariga imkon qadar tez muddatda ega bo'lish bugungi kunning eng muhim masalaridan biri hisoblanadi.

Yangi iqtisodiy jarayonlarga o'tish davrida soliq siyosati va soliq tizimi yo'nalishida jadal o'zgarishlar olib borilmoqda. Olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirish maqsadida olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirish maqsadida qabul qilingan Taraqqiyot Strategiyasi Davlat dasturi mamlakatimiz iqtisodiyotini yanada takomillashtirishning muhim omili bo'lib xizmat qiladi.

3-СЕКЦИЯ

СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Джамалов Х.Н. - к.э.н., доц. кафедры
«Налоги и налогообложение» ТФИ,
Абдуллаев А.Б.- доц. кафедры «Бухгалтерский
учет, экономический анализ и аудит», PhD.*

ДИАЛЕКТИКА РАЗВИТИЯ НАЛОГОВОГО УЧЕТА В ПРАКТИКЕ СОВРЕМЕННОГО БИЗНЕСА

Аннотация: *В тезисе излагается позиция авторов по вопросам концептуального обоснования направлений развития методики управленческого учета налоговых расходов в коммерческой организации в современных условиях, обеспечивающих предоставление внутренним пользователям полной информации о налоговой нагрузке для принятия эффективных управленческих решений.*

Ключевые слова: *налоговый учет, управленческий учет, налоговые расходы коммерческих организаций, налоговая нагрузка предприятия, эффективные управленческие решения.*

Аннотация: *Тезисда замонавий шароитда тиждорат ташкилотида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун солиқ харажатлари бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишларини концептуал асослаш, ички фойдаланувчиларга солиқ юки тўғрисида тўлиқ маълумот беришни таъминлаш масалалари бўйича муаллифнинг позицияси баён этилган.*

Калит сўзлар: *солиқ ҳисоби, бошқарув ҳисоби, тиждорат ташкилотларининг солиқ харажатлари, корхона солиқ юки, самарали бошқарув қарорлари.*

Annotation. *The thesis outlines the position of the authors on the issues of conceptual justification of the directions for the development of the method of management accounting for tax expenses in a commercial organization in modern conditions, providing internal users with complete information about the tax burden for making effective management decisions.*

Keywords: *tax accounting, management accounting, tax expenses of commercial organizations, tax burden of an enterprise, effective management decisions.*

Современные тенденции экономического развития в мировой практике характеризуются развитием инновационных технологий, в том числе в сфере управления, что обусловлено увеличением рисков

деятельности коммерческих организаций.

Современный этап развития экономики выявил назревшие проблемы налогового законодательства, вследствие чего стала явной незащищенность не только малого бизнеса, но и градообразующих организаций, проявилась их уязвимость перед экономическими рисками при исполнении налоговых обязательств. Существенность налоговой нагрузки для субъектов экономики подтверждается значительными затратами на уплату законодательно установленных налогов. Стремление каждой организации удержать определенную долю рынка в экономике расширило потребности современных менеджеров в более надежных приемах управления, в том числе приемах прогнозирования налоговой нагрузки. Не последнюю роль в этом направлении играет ресурс управленческого учета: именно вопросы теории и методологии применения приемов учета в системе управления для оптимизации налоговой нагрузки привлекают к себе внимание как практиков, так и ученых.

Несмотря на это, налоговые издержки практически не являются объектом исследования в рамках управленческого учета, результаты которого можно было бы использовать для оптимизации налоговых обязательств. Объяснить это можно лишь тем, что налоговые издержки находятся за пределами себестоимости и в меньшей степени подлежат изменению, поскольку причиной их изменения может стать лишь законодательная база. Это свидетельствует о наличии проблемы, которая заключается в недостаточной степени разработанности методологии управленческого учета в отношении налоговой нагрузки, ее методического и практического инструментария:

1. Современное функционирование учетного обеспечения экономических субъектов в отношении налоговой нагрузки базируется на приемах и способах ведения налогового учета, в большей степени ограниченного нормами Налогового кодекса Республики Узбекистан и не предполагающего детализацию налоговых издержек по аналитическим учетно-управленческим признакам. Это приводит к необходимости исследовать эволюцию концептуальных основ налогового учета и выделить ключевые учетные приемы, влияющие на оптимизацию налоговых обязательств, что позволит предложить модель организации учета налоговых приоритетов, позволяющую предприятиям управлять своей налоговой нагрузкой и оптимизировать ее уровень.

2. Недостаток в системе бухгалтерского учета прямой взаимосвязи налоговой нагрузки экономических субъектов с объектами управленческого учета приводит к отсутствию возможности анализировать уровень и оптимизировать объем налоговых издержек. В связи с этим выявление и обоснование принципов избрания в управленческом учете объектов ответственности за возникающие налоговые издержки

предоставит возможность расширить информативность управленческого учета в отношении указанных издержек и установить взаимосвязь между конкретными налогами и центрами ответственности за формирование налогооблагаемой базы.

3. Формализованный подход к определению налогооблагаемой базы в системе бухгалтерского учета не дает возможности на этапе управленческого учета распределить налоговую нагрузку между центрами затрат и ответственности и на основе этого выявить резерв оптимизации налоговой нагрузки в целом по организации. Это предопределило необходимость выделения на этапе учета функциональной ответственности менеджеров организации за показатели, влияющие на объем налоговых платежей. При условии их трансляции в бюджетную модель появится возможность ранжировать учетные объекты по доле их участия в совокупной прибыли, что в совокупности позволит определить в учете реальный вклад каждого объекта в оптимизацию налоговых обязательств.

4. Исследование приемов управленческого учета в отношении налоговой нагрузки организации не могло не повлиять на поиск новых форм оценки результатов учета налоговых расходов с целью их применения в анализе налоговой издержкостности. При исследовании методических подходов к проведению оценки налоговой нагрузки целесообразно применение комплексной оценки налоговых расходов во взаимосвязи с налогозависимыми центрами затрат и ответственности, инициирующих появление налоговых обязательств, что в совокупности расширяет познавательную ценность анализа различных видов рентабельности.

5. В современной институциональной теории учета прием стандартизации широко признан в качестве основополагающего принципа управления субъектами экономики, однако он недостаточно реализован на этапе стандартизации управленческого учета налоговых расходов. Развитие налогового учета для целей управления требует создания специального внутрифирменного регламента, позволяющего организовать учет налоговых расходов как системно-ориентированную модель учета, дающего уверенность в обеспечении контроля всех отклонений от действующего регламента. Это определяет необходимость разработки принципов построения интегрированной внутренней налоговой отчетности на основе учетной модели, что наглядно позволит отразить результат налогового учета и использовать его в рамках управленческого анализа налоговой нагрузки.

Многогранный интерес к концепции разделения бухгалтерского и налогового учетов в мировой практике подтвердил возможность такого разделения преимущественно в тех странах, где ведущую роль в инвестиционной деятельности играет биржевое регулирование.

На современном этапе развития мировой экономики можно констатировать конфликт интересов субъектов бизнеса и государства в области налогообложения в силу различных целей тех и других, который привел к необходимости введения дополнительных учетных процедур, обеспечивающих объективность налоговой нагрузки организации.

Предложения и рекомендации.

Внутренние особенности взаимоотношения бюджетной сферы и коммерческих организаций в отношении налоговых обязательств приводят к необходимости перехода экономических субъектов к инновационной учетной модели в отношении налоговых издержек организации.

Путем решения этой проблемы выступает выделение в управленческом учете ключевых учетных приемов: зон ответственности за принятие управленческих решений в отношении каждой группы активов и обязательств с выделением менеджеров, ответственных за каждую зону ответственности; формирование структуры налоговой нагрузки по видам налогов, являющихся существенными с точки зрения их налоговой издержкостности в составе совокупных издержек предприятия; организация взаимосвязи каждого вида налоговой нагрузки с соответствующей зоной ответственности, в рамках которой формируется база для возникновения налогового обязательства; организация системного учета распределения налоговой нагрузки между объектами управления в местах их возникновения; выработка единых требований к формированию управленческой отчетности, отражающей налоговую издержкостность во взаимосвязи с ответственными за налоговые расходы; формирование учетного налогового стандарта, регламентирующего разграничение налоговой нагрузки для внешних и внутренних пользователей в определенном формате отчетности.

В совокупности эти приемы позволяют выделить новую учетную категорию в рамках исследуемого направления, а именно – **налоговые учетные приоритеты**, которые усилят информативность управленческого учета в отношении ответственности за формирование налогооблагаемой базы. Налоговые приоритеты представлены как система приемов управленческого учета, способствующих выявлению ответственности за величину налоговых обязательств, учитывая которые организация оптимизирует налоговую нагрузку. Налоговые приоритеты являются основным приемом управления налоговыми затратами в воспроизводственной деятельности любой коммерческой организации.

Модель организации налоговых приоритетов как основного элемента управления налоговой издержкостностью включает в себя четыре направления: методическое обеспечение, организационные процедуры, мотивационная программа, создание программных средств.

В качестве методического обеспечения в работе представлена структуризация налогов как объектов управления, на основе чего

формируется стоимость активов и алгоритм расчета показателей, являющихся базой для налогообложения по каждому налогу. Последовательное избрание ответственных лиц, в компетенцию которых входит ответственность за каждую составляющую указанной налогооблагаемой базы, позволит учитывать налоговые издержки во взаимосвязи с ответственными за формирование учетной базы по каждому виду налогов. Организационные процедуры включают в себя организационные мероприятия на основе внутренних регламентов, создание справочников показателей для расчета и анализа налоговой нагрузки, организацию налогового бюджетирования. Мотивационная программа направлена на стимулирование персонала за оптимизацию налоговых расходов.

*Аманов А.М.
"Иқтисодиёт, бошқарув, солиқлар
ва сугурта" кафедраси доценти*

СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ ТУТГАН ҶРНИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар, хусусан солиқ тизими модернизацияси юзасидан кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг ижобий якуни аҳоли ижтимоий фаровонлигини ошириш мақсадида давлат солиқ сиёсати вазибаларини тўлиқ ва самарали ижросининг таъминланиши билан ҳам бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш йўллари тадқиқ қилиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектлар учун қулай, тушунарли ва пухта ишлаб чиқилган солиқ тизими беқиёс аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳозирги пайтда солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечишни, давлат тизмининг узлуксиз фаолият юритиши учун бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш, йирик инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётимизга киритмоқчи бўлаётган инвесторлар учун қулай солиқ тизimini яратиш, барча бизнес тоифалари учун солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ юкни камайтириш, шу асосда ишлаб чиқаришни, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ҳамда кичик корхоналар ҳам қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтишини рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.¹

¹ <http://uza.uz>

Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида солиқ тизимини ислоҳ қилишда юксак даражадаги ижобий силжишлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий ғоя тенглик, соддалик, аниқлик ва самарадорлик принципларига асосланган янги солиқ тизимини яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Солиқ ислохотларини амалиётга жорий этиш билан бир қаторда солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асоси ҳисобланадиган Солиқ кодексини ҳам такомиллаштириш, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаб чиқиш зарурати юзага келди. 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири тасдиқланди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси 71 та боб 483 та моддадан иборат бўлиб, солиқ қонунчилигига қуйидаги янгиликлар жорий этилди:

Биринчидан, солиқ органларининг устувор вазифалари сифатида солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик асосида иш юритиш принципи жорий қилинди. Яъни, солиқ органлари солиқ тўловчилар билан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тўғри бажариш мақсадида ҳамкорлик қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Иккинчидан, солиқлар ва йиғимларнинг сони ва турлари, шунингдек алоҳида солиқ режимлари оптималлаштирилди.

Хусусан 13 та солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар сони 9 тага туширилди.

Учинчидан, қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тизими тубдан ўзгартирилди, яъни солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ижро этган солиқ тўловчиларга 2020 йилнинг 1 июлидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳосил бўлган ортиқча суммани, яъни “манфий” қолдиқ суммасини тўлиқлигича қайтариш тартиби жорий этилди. Шу давргача аалда бўлган Солиқ кодексига асосан қўшилган қиймат солиғи фақатгина “манфий” қолдиғи мавжуд экспортёрларга қайтариб келинган.

Мисол учун, 2019 йилнинг 10 ойида маҳсулотини экспорт қилувчиларга 1,3 трлн.сўм маблағ давлат бюджетидан қайтариб берилган. Аммо, бошқа корхоналар томонидан жорий йилнинг шу даврида 1,6 трлн.сўм миқдорида қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий қолдиқ суммаси мавжуд бўла туриб, қайтариб берилмаган.

ҚҚС бўйича яна бир муҳим янгилик-асосий воситалар ҳамда кўчмас мулк объектлари харид қилинганда ёки янгидан барпо этилганда қўшилган қиймат солиғини бир йўла ҳисобга олинишини назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Тўртинчидан, солиқ қарздорлиги дебиторларидан ундириб олинар эди. Ушбу тартибни бекор қилиниши солиқ қарзини учинчи шахс ҳисобидан ундирилишига чек қўйилиб улар томонидан ўзларининг маблағларини мустақил равишда тасарруф этиш имконини беради.

Бешинчидан, янги тахрирдаги Солиқ кодексида коллегиял органлар иштирокисиз солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишнинг янги тартиби жорий қилинди.

Бунда депутатларга берилган ваколатларни янада оширган ҳолда, маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар бўйича қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тақдим этилиши белгилаб олинди.

Солиқ тўловчиларни ортиқча сарсонгарчилигини олдини олиш мақсадида республика бюджетига тушадиган солиқлар бўйича солиқ қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш юзасидан аризани ўзлари ҳисобда турган ҳудуддаги солиқ органлари орқали Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилади.

Солиқ маъмурчилигининг изчиллигини таъминлаш мақсадида фойда солиғининг бўнак тўловлари бўйича маълумотнома бекор қилинди. Мазкур чора солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигини ижро қилишга харажатларини камайтириш имконини беради ва Жаҳон банкининг ҳар йиллик “Бизнесни юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналари учун ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойда бўйича "ноль" фоиз миқдоридан ставка жорий қилинди. Мазкур солиқ ставкасининг қўлланилиши учун қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари реализация қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 90 фоиздан ортиқни ташкил этиши керак.

Солиқ сиёсатида бўлаётган ўзгартиришлар натижасида, яъни тадбиркорлик субъектларининг солиқ юқини камайтирилиши натижасида давлат бюджети даромадларини шаклланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Солиқ маъмуриятчилиги борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар солиқларни юқори даражада белгилаб эмас, балки қонуний фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари сонини оширган ҳолда солиқ базасини кенгайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

Умуман олганда, солиқ маъмуриятчилиги янада самарали ишлаши учун давлат солиқ хизмати органлари ҳамда маҳаллий ҳокимлик органлари билан ҳамкорликда қуйидаги тадбирларни доимий равишда амалга ошириб боришлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- аҳоли меҳнатини муҳофаза қилиш, уларнинг эртанги куни, яъни давлат томонидан кафолатланган пенсия тўловлари билан таъминланиши учун хусусий секторда норасмий ёлланиб ишлаётган фуқароларни легаллаштириш;

- тадбиркорлик субъектларига янада кўпроқ эркинликлар бериш ҳамда уларни ривожлантириш ҳисобига бюджет даромадларида солиқ тушумларини салмоғини ошириш.

*С.Э. Ширинов, к.э.н, проф
Ташкентский финансовый институт.*

НАЛОГОВЫЙ ПОТЕНЦИАЛ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА И ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ИХ ФОРМИРОВАНИЕ

Налоговый потенциал –максимально возможная сумма начисленных в соответствии с действующим налоговым законодательством налоговых доходов государственного бюджета, индикатор, который отражает налоговые возможности регионов Узбекистана.

Формирование налогового потенциала региона Узбекистана является многофакторным процессом. Так, как на налоговый потенциал оказывают множество факторов.

Факторы, которые оказывают влияние на налоговый потенциал региона, следует разделить на: постоянные и переменные; первичные и вторичные; внешние и внутренние. Следует отметить, что налоговый потенциал регионов Узбекистана реализуется лишь, когда задействованы все факторы.

К внешним факторам следует отнести: действующие законодательства Узбекистана, государственное устройство страны, макроэкономические прогнозы, политические, природно-климатические, географические и др.

Форма государственного устройства страны. Формирование налоговых доходов государственного бюджета - это налоговые доходы регионов страны и напрямую зависит от того, как устроена система государства.

Под воздействием инфляции налоговые поступления всех регионов Узбекистана, соответственно, налоговый потенциал регионов увеличивается.

Природно-климатические факторы определяют условия для осуществления предпринимательства и поэтому не могут влиять на увеличение налогового потенциала региона.

Географический фактор определяет перспективы экономического развития региона. Он оказывает влияние на размер ресурсной обеспеченности регионов.

Под воздействием действующих законодательств Узбекистана налоговый потенциал региона может уменьшаться и увеличиваться, а само влияние носить как прямой, так и косвенный характер. При этом надо отметить, что налоговое законодательство Республики Узбекистан устанавливает налоговую базу и объект налогообложения и налоговую

ставку. Налоговая ставка, налоговая база и объект налогообложения оказывают влияние на объем налогового потенциала. Особенно налоговые ставки и налоговые льготы оказывают существенные влияния на формирование налогового потенциала региона Узбекистана.

Институты власти, характер политического строя, количество политических партий и другие относятся к политическим факторам. Эффективность налоговой политики страны зависит от четкого и конструктивного взаимодействия между уровнями власти. Следует отметить что, политический фактор реализуется через отношения между бюджетами различных уровней, а также межбюджетных отношениях.

К макроэкономическим факторам можно отнести объем прямых иностранных инвестиций, потоков краткосрочного капитала, перемещение трудовых ресурсов и населения, а также международный обмен технологиями, состояние глобальной экономики, внешнеэкономическая деятельность страны, прогнозы социального экономического развития Узбекистана.

Внутренние факторы формирования и реализации налогового потенциала, как правило, подвержены влиянию региона. Воздействуя на них, можно добиться уменьшения или увеличения налогового потенциала. Особенностью этих факторов является то, что органы власти могут корректировать их влияние на экономику региона.

Региональные законодательные, социально-демографический, ресурсно-сырьевой, инфраструктурный, «теневая экономика», инновационный, экологический, инвестиционный, культурный, налоговое администрирование рассматриваются как внутренние факторы налогового потенциала страны.

К региональным законодательным факторам относятся следующие:

- ✓ введение налогов;
- ✓ изменение (увеличение) ставок налогов;
- ✓ введение налоговых льгот;
- ✓ финансовые санкции за нарушение налогового законодательства.

К социально-демографическим факторам можно отнести:

- ✓ обеспечивающих снижение смертности;
- ✓ мероприятия в области медицины, здравоохранения, социальной защиты населения, по созданию условий труда;
- ✓ меры, направленные на оптимизацию миграционных процессов.

Ресурсно-сырьевой фактор. Если регион богат природными ресурсами, то это является фактором, который повышает конкурентоспособность региона и является реальным источником экономического роста региона. Именно, ресурсно-сырьевой фактор определяет возможности развития экономики. Данный фактор еще оказывает влияние на объем затрат на транспортировку и переработку продукции.

Транспортно-географическое положение региона (инфраструктурный фактор) оказывают влияние на конкурентоспособность региона, развитие транспортной инфраструктуры, развитию железнодорожных и магистральных путей сообщения и авиалиний для развития материально-технической транспортной базы.

Теневой сектор экономики, как фактор «теневой» экономики, снижает потенциальные возможности налогообложения. Масштабы «теневой» экономики влияют на рост налогового потенциала и усложняют его прогнозирование и оценку, так как требуют дополнительной корректировки с учетом уровня теневой экономики. Расчет и определение оптимальных путей и методов борьбы с теневой экономикой позволяет увеличить налоговый потенциал регионов и страны в целом.

Инновационный фактор формирует налоговый потенциал региона, и включает научно-исследовательских работ и их финансирование. Инновационная деятельность способствует развитию экономики. С помощью внедрения инноваций создаются новые субъекты предпринимательства.

Инвестиционный фактор- это благоприятный инвестиционный климат, который связан с производственным потенциалом региона, уровнем отечественных и иностранных инвестиций. Он способствует поступлению разного рода (внутренних, внешних) инвестиций в экономику региона.

Эффективную систему налогового администрирования также можно отнести к факторам, влияющим на размер налогового потенциала Узбекистана. Потому что, основной задачей налогового администрирования является рост налоговых поступлений и повышение уровня собираемости налоговых платежей.

Налоговая культура также является одним из главных факторов повышения налогового потенциала Узбекистана. Низкий уровень налоговой культуры налогоплательщиков формируется из-за нежелания платить установленные законом налоги в силу общей низкой культуры, недоверия из-за огромной коррупции в органах власти и невыполнения норм и обязательств перед налогоплательщиками.

*Шодиев О.А.,
Тошкент молия институти
“Солиқлар ва солиққа тортиш”
кафедраси катта ўқитувчиси*

АКЦИЗ СОЛИҒИ АМАЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимизда солиққа тортиш тизими ва солиқ маъмурчилигини,

шу жумладан, акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш масалалари бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир. 1992 йилдан, республикада акциз солиғи илк бора жорий қилинганда бери, доимий равишда уни ундиришнинг мақсадлилиги, миқдори, товарларнинг импортида, шу жумладан, МДҲ давлатларидан ҳамда солиқни ҳисоблаш ва ундириш тартиби бўйича баҳсли мунозаралар олиб борилмоқда. Шу сабабли, республикада акциз солиғини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш ҳамда шу аснода баҳсли масалалар ечимини ишлаб чиқиш билвосита солиққа тортиш ва солиқ маъмурчилигининг назарий омиллари ҳамда жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш ва таҳлил этиш нуқтаи назаридан олиб қарагандагина мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, акциз солиғи турли иқтисодий ривожланиш босқичларида бўлган қатор давлатларда билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга акциз солиғи ҳозирги кунда жаҳон солиққа тортиш амалиётида мувафақиятли қўлланилмоқда. Акциз солиғининг қадим даврлардан ҳозирги кунга қадар бу даражада кенг тарқалишининг асосий сабаби, унинг фискалик аҳамияти ва йиғувчанлик даражасининг юқорилигидир. Бу ҳақда, ҳатто 1666 йилда француз иқтисодчиси Ф.Дэмэзон таъкидлаб ўтган эди: “акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир”.¹

“Акциз” термини, қатор тадқиқотчилар фикрича, голландча *exijs* (қадим французча *accise*) сўзидан келиб чиққан бўлиб, “солиқ солиш мақсадида баҳолаш” деган маънони англатади. Бундан ташқари қуйидагича мулоҳаза ҳам мавжуддир, яъни “акциз” сўзи лотинча *accidere* (кесиб олмоқ, кесмоқ) сўзидан олинган бўлиб, солиқ солиш мақсадида идишда мавжуд бўлган ичимлик миқдорини ўлчашда фойдаланиладиган махсус чўпдаги кертма белгини англатган.

Акциз солиғи оммавий турдаги истеъмол товарлари (хизматлари)га солинадиган эгри солиқ тури бўлиб, маҳсулот баҳоси (ёки хизматлар тарифи)га устама шаклда ўрнатилади ҳамда шу тариқа охириги истеъмолчи зиммасига юклатилади.

Акцизлар моҳиятан *индивидуал* ва *универсал* акцизларга бўлинади. Индивидуал акцизлар моҳиятан ва табиатан универсал акцизлар - қўшилган қиймат солиғи, оборот солиғи ҳамда сотувга солинадиган солиққа ўхшаш бўлиб, чекланган товарлар гуруҳига солиниши билан улардан фарқланади. Одатда акцизга тортиладиган товарлар, умумий характерга эга бўлиб, ушбу товарларга бўлган талаб даромад даражасига нисбатан паст эластикли(эгиловчан)дир.

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви даврида акциз солиғи биринчилардан бўлиб жорий этилади, чунки ушбу солиқни жорий этиш ва

¹ Малов В.Н., Кольбер Ж.Б. Абсолютистская бюрократия и французское общество. -М.: 1991. С.90

унинг тўланиши устидан назоратни амалга ошириш нисбатан осон кечади. Бундай маъмурий афзалликлар солиқ органларининг солиқни ундиришда бухгалтерия китобларига таянишлари ўрнига, балки маълум бир товарларнинг натурада ифодаланган физик ҳажми устидан назорат қила олиш имкониятларига эгалигидан келиб чиқади.

Тарихан, акциз солиғи истеъмолга эмас, балки ишлаб чиқаришга солинадиган солиқ ҳисобланган, яни ишлаб чиқариш жойининг ўзида ишлаб чиқарувчилардан ундирилган. Акциз солиғи маҳсулот бирлигига қатъий белгиланган суммада ёки товар қийматига нисбатан фоизда белгиланиши солиқнинг маъмурий афзаллигини янада тўлдиради. Бундан ташқари, акциз солиғи, айниқса маъмурий харажатлар бирлигига нисбатан ҳисоб-китоб қилинганда, агар акциз ости товарлари гуруҳи пухта ўйланиб, чекланган товарлар гуруҳини ўз ичига олса, юқори даромад келтириши мумкин.

Акциз солиғининг бошқа истеъмол солиқлари ва мажбурий тўловларидан асосий фарқи: *биринчидан*, уларнинг амал қилиш доирасининг ўзига хослиги - аниқ бир товар (хизмат) ёки товарлар (хизматлар) гуруҳи истеъмолига қўлланилиши, *иккинчидан*, эквивалентсиздир. Биринчи хусусият акциз солиғини кенг қамровли солиққа торттиш базасига эга бўлган истеъмол солиқлари - қўшилган қиймат солиғи ёки сотувга солинадиган солиқдан фарқласа, иккинчи хусусият - жамоатчилик товарлари ва хизматларидан фойдаланганлик учун тўланадиган турли тўловлар ва йиғимлардан ажратади.

Бажарадиган функцияларидан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини асосий уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: *биринчи гуруҳга*, анъанавий акциз солиғи (алкогол ичимликлари ва тамаки маҳсулотларига) киради. Мазкур гуруҳдаги акциз солиғини ундирилишидан асосан иккита мақсад кўзланади: ижтимоий зарар маҳсулотлар истеъмолини чеклаш ҳамда фискал, *иккинчи гуруҳга*, нефть ва нефть маҳсулотларига солинадиган акцизлар киради, *учинчи гуруҳ* ҳашам буюмларга солинадиган акциз солиғини ўз ичига олиб, одатда аниқ йўналтирилган фискал мақсадни кўзламайди. Бундай гуруҳдаги акциз солиғи аксарият ҳолларда қайта тақсимлаш функциясини бажаради, чунки мазкур буюмлар истеъмолчиси аҳолининг бой қатлами ҳисобланади. Бундан ташқари, қуйидаги бошқа мақсадларни ҳам айтиш жоиз, масалан капитал сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш маҳсулотларига айрим давлатларда ҳашам буюмлар сирасига мансуб товарлар (автомобиллар, қимматбаҳо электроника маҳсулотлари ва ҳ.к.)га акциз солиғини солиб, меҳнат сиғими юқори бўлган сохаларни рағбатлантириш, импорт товарларига солинадиган божхона божларига қўшимча равишда акциз солиғини жорий этиш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ёки ташқи савдо балансини яхшилаш мумкин.

Ўтиш даври иқтисодиёти оқилона йўлга қўйилган солиққа тортишнинг акцизли тизими орқали ижобий натижаларга эришиши мумкин, чунки акциз солиғи орқали ўтиш даврининг дастлабки босқичларида солиқли тушумларнинг сезиларли даражадаги салмоғини шакллантириш мумкин.

Акцизлар тизимини ташкил этиш нисбатан содда бўлиб, солиқ органлари хизматчиларининг бозор иқтисодиёти доирасида амалга ошириладиган битимли товарлар билан ишлаш борасидаги тажрибаларини оширади. Бундай тажриба қўшилган қиймат солиғи ва даромад солиғи билан ишлаш учун зарур бўлган аудит ва назоратнинг мураккаб усуллари асосини ташкил этишга ёрдам беради. Шу тариқа, акциз солиғи, *бир томондан*, иқтисодиёт ривожланаётган бир пайтда транзит давр қийинчиликларини енгиб ўтишда зарур бўладиган молиявий даромадларни таъминласа, *иккинчи томондан*, солиқ органларининг солиққа тортишнинг янги янада мукамал бўлган усулларига ўтишга ёрдам беради.

Хулоса қилиш мумкинки, зарар ҳисобланган ёки салбий оқибатларни юзага келтирувчи товарларга нисбатан акциз солиғининг қўлланилиши маълум бир ижобий томонларга ҳам эгадир. Солиққа тортиш маълум бир маънода хавfli салоҳиятга эга бўлган товарлар истеъмолига тўсқинлик қилиш, масалан, алкоғол ичимликлари ва тамаки маҳсулотларида ёки истеъмоли атроф муҳитни ифлослантирувчи бензин ёки ёқилғининг бошқа турларида. Бундай билвосита нафлилик солиқнинг қўшимча натижавийлигини юзага келтиради, бироқ кўпгина акцизлар одатда (шундай бўлиши ҳам керак) солиқли тушумларга эга бўлиш мақсадида жорий этилади.

*Худойкулов С.Т. –магистрант специальности «Налоги и
налогообложение» ТФИ,
Джамалов Х. Н. – доцент кафедры «налоги и налогообложение»
ТФИ, к.э.н.*

К НОВЫМ АСПЕКТАМ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ МОДИФИКАЦИИ НАЛОГОВЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ

В «Стратегии Развития Нового Узбекистана за 2022-2026 годы», утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 29 января 2022 года № УП-60, , отдельное внимание обращено на вопросы разработки стратегии повышения эффективности налоговых рычагов регулирования деятельности хозяйствующих субъектов в условиях трансформации рыночной среды.

Налоговый метод мобилизации доходов основывается на принудительном изъятии части доходов хозяйствующих субъектов и

населения, формы и методы которого находят отражение в праве. Ретроспективный анализ форм и методов принудительного изъятия налогов показал их эволюционную трансформацию от прямого открытого характера отчуждения (например, полюдье), к обязательности самостоятельной уплаты (в натуральной форме через откупы, в денежной через - банки), в том числе на основе декларации, и, наконец, к самоначислению. Самостоятельное исчисление и уплата экономическим агентом налоговых платежей не отменяет того факта, что уплата осуществляется тем не менее посредством отчуждения дохода налогоплательщика. Если не будет зафиксирован факт осуществления налогового платежа, то в силу императивности налогов действует вариант принудительного взыскания, в том числе через судебные решения.

Меры принуждения имеют не только правовую форму, но и экономическое основание. Важное значение имеет исследование вопроса о контрольной функции налогов как отражении их экономической сущности во взаимосвязи с налоговым контролем как видом субъективной деятельности государства.

Анализ различных позиций экономистов относительно наличия у налогов контрольной функции и содержания данной функции позволил автору сделать ряд выводов. Во-первых, контрольная функция имманентно присуща налогам. Во-вторых, контрольная функция появилась позже появления самих налогов (в отличие от фискальной функции). В-третьих, выдвинута научная гипотеза об эволюции содержательного наполнения контрольной функции налогов под воздействием развития информационных и цифровых технологий. В-четвертых, обоснована необходимость и целесообразность рассмотрения содержания контрольной функции налогов применительно к двум уровням: микроуровню и макроуровню.

В экономической литературе преобладает рассмотрение контрольной функции налогов на микроуровне, когда ее содержание интерпретируется как возможность для государства при помощи налогов отслеживать ход финансово-хозяйственной деятельности организаций и граждан. Следует отметить, что в рыночной экономике государство не вмешивается напрямую в финансово-хозяйственную деятельность отдельных хозяйствующих субъектов, в т.ч. в формирование потоков налоговых платежей этих субъектов. Однако установление государством общих правил формирования и предоставления статистической, аналитической и налоговой отчетности оказывает определенное воздействие на информационное отражение денежных потоков в целях последующего налогового контроля. На этой основе органы налогового контроля получают картину финансовой деятельности хозяйствующих субъектов как основы формирования налоговых платежей в бюджет.

Непосредственный же контроль за движением финансовых потоков происходит в рамках процедур налогового контроля.

Принципиально иной подход к раскрытию экономического содержания контрольной функции налогов прослеживается применительно к макроуровню. Налоговые поступления в этом случае выступают индикатором адекватности состояния существующей в стране налоговой системы потребностям государства в реализации возложенных на него обществом функций, а также индикатором необходимости корректировки векторов развития экономики в различных аспектах (по видам деятельности, отраслям, территориям и т.д.), совершенствования действующих норм налогового законодательства, а в ряде случаев - подготовки налоговой реформы.

Проведенное исследование содержания контрольной функции налогов, а также различных взглядов российских экономистов на налоговый контроль позволило обосновать вывод о налоговом контроле как форме практической реализации контрольной функции в субъективной деятельности государства. Можно выделить три аспекта налогового контроля, отражающие его комплексность и многогранность как субъективной деятельности органов исполнительной власти.

Развитие информационных технологий расширяет возможности налоговых органов иметь достоверную картину сформированных у хозяйствующих субъектов финансовых потоков, что создает основу для трансформации взаимоотношений налоговых органов и налогоплательщиков. Данная трансформация состоит в переходе от жесткого противостояния (в основе которого лежит конфликт интересов налогоплательщиков и налоговых органов) к формированию партнерских отношений.

Принуждение к неукоснительному соблюдению установленных государством общеобязательных норм налогового законодательства может достигаться мерами не только материального, но и организационного, морального и психологического воздействия, построенными на достижении неотвратимости обнаружения отклонений от требуемого поведения и действий по выполнению налоговых обязательств. Объективно присущая противоречивость экономических интересов налогоплательщиков и государства в лице налоговых органов, вытекающая из самой сущности налогов, предопределяет модели их поведения.

Можно выделить основные факторы выбора модели поведения:

- *конкретная ситуация*, в которой осуществляется деятельность субъектов налоговых отношений (нечеткость и неоднозначность трактовок прописанных норм, наличие противоречивости в формулировках отдельных статей, а также высокий динамизм налогового законодательства);

- *цель*, которую ставят перед собой субъекты налоговых отношений (например, налогоплательщики – минимизация/оптимизация налоговых платежей, а государство – обеспечение поступлений в бюджеты бюджетной системы);

- *критичная оценка* возможностей использования определенной модели поведения (в частности, профессионализм должностных лиц, информационная база и технологии обработки данных, оценка поведения других участников (как по горизонтали, так и по вертикали)).

Ретроспективный анализ позволил выделить основные модели поведения участников налоговых отношений и тренды их изменений. Для налогоплательщиков исходя из критерия уровня риска выделены две основные модели поведения: активная и пассивная. Модель активного поведения предполагает ориентацию на принятие относительно высокого уровня налоговых рисков, что реализуется через такие ее формы, как: регулируемых альтернатив; агрессивная; налоговая стратегия. Так, в случае агрессивной формы активной модели поведения не исключено и злоупотребление правом, в том числе через «провокационное» доведение налогоплательщиками на первом этапе мелких сделок до судебного разбирательства.

В модели пассивного поведения были выделены риск-нейтральная и дискретная формы. Для риск-нейтральной формы характерно строгое следование налогоплательщиком всем правилам исчисления и уплаты налогов, установленным действующим законодательством, а при неоднозначности толкования норм - принятие максимально нейтральных решений, в том числе ценой переплаты налоговых платежей. При дискретной форме ограничено применяются активные меры оптимизации налоговых платежей.

Выводы и предложения:

1. В рамках проведенного исследования в данной статье уточнены и теоретически обоснованы положения в части контрольной функции налогов, ее экономического содержания и связи с налоговым контролем, а также в части моделей поведения субъектов налоговых отношений, факторов их формирования, изменений и взаимозависимости. Выделены основные задачи и тренды налогового контроля, в том числе на основе предложенных принципов его развития в условиях расширения цифровизации экономических процессов.

2. Ретроспективный анализ изменений в камеральном и выездном налоговом контроле позволил показать наличие его связи с модификацией отношений между налогоплательщиками и налоговыми органами, в том числе как отражение углубленного проникновения аналитических информационных технологий и риск-ориентированного подхода в контрольной деятельности, а также предложить корректировку методических приемов проведения контрольных мер в контексте

реализации концепции партнерского взаимодействия участников налоговых отношений.

3. Сформулированный в данном тезисе комплекс практических рекомендаций позволит создать основу повышения качества контрольной деятельности налоговых органов при обеспечении комфортных условий предпринимательства.

*Собиров И.Х., СамДАҚИ
“Қиймат инжиниринги ва кўчмас мулк экспертизаси”
кафедраси доценти, и.ф.н..
Носиров М.Н., СамДАҚИ магистр II курс*

СОЛИҚ СОЛИШ МАҚСАДИДА КЎЧМАС МУЛКНИ БОЗОР ҚИЙМАТИДА БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада давлат бюджети даромадлари базасини кенгайтиришда кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамияти, кўчмас мулкка солиқ солиш мулкнинг ракобатбардошлигини ошириб, солиқ солиш базасини белгилашдаги муқим ўринга эга эканлиги ҳақидаги қарашлар таҳлилий асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сузлар: маҳаллий солиқ, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, шахсий карточка, солиқ элементлари.

Abstract: This article analyzes the economic consequences of expanding the revenue base of the state budget and the fact that property taxation plays an important role in increasing the competitiveness of property and creating a tax base.

Keywords: local tax, market value of property, real estate, cadastral value, personal card, tax items.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонида асосан маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш масалалари ёритиб берилган асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Унда қуйида келтирилган долзарб йуналишидаги масалаларни ҳал этиш белгилаб берилган.

- харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал- хомашё, саноат, кишлок хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

Ушбу вазифаларни амалга оширилиши натижасида тармоқлар ва

минтақаларни барқарор ривожланиши таъминланиб маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаи ошади.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси туғрисида» ПФ-5468-сонли Фармони имзолаб, унда солиқ соҳаси олдида турган бир қатор долзарб муаммоларни санаб ўтилди.

Ушбу фармонга асосан қуйидагилар Ўзбекистан Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йуналишларидан бири этиб белгиланди:

- солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга булган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операция харажатларни минималлаштириш белгилаб қўйилди.

Кўчмас мулкни тасарруф этиш ва ундан оқилона фойдаланиш кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамиятини белгилаб беради.

Маҳаллий бюджет даромадлари базасини ташкил этишда кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамияти юқори бўлиб, даромад манбаидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат Маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги бу соҳада тегишли чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда кенг қўллаш орқали ушбу масалага тизимли ёндашиш кераклигини тақозо этади.

Ҳозирги даврда солиқ сиёсатининг устувор йуналишлари сифатида бюджет даромадларини ошириш, солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, солиқларни унификация қилиш каралади.

Мол-мулк ва ер солиқлар давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этмасда бироқ давлат бюджетини шакллантиришда ўзининг ўрнига эга. Ер ва мол - мулкни солиққа тортиш тизими азалдан мавжуд бўлиб иқтисодий соҳа олимлари уни солиққа тортиш буйича турли хил қарашларини ифода этиб келганлар.

Ўзбек олимларидан Ниязметов Исламбек Машарипович ҳам бу борада фикр юритиб мол-мулк солиғи объекти таркибида фақат кўчмас мулк объектларини қолдириб, уни ер солиғи билан бирлаштириб юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил тартибда амал қиладиган кўчмас мулк солиғига босқичма-босқич ўтиш таклифини илгари сурган. Биз ҳам юқоридаги айтилган фикрга қўшилган ҳолда кўчмас мулк солиғини босқичма-босқич жорий этиш, юридик шахслар учун мол-мулк солиғини белгилашда ўртача йиллик қолдиқ қиймат, жисмоний шахслар учун

кадастр ёки (бозор) нархига якин нархда белгилаш тизимини ривожлантириш лозимлигини таъкидламоқчимиз.

Фикримизча кўчмас мулк солиғини жорий этиш негизида давлат ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ер ва мулк ресурсларидан

самарали фойдаланиш, аҳолининг мулкка бўлган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш даражаси ётади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ресурс ҳамда мулкни солиққа тортиш тизимини бозор иқтисодиёти талаблари асосида шакллантириш зарурдир. Давлатнинг солиқ сиёсатини тўғри белгилаши кўчмас мулкдан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Бугунги кунда кўчмас мулкка солиқ солиш дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатларига амал қилади. Баъзи мамлакатларга мулкка нисбатан солиқ мавжуд эмас. Жумладан Эстонияда кўчмас мулк солиқа тортилмайди. Словакия ва Швеция ҳам шулар қаторида. Хар бир давлатда мулк солиғининг ўзига хос тизим мавжуд. Жахон амалиётида кўчмас мулк учун солиқ ер ва унинг устида қурилган бино, яшаш ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мулжалланган иншоотлар учун ундирилади.

Баъзи мамлакатларда мол-мулк ва ер солиғи ўрнига икковини кўшган ҳолда кўчмас мулк солиғи жорий этилган. (АҚШ, Италия, Испания, Япония).

Кўчмас мулкни солиққа тортишдан мақсад

Солиқ тизимида кўчмас мулкни солиққа тортиш қўйидаги мақсадларни белгилайди:

Фискал - маҳаллий
бюджетга тушумлар
келиб тушади

Ижтимоий мақсади -
аҳоли катламлари
ўртасидаги фарқни
камайтиради

Сунги йилларда солиқ тизимини ислох қилиш мақсадида Жахон банки, Халқаро валюта фонди мутахассислари жалб қилиниб уларнинг тегишли таклифлар урганиб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда.

2018 йилнинг 1 январига қадар бино ва иншоотларнинг инвентар нархида белгилаш тизими амалиётда эди.

**1-жадвал Кўчмас мулкка нисбатан солиқ ҳисоблаш учун шартли
белгиланган қийматлар
(млн.сум.)**

Йиллар	Вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри учун	бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда	Изоҳ
2016	20,328	8,833	инвентар баҳоси мавжуд булмаганда шартли қиймат
2017	20,328	8,833	инвентар баҳоси мавжуд булмаганда шартли қиймат
2018	210,0	90,0	кадастр қиймати мавжуд булмаганда шартли қиймат
2019	210,0	90,0	кадастр қиймати мавжуд булмаганда шартли қиймат
2020	210,0	84,0	кадастр қиймати мавжуд булмаганда шартли қиймат

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ солиш мақсадида кўчмас мулк объектлари қийматини кадастр баҳоларида белгилаш тизими жорий қилинди. Бунинг натижасида бюджет тушумларида мулк солиғининг улуши сезиларли даражада ошди.

2020 йилда мол-мулкнинг шартли қиймати учун база қирк икки миллион сум қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасининг солиқ, сиёсатини такомиллаштириш концепцияси туғрисида»ги ПФ- 5468-сонли Фармонида кўрсатиб ўтилган еттинчи тизимли муаммо **«Маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг имкони мавжуд эмас»** лиги ҳисобланади.

Шунингдек солиқ хизмати органлари билан кадастр ташкилоти маълумотлар базасининг ўзаро тулиқ интеграциялашмаганлиги оқибатида солиқ туловчиларнинг маълумотларида номувофиклик юзага келмоқда. Кадастр дастурларида қуйидаги камчиликлар кўринмоқда:

- Кадастр рақами берилган объектнинг эгаси билан ҳақиқатдаги эгасининг бошқалиги. Кадастр рақами терилганда мулк эгаси бошқа шахс

бўлиб чиқади.

- Битта мулк эгасининг номига бир нечта кадастр рақамлари бириктирилган.

- Кадастр ташкилоти дастурга объект киритганда бу объект солиқ органи базасига маълумот киритилган куннинг ўзида кўринмайди. Солиқ органи дастурига кўриниши учун 1-3 кун ўтиши керак. Солиқ тўловчини кадастр ташкилоти кадастр базасига киритгач солиқ тўлашга келганда солиқ тўлаш имкони мавжуд эмас. Сабаби солиқ тўловчи солиқ органининг базасига кўринмайди. Солиқ тўловчи 3 кундан сўнг қайтиб келиши лозим.

Кадастр ташкилоти дастурининг тўғри шакллантирилмаганлиги солиқ ундиришда ноқулайликларни, солиқ тўловчилар сони ва базасини аниқлаш имконияти мураккаблаштиради. Фуқаролар солиқ тўлаш учун кўп вақт сарфламади. Бу халқаро солиқ тўлаш учун кетадиган вақт меъеридан жуда юқори.

2-жадвал

Кўчмас мулк солиғининг элементлари

№	Солиқ	Изоҳ
1	Солиқ тўловчилари	Кўчмас мулк эгалари ва ижарачилар
2	Солиқ объекти	Ер ва мулклар (ер устидаги бино, иншоот ва
3	Солиқ базаси	Бозор қиймати ёки баҳолаш органлари томонидан бозор яқинлаштирилган баҳоланган қиймат
4	Кўчмас мулк қийматини аниқлаш	Даромад усули, харажат усули, таққослаш усули
5	Кўчмас мулкни баҳоловчи органлар	Солиқ органлари, баҳолаш органлари
6	Солиқ ставкаси	Катъий ва фоизларда
7	Имтиёз	Ижтимоий катлам доирасидаги аҳолига берилади.
8	Солиқ тури	Махаллий

Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадики, солиққа тортиш мақсадида кўчмас мулкни қийматини бозор баҳоларида белгиланиши асосий солиқ базаси ҳисобланади.

Кўчмас мулкни кадастр ёки бозор нархига яқин қилиб белгиланиши мулкнинг рақобатбардошлигини ошириб, мулк эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Кўчмас мулк қийматини аниқлаш усуллари турли хиллиги иккала томоннинг ўзаро манфаатларига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонида асосан

«Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» деган тамойил асосида ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегияси ҳар бир соҳада улкан ислоҳотларни амалга ошириш билан бошланган бўлса, Тараққиёт стратегиясида эса мазкур ислоҳотлар узвийлиги таъминлангани ҳолда давом эттирилади, тўпланган катта тажриба ва имкониятлар асосида ислоҳотлар янада қатъийлик ва жадаллик билан такомиллаштирилиб борилади. Бунда натижадорлик коэффициенти ортиб, олиб бориладиган ислоҳотларнинг самарадорлиги ортади.

Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулкий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш борасида алоҳида мақсадлар белгилаб олинган.

Ҳозирги кунда жисмоний шахслар эгалигидаги мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобга олишда, белгиланган тартибда солиқлар ҳисобланишида, имтиёзлар куллашда ва бошқа бир катор солиқ элементларини ҳисобга олишда такрорланишлар ва ер солиғи ҳисоблашнинг мураккаблиги мавжудлиги солиқ туловчилар учун кийинчилик ва муаммоларни туғдирмоқда.

Жумладан:

- > Бир объект учун иккита шахсий карточка юритилади;
- > Бир объект учун иккита ҳисоб рақамга туловлар амалга оширилади;
- > Солиқ тўловчилар битта объект учун иккита ҳисоб рақамга тўловларни тўлашлари лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб кўчмас мулк солиғини жорий этиш.

Бунинг натижасида солиқни ҳисоблаб чиқариш механизми соддалашади, адолатлилик, шаффофлик принципи таъминланади. Солиқни ҳисобини юритиш, тўлаш жараёни соддалашиб унинг харажатлари камаяди.

2. Дастурий махсулотда ишлаш тезлиги ошади.

3. Жисмоний шахсларга тегишли булган 7 млн дан ортиқ шахсий карточка камаяди.

4. Жисмоний шахсларга тегишли булган мол-мулк ёки ер солиғидан қарздорлик мавжуд ортиқча тўловлар ҳисобидан камаяди.

5. Солиқни тўлаш механизми соддалашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президента Ш.М.Мирзиёевнинг 2018

йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасининг солиқ, сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тутрисида» ПФ-5468-сонли Фармони.

3. Кенэ, Ф. Физиократы. Избранные экономические произведения/ Ф. Кенэ, А.Р.Ж. Тюрго, П.С. Дюпон де Немур. [тарж. франц., англ., нем.] - М.: Эксмо, 2008. - 1200б.

3. Дрожжина И.А. Формировани систем налогообложени объектов недвижимости на основе дифференцированног подхода. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферата.-О.:2005.-б.12.

4. Михина Е.В. Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диис. автореферата.- М.:2005й.б.-6.

5. Ниязметов И.М. солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири тахдили. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс.-Т.:2008й.-б.99

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кумитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан мустақил ҳисоблаб чиқилган.

С.Боймуротов
Фискал институти “Мутахассислик”
кафедраси доценти
У.Боймуротов
Фискал институти мустақил тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА КУЧМАС МУЛКЛАРНИ СОЛИККА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Мақолада кўчмас мулкларни солиққа тортишининг халқаро тажрибаси тадқиқ қилинга ҳолда, Ўзбекистонда мол-мулкларни солиққа мтортиши тизимлари таҳлил қилинганган ва унда камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, уларни бартараф этиши, кўчмас мулклардан оқилона ва алдолатли солиқ ундириши юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар келтирилган.*

Аннотация: *В статье проанализирован международный опыт налогообложения недвижимого имущества, проанализирована система налогообложения имущества в Узбекистане, выявлены недостатки и даны соответствующие предложения и рекомендации по их устранению, разумному и справедливому сбору налогов на недвижимое имущество.*

Калит сўзлар: *мол-мулк солиғи, солиқ солиши объектлари, солиқни ҳисоблаш базаси, мол-мулкнинг кадастр қиймати, мол-мулкнинг бозор қиймати, ижара қиймати, иморат ва иниоотлар, солиқ имтиёзлари ва преференциялар, бозор иқтисодиёти, интерактив режим, ахборотлар базаси, ахборот ресурслари базаси.*

Ключевые слова: налог на имущество, объекты налогообложения, база расчета налога, кадастровая стоимость имущества, рыночная стоимость имущества, арендная стоимость, здания и сооружения, налоговые льготы и преференции, рыночная экономика, интерактивный режим, база данных, база информационных ресурсов.

Ривожланган мамлакатларида кўчмас мулкларни солиққа тортишда солиқ солиш объекти ва солиқни ҳисоблаш базасини белгиланиши таҳлил қилинганда ер, иморат ва иншоотлар кўчмас мулк объекти бўлиб, бунда ер майдонлари иморат иншоотлар билан бирга ҳисобга олиниб, лекин солиқни ҳисоблаш базасини аниқлашга келганда ҳар қайси мамлакатда алоҳида услублар белгиланган. Масалан Буюк Британия ва Францияда солиқ базаси ижара тўловининг қийматидан аниқланса, Голландия, Испания, Италия ва Россияда ерлар, бино ва иморатларнинг кадастр қиймати солиқ базаси ҳисобланади. Лотин Америка қўшма штатлари ва Канадада кўчмас мулкнинг бозор қиймати солиқ базаси ҳисобланса, Японияда кўчмас мулкнинг қиймати солиқ базаси ҳисобланади.

Шунингдек, кўчмас мулк солиғининг салмоғини оширишда ушбу кўчмас мулкларни баҳолаш даврийлиги ҳамда қайта баҳолашда баҳоловчи органларни белгилашга катта эътибор қаратилиб, Европадаги барча ривожланган давлатларда кўчмас мулкларни баҳолашда давлат бу ишларни ўзининг фискал ва муниципал органларлари томонидан амалга оширади. Япония, Америка қўшма штатлари ва Канадада эса кўчмас мулкларни баҳолаш ваколатига эга бўлган тижорат ташкилотлари томонидан баҳолаш тадбирлари амалга оширилади.

Мамлакатимиз солиқ тизимида юридик шахсларга тегишли мол-мулкларни солиққа тортиш масаласи жиддий муаммолигича қолмоқда. Буни қуйидаги таҳлилий маълумотлардан кузатиш мумкин.

Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш амалиётининг таҳлили

Йиллар	Солиқ тўловчи юридик шахслар			Юридик шахслар томонидан тўланган		
	Сони	Ўтган йилга нисбатан	Ўсиш курсаткичи %да	Солиқ тушуми	Ўтган йилга нисбати	Ўсиш курсаткичи %да
2017	4 325	-2 438	64,0	1 072,8	+157,0	117,1
2018	5 856	-586	90,9	2017,7	+945,0	188,0
2019	64 966	59 110	1109,5	1645,1	-372,6	-81,5
2020	58856	-6110	90,6	1527,1	-118,0	92,8

2021	69353	10497	118,0	1615,8	+88,7	105,8
------	-------	-------	-------	--------	-------	-------

Тахлиллар, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича ўтган беш йил давомида солиқ тўловчилар сони ва улар томонидан тўланган мол-мулк солиғи миқдорларида кескин нобарқарорлик бўлаётганлигини кўрсатади.

Солиқ қонунчилигида мол-мулк солиғининг базаси бинолар ва иморатлар (кўчмас мулк) – ўртача йиллик қолдиқ қийматига нисбатан аниқланиб, бунда “кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Лекин “солиқ тўловчи томонидан кўчмас мулкларнинг қолдиқ қиймати ҳамма вақт ҳам тўғри ва тўлиқ кўрсатадими” деган масала мол-мулк солиғини ҳисоблаш миқдорида кескин таъсир қилади. Чунки, солиқ тўловчи мол-мулк солиғини кам миқдорда тўлаш мақсадида уни ҳамма вақт ҳам тўғри ҳисоблаб солиқ базасини тўлиқ кўрсатмайди.

Жумладан, 2019 йил 1 январь ҳолатига жами солиқ тўловчи корхоналар сони 324,4 мингтани ташкил этган ҳолда, шундан 64,9 мингтаси мол-мулк солиғини тўловчи бўлган. Лекин, 2019 йилда 95,0 мингтадан ортиқ корхоналарнинг ўзларига тегишли мол-мулкларини турли мақсадлар учун (кредит олиш, сотиш, учинчи корхоналарнинг устав жамғармасига киритиш ва бошқалар учун) баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолатган. Ёки, тижорат банкларнинг маълумотлари бўйича “Таров реестри”га киритилган 2660 та корхонанинг кўчмас мол-мулклари бозор қийматида 4673,4 млрд.сўмга баҳоланган. Ушбу корхоналардан 1116 таси 2019 йил ҳисоботларида кўчмас мулклар қийматини 2494,9 млрд.сўм кўрсатилган бўлса, 897 таси 2019 йил январь ҳолатига мол-мулк солиғи ҳисоботларида мол-мулкни ноль кўрсатгич билан тақдим қилган. Ҳолбуки, баҳоланган қийматида ушбу мол-мулкларнинг солиқ базаси 1692,5 млрд.сўмни ташкил этади.

Шу сабабли, 2022 йилдан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар билан, кўчмас мулк объектларини ялпи баҳолаш йўли билан бозор қийматини аниқлаш тартиби жорий этилди. Унга мувофиқ, солиқ солиш мақсадида, 1 метр квадрат кўчмас мулк объекти учун минимал қиймат жорий этилди (Тошкент шаҳрида – 2,5 млн сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – 1,5 млн сўм, бошқа ҳудудларда – 1 млн сўм). Ўзгартиришларда, кўчмас мулк объектларининг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини жорий этишнинг ўтишда солиқ тўловчиларга кўчмас мулк объектларига мустақил баҳо бериш ҳуқуқи берили ва ушбу мол-мулкнинг натижавий (бозор) қиймати солиқни ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база ҳисобланиши белгиланди.

Мазкур тадбирнинг қўланилишига асосий сабаб, 2022 йил 1 январь ҳолатига малакатимизда 4,5 мингдан ортиқ юридик шахслар мол-мулкнинг баланс қиймати ноль қийматда бўлганлиги сабабли уларга мол-мулк солиғи ҳисобланмаслиги ҳамда 1,8 мингта юридик шахслар балансида бўлган мол-мулкларининг қиймати унинг бозор қийматидан 2 баравардан 100 бараваргача камайтирилган баҳода солиқ ҳисобланган. Демак, мол-мулкларни баланс ёки кадастр қийматидан келиб чиқиб солиққа тортишнинг амалдаги услуби объектнинг ҳақиқий қийматига мос келмайди ва бу ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан адолатсизлик ҳисобланади.

Лекин, деярли барча ривожланган мамлакатларда кўчмас мулкни солиққа тортиш унинг кадастр қиймати асосида амалга оширилиб, бозор маълумотлари ва кўчмас мулк бозорининг маълум бир санадаги ҳолатига қараб белгиланади. Бозор қиймати эса юқоридаги барча омилларни ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулкни тўлиқроқ баҳолаш имконини беради ва моҳиятан ҳар бир объектнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янада адолатли бўлади.

Мазкур тартибни қўллашнинг куйидаги афзалликлари мавжуд:

Биринчидан, бозор қийматидан келиб чиқиб, кўчмас мулкни солиққа тортиш тартибига ўтилади;

Иккинчидан, солиқ тўловчилар ўртасида солиқ юки қайта адолатли тақсимланади

учинчидан маҳаллий бюджет даромадлари ўсади.

Шу билан бирга Президентимизнинг “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони бўйича, мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк (бино, иншоот ва ер участкалари) объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш тизимига ўтиш имкониятлари кенгайди.

Ўз навбатида, юқоридаги ҳолатлар мамлакатимизда юридик шахсларнинг мол-мулкларини солиққа тортишда солиқ солиш объектлари ва солиқни ҳисоблаш базасини аниқлаш методологиясини қайта кўриб чиқишни ва бунда илғор халқаро тажриба ва мамлакатимизда ўтган йиллардан шаклланиб келаётган тажрибадае келиб чиқиб, малакатимизда кўчмас мулкларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

Давлат кадастрини баҳолашнинг ҳуқуқий институтларини яратиш;

кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларининг бозор қийматига максимал даражада яқин кадастр қийматини аниқлашнинг замонавий усул ва механизмларини жорий этиш;

солиқ тўловчиларга, кадастр органлари билан кўчмас мулк объектлари майдонларини таққослашни амалга оширишган ҳолда, 1 кв.

метр объектнинг қиймати белгиланган минимал қийматдан кам бўлган тақдирда, кўчмас мулк қийматини мустақил баҳолаш ҳуқуқларини бериш;
кадастр ҳисобини юритилишини тўлиқлигини таъминлаш;
юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган турар-жой кўчмас мулк фондига солиқ солишнинг ягона адолатли тизимини яратиш таклиф қилинади.

*Шодиев О.А., ТФИ,
Старший преподаватель кафедры
“Налоги и налогообложение”
Усмонов Н.М.
Магистрант, ТГЭУ*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРИМЕНЕНИЯ НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

В условиях углубления рыночных отношений и модернизации экономики значительно важную роль играет налоговая система республики узбекистан. а это в свою очередь тесно связано с необходимостью проведения целенаправленной налоговой политики. налоговая политика, являясь составной частью бюджетной политики страны, служит для формирования доходной базы бюджета и тесно взаимосвязано с глобальной экономической политикой государства.

Как известно к налоговой системе, как и иной другой системе, предъявляется ряд требований, которым она должна удовлетворять, они являются признаками, характеризующими ее оптимальность и эффективность её функционирования. к основным требованиям, характеризующим налоговую систему, можно отнести следующее: рациональность, оптимальность, минимизацию количества элементов, составляющих налоговую систему, справедливость, в том числе социальную справедливость распределения налогового бремени, простоту исчисления налогов, доступность и понятность налогообложения для налогоплательщиков, экономичность, эффективность и т.д.

Практически все современные налоговые системы используют сходные наборы различных налогов. новыми для нашей налоговой системы стали налог на добавленную стоимость (ндс), в значительной степени акцизы, земельный налог. уже с 1992 года наиболее сложный при внедрении налог на добавленную стоимость взял на себя основную нагрузку при формировании государственного бюджета, республики.

В настоящее время налог на добавленную стоимость - один из важнейших государственных налогов. основой его взимания, как следует из названия, является добавленная стоимость, создаваемая на всех стадиях производства и обращения товаров. это налог традиционно относят к

категории универсальных косвенных налогов, которые в виде своеобразных надбавок взимаются путем включения в цену товаров, перенося основную тяжесть налогообложения на конечных потребителей продукции, работ, услуг.

Изобретатель налога на добавленную стоимость - морис лоре (в 1954 году директор дирекции по налогам, сборам и НДС министерства экономики, финансов и промышленности Франции). Внешне для продавца НДС напоминает налог с оборота или налог с продаж: продавец добавляет его к стоимости продаваемых товаров, работ или услуг. Однако в отличие от оборотных налогов или налогов с продаж, если продавец также покупает облагаемые налогом товары или услуги он при расчёте общей суммы своих обязательств перед бюджетом имеет право вычесть из суммы налога, полученной от покупателя, сумму налога которую он уплатил своему поставщику за облагаемые налогом товары, работы или услуги. Таким образом, этот налог является косвенным, а его бремя ложится в итоге не на торговцев, а на конечных потребителей товаров и услуг.

Теоретически этот налог определяется как форма изъятия в бюджет части добавленной стоимости. Добавленная стоимость создается на всех стадиях производства и обращения и определяется в виде разницы между стоимостью реализованных товаров (работ, услуг) и стоимостью материальных затрат, относимых на издержки производства и обращения. В то же время методические положения относительно базы налогообложения НДС, которыми руководствуется практика, не совпадают с понятием «добавленная стоимость», что приводит к значительному расширению объекта налогообложения.

Таблица

Динамика изменения удельного веса налога на добавленную стоимость в доходах государственного бюджета республики Узбекистан¹

Доходы	2020 год		2021 год	
	млрд. сум	в процентах	млрд. сум	в процентах
косвенные налоги	31324,1	30,2	38351,1	30
налог на добавленную стоимость	20485	19,8	25572	20

Налог на добавленную стоимость как наиболее значительный косвенный налог выполняет две взаимодополняющие функции: фискальную и регулирующую. Фискальная функция, в частности, заключается в мобилизации существенных поступлений от данного налога в доход бюджета за счет простоты взимания и устойчивости базы

¹ www.soliq.uz – официальный сайт ГНК Республики Узбекистан.

обложения. в свою очередь, регулирующая функция проявляется в стимулировании производственного накопления и усилении контроля над сроками продвижения товаров и их качеством.

Налог на добавленную стоимость всеобщий налог на потребление, который должны уплачивать все предприятия, участвующие в процессе производства и сбыта товаров. налог на добавленную стоимость играет ведущую роль в косвенном налогообложении. поступления от него занимают значительное место в доходной части бюджета нашего государства.

Из таблицы можно сделать вывод, что удельный вес налога на добавленную стоимость в доходах государственного бюджета имеет тенденцию увеличения.

Кроме выполнения чисто фискальной роли НДС используется как инструмент регулирования экономики, а также как важная составная часть механизма экономической интеграции. кроме того, НДС выполняет важную роль в регулировании внешнеэкономических связей.

Обширная география распространения НДС свидетельствует о его жизнеспособности и соответствии требованиям рыночной экономики. необходимо отметить, что прочному внедрению его в практику налогообложения в немалой степени способствовали следующие факторы:

во-первых, недостатки, имеющиеся у прямых налогов. к их числу можно отнести чрезмерную тяжесть налогообложения, широкие масштабы уклонения плательщиков от их уплаты.

во-вторых, дефицит бюджета, и как следствие постоянная потребность в увеличении доходов бюджета путем расширения налогооблагаемой базы и повышения эффективности налогообложения.

в-третьих, потребность в усовершенствовании существующих налоговых систем и приведении их в соответствие с современным уровнем экономического развития.

Проанализировав аспекты действия НДС в республике Узбекистан, стало очевидным, что налог на добавленную стоимость прочно вошел в налоговую систему республики Узбекистан. он, безусловно, имеет свои достоинства и недостатки. опираясь на опыт, можно сказать, что это вряд ли было возможно, так как послужить их решению может только масштабный комплекс мер. но в целом налог имеет позитивное значение и тенденции его развития в последнее время позволяют сделать вывод, что за ним и дальше сохранится ведущая роль среди прочих налогов и платежей в республике Узбекистан.

МАЪМУРИЯТ - СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ СОЛИҚҚА РИОЯ ҚИЛИШГА ТАЪСИРИ

Кўп қиррали ҳисобланган солиққа риоя қилиш тушунчаси; давлат молиясидан этикагача, ҳуқукдан тортиб психологиягача, иқтисодиётдан тортиб сиёсатгача бўлган жуда кенг даражадаги соҳаларда ўз таъсирига эгадир. Солиққа риоя қилиш сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ўлчовларга ҳам эгалигидан уни ўрганишда барча ҳолатларни ҳисобга олиш талаб этилади. Асосан солиққа риоя қилишнинг иқтисодий йўналишдаги омилларининг баъзилари ҳозирги кунда ҳам кашф қилинмоқда, бунга биргина рақамли иқтисодиётнинг тараққиётини тасаввур қилиш мисолида ҳам амин бўлишимиз мумкин.

Сўнги йилларда солиққа риоя қилиш масаласи иқтисодий адабиётларда талқин қилинаётган пайт “Инсонлар нега солиқни яширишади” деган иборанинг ўрнига “Инсонлар нима учун солиқ тўлашлари керак” деган савол атрофида изланишлар олиб борилиши баробарида, тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларида риоя қилиш даражасига янада диққатлироқ кайфият билан ёндашишларига, маълумотларни тўғри беришларига нималар катта таъсир қилиши масаласи катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Солиққа риоя қилишнинг атрофлича ўрганилиши ва охир – оқибат риоя қилиш даражасининг оширилиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Давлатнинг солиққа тортиш масаласидаги асосий вазифаси, фуқароларни солиқ мажбуриятларини бажариш ва солиқ қонун қоидаларига амал қилишлари борасидаги ишларга тўғри сафарбар қилиш ҳисобланади.

Масалан, фуқаролар солиққа риоя қилмаганлик улар учун ортиқча харажатларга сабаб бўлишини ўзлари ҳисоб китоб қила олишади ёки жамиятнинг битта аъзоси бўлганликлари учун ўзларини солиққа риоя қилиш борасида масъулиятли ҳис қилишлари мумкин. Ҳозирги кунда давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва етказиб бераётган маҳсулотларининг молиялаштирилишида фуқароларнинг қўшаётган ҳиссалари тарзида қабул қилинадиган солиқлар, жамиятга кўрсатилаётган хизматлар ва етказиб берилаётган маҳсулотлар учун тўлов ҳисоблансада шахсларнинг даромад, мол-мулк ва харажатларидаги сезиларли камайишларга сабаб бўлади. Ўз навбатида солиқлар одатда шахслар томонидан бир юк сифатида қаралганидан, бу юкдан қутулиш учун солиқдан қочиш, солиқни яшириш каби қонуний ёки қонуний бўлмаган йўллар танланиб келинади. Тўловчиларнинг солиқ борасидаги қонунлардаги мавжуд бўлган бўшлиқлардан фойдаланган ҳолда солиқдан

қочиш ҳолатлари, солиққа риоя қилмаслик сифатида қабул қилинмасда биров тортишишларга сабаб бўладиган мавзу ҳисобланади.

Бу ҳолат риоя қилиш борасидаги изланишларнинг фанлараро хусусиятга эга эканлигини кўз ўнгимизга келтиради. Аммо ижтимоий маҳсулот ва хизматларнинг асосий молиявий манбаси ҳисобланган солиқнинг молиявий хусусияти бошқа йўналишлардан аҳамиятлироқ эканини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Молиявий йўналишдан қаралганда солиққа риоя қилишнинг юқорилиги; солиққа тортилиши мумкин бўлган эҳтимолий қамровга ва солиқ тушумларига ижобий йўналишда таъсир кўрсатган ҳолда янада илғорроқ ҳамда ривожланган ижтимоий фаровонлик даражасини намоён этиши эътироф этилади.

Солиққа риоя қилиш даражаси кўпчилик ҳолларда асосан тўловчилар нуктаи назаридан тадқиқ қилиб келинади. Бу эса ўз навбатида тўловчи билан солиқ идораси ўртасидаги муносабатларнинг юзага келиши хусусиятидаги солиққа риоя қилишни атрофлича таҳлил қилиш учун, солиқ муносабатларининг барча иштирокчи томонларни изланиш доирасига жалб қилинишини талаб қилмоқда. Ҳар битта алоҳида олинган солиқ тўловчи гуруҳлари учун белгиланган солиққа риоя этиш ҳолатини алоҳида-алоҳида атрофлича таҳлил қилиш зарур. Аммо сўнгги таҳлилларга назар ташлаганимизда кўпгина тадқиқодчилар солиққа риоя қилинишини, солиқ тўловчининг ихтиёрий тарзда солиқ тўлашини назарда тутувчи ички мотивация эканлиги масаласида ҳамфикр эканликлари кўзга ташланмоқда.

Умумий ҳолатда солиққа риоя қилиш тушунчаси солиқ тўловчиларнинг ўзларига тегишли солиқ мажбуриятларини бажаришларида солиққа оид қонун қоидаларга оғишмай амал қилиб бажаришлари тушунилади. Замонамизда шахсларнинг солиқ тўловларини ўз ўрнида яширмасдан/кечиктирмасдан бажаришлари яхши фуқаролик белгиларидан деб ҳисобланади. Умумий ҳолатга қараганимизда уч гуруҳга мансуб солиқ тўловчиларни ажратиш мумкин экан; солиқдан қочмайдиган солиқ тўловчилар, ҳозирги вақтда ёки келажакда солиқдан қочишга ёки бу йўналишда ҳаракат қилиб кўришга мойил солиқ тўловчилар, солиқдан қочишга одатланиб ёки кўникиб қолган солиқ тўловчилар.

Бирор бир шахснинг солиқни тўлашга бўлган истаги одатда вақтига қараб ўзгариб қолиши албатта бор ҳолат. (Мисол учун ҳозирги COVID-19 пандемияси шароитида ҳам бундай истакнинг ортиши кузатилади.) Солиққа риоя қилиш масаласига бағишланган адабиётларда молиявий тизимлари ўхшаш бўла туриб, солиққа риоя қилиш масаласида турлича манзарага эга бўлган мамлакатларнинг мавжудлиги ҳам бор ҳақиқат. Бу муаммо борасидаги асосий хулосалар шундай: а) шахслар этикага зид бўлсада солиқдан қочиш мойиллигига эга экан б) солиқ тўловчиларга этик жиҳатдан атрофлича тушунчалар берилганда солиққа риоя қилиш ошмоқда в) солиққа риоя қилмайдиган шахсларнинг ўртоқлари ҳам солиққа риоя қилмаслик мойиллигига эга бўлиб бора-бора тўламаслик ҳолатига

келишаркан г) ижтимоий алоқалари кучли мамлакатларда солиққа риоя қилиш даражаси юқорилигини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ҳам ижтимоий алоқалар кучли аммо бу алоқалардан керакли йўналишда фойдаланишни энди-энди бошламоқчимиз.

Солиққа риоя қилиш даражасини ошириш учун назорат ва жазолар сингари одатий куч ишлатар чоралар сиёсатини мажбурий қўллашларида ҳукуматлар учун маълум чегаралар ва мураккабликлар борлиги кўзга ташланади ва шу сабабдан ҳам ихтиёрий тарзда риоя қилиш сиёсатини қўллаш анчагина маъқул ва замонавийроқ ҳисобланади. Солиққа риоя қилиш мавзусининг умумий чегараси “зид(қарама-қарши) солиққа тортиш иқлими” ва “синергик солиққа тортиш иқлими” ўртасида доимий алмашиб туради. Қарама-қарши (Зид) солиққа тортиш иқлимида солиқ тўловчи ва солиқ идоралари бирибирига қарама-қарши туришса, синергик иқлимда эса бир бири билан ҳамкорликда иш юритишади. Бу солиққа тортиш иқлимлари: а) Зид солиққа тортиш иқлимини “полициячи ва ўғри” муносабати тарзида тушунилса ҳам бўлади. Солиқ маъмурияти ходимлари солиқ тўловчиларни “ўғрилар” каби таъқиб қилишади ва ўз навбатида солиқ тўловчилар ҳам солиқ маъмурияти ходимларини полициячи каби қараб улардан яширинишни тўғри деб билиб уларнинг кўзларига чалинмасликга ҳаракат қилишади. Шу тариқа иш юритилиши солиқларнинг ихтиёрий тўланишига тўсқинлик қилган ҳолда кўнгилли тўлаш иштиёқининг пасайишига олиб келмоқда.

Синергик солиқ муҳити, солиқ маъмуриятчилиги(давлат)нинг жамият учун давлат хизматларининг кўрсатилишини ва солиқ тўловчининг ҳам давлат хизмат кўрсатаётган жамиятнинг битта аъзоси сифатида қаралишини таъминлайди. Солиққа риоя қилиниши мавзусида ёзилган ишлар таҳлил қилинганида тадқиқодчилар асосан тўловчиларнинг солиқ тўлаш истакларини оширувчи/камайтирувчи омилларга асосланганликлари кўзга ташланади.

Солиқдан қочиш орқали қўлга киритиладиган фойда назорат rischi ва солиққа оид жиноятларга қарши қўлланиладиган жазога боғлиқ. Инсонлар ҳар доим ҳам фойдани орттиришнинг пайида бўлишмайди. Ўзларини тутишлари, ишончлари, белгилаб олган меъёр ва эгаллаган мавқеларига кўра ҳаракат қилишади. Бу масалада муваффақиятга эришишнинг калити ўзаро ҳамкорликка боғлиқ бўлади.

*Жўраев А.С.
Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш
институтини ректори в.б., и.ф.д., профессор
Сабиров. М.Қ
Тошкент молия институтини
“Солиқлар ва солиққа тортиш”
кафедраси доценти*

СОЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши билан иқтисодиёт соҳасида янги кўринишдаги қонун бузилишларининг содир этилишига ҳам сабаб бўлди. Бу, биринчи навбатда, давлат ва маҳаллий пул жамармаларини (бюджет ва бюджетдан ташқари жамармаларни) шакллантиришнинг асосий манбаси ҳисобланган – солиқ солиш тизими билан бевосита боғлиқ қонун бузилишларини, унинг турли кўринишларини келтириб чиқарди.

Ҳуқуқ назариясида умумеътироф этилган қоидадан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосида давлат мажбурлов чоралари билан ҳимоя қилинадиган ва таъминладиган, ҳуқуқий нормаларнинг талабларини бузишга қаратилган ҳуқуққа хилоф қилмиш ётади. Солиқ қонунчилигини бузиш ҳам ҳуқуққа хилоф қилмишнинг алоҳида бир тури сифатида намоён бўлади.

Жавобгарлик асосида қандай солиқ қонунчилиги бузилиши турганлигига қараб, бу ҳуқуққа хилоф қилмишни молиявий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик асослари сифатида кўриб чиқиш мумкин. Шу сабабли, солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг асосини аниқлаш - солиқ солиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишда катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Солиқлар ва йиғимлар ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳамда унинг хавфли шаклларида бири бўлган солиқ жиноятларини содир этиш давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига зарар етказади. Бундай хатти-ҳаракатлар солиқ солиш тизимига, давлат даромадларини шакллантириш механизмига ўз таъсирини кўрсатади. Чунки ҳар бир давлатнинг солиқ солиш соҳасига унинг ҳимояланганлиги ёки хавфсизлик даражаси катта таъсир кўрсатади. Солиқ хавфсизлиги - солиқ тизимининг ҳолатини белгилаб, солиқлар ва йиғимларни ундириш орқали давлат ва маҳаллий тузилмаларни тўлиқ ва тўхтовсиз молиялаштиришни таъминлайди.

Солиқ қонунчилигини бузишнинг асосий кўринишларидан бири – бу солиқ ҳуқуқбузарлиги (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси бўйича эса солиққа оид ҳуқуқбузарлик) ҳисобланади.

Солиқ ҳуқуқбузарлиги барча ҳуқуқбузарликлар сингари, биринчи навбатда – қилмиш, яъни ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади. Ҳаракат шахснинг фаол хулқ-атвори, ҳаракатсизлик эса шахсга юклатилган мажбуриятларни бажармаганликда ифодаланувчи пассив хулқ-атворидир.

Солиқ ҳуқуқбузарлигини содир этишга қаратилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) - қонунга хилоф ҳисобланади. Солиқ ҳуқуқбузарлигини содир этиш билан солиқ қонунчилиги нормаларининг талаблари бузилади. Агар қилмиш қонун ҳужжатлари талабаларини бузмаса, ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.

Солиқ ҳуқуқбузарлиги – бу айбли қилмишдир. Солиқ ҳуқуқбузарлигини содир этишга қаратилган қилмишда айбнинг мавжуд бўлиши, яъни солиқ ҳуқуқбузарлиги қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган бўлиши лозим. Агар қилмишда айб шакли мавжуд бўлмаса, ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди..

Солиқ тўловчининг Солиқ кодексида жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) **солиққа оид ҳуқуқбузарлик**, деб эътироф этилади.

Ҳар қандай солиқ ҳуқуқбузарлиги икки шаклда: қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сўнгги йилларда нафақат солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари либераллашди, балки тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига асоссиз равишда аралашиларни олдини олиш борасида ҳам бир қатор чоратадбирлар амалга оширилди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашилар билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар” боби ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўрисидаги кодексига “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” боблари киритилди. Унга кўра хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик; тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузганлик; лицензиялаш тўрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳамда имтиёзлар ва преферентсияларни

қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилганлик ва бошқа ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчисига нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланди.

*Марданов М.О.
СамИСИ ўқитувчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН СЎНГГИ ИСЛОҲОТЛАР ТАВСИФИ ВА МОҲИЯТИ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш, уларни солиққа тортиш долзарб аҳамият касб этувчи мавзулардан бири эканлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Солиқлар, қишлоқ хўжалиги, солиққа тортиш тизими, ягона ер солиғи, ер солиғи, солиқ юки, солиқ кодекси.

Аннотация: В статье подчеркивается необходимость дальнейшего совершенствования системы налогообложения сельскохозяйственных товаропроизводителей, их налогообложение является одним из важнейших вопросов.

Ключевые слова: Налоги, сельское хозяйство, налоговая система, единый земельный налог, земельный налог, налоговое бремя, налоговый кодекс.

Abstract: The article emphasizes the need to further improve the system of taxation of agricultural producers, their taxation is one of the most important issues.

Keywords: Taxes, agriculture, tax system, unified land tax, land tax, tax burden, tax code.

Маълумки сўнги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар фаолиятига солиқ солиш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2018-2020 йилларда амалга оширилган солиқ ислоҳотларига қадар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун Ўзбекистонда куйидаги солиқ режимлари амал қилар эди:

1) Ягона ер солиғи тўлаш кўзда тутилган режим. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари (юримдик шахс мақомидаги деҳқон хўжаликлари бундан мустасно) солиқ режимини танлаш ҳуқуқисиз ягона ер солиғи тўлаган.

2) Ягона ер солиғига ўтмаган қишлоқ хўжалик соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови (2015 йилга қадар 6 фоиз, 2015 йилдан 2019 йилга қадар 5 фоиз).

3) Деҳқон хўжаликлари учун махсус солиқ режими. Унга кўра, юридик ёки жисмоний шахс сифатида ташкил қилинганлигидан қатъи назар, деҳқон хўжаликлари тадбиркорлик фаолияти учун назарда тутилган умумий солиқлардан озод этилган. Деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслар учун назарда тутилган тартибда ер солиғи, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаган. Деҳқон хўжаликларидан ташқари юқоридаги икки режимда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ижтимоий тўлов мажбурияти ҳам бўлган. 2010 йилда иш берувчиларнинг солиқ базасини сунъий равишда камайтиришларига маълум даражада тўсиқ сифатида ягона ижтимоий тўлов суммасини ҳисоблаб чиқишда энг кам (базавий) миқдорлар жорий қилинган. Унга кўра, тўловнинг суммаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда, бироқ фермер хўжаликлари ҳар бир ходими учун ойига минимал иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳисобларди. 2020 йилдан бошлаб республикамизда солиқ соҳасида туб ўзгаришлар юз бериши ва янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг жорий этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи ўрнига фаолият туридан ҳамда фойдаланиш объектларидан келиб чиққан ҳолда умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича ер солиғи ставкалари ягона ер солиғи ставкаси сингари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг меъёрий қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса қатъий ставкада ва ер майдонининг бонитет балидан келиб чиқиб ҳисобланиши белгиланди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналари 2019 йилнинг 1 октябридан йил давомида 1 млрд.сўмдан ортиқ пул айланмаси ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонига эга бўлган тақдирда қўшилган қиймат солиғи ва бошқа умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби жорий этилди¹.

Ўзгартирилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари деб бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар эътироф этилади:- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва уни бирламчи қайта ишловчи, башарти бундай юридик шахснинг жами даромадида ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, шу жумладан уни ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромадининг улуши солиқ давридаги жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этса;

- ер участкаларига эга бўлган, бу ер участкалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлса.

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Қонуни. ҚХММБ, 31.12.2019 й

Солиқ солиш мақсадларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жумласига биологик ресурслардан (хайвонлар ва ўсимликлардан) олинган қуйидаги маҳсулотлар киради:

- 1) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ўсимликшунослиги маҳсулотлари;
- 2) чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик маҳсулотлари;
- 3) ипакчилик маҳсулотлари;
- 4) балиқчилик маҳсулотлари ва сувда етиштириладиган экинлар.

Саноатда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қишлоқ хўжалиги маҳсулоти деб эътироф этилмайди.

Амалдаги солиқ тизимида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қуйидаги солиқ режимлари кўзда тутилган:

- умумбелгиланган солиқ солиш режими;
- айланмадан солиқ тўлаш режими;

- деҳқон хўжаликлари учун махсус солиқ режими¹. Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра умумбелгиланган ва айланмадан солиқ режимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқлар таркибини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин (1-расмга қаранг).

<p>Йиллий тушуми 1 млрд сўмдан ошган ёки суғориладиган ер майдони 25 гектардан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари</p>	<p>Йиллик тушуми 1 млрд сўмгача ёки суғориладиган ер майдони 25 гектаргача бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари</p>
Қўшилган қиймат солиғи –	Айланмадан солиқ – 4%
Мол-мулк солиғи – 1,5%	Мол-мулк солиғи – 1,5%
Ер солиғи – 0,95 %	Ер солиғи – 0,95 %
Сув рес.фой.учун солиқ (ер усти 40 сўм, ер ости 40 сўм)	Сув рес.фой.учун солиқ (ер усти 40 сўм, ер ости 40 сўм)
Ижтимоий солиқ – 12%	Ижтимоий солиқ – 12%
Фойда солиғи – 0%	

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Қонуни. ҚХММБ, 31.12.2019 йил.

1-расм. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун кўзда тутилган амалдаги солиқ режимлари ва уларнинг таркиби (2022 йил ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда)

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 2019 йилда киритилган ўзгартиришларга кўра (ПФ-5755, 2019) йиллик тушуми 1 млрд сўмдан ошган ёки суғориладиган ер майдони 50 гектардан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари умумбелгиланган солиқ режимига¹, яъни ҚҚС ва фойда солиғи тўлашга ўтади. Кўрсатилган мезонлар чегаравий миқдорга етмаган, яъни йиллик тушуми 1 млрд сўмгача ёки суғориладиган ер майдони 50 гектар (2022 йилдан эса 25 гектар)гача бўлган корхоналар эса айланмадан солиқ тўлаш режимини танлаши мумкин. Бундан кўринадики, амалга оширилган солиқ ислохотлари натижасида барча солиқларнинг ўрнига битта ягона ер солиғи тўлаш амалиёти буткул тугатилди².

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги корхоналари бугунги кунда ҳеч қандай тўсиқсиз ўзи етиштирган мева-сабзавотларини ёки уларни қайта ишлаш маҳсулотларини четга экспорт қилиши мумкин.

Бунда, экспорт реализацияси оборотига қўшилган қиймат солиғини ноль ставкада ҳисобланиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича ортиқча тўлов (манфий қолдиқ) суммаси ҳосил бўлган тақдирда, бу суммани давлат бюджетидан қайтариб олиш имконияти яратилди.

1-расмга кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун солиққа тортиш механизмидаги ўзгаришлар бир томондан адолатлилиқни таъминлашга ҳамда иккинчи томондан бюджет даромадлари ортишига хизмат қилади деган хулосага келинди. Бироқ, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг белгиланган мезонлар туфайли умумбелгиланган солиқ режимига ўтказилиши улар томонидан тўланадиган солиқлар сони ва солиқ юқининг ошишига олиб келиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига умумбелгиланган ёки айланмадан олинадиган солиқ режимини танлаш ҳуқуқининг берилиши, уларга нисбатан қўлланилаётган рағбатлантириш чоралари сифатида ҳам қабул қилиш мумкин, лекин ушбу танлаш ҳуқуқидан фойдаланиш учун мезонларнинг ўрнатилиши, яъни ялпи тушуми 1 млрд сўмдан кўп бўлмаган ёки суғориладиган экин майдони 25 гектардан ошмаган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан қўлланиши, уларнинг фаолият туридан келиб чиқиб, эркин танлаш ҳуқуқининг чеклайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари умумбелгиланган солиқ режимига ўтганда солиқлар сони кўп бўлгани билан солиқ юқи амалда ошмаслиги ҳам мумкин. Чунки умумбелгиланган солиқ режимда харид (кирим) қилинган хом ашё, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар ва бошқа материаллар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755 сонли Фармони

² “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-741-сонли Қонуни 29.12.2021 йил.

учун тўланган қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олиниши ишлаб чиқариш таннархининг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича фойда солиғи ставкаси нол фоиз.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун кўзда тутилган солиқ режимларини таҳлил қилишда тор ва бир томонлама ёндашмаслик керак, бунда барча омиллар инобатга олиниши лозим. Бундай омиллар таркибига қишлоқ хўжалиги корхонасининг ихтисослашуви, капитал сифими, меҳнат сифими, ўзи етиштирган маҳсулотларнинг жами даромаддаги улуши, суғориладиган экин майдони, экспорт салоҳияти ва ҳатто маҳсулотлари харидорларининг қайси солиқ режимида солиқ тўлаётганлиги каби омилларни киритиш мумкин.

*Султанов М.А. PhD., ТДИУ
«Молия ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси доценти*

ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

***Аннотация.** Тезисда 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан ўрин олган фонд бозори айланмасини кўпайтириши мақсадида мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириши, ҳамда инвестиция фондларини солиққа тортиши ва ундаги ўзгаришларни ўрганиши давр талаби эканлигини асослашга ҳаракат қилинган.*

***Калит сўзлар:** тараққиёт стратегияси, фонд бозори, оддий акция, акциядорлик жамияти, соф фойда, тақсимланмаган фойда, инвестиция фондлари, солиққа тортиши, резерв фонди, дивиденд тўлови, банк омонатлари, диверсификация, инвестиция портфели, соф активлар қиймати.*

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда асосий урғу давлат улушини камайтириши орқали иқтисодиётда молия сектори улушини оширишга қаратилган. Давлат улуши эса асосан фонд бозори орқали амалага оширилишини инобатга олсак, мамлакатимизда ушбу бозорни фаоллашуви долзарб муаммолар қаторидан ўрин олган. Фонд бозорини ривожланишида асосий вазифалардан бири сифатида, «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармонида «мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш ва Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор

улушини 60 фоизгача етказиш» ва фонд бозорига таъллуқли бошқа тадбирларни амалга ошириш орқали «иктисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш»¹ муҳим аҳамият касб этади.

Инвестор (асосан аҳоли) томонидан инвестиция фондларини танлашда давлат томонидан юритилаётган солиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли давлат томонидан инвестиция фондлари фаолиятининг самарали ишлаши учун инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида қатор қулай солиқ имтиёзлар ва переференциялар (иктисодий платформасини) таклиф қилиб, маблағлар жалб қилинишига рағбатлантирувчи замин яратиш зарур. Республикамизда бундай имтиёзлар, фақат тўғридан - тўғри ҳорижий инвестиция олиб кираётган инвесторларга нисбатан қўлланади. Бир қатор давлатларда эса инвестиция фондларига ҳам солиқ имтиёзларидан фойдаланишга рухсат берилган. Шундай экан, кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистон фонд бозорига институционал инвесторлар сифатида фаолият юритаётган инвестиция фондларини солиққа тортиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб бориш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда инвестиция фондлари ёки хусусийлаштириш инвестиция фондларининг фаолияти билан боғлиқ даромад қайта солиққа тортилмаслиги учун солиқ элементлари таркиби аниқ санаб берилиши керак. Инвестиция фондлари ёки хусусийлаштириш инвестиция фондларининг фаолияти билан боғлиқ солиқлар таркиби инвестиция фондлари ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари харажатлари таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ аниқланади ва фонд томонидан амалга ошириладиган махсус хусусиятли харажатларни ўз ичига олади дейилган. Ушбу маълумотларни «Камалак» акциядорлик жамияти инвестиция фонди портфелидаги «Кварц» акциядорлик жамияти акцияси бўйича олинadиган дивидендини солиққа тортиш амалиёти орқали ёритиб беришга ҳаракат қиламиз: аввалом бор ушбу акциядорлик жамиятида барча солиқ ва харажатлар чегирилиб, соф фойда таркиби аниқланади. Кейинчалик, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ соф фойдадан дивиденд фондига маблағ ажратилиб, акциядорларга дивиденд ҳисобланиши натижасида, дивидендини тўлаб бериш учун 5 % солиқни давлат бюджетига ўтказилади. Ўз навбатида «Кварц» акциядорлик жамияти томонидан «Камалак» акциядорлик жамияти инвестиция фондига ўтказилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони 1-илуваси.

дивиденд ўз навбатида, ушбу фондда даромад сифатида ҳисобга олади. Ундан фонд билан боғлиқ хусусиятли харажатларини ва мавжуд бўлса солиқларни чегириб соф фойдадан акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ дивиденд фондига маблағ ажратади. Шундан кейин “Камалак” акциядорлик жамияти инвестиция фондига акциядорларига ҳисобланган дивидендларни тўлаб бераётганда яна 5%лик солиқни ҳисоблайди. Умуман олганда бир даромад 4 мартаба солиққа тортилмоқда. Моҳиятан дивидендларни қайта тақсимлаётган инвестиция фондлари учун ушбу мисолда келтирилган 3-4 солиқлардан озод қилиш лозим эди. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси нормаларининг 2020 йил давридаги мониторинги ва таҳлил қилинишини натижалари ўрганилиб, тегишли хулосаларга олинган, ушбу солиқ Президент ПҚ–90-сон Қарори¹га мувофиқ, 2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабргача Ўзбекистон резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг акциялардан олган дивидендлари даромад солиғидан озод қилинади.

Тадиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда фаолият юритаётган инвестиция фондларини акциядорлари ҳам одатий акциядорлик жамияти акциядорлари каби фонд акцияси бўйича дивидендларидан солиқ тўлайдилар. Таққослаш учун Ўзбекистон банкларида аҳоли томонидан қўйилган омонатларидан олинган даромадлари солиққа тортилмайди. Шунинг билан олган ҳолда, Республикада қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг илк босқичида эканлиги, ҳамда бозор қонуниятларининг талаб даражасида шаклланмаганлигини ҳисобга олиб, аҳоли учун акцияларнинг жозибдорлигини ошириш мақсадида, фонд бозори фаоллашиб, акцияларнинг дивиденд фоизи банк омонатлари фоизидан маълум даражада ошиб, рақобат муҳити шаклланмагунча Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун дивидендлар тарзидаги даромадларига 5% миқдорида солиқ²ни вақтинча бекор қилиш зарурлиги долзарб муаммолар қаторидан ўрин олган.

Ўзбекистон амалиётида дивидендларга солиқ солиш тизими меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларига мувофиқ равишда турлича эканлиги ва уларнинг тушунчалари аниқ белгиланмаганлиги сабабли солиқ солиш объектлари ва базасини аниқлашда тушунмовчиликлар келиб чиқиши оқибатида айёрим ҳолларда икки ёқлама солиққа тортилишига сабаб бўлган. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг янги таҳрири амал қилиниши муносабати билан солиқ солишда бу каби амалиётда юзага келаётган тушунмовчиликларга барҳам беришга эришилди, яъни дивидендларга оид алоҳида модда билан тўлдирилди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–90-сон қарори

² Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 381-382 моддалар. <https://lex.uz/>. 2019 йил 30 декабрь.

Дунё тажрибаси инвестициялашнинг кипрча варианты деганда минимал солиқ ставкасини қўллаш ёки солиқларсиз ҳудуд (офшор зоналар) тушунилиб, икки ёқлама солиққа тортишни бартараф (кўплаб мамлакатлар ҳукумати солиққа тортиш бўйича ўз меъёрий ҳужжатларини жаҳон стандартларига мослаштиришга улгурмаганлиги сабабли) этиш мақсадида - мамлакатлар ўртасидаги тузиладиган битимлардир. Шунингдек, ушбу давлат инвестиция фондига келиб тушадиган маблағлар одатда солиққа тортиш объектига киритилмайди, ёки унинг ставкаси Европа Иттифоқи (ЕИ) ташкилоти кўрсатмаларига ва икки ёқлама солиққа тортишни бартараф қилиш ҳақидаги битим шартларига мувофиқ минимал ставкада белгиланади.

Шу билан бирга, 1940 йилдаги АҚШнинг «инвестиция компаниялари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, инвестиция фондлари фойдасининг 100% ўз акционерлари ўртасида тақсимланганда, солиққа тортишдан тўлиқ озод этилган. Аслини олганда, америкаликлар инвестиция фондларини солиқлардан тўлиқ озод қилмайди. Гап шундаки, юқоридаги қонуннинг «М эслатма»сига мос келадиган инвестиция фондларигина дивидендларни икки марта солиққа тортишдан озод қилинади. Фондлар фойдаси акционерлар ўртасида тақсимлангандан кейингина дивидендга айланади ва солиқлардан озод қилинади. Аксинча, акционерлар ўртасида тақсимланмаган фойданинг ҳар қандай қисми дивиденд ҳисобланмайди, шу сабабли у солиқлардан озод этилмайди.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ҳолати шундан далолат берадики, инвестиция фондлари акциядорлари киритилган маблағдан узоқ муддатда фонд капитализацияси ҳисобига акциясининг бозор бозорини ўсишини кутмасдан, инфляция ва бошқа молиявий рискларни ҳисобига олган ҳолда қисқа муддатда дивиденд олишдан манфаатдор бўлмоқдалар. Ўз навбатида, инвестиция фонди ҳам акциядорлик жамиятлари томонидан ўз акцияларига талаб даражасида дивиденд бермаётгани ёки умуман ажратмаётгани сабабли, мазкур фондлар ҳам ўз акциядорларига нафақат тўлақонли дивидендлар ажратиши, балки фаолияти натижаси сифатида соф фойда олиш имконияти чекланмоқда. Дунё тажрибасида оддий акциядорлик жамиятларидан фарқли равишда, инвестиция фондларида соф фойдасидан дивиденд фондига ажратишнинг ягона услубияти ишлаб чиқилмаган. Инвестиция фонди соф фойдасидан дивидендга қанча фоиз ажратиши ёки уларни янги объектларга йўналтириш тўғрисидаги қарорларни акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилади. Шу билан бирга, инвестиция фондларининг дивиденд сиёсати ишончли бошқарувчилари томонидан олиб борилаётган стратегик ҳаракатларга ҳам боғлиқ.

Ўзбекистонда инвестиция фондларини солиққа тортишни тўғри йўлга қўйишда қуйидаги таклифлар ўринли деб ҳисоблаймиз:

1. Хорижий давлатларда инвесторлар бўш пул маблағларини инвестиция фондларининг акцияларини сотиб олишга йўналтиришдан мақсад, банк омонатларига қўйишдан кўра юқори даромад олиш имкониятининг мавжудлигидадир. Шу сабабли, одатий акциядорлик жамиятлари томонидан ажратилаётган дивидендлар миқдори молия бозорида рақобат даражасига етмагунча, Ўзбекистон резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг акциялардан олган дивидендларини даромад солиғини вақтинча бекор қилиш зарур.

2. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори ривожланиб, одатий акциядорлик жамиятлари акциядорларига ажратиладиган дивидендлари миқдори банк омонатлари фоиз ставкасидан юқори бўлиб, рабобат муҳити шаклланмагунча, инвестиция фондлари соф фойдасидан капитализация учун ажратадиган қисмини солиқдан озод қилиш керак.

*Шодиев О.А. - старший преподаватель
кафедры «Налоги и налогообложение», ТФИ
Убойдуллоева М.О. – студент ТФИ*

ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ СИСТЕМЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Налоги представляют собой обязательные сборы, взимаемые государством с хозяйствующих субъектов и с граждан по ставке, установленной в законном порядке. Налоги являются необходимым звеном экономических отношений в обществе с момента возникновения государства. Развитие и изменение форм государственного устройства всегда сопровождается преобразованием налоговой системы.

В современном цивилизованном обществе налоги – основная форма дохода государства. Помимо этой сугубо финансовой функции налоговый механизм используется для экономического воздействия государства на общественное производство, его динамику и структуру, на состояние научно-технического прогресса. А это в свою очередь тесно связано с необходимостью проведения целенаправленной налоговой политики. Учитывая это, Президент Ш.Мирзиёев подчеркнул: «Как известно, снижение налоговых ставок или отмена некоторых налогов приводит к сокращению поступлений в бюджет. Это может быть предотвращено за счет эффективного налогового администрирования, а также обеспечения бюджетной устойчивости, что является нашей первоочередной задачей. Необходимо организовать такое налоговое администрирование, при котором даже широкое внедрение налога на добавленную стоимость не должно привести к росту цен на потребительские товары»¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. –Т: ИПТД “Ўзбекистан”, 2019. Стр. 17

Далее рассмотрим о направлениях налоговой политики в отношении юридических и физических лиц в 2022 году в Республике Узбекистан. Министерства финансов Республики Узбекистан сообщил об основных изменениях в порядке налогообложения юридических и физических лиц в связи с принятием закона о госбюджете Узбекистана на 2022 год. Налоговая политика на этот год предусматривает сохранение основных налоговых ставок по НДС (15%), налог на прибыль (15%, для некоторых категорий 20%), налог на доходы физических лиц (12%), земельный налог на земли сельскохозяйственного назначения (0,95%), социальный налог (хозяйствующие субъекты 12%, бюджетные организации 25%).

Сейчас мы поговорим о НДС. В 2022 году будет сохранен порядок исчисления и уплаты НДС и ставка 15%. Круг предприятий, уплачивающих НДС, независимо от суммы выручки, расширяется за счет организации налоговых консультантов, аудиторских организаций и некоммерческих организаций (в том числе бюджетных организаций). При этом некоммерческие организации уплачивают НДС только за хозяйственную деятельность.

Расширен круг случаев, в которых сумма НДС по приобретенным товарам (услугам), ранее принятым к возмещению при их приобретении, подлежит корректировке. Если эти товары хранятся в объектах недвижимости, переданных в аренду или безвозмездно используемых на основании договоров, не зарегистрированных в налоговой инспекции, также корректируется принятый к вычету НДС. Устанавливается порядок вычета причитающихся (уплаченных) сумм НДС по фактически полученным товарам (услугам), использованным для товаров, что экспортируются, независимо от влияния валютных поступлений на счета налогоплательщика в банке Республики Узбекистан. Для всех категорий плательщиков НДС установлен один расчетный период – месяц.

Второй налог, о котором мы поговорим – акцизный. Соблюдается порядок исчисления и уплаты акцизного налога. Ставки акцизов, установленные в абсолютных величинах, индексируются в среднем на 10% с 1 июня 2022 года. Таким образом, ставки налога на алкогольную продукцию и табачные изделия, установленные с октября 2021 года, будут применяться до 1 июня 2022 года. Ставки налога на нефтепродукты, в том числе проданных конечным потребителям, индексируются разово с 1 июня 2022 года на 10%. Акциз для производителей сжиженного газа, который в настоящее время составляет 30%, отменен.

Что же с налогом на прибыль? Сохраняется группа налогоплательщиков, налоговые ставки, порядок исчисления налога и сроки представления налоговой декларации.

С 1 января введен отдельный порядок признания амортизируемого имущества для целей исчисления налога на прибыль. Для целей определения налоговой базы по налогу на прибыль амортизируемые

активы включают в себя основные средства и нематериальные активы, которые соответствуют критериям, изложенным в Постановлении о налогах. Уточнен порядок определения первоначальной стоимости амортизируемого объекта, изменения первоначальной стоимости и расчета амортизации амортизируемого объекта.

В частности, в стоимость амортизируемых активов не включаются проценты по долговым обязательствам. С другой стороны, к амортизируемым активам относятся капитальные вложения в амортизируемые активы, предназначенные для сдачи в аренду и (или) безвозмездного пользования в виде неотделимых улучшений, производимых арендодателем (ссудополучателем) с согласия арендодателя (ссудодателя), стоимость которых не возмещается арендодателем (ссудодателем).

Налог на доходы физических лиц: сохраняются состав налогоплательщиков, ставка налога на доходы физических лиц (12%), порядок исчисления налога, в том числе перечисление 0,1% на индивидуальные пенсионные накопительные счета, сроки подачи налоговых деклараций. При этом перечень необлагаемых доходов расширяется за счет: заработной платы супругов и других доходов, направляемых на выплату ипотечных кредитов, полученных молодыми семьями, и начисленных по ним процентов; заработной платы и других доходов, предназначенных для покрытия образовательных кредитов, выделяемых банками на обучение в профессиональных организациях и университетах; дохода от сдачи недвижимости в аренду студентам.

Если говорить о социальном налоге, то в Республике Узбекистан сохраняются круг налогоплательщиков, ставки налога (бюджетные организации - 25%, остальные - 12%), порядок его исчисления и сроки представления налоговых деклараций.

Соблюдается порядок исчисления и уплаты земельного налога с юридических и физических лиц и ставка налога, установленная для земель сельскохозяйственного назначения в размере 0,95% от базовой стоимости земель сельскохозяйственного назначения. Законом указано, что для физических лиц сумма налога не должна превышать сумму налога, исчисленную в 2021 году, более чем в 1,3 раза, во избежание резкого увеличения налоговой нагрузки в 2022 году. Для всех видов полезных ископаемых (кроме углеводородов и металлов) сохраняется порядок исчисления и уплаты налога за пользование недрами.

Определен порядок определения объема добытого (добываемого) облагаемого налогом полезного ископаемого. В частности, объект налогообложения определяется с учетом технологических потерь, возникающих во всем технологическом цикле добычи (извлечения), первичной обработки, переработки и транспортировки, в пределах,

утверждаемых уполномоченным органом в порядке, установленном законодательством, и в их отсутствие – за счет налогоплательщика.

Вкратце хотелось отметить, что в настоящее время происходит активная трансформация налоговой системы с целью обеспечения условий для экономического роста. Поддержание высоких темпов экономического роста будет обеспечиваться последовательной реализацией взвешенной, глубоко продуманной налоговой и денежно-кредитной политики, направленной на снижение налоговой нагрузки в экономике, повышение ее стимулирующей роли в деятельности хозяйствующих субъектов.

*Уринбоев Ф.С., Фискал институт
“Солиқлар ва солиққа тортиш”
кафедраси ўқитувчиси*

МУЛКИЙ СОЛИҚЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация

Мазкур тезисда кўчмас мулк объектларини бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қийматига ўтказиш масаласи кўриб чиқилган. Кўчмас мулкни баҳолашни айрим ривожланган мамлакатлар тажрибаси ёритилиб, унга асосланган ҳолда Ўзбекистонда кўчмас мулк объектларини бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қийматига ўтказиш бўйича таклиф берилган.

Калит сўзлар: мулкый солиқлар, мол-мулк солиғи, кўчмас мулк, кадастр қиймат, бозор баҳоси.

Аннотация

В данной диссертации рассматривается вопрос перевода недвижимости в кадастровую стоимость, близкую к рыночной. Выделен опыт некоторых развитых стран в области оценки недвижимости, на основании которого сделано предложение о переводе недвижимости в Узбекистане с кадастровой стоимостью, близкой к рыночной.

Ключевые слова: налоги на имущество, налог на имущество, недвижимость, кадастровая стоимость, рыночная стоимость.

Abstract

This thesis considers the issue of conversion of real estate into cadastral values close to the market value. The experience of some developed countries in real estate appraisal is covered, based on which a proposal is made to convert real estate in Uzbekistan to a cadastral value close to the market value.

Keywords: property taxes, property tax, real estate, cadastral value, market value.

Кўчмас мулк солиғини ундиришда энг қийин вазифалардан бири бу мамлакатимизда мавжуд барча мулкни кадастр қиймати бўйича баҳолаш ҳисобланади. Бу давлат олдида турган анча мураккаб вазифадир.

Ўзбекистон республикаси президентнинг 03.12.2021 йилдаги «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқларини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги ПФ-6121-сонли фармонида асосан кўчмас мулк объектларини бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш тизимини жорий этиш икки босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган:

Биринчи босқич (2021–2023 йиллар) — кўчмас мулк бўлган турар-жой фонди объекти (квартира, якка тартибдаги уй-жойлар, дала-ҳовли), шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкалари;

Иккинчи босқич (2022–2024 йиллар) — яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк объектлари, шунингдек ушбу объектлар эгаллаган ер участкалари.

Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига 2022 йил 1 январга қадар кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини уларнинг бозор баҳосига асосланган ҳолда аниқлаш, ҳар бир эгалик қилувчига (фойдаланувчига) тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотлар базасини яратиш учун ахборот тизимини такомиллаштириш, кўчмас мулк объектларини уларнинг бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда сифатли баҳолашдан ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш юклатилган.

Кўчмас мулк объектларини баҳолаш тизимининг хориж тажрибасини ўрганадиган бўлсак, мулкни баҳолаш бўйича Нидерландия 3D тизимида, ушбу баҳолаш тизимида бир кўпқаватли уйдаги бир хил квартираларнинг нархлари деярли бир хил бўлади. Шу билан бирга, улар турли қаватларда жойлашган тақдирда фарқ қилиши мумкин, сабаби квартиранинг қавати нархига таъсир қилади. Квартираларнинг айрим хусусиятлари, пластик деразалар, темир эшиклар ва квартиранинг нархини кўтарадиган бошқа нарсалар кўрилмайди.

Баҳоланаётган объект ҳудудида дўконлар мавжудлиги, мактаблар, йўллар ва бошқа қулайликлар муҳим рол ўйнайди. Уларнинг ушбу уйдан қанчалик узоқлиги ва кўчани ҳолатлари инобатга олинади. Уй яқинида болалар майдончаси борлиги, автотураргоҳнинг мавжудлиги, автобус ва метро бекатларининг қанчалик узоқлиги, шунингдек квартира қийматини баҳолашда йўлларнинг сифати ҳам муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатимизда мулкни баҳолаш тизимида бир қатор камчиликлар мавжуд, жумладан мулкни гаровга қўйиш, кредит олиш мақсадида хусусий баҳоловчи ташкилотлар томонидан мулк баҳоланганда ҳақиқий баҳосига яқин, кўп ҳолларда ундан ҳам баланд баҳоланишини кузатишимиз мумкин. Лекин ушбу баҳоланган мулк қиймати тўғрисида солиқ органларига маълумот киритилмайди ва бу ўз навбатида солиқ ҳисобланмасдан қолишига олиб келмоқда.

Кўчмас мулк солиғи ҳамда мулкни бозор баҳосига ўтказиш бўйича иқтисодчи олимлар томонидан қўйидаги фикрлар билдирилган.

Кўчмас мулк солиғининг базаси мулкнинг бозор баҳосига яқинлаштирилган кадастр қийматидан иборат бўлиши ушбу солиқ ставкаларини ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этади. Мулкнинг ҳақиқий бозор баҳоси қурилишнинг сифати, турар жойнинг қулайлиги, кўркамлиги ва бошқа қатор мезонлар асосида шаклланади (Ниязметов, 2017).

Хорижий тажрибаларда солиққа тортишдаги ижтимоий адолат таъминланиши учун кўчмас мулк солиғи ставкасини белгилашда амалдаги турар жойларнинг майдони ошиб боришига қараб эмас, балки мулкнинг бозор (кадастр) қиймати ошиб боришига қараб прогрессив механизм асосида белгилаш принципига амал қилинади. Бундан ташқари ривожланган мамлакатларда кўчмас мулкни солиққа тортишда “0” фоиз қўлланиладиган, яъни солиққа тортилмайдиган қиймат чегаралари белгиланади. Шу сабабли, кўчмас мулк солиғининг прогрессив ставкаларини жорий қилиш, шунингдек солиққа тортилмайдиган қиймат чегарасини белгилаш лозим (Ниязметов, 2017).

Бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда хусусий мол-мулк даромад олиш мақсадида уз мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Ижтимоий иқтисодий жараёнда барча бойликлар, шу жумладан, индивидлар ва корпорацияларни мол-мулкларни ҳам тўлиқ ва тўғри ҳисобга олиниши объектив заруратдир. Чунки, ҳар бир жисмоний ёки юридик шахснинг мол-мулки маълум бир давлат ҳудудида жойланганлиги унинг ушбу давлатга алоқадорлигини ифодалайди. Бундан келиб келиб чиқилмайдиган бўлса, хусусий мулк ҳам мамлакат умумий мол-мулкнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар қандай давлат хусусий мулкчиликнинг дахлсизлигини таъминлашга ва унинг қонунийлигини назорат қилишга ҳаракат қилади. (Маргулис, 2010).

Россиялик иқтисодчи Мишустин (2010) ўз тадқиқотларида бозор иқтисодиёти шароитида энг муҳим иқтисодий омиллардан ҳисобланмиш ер ва мулкка уларнинг қиймати ва солиқ сиғимкорлигини баҳолаш нуқтаи назаридан беписанд ёндашиш мамлакат иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлади. Муаллиф мулкни солиққа тортишнинг янада прогрессив шакли сифатида жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка ягона солиқни жорий этиш таклифи ва принципларини ишлаб чиққан. Унинг тадқиқотларида институционал омилларни ҳисобга олмаслик мулкни баҳолашнинг объектив натижалари бузилишига, ушбу солиқ тури фискал салоҳиятининг пасайишига ва маъмурчилигининг ёмонлашишига олиб келиши айтилади. Мишустин, икки мажбурий тўлов (мол-мулк солиғи ва ер солиғи) ўрнига кўчмас мулкка ягона солиқни жорий этиш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, кўчмас мулк солиғи билан боғлиқ энг муҳим муаммолардан бири, бу – солиқ тўловчилар тўлов

қобилияти ва мулк қийматининг кўп ҳолларда ўзаро мувофиқ келмаслигидир. Ушбу муаммони маълум даражада юмшатиш учун муаллифлар томонидан мулкнинг солиқдан озод қилинадиган чегарасини, шунингдек, кишиларнинг кексалиги, ногиронлиги ёки бошқа шароитларини ҳисобга олиб солиқ базасини камайтирувчи ижтимоий чегирмаларни ўрнатиш таклиф қилинади.

Кўчмас мулкка солиқ киритиш орқали аҳолининг кам таъминланган қатламини қийин аҳволга солиб қўймаслик учун ушбу солиқ механизмига «солиққа тортилмайдиган қиймат» элементини киритиш лозим. Бундай тартибнинг ўрнатилиши ўз-ўзидан фуқароларнинг катта мулкка эга бўлмаган қатламини мулк солиғидан озод қилади. Шу орқали солиққа тортишдаги вертикал ижтимоий адолат таъминланади.

Мулкни баҳолаш фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотларни ягона дастурга улаш ва ушбу дастурни давлат солиқ хизмати органлари билан интеграциялаш, интеграциялашмаган баҳолаш ташкилотлари томонидан тақдим этилган баҳолаш хулосаларини нотариус, банк ва бошқа ваколатли органларда ўтказмаслик таклиф қилинади.

Кўчмас мулк объектларини баҳолаш тизимини хориж тажрибасини, жумладан, мулкни баҳолаш бўйича Недерландия 3D тизимини Республикамизни маълум бир ҳудудда қўллаш бўйича таклиф берилди.

*Абдуллаева А.Р.
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ
қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти
мустақил тадқиқотчи (PhD)*

ЭКСПОРТЁРЛАРНИНГ ТИФНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИДАГИ РИСКЛАР

Аннотация. Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон экспортчиларининг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган солиқ рискларининг асосий жиҳатлари ўрганилган.

Калит сўзлар: экспорт, экспортчи, солиқ, ташқи иқтисодий фаолият, суғурта, риск, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), импорт, божхона режими, экспорт декларацияси.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг тезлашиши мамлакатнинг рақобатли устунликка эга бўлиши ва ташқи савдода хавфсизликнинг таъминлаши учун фақат табиий ресурсларга ва хом-ашёга эга эканлиги эмас, балки жаҳон бозорида ўз товарлари билан савдо қила олишига ҳам боғлиқ бўлиб қолди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро савдо жараёнларида ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида йил сайин ўз ташқи имкониятларини ошириб, экспорт таркиби ва географиясини кенгайтириб бормоқда. Бугунги кунда

Ўзбекистон жаҳоннинг 171 та мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб, унинг асосий савдо ҳамкорлари Хитой Халқ Республикаси (18,2 %), Россия Федерацияси (17 %), Қозоғистон (10,4 %), Туркия (8,7 %), Корея Республикаси (4,6 %), Қирғизистон Республикаси (2,4 %) ва Афғонистон (2,0 %) бўлиб ҳисобланади [1].

Ўзбекистоннинг 2016-2020 йиллардаги экспорт ҳажмини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу давр мобайнида экспорт ҳажмининг импорт ҳажмидан паст бўлганини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

2016-2021 йилларда Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт ҳажми, млрд доллар[2]

	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Экспорт ҳажми	12 094,6	12 553,7	13 990,7	17 458,7	15 200	16 610
Импорт ҳажми	12 137,6	14 012,4	19 439,2	24 292,3	21 100	25 460

Пандемия таъсирида бўлган 2020 йилнинг натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, йил давомида Ўзбекистоннинг ташқи савдодаги асосий шериги сифатида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) қайд этилган. Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 6,43 миллиард АҚШ долларини ташкил қилиб, шундан 1,93 миллиард АҚШ доллари экспорт улушига тўғри келган. Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида Россия иккинчи ўринда бўлиб, экспорт ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Кейинги ўринларда Қозоғистон, Жанубий Корея, Туркия, Қирғизистон, Германия жой олган. Энг эътиборлиси шундаки, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларининг барчаси ЖСТнинг аъзоси ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 10та йирик ҳамкор давлатлар орасидан фақат 2 таси, яъни Қирғизистон ва Афғонистон билан актив, қолган 8та давлатлар билан пассив ташқи савдо баланси кузатилган [3].

Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятида йирик корхоналар билан биргаликда, ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикасидан товарларни олиб чиқиш экспорт шартномаси ва экспортёрнинг счё-фактураси ва қуйидаги келтирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

Қадоқлаш рўйхати: ялпи оғирлиги, бўлақлар сони, қадоқлаш ҳақида маълумот;

Транспорт ҳужжатлари: юк хати, темир йўл юк ҳужжати, ҳаво юк хати;

Сертификатлар, лицензиялар ва бошқа рухсатномалар;

Товарнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлар (сертификатлар, сифат сертификатлари ва бошқалар);

Божхона тўловларини тўлаш учун тўлов топшириғи;

Сотувчининг ҳисоб рақамига пул тушганлиги тўғрисидаги тўлов топшириғи (100% олдиндан тўлов);

Товарларнинг техник тавсифи;

Хизматлар нархи ва тўлов усули кўрсатилган товарларни етказиб бериш шартномасининг нусхаси (FCA, FOB, EXW шартлари бўйича товарларни етказиб бериш учун);

Берилган счё-фактурага мувофиқ етказиб бериш хизматлари учун тўлов фактини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжатлари;

Шартнома ва етказиб бериш шартларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар: юкни суғурта қилиш ҳужжати, олдиндан тўлов ҳужжати ва бошқалар.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси, агар ушбу божхона органининг фаолият зонасида биринчи марта рўйхатга олинган бўлса, уни божхона органларида рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари тўплами талаб қилинади. Божхона вакили билан шартнома тузиш ва товарлар декларациясини рўйхатдан ўтказиш учун таъсис ҳужжатларининг нусхаларини тақдим этиш кифоя .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015-йил 20-июлдаги “Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 197-сон қарорига мувофиқ “Экспорт” божхона режими остидаги товарларни божхонага олиб чиқиш учун божхона органларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

- юк божхона декларацияси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўловчи божхона декларациясини тўлдириш йўли билан товарларни декларациялаш ва битта счё-фактура бўйича беш минг АҚШ долларигача бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳоллари бундан мустасно:

- юк ташиш ҳужжатлари, қадоқлаш варақаси бундан мустасно.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг илтимосига биноан божхона расмийлаштируви учун барча зарур ҳужжатлар, шу жумладан ваколатли органлар ҳужжатлари қоғозда тақдим этилиши мумкин.

Товарларни электрон шаклда божхона расмийлаштируви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 августдаги 605-сон қарори билан тасдиқланган “Товарларни электрон шаклда божхона декларациясини расмийлаштириш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда давлат божхона органлари томонидан қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши тақиқланади:

ушбу қарорда назарда тутилмаган;

давлат божхона хизмати органлари ихтиёрида ёки давлат хизматларини кўрсатувчи бошқа давлат органларида ва бошқа ташкилотларда мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 14-майдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операцияларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали Ташқи савдо операцияларининг ягона ахборот тизимига электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда ташқи савдо шартномалари ва ҳисобварақ-фактуралар тўғрисидаги маълумотларни киритиш [4].

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатда экспорт божлари ва солиқлар қўлланилмайди. Аксинча, ҚҚСни қайтариш тизими қўлланилади.

1-расм

Қўшилган қиймат солиғининг ўрни қопланишни амалга ошириш босқичлари [5]

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органларига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ариза тақдим этади.	Заруратга кўра
2-босқич	Солиқ органи Ариза берувчи	Солиқ тўловчининг ушбу Низомда назарда тутилган иловаларсиз аризаси тақдим этилган аризаларни кўриб чиқмаган ҳолда солиқ тўловчига қайтаради. Аризаси кўриб чиқилмаган ва қайтарилган солиқ тўловчи, ушбу Низомда назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда, қайта ариза беришга ҳақли.	Беш кун мобайнида Заруратга кўра
3-босқич	Солиқ органи	Аризада қайд этилган, қопланаши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси асосланганлиги юзасидан камерал солиқ текшируви ўтказилади.	1-50 кунгача бўлган муддатни ўз ичига олади.
4-босқич	Солиқ	Қўшилган қиймат солиғи	Бир кун

	органи	суммасини қоплаш (тўлиқ ёки қисман) тўғрисида қарор қабул қилади ва қарор нусхасини солиқ тўловчига унинг шахсий кабинети орқали юборади.	муддатда
5-босқич	Ариза берувчи	1. Солиқ суммасини қоплаш (тўлиқ ёки қисман) тўғрисида қабул қилинган қарорга асосан тафовут аниқланган (тафовут аниқланган ҳолларда) солиқ даври учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этади.	1. Қарорни олган кундан эътиборан уч кун мобайнида 2. Заруратга кўра
6-босқич	Солиқ органи	Солиқ суммасини (тўлиқ ёки қисман) қоплаш тўғрисидаги қарорга мувофиқ қопланиши лозим бўлган солиқ суммаси мустақил равишда солиқ тўловчининг бошқа солиқлардан бўлган солиқ қарзини узишга йўналтиради.	Бир кун муддатда
7-босқич	Солиқ органи	Қопланиши лозим бўлган солиқ суммасининг қолган қисми бўйича ушбу Низом 8-иловага мувофиқ шаклда солиқ суммасини қайтариш тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради ва электрон шаклда (ДСҚ электрон ахборот тизими орқали) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига юборади.	Бир кун муддатда
8-босқич	Молия вазирлиги Ғазначилиги	Давлат бюджети маблағлари доирасида (етарли маблағлар бўлганда) автоматик тарзда солиқ суммасини солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ўтказиши.	Бир кун муддатда

Аммо экспортёрларнинг ТИФни амалга оширишда айрим рискли жиҳатлар мавжуд:

I. Солиқ тўловчининг ҚҚСни қоплаб бериш бўйича аризасининг рад этилиши. Ушбу ҳолат аризани қайта топширишга ва бунинг натижасида ҚҚСни қайтариш муддатининг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин. Айрим экспортчилар ҚҚСнинг ўрнини қоплаган маблағлар ҳисобига бошқа солиқ тўловларини тўлашни режалаштиради. ҚҚСни қоплаб бериш даврининг узайиб кетиши бошқа солиқ турлари бўйича қарздорликларга олиб келиши мумкин;

II. Чегарани кесиб ўтиш жараёнидаги рисклар. Бундай рисклар, одатда, ЖСТга аъзо мамлакатларга экспорт қилишда ёки уларнинг ҳудуди орқали транзитни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин. Масалан, Бугунги кунда Ўзбекистон МДХ эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги битим (2013-йил) доирасида ЕвроОсиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га аъзо давлатлар билан божсиз савдо қилмоқда. ЕОИИга кириш имконияти билан Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдонинг амалдаги шартлари соддалаштирилади, чунки нотариф савдо сиёсати чораларини қўллаш чекланган (миқдорий чекловлар, акциз солиғи, санитария ва фитосанитария чоралари ва бошқалар). Бундан ташқари, ЕОИИ давлатлари ўртасидаги чегаралардан ўтиш тартиби соддалаштирилди, транзит ва ташиш тарифлари пасайтирилди, умумий стандартлар ва техник регламентлар жорий этилмоқда. Шу билан бирга, учинчи давлатлар билан савдо қилиш шартлари (МДХнинг эркин савдо шартномасида иштирок этувчи бошқа давлатлар – Молдова, Тожикистон, Украинадан ташқари) ЕОИИ Ягона божхона тарифи билан тартибга солинади.

Ҳозирда барча ЕОИИ давлатларини ўз ичига олган МДХнинг эркин савдо шартномаси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига мўлжалланган товарларни олиб чиқишда экспорт божларини қўллайди. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан МДХнинг Эркин савдо зонаси шартномасида иштирок этувчи давлатлар кунгабоқар, колза, хантал ва сояга 10% -20% миқдоридан экспорт божлари ўрнатадилар; музлатилган балиқ (балиқ филеси бундан мустасно) ва оркинос (5%), қисқичбақасимонлар (10%) ва ҳ.к [6].

III. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда божхона расмийлаштируви жараёнидаги хавфлар. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда божхона расмийлаштирувининг турли хавф-хатарларини келтириб чиқарадиган тез-тез учрайдиган ноаниқликларга эътибор қаратиш лозим. Мисол учун:

1. Божхона расмийлаштируви ва назоратини амалга оширишда божхона органлари божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни, ҳужжатларни, маълумотларни талаб қилишга ҳақли. Ушбу маълумотни тақдим этиш ташкилотнинг

мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Бундай вазиятда, яқуний қарор қабул қилиш ва қайта ишлашдан олдин барча масалаларни максимал даражада мувофиқлаштириш ва объектив ҳал қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришнинг барча босқичларида Божхона қўмитаси билан ўзаро ҳамкорлик қилишни тавсия этиш мумкин.

2. Ўзбекистон чегараси орқали ҳаракатланиш субъекти - товарлар, иш натижаси, хизматлар натижасини аниқ квалификация қилиш керак. Акс ҳолда, хизмат натижасини (аслида) моддий шаклдаги товар сифатида тан олиш хавфи мавжуд.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган таҳлиллар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

- Ўзбекистоннинг ЖСТ ва бошқа минтақавий интеграцион блоклардаги позицияси мамлакат экспортчилари учун кутилган ва кутилмаган хавфларни келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, солиқ юкининг ортиб кетиши. Бу ҳолат ташқи рисклар сирасига кириб, экспортчидан импортер мамлакатнинг солиқ режими тўғрисида кенгрок маълумот олгандан сўнг экспортни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради;

- Мамлакатда ҚҚСни қайтариш тизими қўлланилса ҳам, бу узоқ давом этадиган кўп процедураларни амалга оширишни талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, махсус солиқ маслаҳатчилари ёки солиқ бўйича аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ҚҚСни қайтариш учун ариза ва бошқа ҳужжатлаштириш жараёнини тўғри амалга оширишга кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Инфографика: Ўзбекистоннинг 2021 йил январь-октябрь ойи учун ташқи савдоси// <https://review.uz/oz/post/infografika-ozbekistonning-2021-yil-yanvar-fevral-oyi-uchun-tashqi-savdosi> (Мурожаат қилинган сана: 23.11.2021);

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

3. 2020 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 13,1 фоизга камайди// <https://kun.uz/news/2021/01/21/2020-yilda-ozbekistonning-tashqi-savdo-aylanmasi-131-foizga-kamaydi> (Мурожаат қилинган сана: 23.11.2021);

4. <https://customs.uz/ru/lists/view/118>

5. Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова. <https://lex.uz/ru/docs/4948595>

6. Участие в ЕАЭС: выгоды и риски// <http://www.cer.uz/en/post/publication/ucastie-v-eaes-vygody-i-riski>

Fayziev Farrux Abdullaxojaevich
Under the State Tax Committee
Senior Lecturer at the Fiscal Institute

FORMATION AND DEVELOPMENT OF ECONOMIC ZONES IN IMPROVING BUDGET AND TAX POLICY IN WORLD PRACTICE

Annotation

The article examines the formation and development of economic zones, the periodicity of the development of special economic zones, the development of small and medium-sized businesses in developed countries.

Keywords: Economic zones, free zones, special economic zones, industrial parks, small industrial zones

Аннотация

В статье рассматривается формирование и развитие экономических зон, периодичность развития особых экономических зон, развитие малого и среднего бизнеса в развитых странах.

Ключевые слова: Экономические зоны, свободные зоны, особые экономические зоны, индустриальные парки, малые индустриальные зоны.

Аннотация

Мақолада иқтисодий зоналарнинг шаклланиши ва ривожланиши, махсус иқтисодий зоналарнинг ривожланиш даврийлиги, ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Иқтисодий зоналар, эркин зоналар, махсус иқтисодий зоналар, саноат парклари, кичик саноат зоналари

FEZs are a catalyst for the development of competition and contribute to the implementation of antitrust policy. At the same time, neo-liberal, neo-conservative and neoKeynesian tendencies are well integrated into the economic policies of different countries. This can be confirmed by the fact that out of the existing 3500 FEZs, most of the modern FEZs over 2300 are located in countries with transitional or developing economies [1]. SEZs have a long history (figure IV.1). The concept of freeports dates back many centuries, with traders operating off ships, moving cargoes and re-exporting goods with little or no interference from local authorities.

Modern free zones, adjacent to seaports or airports or along border corridors, appeared in the 1960s. They began multiplying in the 1980s, with the spread of export-oriented industrial development strategies in many countries, especially in Asia, as well as the increasing reliance of global manufacturers on offshore production. The acceleration of international production in the late 1990s and 2000s and the rapid growth of global value chains (GVCs) generated another wave of new SEZs, with many developing countries across all regions aiming to emulate the early success stories. Global trade rules limiting

incentives linked to exports and the phasing out of exemptions to those rules for low-income countries were expected to curtail the growth of export processing zones (EPZs).

Yet the trend barely slowed, as SEZ policies adapted to the new rules, while maintaining the basic offer to investors – business-friendly environments with relief from customs and fiscal duties. The global financial crisis and the resulting dip in global trade only marginally slowed the establishment of new SEZs.

The current deceleration in globalization and international production is having the opposite effect, as governments are responding to greater competition for mobile industrial activity with more SEZs and new types of SEZs. There are nearly 5,400 SEZs today, more than 1,000 of which were established in the last five years. At least 500 more zones (approximately 10 per cent of the current total) have been announced and are expected to open in the coming years.




Fig. 1. Historical trend in SEZs (Numbers of countries and SEZs)

In addition to doubts about the economic benefits of SEZs, the very concept of establishing a regulatory regime distinct from – and in many respects laxer than – the rest of the economy has raised concerns about social standards and labour conditions in EPZs, and about their environmental impact.

Looser regulations have mostly focused on labour rules, including, for example, precarious employment arrangements and the discouragement of unions (although some studies also highlight the formal nature of jobs in SEZs and the often relatively high wages compared with those in the surrounding economy). Even where there may not be formal exemptions from national rules

such as those on health and safety, weaker controls and limited enforcement within the zones resulting from a desire to avoid disrupting businesses have often meant that standards within zones differed significantly from the rest of the economy. Despite these concerns, SEZs remain top of mind for industrial and investment policymakers, for a number of reasons. First, the relative ease of implementing business reforms through SEZs. In countries where governance is relatively weak and where the implementation of reforms nationwide is difficult, SEZs are often seen as the only feasible option, or as a first step.

Yet developing countries that have made progress towards more attractive investment climates also continue to rely on SEZs. When such progress fails to deliver better competitiveness rankings or expected foreign investment, SEZs may still be seen as a necessary complement to the investment promotion package and as a signal of the country's progress in building an attractive investment climate. Second, the perceived low cost of establishing SEZs. A key rationale for SEZs is their low cost in relative terms, compared with that of building equivalent industrial infrastructure in the entire economy. But even in absolute terms, the upfront investment costs can be contained.

Capital expenditures for the development of an SEZ – especially basic zones offering plots of land rather than hyper-modern “plug-and-play” zones – are often limited to basic infrastructure connections to the zone perimeter. Additional costs, which are mostly outsourced to a private development company, are then incurred gradually as the zone attracts investors and develops individual plots. In such cases, the government considers basic zone development costs as largely “no cure, no pay”. The development cost, as well as the cost of common services in the zones, is subsequently recovered from tenants. Much of the cost of SEZs is the income foregone from the incentives provided, which can amount to substantial revenue loss. Such foregone income is rarely a concern for policymakers when they consider establishing SEZs, however. Third, increased competitive pressure. SEZs, especially EPZs, traditionally attract internationally mobile efficiency-seeking investments, for which countries compete.

Despite the emergence of new forms of zones linked to natural resources, aimed at domestic markets or targeting innovation capabilities (e.g., science, high-tech or green zones), most SEZs remain essentially part of countries' competitive investment promotion package, together with other forms of incentives. Global FDI has been weak over the last decade. Manufacturing FDI across all developing regions has been structurally lower over the last five years than in the preceding period. In response to the tight market for investment in industrial activity, governments continue to make their investment promotion packages more attractive.

It should be noted separately that in the regions and sectors of the economy, and especially in industry, there is no optimal form of any solution that has the unconditional advantage of any country in the organization and

management of small industrial zones in the search for and effective use of untapped new opportunities for economic growth. The application of this or that tool, a new procedure or methodology of state measures for the organization and management of small industrial zones depends on the economic, social and even political situation in the country. Nevertheless, it is possible to experimentally apply effective tools and measures that are characteristic of some models of the development of small industrial zones and have become widespread, and recommend their application in practice.

Based on the experience of foreign countries, one can observe that among industrial parks there is competition for attracting residents. After all, the more residents are in the industrial zone of the region, according to the concept of its development, the greater the potential for economic development of the region, which in turn leads to an increase in revenues to the regional budget and its social development. Industrial parks, technopolises and industrial zones are one of the important mechanisms for solving problems related to the development of small and medium-sized businesses, employment and technical development of industry in developed countries. Currently, there are more than 400 industrial parks in the US and China , about 200 in Germany , 262 in Turkey , and about 200 industrial parks in Vietnam. These zones play a key role in the formation of a modern technological base for production, the introduction of innovations in production processes and the creation of high-performance products and services.

Recommended

Development through the creation of industrial parks, technopolises and industrial zones in the least developed and economically underdeveloped regions of the world, which contributes to an increase in the efficiency of using economic potential and resources, deepening industrial cooperation between large and small industrial enterprises, investment attractiveness of small industrial enterprises. zones Particular attention is paid to research on the development of competitive products and employment.

Also, research areas include the development of innovative approaches to the construction of small industrial zones, the development of conceptual models that fully cover the principles and trends of modern development, the use of these processes as an important pillar of the state economic policy.

*Safarova Nodira- TMI o'qituvchisi.
Abduvahobov Jasurbek-TMI talabasi.*

SOLIQQA TORTISH TIZIMI AMALDAGI HOLATINING O'ZIGA XOS JIHATLARI

Annotatsiya: Maqolada xorijiy davlatlarda ko'chmas mulkka soliq solish obyektlarining qiymatini shakllantirish va soliq stavkalarini belgilashdagi

yondashuvlar, shuningdek ularni soliqqa tortish, hamda soliq solishning umumiy tendensiyalari yoritilgan. Ko'chmas mulkni soliqqa tortishda zamonaviy soliq tizimlarida asos qilib olingan umumiy qoidalar va mamlakatimizda ko'chmas mulkka soliq solish bilan bog'liq muammolar o'rganilgan.

Kalit so'zlar: ko'chmas mulkka soliq solish, soliq solish obyektlarini baholash, ko'chmas mulkka soliq solish tizimlari, ko'chmas mulkning bozor narxini aniqlash bo'yicha yondashuvlar, soliq stavkalari, soliq tushumlari.

Аннотация: В статье описаны подходы к формированию стоимости объектов налогообложения недвижимого имущества и налоговых ставок в зарубежных странах, а также их налогообложению, а также общие тенденции налогообложения. Изучены общие правила налогообложения недвижимости на основе современных налоговых систем и проблемы, связанные с налогообложением недвижимости в нашей стране.

Ключевые слова: налогообложение недвижимости, оценка объектов налогообложения, системы налогообложения недвижимости, подходы к определению рыночной стоимости недвижимости, налоговые ставки, налоговые поступления.

Annotation: The article describes the approaches to the formation of the value of real estate taxable objects and tax rates in foreign countries, as well as their taxation, as well as general trends in taxation. The general rules of real estate taxation based on modern tax systems and the problems related to real estate taxation in our country have been studied.

Key words: real estate taxation, valuation of taxable objects, real estate taxation systems, approaches to determining the market value of real estate, tax rates, tax revenues.

Ko'chmas mulkka soliq solish har qanday davlat soliq tizimining ajralmas qismi hisoblanadi. Ko'pgina rivojlangan davlatlar amaliyotida ko'chmas mulk solig'i ushbu hudud aholisining ko'pgina muammolarini hal qilishga imkon beruvchi mahalliy byudjet daromadlarining muhim manbai bo'lib xizmat qiladi. Soliqqa tortishning ushbu turining mavjudligi va rivojlanishi ko'chmas mulk bozori taraqqiyotining muhim belgilaridan biri hisoblanadi. Mamlakatimizda esa mulk solig'i soliq tizimining asosiy elementi hisoblansada, uning mahalliy byudjet daromadlarini shakllantirishdagi roli unchalik katta emas. O'zbekistonda mahalliy soliqlar va yig'imlarning ma'muriyatchiligi, soliq solish mexanizmlarining samarasizligi oqibatida ularni yig'iluvchanlik darajasi yetarli emasligi, shuningdek, ko'chmas mulk va yer uchastkalarini to'liq hisobga olish hamda qiymatini obyektiv aniqlashning mavjud emasligi mol-mulk va yerlarni soliqqa tortish tartibini o'zgartirish bugungi kunda soliq tizimining dolzarb vazifalaridan biri bo'lib qolmoqda.

Mamlakatimiz Fuqarolik kodeksining 83-moddasiga muvofiq ko'chmas mulkka quyidagicha ta'rif berilgan. Ko'chmas mulk deganda bir joydan boshqa joyga uning yaxlitligi va maqsadli vazifasiga zarar yetkazmasdan olib o'tib bo'lmaydigan mol-mulk tushuniladi. Uning xususiyatlaridan biri ko'chmas

mulkning albatta yer bilan bog'liqligi hisoblanadi: u yer yuzasida (bino va inshootlar, ko'p yillik dov-daraxtlar) yoki uning qa'rida (foydali qazilmalar, suv resurslari va hokazo) joylashadi. Yer uchastkalarining o'zi ham ko'chmas mulk. Fuqarolik kodeksining 85-moddasiga muvofiq butun korxonalar mulkiy kompleks sifatida ko'chmas mulk hisoblanadi.

O'zbekistonda kadastr qiymatiga hech qanday me'yoriy hujjatda ta'rif berilmagan. Rossiya qonunchiligiga asosan, kadastr qiymati - bu ko'chmas mulk obyektining qiymatini qonun hujjatlariga muvofiq ma'lum bir sanada tuzilgan, davlat reyestrda (kadastrda) qayd etilgan hamda soliq solish maqsadlarida foydalaniladigan baholash natijasidir. Bunday baholash odatda ommaviy miqyosda amalga oshirilishi belgilab qo'yilgan.

Mamlakatimizda kadastr va yer hisobini yuritish sohasidagi qonun hujjatlari eskirganligi, hisob-kitob bo'lmaganligi sababli, 340 mingta obyektning kadastr qiymati belgilanmagan. Bir milliondan ortiq uy-joyning kadastr hujjati yo'q. Xususan, minglab gektar yerlar talon-toraj bo'lib ketgan. Demak, sohadagi muammolarni bartaraf etish uchun mol-mulk va yer hisobini aniq yuritish, bu borada

adolatni ta'minlash zarur.

Bugungi kunda mamlakatimizda ko'chmas mulkka soliq solish tizimini isloh qilish jarayonida, ko'chmas mulkka soliq solish amaliyotini muvaffaqiyatli qo'llayotgan xorijiy davlatlar juda tajribasi muhimdir. Xorijiy davlatlarda soliq solish obyektlarining qiymatini shakllantirishning ikkita asosiy tizimi mavjud:

- birinchi, davlat hokimiyati turli tarmoqlarining normativ-huquqiy hujjatlarida belgilangan qat'iy qiymat;

- ikkinchi, ko'chmas mulkni ommaviy baholashda aniqlangan qiymat (kadastr qiymati).

Dunyo mamlakatlarida ko'chmas mulk solig'ini shakllantirish va qo'llash uning to'lovchilari doirasini belgilashda mavjud bo'lgan ikkita yondashuvdan biri asosida amalga oshiriladi. Ko'chmas mulk egasiga soliq majburiyatini berish - eng keng tarqalgan variant. Ba'zida ijarachilar va ko'chmas mulkdan foydalanuvchilar soliq to'lovchilari sifatida ishtirok etishadi. Masalan, Fransiyada ikkita soliq mavjud: biri - ko'chmas mulkka (egasi soliq to'lovchi), ikkinchisi - ko'chmas mulkdan foydalanganlik uchun (soliq to'lovchi - egasi yoki ijarachi) Ko'plab xorijiy mamlakatlarda qo'llaniladigan bir qator umumiy qoidalar mavjudligiga qaramay, ularning har birida ko'chmas mulkni baholash amaliyoti o'ziga xos xususiyatlari bilan ajralib turadi.

Mamlakatimiz soliq tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar zahirida bir qator kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, soliq solish maqsadida yer va ko'chmas mulkning kadastr hisobi va qiymatini baholash bilan to'liq qamrab olish chora-tadbirlarini amalga oshirish uchun kadastr va soliq organlari ma'lumotlar bazalarini integratsiyalashtirish barobarida 2021-yildan

mol-mulk va yer solig'i o'rniga ko'chmas mulk solig'ini joriy qilish belgilab qo'yildi.

Shuningdek, yer hisobi va davlat kadastrlarini yuritish tizimida yangi bosqich boshlandi, sohani ilg'or tajriba asosida isloh qilish, yangicha boshqaruv tizimini joriy etish, yerning hisobini to'liq yuritish va raqamlashtirish bo'yicha kompleks vazifalar belgilandi. 2021-yildan boshlab davreestr.uz – ko'chmas mulk obyektleri davlat reyestri, ygk.uz – O'zbekiston Respublikasi davlat soliq Qo'mitasi huzuridaga kadastr agentligi portallari qatorida, Kadastr agentligining Milliy geoaxborot tizimiga integratsiya qilinadigan onlayn geoportal ochilishi soliq bazasi kengayishi orqali byudjetga ko'proq mablag'lar tushushiga olib keladi

Mamlakatmizning iqtisodiy rivojlanish darajasi va soliq to'lovchilarining moliyaviy ahvolini hisobga olgan holda, mol-mulkka solinadigan soliq miqdorining xorijiy davlatlar bilan taqqoslanishi soliq to'lovchilarga jiddiy ta'sir ko'rsatishi va soliqlarni to'lash bo'yicha qarz majburiyatlarining o'sishiga, hamda aholi turmush sifatining pasayishiga olib kelmasligi uchun ko'chmas mulkni soliqqa tortishda ijtimoiy adolatni ta'minlash muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Farmon (2018) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 29-iyundagi "O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risida"gi 5468-son.
2. Григорева Л.Г. (2017) Налогообложение объектов недвижимости в России и за рубежом // М.: «Российская газета». №. 11, – с. 80.
3. Грибовский С.В., Лейфер Л.А., Нейман Е.И. (2010) О концепции оценки недвижимости для целей налогообложения // Имущественные отношения в Российской Федерации. №. 5.
4. Батура О.В., Шавров С.А., Косенкова Ю.Ю. (2014) Зарубежный опыт налогообложения недвижимости // Экономика и экономические науки. №. 4.
5. Dyakova E.B., Basangova D.V., Ermochenko O.N., & et al. (2013) The introduction of real estate tax: problems and prospects. Volgograd: Volgograd State University Publ. 135 p.

*Dots. Bozorov F.O., TMI
TMI talabasi Sayfiyeva P.O.*

RIVOJLANAYOTGAN MAMLAKATLAR OLDIDA TURGAN SOLIQ SIYOSATI MUAMMOLARI

Annotatsiya: Maqolada rivojlanayotgan mamlakatlarda samarali soliq tizimini yaratishdagi muammolar, ularning xususiyatlari, hamda soliq

imtiyozlarining soliq siyosatidagi o'рни va ahamiyati to'g'risida fikr va mulohazalar yuritilgan.

Kalit so'zlar: soliq, savdo to'siqlari, kapital oqimi, integratsiyalashuv, investitsiya.

Nima uchun soliqlar kerak? Oddiy javob shundaki, yaxshiroq yo'l yo'qligi sababli soliqqa tortish ko'pchiligimizga kerak bo'lgan tovarlar va xizmatlarga davlat xarajatlarini moliyalashtirish uchun daromad olishning yagona amaliy vositasidir. Biroq, samarali va adolatli soliq tizimini yaratish, ayniqsa, xalqaro iqtisodiyotga kengroq integratsiyalashuvga intilayotgan rivojlanayotgan mamlakatlar uchun oson ish emas. Bu mamlakatlardagi ideal soliq tizimi davlatning ortiqcha qarz olishiga yo'l qo'ymasdan, zarur daromadlarni ta'minlashi va bu iqtisodiy faollikni kamaytirmasdan va boshqa mamlakatlardagi soliq tizimlaridan ortiqcha chetga chiqmasdan amalga oshirilishi kerak.

Rivojlanayotgan mamlakatlar samarali soliq tizimini yaratishga harakat qilganda, ular qiyin muammolarga duch kelishadi. Birinchidan, bu mamlakatlardagi ishchilarning aksariyati qishloq xo'jaligida yoki kichik korxonalarining uyushmagan sektorida band bo'lishga moyil. Ular kamdan-kam hollarda muntazam, qat'iy ish haqi olishlari sababli, ularning daromadlari o'zgarib turadi, ko'plab ishchilar kitoblarda aks ettirilmagan holda naqd pul bilan to'lanadi. Shuning uchun daromad solig'i uchun bazani hisoblash qiyin. Bundan tashqari, ushbu mamlakatlardagi ishchilar odatda o'z daromadlarini savdo va inventarlarning aniq hisobini yuritadigan yirik do'konlarda sarflamaydilar. Natijada, daromad solig'i va iste'mol solig'i kabi zamonaviy daromad vositalari bu mamlakatlar iqtisodiyotida kamroq rol o'ynaydi, shu bilan birga davlat tomonidan soliqlarning yuqori darajasi ehtimoli amalda istisno qilinadi.

Ikkinchidan, soliq organlari xodimlariga yaxshi maosh to'lash va ularning faoliyatini kompyuterlashtirish (hatto, samarali telefon va pochta aloqalarini ta'minlash) uchun mablag' yetarli bo'lmaganda, soliq to'lovchilar malakali va malakali kadrlarsiz samarali soliq ma'muriyatini yaratish qiyin. sizning daromadingizni kuzatib borish qobiliyati cheklangan.

Natijada, hukumatlar ko'pincha oqilona, zamonaviy va samarali soliq tizimlarini yaratish o'rniga, har qanday imkoniyatdan foydalanishga imkon beradigan soliq tizimlarini yaratish orqali eng kam qarshilik ko'rsatish yo'lidan boradi.

Uchinchidan, ko'pgina rivojlanayotgan mamlakatlarda iqtisodiyotning tashkiliy tuzilmasi va moliyaviy cheklovlar tufayli statistika va soliq organlari ishonchli statistik ma'lumotlarni olishda qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Bunday ma'lumotlarning yo'qligi siyosatchilarga soliq tizimidagi jiddiy o'zgarishlarning mumkin bo'lgan ta'sirini baholashga to'sqinlik qiladi. Natijada, kichik o'zgarishlar ko'pincha asosiy tarkibiy o'zgarishlardan afzalroq bo'ladi, hatto ikkinchisi aniq afzal bo'lsa ham. Bu samarasiz soliq tuzilmalarini davom ettirmoqda.

To'rtinchidan, rivojlanayotgan mamlakatlarda daromadlar notekis taqsimlanadi. Bunday sharoitda yuqori soliq tushumlari boylarni kambag'allarga qaraganda ko'proq soliqqa tortishni talab qiladi. Biroq, boy soliq to'lovchilarning iqtisodiy va siyosiy ta'siri ko'pincha ularning soliq yukini oshiradigan fiskal islohotlarni amalga oshirishga to'sqinlik qiladi.

Bu qisman nima uchun ko'plab rivojlanayotgan mamlakatlar shaxsiy daromad va mulk solig'idan to'liq foydalanmasligini va ularning soliq tizimlari kamdan-kam hollarda qoniqarli progressivlikka erishayotganini (ya'ni, boylar mutanosib ravishda ko'proq soliq to'laganda) tushuntiradi.

Va nihoyat, rivojlanayotgan mamlakatlarda soliq siyosati ko'pincha amalga oshiriladi, bu optimumga intilish emas, balki mumkin bo'lgan san'atdir. Shuning uchun iqtisodiy nazariyaga oid adabiyotlar, ayniqsa, optimal soliqqa tortish bo'yicha ushbu mamlakatlarda soliq tizimlarining tuzilishiga nisbatan kam ta'sir ko'rsatsa, ajab emas. Shu munosabat bilan, hozirgi vaqtda ko'plab rivojlanayotgan mamlakatlar oldida turgan soliq siyosati masalalarini muhokama qilishda ushbu risola mualliflari Xalqaro Valyuta Fondining ushbu mamlakatlarga soliq siyosati bo'yicha maslahatlar berish bo'yicha keng ko'lamli, amaliy, birinchi qo'l tajribasiga tayanadi. Bu masalalar ham makroiqtisodiy (soliq tushumlarining darajasi va tuzilishi), ham mikroiqtisodiy (aniq soliqlarni qurish aspektlari) nuqtai nazaridan ko'rib chiqiladi.

Jahon iqtisodiyotiga to'liq integratsiyalashuvga intilayotgan rivojlanayotgan mamlakatlar hukumatlari sanoati rivojlangan mamlakatlardagi kabi rol o'ynashi uchun soliqlarning yuqori darajalariga muhtoj bo'lishi mumkin. Sanoati rivojlangan mamlakatlar hukumatlari o'rtacha hisobda ikki barobar ko'p soliq tushumlarini oladi. Rivojlanayotgan mamlakatlar tashqi savdo soliqlariga qaramligini keskin kamaytirishlari va shu bilan birga salbiy iqtisodiy rag'batlarni yaratmasliklari, ayniqsa, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bo'yicha katta daromad keltirishi kerak bo'ladi. Ushbu muammolarni hal qilish uchun ushbu mamlakatlardagi siyosatchilar o'z siyosatlariga ustuvor ahamiyat berishlari va talab qilinadigan islohotlarni amalga oshirish uchun siyosiy irodaga ega bo'lishlari kerak. Siyosatdagi zarur o'zgarishlar soliq ma'muriyatchiligini kuchaytirish bilan birga olib borilishi kerak.

Savdo to'siqlari olib tashlanishi va kapitalning harakatchanligi ortib borayotganligi sababli, sog'lom soliq siyosatini shakllantirish rivojlanayotgan mamlakatlar uchun asosiy muammoga aylanadi. Tashqi savdo soliqlarini ichki soliqlar bilan almashtirish zarurati chet ellik investorlar tomonidan foydani chetlashtirish borasidagi xavotirlarning kuchayishi bilan birga keladi. Ko'pgina rivojlanayotgan mamlakatlarda uning oldini olishning iloji yo'qligi hozirgi vaqtda soliq qonunchiligining soliq qonunchiligining qonunbuzarliklarga nisbatan samarasizligi, shuningdek, soliq tekshiruvchilarining texnik tayyorgarligi yetarli emasligi bilan bog'liq. Shunday ekan, bu kamchiliklarni tezroq bartaraf etishga harakat qilish zarur.

Erkinlashtirilgan kapital oqimi dunyosida yana bir siyosiy muammo soliq raqobatidir. Soliq imtiyozlarining samaradorligi - boshqa zarur asoslar mavjud bo'lmaganda - juda shubhali. Bunday imtiyozlar bilan to'yingan soliq tizimi muqarrar ravishda nomaqbul foyda olishga qaratilgan faoliyat uchun qulay zamin yaratadi. Rivojlanayotgan bozorlar ildiz otishini ta'minlash uchun rivojlanayotgan mamlakatlarga investitsiyalarni ko'paytirishning asosiy vositasi sifatida noto'g'ri maqsadli soliq imtiyozlariga tayanishdan voz kechish tavsiya etiladi.

Nihoyat, ko'pgina rivojlanayotgan mamlakatlarda shaxsiy daromad solig'i jami soliq tushumining juda kichik miqdorini tashkil qiladi. Tarkibiy, siyosiy va ma'muriy omillar bilan bir qatorda, bu natijaga jismoniy shaxslarning o'zlari olgan daromadlarini chet elga investitsiya qilish qulayligi ham katta yordam beradi. Shuning uchun bunday daromadlarni soliqqa tortish rivojlanayotgan mamlakatlar uchun nihoyatda qiyin vazifa hisoblanadi. Bu, ayniqsa, bir qator Lotin Amerikasi mamlakatlarida muammoli bo'lib, ular moliyaviy kapitalning xorijga ketishining oldini olish maqsadida moliyaviy daromadlarga soliq solishni to'xtatgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Vito Tanzi va Xouell Zee, "Rivojlanayotgan mamlakatlar uchun soliq siyosati", 2015-yil.

2. Jon Norregaard va Valeri Reppelen-Xill, "Ifloslanishga qarshi kurash: soliqlar va realizatsiya qilinadigan kvotalardan foydalanish", 2012 yil.

3. "Kapital harakatlarini liberallashtirish: ayrim tahliliy masalalar." Barri Eichengreen, Maykl Mussa, Jovanni Dell'Aricea, Enrica Detragiache, Gian Mariya Milesi-Ferretti va Endryu Tvidi. 2019 yil.

Тураев.А

*Самарқанд иқтисодийёт ва
сервис институти ассистенти*

КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ қонунчилги асосида давлат бюджетига тўланадиган мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланиши орқали бюджет даромадлари қисмини оширишда камерал текширувининг ахамияти муҳимдир. Мақолада камерал солиқ текширувининг унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан таҳлиллар натижаси асосида тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: субъект, назорат, текширув, камерал текширув, бюджет, солиқ, солиқ назорати.

Annotation:In this article, the importance of in-house control of the activities of business entities in increasing the share of budget revenues due to the correct calculation of mandatory payments to the state budget on the basis of tax legislation is important. The article analyzes the features of a cameral tax audit. Recommendations are given by the author based on the results of the analysis.

Key word: subject, control, check, cameral check, budget, tax, tax control.

Аннотация:В данной статье важно значение камерального контроля деятельности субъектов хозяйствования в увеличении доли доходов бюджета за счет правильного исчисления обязательных платежей в государственный бюджет на основании налогового законодательства. В статье анализируются особенности камеральной налоговой проверки. Рекомендации даны автором по результатам анализа.

Ключевые слова: предмет, контроль, проверка, камеральная проверка, бюджет, налог, налоговый контроль.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун кулай ва зарурий шарт-шароитлар яратиш давлат иқтисодий-молиявий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органлари ноқонуний текширувлари ва асосиз тадбиркорлик фаолиятига аралашувлар корхона молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ҳамда улар ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллардан бири ҳисобланади.

Хусусан, мамлакатимизда солиқ юкини пасайтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга қарамадан Самарқанд вилояти бўйича 2021 йил 11 ойи мобайнида ўтказилган солиқ назорати тадбирлари давомида жами 6745 та ҳолатда солиқ қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Ушбу ўтказилган текширувларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан аниқланган солиқ ҳуқуқбузарликлари бўйича 442,8 млрд. сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган¹. Ушбу ҳолатлар солиқ ҳуқуқбузарликлари келиб чиқиш сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш зарур долзарб масалалардан эканлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Самарқанд вилояти бўйича 2021 йилда жамт ўтказилган солиқ текширувлари асосида қуйидаги кўрсаткичларни намоён этмоқда (1-расм).

Яъни 2021 йилда Самарқанд вилояти бўйича ўтказилган солиқ назорати тадбирлари давомида барча худудлар кесимида камерал солиқ

¹ Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

текширувлари сони 6647та ташкил этган бўлса, сайёр солиқ текширувлари эса 1208та ҳамда солиқ аудити текширувлари сони 1032 тани ташкил этган ҳолда жами 6745 та солиқ текширувлари ўтказилганлигини гувоҳи бўлдик.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ушбу солиқ текширувлари орасида камерал солиқ текширувларини ўтказиш бўйича чиқарилган бўйруқлар сон жихатдан устунлик қилаётганини кўришимиз мумкин. Бу эса камерал солиқ текширувлари жараёнида хали ҳам мавжуд муаммоларборлигини кўрсатмоқда.



1-расм. 2021 йилда Самарқанд вилоятида ўтказилган солиқ текширувлари сони¹

Камерал солиқ текшируви – солиқ тўловчилар(солиқ агентлари) томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисобланишини, ўз вақтида ва тўлиқ бюджет тизимида тўланишини текшириш мақсадида солиқ тўловчи, солиқ агентлари томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ органида мавжуд бўлган солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказиладиган текширув ҳисобланади.

Хусусан, мамлакатимизда солиқ назоратини тартибга солишда 2021 йил 7 январда “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” Низом кучга кирди².

Ушбу низомга асосан камерал солиқ текширувини ўтказиш тартиби қуйдагича амалга оширилиши белгиланди:

¹ Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва уларни солиқ хавфи даражаси бўйича тоифалаш тартиби тўғрисида” Қарори: 2021 йил 7 январ № 1

- Камерал солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) расмийлаштириладиган буйруғи асосида ўтказилади;
- Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ асосида фақат битта солиқ тўловчи текширувдан ўтказилади;
- Камерал солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда солиқ тўловчининг номи ва унинг идентификация рақами, текширувчи шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, камерал солиқ текширувини ўтказиш муддатлари, текширилаётган давр кўрсатилади;
- Камерал солиқ текширувида солиқ органининг икки ва ундан ортиқ текширувчи мансабдор шахслари қатнашганда, текшириш жараёнини бошқариш ва натижаларини умумлаштиришга буйруқда фамилияси биринчи кўрсатилган текширувчи жавобгар шахс ҳисобланади;
- Камерал солиқ текширувини ўтказиш муддати камерал солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган санадан бошланади;
- Камерал солиқ текширувининг умумий муддати олтиш кундан ошиши мумкин эмаслиги;
- Камерал солиқ текшируви давомида солиқ органи низомда белгиланган шаклда расмийлаштирилган сўровнома асосида солиқ тўловчидан солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бирламчи ҳужжатларни, бухгалтерия ҳисоби регистрларини ҳамда бошқа ҳисоб ҳужжатларини, тақдим этилган солиқ ҳисоботи ва ҳисоб ҳужжатларига доир тушунтиришларни, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотни талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги;
- Сўровномада кўрсатилган ҳужжатлар ва тушунтиришлар солиқ тўловчи томонидан солиқ органига сўровнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши кераклиги;
Tijorat ko‘chmas mulk obyektlarining kadastr qiymatini baholash ko‘pincha bu obyekt uchun ijara miqdoriga asoslanadi, chunki O‘zbekistonda turar-joy bo‘lmagan binolarni ijaraga olish bozori, maxsus internet saytlarida reklamalar soniga qarab, ularni sotib olish va sotish uchun bozordan sezilarli darajada faolroqdir.¹ Darhaqiqat, tijorat ko‘chmas mulkini soliq maqsadlarida baholash ularning hozirgi ishlatilishiga bog‘liq.

Turli sinflar uchun progressiv soliq shkalasi yoki bir nechta proporsional stavkalaridan foydalanish soliq ma‘muriyatchiligini murakkablashtiradi va soliq shaffofligini buzadi. Ammo ba’zida siyosiy sabablar bunday qarorlarning maqsadga muvofiqligiga olib kelishi mumkin. Xususan, O‘zbekistonda jismoniy shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq eng murakkab shaklda mavjud, mahalliy hokimiyat har bir ko‘chmas mulk turiga o‘z soliq stavkalarini belgilash huquqiga ega bo‘lganda (xona, kvartira, uy, yakka ko‘chmas mulk majmuasi, garaj, tugallanmagan qurilishi, shuningdek boshqa turar joy bo‘lmagan ko‘chmas mulk), soliqqa tortish uchun mo‘ljallangan, shuningdek, har bir turdagi kadastr qiymati, obyekt turi yoki uning joylashuvi parametrlariga muvofiq o‘zboshimchalik bilan hududlashtirishni tashkil qiladi, bu amalda ko‘pincha progressiv o‘lchovni belgilashda namoyon bo‘ladi. Eslatib o‘tamiz, 2018-yilgacha soliqning ma‘lum ulushi kadastr qiymatiga emas, balki inventarizatsiya qiymatiga ko‘ra hisoblab chiqarilgan. Soliq solish maqsadida ko‘chmas mulkni amaliy baholashning mumkin bo‘lgan nozik jihatlarini hisobga oladigan bo‘lsak, O‘zbekistonda mulkka (shu jumladan, jismoniy shaxslarga) soliq solish asossiz darajada murakkablashgan.

Odatda stavka markaziy hukumat tomonidan belgilanadi. Rivojlanayotgan va o‘tish davri iqtisodiyoti bu variantga moyil bo‘lib, unda mahalliy hokimiyat mulk solig‘ini samarali boshqarish uchun yetarli imkoniyatlarga ega emas. Odatda, bu yondashuv soliq bazasini maydonlar o‘lchami bo‘yicha aniqlash bilan birlashtiriladi, ko‘pincha bunda rivojlanmagan ko‘chmas mulk bozori o‘rin tutadi.

Shuningdek, mahalliy hokimiyat organlari soliq stavkalarini belgilashda to‘liq erkinlikka ega. Federal tuzilishga ega rivojlangan mamlakatlardagi vaziyat bu variantga yaqinroq.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi <https://ygk.uz/>

Ammo, ko‘pincha, markaziy hukumat tegishli cheklovlarini joriy qilganda, oraliq ssenariylar mavjud bo‘lib, ular doirasida mahalliy hokimiyatlar ham ayrim cheklovlarni tanlash erkinligiga ega. Bunday nazoratning ayrim mexanizmlari O‘zbekistonda keng tarqalgan:

- mulk solig‘i stavkasining umumiy chegarasi;
- mulk solig‘i stavkalari bo‘yicha maxsus cheklovlar;
- mulk solig‘ini yig‘ish bo‘yicha cheklovlar;
- daromad yoki xarajatlarning umumiy o‘shishiga cheklovlar;
- qayta baholash bo‘yicha o‘shish cheklovlari,
- to‘liq oshkor qilish talabi.

Mol-mulk solig‘i stavkasi yoki undirilishi bo‘yicha cheklovlar soli stavkalarini belgilash masalasini o‘rganishda e‘tiborga olishni talab qiladi, lekin ular soliq imtiyozlari mavzusi bilan bir-biriga to‘g‘ri keladi. Keling, ularning har birini AQSHda qanday ishlatilishini misol yordamida qisqacha tasvirlab beraylik.

Mulk solig‘i stavkasining umumiy chegarasi maksimal stavkani – xalq tomonidan ovozga qo‘ymasdan oshirib bo‘lmaydi. Qo‘shma Shtatlarda bu chegara barcha mahalliy hokimiyatlarning (grafliklar, munitsipalitetlar va tumanlar) yig‘ma soliq stavkasiga nisbatan qo‘llaniladi. Bu cheklash, agar reytingni ko‘tarish chegarasi bilan birlashtirilsa, majburiy hisoblanadi. Aks holda, uni baholash amaliyotini o‘zgartirish orqali va davlat xizmatlarining ayrim turlari uchun o‘zaro fondler orqali ham osonlikcha chetlab o‘tish mumkin. Qo‘shma Shtatlarda 11 shtat umumiy soliq stavkasini 1 foizdan 3,64 foizgacha belgilagan.

Mol-mulk solig‘i yig‘ish bo‘yicha cheklovlar, stavkasidan qat’i nazar, mol-mulk solig‘idan olinadigan umumiy daromadni cheklaydi. Ko‘pincha yillik ruxsat etilgan to‘lovlar foiz oshishi sifatida kiritiladi. Majburiy bo‘lgan, bu soliqni yig‘ish qat’iy belgilangan, lekin bu holda mahalliy hokimiyat organlari boshqa daromad manbalaridan (masalan, daromad solig‘i va sotishdan olinadigan soliqlar) foydalanishga katta vasvasaga tushadi, bu esa mulk solig‘ini ko‘paytirishdan ko‘ra kamroq bo‘lishi mumkin.

Mol-mulk solig‘i yig‘ish bo‘yicha cheklovlar yig‘imlarning yillik maksimal o‘shishini belgilaydi. Ba’zi shtatlar faqat ko‘chmas mulkni qayta baholashdan so‘ng ruxsat etilgan o‘shishga cheklovlar qo‘yadilar. Shtat yoki grafliklar bo‘ylab daromadni chegaralash daromadni qaytarish chegarasi deb ataladi (agar qayta baholash har yili o‘tkazilmasa). Qaytarilish yig‘imlar oshmasligi uchun soliq stavkalarini to‘g‘rilashni talab qiladi, biroq ba’zi shtatlar soliq bazasini kengaytirishdan tushgan daromadning o‘shishini hisobga olmagan holda inflyatsiyaga mos keladigan ruxsat etilgan foiz o‘shishini belgilaydi (masalan, yangi qurilish tufayli). Shtatlar bo‘yicha ruxsat etilgan o‘shish juda katta farq qiladi, Kanzas va Luizianada 0 foizdan Delaverda 15 foizgacha.

Odatda, ko‘chmas mulk solig‘i mahalliy byudjetlarga tushadi. Biroq, markaziy organlar ushbu soliq tushumlarini davlat byudjetlari o‘rtasida

taqsimlash to'g'risida qaror qabul qilishlari mumkin. Masalan, Estoniya yer solig'idan tushgan daromad markaziy va mahalliy hukumatlar o'rtasida taqsimlanadi. Ko'chmas mulk (yoki ularning bir qismi) bo'yicha soliqlar ko'rinishidagi daromad Avstriya, Ozarbayjon, Albaniya, Belgiya, Buyuk Britaniya, Daniya, Gretsiya, Irlandiya, Ispaniya, Latviya, Rossiya, AQSH, Shvetsiya, Estoniya markaziy hukumatlariga tushadi.

Mahalliy byudjetlarga tushadigan mol-mulk solig'i stavkasini yuqoridan (fuqarolarning soliqlarning haddan tashqari yuklanishi va uy-joy bozorida salbiy oqibatlarining oldini olish uchun) va pastdan (mahalliy siyosatchilarning mumkin bo'lgan populizmini rag'batlantirmaslik uchun) cheklash oqilona natija beradi.

*Adhamov SH., TMI talabasi
Ibragimov. B., Toshkent Moliya instituti
"Soliqlar va soliqqa tortish" kafedrası
katta o'qituvchisi, Phd*

ISLOM MOLIYASI SHAROITIDA SOLIQ SIYOSATINI OLIB BORISH TAMOYILLARI

Dunyoning ko'plab rivojlangan mamlakatlari tajribasidan allaqachon o'tgan va ularning 150 tasidan ortig'ida qo'llanilayotgan Islom moliyasi bugungi kunda yurtimizda ham jadal rivojlanayotganiga guvoh bo'lmoqdamiz. Bu turdagi moliyaviy boshqaruvning nisbatan soddaligi va mamlakat aholisining manfaatlarini ham rag'batlantirishi uning tez sur'atlarda yoyilishiga zamin yaratmoqda.

Islom dini ta'limotiga ko'ra, barcha mol-mulklar sohibi – Yaratganning yolg'iz o'zi bo'lib, qaysi bandasiga qancha boylik berish u zotning xohish-irodasi bilan amalga oshadi. Yaratgan o'zining adolatli mezoni bilan ba'zi bandalarni boshqalarga qaraganda ko'proq mol berib sinaydi. Boylikka ruju' qo'yish, uni hamma narsadan afzal deb bilib qolishdan saqlanish uchun insonlar o'z mablag'laridan ixtiyoriy va majburiy tarzda boshqalarga infoq-ehson qilishlari mumkin. Ixtiyoriy ehsonlarga hadya, sadaqa kabilar kirsas, majburiylari qatoriga zakot, ushr, fitr sadaqa, fidya va jizya kabilar kiradi.

Islom dini rivojlanishining dastlabki yillarida fay (urushlarda olingan o'lja) va sadaqa asosiy moliyaviy manbalar hisoblangan. Ikkinchi hijriy yilda zakotning farz bo'lishi bilan, u asosiy moliya manbaiga aylandi. Zakot naqd pullardan, shuningdek chorva mollari, tijorat mollari, kon va xazinalardan olinardi. Yerdan chiqqan hosildan esa ushr olingan. Musulmonlar bilan birga istiqomat qiladigan g'ayridinlarning tinchligini ta'minlash maqsadida ulardan jizya solig'i olingan. Demak, Payg'ambarimiz alayhissalom davrlarida davlat xazinasi asosan quyidagi manbalar: zakot, sadaqa, xums (olingan o'ljaning beshdan bir qismi) va jizya asosida shakllantirilgan va mazkur yig'ilgan mablag'lar jamiyatning zaif qatlamlarini moliyaviy qo'llab-quvvatlash,

davlat xavfsizligini ta'minlash, yangi masjid-madrasalarni qurish, yo'llarni ta'mirlash, ko'priklar va shu kabi insonlarga manfaat keltiradigan inshootlarni barpo etish maqsadida sarflangan.

Lekin bugungi kunga kelib, bu soliqlarning bir nechtasi (xususan, jizya) qo'llanilmaydi. Islomiy mamlakat hisoblangan Eron hamda Saudiya Arabistonida zakot va ushr kabi soliqlarni uchratishimiz mumkin.

Zakot o'zbek tilida "poklanuvchi" degan ma'noni anglatadi. Zakot boylikning zaruriy mezonlariga javob beradigan barcha musulmonlar uchun diniy burchdir. Bu ko'pincha soliq sifatida qaraladigan majburiy xayriya hisoblanadi. Islom ta'limotiga ko'ra, yig'ilgan mablag` kambag'al va muhtojlarga, zakot yig'uvchilarga, yaqinda Islomni qabul qilganlarga, qarzdorlarga, umuman olganda, Alloh yo'lida sarflanadi. Bugungi kunda aksariyat musulmon davlatlarda zakot badallari ixtiyoriy ravishda beriladi: Liviya, Malayziya, Pokiston, Saudiya Arabistoni, Sudan va Yaman.

Hadisda davlat tomonidan zakot yig'ish bo'yicha tavsiyalar mavjud. To'plovchilardan belgilanganidan ko'proq narsani olmasliklari talab qilinadi va zakotni berayotganlardan to'lovdan qochmaslik so'raladi. Hadisda, shuningdek, to'lashga qodir bo'lmagan insonlardan zakot olingan taqdirda zakot oluvchilar jazo to'g'risida ogohlantirilgan.


Jismoniy shaxs tomonidan to'lanadigan zakot miqdori, pul miqdori va mol-mulk turiga bog'liq. Qur'onda qaysi boyliklarga zakot bo'yicha soliq solinishi to'g'risida aniq ko'rsatmalar berilmagan va beriladigan foizlar ham ko'rsatilmagan. Ammo odatdagi amal shundan iboratki, zakot miqdori to'lanadi. Zakot qishloq xo'jaligi tovarlari, qimmatbaho metallar, minerallar va chorva mollari tovarlar turiga qarab 2,5% (1/40) dan 20% gacha (1/5) o'zgarib turadi.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek islomiy soliqlar ham davlat, ham xalq manfaatini himoya qiladi. Ya'ni istalgan turdagi soliqlar Islom dinida belgilangan adolat, halollik, halimlik va rozilik mezonlari asosida olinadi. Bu esa shubhasiz, mamlakat xavfsizligi va ichki "kayfiyati" ga ijobiy ta'sir qiladi. Bunga Halifa Ali Ibn Abu Tolibning soliq undiruvchi ma'muriga qilgan nasihatlarini misol tariqasida keltirishimiz mumkin: "Insonlarning oldiga borganingda, xoh qishda bo'lsin, xoh yozda kiyib turgan kiyimlarini, yeb turgan oziq-ovqtlarini, ishda foydalanayotgan hayvonlarini soliq uchun sotib yuborma. Ulardan birortasini pul uchun bir qamchi ham urma, bir oyoqda turishga majbur qilma. Soliqdan to'lanmagan narsa uchun hech kimning molini sotma. Biz ulardan faqatgina ortiqcha narsani olishga buyurilganmiz. Agarda men buyurgan narsaga xilof ish qilsang, buning uchun Alloh seni mensiz jazolaydi. Agar xilof ish qilganing haqida eshitsam, men seni mansabingdan tushiraman¹."

Ushr, ashur, ashar (arab.) — 1) o'ndan bir ulush; 2) daromadning o'ndan biri hisobidan olinadigan soliq turi. Musulmon mamlakatlarida natura shaklida (ba'zan pul) bilan undirilgan.

¹ Imom Abu Yusuf, "Kitob al-Haroj". O'zbekiston Xalqaro Islom akademiyasi nashriyoti. TOSHKENT – 2021.

Bu turdagi solig`i dehqonchilik, chorvachilik, baliqchilik mahsulotlari va boshqalardan olingan. Turli davrlarda ushr soliq shakli mahalliy shart-sharoitga ko`ra o`zgargan. Masalan, Usmonli turk saltanatida—iqto`, dimos, o`nli, o`ntalik, salariy`a; Eron, Buxoro amirligi va boshqa joylarda — daxyak deb yuritilgan. O`rta asrlarda ushr miqdori ba`zan dehqon daromadining 10% dan yarmigacha qismini tashkil etgan. Keyinchalik yangicha daromad solig`i joriy etila boshlagach, ushr ko`p davlatlarda bekor qilingan. Jumladan:



Ammo ayrim musulmon davlatlari (Saudiya Arabistoni, Yaman, Arab Amirliklari va boshqalar) da hozir ham mavjud.

Davlat yerlaridan ushr solig`i olish masalasi esa quyidagicha belgilangan: tabiiy sug`oriladigan (daryo, ko`l) yerlardan to`lig`icha;

chelak, mesh va quduqdan suv tortadigan tuyalar (hozirda sun`iy sug`orish inshootlari) yordamida sug`oriladigan yerlardan ketadigan harajatni inobatga olib, ushrning 1/2 qismi olinadi.

Ko`rinib turibdiki, ushr soliq turi ham insonlarni shart-sharoitlaridan kelib chiqib turli xil yo`lda olinadi. Lekin zamonaviy soliq siyosati bilan Islom soliq mezonlari nisbatan farq qiladi. Chunki hozirgi yer uchun soliqlar ushr kabi emas, barcha uchun bir xil qilib belgilangan va yana soliq undiruvchilar pul to`lashga imkoniyati yo`q kishilarning buyumlarini qarz evaziga musodara qiladi. Umumiy jihatlaridan biri ularning ikkalasida ham yerning unumdorligiga qarab soliqlar alohida belgilangan. Mana shuning uchun ham Islomiy soliq turlari ko`p iqtisodchilar tomonidan yuqori baholanadi.

Lekin Islomiy moliya tizimiga o`tishda ko`plab muammolarga duch kelmoqdamiz. O`rta Osiyo miqyosida qaraydigan bo`lsak, Qozog`iston Respublikasi 2009 yildayoq unga a`zo bo`lishga ulgurgan, bu esa biz uchun achinarli holat. Yurtimizdagi tashkilotlardagi korrupsion muhit ham bu jarayonga katta salbiy ta`sir ko`rsatmoqda. Ularning monopolistik siyosatini tugatish, yangi ochilayotgan Islom moliyaviy tashkilotlariga imtiyoz berish masalasi, bank, sug`urta va boshqa sohalarning o`z foydasiga bironi “sherik” qilmaslikka urinishlari kabi muammolar hali ham o`z yechimini topganicha yo`q.

Xulosa qilib aytadigan bo`lsak, Islom moliyasining nafaqat omonatga pul qo`yish, foizsiz kreditlar, sug`urta sohasi, balki soliq siyosati ham har tomonlama mukammal rejalashtirilgan va eng asosiysi ularning barchasi hozirgi zamon moliyaviy munosabatlariga to`laqonli mos keladi. Shuning uchun, yurtimizda ham bu sohani iqtisodiyotning bir bo`lagiga aylantirish, yangi islomiy banklar, islomiy sug`urta va boshqa islom moliyaviy munosabatlarini har bir sohaga tadbiiq etish bo`yicha qator islohotlar olib borilmoqda. Shaxsan, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2020 – yil 29 – dekabr kuni Oliy

majlisga yo'llagan murojaatnomasida "Mamlakatimizda Islom moliyaviy xizmatlarini joriy etish bo'yicha huquqiy bazani yaratish vaqti – soati keldi. Bunga Islom taraqqiyot banki va boshqa xalqaro moliya tashkilotlari ekspertlari jalb etiladi", degan so'zlari bu soha biz uchun qanchalik zarur ekanligini yana bir bor ko'rsatib berdi. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bank raisi Mamarizo Nurmurotov 2020 – yil 22 – oktabrda so'zlagan nutqida banklarda islom darchasini yo'lga qo'yish haqida alohida to'xtalib o'tdi: "14 ta bankda islom darchalarini yo'lga qo'yish ustida ishlar ketmoqda. Bu juda murakkab va nozik jarayon. Bu jihatlarga e'tibor bermay mana, Islom banki bo'ldi, degan bilan ko'zlangan natijaga erishib olmaymiz. Bosqichma-bosqich b ishlarni amalga oshirib, mikrokredit tashkilotlardan keyin tijorat banklarida islom moliyasini yo'lga qo'yishimiz lozim".

Iqtisodiyotimizda burilish yasovchi shu kabi muhim qarorlarni qabul qilish mamlakatimizni yangi bir pog'onaga olib chiqadi. Jahondagi mamlakatlar bilan iqtisodiy munosabatlarni olib borish uchun ulardek yuksalish, taraqqiy etish zarur. Bu esa shubhasiz, Islom moliyaviy tizimini tez sur'atlarda o'zlashtirishni talab etadi.

*Илмий раҳбар: PhD. Уразалиев Камолиддин
Халилова С., ТМИ СС-50 гуруҳ талабаси*

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Анотация: тезисда суғурта фаолиятини ривожланишида солиқ имтиёзларининг тутган ўрни, мамлакатимизда суғурта компаниялари ва суғурта хизматларини жадал ривожланиши мақсадида олиб борилаётган солиққа тортиш сиёсати, янги таҳрирдаги солиқ кодексида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари, уларнинг таркиби ёритилган, шунингдек, бу борада мавжуд айрим муаммолар кўрсатилган ва ечими юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта фаолияти, солиқлар, солиққа тортиш, солиқ имтиёзлари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

Маълумки, суғурта фаолияти иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш учун сезиларли манбаларни шакллантириши, инвестиция хатарларини юмшатиши, тадбиркорлик таваккалчилиги оқибатларини бартараф этиши, халқаро муносабатлардаги савдо, туризм ва бошқа жараёнларда юзага келадиган хатарларни бартараф этиши, ҳамда ижтимоий ҳаётдаги барқарорликни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Суғурта орқали пул маблағларининг жамланиши ўз навбатида кучли инвестиция манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бозор қоидалари амал қилаётган шароитида ҳар бир хўжалик субъекти фаолияти фойда олиш ва уни оширишга қаратилган бўлади. Ўз навбатида субъектнинг фойда олиши ва унинг миқдори қатор бевосита ва билвосита омилларга боғлиқ. Ушбу омиллар ичида етакчи ўринни солиқлар эгаллайди. Айнан солиқлар хўжалик субъекти фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб, субъект фаолиятининг якуний молиявий натижасини ва ривожланишини белгилаб беради.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда янги таҳрирда қабул қилинган ва 2020 йилда кучга кирган Солиқ кодексида суғурта соҳасини жадал ривожланишини таъминлаш мақсадида соҳанинг маълум бир хусусиятлари инобатга олинган, рағбатлантириш омиллари берилган. Хусусан, аҳолини ҳаёт суғурта соҳасидан кенг фойдаланишга жалб қилиш мақсадида, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар кўзда тутилган, уларнинг ҳаёт суғуртасини амалга оширишга йўналтирилган даромадлари белгиланган тартибда солиққа тортилмаслиги белгиланган.

Солиқ кодексиг амувофик солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш (ҳаёт суғуртаси соҳасининг барча тоифаларида) бўйича суғурта мукофотларини тўлаш учун Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган қисми, қуйидаги шартларда:

суғурта бадаллари ўсиб бормайдиган тартибда тўланганда ва бир йўла тўланадиган суғурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ойдан сўнг олинганда. Суғурталанган шахснинг муайян ёшгача яшаши ёки ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномасида кўрсатилган муддатдан бошқача тарздаги суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, суғурта суммаси ушбу кўрсатилган шартларга амал қилмаган ҳолда тўланиши мумкин;

шартнома бўйича суғурта даври бошланиш санасидан камида 12 ойдан сўнг рента олинганда ва рентани тўлаш санасида шартнома бўйича ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг тўрт бараваридан кам бўлмаганда;

рента тўлаш шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан бошланганда, бунда дастлабки рентани тўлаш бошланадиган вақтда ҳақиқатда тўланган суғурта бадаллари суммаси шартнома бўйича суғурта мукофотининг йиллик миқдоридан кам бўлмаслиги керак ва ренталарни тўлаш санасига ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг тўрт бараваридан кам бўлмаганда солиққа тортилмаслиги белгиланган.

Шу билан бирга, агар мазкур шартлар бузилганда ёхуд шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда ва суғуртачи суғурта бадалини тўлиқ

ёки қисман қайтарганда, қайтарилган суғурта бадали суғуртачи томонидан солиққа тортилади.

Ушбу солиқ имтиёзлари аҳолини ҳаёт суғуртасидан кенг фойдаланишига жалб қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5265-сон қарорига мувофиқ мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларига қўшимча солиқ рағбатлари тақдим этилди, жумладан:

2022 йил 1 январдан 2025 йил 1 январга қадар ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларининг мазкур фаолияти қисми учун ҳисобланадиган фойда солиғи бўйича белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилди;

2022 йил 1 январдан 2024 йил 1 январга қадар иш берувчи томонидан ўз ходимлари учун бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш ва тиббий суғурта турлари бўйича тузилган суғурта шартномалари асосида Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган маблағлар жисмоний шахсларнинг жами даромади сифатида қаралмаслиги белгиланди.

Албатта ушбу солиқ рағбатлари соҳа фаолиятини ривожланишида сеҳиларли таъсир этмоқда, хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда 8 млн.дан ортиқ суғурта шартномалари, шу жумладан 500 мингга яқин ҳаёт суғуртаси бўйича шартномалар амалда эканлигини қайд этишимиз ўринлидир.

Мамлакатимизда суғурта бозорининг жадал ривожланишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш, мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 40 дан ортиқ суғурта компаниялари, шу жумладан 8 таси ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият кўрсатиб, барқарор ривожланиб келаётганлигини ҳам қайд этишимиз мумкин.

Шу билан бирга ҳаёт суғуртасига йўналтирилган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида кўзда тутилган имтиёзларни аҳоли ўртасида янада кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаймиз.

Аҳоли ўртасида бу борада тушунтиришлар етарли эмаслигини, уларни хабардорлик даражаси нисбатан пастлигини қайд этган ҳолда, уларга берилган ушбу имтиёзлар ҳисобига солиқ тўловчи жисмоний шахсларда даромадни легал солиқдан озод этиш имконияти пайдо бўлишини, келгусида маълум бир жамғарма шаклланишига ва ўзининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мумкинлигини, қолаверса унинг ушбу соҳага йўналтирилган маблағлари фаол инвестиция маблағига айланиши ҳамда мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшишини кенг тушунтириш мақсадга мувофиқ.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ СОЛИҚГА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мазкур тезисда тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишининг амалдаги ва келгусидаги масалалари кўриб чиқилган. Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишда транзакцияларга, маржага ва рискларга асосланган солиқ схемаларининг қўлланиши таҳлил қилинган ва уларнинг оқибатлари бўйича тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиққа тортиш, корпоратив фойда солиғи, банк йиғими, тижорат банклари, маржа, левераж, риск.

Аннотация: В статье рассматриваются текущие и перспективные вопросы налогообложения коммерческих банков. Проанализировано применение схемы налогообложения основанных на транзакции, маржах и рисках деятельности коммерческих банков и сформированный соответствующие выводы об их последствиях.

Ключевые слова: налог, налогообложение, корпоративный подоходный налог, банковский сбор, коммерческий банки, маржа, левераж, риск.

Annotation: The article discusses current and future issues taxation of commercial banks. Analyzed the application of the taxation scheme based on transactions, margins and risks of commercial banks and the corresponding conclusions about their consequences are formed.

Key words: tax, taxation, corporate income tax, bank levy, commercial banks, margin, leverage, risk.

Юзага келган глобал молиявий инқирози ва коронавирус пандемия инқирози солиқ тўловчилари ҳисобидан тизим учун муҳим бўлган тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тиклаш учун давлатларнинг катта ҳажмдаги молиявий қўллаб-қувватлашлар талаб қилган. Банк тизимининг рискли фаолиятини камайтиришга қаратилган макропруденциал тартибга солувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. АҚШ, Европа ва бошқа бир қатор мамлакатларда солиқ тўловчилар ҳисобидан давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш (бэйлаут чоралар) эҳтимолини камайтиришга қаратилган тижорат банкларининг беқарор ва рискли фаолиятини чекловчи тартиб қоидалар жорий қилинган.

Банк солиқлари давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаи бўлиш билан бир қаторда солиқлар бошқа мақсадларга ҳам хизмат қилиши мумкин. Молия секторида солиқлардан молия бозори иштирокчиларининг хулқ-атворини ўзгартириш ёки тартибга солиш инструментлари сифатида


тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш механизмларини такомиллаштиришда молиявий инқирозлар харажатларини компенсация қилиш ва тизимли рискларни камайтириш асосий мақсадлар ҳисобланади.

Турли назарий ва эмпирик илмий тадқиқотлар натижаларида тижорат банклар фаолиятини солиққа тортишни уларнинг барқарорлиги ва тизимли рисклар билан боғлиқ ижобий ва салбий таъсирлар мавжудлиги аниқланган. Хусусан, солиқлар (мажбуриятларга) банкларнинг мутаносиб равишда камроқ қарз ва кўпроқ капитални ушлаб туришга мажбур қилиш орқали капитал структурасини ўзгартириши ва шу тариқа, капиталлашув даражасини ошириши ва умумий молиявий барқарорликни таъминлаши мумкин. Бироқ, олиб борилган бир қатор илмий тадқиқотлар натижаларида банклар томонидан қарз олувчилар учун кредит ставкалари ошириш/ ёки омонатчилар учун депозит ставкалари пасайтириш орқали солиқ юқининг сезиларли даражада миқдорларга ўтказишлари мумкинлигини тасдиқланган. Жумладан, банклар томонидан тўланган ҚҚС ва фойда солиқлари банк маҳсулотларининг қийматини ошишига олиб келиши шунингдек, корпоратив фойда солиғи кредитлар бўйича йўқотишлар учун резервларга таъсир этиб, банк тизимининг барқарорлиги учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш учун қўлланиладиган солиқ схемаларни икки тоифага ажратиш мумкин: биринчисида, кўпчилик мамлакатларда банк секторига нисбатан солиқ тизимидаги (молиявий хизматларнинг ҚҚСдан озод қилиниши, йўқотишлар бўйича мажбурий резервларга солиқ чегирмалари) мавжуд имтиёзларнинг бекор қилиниши ва солиқ солишда номолиявий фирмалардан фарқ бўлмаслиги лозим деб ҳисобланади (Gottlieb ва бошқалар, 2012); иккинчисида, тижорат банкларининг иқтисодиётда алоҳида ролини ҳисобга олган ҳолда, банклар фаолиятига номолиявий фирмалардан фарқли равишда солиқ солиш лозимлигини таъкидланади (Claessens ва бошқалар, 2010). Chronopoulos ва бошқаларнинг (2018) таъкидлашича, банк секторини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича баҳс–мунозараларнинг натижасида учта афзалроқ солиқ механизмларнинг вужудга келишига олиб келган бўлиб, уларнинг риска, транзакцияларга ва маржага асосланган кенг солиқ схемаларига ажратиш мумкин. Риска асосланган солиқ схемалари (ёки банк йиғимлари деб аталади) молиявий секторда ортиқча рискларни қабул қилишнинг олдини олиш учун мўлжалланган. Банклар фаолиятини тартибга солувчи инструментлар сифатидаги роли туфайли, мазкур солиқ схемаларига банклар фаолиятини тартибга солишга қўшимча ёндашув сифатида қаралади. Жумладан, риска асосланган солиқ схемалари одатда тартибга олиш механизмлари билан боғлиқ ва тўғридан–тўғри банк мажбуриятларига қўлланилиб, банк секторига тизимли риск ва потенциал беқарорликни камайтиришга

йўналтирилган.

Германияда банк йиғимлари жами мажбуриятлардан хусусий маблағлари ва жисмоний шахсларнинг депозитлар чегириб ташланган ҳолда ундирилган. Ўтказилган таҳлиллар натижасида Германия банкларининг аксарияти (банклар умумий сонининг 77% ни ташкил этган) солиқ тўлашдан озод қилинганлиги, солиқ тўловчилари бўлган банкларда кредитларнинг ҳажми камайиб, улушли ва чакана молиялаштириш ҳажмларининг ошганлиги ва янги депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўсганлиги аниқланган. Банк йиғимларининг прогрессив солиқ ставкасида йирик банклар кўпроқ солиқ тўлаш лозим бўлиб, бироқ тўланадиган максимал солиқлар суммаси йиллик фойданинг 20% миқдорида чеклов қўйилган.



1–расм. Банк мажбуриятларига йиғимларнинг ставкалари¹

Солиқ объекти бўлган банк мажбуриятларининг суммасини ортиб боришига нисбатан солиқ ставкалари аста-секин ўсиб боради. Агар мажбуриятларнинг умумий суммаси 300 млн. еврадан кам ёки тенг миқдорда бўлса, банк йиғимлари ундирилмайди. Мазкур суммадан ортган мажбуриятларнинг қийматига (L) прогрессив солиқ ставкасида қўлланилади. 0.0002 ($€300 \text{ млн.} < L \leq €10 \text{ млрд.}$), 0.0003 ($€10 \text{ млрд.} < L \leq €100 \text{ млрд.}$), 0.0004 ($€100 \text{ млрд.} < L \leq €200 \text{ млрд.}$), 0.0005 ($€200 \text{ млрд.} < L \leq €300 \text{ млрд.}$), ва 0.0006 ($L > €300 \text{ млрд.}$) (1–расм).

Банкларнинг солиқ юкини қай даражада мижозларга ёки бошқа манфаатдор томонларга (масалан, акциядорларга) ўтказишларини ҳисобга олиш муҳим масала ҳисобланади. Банклар солиққа тортилганда солиқ юки биринчи навбатда, молия муассасасига ёки банкларнинг акциядорларига эмас, балки мижозларга тушиши мумкин бўлиб, мижозларга таъсир

¹ Buch, Hilberg and Tonzer, 2016.

даражаси талаб ва таклифнинг нисбий эгилувчанлигига боғлиқдир. Масалан, янги солиқларнинг жорий қилиниши оқибатида банклар кредитлар бўйича фоиз ставкаларини оширишлари ҳамда капитал қийматининг бундай ўсиши фирмаларнинг капиталга бўлган талабини камайтириши ва умуман иқтисодиётга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, шуни ҳисобга олиш керакки, йирик корхоналар одатда молиялаштиришнинг муқобил бошқа самарали инструментларидан фойдаланиши масалан, акциялар, облигациялар чиқариш орқали капитал жалб қилиш имкониятларига эга бўлиб, бироқ аксарият, кичик ва ўрта бизнес корхоналари асосан ўз инвестицияларини молиявий воситачилар, яъни банкларнинг кредитлари орқали молиялаштириш ҳисобига амалга оширадilar. Бу шуни кўрсатадики, молиялаштириш харажатларини ортиши самарадорлик кўрсаткичларини пасайтиради ва кичик фирмаларни бозорга киришга тўсқинлик қилади ёки бозордан чиқиб кетишга олиб келиши мумкин. Умуман олганда, ўтказилган таҳлиллар солиқлар жорий қилингандан кейин банк ссудалари ва депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг ўзгаришига олиб келиши ва солиқ юқининг сезиларли қисмини мижозларга ўтказишлари мумкинлигини кўрсатмоқда.

Амалдаги корпоратив фойда солиғи тизимидаги қарзларга нисбатан имтиёзли солиқ режими банкларнинг ўз капиталидан кўра, қарзли молиялаштиришни афзал кўришига олиб келади. Корпоратив солиқ тизимида солиқ солинадиган базадан хусусий капитал бўйича эмас, қарзлар бўйича фоизларни чегириб ташланиши қарзли молиялаштириш учун солиқ имтиёзларини тақдим этилишини англатади. Бу эса ўз навбатида, банклар ва номолиявий компаниялар учун янада юқори даражадаги леверажга олиб келади. Бу солиқ оғишининг ўз-ўзидан сўнгги молиявий инқирозга олиб келмаслиги аниқ бўлса-да, бироқ молиявий институтларнинг ҳаддан ташқари кўп қарз маблағларидан фойдаланиши молиявий инқирозга ҳисса қўшган асосий омиллардан бири сифатида ўрганиб чиқилган. Корпоратив солиқ солиш режимидаги хусусий капитал ва қарзли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида, дунёдаги кўпгина мамлакатларда капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар ва корпоратив капитал учун тўловлар қоидалари қўлланилмоқда.

Корпоратив фойда солиғи ва банкларнинг леверажи ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд ва бу банкларнинг молиявий қарорларида солиқ бузилишларининг келтириб чиқарди. Янада юқори фойда солиғи ставкалари банкларнинг кредит ва тўловга қобилятсизлик рисклари билан боғлиқ бўлиб, капиталга қатъий талаб ва банк фаолиятига чекловлар маълум даражада банк рискига таъсирини қисман юмшатиши аниқланган. Шундай қилиб, корпоратив солиқ тизимида қарзли молиялаштириш бўйича солиқ имтиёзларининг бекор қилиш ёки жорий этилиши орқали

банклар капиталини тартибга солишга ҳисса қўшиш мумкин.

Молиявий секторда янги солиқ схемаларини жорий этиш билан бирга, солиқларнинг банклар хулқ–атворларига таъсирини ўрганиш юзасидан кўплаб назарий ва эмпирик тадқиқотлар мавжуд. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчиларга янги солиқ схемаларини жорий этиш бўйича амалий тавсиялар берилишига, мазкур солиқ схемаларининг банклар хулқ–атворига таъсирлари бўйича кенг кўламдаги тадқиқотлар нисбатан камлиги тўсқинлик қилиши мумкин. Янги солиқ схемаларининг жорий қилинганлигидаги қисқа даврни ҳисобга олиб, солиқларнинг узок муддатли оқибатларини ва уларнинг кенгроқ ижтимоий оқибатларини баҳолаш ҳамда бу солиқларнинг келажакдаги таъсири қандай бўлишини ишончли прогноз қилиш мураккаб масала ҳисобланади. Бундан ташқари, солиқларнинг тартибга солишнинг бошқа чора–тадбирлари билан (соф барқарор молиялаштириш коэффициенти, ликвидликни қопланиш коэффициенти ва рискка асосланган капитал талаблар каби) потенциал кесишган таъсирларини ўрганиш бўйича кам тадқиқотлар амалга оширилган. Шундай қилиб, ҳар қандай таҳлилни солиқ сиёсатининг муайян ўзгариши билан чекланиши, тартибга солиш ва солиққа тортиш чоралари ўртасидаги ҳар қандай ўзаро боғлиқликнинг барча жиҳатларини қамраб олиши мумкин эмас. Шу билан бирга банклар фаолиятини солиққа тортишни ўрганишда, солиқ солиш ва банклар хулқ–атвори ўртасидаги бевосита боғлиқни аниқлаш учун кўплаб тўсиқларга дуч келиши мумкин. Бир томондан, тадқиқотларда солиқлар ва банкларнинг хулқ–атвори ўртасида тўғридан–тўғри ва аниқ боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Бошқа томондан эса баъзи тадқиқотларда банкларни солиққа тортишга нисбатан бефарқлиги аниқланган. Банкларнинг хулқ–атвордаги ўзгаришларни рағбатлантирувчи фискал сиёсат сифатида солиқлардан фойдаланиш банклардан солиқ имтиёзларига сезгир бўлишини талаб қилади. Афсуски, бугунги кунда етарли даражада далилларнинг мавжуд эмаслиги, бу борада тўлиқ ишонч билан ҳар қандай эмпирик қонуниятларни ўрнатилишини қийинлаштиради.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, банк тизимини солиққа тортиш билан боғлиқ жорий ва истиқболдаги масалалар тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқдир. Шунини таъкидлаб ўтамизки, турли шаклдаги банк солиқ схемалари капитал, ликвидлик оширишга ва бошқа тартибга солиш шаклларининг воситаси сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, бундай солиқ схемалари давлат бюджети даромадларининг муҳим манбасига айланиши, келгусида юз берадиган молиявий инқирозлар харажатларини қоплаши ва банкларнинг ҳаддан зиёд ортиқча рискларини қамраб олиши мумкин.

Илмий тадқиқотлар маълумотларининг етишмаслиги, шунингдек, ушбу босқичда солиққа тортишнинг банклар хатти–ҳаракатига ва банклар фаолиятини самарадорлигига ёки манфаатдор томонлар ва умуман

олганда, иқтисодиётга таъсири ўртасидаги изчил эмпирик муносабатларни ўрнатишни қийинлаштиради. Бироқ, бугунги кунгача олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижаларида солиқларнинг банк капитали структурасини ўзгартиришига, яъни банкларнинг пропорционал равишда қарз маблағларига нисбатан кўпроқ хусусий капиталини оширишга мажбур қилиниши тахмин қилинган бўлиб, бу банкларнинг молиявий барқарорлигини оширишга олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, олиб борилган тадқиқотларда банклар кредитларининг фоизларини ошириш ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш орқали мижозларига ўз солиқ юklarини ўтказишлари аниқланган. Бундан ташқари, солиқларнинг умумий самарадорлиги банклар даромадларни бошқариш (кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервларни шакллантириш орқали) ёки ҳисоботдаги фойдасини юқори солиқлар билан бўлган юрисдикциялардаги мамлакатлардан паст бўлган мамлакатларга ўтказиш орқали умумий солиқ рискларини пасайтиришга интилишларини камайтириши мумкин.

**Berdiyeva U., “Soliqlar va soliqqa tortish”
kafedrasi dosenti
Jumanova M., ST-50-3 guruh talabasi**

SOLIQ IMTIYOZLARIDAN OQILONA FOYDALANSH

Mamlakatimizda soliq siyosatini yanada liberallashtirish, soliq yukini kamaytirish, soliqlarni unifikatsiya qilish va soliqqa tortish tartibini soddalashtirish, tadbirkorlik sub’ektlariga ko’maklashish va ularning huquqiy erkinligini oshirish, imtiyozlar berish borasida qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Bozor munosabatlari sharoitida mustaqil respublikamiz iqtisodiy erkinlashtirishni amalga oshirar ekan, iqtisodiyotni tartiblash va boshqarish jarayonida bir qator vositalardan foydalaniladi, bunda soliq tizimining soliq stavkalari va imtiyozlaridan foydalanish eng samarali va oson usullardan biri bo’lib yuzaga chiqadi.

Soliq imtiyozlari rag’batlantirish va samarali qo’llanilishiga qarab quyidagi ko’rinishlarda ifodalanishi mumkin:

- soliqlardan butunlay ozod qilish;
- yangi tashkil etilgan korxonalariga imtiyozlar berish;
- soliq to’lashdan vaqtincha ozod etish;
- soliqqa tortiladigan bazani kamaytirish;
- soliqdan qisman ozod qilish;
- xorijiy investitsiyalarga imtiyozlar berish;
- eksportga imtiyozlar berish va boshqalar.

Unga ko'ra, soliq solinadigan bazani kamaytirish usuli asosan investitsiyaga qilingan xarajatlar miqdorida, xayriya maqsadlaridagi badallar, ekologiyaga qilingan xarajatlar, mol-mulk qiymati doirasida va er uchastkalari hajmida qo'llaniladi. Bundan kelib chiqadiki, qaysi soliq imtiyozlaridan foydalanmaylik, uni muayyan tartibda amalga oshirish kerak.

O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning muhim yo'nalishlari sifatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, hamda soliqqa tortish tizimida imtiyozlar usulidan foydalanish qaralishi mumkin. Mamlakatning iqtisodiy va siyosiy farovonligida soliqlarning ahamiyati kattadir. Chunki soliqlar kimga va qancha solinishi mamlakatning ijtimoiy siyosatini qay darajada olib borilayotganidan dalolat bo'la oladi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning pirovard maqsadi xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning faoliyat yuritishlari uchun etarli sharoit yaratib berish bilan birga ular tomonidan to'lanadigan soliqlar va boshqa majburiy to'lovlardan imtiyoz berish orqali ular faoliyatlarini rag'batlantirish hisoblanadi. Ammo, mamlakat rivoji va korxonalar faoliyatining ham yaxshi davom etishi uchun berilayotgan imtiyoz samarali bo'lishi hamda korxonalar ushbu imtiyozga doimiy tayanib qolmasligi lozim.

Shu bois, korxonalarga berilayotgan soliq imtiyozlaridan oqilona foydalanmaslik bo'shayotgan mablag'lardan to'g'ri foydalanishni bilmaslik va korxonalar tomonidan olinayotgan soliq imtiyozlari salbiy oqibatlariga, ya'ni:

➤ soliq imtiyozlari natijasida amalda hech qachon ular berilayotgan chog'ida ko'zda tutilgan maqsadlarga to'liq erishmasligi;

➤ soliq imtiyozlariga ega bo'lgan korxonalar rivojlanishga bo'lgan intilishini yo'qotadilar va o'zlarining imtiyozli mavqeini saqlab qolishga harakat qiladilar, imtiyozlar bekor qilinganda esa ular faoliyat yuritishdan to'xtaydilar;

➤ soliq imtiyozlari texnik taraqqiyot jarayonini sekinlashtirib korrusiyaga imkon yaratishi mumkin;

➤ bir vaqtlar berilgan soliq imtiyozlarini amalda bekor qilish juda ko'p qiyinchiliklarni keltirib chiqarishi kabi ko'rinishlarda namoyon bo'lishi mumkin.

Shunday ekan soliq imtiyozlaridan samarali foydalanish yo'llarini izlab topish, ularni kerakli o'rinlarda, zarur holatlarda qo'llash hozirgi davr soliq mamurchiligining oldida turgan vazifalardan biri hisoblanadi. Bundan tashqari soliqlar va soliqqa tortish to'g'risidagi nazariy ta'limotlardan bizga ma'lumki: "Soliq yukining oshib ketishi byudjet daromadlarining ko'payishiga olib kelmaydi. Chunki, soliqlardan shakllanayotgan daromadlar hajmining ko'payishi har doim soliqqa tortiladigan bazaning o'sishi bilan proportsional bo'ladi, ammo har doim ham soliq stavkasining o'sishiga proportsional bo'lavermaydi".

Demak, soliq stavkasining oshishi ma'lum bir chegaraviy nuqtaga etgach, byudjetga tushadigan soliq tushumlari hattoki kamayishi ham mumkin ekan.

Demak, soliq stavkalarining o'sishi faqat ma'lum bir chegaraga etgunga qadar davlat byudjeti daromadlarining ko'payishiga olib kelishi mumkin. Bu chegara milliy ishlab chiqarishning soliqqa tortiladigan qismini qisqarishi bilan boshlanadi. Agar ana shu chegaradan o'tilsa, soliq stavkasining o'sishi byudjet daromadlarining o'sishiga emas, balki qisqarishiga olib keladi. Soliq yuki ko'tarilgani sari xo'jalik sub'ektlari o'z daromadlarini himoya qilish yo'liga o'tishadi va natijada xufyona iqtisodiyotning rivojlanishiga, soliq qonunchiligini buzilishiga moyillik ko'payadi. Xo'jalik sub'ektlari tomonidan erishilgan imtiyozlar, shubhasizki byudjet daromadlari uchun to'g'ridan-to'g'ri yo'qotishdir. Ba'zi korxonalar ikkilamchi buxgalteriya hisobini yuritib, soliqdan qochishga urinishlari ham mana shundan deb o'ylash mumkin. Bizningcha, bunday holatlarning oldini olish maqsadida soliq munosabatlarida uning ishtirok etuvchi sub'ektlarining manfaatlari hisobga olinishi shart, ya'ni soliqlarning rag'batlantiruvchi omillaridan ustuvor foydalanish zarur deb hisoblaymiz.

Soliq imtiyozlari va preferentsiyalarni takomillashtirish masalalari yuzasidan mavjud soliq imtiyozlarining samarasizlarini bekor qilish o'rniga, yangi ko'proq samara beradigan soliq imtiyozlarini joriy etish, joriy etilgan imtiyozlar evaziga xo'jalik sub'ektlari ixtiyorlarida qolayotgan mablag'larni qayta ishlab chiqarish jarayonlariga safarbar etish, moddiy-texnika bazasini mustahkamlash maqsadida yangi texnika-texnologiyalarni joriy qilishni rag'batlantirish, xo'jalik sub'ektlari ixtiyorida imtiyoz hisobidan qoldirilgan pul mablag'laridan samarali foydalanish jarayonini nazorat qilishni yanada kuchaytirish, soliq imtiyozlariga doir qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarning muvofiqligini ta'minlash kabilar bugungi kunda e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan masalalardan hisoblanadi.

Izlanishlar va tahlillar natijasida soliq imtiyozlari va preferentsiyalarni takomillashtirish masalalari bo'yicha quyidagi taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi:

- soliq imtiyozlaridan samarali foydalanish tartibini masofadan nazorat qilish maqsadida soliq to'lovchilar har bir foydalangan soliq imtiyozi to'g'risida soliq turlari kesimida, ularni nima maqsadda sarflayotganliklari to'g'risida alohida hisobot shakllantirib, har chorakda va yillik moliyaviy hisobot taqdim etiladigan muddatda taqdim etilishini majburiy qilib qo'yish. Chunki hech kimga sir emaski, qanchalik nazorat kuchli bo'lsa, ishga bo'lgan munosabat ham shunchalik mas'uliyatli bo'ladi. Natijada tekshirishlardagi qoida buzish hollaridan biri bo'lmish imtiyozlardan maqsadsiz foydalanish hollariga oz bo'lsada chek qo'yiladi;

- yangi tashkil etilgan korxonalarga nisbatan ular davlat ro'yxatidan o'tgan kundan e'tiboran muayyan muddatga soliq imtiyozlarini joriy etish. Shuningdek joriy etilgan soliq imtiyozlari dastlabki 2 yillikni o'z ichiga qamrab olishi va keyingi yillarda uzaytirilmasiligi lozim, lekin ma'lum bir muddat faoliyat yuritish sharti bilan masalan 5 yildan kam bo'lmagan muddatda faoliyat yuritishini talab qilgan holda qo'llanilishi aks holda foydalanilgan imtiyoz

summasi to'liqligicha byudjetga undirib olinishi nazarda tutilmog'i lozim. Ushbu tartibni asosan kichik biznes sub'ektlariga nisbatan joriy etish korxonalarining barqaror faoliyat yuritgan holda bozor iqtisodiyoti qonunlariga moslashishi va oyoqqa turib olishi, so'ng boshqa turdagi korxonalar bilan bimalol raqobatlasha olishi uchun qulay zamin yaratadi.

4-СЕКЦИЯ

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН МАМЛАКАТИМИЗ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Бердиева Узулой Абдурахмановна
Ташкентский финансовый институт
Ph.D., доцент кафедры
“Налоги и налогообложение”*

РОЛЬ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ

Аннотация: Эффективность налогового администрирования является индикатором состояния налоговой системы, ее целостности, устойчивости, фискальной и экономической эффективности. От этого зависит стабильность наполнения бюджетной системы страны налоговыми платежами, обеспечение комфортных условий налогоплательщикам при исполнении ими обязанностей по уплате налогов. Главная задача налоговых органов практически полное исключение прямого взаимодействия с налогоплательщиками и перевод всех операций в электронный формат. Полная автоматизация – это один из основных векторов совершенствования налогового администрирования.

Ключевые слова: Цифровая экономика, налоговое администрирование, программный комплекс, цифровые технологии.

Аннотация: Солиқ маъмуриятининг самарадорлиги солиқ тизимининг ҳолати, унинг яхлитлиги, барқарорлиги, молиявий ва иқтисодий самарадорлигининг кўрсаткичидир. Бу мамлакат бюджет тизимини солиқ тўловларининг барқарорлиги, солиқ тўловчиларга солиқларни тўлаш мажбуриятларини бажаришда қулай шарт-шароитларни таъминлашга боғлиқ. Солиқ органларининг асосий вазифаси солиқ тўловчилар билан бевосита ҳамкорликни тўлиқ бартараф этиш ва барча операцияларни электрон форматга ўтказишдир. Тўлиқ автоматлаштириш солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришнинг асосий векторларидан биридир.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, солиқ маъмурияти, дастурий комплекс, рақамли технологиялар.

Abstract: The effectiveness of tax administration is an indicator of the state of the tax system, its integrity, stability, fiscal and economic efficiency. This determines the stability of filling the country's budget system with tax payments, ensuring comfortable conditions for taxpayers in the performance of their duties to pay taxes. The main task of the tax authorities is the almost

complete exclusion of direct interaction with taxpayers and the transfer of all transactions to an electronic format. Full automation is one of the main vectors of improving tax administration.

Keywords: Digital economy, tax administration, software package, digital technologies.

Современное развитие экономики Республики Узбекистан характеризуется ускоренными темпами и высокой динамикой разработки и внедрения новых технологий, что позволяет действующим и новым субъектам рынка формировать инновационные концепции организации производства, которые в свою очередь обеспечивают соответствие возможностей индустрии постоянно растущим и изменяющимся потребностям общества. Для преодоления разрыва между динамично развивающимся цифровым производством и современным состоянием промышленности необходимо развитие системы гибкой адаптации к изменяющимся внешним условиям. Тенденции рынка инноваций, постоянное углубление и расширение процессов цифровизации экономики оказывают непосредственное влияние на бизнес-модели организаций.

В направлении 3.1. в пунктах 59-61 Государственной программы по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» поручено «снижение налогового бремени и продолжение политики упрощения системы налогообложения, совершенствование налогового администрирования и расширение соответствующих стимулирующих мер».

О значимости высокоэффективного налогового администрирования говорится и в ежегодных посланиях Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису, что находит выражение в разработке стратегических программ и задач, нацеленных на совершенствование и оптимизацию системы налогового администрирования, упрощение процедур взаимодействия налоговых органов с гражданами и бизнесом.

Модернизация традиционных производственных отраслей на фоне проникновения информационных технологий и цифровизации экономических процессов создает основу для формирования новых рынков, а также новых подходов к аналитике прогнозированию и принятию управленческих решений. От сложившихся в экономике условий, зависит организация налогового контроля за деятельностью физических и юридических лиц.

Цифровая экономика является не только экономикой знаний, но и экономикой доверия, позволяющей с помощью ИТ-технологий обеспечивать добровольное соблюдение налогового законодательства.

В последнее время принимаются последовательные меры по развитию цифровой экономики, поэтапно внедряются системы электронного

документооборота в государственных, в том числе в налоговых органах и электронной коммерции для обслуживания физических и юридических лиц.

Эффективность налогового администрирования является индикатором состояния налоговой системы, ее целостности, устойчивости, фискальной и экономической эффективности. От того, насколько она высокая, зависит стабильность наполнения бюджетной системы страны налоговыми платежами, своевременность выявления и предупреждения совершения налоговых правонарушений, обеспечение комфортных условий налогоплательщикам при исполнении ими конституционных обязанностей по уплате налогов.

В то же время невысокий уровень налогового администрирования снижает поступление налогов в бюджет, приводит к росту вероятности совершения налоговых правонарушений и, как следствие, нагнетает социальную напряженность в обществе и подрывает экономическую безопасность страны.

Главная задача налоговых органов на современном этапе – практически полное исключение прямого взаимодействия с налогоплательщиками и перевод всех операций в электронный формат. Для этого активно разрабатываются и внедряются специальные электронные сервисы налоговой службы, количество которых в настоящее время более 30. Они позволяют налогоплательщикам совершать большую часть своих обязанностей без посещения налоговых инспекций.

Налоговая служба плодотворно работает по расширению списка документов в электронном виде.

В целях создания условий для ускоренного развития цифровой экономики, дальнейшего совершенствования системы государственного управления, повышения ее доступности, применения современной инфраструктуры образован Фонд поддержки развития цифровой экономики «Цифровое доверие» в форме государственного учреждения, одной из основных задач которого является привлечение и консолидация средств инвесторов для реализации на условиях государственно-частного партнерства проектов в сфере развития цифровой экономики, в том числе с внедрением технологий «блокчейн».

В Узбекистане на базе "больших данных" стартовал крупный проект, который стал основой для автоматизированной системы контроля за уплатой НДС. С помощью новой системы практически в режиме реального времени ввелся мониторинг цепочек уплаты НДС. Система позволила выявлять разрывы в цепочках "налогоплательщик-контрагент", применение схем уклонения от уплаты стало экономически неэффективным, сборы НДС стали расти. Кроме того, с переходом бизнеса на онлайн-кассы, сумма платежа, количество и наименование товара (услуги), НДС и другие определяемые законом реквизиты стали

передаваться напрямую в Центр обработки данных (ЦОД) ГНК, а это – обеспечил прозрачность бизнеса, создание среды доверия между предпринимателями и налоговыми органами, поскольку оперативное получение информации и их автоматизированный анализ не требуют дополнительных проверок.

Результаты эксперимента по внедрению оформления электронных счетов-фактур хозяйствующими субъектами в целях автоматизированной системы контроля за уплатой НДС должны быть обнародованы, имеющиеся проблемы должны, обобщены и должны, приняты экстренные меры, направленные на их решение.

На проект модернизации ЦОД налоговых органов возлагались большие надежды, связанные с сокращением "теневого" сектора экономики, повышением прозрачности экономики, созданием равных конкурентных условий. Для налогоплательщиков – это создание "умных" порталов и индивидуальных проактивных сервисов, более комфортные условия работы и минимум административной нагрузки.

Сегодня ГНК смотрит на свои данные с точки зрения понятия big data. Это действительно "большие данные", которые в процессе реализации проекта предстоит осмыслить и поставить на службу государству.

4. В целях обеспечения полноты и своевременности поступления налоговых поступлений в бюджетную систему наряду со снижением возможностей уклонения от уплаты налогов необходимо повысить уровень удовлетворенности налогоплательщиков условиями исполнения ими своих налоговых обязательств. Это предопределяет изменение сложившихся отношений между налоговыми органами и налогоплательщиками. Приоритетом в работе налоговой службы является построение системного, клиентоориентированного подхода к организации работы с физическими и юридическими лицами. Форма отношений, основанная на сочетании партнерства и взаимной ответственности, повышает мотивацию налогоплательщиков к надлежащему исполнению своих налоговых обязательств и является одним из условий стабильного функционирования налоговой системы и экономики государства, поскольку способствует рост налоговых сборов.

*Artikov N.A., TMI
“Soliqlar va soliqqa tortish”
kafedrasi katta o’qituvchisi, Phd*

XORIJIY DAVLATLAR SOLIQ TIZIMLARINING O’ZBEKISTON SOLIQ TIZIMI BILAN QIYOSIY TAHLILI

¹Djamalov Kh.N., Abdullayev A.B, (2021). Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(05), p.151-163..

Annotatsiya: Maqolada xorijiy davlatlar soliq tizimlarining xususiyatlarini O'zbekistondagi holat bilan qiyosiy tahlil qilingan va turli mamlakatlarning soliq tizimlarining o'xshash va farqli tomonlari borligi ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: soliq tizimi, soliq stavkasi, soliq, soliqqa tortish.

Аннотация: В статье проведен сравнительный анализ особенностей налоговых систем зарубежных стран и Узбекистана, который показал, что налоговые системы разных стран имеют свои сходства и различия.

Ключевые слова: налоговая система, налоговая ставка, налог, налогообложение

Abstract: The article provides a comparative analysis of the peculiarities of the tax systems of foreign countries and Uzbekistan, which showed that the tax systems of different countries have their similarities and differences.

Key words: tax system, tax rate, tax, taxation.

Dunyo davlatlarining soliq tizimlari bir-biridan quyidagi ko'rsatkichlar bilan farqlanadi: soliq solinadigan bazaning ko'rsatkichlari, stavkalarining kattakichikligi va mamlakat umumiy daromadidagi turli soliqlarning ulushi, soliq qonunchiligi, soliq intizomini buzganlik uchun javobgarlik va soliq madaniyati. Bu xususiyatlar qoida tariqasida qabul qilingan mezonlar asosida turli omillarga tayanib qiyosiy tahlil qilinishi mumkin, masalan ijtimoiy demografik xarakter, iqtisodiy holat, soliqlar va yig'imlar tizimining umumiy tuzilishi, soliq yukini solishtirish va shu kabilar.

Agar yevropa mamlakatlari haqida gapiradigan bo'lsak, unda, birinchi navbatda, Italiya tajribasini ko'rib chiqaylik. Italiya soliq to'lovchilar uchun eng yuqori soliq yukiga ega bo'lgan va soliq tizimi biroz murakkab mamlakat hisoblanadi. Respublikaning davlat va mahalliy soliqlarni to'lash shartlari va tartibini tartibga soluvchi qonunlariga oid normativ-huquqiy hujjatlari bazasi 350 dan ortiq hisoblanadi. Ayni paytda Italiyada, aksariyat xorijiy mamlakatlarda bo'lgani kabi, soliq tushumlarining yarmidan ko'pi uchta soliq turi orqali ta'minlanishi bor gap ular: daromad solig'i, foyda solig'i va qo'shilgan qiymat solig'i (QQS). Taqqoslash uchun, O'zbekistonda 2019 yilgacha daromadning asosiy ulushini QQS va aksiz solig'i kabi bilvosita soliqlar tashkil qiladi, Italiyada esa daromad asosan to'g'ri soliqlar hisobiga shakllanadi. Davlat byudjeti, mamlakat iqtisodiyotida boshqa mamlakatlarga qaraganda hissasi ancha yuqori turuvchi kichik biznes sub'ektlaridan olinadigan foyda solig'ining ulushi tashkil qilishi bilan ajralib turadi.

Yevropaning boshqa bir davlati – Avstriyaning soliq tizimi va uning tuzilishini o'rganishga ham dunyoda qiziqish kam emas. Chunki bu mamlakat eng past inflyatsiya va ishsizlik darajasiga egadir. Avstriya iqtisodiyoti asosan xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanganligi bilan ajralib turadi. Avstriya soliq tizimi tuzilishning murakkabli, hech qayasi tomonlama Italiya soliq tizimi tuzilishning murakkabligidan kam emas. Shuni ta'kidlash kerakki, bu yerda asosan mamlakat ichida olingan daromad soliqqa tortiladi. Bu yerda tadbirkorlik

faoliyati juda ommalashgan, chunki uning rivojlanishi uchun qulay sharoitlar yaratilgan. Avstriya ikki tomonlama soliqqa tortishni bekor qilish bo'yicha xalqaro shartnomani imzolagan davlat bo'lib, undan asosiy maqsad rivojlangan va zamonaviy iqtisodiy tizimni shakllantirishga bo'lgan intilish hisoblanadi. Ushbu shartnoma O'zbekiston, Rossiya, Shveysariya, Birlashgan Arab Amirliklari, Lixtenshteyn va Yevropa Ittifoqining deyarli barcha a'zo davlatlari bilan imzolangan. Avstriyada soliq to'lovchilar bilan munosabatlarni o'rnatishda alohida yondashuv shakllangan, u ham bo'lsa maxsus qoidalar mavjudligini nazarda tutadi.

Mazkur mamlakatdagi barcha soliq to'lovchilar quyidagi ikki guruhga bo'lingan: cheklangan va cheksiz soliq majburiyatlariga ega soliq to'lovchilar. Cheklangan soliq majburiyati Avstriyadan tashqarida yashash joyiga ega bo'lgan yoki u yerda olti oydan kamroq vaqt davomida yashovchi rezidentning mamlakatda olingan daromadlari bo'yicha soliq to'lash majburiyatini anglatadi. Bu turdagi soliq javobgarligi ushbu mamlakatda yuridik manziliga ega bo'lmagan rezidentlarga nisbatan qo'llaniladi. Cheksiz soliq majburiyati ham mamlakat ichida, hamda xorijda ishlab topilgan barcha daromadlar bo'yicha soliq to'lashni nazarda tutadi. Bu holatda rezidentning Avstriyada yuridik manzili hamda doimiy yashash joyi borligi asos bo'ladi. Shunday qilib, Avstriya soliq tizimini tashkil etish va turli soliq va yig'implarni undirish nuqtai nazaridan o'ziga xos xususiyatlarga ega. Shuningdek, so'nggi paytlarda soliq to'lashdan bo'yin tovlashning oldini olish bilan bog'liq soliq nazoratini kuchaytirish tendentsiyasi kuzatilmoqda. Soliqlarni to'lamaganlik uchun javobgarlik chorasi o'n yilgacha ozodlikdan mahrum qilish tarzida ham belgilangan.

Amerika Qo'shma Shtatlarining soliq tizimi federal darajada ham, alohida shtatlar darajasida ham to'lanadigan soliqlardan iborat.

Qo'shma Shtatlarda quyidagi soliq turlari mavjud:

- ✓ jismoniy shaxslarning daromadlariga hamda tashkilotlar foydasiga ham soliq;
- ✓ ishsizlikni kamaytirish uchun soliq;
- ✓ jismoniy shaxslarning mol-mulkiga hamda meros bo'lib o'tadigan mol-mulkiga soliq;
- ✓ aksizlar;
- ✓ savdo solig'i;
- ✓ atrof-muhitni muhofaza qilish soliqlari va boshqalar.

O'zbekiston soliq tizimidan farqli ravishda AQSh soliq tizimi federal, shtat va mahalliy soliqlarni ajratishni ko'zda tutadigan me'yorni o'z ichiga olmaydi. Shtatlar hududda soliqqa tortishning konstitutsiyaviy tamoyillariga taalluqli har qanday soliqlarni qonuniy joriy etish huquqiga ega. Shtatlarda qo'shilgan qiymat solig'i yo'q, ammo shunga qaramay, sotilgan barcha tovarlar savdo solig'iga tortiladi. AQSh soliq tizimi asosan to'g'ri soliqlarni undirishga qaratilgan bo'lib, jismoniy shaxslar daromad solig'ining ulushi yuridik shaxslardan olinadigan

daromad solig'idan ko'proq ulushni tashkil qiladi. Mamlakat byudjeti barcha daromadlarning 90% dan ortig'i soliqlar hisobiga shklantiriladi.

Har bir shtatda hukumatlar agar federal soliq qonunchiligiga zid kelmaydigan bo'lsa soliqlarni mustaqil ravishda joriy qilish huquqiga ega. Bu holat ma'lum bir shtat rezidentlari o'z gubernatorini saylashda ishtirok etishlari bilan ham izohlanadi chunki bu holatda soliq yuki bilan bog'liq muammo ham mavjud. Agar biz AQSh soliq tizimini O'zbekiston bilan solishtirib ko'raylik, uni biz quyida keltirilgan 1-jadvalda kuzatishimiz mumkin.

1-jadval.

O'zbekiston va AQSh soliq tizimlarini qiyosiy tahlili¹

Asosiy xususiyatlar	O'zbekiston	AQSh
Soliqqa tortish usullari	proporsional	progressiv
Undirilishadigi asosiy salmoqni tashkil etuvchi	bilvosita soliqlar	bevosita soliqlar
Byudjetni to'ldirishda asosiy	markaziy soliqlar	mahalliy soliqlar
Hududda soliqni joriy etish vakolati	mavjud emas	federal soliq qonunchiligiga zid kelmaydigan bo'lsa soliqlarni mustaqil ravishda joriy qilish huquqiga ega
Qonun hujjatlarida soliqlar ro'yxatining mavjudligi	mavjud	mavjud

Xitoy soliq tizimining tuzilmasi 26 turdagi soliqlarni o'z ichiga oladi va ular 8 guruhga birlashtirilgan. Soliqlar olinadigan daromadga qarab, o'z navbatida, uchta guruhga bo'linadi: markazlashtirilgan, mahalliy va markaziy va mahalliy hokimiyat o'rtasida taqsimlanishi kerak bo'lgan soliqlar. Markaziy soliq'larga eksport va import operatsiyalari jarayonida olingan soliqlar kiradi. Uchinchi guruhga qo'shilgan qiymat solig'i, tadbirkorlik solig'i, shaharlarda qurilish solig'i, resurslar solig'i va boshqalar kabi soliqlar kiradi. Mahalliy darajadagi byudjetlarning daromadlari jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'idan, qishloq xo'jaligi solig'i va shahar ko'chmas mulklari solig'i.

Italiya va Avstriyadan farqli ravishda Xitoy soliq tizimi nisbatan past soliq yuki bilan ajralib turadi. Xitoy soliq tizimining o'ziga xos xususiyati soliqsiz to'lovlarning ulishi ham nisbatan salmoqli ekanligidir. Ushbu turdagi daromadlardan keladigan tushum miqdori yalpi ichki mahsulotning 8-9% ni

¹ Muallif tomonidan tayyorlangan

tashkil qiladi. Rasmiy ravishda, bu to'lovlar soliq tushumlari sifatida tasniflanmaydi, lekin ular soliq yukini sezilarli darajada oshirishi mumkin.

Shunday qilib, xorijiy soliq tizimlarini tahlil qilish O'zbekiston soliq tizimi bilan bir qator o'xshashlik va farqlarni ko'rsatadi. Asosiy farq shundaki, boshqa rivojlangan mamlakatlarda shaxsiy daromadlarni soliqqa tortishning progressiv usuli qo'llaniladi, O'zbekistonda esa u bitta stavkada va olingan daromad miqdoriga bog'liq emasligidadir.

Шодиев О.А.
старший преподаватель кафедры
“Налоги и налогообложение”
Ташкентского финансового института

АКЦИЗНОЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ: ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

Эффективное функционирование налоговой системы развитых стран с рыночной экономикой нацелено на выполнение нескольких задач. Прежде всего налоговая система должна успешно решать фискально-перераспределительную задачу, то есть путем перераспределения доходов предпринимателей и населения обеспечивать финансовыми ресурсами доходную часть государственного бюджета (в развитых странах налоги покрывают в среднем до 90% доходов государственного бюджета страны). Эта система должна функционировать таким образом, чтобы как минимум не подрывать стимулы к производственной и вообще экономической деятельности, а в лучшем случае способствовать формированию и усилению подобных стимулов.

Все налоги в странах с рыночной экономикой разделяются на две группы. Первая – прямые, взимаемые либо с доходов, либо с имущества и уплачиваемые владельцами соответствующих доходов и имущества. Вторая группа – косвенные налоги, включаемые в цену облагаемых товаров и услуг (либо путем надбавок к цене, либо путем включения в издержки производства). В нормальных экономических условиях уплата данных налогов ложится на конечных потребителей товаров и услуг.

Акцизы по сути являются косвенным налогом, который увеличивает цену товара и оплачивается потребителем. Подлинная "эра акцизов" началась в Европе примерно с XVII столетия, и представляла собой достаточно пеструю картину их использования. В определенных ситуациях, когда достоинства "затмевали" недостатки, акцизы восхваляли, иногда, наоборот считали крайне несправедливыми, разорительными для основного населения и потому практически неприемлемыми. Но акцизное налогообложение распространено очень широко и в современной мировой налоговой практике, где применяется достаточно успешно. В свою

очередь, в Узбекистане оно существует с 1992 года и часто имеет положительные результаты.

В развитых странах за счет акцизов мобилизуется 7-12% всех налоговых поступлений. В то же время в некоторых странах Латинской Америки как положительный фактор отмечается, что в косвенном налогообложении возрастает роль акцизов. Так, в Аргентине, Бразилии и Мексике они в среднем составляют 25% всех налоговых поступлений.

В период эволюционного формирования универсального акциза считается, что косвенное обложение способствовало развитию промышленности – (косвенные налоги, взимаемые по количеству сырья или размерам аппаратов, имели способность поощрять развитие промышленности). Классическим примером может послужить история развития акциза на спирт в Ирландии. В 1786 году был определен налог в размере 30 шиллингов с галлона емкости котлов. Это подхлестнуло производителей на технические новшества, чтобы при меньше емкости увеличить выпуск продукта.

По своей природе акцизы близки к налогу на потребление, особенно к налогу на продажи (в частности, это проявилось в том, что в отдельных странах при переходе от налога с продажи к налогу на добавленную стоимость (НДС) в последний были включены и некоторые акцизы). Тем не менее имеются и определенные различия. НДС и налог с продажи направлены, как правило, на обложение всего или преобладающей части конечного потребления, при относительно умеренных ставках для отдельных товарных групп, с возможностью снижения ставок для социально-значимых товаров.

Акцизы также направлены на обложение конечного потребления, но не всего, а лишь его определенных специфических частей. Например, базовыми товарами, обязательно облагаемыми акцизами, являются алкогольные напитки и табачные изделия.

В этом случае обложение обосновывается не только целью получения высоких налоговых поступлений от потребителей (что и определяет высокие акцизные ставки), но подчас и для ограничения с помощью вздутых акцизами цен потребления этой продукции (впрочем, многие считают это чисто пропагандистским маневром с целью прикрыть откровенный фискальный характер акцизов). Акцизы используются для обложения и некоторых других товаров, причем, как правило, с чисто фискальными целями. Хотя по странам единства в отборе акцизных товаров нет (к тому же этот отбор может различаться в отдельные периоды), все же можно выделить два единых признака отбора: это либо товары массового потребления с низкой эластичностью спроса по цене (сахар, соль, бензин и др.), либо товары элитного спроса (например, ювелирные изделия).

Так, в США акцизы собираются на всех трех бюджетных уровнях, но особенно в штатах; в прошлом список акцизных товаров был достаточно широк; ныне в нем, наряду с алкогольной и табачной продукцией, остаются пиво, бензин, телефонные услуги, услуги авиалиний и некоторые другие. В странах ЕС рекомендуют ограничивать список акцизных товаров, кроме алкогольной и табачной продукции, бензином и другими нефтепродуктами. Например, в Италии акциз на нефть и нефтепродукты обеспечивает большую часть всех акцизных поступлений. Другим доходным объектом такого налогообложения являются табачные изделия. Кроме того, существуют акцизы на электроэнергию, сахар, алкогольные напитки и др. В Великобритании наиболее доходными акцизами являются акцизы на алкогольные напитки, горючее, табачные изделия и транспорт. Ставка акцизных сборов здесь колеблется обычно в пределах от 10% до 30%.

В развитых странах акцизные ставки устанавливаются либо как отношение (обычно высокое) к стоимости акцизного товара, выраженное в процентах (иногда как доля цены), либо в абсолютном выражении на определенную единицу измерения (например, в США на литр алкогольной продукции, на 1 галлон бензина и т.п.). Выбор между двумя видами акцизных ставок связан прежде всего с инфляцией. В первом случае налоговые органы получают акцизные сборы, меняющиеся в связи с изменением масштабов инфляции, но одновременно эти сборы автоматически усиливают инфляцию. При ставках, а абсолютных единицах налоговые органы могут потерять доходы в случае усиления инфляции, но зато эти ставки не увеличивают инфляцию. Сильные антиинфляционные настроения последних десятилетий способствуют тому, что в развитых странах предпочитают второй вид ставок (в абсолютном выражении).

Таким образом, мы видим, что акцизы всегда имели большую долю в совокупных налоговых поступлениях в развитых странах. Акцизы являются не только важнейшей строкой доходов бюджета, но это и эффективный способ воздействия на цену определенных видов товаров. Изменяя акцизы государство может воздействовать на уровень потребления социально вредных товаров или ограничить импорт определенного товара.

*Shodiev O.A. - senior lecturer of the Department
“Taxes and Taxation” of Tashkent Institute of Finance
Fatkullina I.F. - student of Tashkent Institute of Finance*

**TOPICAL ISSUES IN THE DEVELOPMENT OF BANKING,
FINANCE AND ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY**

Annotation: this article discusses innovations accepted in insurance. Issues related to smart insurance, telematics and digitalization of insurance products are considered. The issues of the impact of innovation on insurance products, as well as the advantage of applying innovation for policyholders and insurance companies, have been studied.

Keywords: insurance, insurance products, smart insurance, telematics, innovations in insurance.

Currently, there is no well-established definition of what telematics is, but it is well known that this term is widely used when talking about the telecommunications industry. Telematics is increasingly mentioned in connection with innovative solutions in various sectors of the economy. The term "telematics" is used by specialists and analysts to describe modern technologies for data exchange between various information objects, people, devices and information systems. Telematics as an industry is based on the result of scientific and technological progress in the field of telecommunications and informatics. In the modern world, the scope of telematics solutions is expanding every day. The penetration of topics into various branches of innovative activity is the main trend in the modern information environment.

Every day, modern man is faced with new challenges and modern technical means are offered to solve them. Yesterday, a modern anti-theft system was enough for a car, but today it needs telematics, and vehicles are one of the most common objects of insurance. The essence of telematic services is the use of various innovative technologies (computer, sensor, telecommunication) to provide services to the driver of the vehicle at a distance. One of the main functions of telematics is vehicle movement monitoring. That is, at a distance you can tell where the car is located, on what route and at what speed it is moving. This function is widely used in Europe by insurance companies to track the performance of trucks in the field of logistics. If a private person may not really need a tracking function for a personal car, then insurance companies can come in handy. So, the cost of an insurance policy may depend on several factors: car model, driving experience, accidents, etc.

Insurance companies need to know what a driver's driving style is, how often he speeds, how often he makes sharp turns and accelerates, how long the car has been in motion. Perhaps this information, if positive, could reduce the risks of the insurance company and, accordingly, reduce the cost of the insurance policy for the owner of the vehicle. So, for example, in Russia, Intouch, together with MTS, offer a special program "Smart Insurance", which allows you to reduce the cost of CASCO by 20%. When concluding a contract with the driver, the insurance company gives a small box, commensurate with a matchbox, which must be connected to the diagnostic port of the car. This device contains various modules and a SIM card. When the car is moving, the device records the movement parameters and transmits the information to the

insurance company. The collected information is available to the owner of the car. It can be displayed on a smartphone. If there is no connection on some sections of the road, the data remains in the device's memory and is transmitted when the connection is restored. It is clear that the driver does not like to be under constant control, so the data from the car may not be available to everyone. The access circle is determined by the owner using the settings of the "Personal Account". When it comes time to buy an insurance policy, every driver has two main goals - to get the maximum service from the insurance company and pay the minimum amount of money for insurance. The CASCO policy is not cheap, but if the driver issues a CASCO with telematics, then he fully realizes his goals. If you are a careful driver, then the cost of a CASCO policy with telematics can be reduced by up to 50%. In addition, the owner of the car receives a number of additional services:

1. Navigation is one of the first telematic services that provides the ability to help the driver easily follow a given route using visual and voice prompts.

2. Remote diagnostics - built-in diagnostic system, consisting of control units and sensors that are connected to the vehicle diagnostic bus. With its help, the main components of the car are monitored, and carbon dioxide emissions are also controlled. This data can be transferred by the owner to a service center for remote diagnostics. Timely removal of faults increases the safety and efficiency of the vehicle, increases the economy of gasoline and the life of car tires.

3. Fleet management - this telematic service is based on the location and monitoring of vehicles related to the logistics purpose and their control.

4. Safety - this telematic service is designed to transmit a signal to the rescue center at the moment the emergency sensor is triggered. This information contains the coordinates of the vehicle involved in the accident. Timely assistance to the victims and the provision of emergency medical care helps to reduce deaths in the event of an accident. There is no additional charge for the device itself by the driver. By connecting it to the diagnostic socket, you set off on a journey, and the device evaluates the safety of your ride in the form of points. If you drive calmly, then points are added, but if you brake sharply, then points are removed from you. At the end, you can analyze the results: the length of your trip, the time and fuel spent, the total cost of fuel, and the points earned for safe driving.

If we consider the moral side, then not everyone wants to be under the constant supervision of an insurance company. Although in general, for novice drivers, a careful driving style can be a significant reward in the form of financial discounts on insurance. At the same time, discounts are offered after a certain period of time (a month or even a year), only when the insurance company is convinced of a careful driving style.

With the help of telematics data, the insurance company can obtain more accurate information about the driving style of each driver and calculate the risks in the event of an insured event, which, in turn, can contribute to an

individual approach to calculating the cost of an insurance policy. As a result, for careful drivers, the insurance policy can become cheaper. I would like to believe that for lovers of fast driving, the presence of telematics will serve as an incentive not to endanger their lives and the lives of others. Telematics is now an important component in the new vehicle insurance. Perhaps in the future it will become an integral part of every car.

Today, most car manufacturers in North America and Japan equip their vehicles with a wide range of different telematics devices, including emergency alerts, roadside assistance, stolen vehicle geolocation, and remote diagnostic, navigation, and entertainment capabilities.

Based on the foregoing, it can be argued that the use of telematic technologies in the formation of tariffs for the "Smart Insurance" service, all project participants receive a positive economic effect:

- telematics operator: increases revenue; gets a new distribution channel; expands the product line; increases brand awareness among individuals, gains experience in working with individuals and a “springboard” for entering new markets;

- insurance company: reduction of insurance payments; increasing the accuracy of actuarial calculations, expanding the client base, increasing customer loyalty, automating the process of making managerial decisions;

- client of an insurance company: savings on insurance rates, increasing the level of safety for both the driver and passengers (by increasing discipline), reducing the cost of maintaining a car.

Therefore, the use of telematics tools in an industry such as insurance looks quite promising.

After studying this topic, we came to the conclusion that the smart insurance market is waiting for growth, but for large-scale deployment, work is needed to focus services on the client and create a value system for this type of service for the insured.

Мусалимов Ш.И., PhD

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Илғор хориж мамлакатларида маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда асосий манба сифатида маҳаллий солиқлар қаралади. Солиқларнинг таснифланиши нуқтаи назаридан қаралганда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда тартибга солувчи ва бириктирилган солиқлар бир-бирига ўхшаш кўринади, лекин бундай таснифланишдаги асосий фарқ шундан иборатки биринчи ҳолатга гап солиқларнинг қайси бюджетга тегишлилиги хусусида кетса, иккинчи ҳолатда ушбу солиқлар бўйича

келиб тушадиган маблағларнинг йўналтириш манзили ҳақида гап кетади. Чет мамлакатлар тажрибасида тартибга солувчи солиқлардан бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштиришда дотацияда турган маҳаллий бюджетларни рағбатлантиришда ҳамда иқтисодий потенциални оширишда муҳим иқтисодий ричаг сифатида кенг фойдаланилади. Тартибга солувчи солиқларнинг тақсимланиш механизмининг Европа, Осиё ва АҚШ тажрибасини кўриб чиқамиз.

Японияда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг дунё мамлакатлари тажрибаси билан умумийлик жиҳатлари билан бирга, тубдан фарқ қиладиган жиҳатлари ҳам мавжуд. Умумийлик жиҳати шундан иборатки, Японияда ҳам Марказий (давлат) бюджетга ундириладиган солиқларнинг бир қисмини маҳаллий бюджетга (перфектура ва муниципал бюджет) қайта тақсимланиш ҳолатлари мавжуд. Шу билан бирга бир хил солиқ солинадиган объектдан турли даражадаги бюджетларга алоҳида номланган солиқлар ундирилади, масалан марказий бюджетга даромад солиғи ундирилса, перфектура даражасида даромад солиғи базасидан келиб чиқиб 3 фоиз ставкагача бўлган миқдорда префектура солиғи ундирилади ва муниципал даражада ҳам айнан мазкур солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб 10 фоиз ставкагача бўлган миқдорда истиқомат қилиш солиғи ундирилади¹.

Шунингдек Японияда маҳаллий бюджет даромадларини таъминлашда мерос солиғини ўзига хос хусусияти мавжуд бўлиб, лекин ушбу мамлакатда ернинг нархи охириги йилларда пасаяётганлиги сабабли мерос солиғи юки сезиларли даражада камайиб бормоқда. Асосий чегирмаларни кўпайиши туфайли мерос солиғига энди фақат 4 фоиз меросхўрлар солиққа тортилади. Ҳозирги кунда мерос солиғи миқдори қонуний меросхўрлар ва ҳар бир меросхўрнинг қонуний улуши сонидан асосланади.

Мерос солиғига мерос сифатида олинган жами мол-мулкнинг умумий қиймати солиққа тортилади, бунда қарзлар ва дафн ҳаражатлари чегириб ташланади. Мол-мулк бозор нарҳида мерос олган вақтдан бошлаб баҳоланади. Хайрия, диний, тадқиқотчилик ёки бошқа жамоатчилик йўналиши билан шуғулланувчи шахслар томонидан олинган мол-мулк жамоатчилик мақсадларида ишлатилса, мерос солиғига тортилмайди.

Шунингдек, мазкур солиққа мерос қолдирувчининг вафоти туфайли меросхўрларга мерос сифатида қолдирилган ҳаёт суғуртаси ва бахтсиз ҳодисалардан яқка ҳолда суғурталаниш натижасида олинган даромадлар (ҳар бир қонуний меросхўр учун кўпи билан 5 млн.иен), шу билан бирга меросхўр эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган, маҳаллий жамоат бирлашмалари томонидан ногиронлар учун кўрсатилган ўзаро ёрдам кўринишидаги тўловлар солиққа тортилмайди.

¹ [Let's talk about Taxes. Ministry of Finance, Japan. October 2011.](#)

Мерос солиғи солиққа тортишнинг олти босқичли шкаласи бўйича ундирилади. Мерос учун солиқ ставкалари 10% - 50% атрофида белгиланади. Солиқ ставкасига қараб тўлов нарҳи ҳам ўзгариб боради.

Шунингдек маҳаллий бюджетга йўналтириладиган ҳада солиғи календарь йилида олинган мол-мулк қийматига нисбатан ҳисобланади. Мол-мулк қиймати ҳада этилган вақтдаги бозор нарҳига кўра баҳоланади. Бироқ, айрим турдаги мулклар ҳада солиғига тортилмайди. Булар - корпорациялар томонидан олинган мол-мулклар; яшаш учун олинган мол-мулк, шунингдек, масъул қариндошлардан таълим эҳтиёжлари учун олинган мол-мулк; хайрия, дин, тадқиқотчилик ва бошқа жамоатчилик йўналишлари билан шуғулланувчи шахс томонидан меросга қолдирилган, жамоатчилик мақсадларида сарфланган мол-мулк ҳамда алоҳида нотижорат компаниялари томонидан тақдим этилган илм-фан, тадқиқотлар учун мукофотлар; маҳаллий жамоат бирлашмалари томонидан ногиронлар учун кўрсатилган ўзаро ёрдам кўринишидаги тўловлар (агарда меросхўр ногирон бўлган тақдирда).

Японияда фуқаро 20 йил давомида ёки ундан ортиқ никоҳда бўла туриб доимий турар жой ёки шундай турар жойни турмуш ўртоғидан сотиб олиш учун пулларни ҳада тариқасида олса, у асосий имтиёзлар билан бир қаторда 20 млн.дан ортиқ бўлмаган «никоҳ чегирмаси»ни олиши мумкин. Бироқ, ҳар бир эр-хотин «никоҳ чегирмаси»ни фақат бир мартаба олиш ҳуқуқига эга.

Мерос ва ҳада солиқлари олти босқичли прогрессив шкала асосида ундирилади. Солиқ ставкалари солиқ солинадиган объект нарҳига қараб 10%дан 50% фоизгача белгиланади.

Германияда солиқлар уч даражада – федерал, ҳудуд(ер) ва маҳаллий (община) даражада ундирилади. Федерал солиқлар қайта тақсимланмайди ҳамда федерал солиқларда энг кўп тушум жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан келиб тушади, иккинчи ўринда қўшилган қиймат солиғи ташкил қилиб, унинг улуши 28 %ни ташкил этади. Германияда солиқ федерализми имкон даражасида ҳудудлар манфаатидан келиб чиқиб тузилган ҳамда солиқ ваколатлари марказ ва ҳудуд ўртасида мутаносиб тақсимланган ва қуйи бюджетларнинг федерал бюджетга нисбатан ҳуқуқларининг тенглиги сақланиб қолинган. Ушбу мамлакатда битта солиқнинг турли бюджетлар ўртасида тақсимланиши муваффақиятли йўлга қўйилгани эътиборга моликдир. Бундай солиқлар умумий солиқлар деб аталади ёки бошқача қилиб айтганда тартибга солувчи солиқлар. Масалан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи мос равишда учта даражада қуйидаги улушларда тақсимланади: 42,5; 42,5 ва 15 %. Корпоратив солиқ ва қўшилган қиймат солиғи федерал ва ҳудуд бюджетларига деярли тенг тақсимланади. Австрияда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин, марказий, ҳудуд ва маҳаллий бюджетларга жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 60, 22 ва 18 % улушларда тақсимланса, нефт маҳсулотларига солиқлар –

88,5; 8,5 ва 3 %, қўшилган қиймат солиғи эса 69; 19 ва 12 % улушларда тақсимланади¹.

Германияда умумий солиқлар билан бирга бюджет тизимининг фақат бир даражасига келиб тушадиган солиқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга федерал, ҳудуд ва маҳаллий солиқлар киритилади. Федерал бюджетга божхона бождари, аксарият акциз солиқлари (энергия, тамаки ва бошқалар), ижтимоий суғурта ва бошқа солиқлар келиб тушади. Ҳудуд солиқларига мулк ва мерос солиқлари, аксарият тижорат операциялари солиқлари (хусусан, ер участкаси сотиб олганда тўланадиган солиқ) ва бир қатор ҳажми жиҳатидан унчалик катта бўлмаган солиқ тушумлари киради. Маҳаллий бюджетларга ҳунармандчилик² ва ер солиқлари, истеъмол товарларига маҳаллий солиқлар ва бошқа солиқ тушумлари келиб тушади. Ҳунармандчилик солиғидан федерал ва ҳудуд бюджетларига ажратмалар ажратилади.

Шундай қилиб, бюджетлараро мутаносибликни таъминлашнинг биринчи босқичида ҳудудларнинг солиқ тушумларидаги улуши белгиланади. Иккинчи босқичда солиқ тушумлари горизонтал тақсимланади, солиқларни алоҳида ҳудудлар бўйича тақсимлаш қоидалари белгиланади. Умумий қоидага мувофиқ, ҳудуд бюджетига айнан шу ҳудуддан олинган солиқлар келиб тушади. Бирок, айрим турдаги солиқлар, жумладан ҚҚС, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва корпоратив солиқлар бўйича алоҳида тартиб мавжуд.

Германияда солиқ қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бюджетга ўтказишда яшаш жойи ҳисобга олиниши алоҳида аҳамият касб этади. Корпоратив солиқ корпорация штаб-квартираси жойлашган ҳудудда йиғилади ва корпорациялар амалда фаолият олиб бораётган ҳудудлар бўйича тақсимланади. ҚҚСни тақсимлаш нисбатан мураккаброқ. Сусти ривожланаётган ҳудудларда даромад, корпорация ва ер солиғи бўйича тушумлар мамлакат бўйича ўртачадан паст бўлган ҳолларда, ушбу ҳудудлар бюджетига 25 фоизгача ҚҚС тушумлари йўналтирилади. ҚҚСнинг қолган 75 фоизи ҳудудлар аҳолиси сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Шундай қилиб, ҚҚСнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши уларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашнинг учинчи босқичида даромадларни ҳудудлар ўртасида горизонтал тақсимланишини, яъни “донор” ҳудудлардан маблағларни олиб “қарам” ҳудудларга ўтказишни назарда тутати. Бунда ҳудуд солиқ тушумлари билан бирга, маҳаллий солиқ тушумлари ҳам ҳисобга олинади. Маблағларни қайта тақсимлашдаги асосий тамойил барча ҳудудларда бюджет

¹ <http://www.sisupr.mrsu.ru/2010-4-analiz/PDF/Simaeva.pdf>

² Мазкур солиқ саноат, савдо ва бошқа турдаги фаолият билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан ундирилади. Солиқ солинадиган база фойда ҳисобланади.

даромадларининг жон бошига тўғри келадиган эҳтиёжлари бир хиллигидан келиб чиқади. Лекин Гамбург, Бремен, Берлин ҳудудларида жон бошига бюджет даромадларига бўлган эҳтиёж юқорироқ ҳисобланади. Бюджетни тенглаштириш доирасида ҳудудлар аҳолиси сонига нисбатан 1,35 коэффициент бўйича аниқланади, аҳоли зичлиги паст ҳудудлар бўйича табақалаштирилган, хусусан Мекленбург-Померанига – 1,05, Бранденбургга – 1,03 ва Саксония-Анхальтга – 1,02 баробарга оширувчи индекслар қўлланилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқларнинг бюджетлараро тақсимланишини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар қаромоғидан бўлган активлардан ҳудудни ривожлантиришда самарали фойдаланиш бўйича ҳар бир ҳудуд бўйича истиқболга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш зарур.

*Usmanova M., TMI
Soliqlar va soliqqa tortish
kafedrası prof. v.b
Asomov D.K., MM-54i guruh talabasi*

BILVOSITA SOLIQLAR HISOBINING XORIJ TAJRIBASI VA UNDAN RESPUBLIKAMIZDA FOYDALANISH ISTIQBOLLARI

О'zbekiston Respublikasida amalda bo'lgan soliq tizimining samaradorligini oshirishga ko'maklashuvchi muhim va zarur shartlardan biri, uzoq vaqtlardan buyon soliqlardan iqtisodiyotni boshqarishning eng ta'sirchan vositalaridan biri sifatida samarali foydalanib kelayotgan rivojlangan mamlakatlarning tajribasini puxta o'rganishdir. Soliqlarning undirilishi, tarkibi, hisoblanish usuli qolaversa, soliq yig'uvchilarga berilgan huquqlar bilan ham bir-biridan farq qiladi. Lekin, bu jarayonlarni chuqur tahlil qilinishi natijasida uning umumiy tomonlarini topish, shu bilan birga ustuvor taraflarini iqtisodiyotga moslashtirilgan holda qo'llash imkoniyatlarini ochish mumkin bo'ladi.

Yevropa Ittifoqiga a'zo bo'lgan mamlakatlarda soliq tushumlarining tarkibida bilvosita soliqlarni yuqori salmoqqa ega ekanligining asosiy sabablaridan biri, bu mamlakatlarda soliq stavkalarining umumlashtirilganligi va soliqqa tortish bazasining o'zaro uyg'unlashtirilganligi hisoblanadi.

Buyuk Britaniyada qo'shilgan qiymat solig'i ancha oldin, 1973-yil 1-apreldan kiritilgan. Qo'shilgan qiymat solig'i bo'yicha barcha qabul qilingan hujjatlar 1983-yilda qabul qilingan yagona qonuniy hujjatda to'plangan. Qo'shilgan qiymat solig'i Moliya vazirligi boj to'lovlari va aksiz boshqarmasi ixtiyoriga kiradi.

Xo'jalik yurituvchi subyekt har chorakda soliq deklaratsiyasini to'ldirib topshiradi. Soliq summasini soliq boshqarmasiga o'tkazadi hamda agar ortiqcha

to'langan soliq summasi mavjud bo'lsa qaytarib olishi mumkin. Soliq deklaratsiyasi chorak tugagandan so'ng bir oy ichida soliq boshqarmasiga topshirilishi kerak.

Buyuk Britaniya qo'shilgan qiymat solig'i bo'yicha o'ziga xos xususiyatlaridan biri, bir nechta umumiy nazorat ostidagi kompaniyalar qo'shilgan qiymat solig'i to'lash maqsadida guruh tarzida ro'yxatdan o'tishi mumkin. Bu holatda yagona deklaratsiya tuziladi.

Germaniyada qo'shilgan qiymat solig'i ijtimoiy va xususiy iste'mol solig'i sifatida e'tirof etiladi.

Germaniya qo'shilgan qiymat solig'i ayrim xususiyatlariga ega. Jumladan, oldingi calendar yilida aylanmasi belgilangan birlikdan oshmagan, joriy yil uchun esa belgilangan birlikdan oshmaydigan tadbirkorlar qo'shilgan qiymat solig'ini to'lashdan ozod etiladi. Ammo bunda ular qo'shilgan qiymat solig'iga yozilgan hisob varaqlaridagi summasini undirib olish huquqidan ham mahrum bo'lishadi. Bunday tadbirkor qo'shilgan qiymat solig'i emas, balki daromad solig'i to'laydi. U qo'shilgan qiymat solig'i to'lashdan ozod etilishidan voz kechish va umumiy asoslarda soliq xarajatlarini to'lash huquqiga ega.

Qozog'iston qo'shilgan qiymat solig'ini hisoblab chiqishning umumiy tartibi G'arbiy Yevropadagi yetakchi mamlakatlarning tajribasidan qabul qilingan. Tashkilotlar orqali faoliyat yuritadigan yuridik shaxslar, shuningdek, tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiradigan jismoniy shaxslar soliq to'lovchi hisoblanadilar. Soliqlarni qoplash tartibi soliq to'lovchilar uchun katta ahamiyatga ega.. Qozog'istonda sotib olingan moddiy boyliklar, bajarilgan ish va ko'rsatilgan xizmatlar bo'yicha qo'shilgan qiymat solig'i xaridorlar tomonidan ularning haqi to'langanligi faktidan qat'iy nazar byudjetdan qoplanadi.

Rossiya Federatsiyasida bilvosita soliqlarning undirilish mexanizmi turlichaligi va o'xshashligi bo'yicha fikrlarimizni quyidagicha bayon etamiz.

Rossiya Federatsiyasida qo'shilgan qiymat solig'i to'lovchilari quyidagi gurhularga bo'linadi:

- Tashkilotlar;
- Yakka tartibdagi tadbirkorlar;
- Bojxonadan Tovar va materiallar olib kiruvchi shaxslar.

Bojxona orqali Tovar va mahsulotlar olib kiruvchi shaxslar Rossiya Federatsiyasi Bojxona kodeksida belgilangan tartibda qo'shilgan qiymat solig'ini to'laydilar.

Rossiyada to'rt turdagi soliq to'lovchilar qo'shilgan qiymat solig'i to'lash majburiyatga ega emas:

1. Soliq solishning qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilar uchun qo'llaniladigan tizimiga kiruvchilar;
2. Soliqqa tortishning soddalashtirilgan tizimidagilar;
3. Ayrim turdagi faoliyat bilan shug'ullanuvchi yagona soliq to'lovchilar;

4. Soliq Kodeksiga muvofiq QQS to'lashdan ozod etilgan yuridik va jismoniy shaxslar.

Nol foizli Stavka bo'yicha eksport qilingan tovarlar, eksport va import qilinadigan mahsulotlarni yuklash, yuklab jo'natish jarayonida bajarilgan ishlar va xizmatlar, xalqaro bojxona tranziti orqali tovarlarni olib o'tishda bevosita bajarilgan ishlar va xizmatlarda qo'llaniladi. Nol foizli stavkani qo'llash uchun soliq organlariga tegishli hujjatlar taqdim etiladi.

Qo'shilgan qiymat solig'ini o'n foizli stavkasi Rossiya Federatsiyasi Soliq kodeksida ko'rsatilgan oziq-ovqat tovarlari ishlab chiqarilganda, bolalar uchun mahsulotlar realizatsiya qilinganda, davriy ro'znomalar va kitob mahsulotlari realizatsiya qilinganda amalga oshiriladi.

O'rganilgan davlatlarning Ichida mamlakatimiz bilan eng ko'p iqtisodiy munosabatlarga kirishadigani – bu Rossiya Federatsiyasi va Qozog'iston Respublikalaridir. E'tibor qaratadigan bo'lsak, ushbu davlatlar bizning asosiy hamkorlarimiz vac het ellik asosiy iste'molchilarimiz hisoblanishadi. Chet el tajribasini o'rgangan holda quyidagi xulosalarga keldik: tabaqalashtirilgan stavkalarining joriy etilishi qo'shilgan qiymat solig'i bo'yicha chalkashliklarni keltirib chiqaradi va soliq undirish mexanizmini izdan chiqarib, ayrim hollarda soliqdan qochishga ko'mak beradi. Qo'shilgan qiymat solig'iga tortiladigan baza aksiz solig'i summasini qo'shilmasligi o'zaro hamkorlikdagi davlatlar bilan oldi-sotdi munosabatlarga qulaylik tug'diribgina qolmasdan, soliq to'lashga nisbatan bir martalik va adolatlilik prinsipini ta'minlaydi. Qo'shilgan qiymat solig'i stavkasini O'zbekiston Respublikasi bilan asosiy hamkorlik qolayotgan davlatlardagi mavjud stavkalarni tahlil qilin, o'rgangan holda bilvosita soliq xarajatlarining pasaytirilishi aholi iste'mol qobiliyatini oshiribgina qolmay chet ellik jismoniy va yuridik shaxslar tomonidan mamlakatimizda ishlab chiqarilayotgan mahsulot (ish, xizmatlar) iste'molini oshirib, ishlab chiqaruvchilarni rag'batlantiradi. Bu esa, mamlakatimizga chet el investitsiyasini ko'proq jalb qilishga imkon yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Soliq Kodeksi.
2. Налоговый кодекс Российской Федерации
3. Шамсутдинов Ф. Ш, Шамсутдинова Ш. Ф. Чет мамлакатлар солиқ тизими. Дарслик.
4. Практическое пособие по НДС. – М.: Издательство «Статут»
5. <http://vatlive.com> – Қўшилган қиймат солиғи – ахборот сайти.

*Usmanova M., TMI
Soliqlar va soliqqa tortish
kafedrası prof. v.b
ST-50 guruh talabasi
Jumanova M.*

XORIY TAJRIBASIDA SOLIQQA TORTISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI VA MAMLAKATIMIZ SOLIQ TIZIMIGA TADBIG'I

Mamlakatimiz o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan iqtisodiy islohotlarni amalga oshirishda avvalambor soliq siyosati muhim ahamiyat kasb etadi. Har qanday davlatchilik ko'rinishida soliqlar nafaqat tadbirkor, korxonalar va tashkilotlarni balki alohida jismoniy shaxslarni iqtisodiy harakatga keltiruvchi richag bo'lib xizmat qiladi. Soliqlar va yig'implarning asosiy ya'ni fiskal funksiyasini bajarish bilan bir qatorda soliq to'lovchilar bilan balansli muqobil munosabatni saqlab qolish uchun soliq tizimini yanada takomillashtirish, soliqlarning turlari va ularning amal qilish mexanizmini soddalashtirish muhim masalalardan hisoblanadi. O'zbekiston butunjahon hamjamiyatning bir a'zosi sifatida xalqaro standartlarni o'z tizimiga joriy etadi, va kerak bo'lsa o'zining muvafaqqiyatli tajribasini boshqa chet el mamlakatlar bilan bo'lishadi ya'ni tizim integratsiyalashadi.

Xalqaro amaliyotda Soliq jamg'armasining Xalqaro soliq raqobatbardoshligi indeksi (ITCI) baholash tizimi mavjud. U 36 ta Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) davlatlarining soliq tizimlari biznes investitsiyalariga past soliq yuklari va muqobil soliq kodeksi orqali raqobatbardoshlikni oshirish darajasini o'lchaydi. ITCI besh toifa bo'yicha 40 dan ortiq o'zgaruvchilarni korporativ soliq, jismoniy shaxslar soliqlari, iste'mol soliqlari, mulk solig'i va xalqaro soliq qoidalarini ko'rib chiqadi.

Soliq jamg'armasi ma'lumotlariga ko'ra, 2020-yil hisobida Estoniya soliq soliq tizimi bo'yicha eng yuqori ko'rsatkichni qayd etgan. Ushbu mamlakatda faqat taqsimlangan foyda uchun qo'llaniladigan korporativ daromaddan 20 foizlik soliq stavkasiga ega (muntazam dividendlar bo'lganda 14 foizga kamayadi). Bu shuni anglatadiki, Estoniyaning korporativ daromad solig'i tizimi kompaniyalarga o'z daromadlarini soliqsiz qayta investitsiya qilish imkonini beradi.

Birinchi xulosa shuki, mamlakatda rivojlanishi zarur bo'lgan sohalarda faoliyat yurituvchi korxonalar, ishlab chiqaruvchi tashkilotlarga ma'lum muddatga imtiyozlar berish orqali sohani rivojlantirishga erishish mumkin.

Estoniya soliq tizimining yana bir jihat shundaki, kompaniyalar Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti ning boshqa mamlakatlaridagiga qaraganda soliq hisoblab chiqarish va to'lashga kamroq vaqt sarflaydilar. Misol uchun, IHTT mamlakatlarida o'rtacha yiliga 42 soat kompaniyalar faqat korporativ foyda solig'ini to'lash uchun sarflasa, Estoniyada bu ko'rsatkich besh soatni

tashkil qiladi. Ikkinchi xulosa, nafaqat soliq tizimi soddalashgan bo'lishi balki soliq to'lashga ketadigan vaqt ham qisqa bo'lishi soliq to'lovchilarning ortiqcha ovoragarchiliklarsiz tez va oson o'z majburiyatlarini o'z vaqtida bajarishga sabab bo'ladi. Estoniya, shuningdek, Iqtisodiy hamkorlik va hamkorlik tashkilotidagi ko'chmas mulkni (ko'chmas mulk, yerni obodonlashtirish, texnika) bir shaxs yoki firmadan boshqasiga o'tkazish uchun soliqlarni anglatuvchi hech qanday mulkni o'tkazish solig'i bo'lmagan kam sonli davlatlar qatoriga kiradi

Ko'pgina rivojlangan mamlakat xususan Yaponiya, Kanada, Aqsh, Janubiy Korea va Indoneziya kabi davlatlarda jismoniy shaxs daromad solig'ini o'zi hisoblab chiqarish ya'ni deklaratsiya maliyoti mavjud. Bu uslubning o'ziga xosligi shundaki, soliq to'lovchi jismoniy shaxs ma'lum darajada bilim va ma'suliyatga ega bo'lishi talab qilinadilar. Masalaning ikkinchi tomoni soliq to'lovchilarga ortiqcha ma'lumotlar talablarini qo'yadi. Bu mamlakatlarda deklaratsiya shakllar bir necha sahifalarni o'z ichiga olishi mumkin, ba'zan soliq to'lovchilardan qo'shimcha hujjatlarni (masalan, schyot-fakturalar va import deklaratsiyalari nusxalari) ilova qilishni so'raladi. Bir qator mamlakatlarda ariza berish va to'lov alohida joylarda bo'lishi mumkin, bu esa to'lov va qaytarish ma'lumotlarini solishtirishga to'sqinlik qilib, ma'muriyat qiyinchiliklarini kuchaytiradi. Bunday amaliyot soliq to'lovchilarni (xususan, deklaratsiya topshirgan, lekin soliq majburiyatlarini to'lamagan) o'z vaqtida aniqlashga jiddiy to'sqinlik qilishi mumkin. Uchinchi xulosa, yillik daromadi haqida deklaratsiya uslubida soliq undirish rivojlangan mamlakatlar uchun xos bo'lishiga qaramay, Soliq organlari va soliq to'lovchilar uchun ortiqcha vaqt va kuch sarflash sifatida namoyon bo'lib hisoblanadi.

Ko'pgina iqtisodiy adabiyotlarda keltirib o'tilgan yana bir jihat mamlakat iqtisodiyotining rivojlanish darajasi hisoblanadi. Rivojlanayotgan mamlakatlar samarali soliq tizimini yaratishga harakat qilganda katta qiyinchiliklarga duch kelishadi. Birinchidan, bu mamlakatlardagi ishchilarning aksariyati odatda qishloq xo'jaligida yoki kichik, norasmiy korxonalarda ishlaydi. Ularga kamdan-kam hollarda muntazam, qat'iy ish haqi to'langanligi sababli, ularning daromadlari o'zgarib turadi va ko'pchilik naqd pulda, "konvert tizimida" to'lanadi. Shuning uchun daromad solig'i uchun bazani hisoblash qiyin. Bu mamlakatlardagi ishchilar ham odatda o'z daromadlarini savdo va inventarlarning aniq hisobini yuritadigan yirik do'konlarda sarflamaydilar. Natijada, daromad solig'i va iste'mol solig'i kabi daromadlarni oshirishning zamonaviy vositalari bu iqtisodlarda kamaygan rol o'ynaydi va hukumatning yuqori soliq darajalariga erishish ehtimoli deyarli istisno qilinadi. To'rtinchi xulosa, yuqorida keltrib o'tilgan ijtimoiy qatlamni soliq to'lashga imtiyozlar orqali undash ya'ni soliq to'lovchilar bazasini ko'paytirish. Bu maqsadga, 2 yo'l bilan erishish mumkin. Birinchisi, daromad solig'ini to'lagan jismoniy shaxslarga yoshga doir pensiya hisoblab borish. Ikkinchi uslub, daromadini bir qismini sug'urtaga yo'naltirgan shaxslarga soliq imtiyozini berish orqali ham

sug'urta ham soliq sohasini mablag' bilan ta'minlash erishishni maqsad qilingan.

Xulosa sifatida shuni ta'kidlab o'tish lozimki, hozirgi zamonaviy xalqaro iqtisodiy sharoitda sohalarda jahon amaliyotini joriy etish integratsiyalashuvning tezlashuviga olib kelishini hisobga olish bilan bir qatorda soliqning asosiy tamoyili ya'ni davlat va soliq to'lovchi o'rtasidagi balansli munosabatni saqlab qolish vazifasi borligi hisobga olish lozim. Zero, davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev ta'kidlab o'tkanidek, "Soliqchi- ko'makchi" tamoyili asosida ishlarni tashkil qilish ijobiy natijalarga sababchi bo'ladi. Shuningdek, soliq ma'murchiligida zamonaviy axborot texnologiya tizimlari va elektron - masofaviy xizmatlar turini kengaytirish orqali soliq to'lovchilarning xabardorligini oshirish va vaqtini tejash imkonini beradi.

*Nu'monjonova. G Student of the
Tashkent Financial institute*

*Usmanova. M Professor at the
"Taxes and taxation" Department of
Tashkent Financial institute*

SOCIAL TAX LEVIED ON INDIVIDUAL ENTERPRENUERS ABROAD AND IN UZBEKISTAN

The individual income tax (or personal income tax) is a tax levied on the wages, salaries, dividends, interest, and other income a person earns throughout the year. The tax is generally imposed by the state in which the income is earned.

An entrepreneur is an individual who creates a new business, bearing most of the risks and enjoying most of the rewards. The entrepreneur is commonly seen as an innovator, a source of new ideas, goods, services, and business/or procedures.

Entrepreneurs play a key role in any economy. These are the people who have the skills and initiative necessary to anticipate current and future needs and bring good new ideas to market. Entrepreneurs who prove to be successful in taking on the risks of a startup are rewarded with profits, fame and continued growth opportunities. Those who fail, suffer losses and become less prevalent in the markets.

In the United States, tax policy neither officially defines nor makes special rules for entrepreneurs. Certain types of entrepreneurial activities carry tax benefits, such as subsidies or write-offs, but these do not uniformly apply to all entrepreneurs in the economy. An entrepreneur only pays taxes in accordance with his business activity. All other aspects of tax payment—from filing to withholding to receiving a refund—are the same for those considered entrepreneurs as those who are not.

If you've started a new company or run a small business, you will have to file both personal and business income taxes.

In the U.S., there is no special distinction made by the IRS for being an entrepreneur, although certain tax breaks may apply.

Entrepreneurs might look to organize their company in states that have more favorable tax rules or offer state-level tax breaks.

Entrepreneurial Activity and Taxes

Economists at the National Bureau of Economic Research published a paper in 2002 titled "Taxes and Entrepreneurial Activity: Theory and Evidence for the U.S." The paper provided a theoretical proof that taxes affect economic activity and change the incentive structure for existing and potential entrepreneurs. Their research focused on the differences in tax rates between business income and wage income, and how profits and losses are treated. It concluded by reinforcing the intuitive notion that tax laws change human behavior in meaningful ways.

This type of research shows taxes change the scope of entrepreneurial activity in the U.S., even though entrepreneurs are not taxed differently. Ostensibly, tax laws affect where entrepreneurs attempt to make changes in the economy and alter the types of external benefits or costs that entrepreneurs produce.

Entrepreneurs and Business Taxes

The notion of an entrepreneur is normally associated with new startup businesses. The tax rules for businesses are very different than the tax laws for individuals. However, all taxpayers, entrepreneurs or not, are incentivized to pay as few taxes as possible to maximize their economic gains, whether they file income through businesses or as individuals.

To that extent, it is inaccurate to assume that entrepreneurs are faced with different tax consequences than non-entrepreneurs. The same goes for individuals and businesses. It may very well be that entrepreneurs are more likely (on average) to pursue a minimum-tax strategy, but the underlying principles and methods are no different.

Social tax regime for individual entrepreneurs in Uzbekistan.

In the calendar year, individual entrepreneurs whose income from the sale of goods (works, services) does not exceed 100 million soums pay a fixed tax.

A fixed tax is paid at a fixed rate depending on the type of business activity and the place of business of the taxpayer, regardless of the number of days worked by an individual entrepreneur in a calendar month.

If an individual entrepreneur is engaged in more than one type of activity, the fixed tax is calculated separately for each type of activity at the rates established for this type of activity.

If the fixed tax rates for the place of business differ from the fixed rates for the place of state registration, the fixed tax is paid at the highest rate.

For example, in the Zangiota district of Tashkent region, a sole proprietor engaged in the retail sale of non-food products, registered in the city of Tashkent, is subject to a rate of 10 times the minimum wage. smell pays taxes. If the entrepreneur operates in Zangiota district, he will pay tax at the rate of 3 times the minimum wage.

A newly registered sole proprietor, including a family business entity, pays a fixed tax from the month following the month of state registration as an individual entrepreneur.

If graduates of professional colleges are registered as sole proprietors within twelve months after graduation, they are exempt from paying a fixed tax from the date of state registration as sole proprietors. will be released for a period of six months. In case of termination of activity within twelve months from the date of state registration as an individual entrepreneur or suspension for three or more months, a fixed tax is paid for the entire period of activity.

In case of termination of activity within twelve months from the date of state registration as an individual entrepreneur or suspension of activity for three or more months, a fixed tax is paid for the entire period of activity.

Single social payment

The single social payment is obligatory, regardless of the number of days worked by the taxpayer in a calendar month:

1) by individual entrepreneurs - in the amount of not less than the minimum wage per month;

2) by individuals who have labor relations with individual entrepreneurs - in the amount of 50 percent of the minimum wage per month;

3) by family members carrying out activities in the form of family business without forming a legal entity:

- by a family member registered as an individual entrepreneur - not less than the minimum wage per month;

- by other family members (except for those under 18 years old) - in the amount of 50% of the minimum wage per month;

4) subjects of handicrafts registered and operating in rural areas - by members of the Association of Craftsmen - in the amount of 50 percent of the minimum wage per month for the first two years of their activity;

5) During the period of work by students of the "Master-Apprentice" school until they reach the age of 25 - not less than 2.5 times the minimum wage per year. The payment of a fixed amount of social benefits is considered one year in the calculation of length of service.

Retirement and old-age craft entities - members of the Craftsmen's Union - are exempt from paying a single social payment.

People who are eligible for an old-age pension, as well

The amount of insurance premiums for persons with disabilities of groups I and II must be at least 50% of the established minimum amount. These benefits

are provided on the basis of a pension certificate or a certificate from a medical-labor expert commission.

*Усманова М.С., Тошкент молия институти
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси проф.в.б.
СТ-61 гуруҳ талабаси Рихсивоева М.*

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ УМУМДЕКЛАРАЦИЯЛАШНИНГ АҚШ ТАЖРИБАСИ

Солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг вазифаларини бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Жамиятда иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, булар солиқларни объектив амал қилинишини талаб этади. Солиқларнинг объектив зарурлигини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин:

-биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги;

-иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари билан.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги вазифалари пайдо бўлади. Буларга кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини (саноатда, қишлоқ хўжалигида, молия тизимида) ташкил қилиш киради. Шу билан бирга, давлат жамият аъзолари осойишталигини сақлаш мақсадида узининг мудофаа қобилятини сақлаб ва мустақамлаб туришга, техника ва ўқдориларга ҳам маблағлар сарфлайди, қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ ёналтиришга мажбур.

Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни ҳам объектив зарур қилиб қуяди.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи давлат бюджетининг асосий даромад манбаси бўлиб, унинг ҳисоблаш, ундириш механизмини илмий таҳлил қилиш ўта муҳим зарурият ҳамда мунозарали масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи солиқ солинадиган даромадларга эга жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган асосий бевосита солиқ ҳисобланади.

Даромадларни солиққа тортишда ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилиб келинаётган декларациялаш механизмини жорий қилиниши солиқ солинадиган даромадлар қамровини кенгайтиришга ва мамлакат қонунчилигида мавжуд турли бўшлиқ ва “лазейка” лар орқали яшаб келаётган хуфиёна иқтисодиётга ҳамда коррупция ҳолатларига барҳам беришга восита эканлиги сабабли даромадларни декларациялаш

механизмининг хориж амалиётини қўллаш бўйича тадқиқот олиб бориш зарур бўлиб ҳисобланади.

АҚШ солиқ тизимида жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ декларациялаш тамойили, яъни жисмоний шахсларнинг ўзлари томонидан даромадлари тўғрисида йиллик ҳисоботлар тақдим этишликка асосланади ва ушбу тизимга кўра, АҚШ даги солиқ тўловчиларидан (резидентлар ва норезидентлар) йиллик даромадлари тўғрисида декларация тўлдиришлари ва белгиланган муддатларда йил якунларига кўра топширишлари мажбурийлиги белгиланган. Даромадлар тўғрисидаги ҳисоботлари даромад манбалари, даромад қаердан келиб чиққанлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичида қамраб олган қўшимча ҳисоботлардан ҳам иборат бўлади .

Дастлаб АҚШ да, жисмоний шахсларнинг декларациялаш тизими 1863 йил 1 июль кундаги Қонунининг 6 бўлимига асосан барча даромад олувчи фуқароларни олган йиллик даромадлари тўғрисида ҳисоботлар тузилишини ҳамда ушбу ҳисоботларни кейинги йилнинг май ойи 1-душанба кунигача топширилишидан бошланган бўлиб, мазкур декларациялаш тизимига шу кунларга қадар ижтимоий-иқтисодий ҳолатларга кўра ўзгаришларлар киритилиб, такомиллашиб бормоқда .

АҚШ солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бюджетга тушумларни тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш мақсадида, солиқ қонунчилигига кўра, топилган даромадлардан ҳисобланадиган солиқнинг камида 90% и даромадлар топилган йилнинг ўзида, уч хил йўл билан, тўлов манбаида, тахминий ва қўшимча тўловлар орқали амалга оширилиб борилади. Агар ушбу қоидаларга риоя қилинмаса, солиқ органлари томонидан жарима қўлланилиши белгиланган.

Умумдекларациялаш мақсадида АҚШ солиқ тўловчиси солиқ хизмати органларига 3 та солиқ ҳисобот шаклларида бирини тақдим этади:

1. форм-1040 (резидентлар учун умумий бўлган, даромадлари ва чегирмалар турларига қараб қўшимча ҳисобот шакллари билан бирга),

2. форм 1040-CP (1040-ҳисобот шаклини 65 ёшдан юқори шахслар учун),),

3. форм 1040-ES (жисмоний шахслар учун тахминий солиқ), форм 1040-CP форм-1040 NP (норезидентлар учун) ёки форм-1040NP-E3 (норезидентлар учун соддалаштирилган тартибда) .

Умуман олганда, АҚШ да ҳар йили даромадлар бўйича декларация тўлдирилиши тўғрисида 100 дан ортиқ бепул брошуралар нашр этилади. Декларацияни тўлдириш бўйича кўрсатмаларни автоматлаштирилган телефон тизими ёки маҳаллий телефон рақами ёрдамида ҳам олиш мумкин. Кўпгина кутубхоналарда солиқ ҳисоботи шаклларини тўлдирилиши бўйича видео қўлланмалар мавжуд.

Солиқ декларацияни тўлдиришда, солиқ тўловчининг ҳолати, оиланинг мавжудлиги ёки йўқлиги, вояга етмаган болалари бор йўқлиги ва

бошқалар аниқланиб олиниши керак. Шунини таъкидлаш лозимки, солиқ тўловчи турмуш ўртоғи билан биргаликда ёки иккита алоҳида солиқ ҳисоботини тайёрлашида танлов қилади. Турмуш ўртоқларининг даромадлари ҳажми ва олиш усуллари турлича бўлишлиги, солиқ ҳисобланишида тўланиши лозим бўлган солиқ суммасида ҳам фарқ бўлишига сабаб бўлади. Солиқ қонунчилигига кўра, солиқ тўловчилар ўзлари учун маъқул бўлган ҳисобот шаклини танлашларига ман этилмаган.

Даромадлар тўғрисидаги декларация тақдим этилишида, солиқ тўловчилар белгиланган солиқ имтиёзлари, чегирмалардан фойдаланишга ҳақли ҳисобланади. Бундай чегирмаларга даромадларни олиш билан боғлиқ бўлган харажатларни чегириш, соғлиқни сақлаш ва тиклаш бўйича қилинган харажатлар бўйича солиқ чегирмалари, фарзандлари мавжуд бўлганлиги учун чегирмалар, ногирон фарзандлар учун солиқ чегирмалари, қариялар ва ногиронлар учун солиқ чегирмалари, таълим олиш учун қилинган харажатлар бўйича солиқ чегирмалари ва пенсия жамғармалари учун йўналтирилган даромадлар учун солиқ чегирмалари киради ва бундай чегирмалар солиқ кредитларини олиш учун аҳолидан даромадлар ва маълум турдаги харажатлар тўғрисида ҳисоботини юритилишини ундайди.

2018 йилдан бошлаб, АҚШ солиқ қонунчилигида ўзгаришлар бўлиб, хусусан бу жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида, жисмоний шахслар учун даромад солиғи ҳисобот шакллари, солиқ ставкаларида намоён бўлди. Жумладан, даромад солиғи ставкалари 2017 йил ва ундан аввалги йиллар учун пасайтирилди ҳамда тақдим этиладиган чегирмалар миқдори оширилди. 2019 йилдан жисмоний шахсларнинг даромадларидан 10%, 12%, 24%, 32%, 35%, ва 37% ставкаларда солиқ ундирилиш жорий қилинди.

АҚШ солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бюджетга тушумларни тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш мақсадида, солиқ қонунчилигига кўра, топилган даромадлардан ҳисобланадиган солиқнинг камида 90% и даромадлар топилган йилнинг ўзида, уч хил йўл билан, тўлов манбаида, тахминий ва қўшимча тўловлар орқали амалга оширилиб борилади. Агар ушбу қоидаларга риоя қилинмаса, солиқ органлари томонидан жарима қўлланилиши белгиланган.

Ҳар қандай солиқ шаклини тўлдириш жараёни бошқа барча ҳужжатлар билан бирга юборилган почта стикеридаги маълумотларнинг тўғрилигини текширишдан бошланади. Ушбу стикерда исм, манзил ва ижтимоий таъминланганлик рақами кўрсатилади. Агар стикердаги маълумотлар тўғри бўлса, мазкур маълумотлар барча керакли ҳужжатларни солиқ органларига юборишда фойдаланилади.

Даромадлар тўғрисидаги декларациялар почта орқали ёки электрон шаклда юборилади. Солиқ декларацияси календарь йил учун 1 январдан эртароқ бўлмаган ҳолда ва кейинги йилнинг 15 апрелидан кечиктирмай

тақдим этилади. Агар солиқ даври 1 январ куни бошланмаса, унда декларация солиқ даври тугаганидан кейин 4-ойнинг 15-кунидан кечиктирмай юборилиши керак бўлади. Декларация тақдим этилиши узрли сабабларсиз кечиктирилган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган ой учун солиқнинг суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима ҳисобланади (лекин жами жарима суммаси ҳисобланган даромад солиғи суммасининг 25 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда).

АҚШ солиқ хизмати (Интернал Ревенюе Сервисе) солиқ тўловчилар тўғрисидаги мавжуд маълумотларни ошкор қилмаслиги бўйича тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Ҳар қандай солиқ тўловчи унинг маълумотлари қандай ишлатилишини ва агар ушбу маълумотларни тақдим этишдан бош тортса, қандай чоралар кўрилиши тўғрисида маълумотлар олишга ҳақли ҳисобланади.

АҚШ қонунчилигига кўра, аҳолини ялпи декларациялаш тизими мавжудлиги ҳисобига, 2011-2017 йиллар давомида АҚШ иқтисодий фаол аҳолисининг қарийб 93,1% дан 95,2 % гача йиллик даромадлари тўғрисида декларациялар тақдим этиб келаётганлиги, аҳоли даромадларининг 16,2-17,4 % солиққа тортилаётганлиги, ҳар бир иқтисодий фаол аҳоли ҳисобига тўғри келадиган солиқ миқдори 8,9 минг сўм АҚШ долларидан 12,1 минг АҚШ долларига тўғри келаётганлиги аниқланди . 2017 йилда АҚШ иқтисодий фаол аҳоли сони 160,5 млн. сўмни ташкил этган ҳолда аҳолининг даромадлари ҳақида 152,9 млн. та декларациялар солиқ органларига келиб тушган. Ушбу кўрсаткичлардан мамлакатда умумдекларациялаш тизими такомиллашланлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.

Safarova Nodira - TMI o'qituvchisi
Boltayev Shohruh - TMI talabasi

SOLIQ MA'MURIYATCHILIGINING ZAMONAVIY TRENDLARI

Annotatsiya: Maqolada mamlakatimizda soliq tizimi modernizatsiyasining hozirgi bosqichi va istiqbollarida samarali soliq ma'muriyatchiligi tizimini shakllantirish metodologiyasi ahamiyati o'sganligining sabablari hamda yangi jihatlarini yoritishga harakat qilingan. Jahon soliq amaliyoti va soliq ma'muriyatchiligining zamonaviy trendlari tajribalarini o'zlashtirish asosida uning samarali vosita va usullarini qo'llash xususiyatlari va vazifalari bayon etilgan. Milliy iqtisodiyot rivojlanish istiqbollarida samarali soliq ma'muriyatchiligi tizimini shakllantirish yo'nalishlari asoslab berilgan.

Kalit so'zlar: soliqqa tortish, soliq ma'muriyatchiligi, samarali soliq ma'muriyatchiligi tizimi, soliqqa tortish rejimi, soliq ma'muriyatchiligi vosita va usullari, soliq imtiyozlari va preferensiyalari.

Аннотация: В статье предпринята попытка осветить причины и новые аспекты возрастающей значимости изучения методологии

формирования эффективной системы налогового администрирования на современном этапе и перспективы модернизации налоговой системы в нашей стране. На основе опыта современной налоговой практики и современных тенденций налогового администрирования описаны особенности и цели использования его эффективных инструментов и методов. Обоснованы направления формирования эффективной системы налогового администрирования в перспективе развития национальной экономики.

Ключевые слова: налогообложение, налоговое администрирование, эффективная система налогового администрирования, налоговый режим, средства и методы налогового администрирования, налоговые льготы и преференции.

Abstract: The article attempts to highlight the reasons and new aspects of the growing importance of studying the methodology of forming an effective tax administration system at the present stage and the prospects for modernizing the tax system in our country. Based on the experience of modern tax practice and modern trends in tax administration, the features and purposes of using its effective tools and methods are described. The directions of the formation of an effective system of tax administration in the perspective of the development of the national economy have been substantiated.

Keywords: taxation, tax administration, effective tax administration system, tax regime, means and methods of tax administration, tax incentives and preferences.

Jahon soliq amaliyoti tasdiqlashicha, soliq siyosatining hozirgi zamon talablariga moslashuvchanligini ta'minlashning diqqat markazida – soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimini shakllantirish masalasi yotmoqda. Mazkur jihat soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimini shakllantirishga oid amaliyotning samarali tadbirlariga jiddiy e'tibor qaratilayotganligidan dalolat beradi. O'zbekiston Respublikasida zamonaviy talablarga javob beradigan soliq tizimi modernizatsiyasi va soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimining shakllanishi, uning taraqqiyoti iqtisodiyot ravnaqi uchun muhim mexanizm ekanligi soliq tizimidagi shiddatli islohotlarning borishini, bu sohaga oid soliq amaliyotidagi tizimli o'zgarishlarni real baholashning ahamiyatini belgilaydi. Umuman, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning hozirgi bosqichida yangi talablar asosida soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimini shakllantirish masalalarini o'rganish muhim ahamiyatga ega. Jahon soliq amaliyotida soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimini shakllantirishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlarda xufiyona iqtisodiyot ulushini kamaytirish hisobiga soliq tushumlarini sezilarli tarzda oshirish, soliq ma'muriyatchiligidagi samarasiz xarajatlarni qisqartirish yo'nalishlari ochib berilgan. Tadqiqotlar natijalari ko'rsatishicha, ayrim mamlakatlarda soliq tushumlarining yuqori darajasi soliq ahloqi va madaniyatining yuqoriligi hamda soliq qonunchiligining barqarorligi bilan

bog'liq bo'lsa, boshqalarida iqtisodiyotda soliq yukining yuqoriligi, samarasiz imtiyozlar va soliq qonunchiligining nobarqarorligi bois soliq tushumlarining past darajasi mazkur tizimdagi hal qilinishi lozim bo'lgan muammolarni ko'rsatmoqda. Yuqorida keltirilgan masalalar samarali soliq ma'muriyatchiligini shakllantirishning nazariy va amaliy muammolari mavjudligini ko'rsatmoqda va ularni chuqur ilmiy tadqiq etishni taqozo etmoqda.

O'zbekistonda davlat moliyasini boshqarishning yangi samarali vosita va usullaridan foydalanish asosida moliyaviy xavfsizlikni ta'minlashda soliq intizomini mustahkamlash metodologiyasi va umumiy nazariyasini rivojlantirish zaruriyati paydo bo'lmoqda. Bu borada iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishi sifatida "soliq yukini kamaytirish va soliqqa tortish tizimini soddalashtirish siyosatini davom ettirish, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish va tegishli rag'batlantiruvchi choralarni kengaytirish"[1], "soliq qonunchiligini soddalashtirish, soliq munosabatlari sohasida normativ-huquqiy hujjatlardagi qarama-qarshiliklar va ziddiyatlarni bartaraf etish, insofli soliq to'lovchilarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoyasini kuchaytirish"[2], "Soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish strategiyasi vazifalari ijrosi yakunida soliq majburiyatini ixtiyoriy bajarish darajasini 90 foizgacha yetkazish lozimligi"[3] ta'kidlandi. Bular davlat tomonidan samarali soliq siyosatini yuritish bo'yicha strategik rejalashtirish va prognozlashtirish vazifalarini belgilab berdi. Mazkur vazifalar byudjet daromadlari barqarorligini ta'minlash, soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimini shakllantirishning metodologik asoslarini takomillashtirish zaruriyatini ko'rsatib beradi.

O'zbekistonda jahon andozalariga mos samarali soliq tizimiga tayanuvchi mustahkam iqtisodiy asos hamda real natijaga asoslangan istiqbolli taraqqiyot yo'nalishlarini belgilash, soliq yukini kamaytirish va soliqqa

tortish tizimini soddalashtirish siyosatini davom ettirish, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish va tegishli rag'batlantiruvchi choralarni kengaytirishga jiddiy ahamiyat berilmoqda. Soliq yukini pasaytirib borish, soliq to'lovchilar o'rtasidagi uning nomutanosib taqsimlanishini bartaraf etish, soliq ma'muriyatchiligidagi

nomukammalliklar tufayli soliqlarni hisoblash va to'lashdagi muammolarni bartaraf etish, soliq to'lovchilar bilan soliq organlari o'rtasidagi iyerarxar munosabatlarga yo'l qo'ymaslik va ularning "hamkorlikda o'sishi"ni ta'minlashga erishish, tadbirkorlik subyektlari faoliyatiga to'sqinlik qiladigan asossiz soliq tekshiruvlarini bartaraf etish va soliq maslahati ko'rsatish hamda samarali nazorat tadbirlariga o'tish vazifasi belgilandi.

O'zbekistonda samarali soliq ma'muriyatchiligi tizimini shakllantirish metodologiyasini yanada aniq tarzda ifodalab quyidagi xulosalarni chiqarish mumkin:

Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish istiqbollari asoslangan yangi soliq siyosati asosida soliq to'lovchilar uchun yaratilgan sharoit va iqtisodiy bazis, rivojlanishning ustuvor yo'nalishlarini hisobga olgan holda "samarali solik ma'muriyatchiligi", "solik ma'muriyatchiligi samaradorligi mezonlari va kursatkichlari" tushunchalari mazmuniga tizimli yondoshuvga asoslangan yangi ta'rif beriladi;

Solix amaliyoti tadqiqi asosida, samarali soliq ma'muriyatchiligini shakllantirishning tizimli muammolarini aniqlanadi va ularni hal etishga oid takliflar tizimi tavsiya etiladi.

Solik bazasini kengaytirish va soliq to'lovchilar moliyaviy imkoniyatlari tizimidagi hozirgi zamon o'zgarishlarini hisobga olgan holda samarali solik ma'muriyatchiligi asosida soliq tulovchilarning soliq organlari faoliyati sifatidan konikishlarini kompleks baxolash uslubiyoti taklif etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risi"dagi PF-4947-son Farmoni. - www.lex.uz

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5837-sonli farmoni, 2019-yil 26-sentyabr.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 10-iyuldagi PQ4389-son qaroriga 1-ilova "Soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish strategiyasi"ning 3-bob, 3.3-band.

4. Алиев А.М. Совершенствование механизма налогообложения / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. - М.: 2011. - 21 с.

5. Савченко Н.Б. Совершенствование платежной дисциплины в механизме налогообложения предпринимательской деятельности / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. - М.: 2011. - 27 с.

6. Шлянкевич С.В. Усиление контрольной функции налогов в современном механизме налогообложения / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. - М.: 2012. - 29 с.

7. Алиев Х.Б. Развитие налогового контроля в РФ / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. - М.: 2012. - 23 с

8. Vahobov A., Jo'rayev A. Soliqlar va soliqqa tortish. - T.: Sharq, 2019. - 448 b.

9. Niyazmetov I. "Soliqqa tortish mexanizmlarini takomillashtirish orqali soliq tizimi barqarorligini ta'minlash" mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasi Avtoreferati. T.: BMA, 2018.-70b.

5-СЕКЦИЯ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК, МОЛИЯ ҲАМДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*Ғаниев З.У. - ТМИ, “Бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси доцент в.б., PhD*

АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИ ЙИҒИШДА ТАШҚИ ДАЛИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аудиторлик ташкилотлари бирор бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшираётганда аудиторлар ўзларига етарлича бўлган ишончли далилларни тўплашлари зарур бўлади. Аудиторлик далили – бу аудиторлик фикри учун асос бўлган хулосаларга эришишда аудитор томонидан фойдаланилган маълумот ҳисобланади. Аудиторлик далили молиявий ҳисоботлар учун асос бўлган бухгалтерия ёзувлари ва бошқа маълумотлардан ташкил топади. Аудиторлар учун далилларни йиғишда ташқи далилларнинг аҳамияти ҳам жуда зарур ҳисобланади. Бизга маълумки, аудиторлик далиллари АХС 500- сонли “Аудиторлик далиллари” номли ва ташқи далиллар эса АХС 505- сонли “Ташқи далиллар” номли стандартлар асосида тартибга солиб борилади. Тадбиркорлик субъектига нисбатан ички ва ташқи бошқа манбаларга қўшимча тарзда, тадбиркорлик субъектининг бухгалтерия ёзувлари аудиторлик далилининг муҳим манбаси ҳисобланади

Аудитда мослик тушунчаси аудиторлик далилининг сифат ўлчови ҳисобланади, яъни, аудиторлик фикри асосланадиган хулосалар учун асосни таъминлашда унинг ўринлилиги ва ишончлилиги муҳимдир. АХС 500 стандартга асосан, аудиторлик далилларининг ишончлилиги уларнинг манбалари ва хусусиятига ҳамда улар олинган алоҳида вазиятларга боғлиқдир. АХС 500 га асосан аудиторлик далиллари қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

агар аудиторлик далили тадбиркорлик субъекти доирасидан ташқаридаги мустақил манбалардан олинган бўлса, унинг ишончлилиги даражаси ошади;

аудитор томонидан бевосита олинган аудиторлик далили билвосита ёки хулоса чиқариш натижасида олинган аудиторлик далилига қараганда ишончли ҳисобланади;

ҳужжат кўринишидаги аудиторлик далили, у хоҳ қоғозда, хоҳ электрон шаклда ёки бирон-бир бошқа ташувчида бўлсин, ишончлироқ ҳисобланади¹.

Ташқи далиллар аудиторга фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатиш аҳамиятли рискларига жавоб бериш учун талаб этиладиган ўта ишончли аудиторлик далилларини олишда ёрдам бериши мумкин ҳисобланади.

Аудитор далиллари даражасида баҳоланган фирибгарлик билан боғлиқ рискларни камайтириш учун, аудитор тасдиқловчи қўшимча маълумотларни жавоб тариқасида олиш мақсадида тасдиқ учун сўровларни ишлаб чиқиши керак. Агар аудитор жавоб ишончли эмас деган хулосага келган бўлса, у ҳолда тақдимномалар даражасида муҳим бузиб кўрсатишлар рискига берилган баҳони қайта кўриб чиқиши ҳамда АХС 315² га мувофиқ режалаштирилган аудиторлик далилларини ўзгартириш заруриятига дуч келиши мумкин.

АХС 500 да кўрсатилишича, тадбиркорлик субъектига тобе бўлмаган манбадан олинган тасдиқловчи ахборотлар, жумладан ташқи тақдимномалар аудитор бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ёки раҳбарияти тақдимномаларида мавжуд бўлган далиллар асосида ҳосил қилган ишончлилик даражасини ошириши мумкин. Ташқи тасдиқнома – бу аудитор томонидан учинчи шахслардан бевосита ёзма жавоб кўринишида қоғоз ёки электрон шаклда ёхуд бошқа воситалар ёрдамида олинган аудиторлик далили ҳисобланади. Ташқи далиллар аксарият ҳолларда счётлар қолдиқлари ва уларнинг компонентлари тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаш ёки сўраб олиш учун бажарилади. Улардан тадбиркорлик субъекти ва бошқа томонлар ўртасидаги битимлар, шартномалар ёки операцияларнинг шартларини тасдиқлаш ёки “ташқи келишув” сингари муайян шартлар йўқлигини тасдиқлаш учун ҳам фойдаланилиши мумкин. Агар тасдиқ учун сўровлар аудитор фикрига кўра, тасдиқлаш талаб этиладиган маълумотлардан яхши хабардор бўлган тасдиқловчи томонга юборилган бўлса, у ҳолда аудитор янада ўринли ва ишончли аудиторлик далилларини таъмилайди. Тасдиқ учун сўровни ишлаб чиқиш тасдиқлаш тезлигига ҳамда жавоблардан олинган аудиторлик далилларининг ишончлилиги ва хусусиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши мумкин.

Аудиторлар тасдиқ учун сўравларни ишлаб чиқишда бир қанча омилларни кўриб чиқиши лозим:

- кўриб чиқиладиган тақдимномалар;
- аниқланган рисклар, жумладан фирибгарлик рисклари;
- тасдиқ учун сўров шакли ва уни тақдим этиш;

¹ АХС 500- “Аудиторлик далиллари”, 31 банд.

² АХС 315, “Муҳим бузиб кўрсатишлар рискларини тадбиркорлик субъектини ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш”. 31 банд.

- аудитни битимларини бажариш борасида мавжуд тажриба;
- ахборот амашиш усули;
- тадбиркорлик субъекти раҳбарияти санкцияси ёки тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан тасдиқловчи томонларга берилган аудитор сўровига жавоб қайтариш тавсияси;
- тегишли тасдиқловчи томоннинг тасдиқлаш ёки сўралаётган ахборотни тақдим этишга қодирлиги.

Олинган далилларни баҳолашда айрим ташқи далил учун сўровларнинг натижаларига баҳо берилганда, аудитор натижаларни қуйидаги категориялар бўйича тақсимлаши мумкин:

1. Тегишли тасдиқловчи томон тақдим этган далил учун сўровда ифодаланган ахборотга розилик кўрсатилган ёки талаб этилган ахборотга тафовутларсиз берилган жавоб.

2. Ишончли эмас деб баҳоланган жавоб.

3. Жавоб бермаслик.

4. Тафовутлар мавжудлигига ишора қилувчи жавоб.

Аудитор томонидан бажарилган ва бажариши мумкин бўлган бошқа аудиторлик далиллари контекстида олинган баҳолаш аудиторга етарлича тегишли аудиторлик далиллари олингани ёки олинмагани навбатдаги аудиторлик далилларини олиш зарурлиги тўғрисида бир тўхтамга келишга ёрдам бериши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бизнингча аудиторлик тешируви давомида аудиторлик далилларини йиғишда нафақат хўжалик юритувчи субъектнинг ички молиявий хўжалик маълумотларидан фойдаланишимиз, балки тадбиркорлик субъектига таъллуқли бўлмаган учинчи шахслар томонидан олинган ташқи далиллар ҳам муҳим ҳисобланади. Шунинг учун аудиторлар АХС 505 “Ташқи далиллар” стандартларидан кенгроқ фойдаланишлари лозим деб ўйлаймиз.

Сайфиддинов И.Ф. – Тошкент молия институти доценти, и.ф.н
Ялғашев О.А. – Тошкент молия институти магистранти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий тезисда банкларнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш йўллари очиб берилган. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб мамлакат иқтисодиётига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш орқали инвестицион муҳитни яхшиланишига имкон яратилиши ва йўналишлари тадқиқ этилган. Илмий тезисда молиявий ҳисоботни такомиллаштиришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲҲС) ўтиш ва уни

жорий этиш барча мамлакатлар учун долзарб масала бўлиб тураётганлиги, жаҳондаги кўплаб мамлакатларда молиявий ҳисобот компиляцияси натижасида МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот тузишга ўтилаётганлиги ва мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича илмий ва амалий хулосалар шакллантирилган ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти, компиляция, бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, бухгалтерлар уюшмаси.

ABSTRACT

The article explains the transition to international financial reporting standards. The possibilities and directions for improving the investment climate in the country's economy through the application of international financial reporting standards based on the experience of developed countries are studied. The article explains the transition and implementation of International Financial Reporting Standards (IFRS) is a topical issue for all countries to improve financial reporting, the transition to the preparation of financial statements on the basis of IFRS as a result of compilation of financial statements in many countries around the world. The article draws scientific and practical conclusions, as well as proposals and recommendations for the transition and implementation of International Financial Reporting Standards.

Keywords: national accounting standards, international financial reporting standards, compilation, balance sheet, financial results, federation of accountants.

АННОТАЦИЯ

В тезис раскрыты пути перехода на международные стандарты финансовой отчетности. Исходя из опыта развитых стран исследованы возможности и направления улучшения инвестиционного климата посредством применения международных стандартов финансовой отчетности в экономике страны. В статье сформулированы научные и практические выводы по переходу и внедрению международных стандартов финансовой отчетности (МСФО) в нашей стране при совершенствовании финансовой отчетности, что является актуальным вопросом для всех стран и в результате компиляции финансовой отчетности во многих странах мира идет переход на составление финансовой отчетности на основе МСФО, а также автором разработаны предложения и рекомендации по переходу на международные стандарты финансовой отчетности.

Ключевые слова: национальный стандарт бухгалтерского учёта, международный стандарт финансовой отчетности, бухгалтерский баланс, финансовые результаты, федерация бухгалтеров.

Ҳозирги кунда бутун дунё мамлакатларида чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва интеграллашув жарёнлари асосида халқаро стандартларга ўтиш бугунги куннинг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб мамлакат иқтисодиётига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш орқали инвестицион муҳитни яхшиланишига имкон яратилади.

Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси (IFAC) директивасида таъкидланганидек: “Молиявий ҳисобот макро ва микродаражада давлат сиёсатини ёритади ҳамда узоқ муддат давомида давлат хизматлари ва иқтисодиётни барқарор ҳолга келтиришга ёрдам беради”. Бугунги кунда молиявий ҳисоботни такомиллаштиришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтиш ва уни жорий этиш барча мамлакатлар учун долзарб масала бўлиб турибди. Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда молиявий ҳисобот компиляцияси натижасида МХХСлари асосида молиявий ҳисобот тузишга ўтилмоқда.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) биринчи навбатда молиявий капитални ҳисоботларда акс эттиришга мўлжалланган бўлиб, уни биржалар, банклар ва кредит муассасаларида қўллашга мўлжалланган. Ўзбекистон Республикасида ҳисоб ва молиявий ҳисоботни ислоҳ қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири - хўжалик субъектлари ҳисоб тизимини МХХСга ўтказиш ҳисобланади. Албатта, бу дегани миллий ҳисоб тизимидан воз кечиб, халқаро ҳамжамиятчиликда қабул қилинган ҳисоб тизимига буткул ўтишни назарда тутмайди, бундай халқаро ҳисоб тизимининг ўзи ҳам йўқ ва юқорида қайд қилинган бирор бир етакчи давлат миллий ҳисоб тизимида жорий қилинган эмас. Масала миллий молиявий ҳисоботни халқаро молиявий ҳисобот моддалари (кўрсаткичлари) бўйича қайта тузиш тўғрисида кетмоқда.

Миллий ҳисоботни халқаро ҳисобот стандартлари бўйича қайта тузиш, халқаро тажрибада икки йўл билан амалга оширилади, яъни молиявий ҳисоботни трансформация қилиш ва конверсия усуллари.

Трансформация усули олдинги ҳисобот даври кўрсаткичларини халқаро стандартларга мослаб қайта тузишни назарда тутаяди. Бунинг учун компания хўжалик муомалалари ва ҳодисаларини ҳисобда дастлаб миллий стандартлар бўйича акс эттиради, ундан сўнг молиявий ҳисобот кўрсаткичларини тузатиб, халқаро стандартларига мослаб ўзгартиради.

Конверсия, ёки паралел ҳисоб усули – бир пайтнинг ўзида ҳисоб маълумотларини икки молиявий ҳисобот тизимида шакиллантиришни назарда тутаяди. Натижада молиявий ҳисобот миллий стандартлар шаклларида ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари шаклларида тузилади. Ҳисобот даври учун халқаро стандартлар бўйича молиявий ҳисобот тузиш учун компания олдинги ҳисобот йилидан ўтган баланс моддалари бўйича активлар ва пасивлар қолдиғини халқаро стандартлар кўрсаткичларига мослаб тузатишлар киритиши талаб қилинади. Бунда

компания бошланғич қолдиқларни қайта ҳисоблашда қўллаган ҳисоб сиёсатига ҳисобот даврида ҳам риоя қилиши қатъий ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботини халқаро стандартларга келтиришнинг барча компаниялар учун ягона мезони, ҳисоблаш жадваллари ва муддатлари бўлиши мумкин эмас. Ҳисоблаш жадваллари, молиявий ҳисобот элементларига қўлланиладиган қоидалар (принциплар) ва ҳисоб усулларига кўра умумий тавсифга эга бўлиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларини халқаро стандартлар параметрларига келтиришда ягона услубий қўлланмага таяниб бўлмаслигининг асосий сабаби, турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи компаниялар тармоққа хос хусусиятлар билан ўз ҳисоб тизимини шакллантиради ва яқка тартибда ўз ҳисоб сиёсатини юритади.

Шунинг учун ҳам молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар шакли ва мазмунига келтириш услубиёти ҳар бир компания билан ўз фаолиятига хос ихтисослик хусусиятларини инобатга олиб ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобини юритиш учун қўлланма эмас, баълки молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича стандарт кўрсатмалар мажмуасидир. Шунинг учун ҳам бухгалтерлар унда бухгалтерия ҳисобварқлар (сметлари)ни учратишмайди. Стандартларни молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларни очиб берувчи кўрсатма сифатида қабул қилиши керак.

Молиявий ҳисоботларни МҲҲСга мувофиқлаштиришда молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш жараёни муҳим роль ўйнайди. Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш бу бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатлари асосида шакллантирилган ҳисоб ишларини халқаро стандартлар талаблари асосида қайта гуруҳлаштириш ва ҳисобот шаклларига тегишли тузатишларни киритиш жараёни ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисобот шакллари МҲҲСга трансформация қилиш (ўгириш) модели бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда бирламчи ҳужжатлардан тортиб, то ҳисоботларни тузиш жараёнини таҳлил қилиш, ҳисобварақлардаги ёзувларни халқарога мувофиқлаштириб чиқиш кабиларни қамраб олади. Келгусида молиявий ҳисоботларни МҲҲСга мувофиқлаштиришда, улардаги ҳисоботларни трансформация қилиш ишларини миллий бухгалтерия ҳисоби бўйича бухгалтер ходимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Трансформация куйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Биринчи босқич – тайёрлов босқичи. Бу босқичда куйидаги ишлар амалга оширилади, яъни:

МҲҲС томонидан молиявий ҳисоботларга қўйилган умумий талабларни ўрганиш;

БҲМС ва МҲҲСни таққосланма таҳлил қилиш ва баҳолаш;

МХХС-1 «Молиявий ҳисоботларни биринчи қабул қилиш» номли стандарт талабларини ўрганиш;

МХХС талаблари асосида ҳисоб сиёсатини тузиш. Иккинчи босқич – иштирокчиларсиз трансформация босқичи. Бу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади, яъни:

– БХМС ва МХХС асосида тайёрланган ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш;

– Трансформацияга тақдим этиладиган маълумотларни жамлаш;

– Ҳисоботнинг компонент шаклини танлаш;

– Ишчи ҳужжатларини тайёрлаш;

– Тузатиш. Реклассификациялаш;

– Дастлабки балансни тайёрлаш;

– МХХС шаклида баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш;

– МХХС шаклида хусусий капитал тўғрисидаги ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳамда молиявий ҳисоботга тушинтириш хатларини тайёрлаш. Учинчи босқич – трансформация ости жараёни. Бу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади, яъни:

– Ҳисоботларнинг қўшимча бўлимларини тайёрлаш;

– Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳисобот кўрсаткичларига тузатишларни киритиш;

– Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини хорижий валюта бўйича таржима қилиш.

*Тошкент молия институти магистранти Э.Шухратов
Тошкент молия институти доценти А.Ҳашимов*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШНИНГ КОРРЕЛЯЦИОН ВА ДИСПЕРСИОН ТАҲЛИЛИ

Республикада 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи жами 46 та суғурта ташкилотларига лицензия берилган.

Буюк Британиянинг New Frontier ташкилоти маълумотларига кўра, жами суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати орқали аниқланадиган “Суғуртанинг кириб келиш даражаси” (Insurance Penetration Rate) кўрсаткичи дунё миқёсида 6,35% ни, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 0,4% ни ташкил этади. Дунёда аҳоли жон бошига суғурта мукофотлари 847 евро ни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 еврога тенг. Бу ҳолатлар мазкур хизматнинг қамрови паст даражада қолаётганлигини англатади. Дунё давлатлари ичида етакчилик Гонконгга

тегишли бўлиб, суғурта мукофоти жон бошига 7,5 минг еврони, энг кам кўрсаткич эса 5 еврони ташкил қилиб, Нигерия давлатига тўғри келади.

Республикада суғурта муносабатларида кузатилаётган асосий муаммоларга суғурта қопламасини тўлашни рад этиш, суғурта хизматларини кўрсатиш борасида рақамли технологияларни қўллаш талаб даражасида эмаслиги, суғурталанаётган объектнинг баҳоси томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгилаётганлиги, суғуртачини қоплама тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилганлиги, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари қўлланилмаётганлиги, шартнома муносабатларида чекловлар мавжудлиги кабилар киради.

Айнан шу муаммолар, манфаатдар томонлар орасида турли келишмовчиликлар, муносабатлардаги кескинликка ва пировардида суғурта ташкилотининг ишончсизлиги ортишига омил бўлмоқда. Бу ишончсизликни камайтириш учун суғурта фаолиятига оид юқорида келтирилган статистик маълумотларни дисперсион ва корреляцион таҳлил қилиш ҳамда бу таҳлил натижаларига асосан суғурта фаолиятини ташкил этиш юзасидан реал тавсиялар бериш зарур.

1-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари, 2019-2022 йй.


Йиллар кесимида	2018	2019	2020	2021	2022
Суғурта ташкилотларининг активлари	2,5	3,0	3,6	4,3	5,2
Суғурта хизматларининг турлари	105	115	135	155	175
Худудий бўлинмалар сони	1450	1500	1580	1660	1740
Аҳоли жон бошига суғурта мукофоти миқдори	50,0	65,0	88,0	114,0	148,0
Суғурта хизматларининг ЯИМдаги улуши	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8

Республикада суғурта фаолиятининг ривожланишини ўрганиш мақсадида суғурта фаолиятини белгиловчи кўрсаткичларнинг (суғурта мукофотлари ва қопламалари) чизиқли ривожланиш динамикаси ва динамикасидаги тебранишларни таққослаймиз. Бунинг учун республикада суғурта фаолиятини белгиловчи кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцияси ва уларнинг статистикасида рўй бераётган тебранишлар таҳлилин куйидаги жадваллар ва графикларда (2-, 3-жадвал, 1-, 2-, 3- ва 4-расм) келтираамиз.


2-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорининг мақсадли кўрсаткичлари (суғурта мукофотлари) таҳлили

Йиллар кесимида	2018	2019	2020	2021	2022 (прогноз)
Мукофотлар ҳажми (млрд сўм)	692,6	927,5	1635,2	2313,9	2213,7
Регрессия тенгламаси ва детерминация коэффициенти	$\bar{y}_x = 442,86x - 893021, R^2 = 0,9106$				
$ y - \bar{y}_x $ – четланиш	21	186	79	314	229
$\frac{ y - \bar{y}_x }{\bar{y}_x}$ – нисбий четланиш (риск)	3%	16%	5%	15%	9%



1-расм. Мукофотлар ҳажми регрессия чизиғи




2-расм. Мукофотлар ҳажмида риск динамикаси
3-жадвал


Ўзбекистон суғурта бозорининг мақсадли кўрсаткичлари (суғурта қопламалари)
таҳлили

Йиллар кесимида	2018	2019	2020	2021	2022 (прогноз)
-----------------	------	------	------	------	-------------------

Қопламалар ҳажми (млрд сўм)	130,5	270	460,8	813,5	737,6
Регрессия тенгламаси ва детерминация коэффиценти					
$ y - \bar{y}_x $ – четланиш	1	36	22	154	96
$\frac{ y - \bar{y}_x }{\bar{y}_x}$ – нисбий четланиш (риск)	0,7%	12%	5%	23%	11%



3-расм. Суғурта қопламалари регрессия чизиғи



4-расм. Суғурта қопламалари бўйича риск динамикаси

Юқоридаги келтирилган рисклар таҳлилидан кўриниб турибдики, суғурта мукофотлари ва суғурта қопламаларининг ривожланиши 2020 йилгача турли қонуниятларга бўйсинган бўлса ҳам охириги йилларда, яъни

2020 йилдан бошлаб уларнинг ривожланишида ўзаро ҳамоҳанглик юзага келган. Демак Республикамиз суғурта бозорининг ривожланишида маълум бир маънода тизимлилик юзага келган деб айтишга ҳаққимиз бор.

*Azizova M.I. - TMI, “Elektron tijorat va raqamli iqtisodiyot”
kafedrası dotsenti*

RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA TIJORAT BANKLARI XIZMATLARINING O’RNI

Xalqaro tajribadan ma’lumki, moliyaviy xizmatlar bozorining samarali, barqaror va haqqoniy faoliyat yuritishi uchun moliyaviy institutlar professional me’yor va etikaga ega bo’lishi, moliyaviy bozorni regulyator tomonidan samarali nazorat qilinishi va tartibga solinishi, moliyaviy xizmatlardan foydalana olinishi va iste’molchilarning huquqlarini himoya qilinishi hamda aholining moliyaviy savodxonligini oshirish imkoniyati kabi o’zaro bog’liq bo’lgan omillarni ko’zda tutadi. Raqamli biznes bu – jismoniy va raqamli dunyolarni birlashtiradigan yangi biznes-modellarning paydo bo’lishidir. Ijtimoiy tarmoqlar, smartfonlar bozori, internetga keng polosali ulanish, mashinali o’qitish texnologiyalari va sun’iy intellektning «portlab» o’sishi tijorat banklari, kompaniyalar faoliyat yuritayotgan dunyoni o’zgartirib yuboradi. Ular yoki yangi bozordagi bo’sh joylarni egallashlari yoki mavjud bo’sh o’rinlarni o’zgartirgan holda o’zlarini o’zgarishlarga moslab olishi lozim bo’ladi.

Raqamli o’zgartirish turli darajalarga erishib, ular o’rtasidagi farq ikkita atama - «raqamli ko’rinishga keltirish» va «raqamlashtirish» o’rtasidagi farq bilan bir xil ma’noga ega bo’ladi. Raqamli ko’rinishga keltirish bu – axborotni jismoniy vositalardan raqamli vositalarga o’tkazishdir. Bunda axborot strukturasi o’zgarishi ro’y bermaydi: u faqat elektron shaklga ega bo’ladi, xolos. Raqamli ko’rinishga keltirish ko’pincha mavjud biznesmodelni takomillashtirish va biznes-jarayonlarni optimallashtirish uchun foydalaniladi. Raqamlashtirish esa – raqamli shaklda bo’lgan butunlay yangi mahsulotlar yaratishdir.

Raqamli ma’lumotlar qimmatbaho iqtisodiy resurs hisoblansa-da, u raqamli tafakkurga aylanganidagina foyda keltiradi. Raqamli iqtisodiyot kirib kelishi bilan raqamli platformalar yaratish va tez sur’atlarda o’sib borayotgan raqamli ma’lumotlarni monetizatsiya qilish muammolari vujudga kelmoqda. Bunda qiymat yarata olish yo’llarini, mazkur jarayonlardagi to’siqlarni bartaraf etish vositalarini aniqlash muhimdir. Bu qiymatni yaratish va tarqatish salohiyatini, qiymatni yangilash, boshqarish hamda qiymatni qo’lga kiritish shakllarini tushunish imkonini beradi.

O’zbekiston Respublikasi Markaziy Banki Boshqaruvining “Banklarni ro’yxatga olish va ular faoliyatini litsenziyalash tartibi to’g’risida”gi nizomga o’zgartirishlar va qo’shimchalar kiritish” haqidagi 2018 yil 30 iyundagi 22/5-

sonli qarorining birinchi bandida O'zbekiston qonunchiligiga ilk marta raqamli bank tushunchasi olib kiritildi;». «Raqamli bank - innovatsion bank texnologiyalaridan foydalangan holda (kassa xizmatini ko'rsatmasdan) bank xizmatlarini masofaviy ko'rsatuvchi bank yoki uning tarkibiy bo'linmasi. Raqamli banklar tomonidan bank xizmatlarini masofaviy ko'rsatish bankning ichki tartiblariga asosan qonun hujjatlari talablarini inobatga olgan holda amalga oshiriladi;».

Internet va elektron savdo tizimi rivojlangani sayin insonlarning "uzoqlardan-masofadan turib" elektron pullar orqali to'lovlarni amalga oshirishlariga to'g'ri kela boshladi. Bunda masofadan turib pulni qo'ldan qo'lga berishning esa umuman iloji yo'q. Shuning uchun ham pullarni bir insondan ikkinchisiga masofadan turib o'tkazish jarayonida o'ziga hos vositachilarga, ya'ni elektron to'lov tizimlari, bank yoki kur'ernlarga murojaat etish kerak bo'ladi. Har qanday vositachi esa bajarayotgan pul o'tkazmalariga bog'liq operatsiyasi uchun qandaydir to'lov olib qoladi, chunki hech kim tekinga ishlashni hohlamaydi. O'tkazilayotgan pul miqdori qancha ko'p bo'lsa, vositachiga bo'lgan to'lovlar tufayli pulni yo'qotish ham shunchalik ko'p bo'ladi. Axborot texnologiyalari va elektron savdo rivojlangani sari ko'pchilik odamlar pul o'tkazmalari bilan bog'liq harajatlarni kamaytirish borasida o'ylanib qolishdi, ya'ni, qanday qilib ushbu harajatlarni kamaytirish va pul o'tkazmalari foydali ish koeffitsientini iloji boricha yuz foizga oshirgan xolda elektron biznesni yuritish mumkin? Bu savolga raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda blokcheynlardan foydalanish orqali javob topishimiz mumkin. Blokcheyn — bu bir-biri bilan internet orqali bog'langan ko'plab kompyuterlarda bir vaqtning o'zida saqlanuvchi taqsimlangan ma'lumotlar bazasi hisoblanadi. Blokcheyn texnologiyalari tomonlarning hech qanday vositachisiz bitimlarni xavfsiz, ishonchli amalga oshirishga imkon beruvchi texnologiyadir. Uni ko'pchilik kriptovalyuta texnologiyasi sifatida bilsa-da, aslida blokcheyndan raqamli identifikatsiya, egalik va mulkiy huquqlar ximoyasi, to'lov tizimi sifatida foydalanish mumkin. Ethereum - kabi blokcheyn bazasida ishlaydigan ochiq manbali platformalar an'anaviy huquqiy jarayonlarsiz har qanday aktivlar bo'yicha bitimlar tuzish, bank xizmatlarini ko'rsatish imkonini beradi. Hozirda jahonning turli mamlakatlarida moliyaviy texnologiyalar, er resurslarini boshqarish, transport, sog'liqni saqlash, ta'lim sohalarida blokcheyn tizimidan foydalaniladi. Blokcheyn tizimi har qanday sohaning shaffoflik darajasini oshiradi, korruptsiya holatlarining kamayishiga xizmat qiladi.

Hozirda, bank sohasidagi islohotlarning asosiy maqsadi – tijorat banklarini mijoz uchun ishlashga o'rgatishdan iboratligini inobatga olib, aholida bank tizimiga nisbatan ishonchni shakllantirish va banklar faoliyatiga chetdan aralashishga chek qo'yish dolzarb masala hisoblanadi. Shu maqsadda banklarda axborot texnologiyalarini keng tatbiq etish orqali ularning dasturiy ta'minotini tubdan yangilash, zamonaviy kadrlar tayyorlash maqsadida xorijiy mutaxassislar

bilan birgalikda davlat banklarida zamonaviy bank amaliyoti, menejmenti va xizmatlarini joriy etish uchun rahbarlik lavozimlariga xorijiy etakchi moliya institutlarining malakali mutaxassislarini jalb etish jarayonlarini izchil davom ettirish, hamda kreditlash amaliyotida “kredit tarixi” axborot tizimini to’liq ishga tushirish zaruriyati ortgan. Dunyo taraqqiyotida raqamli texnologiyalarning o’rni va ahamiyati yil sayin ortib bormoqda. Ayniqsa, texnik transformatsion jarayonlarning moliyaviy sektorlarga keng tadbiiq etilishi bank tizimlari, to’lov operatsiyalari, kreditlash va boshqa shu turdagi xizmatlar samaradorligini yanada oshirmoqda. Moliyaviy xizmatlarni yaxshilaydigan va optimallashtiradigan bu xildagi texnologiyalar– “Fintex” (ing. “Fin Tech”) nomi bilan yuritiluvchi moliyaviy texnologiyalar hisoblanadi. Moliyaviy texnologiyalar – banklar va moliyaviy xizmatlar bozoridagi vositachilar, ya’ni an’anaviy moliya tashkilotlari bilan raqobatlashish uchun texnologiyalar va innovatsiyalardan foydalanuvchi kompaniyalardan iborat sohadir. Ta’kidlash o’rinliki, moliyaviy texnologiyalar nafaqat moliyaviy kapitallar bilan ish ko’ruvchi jismoniy va yuridik shaxslar, balki moliyaviy bozorning o’z qiyofasini ham o’zgartirib yuborishga qodir. Bu xildagi ishlanmalar ma’lumotlarni tahlil qilish, birjadagi holatlarni nazoratga olish hamda investitsiyalar uchun strategiyalar tanlash imkoniyatini beradi. Mutaxassislar tez orada “Fin Tech” sohasida keskin o’zgarishlar bo’lishini ta’kidlamoqdalar. Xususan, blokcheyn texnologiyalarining kirib kelishi, katta hajmdagi ma’lumotlarni va sun’iy intellekt vositasida skoring modellarini rivojlantirish, foydalanuvchilarni masofadan identifikatsiyalashning turli texnologiyalari, firibgarlikni aniqlash mexanizmlarini avtomatlashtirish singari qator fintex-trendlar yaqin yillarda butun dunyoga tarqalishi kutilmoqda. “Fin Tech” ning barcha yangi ishlanmalari pul mablag’lari bilan muomala qilishda qo’shimcha qulayliklar yaratishga qaratilgan xizmat ko’rsatuvchi mahsulotlar sanaladi. So’nggi bir asr mobaynida butun kapital dunyosi boshqaruvida etakchilik qilib kelayotgan banklarning bo’linmalari qisqarishi, dizayni o’zgarishi mumkin, biroq ular faoliyat yuritishda davom etaveradi. Umuman olganda raqamli iqtisodiyot korruptsiya va «qora iqtisodiyot»ning asosiy kushandasidir. Chunki, raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi, kerak paytda ma’lumotlarni tez taqdim etadi. Bunday sharoitda biron ma’lumotni yashirish, yashirin bitimlar tuzish, u yoki bu faoliyat haqida to’liq axborot bermaslikning iloji yo’q, kompyuter hammasini namoyon qilib qo’yadi. Ma’lumotlar ko’pligi va tizimliliigi yolg’on va qing’ir ishlarga yo’l bermaydi, chunki tizimni aldash imkonsiz. Natijada «iflos pullarni» yuvish, mablag’larni o’g’irlash, samarasiz va maqsadsiz sarflash, oshirib yo yashirib ko’rsatish imkoni qolmaydi. Bu esa iqtisodiyotga legal mablag’lar oqimini oshiradi, soliqlar o’z vaqtida va to’g’ri to’lanadi, byudjet taqsimoti ochiq bo’ladi, ijtimoiy sohaga yo’naltirilgan mablag’lar o’g’irlanmaydi, maktablar, kasalxonalar, yo’llarga ajratilgan pullar to’liq etib boradi. Xulosa qilib aytganda, davlatning raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo’lini tanlaganligi

axborot texnologiyalari sohasida va umuman, elektron hujjatlar aylanmasi sohasida yangi yo'nalishlar ochib beradi.

*Исламов Ш.Т.заместитель декана
Заочного факультета ТФИ*

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ МЕХАНИЗМА ФИНАНСИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

В современных условиях происходит формирование новой модели экономического развития государств, важнейшей характеристикой которой стало активизация процесса инновационной деятельности. Это направление включает в себя как использование преимуществ международного разделения труда, разработку, производство и экспорт отечественных наукоемких товаров, услуг и технологий, так и освоение новых прогрессивных технологий производства, имеющих за рубежом.

Изучение зарубежного опыта по формированию национальных инновационных систем показывает, что без участия государства реализовать инновационные программы в отраслях экономики невозможно. В процессе индустриального развития общества государство брало на себя подготовку кадров и создание соответствующей инфраструктуры. В условиях перехода к инновационной фазе оно берет на себя организацию и финансирование сектора экономики, который служит базисом взаимодействия науки, образования и бизнеса. Инновации являются продуктом такого взаимодействия и новым хозяйственным ресурсом, активно вовлекаемым в экономическое развитие. Комплексная оценка инновационного потенциала должна охватывать ресурсы, задействованные на всех этапах инновационного процесса, и не должна быть ограничена показателями стадии производства и распространения инноваций.

Анализ опыта в области становления инновационного развития промышленных производств в США, Великобритании, Франции, Германии, Швеции, Китае свидетельствует о том, что главным образом оно базировалось на разработке и реализации государственными органами управления этих стран целевых программ по развитию сферы науки и техники, финансируемых из государственного бюджета.

Страны с развитой обрабатывающей индустрией (Великобритания, Германия, Китай, США, Франция, Япония и др.) предоставляют различные льготы предприятиям, внедряющим новые технологии и производящим наукоемкие товары. Причём государственное участие в активизации инновационной деятельности является ключевым и заложено в стратегических направлениях их развития. Обусловлено это тем, что

реализация инновационного процесса на предприятиях предполагает максимально эффективное участие каждого субъекта, объединение усилий всех участников для обеспечения максимальной результативности.

Необходимой основой такого участия является взаимосвязь и последовательность этапов инновационного цикла, так как в процессе инновационной деятельности заложен механизм стимулирования инновационной активности экономических субъектов. На более ранних стадиях постепенные инновации часто связаны с внедрением иностранных технологий, а социальные инновации могут повысить эффективность бизнеса и государственных услуг. НИОКР сыграли ключевую роль в подъеме экономики нескольких стран (таких как Китай, Индия и Корея). Инновации в некоторых развивающихся странах могут создавать возможности для новых участников в Восточной Азии, Камбоджа, Филиппинах, Вьетнаме, в результате переноса менее ценных видов деятельности из Китая в так называемых «летающих гусях».

В случае многих развивающихся стран ключевой проблемой является низкий уровень инноваций. Все чаще и чаще возникают дискуссии о необходимости системной поддержки инновации. Информация, данные, технологии, инновации и предпринимательство были одними из наиболее важных факторов производства в развитых странах, основанных на знаниях, на протяжении нескольких десятилетий. Развивающиеся страны также наращивают свои технологические ресурсы и активизируют развитие инноваций и предпринимательства в рамках интервенционистской экономической политики, направленной на развитие. Исследования показывают, что некоторые виды инноваций, в том числе технологические, касающиеся вопросов Индустрии 4.0, а также ИКТ и информационные Интернет-технологии, разрабатываются в основном коммерческими компаниями.

Однако в развивающихся странах существует сильное давление с целью активизировать технологическое развитие и повысить инновации экономики. Таким образом, значительная часть инноваций также создается в исследовательских учреждениях, научных институтах, научно-исследовательских центрах и университетах, финансируемых или совместно финансируемых из средств государственного сектора. Активизация инноваций увеличивает объем и количество новых технологических, технологических, логистических, маркетинговых, интернет-инноваций, продуктовых и других инноваций в национальной экономике, которые затем внедряются в производственные процессы, а также в услуги, предоставляемые предприятиями и другими субъектами.

Ведущие международные компании топливно-энергетического комплекса сформировали основные компетенции по разработке и внедрению инновационных технологий на всех стадиях технологического процесса добычи и переработки нефти, газа и нефтепродуктов. В

частности, британо-голландские нефтегазовые концерны «Royal Dutch Shell» и «Exxon Mobil Corporation» (США, Техас) накопили достаточный опыт разработки инноваций, основанных на применении стратегических концессий к управлению транснациональной нефтегазовой корпорацией Shell.

В настоящее время компания Shell приняла «корпоративное венчурное финансирование», которое имеет бюджет в 125 миллионов долларов США, направленные на инвестиции в ближайшие пять лет. Одной из крупнейших нефтегазовых компаний, использующих инновации в качестве основного средства управления конкурентоспособностью, является американская корпорация Exxon Mobil, которая в 2018 году 0,67 процента своей выручки направила на финансирование инновационной деятельности, что составляет более высокую сумму (0,3 процента), чем показатель, рекомендованный Минэкономразвития.

В мире существует целый ряд случаев, которые из года в год повышают значимость разработки новых методик внедрения новых технологий в сферу деятельности, связанную с добычей и использованием нефтегазовых ресурсов.

Во-первых, во многих странах мира (Россия, США, Канада, Норвегия, Великобритания и др.), запасы нефти и газа сокращаются, а их качество ухудшается, что приводит к необходимости освоения морского шельфа (в том числе в Арктике) и морского дна.

Во-вторых, усиливается «угроза» появления и развития альтернативных источников энергии. Масштаб альтернативных источников энергии растет практически с каждым десятилетием.

В-третьих, усиливается нестабильность глобального рынка энергоресурсов, где нисходящие и нарастающие тенденции зачастую непредсказуемо следуют друг за другом¹.

Результаты изучения опыта различных стран, в частности, таких стран, как США, Япония, Финляндия, Индия, показывают, что венчурный бизнес способен радикально изменить качество инновационной модели экономического развития, обеспечить ее инвестициями, в конечном итоге привести к экономическому росту, ликвидировать дефицит инвестиций. Анализ инновационного развития мировой топливно-энергетической отрасли показывает, что такие страны, как КНР, Германия, США и Япония, являются лидерами по разработке и внедрению различных инновационных технологий в топливно-энергетической отраслей.

¹ <http://www.paconsulting.com/industries/energy/innovation-and-technology-in-oil-and-gas>

*Ilmiy rahbar: D.Ishanxodjayeva
M.Nosirova - talaba*

RAQAMLI IQTISODIYOT RIVOJLANSHI SHAROITIDA BANK-MOLIYA TIZIMI OLDIDAGI VAZIFALAR

Ilm-fansiz, ta'limsiz, ma'rifatsiz mamlakat taraqqiyotini tasavvur qilish mushkuldir. Yusuf Xos Xojib o'zining asarida "Bilimsiz kishi mevasiz daraxtdir, mevasiz daraxtni och kishi nima qilsin?!" deb, ilm-ma'rifatni o'rni naqadar dolzarb va muhimligini ko'rsatib o'tgan.

Davlatimiz rahbari tomonidan ilm-ma'rifatga alohida urg'u berishlari va bu orqali raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish masalalarini kun tartibiga qo'yishlari Davlatimiz tomonidan tanlangan yo'l faqat bir manzilga olib borilishini, ya'ni iqtisodiy-ijtimoiy, siyosiy jihatdan kuchli, bozor iqtisodiyoti qonunlari to'liq amal qiladigan demokratik davlat qurish yo'lidagi muhim qadam sifatida baholash mumkin.

Muhtaram Prezidentimiz murojaatnomada 2020 yilning bosh vazifasi sifatida makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash va inflyatsiyani jilovlashni, inflyatsion targetlash tizimini joriy etish bo'yicha qator vazifalar belgilab berdi.

Makroiqtisodiy barqarorlik – iqtisodiyotning barqaror o'sishi hamda aholi faravonligi oshishining kafolatidir. Mamlakatda inflyatsiya darajasini pasaytirish Markaziy banklarning bosh maqsadiga aylangan. Inflyatsiyaning yuqori darajada namoyon bo'lishi iqtisodiy o'sishning sekinlashiga va aholi daromadlarining real qiymatining tushib ketishiga olib keladi. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki inflyatsiya darajasini 2021 yilda 10 foizgacha pasaytirish hamda 2023 yilda 5 foiz darajadagi doimiy inflyatsion maqsadni o'rnatish orqali 2020 yilning 1 yanvaridan boshlab pul-kredit siyosati mexanizmlarini bosqichma-bosqich inflyatsion targetlash rejimiga o'tkazishni o'z oldiga maqsad qilgan edi. Bunga Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning 2017 yil 13 sentyabrdagi "Pul-kredit siyosatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3272-sonli Qarori asos bo'lganligini ta'kidlashimiz lozim.

Shu jihatdan, Davlatimiz rahbari tomonidan ushbu masalaga alohida to'xtalib o'tishlari, birinchidan, aholi farovonligini oshirishga qaratilgan bo'lsa, ikkinchidan, aholi daromadlarini himoya qilish, ularning daromadlarining qadrini pasayishini oldini olishga qaratilgan chora-tadbirlarni o'z ichiga olishi bilan ahamiyatlidir.

Shuningdek, murojaatnomada bank tizimini rivojlantirish bo'yicha 2020 yilda keskin choralar ko'rish lozimligi belgilab berildi. Xususan, bank tizimida raqamli texnologiyalardan foydalanish, yangi bank dasturlarini joriy etish masalasida milliy bank tizimimiz ancha orqada qolayotgani ta'kidlandi.

Murojaatnomada ko'rsatilgan bank tizimidagi amalga oshirilishi lozim bo'lgan islohotlarni muhtaram Prezidentimiz rahbarligida o'tgan 2019 yil 25

oktyabr kunidagi yig'ilishda ham to'xtalib o'tilgan edi. Xususan, bank tizimini isloh qilish, tijorat banklarining investitsion salohiyatini oshirish – tijorat banklarining aktiv operatsiyalarini rivojlantirishga, ularni foydasini oshirishga xizmat qiladi, shuningdek, iqtisodiyotni modernizatsiyalashga, bozor sharoitlariga mos qonunlar asosida raqobatbardoshligini oshirish zarurligi shular jumlasidandir.

Shuni mamnuniyat bilan ta'kidlash lozimki, yaqinda yangi tahrirda qabul qilingan "Valyutani tartibga solish to'g'risida"gi, "O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki to'g'risida"gi, "Bank va banklar faoliyati to'g'risida"gi qonunlar bank tizimini isloh qilishda, yangi zamonaviy instrumentlarni qo'llashga asos bo'lib xizmat qiladi.

So'nggi yillarda tijorat banklarida bank xizmatlarini oshirish bo'yicha qator ishlar amalga oshirildi. Lekin, jahonda bo'layotgan o'zgarishlar, globallasuv jarayoni, raqobatbardoshlikni haddan ziyod rivojlanishi banklarimiz oldida bank xizmatlarini yangi bosqichga olib chiqish zaruratini yuzaga keltiradi.

Murojaatnomada bank sohasidagi islohotlarning asosiy maqsadi – tijorat banklarini mijoz uchun ishlashga o'rgatish lozimligi ta'kidlandi. Amaliyotdan ma'lumki, har qanday sohani rivojlanishi, taraqqiy etishi zamonaviy, bilimli kadrlarga bog'liq. Shu jihatdan, Davlatimiz rahbari tomonidan Bank-moliya akademiyasini to'liq qayta tashkil etilishi va bu jarayonda xorijiy mutaxassislar jalb etilishi ta'kidlandi. Shuningdek, aholida bank tizimiga bo'lgan ishonchini shakllantirish va banklar faoliyatiga chetdan aralashishga chek qo'yish birlamchi vazifalar sifatida ta'kidlandi.

Darhaqiqat, agar tijorat banklari tijorat faoliyatini birinchi o'ringa qo'yishmasa, bozor munosabatlariga moslashishmasa, ertaga biror iqtisodiy ittifoqqa a'zo bo'lishsa, raqobatga tayyor emasligi natijasida qiyin ahvolda qolishligi mumkin. Shu nuqtai nazardan, tijorat banklari o'zlarining tashkiliy tuzilmasini qayta ko'rib chiqishligi, uni xalqaro standartlarga moslab takomillashtirish, kreditlash shartlarini soddalashtirish muhimdir. Shuningdek, biznesga yo'naltirilgan korporativ boshqaruv va kuzatuv kengashlarini jonlantirish, zamonaviy bank xizmatlarini joriy etish bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqilishi zarur.

Shuningdek, murojaatnomada davlat ulushiga ega bo'lgan banklar bosqichma-bosqich strategik investorlarga sotilishi yuzasidan zaruriy ko'rsatmalar berildi. Investitsion jozibadorlikni oshirish orqali xususiy sektor ishtirokini kengaytirish bo'yicha takliflar berildi. Tijorat banklariga xususiy kapital jalb etilmas ekan, ularning tez sur'atlarda rivojlanishi qiyin masalaligicha qolib ketishi mumkin. Shu jihatdan oladigan bo'lsak, haqiqatda, tijorat banklarida davlatning ulushini imkon qadar pasaytirish yaxshi natijalarga olib keladi.

Shuningdek, banklarga strategik rivojlanish bo'yicha qator topshiriqlar berildi. Bu jarayonlarni tezlashtirish uchun ilg'or xalqaro bank amaliyoti tajribalaridan foydalanishimiz kerak. Bu, albatta, tijorat banklarini

rivojlanishiga, mamlakatimiz bank-moliya tizimini taraqqiy etishiga, natijada, iqtisodiyotimiz sog'lomlashishiga va raqobatbardoshlikni oshishiga olib keladi.

Katta o'qituvchi D.Ishanxodjayeva

O'ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT RIVOJLANISHINING BANK MOLIYA XIZMATLARI BOZORIGA TA'SIRI

Bugungi kunda respublikamizda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi natijasida, tijorat banklarining yangi innovatsion elektron xizmatlariga talabi yanada ortgan. Aholi o'rtasida bank binosiga bormasdan, birgina telefon, kompyuter yoki boshqa informatsion texnologiyalar orkali ko'plab amaliyotlarni bajarish imkoniyati ommalashgan. Shuningdek, tanlangan tashkilotning mobil ilovasi yoki rasmiy saytiga kirib, kerakli malumotni olish, turli to'lovlarni amalga oshirish, buyurtma berish va shikoyat yoki etirozlar yo'llash mumkin. Hozirda elektron bazaga jamlangan axborotlarning rakamlashtirilganligi natijasida avvallari ma'lum muddat kutishga to'g'ri keladigan bank amaliyotlarini bir necha soniyada o'tkazish imkonini beruvchi dasturlar, qurilmalar yaratilgan. Hayotimizga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining mana shunday shiddat bilan kirib kelishi jaxon xo'jalik aloqalarining globallashtirishini, tovar va xizmatlar, shu jumladan, moliyaviy xizmatlarni etkazib beruvchilar bozorida raqobatni keskin kuchaytirib yubordi. Bank tizimida zamon talablariga mos holda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy qilish va shu orqali ko'plab bank xizmatlarini avtomatlashtirish ishlari jadallashgan. O'zbekiston Respublikasining 2020-2025 yillarga mo'ljallangan bank tizimini isloh qilish strategiyasida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish, tijorat banklarining biznes jarayonlarini avtomatlashtirish va masofaviy bank xizmatlari turlarini kengaytirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish maqsadida tijorat banklarini korporativ transformatsiya qilish jarayonida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish sohasida asosiy vazifalar belgilab olingan:

- masofaviy bank xizmatlari, shu jumladan, kontaktsiz to'lovlar soni va qamrovini kengaytirish;
- avtomatlashtirilgan skoring tizimi, rakamli identifikatsiyalash va kredit konveyerlaridan keng foydalanish;
- bank ma'lumotlari va tizimlarining axborot xavfsizligini kuchaytirish;
- bank sohasidagi yangi kontseptsiya va texnologiyalarni keng joriy etish (fintex, rakamli bank). Bu vazifalarni amalga oshirishdan ko'zlangan maqsad respublikamizda rakamli iqtisodiyotni rivojlantirish asnosida axolining moliyaviy va xuquqiy savodxonligini oshirish, mamlakatimizning xalqaro

maydondagi integratsiyasini jadallashtirishdan iborat. Ma'lumki, banklarni raqamlashtirish jarayoni bank va mijoz o'rtasidagi munosabatlarni raqamli axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida barpo etish hisoblanadi. Bu jarayonda bank mijozlariga moliyaviy xizmatlar qulay, sifatli xamda tezkor ravishda amalga oshirilishi, operatsion xarajatlarni kamayishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Hozirgi kunda ma'lumotlar sub'ektlar o'rtasida elektron tarzda almashinib, iqtisodiyotning barcha bo'g'inlarida ish jarayonlarining avtomatlashtirilishi bilan hamma ma'lumotlarning elektron bazalarini yaratishga kirishildi. Buxgalteriya hamda boshqaruv tizimlarining elektron integratsiyasi shakllanib, CRM (Customer Rehtionship Management) mijozlar bilan o'zaro munosabatlarni boshqarish tizimi yaratilmoqda. Bank tizimida raqamli o'zgartirishlar vositasida bank biznes-modellari optimallashtirilib, bank segmentini rivojlantirish masofaviy bank xizmatlaridan tortib moliyaviy operatsiyalar sohasidagi o'zgarishlar jadallashuviga olib kelmoqda. Bank xizmatlari bozorida talabning ortishi natijasida raqobat ortib borib, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining yangi imkoniyatlaridan foydalanishga zarurati yanada oshdi. Mijozlar uchun moliyaviy xizmatlardan qaerda va qachon foydalanish borasida tanlov imkoniyati paydo bo'ldi. Banklar tomonidan tunu kun rejimida ishlaydigan (24/7) ofislari shu ehtiyojlarni o'rganish natijasidir. Bu ehtiyojlarga mos ravishda moliyaviy bozorda to'lovlarni o'tkazishning elektron tizimi, elektron pullar, masofaviy bank xizmatlari, jumladan, internet orqali taqdim etiluvchi bank maxsulotlari, bank terminallari hamda banklarning avtomatlashtirilgan markazi misol bo'la oladi. Rakamli moliyaviy texnologiyalarning qo'llanilishi davlat, to'lov xizmatlarini etkazib beruvchilar va mijozlar o'rtasida o'zaro faol xamkorlik imkoniyatini optimallashtirmokda. Bu esa bank xizmatlarining yangi usullarini joriy etish va innovatsion jozibador bank maxsulotlari yaratilishiga olib kelmoqda. Aytish joizki COVID – 19 koronavirus pandemiyasi raqamli moliyaviy xizmatlarning jadal rivojlanishiga tasir ko'rsatdi. Karantin boshlangunga qadar axoli elektron bank xizmatlariga doir ko'p bilimga ega emas, nimaiki yumushi bo'lsa, bankka borib uni xal etishga harakat qilar edi. Banklarning mobil ilova ishlab chiqqani bilan yoki masofadan turib boshqa bank xizmatlaridan foydalanish imkonini bereruvchi turli dasturlar ishlab chiqilsa xam bundan ko'pchilik foydalanmasdi. Axoliga bu xaqida bildirish uchun ko'p xarajat evaziga reklama (qilish zarur edi). Karantin sabab uyidan chiqa olmay kolgan axoli masofaviy bank xizmatlariga ham extiyoj sezdi, o'zlari izlanib, o'rganib, kerak bo'lsa talab kilib, zarur xizmatdan elektron dasturlar orqali foydalana boshladi. Bu banklar tomonidan elektron dasturlarga yanada ko'proq e'tibor qaratish, tajribali IT xodimlari yordamida masofaviy xizmatlar, mobil ilova va dasturlar takomillashtirilishiga turtki bo'ldi. Boshqacha aytadigan bo'lsak, raqamli moliyaviy xizmatlarni rivojlantirish mamlakat bank-moliya tizimi ravnaqining muhim yo'nalishiga aylanib ulgurdi. Sohaga oid normativ-huquqiy baza takomillashtirilib, to'lov infratuzilmasini

taraqqiy toptirish, bozorga masofaviy bank xizmatlari ko'rsatishga ixtisoslashtirilgan to'lov tashkilotlarining (fintex kompaniyalar) kirib kelishi rag'batlantirilmoqda. Respublikamizda bank tizimida masofaviy bank xizmatlarini ko'rsatishning huquqiy asosi yaratilgan. Jumladan, O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 1 noyabrda qabul qilingan "To'lovlar va to'lov tizimlari to'g'risida"gi qonuni muhim ahamiyat kasb etadi. Ma'lumki, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tashabbuslari bilan 2018 yilda mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bo'yicha "Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko'zda tutuvchi "Raqamli iqtisodiyot milliy kontseptsiyasi"ni ishlab chiqish vazifasi ilgari surilgan edi. Joriy yil 5 oktabr sanasida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "PF6079-sonli "Raqamli O'zbekiston – 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni qabul qilindi. Mazkur farmonda raqamli texnologiyalar milliy bozori uchun qulay muhit yaratish va istiqbolli "raqamli" startaplarni rivojlantirish maqsadida bir qator vazifalar belgilangan. Xususan, - axborot texnologiyalari sohasida yangidan ish boshlagan va kichik korxonalariga startap-loyihalarni amalga oshirishda; - tadbirkorlik sub'ektlari va davlat organlarining samarali o'zaro hamkorligini ta'minlash orqali yangi innovatsion echimlarni ishlab chiqish va ularni keyinchalik amalga oshirish - tashqi bozorda mahalliy texnologik va dasturiy mahsulotlarga bo'lgan talabni qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish.

Xulosa qilib aytganda, respublikamizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, bank xizmatlarini masofadan ko'rsatish iqtisodiyotni yangi bosqichga ko'tarish, banklarda transformatsiya jarayonlarini amalga oshirish borasida qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Bu boradagi jarayonlarni kengaytirish maqsadida 12 may 2020 yildagi PF5992-sonli "2020-2025 yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasi Bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida"gi Prezident farmoniga muvofiq joriy yildan boshlab, banklar transformatsiya jarayonlari o'tkazilishi belgilab qo'yilgan. Farmonga muvofiq zamonaviy texnologiyalarni joriy qilish, kontaktsiz to'lovlar soni va qamrovini kengaytirish, avtomatlashtirilgan skoring tizimi, raqamli identifikatsiyalash, kredit konveyeridan keng foydalanish, raqamli bankning tamoyillariga asoslangan biznes-modellarini joriy etish belgilandi, shuningdek, O'zbekistonda birinchi raqamli "AnorBank" tashkil qilinib, o'z faoliyatini 2021 yildan boshladi.

Shunday qilib, raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini bank moliyaviy xizmatlaridagi rivojlantirish maqsadida quyidagi masalalarni hal etish lozim: - banklar iqtisodiyotning lokomotivi vazifasini yanada rivojlantirib ildamlangan harakatga o'tishi va moliyaviy xizmatlarni raqobat ustunliklari, ixtisoslashuvi va o'sish nuqtalarini inobatga olgan xolda, shakllantirishi va amalga oshirish kerak; - banklar tijorat tashkiloti ekanligi, eng avvalo, tijoriy maqsadni ko'zlashi hamda bozor mexanizmlari asosida ish tashkil etilishi lozim.; -banklarning asosiy faoliyatidan tashqarida bo'lgan vazifalarni bajarishi kabi holatlarini oldini olish zarur. Natijada, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish va unda bank masofaviy

xizmatlarini yanada kengaytirish mamlakatimiz aholi turmush darajasini oshirish, iqtisodiyot tarmoqlarining shaffof faoliyatini yo'lga qo'yishga hamda axborot texnologiyalardan keng foydalanish imkoniyatini oshiradi.

Nazirova S.B. - Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti magistranti

QISHLOQ XO'JALIGIGA INVESTITSIYA JALB QILISHDA XORIJ TAJRIBALARI.

Annotatsiya. Ushbu maqolada qishloq xo'jaligi korxonalarida investitsion faollikni oshirish, hamda investitsiya jalb qilishdagi xorij tajribalari xususida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: Investitsiya, bank, bank qarzi, investor, kapital qo'yilmalar, innovatsiya, samaradorlik, foyda, tahlil, aksiya, obligatsiya, sertifikat, veksel, YaIM

Investitsion faoliyatni boshqarish samaradorligini oshirish yo'llari asosida mamlakatimiz investitsion jozibadorligini oshirish borasida qator tadbirlar amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotiga chet el investorlarni jalb etish uchun qulay shart-sharoitlar yaratishda, xorijiy davlatlar tajribasiga tayanish muhim rol o'ynaydi

Iqtisodiyoti rivojlangan davlatlarning investitsiya bozorini boshqarish sohasidagi tajribalari asosan 1929–1932 yillarga to'g'ri keluvchi Buyuk depressiya davri bilan boshlangan. Shuningdek, G'arbiy Yevropaning II-jaxon urushdan keyingi yillarda olib borgan investitsiya siyosatidagi tajribasi ayniqsa muhimdir. Shuni ham aytish kerakki, iqtisodiyotning real tarmoqlariga, shu jumladan, qishloq xo'jaligiga kapital qo'yilmalarni kiritishni davlat tomonidan tartibga solish usul hamda yo'llari ham iqtisodiy, ham boshqaruv tabiatiga ega. Masalan, AQSHda Ikkinchi jahon urushi yillarida fermerlarga qishloq xo'jalik texnikasi ma'lum me'yorlar asosida taqsimot qilingan, shu yillar davomida dunyoning ko'plab mamlakatlarida oziq-ovqat va qishloq xo'jalik mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilarning daromad ko'rsatkichlari va miqdori qattiq nazorat ostiga olingan. [1]

Investitsiya bozorini davlat tomonidan tartibga solishning bir qancha yo'nalishlari mavjud jumladan:

- a) daromadlarni qayta taqsimlash;
- b) YAIM strukturasi ta'sir qilish maqsadida resurslar taqsimotiga tuzatma qilish;
- v) iqtisodiyotni barqarorlashtirish.

Turli manbalardagi ma'lumotlarga tayanib, agrar sohadagi investitsiya faoliyatini boshqarishning quyidagi 2 ta zamonaviy modelini ajratib ko'rsatish mumkin: 1) AQSH modeli; 2) Yevropa modeli.[2]

AQSHda fermerlar 2017 yilda davlat tomonidan quyidagi yo'nalishlar bo'yicha qo'llab – quvvatlandi: [3]

1. Mahsulot ishlab chiqarishga to'g'ridan–to'g'ri subsidiyalar (bug'doy, soya, kungaboqar, qand lavlagi va boshqa mahsulotlar yetishtirish uchun) va fermerlar daromadini ko'tarish uchun davlat xarajatlari – 65,2 mlrd.doll.

2. Davlat sug'urtasi uchun - 35 mlrd. doll.

3. Kichik biznes va kooperativlarni qo'llab quvvatlash dasturi uchun –4,3 mlrd. doll.

AQSHda qishloq xo'jaligidagi investitsiya jarayonlari yana soliqqa tortish tizimi orqali ham nazorat qilinadi. Soliq tizimidagi imtiyozlar qishloq xo'jaligidagi mahsulotni ishlab chiqarishni rivojlantirishga, samaradorligini oshirishga, yerning hosildorligini oshirishga xizmat qiladi. Masalan, fermerlar uchun daromad solig'i boshqa ishlab chiqaruvchilarnikidan farqli o'laroq, real daromadlar olingandan keyingina hisoblanadi, boshqa biznes turlarida esa moliyalashtirish rejasidayoq hisobga olinadi. Fermerlar olingan daromadidan barcha joriy xarajatlarni, hattoki ular mahsulot ishlab chiqarishga bevosita bog'liq bo'lmasa ham, chegirib tashlash huquqiga ega bo'lib, ushbu yo'l bilan ular real (sof) daromadning miqdorini belgilab olishlari mumkin. Qishloq xo'jaligi sohadagi investitsiya bozorini boshqarishning davlat siyosati 1980 yillarning o'rtalarida ipotekali moliyalashtirish shakllangan vaqtlarda, ayniqsa jadal rivojlandi. Mazkur siyosat tarkibiga quyidagilar kiradi:

– qishloq xo'jaligidagi ipoteka kreditlarining qaytarilmaslik xatarini ta'minoti bo'lgan qimmatbaho qog'ozlarning jozibadorligini oshirish;

– Qishloq xo'jaligi tarmog'iga institutsional investorlarning uzoq muddatli qo'yilmalarini kiritish;

– ipoteka kreditlari bilan ta'minlangan qimmatbaho qog'ozlar muomalasining mexanizmi;

– qishloq xo'jaligidagi ipoteka qog'ozlarini emissiya qilish va sotish vositasida ish olib boruvchi birlamchi kreditorlarni qayta moliyalash, natijada esa ularning bozordagi likvidligini oshirish imkonini beradi.

Hozirgi vaqtda Kanadada huquqiy–qonuniy asoslarning qabul qilinishi bilan yagona investitsiya muhiti vujudga kelib, kapital va mahsulotni mamlakatning barcha hududlarida harakatlanishining umumiy qoidalari o'rnatildi. Yagona investitsiya muhiti kanadalik fermerlarni ularning asosiy raqobatchilari bo'lgan AQSH fermerlari bilan raqobatbardoshligini o'sishini ta'minlaydi. Kanadaning qishloq xo'jaligi sohasidagi siyosatining asosiy xususiyati shundan iboratki, mamlakat oziq–ovqat va qishloq xo'jalik mahsulotlari savdosini boshqarishni to'g'ridan–to'g'ri emas, bevosita ishlab chiqaruvchilar assotsiatsiyasi va kooperativ uyushmalari orqali amalga oshirganligidadir. O'z navbatida ular orqali davlat subsidiya va dotatsiya berish bilan, qishloq xo'jalik mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarining kreditlari esa davlat kafilligi bilan ta'minlagan.

Xitoy davlatida qishloq xo'jaligidagi investitsiyalar quyidagi manbalar hisobidan moliyalashtiriladi: davlat budjeti mablag'lari, kredit ko'rinishida (davlat banklari orqali), qishloq xo'jaligidagi korxonalarining jamoa mablag'lari va dehqon xo'jaliklarining mablag'lari. Qishloq xo'jaligini investitsiyalashtirishdagi asosiy subektlar sifatida jamoa va dehqon xo'jaliklarining mablag'laridir, buning asosiy sababi ularning jami kapital qo'yilmalardagi ulushi 50 foizdan oshadi.

Mahalliy boshqaruv organlari va qishloq xo'jaligi jamoasi guruhiga kiruvchi investorlar e'tibori hududlarning moddiy–texnik bazasiga kapital kiritish kuchaytirilgan. Xitoy iqtisodchilarining hisob–kitoblariga ko'ra, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish yiliga 4 foiz o'sishiga erishish uchun budget kapital qo'yimlarining 10 foizidan, mahalliy budget xarajatlarining 25 foizidan kam bo'lmagan miqdori qishloq kapital qurilishiga investitsiya qilinishi lozim.[4]

Bu bilan bog'liq masalada asosiy e'tibor milliy daromadning qayta taqsimlanishiga qaratiladi. Kapital qo'yimlar nisbatidagi o'zgarish qishloq xo'jaligi bilan sanoat tarmog'i o'rtasida bo'lib, u ba'zi ishlab chiqarish obektlari qurilishining qisqartirilishi hisobidan amalga oshadi. Asosiy maqsad – dehqonlarni jonlantirish, mahalliy boshqaruv organlari tomonidan qishloq xo'jaligiga investitsiyalar oqimini kengaytirishdan iborat. Davlat esa o'z navbatida qishloq xo'jaligiga xizmat ko'rsatuvchi sanoatning turli tarmog'iga kapital qo'yimlar kiritish ko'lamini oshiradi. Investitsiya faoliyatini boshqarishning muhim yo'nalishi qishloq xo'jaligi sohasiga chet el investorlari tomonidan kapital oqimini ko'paytirishni rag'batlantirishdir. AQSHning iqtisodiyot tarmoqlarini imtiyozli investitsiyalash mexanizmidagi investorlarga quyidagi imtiyoz va chegirmalar berilishi nazarda tutilgan:

Kanadada chet el kapital qo'yimlari to'g'risida huquqiy–qonuniy muammo 1970 yillari mamlakat hududida transmilliy korporatsiyalarning, ayniqsa AQSHga tegishli bo'lganlari faoliyatini tartibga solish zaruriyati natijasida paydo bo'ldi. 1973 yilda qabul qilingan “Chet el investitsiyalari to'g'risida”gi qonunda AQSH va Kanadaning investitsiya siyosatida hozirgacha saqlanib kelayotgan ikki yoqlama qarama – qarshi pozitsiya aniq ifodalangan edi. AQSH xususiy sektorga barcha iqtisodiy qarorlarni qabul qilishda mutlaqo erkinlik berish va bu jarayonga davlatning bevosita aralashuvini batamom cheklashni yoqlaydi hamda shu tamoyilga amal qiladi.[5]

Hozirgi vaqtda boshqaruv me'yorlariga mos keluvchi institutsional investorlar salmog'i oshib bormoqda. Masalan, AQSHning institutsional investorlari moliya bozorining asosiy qismini tashkil qiluvchi aktivlarini boshqaradilar (pensiya fondi, sug'urta kompaniyalari va zayom fondlari 12 trln. AQSH dollaridan ortiqroq aktivlarni mustaqil boshqaradilar; Amerikadagi pensiya fondlari dunyoning yirik institutsional investori maqomini olgan; AQSH da taxminan 29000 ta atrofida investitsion klublar mavjud) hamda institutsional investorlar o'rtasida ishonchli tarmoqlarga kapital kiritgan, asosan konservativ investorlarning investitsiya fondlari ayniqsa jadal rivojlanmoqda.

Shu bilan birga tahlillarning ko'rsatishicha, kapitalni mutloq erkin harakati tizimini ko'pchilik mamlakatlarda birdek qo'llab bo'lmaydi. Shu bois xalqaro tashkilotlar kapital eksporti–importi nazoratini boshqarishning xalqaro qoidalarini ishlab chiqish ustida faol ish olib bormoqdalar. Bunga qo'shimcha ravishda bozor iqtisodiyoti shakllanayotgan mamlakatlarda kapital jalb etish uchun ular turli xil dasturlar qabul qildilar, jumladan, iqtisodiyotga davlatning aralashuvini cheklash va liberalizatsiya jarayonlarini kengaytirishni aytish mumkin. Mazkur dasturlarning to'g'ri bajarilishi natijasida haqiqatan ham xorijiy investitsiya vositalarini (mulkiy, institutsional) jalb etish sezilarli darajada oshdi, bunda albatta xorijiy investorlar bu davlatlarning kelajakdagi taraqqiyotini hisobga olganlar. Shunday qilib, yaqin 5 – 10 yil ichida mamlakatimizda investitsiya faolligini oshirish xalq xo'jaligining muhim ustuvor vazifasidir. Ayniqsa, mamlakatimiz YAIMini ko'paytirish qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini taqozo qiladi, bu esa investitsiyalarsiz amalga oshmaydi.

Taraqqiy etgan mamlakatlarda agrar sohaga sarflanayotgan investitsiyalarni moliyalashtirishda tijorat banklarining imtiyozli kreditlari muhim rol o'ynaydi. Mazkur imtiyozli kreditlar uch tomonlama shartnoma asosida beriladi: davlat, tijorat banki va fermer xo'jaligi o'rtasida tuziladi.

Xulosa: O'zbekiston ulkan xorijiy investitsiyalar yo'naltirilayotgan mamlakatlar guruhiga kirish uchun barcha shart-sharoitlarga, xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun bir qator qulayliklarga ega. O'zbekiston jahon xamjamiyati oldida o'zining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasi, dunyo haritasidagi geografik joylashishi, tabiiy resurslarning tarkibi va zahirasi, hukumat olib borayotgan iqtisodiy siyosat va boshqalar bilan muhim rol o'ynaydi.

Karimov A.I. - "Korporativ moliya va qimmatli qog'ozlar" kafedrasi, PhD
Avezov I.I. - TMI magistrant

INVESTITSIYA FONDLARNI SHAKLLANTIRISH ASOSLARI

Islohotlarning muvaffaqiyati jahon tajribasini, ayniqsa, iqtisodiy jihatdan rivojlangan mamlakatlar tajribasini o'rganish, milliy itisodiyot uchun ularning ijobiy jihatlarini qo'lashni o'z ichiga oladi. Jahon amaliyotida investitsiya fondlari turlicha nomlanadi, ammo ularning bajaradigan vazifalar deyarli bir xil.

Investitsion fond - bu ko'plab investorlarga tegishli bo'lgan qimmatli qog'ozlarni birgalikda sotib olish uchun foydalaniladigan kapital ta'minoti, bunda har bir investor o'z aksiyalariga egalik va nazoratni saqlab qoladi. Investitsion fond investitsiya imkoniyatlarining kengroq tanlovini, katta boshqaruv tajribasini va investorlar mustaqil ravishda olishlari mumkin bo'lgan kamroq investitsiya to'lovlarini taqdim etadi.

Investitsiya fondlari investorlar uchun to'g'ridan-to'g'ri qimmatli qog'ozlarga investitsiya qilish xavfi va xarajatlarini kamaytirishni taklif qiladi. Individual investorlar fond aktivlarini qanday investitsiya qilish to'g'risida qaror qabul qilmaydi. Ular shunchaki maqsadlari, xavf-xatarlari, to'lovlari va boshqa omillarga asoslanib fondni tanlaydilar. Jamg'arma boshqaruvchisi fondni nazorat qiladi va u qaysi qimmatli qog'ozlarga ega bo'lishi, qancha miqdorda va qachon qimmatli qog'ozlarni sotib olish va sotish kerakligini hal qiladi. Biroq, bu imtiyozlar yuqori komissiya xarajatlari va past daromadlar hisobiga keladi. Investitsiya fondlarining asosiy maqsadi aholining keng qatlamlari mablag'larini markazlashtirish, ya'ni ularni investitsiya jarayoniga jalb etishdan iborat.

Investitsiya fondlarini rivojlantirish kerakligi aholida vaqtincha bo'sh turgan mablag'larning to'planishi, ularni foyda olish va milliy iqtisodiyotning turli tarmoqlariga o'zaro manfaatdorlik asosida sarmoya kiritish uchun safarbar etilishi tufayli yuzaga keladi. Aholining vaqtincha bo'sh mablag'laridan investitsiya sifatida foydalanish masalasi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida "Iqtisodiyotni rivojlantirishdagi muhim vazifalarimizdan biri – aholi qo'lida to'plangan mablag'larni sarmoya shaklida safarbar etish, tadbirkorlik tuyg'usini kuchaytirishdan iborat", deb ta'kidladilar¹.

Investitsiya fondlari O'zbekiston respublikasi "investitsiya va pay fondlari to'g'risida"² qonunga ko'ra investitsiya fondi yangi yuridik shaxsni ta'sis etish yoki boshqa investitsiya fondini qayta tashkil etish yo'li bilan tashkil etiladi. Investitsiya fondi tijorat tashkiloti bo'lib, u o'zining alohida hisobga olinadigan mol-mulkiga, shu jumladan ustav kapitaliga berilgan mol-mulkka ega bo'ladi.

O'zbekiston respublikasi qonunchiligiga ko'ra investitsiya fondlarining faoliyatida quyidagi cheklovlar mavjud:

- korporativ obligatsiyalar va infratuzilma obligatsiyalari, shuningdek imtiyozli aksiyalar chiqarishga;

- investitsiya fondi sof aktivlarining 10 foizidan ortig'ini bir emitentning qimmatli qog'ozlariga yoki mas'uliyati cheklangan jamiyatning ulushiga investitsiya qilishga;

- to'lanishi lozim bo'lgan qarzlarning jami hajmi kredit va (yoki) qarz bitimi imzolangan sanadagi investitsiya fondi sof aktivlari qiymatining 15 foizidan oshib ketgan taqdirda, kredit va (yoki) qarz mablag'larini jalb etishga (bunda kredit va (yoki) qarz muddati uch oydan oshib ketmasligi kerak);

- kafil bo'lishga, mol-mulkni yoki mulkiy huquqlarni garovga qo'yishga;

- tashkiliy-huquqiy shakli o'z ishtirokchilarining qo'shimcha javobgarligini nazarda tutadigan xo'jalik jamiyatlarining qimmatli qog'ozlariga va ulushlariga investitsiyalarni amalga oshirishga;

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2017 yil 22 dekabr

² "Investitsiya va pay fondlari to'g'risida" O'zbekiston respublikasining qonuni. Toshkent sh. 2015-yil 25-avgust, O'RQ-392-son

- ishonchli boshqaruvchi, auditorlik tashkilotlari tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlarga investitsiyalarni amalga oshirishga, shuningdek ularning ustav kapitalidagi ulushlarini olishga;

- boshqa investitsiya fondlarining aksiyalarini olishga va ularga ega bo'lishga;

- investitsiya faoliyati bilan bog'liq bo'lmagan bitimlar tuzishga, opsiyonlar yoki fyucherslar olishga;

- umumiy summasi fond sof aktivlarining 10 foizidan ortiq investitsiyalarni amalga oshirishga (bundan qimmatli qog'ozlarga qo'yish mustasno) haqli emas.

Bugungi kundagi qonunchilikka muvofiq, investitsiya fondi rivojlanish jarayonida o'z oldiga qo'yilgan vazifalarni hal etish, mablag'larni ko'paytirish va undan samarali foydalanish yo'llarini izlash uchun tegishlicha mablag'larga ega bo'lishi shart. Shuning uchun investitsiya fondlarini moliyalashtirishni uning daromadlari, xarajatlari va sof foydasi dinamikasini tahlil qilish orqali o'rganish muhim ahamiyatga ega.

*Ilmiy rahbar: M.Azizova,
"Bank ishi va audit" talabasi M.Nosirova*

RAQAMLI IQTISODIYOTDA BUXGALTERIYA HISOB: MOHIYATI VA AFZALLIKLARI

Dunyo iqtisodiyotining va axborot texnologiyalarining rivojlanishi buxgalteriya hisobini ham rivojlanishiga asos yaratdi. Bu esa buxgalteriya hisobini avtomatlashtirilgan tizimlaridan foydalanish imkoniyatlarini yaratdi. Bugungi kunda mamlakatimizda buxgalteriya hisobini yuritishda birqancha dasturiy ta'minotlardan foydalanilmoqda, jumladan luz, lc, uzasbo, estat dasturlari va buxgalteriya hisobining ayrim ob'ektlari uchun my.soliq.uz, faktura.uz, internet banking, didox.uz saytlaridan foydalanib kelinmoqda. Mamlakatimizda iqtisodiyotni raqamlashtirishi natijasida buxgalteriya hisobini tashkil etishning quyidagi usullaridan foydalanish mumkin.

– luz, lc, uzasbo, estat kabi dasturiy ta'minotlarni ma'lumotlar bazasiga ulash orqali faoliyatni yuritish;

– bulutli texnologiyalardan foydalanish Google drive(disk),yandex disk, Onedrive, dropbox texnologiyalaridan foydalanish;

– blokcheyn texnologiyasidan foydalanish;

– mobil buxgalteriya hisobidan foydalanish.

Har bir texnologiyani buxgalteriya hisobida qo'llashning ijobiy va salbiy jihatlari mavjud. luz, lc, uzasbo, estat kabi dasturiy ta'minotlari buxgalterlarga buxgalteriya hisobining bir-biriga bog'langan sohalarini yuritish, boshqaruv xodimlariga tegishli ma'lumotlarga ega bo'lish va boshqaruv qarorlarini qabul qilish imkoniyatini beradi. Buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish buxgalterlar ishini va ma'lumotni qo'lda qayta ishlash bilan solishtirganda ancha

osonlashtiradi. Buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish boshlang'ich xujjatlarni avtomatik tarzda rekvizitlarni to'ldirish, ko'p hajmli ma'lumotlarni qayta ishlash, ma'lumotlarni turli ko'rinishlarda foydalanuvchilarga taqdim etish imkoniyatlarining mavjudligi, ortiqcha qog'oz sarfi oldi olinadi, rahbariyat va quyi bo'g'inlar, tashkiliy bo'linmalar o'rtasida tezkor ma'lumot almashinuvi, arifmetik xatolarni bartaraf etish, nazorat qiluvchi organlar va banklar bilan onlayn aloqa, qonun hujjatlaridagi o'zgarishlarga tezda javob berish qobiliyatlarining mavjudligi bilan foydalanuvchilarga qulayliklar yaratadi.

Raqamli iqtisodiyotda qo'llaniladigan yana bir zamonaviy texnologiyalardan biri blokchayn texnologiyasidir. Blokchayn - bu ma'lumotlarga ega bo'lgan muayyan qoidalarga muvofiq tuzilgan doimiy ketma-ketlikdagi bloklar zanjiri (bog'langan ro'yxat). Bloklar orasidagi aloqa nafaqat raqamlash bilan, balki har bir blokda o'z summasi va oldingi blokning summasi mavjudligi bilan ta'minlanadi. Blokda ma'lumotlarni o'zgartirish uchun siz keyingi barcha bloklarni tahrirlashingiz kerak. Ko'pincha blok zanjirlarining nusxalari bir-biridan mustaqil ravishda turli xil kompyuterlarda saqlanadi. Bu ko'pgina kompyuterlarda tarqatiladigan markazlashtirilgan boshqaruvisiz yagona ma'lumotlar bazasi. Blokchayn ko'pincha "taqsimlangan ma'lumotlar bazasi" deb nomlanadi. Rossiyalik iqtisodchi olimlar N. V.Emelyanov, Yu. A.Ermilovalarning fikriga ko'ra blokchayn kabi texnologiyalar buxgalteriya hisobini yuritish tizimi singari buxgalteriya usulidagi yutuqlar uchun zarur shartdir. Korxonalar bitimlar yozuvlarini yagona registrda qayd etishlari va saqlashlari mumkin, bu esa taqsimlangan va o'zaro bog'langan buxgalteriya ma'lumotlari tizimi sifatida taqdim etiladi. Axborotlarni soxtalashtirish va yo'q qilish imkoniyati tarqatish tizimi va kriptografik himoya tufayli deyarli imkonsiz bo'lib qoladi. Bunday tizim "uch yoqlama yozuv" deb nomlanadi. Blokchayn texnologiyasida tashkilotning buxgalteriya tizimiga blokchayn texnologiyasini kiritishda kontragentlar bilan inventarizatsiya qilish zarurati mavjud emas, chunki debetorlik va kreditorlik qarzlarning shakllanishi va bekor qilinishi bir vaqtning o'zida bitimni tuzishda bir xil baholanadi. Hisobchining vazifasi sotib olingan yoki topshirilgan aktivlarni to'g'ri tasniflash va tegishli daromad yoki xarajatlarni qayd etishdan iborat bo'ladi, real vaqt ichida hisob kitoblar amalga oshiriladi, soliqlarni to'lashdan bo'yin tovlash mumkin emas, chunki barcha operatsiyalar raqamlashtiriladi.[4] Hozirgi vaqtda eng ommabob raqamli texnologiyalardan biri bu bulutli texnologiyalardir. Bulutli texnologiyalar internetda saqlash modeli, unda ma'lumotlar tarmoqdagi ko'p taqsimlangan serverlarda saqlanadi va mijozlar foydalanishi uchun taqdim etiladi. Ushbu texnologiyadan foydalanishning o'ziga xos xususiyati shundaki, tashkilot qimmat uskunalar sotib olish, unga xizmat ko'rsatish uchun mutaxassislarni yollash yoki ixtisoslashtirilgan dasturiy ta'minotni o'rnatish kerak emas. Bulutli xizmatlardan foydalanish uchun internetga kirish kifoya. Bulutli texnologiyalarning eng oddiy

na'munasi virtual xotira, masalan, Google drive(disk),yandex disk, Onedrive, dropbox.

Bulutli texnologiyalardan foydalanishda har qanday qurilmadan (noutbuk, planshet, mobil qurilma) foydalanish imkoniyati mavjud, o'ziga kerakli to'plam uchun haq to'laydi, foydalanuvchi uchun ayni paytda zarur bo'lgan funksiyalarni mustaqil tanlash imkoniyatlarining (ulanish tezligi, xotira hajmi, hisoblash kuchi, shuningdek bulutni ijaraga olish vaqti) mavjudligidir. Buxgalteriya hisobini raqamlashtirish sohada quyidagi afzalliklarni yaratadi:

- ma'lumotlar aylanishi tezlashadi;
- ma'lumotlar ishonchliligi ortadi;
- mehnat samaradorligi ortadi;
- xujjatlarni to'ldirishga sarflangan vaqt tejaladi;
- maxsulot tannarxi aniq hisob kitob qilinadi;
- ko'p hajmli ma'lumotlarni tez qayta ishlash imkoni yaratiladi;
- ortiqcha qog'oz sarfi oldi olinadi;
- arifmetik xatolar oldi olinadi;
- faloiyat yuritishda joy, vaqt va qurilmalar ahamiyati kamayadi, ya'ni ma'lumotlardan xoxlagan joyda, xoxlagan vaqtda va xoxlagan qurilma (noutbuk, planshet, mobil qurilma) orqali foydalanish mumkin;
- ma'lumotlarni yo'qolib ketmaslik kafolatining mavjudligi;
- me'yoriy xujjatlarning o'zgarishiga tez moslashuvchanlik;
- halqaro standartlarga moslashuvchanlik;
- soliqlar va boshqa byudjetga to'lovlar bo'yicha chetlanishlarning vujudga kelmasligi va boshqalar.

Yuqoridagilardan ko'rishimiz mumkunki buxgalteriya hisobini raqamlashtirish nafaqat korxonaga uchun balki davlat uchun ham juda muhim vazifalardan biridir. Buxgalteriya hisobini raqamlashtirish sohada afzalliklar bilan birga ayrim muommoli vaziyatlarni ham vujudga keltiradi:

- ish joylarining qisqarishi, barcha bo'limlar avtomatlashtirilishi natijasida ish o'rinlari qisqarishi mumkin;
- umumiy tizimdan ma'lumotlarni sizib chiqishi natijasida xo'jalik sub'ektlari ma'lumotlari oshkor bo'lishi;
- dasturiy ta'minotlarga tobelik kuchayadi;
- internet xizmatining sifati pastligi tizimda ayrim nuqsonlarni vujudga kelishiga sabab bo'ladi;
- sohaga yuqori malakali kadrlarning etishmasligi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki mamlakatimiz iqtisodiyotini raqamlashtirish bu bizni jahon bozoriga chiqishimiz uchun asos bo'luvchi omillardan biri bo'lib hisoblanadi. Iqtisodiyotni raqamlashtirish buxgalteriya hisobidan foydalanuvchilarning imkoniyatlarini kengaytiradi, buxgalteriya hisobining sifati va samaradorligini oshiradi hamda buxgalteriya xizmatlarining

har xil turlarini integratsiyalashda zamonaviy innovatsion yondashuvlarni shakllantiradi.

Qurbonov R.B. – Toshkent moliya instituti dotsenti, PhD

TIJORAT BANKLARIDA CHET EL VALYUTASI OPERATSIYALARINI HISOBI VA AUDITINI TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya

Ushbu maqola O`zbekiston Respublikasidagi tijorat banklarning chet el valyutasi operatsiyalarini hisobi va auditini takomillashtirishga bag`ishlangan. Tijorat банклари tomonidan amalga oshiladigan chet el valyutasi valyutasi operatsiyalari turlari va uni hisobi o`rganilgan va ularga tegishli xulosalar berilgan.

Tayanch so`zlar; tijorat banklar, valyuta operatsiyalar, valyuta hisobvaraqlari, naqd chet el valyutasi, xalqaro operatsiya.

Kirish

O`zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so`ng, o`tgan qisqa vaqt mobaynida bank sohasi rivojlanishi uchun katta imkoniyatlar yaratildi, tijorat banklarining faoliyati ushbu qisqa davrda kutilgandan ham unumliroq tarzda takomillashdi. Tijorat banklarining takomillashishining asosiy sabablaridan biri, O`zbekiston Respublikasining jahon xo`jaligidagi ishtiroki salmog`i oshib, xalqaro iqtisodiy munosabatlar ko`lami kengayib borayotganidadir. Bozor iqtisodiyoti ijtimoiy hayotning barcha jabhalariga keng miqyosda kirib borayotgan hozirgi sharoitda bank tizimiga, ushbu tizimda boshqaruv jarayonlarini zamonaviy talablar asosida takomillashtirishga bo`lgan talab yanada kuchaymoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev O`zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishi marosimiga bag`ishlangan nutqida, Harakatlar strategiyasini hayotga joriy etish va kelajakda barcha sohalar bo`yicha yuqori ko`rsatkichlarga erishish lozimligi to`g`risida: “Bizning vazifamiz – to`plangan tajriba va ilg`or xalqaro amaliyotga suyangan holda o`zimizning taraqqiyot va yangilanish modelimizni qat`iy amalga oshirishdan iborat. Shu borada yaqin va o`rta muddatga belgilangan marralarga erishish uchun qat`iyat bilan harakat qilishimiz zarur”-deb, ta`kidladilar[1]. Darhaqiqat, so`nggi yillarda iqtisodiyotimiz salohiyatini yuksaltirish borasida keng ko`lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, milliy valyutani erkin konvertatsiya qilish tizimiga to`liq o`tildi, biznes sohasidagi soliqlar qisqartirildi, kredit olish imkoniyatlari kengaydi, erkin iqtisodiy zonalar tashkil etilib, ularda investorlarga keng imtiyozlar berildi. Shuningdek, mamlakatimiz valyuta sohasida amalga oshirilayotgan yangiliklardan biri bu – aholi uchun valyuta ayirboshlash amaliyotlarini amalga oshirishni yengillashtiruvchi yangi bank xizmatlarining


joriy etilishi hamda yuridik va jismoniy shaxslarning chet el valyutasini erkin sotib olish va sotish uchun keng imkoniyatlarning yaratilishidir. [6]

Sir emaski, iqtisodiyotni liberallashtirish sharoitida mamlakatda valyuta munosabatlarini rivojlantirish, tijorat banklari va boshqa moliya muassasalarini xalqaro moliya bozorlaridagi ishtiroklari uchun sharoitlarni yaratish, milliy valyuta bozorini barqaror ishlashini ta'minlash, mustaqil mamlakatimizning eksport salohiyatini oshirishda import o'rnini bosuvchi tovarlar ishlab chiqaruvchi sub'ektlar o'rtasida xalqaro investitsiyalarni kengroq jalb qilish, mamlakatda o'zining milliy ichki valyuta bozorini va valyuta operatsiyalarini shakllantirishni taqazo etadi. Shu sababdan valyuta bozori va mazkur bozorda mavjud valyuta operatsiyalarini hamda ularni amalga oshirilishi bilan bog'liq nazariy masalalarni o'rganish hozirgi kunda nihoyatda dolzarb masalalardan biri bo'lib qoldi. Chunki mamlakatimizda faqatgina bozor mexanizmlari asosida faoliyat ko'rsatadigan valyuta bozorini shakllantirish barcha banklarning mijozlar (yuridik va jismoniy shaxslar, shu jumladan, yakka tartibdagi tadbirkorlar) ehtiyojlarini qondirish maqsadida chet el valyutasini sotib olish va sotish uchun valyuta birjasi savdolarida erkin ishtirok etishini, shuningdek, mijozlarning chet el valyutasini sotib olish bo'yicha amaldagi tartib va texnik reglamentlariga rioya etgan holda o'z valyuta mablag'larini hech qanday cheklovsiz tasarruf etishini taqazo etadi.

Tahlil va natijalar

O'zbekiston Respublikasining "Valyutani tartibga solish to'g'risida"gi qonuniga muvofiq tijorat banklari valyuta operatsiyalari ichki va xalqaro (transchegaraviy) operatsiyalarini amalga oshirishga ruxsat etiladi[2]. Ichki valyuta operatsiyalari O'zbekiston Respublikasi hududida o'tkaziladigan operatsiyalardir.

Xalqaro (transchegaraviy) valyuta operatsiyalari joriy xalqaro operatsiyalarga va kapital harakati (kapital o'tkazmalari) operatsiyalariga bo'linadi. Umuman esa, valyuta operatsiyalariga quyidagilar kiradi:



1-rasm. **Tijorat banklarida amalga oshiladigan valyuta operatsiya turlari**[3].

O'z navbatida, tijorat banklarda chet el valyutasi bilan bog'liq buxgalteriya o'tkazmalari O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligida 2004 yil 17-iyulda 15/3-son bilan ro'yxatga olingan "O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlari" rejasiga asosan amalga oshiriladi. Chet el valyutasi bilan bog'liq buxgalteriya o'tkazmalari buxgalteriya hisobining hisobvaraqlari rejasining quyidagi hisobvaraqlarda olib boriladi.

1-jadval

Tijorat banklari hisobvaraqlar rejasidagi chet el valyutasi bilan bog'liq hisobvaraqlarning nomilari[4]¹

Hisobva raq nomeri	Hisobvaraqlarning nomi
10196	Chet el valyutasini sotib olish uchun Markaziy bankdan olingan naqd pullar zaxirasi va jismoniy shaxslardan sotib olingan chet el valyutalari
17101	Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari
22613	Valyuta bozorida konvertatsiya qilish uchun mijozlarning zaxiralangan mablag'lari
22614	Mijozlarning valyuta bozorida konvertatsiya qilingan mablag'lari
23122	Xorijiy valyuta sotib olish uchun bank kassalariga naqd pullarni topshirgan jismoniy shaxslarning plastik kartalariga o'tkazilishi lozim bo'lgan mablag'lar bo'yicha tranzit hisobvaraqlar
23516	Xorijiy valyuta sotib olish uchun jismoniy shaxslarning plastik kartalaridan o'tkazilgan pul mablag'lari
45400	Xorijiy valyutalardagi foyda
55300	Xorijiy valyutalarda ko'rilgan zararlar

Oxirgi yillarda amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida nafaqat valyuta operatsiyalarini hisobga olinishi bilan birga, ularni amalga oshirish qoidalari soddalashtirildi. Xalqaro amaliyotga muvofiq Qoidalar bilan valyutani tartibga solish sohasidagi qonunosti hujjatlari normalarini birxillashtirish yo'li bilan valyuta operatsiyalarini amalga oshirishning yagona tartibi belgilandi. 5 ta normativ-huquqiy hujjatning o'z kuchini yo'qotgan deb topilishi valyuta operatsiyalarini amalga oshirish tartibining soddalashtirilishiga zamin yaratadi[5].

¹ Muallif tomonidan tayyorlangan

O'zbekiston Respublikasi Markaziy bank Boshqaruvi «O'zbekiston Respublikasida valyuta operatsiyalarini amalga oshirish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida»gi Nizomi asosida quyidagilar tartibga solingan:

- tijorat banklari tomonidan rezidentlarning va norezidentlarning chet el valyutasidagi hisobvaraqlarini yuritish;
- ichki valyuta bozorida xo'jalik yurituvchi sub'ektlar tomonidan chet el valyutasini sotish va sotib olish operatsiyalarini amalga oshirish;
- jismoniy shaxslar bilan valyuta ayirboshlash operatsiyalarini amalga oshirish;
- O'zbekiston hududida naqd chet el valyutasini qabul qilish;
- tijorat banklari tomonidan naqd valyuta mablag'larini O'zbekiston hududidan olib chiqish va olib kirish.

Xulosa va takliflar

Xulosa qilib aytadigan bo'lsa valyuta operatsiyalarini hisobini yuritish va uni auditida tijorat banklari qonun hujjatlarda belgilangan tartiblardan foydalanishadi.

Tijorat banklari valyuta operatsiyalari hisobini yuritish va auditdan o'tkazishda yuzaga kelgan muammolar qisqa muddatli bo'lib kelgusida O'zbekiston valyuta bozorining rivojlanishi hamda valyuta operatsiyalarida erkinliklarni oshishi natijasida ularning hisobini yuritish ham takomillashadi. Bularni rivojlantirishda muhim masalardan biri kadrlar ilmiy va amaliy salohiyatini bank, valyuta va buxgalteriya hisobi sohasida rivojlantirish hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini mard va oliyjanob xalqimiz bilan quramiz". Sh.Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqi. "Xalq so'zi" gazetasi, 2016 yil 15-dekabr.
2. O'zbekiston Respublikasining Prezidentining 2019 yil 1 noyabrdagi "Valyutani tartibga solish to'g'risida"gi O'RQ-573 Qonuni
3. Abdullaeva Sh.Z. "Xalqaro valyuta –kredit munosabatlari" Darslik T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2005 348 b
4. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining 2004 yil 17 iyuldagi 15/3-sonli "O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlari" qarori.
5. Kurbanov Rufat Bakhtiyarovich, Bakhodirova Kamola Ismatulla Kizi IMPROVEMENT OF ACCOUNTING AND AUDIT OF TRANSACTIONS WITH FOREIGN CURRENCY IN COMMERCIAL BANKS // ORIENSS.

2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/improvement-of-accounting-and-audit-of-transactions-with-foreign-currency-in-commercial-banks> .

6. Kurbanov R. The practice of strengthening of resource base in private banks. International Journal of Economics, Commerce and Management, 2020 8 (3), ISSN: 23485-0386. <http://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2020/03/8334.pdf>

Safarova N. - TMI o'qituvchisi
Hakimjonova N. - TMI talabasi

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BANK, MOLIYA HAMDA BUFGALTERIYA HISOBINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MUAMMOLARI

Annotatsiya: Ilmiy maqolaning asosiy maqsadi xalqaro tajriba va innovatsion g'oyalarga hamda nazariy-metodologik bazaga asoslanib, raqamli iqtisodiyot sharoitida bank, moliya hamda buxgalteriya hisobini rivojlantirishning dolzarb muammolarini hal qilish, respublikaning chakana hisob-kitob sohasini takomillashtirish yuzasidan xulosa va takliflarni taqdim etishdir. Ushbu ilmiy maqolada bank, moliya va buxgalteriya tizimida innovatsion texnologiyalarni qo'llashning nazariy va amaliy asoslari, unga ta'sir etuvchi omillar, mamlakat tijorat banklari tomonidan bu yo'nalishda olib borilayotgan amaliy chora-tadbirlar yoritilgan. Shuningdek, innovatsion texnologiyalar yordamida respublika chakana to'lov tizimi infratuzilmasini rivojlantirish yuzasidan taklif va ilmiy xulosalar o'rin olgan.

Kalit so'zlar: raqamli iqtisodiyot, bank tizimi, elektron pullar, elektron pul muomalasi, to'lov tizimlari, chakana xizmatlar, bank, mijoz, masofaviy xizmat, innovatsiya, nazorat, me'yoriy baza, xalqaro amaliyot, buxgalteriya, moliya.

Abstract: The main purpose of the article is to address the current issues of development of banking, finance and accounting in the digital economy, based on international experience and innovative ideas, as well as theoretical and methodological framework, to provide conclusions and recommendations for improving the retail sector. This scientific article describes the theoretical and practical basis for the use of innovative technologies in banking, finance and accounting, the factors influencing it, the practical measures taken by commercial banks in this area. There are also proposals and scientific conclusions on the development of the infrastructure of the retail payment system of the republic with the help of innovative technologies.

Keywords: digital economy, banking system, electronic money, electronic money circulation, payment systems, retail services, banking, customer, remote service, innovation, control, regulatory framework, international practice, accounting, finance.

Аннотация: Основной целью научной статьи является рассмотрение актуальных вопросов развития банковского дела, финансов и бухгалтерского учета в условиях цифровой экономики, на основе международного опыта и инновационных идей, а также теоретико-методологической базы, предоставление выводов и рекомендаций по улучшению сектора розничной торговли. В данной научной статье описаны теоретические и практические основы использования инновационных технологий в банковском деле, финансах и бухгалтерском учете, факторы, влияющие на это, практические меры, предпринимаемые коммерческими банками в этой области. Также имеются предложения и научные выводы по развитию инфраструктуры розничной платежной системы республики с помощью инновационных технологий.

Ключевые слова: цифровая экономика, банковская система, электронные деньги, электронное денежное обращение, платежные системы, розничные услуги, банковское дело, клиент, дистанционное обслуживание, инновации, надзор, нормативная база, международная практика, бухгалтерский учет, финансы.

Hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bog'liq bo'lgan bir qancha samarador texnologiyalar, shu jumladan, elektron tijorat va elektron biznes hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Huddi shuning uchun ham, davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida, respublikamiz rahbariyati bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi. Masalan, O'zbekiston Respublikasi prezidenti 2020 yil 25 yanvardagi 2020 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Muroja'atnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo'yicha quyidagilarni aytib o'tdi¹: "Mamlakatimizda ilm-fanni yanada ravnaq toptirish, yoshlarimizni chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyat egasi etib tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish borasida boshlagan ishlarimizni jadal davom ettirish va yangi, zamonaviy bosqichga ko'tarish maqsadida men yurtimizda 2020-yilga "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili", deb nom berishni taklif etaman.

Jahon moliya-bank tizimida birinchi navbatda, raqamli iqtisodiyotning elektron to'lov tizimlari, kriptovalyutalar va vositachilarsiz kreditlash kabi elementlarning bozordagi ulushi shiddatli o'sishi bilan bog'liq bo'lgan inqilobiy o'zgarishlar ro'y bermoqda. Birinchi navbatda, mobil to'lovlar va bir-birini (peerto-peer – P2P) kreditlash hajmining tez o'sishi kuzatiladi². Ma'lumki, an'anaviy faoliyat sohalaridan farqli ravishda, internet-kompaniyalarning bozor bahosi hech qanady moddiy asosga ega emas va kompaniya qanchalik ko'p foydali ma'lumotlar to'plagan bo'lsa, mahsulot (yoki xizmat) ishlab chiqarish shunchalik arzonlashadi. Hozirgi kunda o'zining ofislari va bankomatlariga ega

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi 28.01.2020

² R.H. Ayupov, G.R. Boltaboeva. Raqamli iqtisodiyot asoslari. Darslik. T.: TMI, 2020, 575 bet.

bo'lmagan raqamli banklar va moliyaviy muassasalar sonining jadal sur'atlar bilan o'sishi kuzatilmoqda. Raqamli banklarning (digitalbanking) asosiy konsepsiyalari qatoriga mijozlarga yo'naltirilganlik, konsortsium konsepsidanraqamli banking kontseptsiyasiga o'tish, CRM (Customer Relationship Management) ning rivojlanishi, mijozlarga bo'lgan ishonchning o'sishi, takliflarni shaxsiylashtirish va harakatchanlik hususiyati kiradi. Raqamli banklar xizmatlari zamonaviy insonlar hayot faoliyatining barcha sohalariga, birinchi navbatda, mobil qurilmalar, ijtimoiy tarmoqlar, axborot servislari, elektron tijorat, internet-savdo va boshqalarga kirib borishda kuzatiladi.

Respublika bank tizimida zamonaviy AKT dasturiy-texnik vositalariga asoslangan innovatsion texnologiyalar faol joriy qilinmoqda. O'zbekiston Respublikasi Markabiy bank Boshqarmasining bank tizimi faoliyati yakunlari bo'yicha kengaytirilgan majlisida qayd etilishicha, moliya xizmatlari strukturasi bank xizmatlarining ulushi 88%ni tashkil qilgan va oldingi yillar bilan taqqoslaganda 1,2 baravarga o'sgan. Bundan tashqari, 2021-yil uchun bank tizimi xizmatlari sonini kengaytirish va sifatini yaxshilash, bu sohaga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jadal joriy qilish bo'yicha muayyan vazifalar belgilab berilgan. Respublikada masofadan turib ko'rsatiladigan bank xizmatlaridan muntazam foydalanadigan mijozlar ulushi ko'plab qulay omillar tufayli og'ishmay o'smoqda. Aholining moliyaviy savodxonlik darajasi pastligi va naqdsiz hisob-kitoblarga ishonmaslik bank xizmatlari ko'rsatishning raqamli kanallari tez tarqalishiga to'sqinlik qilaypat. Shuningdek, ta'kidlash joizki, banklarning raqamli xizmatlarga o'tishiuzoq muddatli va serharaj aksiyadorlarlar tomonidan faol qo'llab-quvvatlashni, katta miqdordan mablag'lar ajratishni talab qiladigan jarayon hisoblanadi. Hozirgi kunda banklar o'z mijozlariga bir qator onlayn-hizmatlar va masofaviy bank xizmatlarini ko'rsatmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi TIF Milliy bank o'z mijozlariga quyidagi onlayn-hizmatlar taklif qilmoqda:

- 1) bank operatsiyalari haqida SMS orqali xabardor qilish;
- 2) amalga oshirilgan amallar to'g'risida elektron pochta (e-mail) orqali xabardor qilish;
- 3) mijozlar uchun personal IVR-kabinet tashkil qilish¹.

Dunyoning eng yetakchi yangiliklar agentligi Business Insider ning ma'lumotlariga ko'ra, oxirgi besh yilda sun'iy intellektdan foydalangan holdagi moliyaviy kelishuvlarning hajmi 10 barabarga oshgan va miqdori 1,5 milliard AQSH dollariga yetgan. Bunda eng kardinal o'zgarishlar bank sektorida kuzatilgan. Masalan, Xitoyda milliy kriptoalyuta tizimi snovdan o'tkazilayapti, dunyodagi eng katta banklardan biri HSBC Holdings hisoblanadi. Pul vositalarining yuvilishining oldini olish jarayonini avtomallashtirish uchun sun'iy intellektni ishlatmoqda, Rossiyda esa 2020 yil oxirida jamiyatdagi raqamlashtirish darajasini aniqlash maqsadida Iron Lady va 2021 yilda

¹ <http://el.tfi.uz> - Toshkent Moliya institute elektron kutubxonasi

“Ivanovning raqamli indeksi” deb nomlangan tizimlar ishga tushirildi¹. Hisobatlarga ko‘ra, Sberbankdagi 95% operatsiyalar raqamli kanallar orqali amalga oshirilgan.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, xulosa o‘rnida shuni aytilish mumkinki, mamlakatimiz bank sektori resurs bazasi kengayib borayotganiga, respublikamizda "raqamli banklar" faoliyatini rivojlantirishga astoydil kirishilganligiga qaramasdan, yalpi ichki mahsulotga nisbatan bank aktivlari ulushlari anchagina kamligicha qolmoqda. Shuningdek, respublikamiz bank tizimida davlat ta’sirining yuqoriligi va tijorat banklari o‘rtasida erkin raqobatning yetarli darajada emasligi bankxizmatlarini ko‘rsatishda raqamli innovatsion texnologiyalarni qo‘llash, masofadan keng ko‘lamli bank xizmatlarini ko‘rsatish, bank tizimini keng miqyosda "raqamlashtirish" faoliyatini to‘la-to‘kis rag‘batlantira olmayapti. Endilikda respublikamizda elektron hukumat tizimining rivojlanishi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridagi doirasining kengayishi, internettezliligi va imkoniyatlarining oshishi bank sektorida internetbanking xizmatlarining yanada ko‘payishiga xizmat qilishi kutilmoqda².

Nosirova M. - “Bank ishi va audit” talabasi

DIGITAL TRANSFORMATION OF THE BANKING SYSTEM IN THE CONTEXT OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT

Abstract: The purpose of this paper is to study the banking system in the context of digital economy development, to establish and identify the benchmarks and needs of legal regulation, to study the potential possibilities of digitalization of relations in the banking sector in the mechanism of implementing prudential rules. The study revealed a number of issues related to the digitalization of the activities of credit institutions that are professional participants in the securities market and the central bank as a financial mega-regulator, requiring a legal solution. Measures aimed at improving the current legislation and procedures of state regulation and supervision are proposed.

Key word: Banking regulation and supervision, digital technologies, financial services market, financial stability, financial technology.

Аннотация: Целью данной работы является исследование банковской системы в условиях развития цифровой экономики, установление и выявление ориентиров и потребностей правового регулирования, исследование потенциальных возможностей цифровизации отношений в банковской сфере в механизме реализации пруденциальных норм. В ходе

¹ Ayupov R.X., Baltabayeva G.R. Uzbekistonda innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish muammolari va yechimlari. –T:“Iktisod-moliya” nashriyoti, 2019, 144 bet.

² <http://ziyonet.uz>

исследования выявлен ряд вопросов, связанных с цифровизацией деятельности кредитных организаций, являющихся профессиональными участниками рынка ценных бумаг, и центрального банка как финансового мегарегулятора, требующих правового решения. Предложены меры, направленные на совершенствование действующего законодательства и процедур государственного регулирования и надзора.

Ключевые слова: Банковское регулирование и надзор, цифровые технологии, рынок финансовых услуг, финансовая устойчивость, финансовые технологии.

Banks have always played an important position in the country's economy. They play a decisive role in the development of industry and trade. The main contributions made by the banks to the economic development of the nation.

International research in the field of banking indicates that digitalization and globalization of the economy stimulate the processes of international regulatory cooperation and harmonization of legislation, the use of new approaches in the development and adoption of regulations in the financial market. The growth of digitalization of relations in the banking sector will contribute to the effective implementation of prudential rules, including those related to the need to protect public interests.

The transition to a new stage of the industrial revolution encourages states to develop and implement new policies that aim to transform many social institutions and processes. The development of information technology has led to such a phenomenon as the "digital economy", a radical transformation of the financial sector, covering the activities of banks, insurers and other financial organizations.

The pre-requisites for the stimulation and development of financial technologies were the following factors:

- low margins of banking services;
- transformation by financial market participants of their business models and the desire to create ecosystems;
- increasing the penetration of financial services because of their digitalization;
- the loss by banks of the monopoly on the provision of traditional (payment and other) services;
- the acquisition by non-financial organizations of a significant role in the financial market;
- the imposition of quasi-state control functions on banks; and
- banks' desire for partnerships with startups and tech companies. services.

The purpose of this study of the current state of the banking system in the context of economic digitalization is to establish and identify the benchmarks and needs of legal regulation, to analyze the potential possibilities of digitalization of relations in the banking sector in the mechanism of prudential rules implementation. The results of the study will make it possible to identify a range of issues requiring a legal solution and propose measures aimed at improving the current legislation and procedures of state regulation and supervision.

Despite numerous scientific studies, there is no generally accepted approach to defining the term “financial sustainability” in the academic literature. Most often, financial sustainability is considered from the standpoint of the ability of the banking system to effectively resist negative factors of the external and internal environment and perform its main functions – solvency, effective distribution, use and redistribution of financial flows

Various innovations, including in the service sector, are the most important factor in the growth of social welfare, the key role in the regulation of which traditionally belongs to the state.

Today, many countries are pursuing targeted policies to expand people’s access to financial services (financial inclusion) both at the national and international levels

the national and international levels.

At the same time, gaps in the regulation of the creation and use of financial technologies create legal uncertainty that impedes the growth of the financial sector. Typically, countries have traditional financial sector regulations. Nevertheless, new financial technologies are transforming the relationships that develop in the provision of financial services, and therefore, require special regulation or amendments to existing legislation. Despite the fact that in many countries, the foundations for regulating digital financial services are being

developed and most countries already have laws regulating the issuance of electronic money, progress in other areas of fintech regulation is not so significant

In modern studies of banking systems in the context of digital economy development in conjunction with sustainable development factors, such issues are considered as the factor of the influence of banking system sustainability on the stability of developing countries, the impact of digitalization on banking services impact of digitalization on banking and financial markets in India, factors influencing the spread of mobile banking , the impact of digital technologies on the availability of financial services and the stability of the financial system, digital transformation of the banking sector

*Имамова Н.М. - Тошкент молия институти
Бухгалтерия ҳисоби кафедраси, PhD
Одилжоновна О.Ф. - магистрант
Тошкент молия институти*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Мазкур тезисда мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро ҳисоб тизимининг жорий этилиши молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишнинг қанчалик зарурлиги бўйича фикр ва мулоҳазалар баён қилинган. Шунингдек мамлакатимизда молиявий ҳисобот халқаро стандартларига ўтишнинг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари, инвестиция, акциядорлик жамиятлари, бухгалтерия ҳисоби

Ключевые слова: Международные стандарты финансовой отчетности, инвестиции, акционерные общества бухгалтерский учет

Key words: International Financial Reporting Standards, investments, joint-stock companies accounting

Ҳозирги глобаллашув шароитида инвесторлар дунё бозорларига кириб бориш, шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда халқаро даражада бизнес операцияларни ўтказиш имкониятларини қидирмоқдалар. Ушбу жараёнда мамлакатларда амал қилаётган ҳисоб ва ҳисобот тизимларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш молиявий ҳисобот маълумотларининг сифатини ошириш, ошкораликни таъминлаш, инвесторларга ва жаҳон бозорнинг бошқа иштирокчиларига бошқарув қарорларни тўғри қабул қилишга хизмат қилади. Илгари компаниялар ички бозорларда молиялаштиришга эътибор берган бўлса, бугунга келиб улар акционер ва капитални ҳам мамлакат ички ресурсларидан ҳам чет эл компанияларидан жалб қилиши мумкин. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларининг асосий афзалликларидан бири - бу капиталнинг халқаро бозорларига турли мамлакатлардан турли компаниялар фаолият натижаларини самарали йўл билан баҳолаш ва киёсий таҳлил қилиш имкониятини беради. Бу эса компаниялар томонидан капитални самарали, кам харажат қилиб жалб қилишга ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) – бу амалиётчи бухгалтерларнинг фаолиятини мураккаблаштирадиган баъзи бир қоидалар тўплами эмас, балки, мантиқан бухгалтерия ҳисоби тизимининг оддий тамойилларига асосланади, унинг мақсади молиявий

ҳисоботларда корхона фаолияти тўғрисида ҳаққоний молиявий маълумотларни тақдим этишдан иборатдир.

Маълумки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (бундан кейин-МХХС) ҳар доим ҳам республикамиз ҳисоб ва ҳисоботида ислоҳотларни амалга оширишда асосий инструмент сифатида қараб келинган. Ахборотнинг фойдали тавсифига эришиш учун ёки бевосита МХХС тамойилларини жорий қилинади ёки миллий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини куришда асос сифатида қабул қилинади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро ҳисоб тизими тараққий этирилишида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (МХХС) муҳим ўрин тутади. МХХСлар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни, жумладан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мамлакатларда инвестицион муҳитни яхшилашда муҳим восита сифатида хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам кун сайин халқаро стандартларни эътироф этувчи мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам МХХСга ўтишнинг ўзига хос йўлини танлади ва бугунги кунда ҳисоб тизимида олиб борилаётган ислоҳотларда иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш шароитида хўжалик юритувчи субектларда ҳисоб объектлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ шакллантириш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субектларда ўринли ва ҳаққоний маълумотларни шакллантириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субектлар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611-сон 24.02.2020 қарорига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари муатхассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалалардандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 қарори юртимизда ҳисоб сиёсатида янги саҳифа очди. Қарорга мувофиқ 2021-йил 1-январдан МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади:

- акциядорлик жамиятлари;
- тижорат банклари;
- суғурта ташкилотлари;
- йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар.

Ушбу қарорга мувофиқ юқорида таъкидланган хўжалик юритувчи субектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда бир қатор бажарилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд:

Биринчидан, юртимизда ушбу халқаро стандартларга ўтиш бўйича малакали мутахассисларни камлиги ва ўқув қўлланмалар етишмаслиги;

Иккинчидан, БХҲСга ўтиш бўйича халқаро стандартлардаги маълумотларнинг ўзбек тилига таржимаси қилиш жараёнида турли тушунмовчиликлар борлиги ва мазмун жиҳатдан ўзгариб кетилганлиги;

Учинчидан, молиявий ҳисобот халқаро стандартлари бўйича маълум жараёнларда номутаносиблик мавжудлиги (мисол учун: солиқ соҳасидаги қайта баҳолаш ва амортизация қилиш):

Хулоса қилиб айтганда, агар ушбу камчиликлар бартараф этилса мамлакатимиз иқтисодиётида қуйидаги натижаларга эришишимиз мумкин:

✓ ҳисоб ва ҳисоботларга МҲХС талаблари асосида юритилиши мамлакат инвестицион жозибадорлигини оширишга ички ва ташқи мулкдорларнинг ахборотга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади:

✓ қимматли қоғозлар бозорининг такомиллашуви, жаҳон фонд биржалари орқали сотилишига эришиш имконияти яратилади ва валюта оқимини оширишга хизмат қилади;

✓ миллий иқтисодиётда халқаро компаниялар сонини ортишига ва фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Qurbonov R.B. - ТМИ dotsenti, PhD

TIJORAT BANKLARINING KAPITALLASHUV DARAJASINI OSHIRISHNING ZAMONAVIY USULLARI

Аннотация: Ushbu maqolada tijorat banklari kapitallashuvini oshirishning zamonaviy usullarining nazariy va huquqiy asoslari keltirilgan. Shuningdek, kelgusi yillarda tijorat banklari tomonidan o'tkaziladigan bank aksiyalarini birlamchi joylashtirish (IPO) bo'yicha ma'lumotlar tahlil qilinib, tegishli xulosalar berildi.

Таянч сўзлар; tijorat banklar, kapitallashuv darajasi IPO, SPO, mahorat, barkarorlik.

Аннотация: В данной статье представлены теоретико-правовые основы современных способов повышения капитализации коммерческих банков. Кроме того, были проанализированы данные о первичном размещении (IPO) банковских акций, которые будут проведены коммерческими банками в ближайшие годы, и даны соответствующие выводы.

Ключевые слова: коммерческие банки, уровень капитализации, IPO, SPO, финансовая стабильность.

Abstract: This article presents the theoretical and legal foundations of modern ways to increase the capitalization of commercial banks. In addition,

data on the initial public offering (IPO) of bank shares, which will be held by commercial banks in the coming years, are analyzed and the relevant conclusions are given.

Key words: commercial banks, level of capitalization, IPO, SPO, financial stability.

Tijorat banklarining kapitallashuv darajasini oshirish, avvalo banklarning barqaror faoliyat olib borishlari uchun, shuningdek mamlakatning iqtisodiy rivojlanishida muhim omillardan biri sanaladi. Shuning uchun banklar kapitalini oshirib borish hozirgi kunning dolzrab vazifalaridan biriga aylandi¹.

Tijorat banklarining kapitallashuv darajasini oshirish va moliyaviy barqarorligini mustahkamlash mamlakat bank tizimining barqarorligini ta'minlashning zaruriy sharti hisoblanadi. Shu sababli, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi"da bank tizimini isloh qilishni chuqurlashtirish va barqarorligini ta'minlash, banklarning kapitallashish darajasini oshirish va moliyaviy barqarorligini mustahkamlash mamlakat bank tizimini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari sifatida e'tirof etilgan. Shuningdek, moliya bozorini himoya qilish, ayrim milliy korxonalarining aksiyalarini (IPO) nufuzli xorijiy fond birjalariga dastlabki tarzda joylashtirishga tayyorgarlik ko'rish chora-tadbirlarini ham o'z ichiga oladi².

Aksiyalarini birlamchi (IPO) va ikkilamchi (SPO) ommaviy taklifi garchi jahon amaliyotida qo'llanila boshlaganiga ancha bo'lgani va ommaviy joylashtirishlarning rivojlangan mamlakatlarda keng qo'llanilishiga qaramay, respublikamizda bu jarayon nisbatan ancha yangi moliyaviy mexanizm hisoblanadi, shuning uchun uni yanada chuqurroq o'rganish hamda tadqiq qilish lozim, deb hisoblaymiz. Chunki, aksiyadorlik jamiyat (AJ)lari yangi aksiyadorlar hisobiga qo'shimcha resurslarni jalb qilish evaziga kapitallashuv darajasini oshirishni xohlasalar yoki bunga ehtiyoj sezgilar yuqoridagi mexanizmlar orqali amalga oshirish mumkin. Xalqaro amaliyotda bu mexanizmlardan samarali foydalanish o'zining natijasini bergan.

Respublikamizda aksiyalarini birlamchi (IPO) va ikkilamchi (SPO) ommaviy taklifi ilk bor O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 17 yanvardagi «Tadbirkorlik maqsadlarida foydalanish uchun davlat mulki ob'ektlarini sotishni jadallashtirish va uning tartib-taomillarini yanada soddalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-4933-sonli Farmonida

¹ Kurbanov R. B., Khudoyberganova Z. Z. Matters of the increasement of private banks' capitalization level //Экономика и бизнес: теория и практика. – 2018. – №. 6. – С. 103-105.

² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli farmoni. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida//O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. – Toshkent, 2017. – № 6 (766). – 32-b.

keltirilgan¹. Bu farmonni ijrosini ta'minlash hamda davlat mulki ob'ektlarini tasarruf etish bo'yicha xalqaro amaliyotda keng qo'llaniladigan shakllarni joriy etish va aholining keng qatlamini fond bozoriga jalb qilish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 10.05.2017 yilda 268-sonli «Fond birjasida aksiyalarni ommaviy taklifini o'tkazishni tashkil etish to'g'risida» tegishli qarori qabul qilindi. Mazkur qarorga asosan 2017 yil 5 dekabrda boshlab «Kvarts» AJ aksiyalarining IPO usulida joylashtirilishi bilan ushbu bozorga ilk qadam qo'yildi.

O'zbekistonda qimmatli qog'ozlar bozorining rivojlanishi tijorat banklari faoliyatini moliyalashtirish rolining oshishi bilan bog'liq². Shu bilan birga, investitsiyalarni moliyalashtirishning eng ommabop va jadal rivojlanayotgan shakllaridan biri bu aksiyalarni birlamchi joylashtirishdir.

Birlamchi ommaviy taklif etish (IPO) – aksiyalarni qo'shimcha chiqarish yo'li bilan ularni soni cheklanmagan investorlar orasida reklama kampaniyasini o'tkazgan holda qimmatli qog'ozlarning birja bozorida birlamchi ommaviy joylashtirish. Shuningdek, amaliyotda aksiyalarning SPO (secondary public offering) asosida sotilishi ham mavjud. Ikkilamchi ommaviy taklif etish (SPO) – amaldagi aksiyadorlar tomonidan o'zlariga tegishli bo'lgan aksiyalarni sotuvga chiqarish yo'li bilan aksiyalarni qimmatli qog'ozlarning birja bozorida soni cheklanmagan investorlar orasida ikkilamchi ommaviy joylashtirish.

Tijorat banklarining kapitallashish darajasini oshirish bo'yicha aksiyalarini birlamchi (IPO) va ikkilamchi (SPO) ommaviy taklifi ilk bor respublikamiz amaliyotimizda, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 26 apreldagi 358-sonli «Fond birjasida aksiyalarni birlamchi va ikkilamchi ommaviy joylashtirishni tashkil etish to'g'risida» tegishli qarori qabul qilindi³. Mazkur qarorda aksiyalarini birlamchi (IPO) va ikkilamchi (SPO) ommaviy taklifi amalga oshiriladigan quyidagi tijorat banklarining ro'yxati belgilab berildi.

1-jadval

Aksiyalarni birlamchi va ikkilamchi ommaviy taklifi amalga oshiriladigan tijorat banklarining ro'yxati⁴

	Aksiyadorlik jamiyatining nomi	Aksiyalarni ommaviy taklif etish tashkilotchisi	Sotish turi
.	ATB "O'zsanoatqurilishbank"	ATB "O'zsanoatqurilishbank"	IPO

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 17 yanvardagi «Tadbirkorlik maqsadlarida foydalanish uchun davlat mulki ob'ektlarini sotishni jadallashtirish va uning tartib-taomillarini yanada soddalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-4933-sonli Farmoni.

² Kurbonov, R. PhD (2021) "Analysis Of Efficiency Indicators Of Private Banks Activity," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss1/11>

³ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 26 apreldagi «Fond birjasida aksiyalarni birlamchi va ikkilamchi ommaviy joylashtirishni tashkil etish to'g'risida»gi 358-sonli qarori

⁴ Muallif tomonidan tuzilgan

.	ATB “Asia Alliance Bank”	ATB “Asia Alliance Bank”	IPO
.	ATB “Aloqabank”	O‘zbekiston Respublikasining tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasi hamda “O‘zbektelekom” AJ	SPO

Yuqoridagi qarordan tashqari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi «Kapital bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» PF-6207-sonli Farmoni ham qabul qilindi. Unga ko‘ra, 2021–2023-yillarda aksiyalari fond birjasida ommaviy joylashtiriladigan kompaniyalar ro‘yxati tasdiqlandi. Ushbu ro‘yxatdan 15 ta yirik kompaniya joy olgan, ulardan beshtasi tijorat banklari ekanligi alohida ahamiyatga egadir. Buni quyidagi tijorat banklarining ro‘yxati belgilab berildi.

2-jadval

2021 - 2023-yillarda aksiyalari fond birjasi orqali ommaviy joylashtirilishi belgilangan tijorat banklarining ro‘yxati¹

№	Aksiyadorlik jamiyatining nomi
1.	“O‘zmilliy bank” AJ
2.	AT Xalq banki
3.	“Agro bank” ATB
4.	“Mikrokreditbank” ATB
5.	“Qishloq qurilish bank” ATB

Ushbu ommaviy takliflarda yuqoridagi tijorat banklari ustav kapitalining 10 foizi miqdoridagi aksiyalar sotuvga qo‘yilishi belgilab qo‘yilgan. Lekin hozirgi kungacha yuqoridagi tijorat banklar tomonidan ommaviy takliflar berilmagan. Aslida, bank amaliyotida aksiyalarini birlamchi (IPO) va ikkilamchi (SPO) ommaviy taklifi amalga oshirish zarur. Chunki bank aksiyalarini IPO va SPO mexanizmlari orqali joylashtirsa, tijorat banki o‘ziga kerak resursni jalb etib, kapitallashuv darajasini sezilarli ravishda oshirishi mumkin. Aholi esa, muvaffaqiyatli faoliyat yuritib kelayotgan, etakchi tijorat banklari aksiyadorlariga aylanishi mumkin².

Xulosa qilib aytganda, tijorat banklari o‘zlariga tegishli aktsiya paketlarini dastlabki ommaviy joylashtirishi (IPO) natijasida o‘zining kapitallashuv darajasini oshirishi mumkin. Buning natijasida esa tijorat bank qo‘shimcha moliyaviy resurslarga ega bo‘ladi. Yuqoridagi ma‘lumotlardan ko‘rinib

¹ Muallif tomonidan tuzilgan

² Kurbanov R. The practice of strengthening of resource base in private banks. International Journal of Economics, Commerce and Management, 2020 8 (3), ISSN: 23485-0386. <http://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2020/03/8334.pdf>

turibdiki, respublikamiz tijorat banklari ham bank kapitallashuv darajasini oshirishning zamonaviy usullari hisoblangan aksiyalarini birlamchi (IPO) va ikkilamchi (SPO) ommaviy taklifidan foydalanishsa maqsad muvofiq bo'lardi deb hisoblaymiz.

*Ilmiy rahbar: PhD. Urazaliyev K.T.
Begjigitov E. – TMI, talaba*

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IQTISODIY MUNOSABATLARNI TASHKIL ETISHNING DOLZARB MUAMMOLARI

Anotatsiya: tezisda bugungi kunda jahonda iqtisodiy munosabatlarni raqamli iqtisodiyot sharoitida tashkil etishning xususiyatlari, raqamli iqtisodiyot tushunchasi va mohiyati, uni joriy etishning dolzablari va vazifalari yoritilgan.

Kalit soʻzlar: iqtisodiyot, raqamli iqtisodiyot, axborot, katta hajmdagi axborot, internet.

Hozirgi shiddat bilan o'sib borayotgan globallashuv jarayonida hayotimizga yana bir yangi atama kirib kelmoqda. Bu tushuncha hayotimizni tubdan o'zgartirib yuboradigan, balki yurtimizda yangi davrni boshlab beruvchi bir kuch hisoblanib, bu kuchning nomi "raqamli iqtisodiyot"dir. Raqamli iqtisodiyot tushunchasi o'zi nima? Bu atamani kim va qaysi davlat fanga kiritdi, bu haqda qisqacha izoh berish maqsadga muvofiq.

Raqamli iqtisodiyot – bu xo'jalik faoliyatini yuritish shakli, bunda ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko'rinishidagi ma'lumotlar bo'lib, katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini tahlil qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish, texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq yechimlar tadbiriq qilishdir. Boshqacha qilib aytganda raqamli iqtisodiyot bu online xizmat ko'rsatish, elektron to'lovlar amalga oshirish, internet savdo va boshqa turdagi sohalarni, raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog'langan faoliyatdir.

Asosan raqamli iqtisodiyotni rivojlanishing asosiy elementi sifatida elektron tijorat, internet banking, elektron to'lovlar, internet reklama va shu bilan birga internet o'yinlarini kiritishimiz mumkin.

Raqamli iqtisodiyot atamasi fanga 1995-yilda Massachusets universiteti olimi Nikolas Negraponte tomonidan kiritilgan. Hozirda bu tizimdan deyarli dunyoning barcha rivojlangan davlatlari foydalanmoqda, "Raqamli" davlatlar bugungi kunda Norvegiya, Shvetsiya va Shvetsariya hisoblanishadi. Raqamli iqtisodiyot rivojlangan 10 ta davlatlar qatoriga AQSH, Buyuk Britaniya, Daniya, Finlandiya, Singapur, Janubiy Koreya va Gonkong kiradi.

Dunyo mamlakatlari kabi mamlakatimizda ham raqamli iqtisodiyot rivojlanmoqda. Kundalik hayotimizga axborot texnologiyalarining kirib kelishi

ortidan xalqimiz hayotida yangi imkoniyatlar paydo bo'lmoqda. Hozirgi kunda uyimizdan chiqmasdan turib o'zimizga kerakli bo'lgan har qanday turdagi iste'mol tovarlarini buyurtma berishimiz va ularni qabul qilib olishimiz va ancha vaqtimizni tejab qolishimiz mumkin.

Lekin ta'kidlash joizki, yurtimizda raqamli iqtisodiyot mamlakatimiz salohiyatiga nisbatan ancha past darajada sekinroq rivojlanmoqda va bir qancha sohalarda ba'zi bir muammolar mavjud. Bu sohalardagi va tizimdagi muammolar bir qancha bo'lib, ularni quyida ko'rishimiz mumkin. Internet bilan bog'liq muammolar (internet tezligining pastligi va sifati), axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxassislarning yetishmasligi yoki ularning chet mamlakatlarga ketib qolishi, bular umumiy muammolar bo'lib, kun sayin to'g'irlanib borayotgani ham hech kinga sir emas. Bu sohalarga bank-moliya va buxgalteriya hisobi soxalarini ham kiritishimiz mumkin.

“O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi 4947-sonli farmonida “Iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga yo'naltirilgan makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning barqarorligini saqlash, investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish” asosiy vazifalardan biri etib belgilanishi bejiz emas.

Iqtisodiyotimizni rivojlantirish qanchalik dolzarb masala ekanligini inobatga olsak, raqamli iqtisodiyot va axborot kommunikatsiya texnologiyalarni yurtimizda jadal suratlarda rivojlanishi hamda respublikamizda davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada rivojlantirish maqsadida hukumatimiz tomonidan bir qancha muhim qarorlar qabul qilindi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2020-yilga “Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”, deb nom berilishi, Prezidentimizning 2018-yil 19-fevraldagi PF-5349 sonli “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoni hamda “O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-3832 03.07.2018 qarori, shuningdek, Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 31-avgustdagi raqamli iqtisodiyotning maqsad va vazifalarini belgilab beradigan “O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy qilish va yanada rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi qarorlarining qabul qilinishi respublikamizda raqamli iqtisodiyotni davlat boshqaruv tizimiga tadbiq qilish, zamonaviy axborot texnologiyalarni jadal rivojlantirish uchun sharoitlar yaratish, axborot xavfsizligini ta'minlash maqsadida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun qonuniy asoslarini yaratdi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Xulosa

Endilikdagi asosiy va dolzarb bo'lgan ishlar tez suratlarda rivojlanib, yurtimizda to'liq raqamlashgan tizim tuzilishi ko'zda tutilgan. Hozir dunyo

to'liq raqamlashdi yani savdolar, bozorlar, xaridor va mijoz munosabatlarining hammasi online rejimida ishlamoqda. Biz bilamizki, hozir butun dunyo sun'iy intellekt asosida Bulutli texnologiyalar yordamida o'z iqtisodiy mavqelarini ko'tarib bormoqda va o'z navbatida biz ham bu tizimlardan foydalanishimiz eng avvalo xalqimiz farovonligini ta'minlagan, yurtimiz iqtisodiyoti rivojlanishida yangi bosqichga qadam qo'ygan bo'lamiz.

Barcha sohalarda rivojlanish strategiyasini va albatta raqamli iqtisodiyotdagi nuqsonlar borligini hamda bu nuqsonlarni bartaraf etish choralari ko'rilishini takidlagan holda, hayotimizga shiddat bilan kirib kelgan raqamli iqtisodiyotning yanada rivojlanishi va jadallik bilan muammolarga yechim topilishini taqozo etadi.

Raimberdiyev S. - Toshkent moliya instituti talabasi

TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA DEPOZIT SIYOSATINING AHAMIYATI.

Annotatsiya: Moliyaviy tizim va iqtisodiyotda tijorat banklari muhim rol o'ynaydi. Ular iqtisodiyotni ta'minlab va kerak bo'lsa uni rivojlantirib turuvchi xususiyatga ega. Shuni aytib o'tish joizki, bank faoliyati yetarlicha bank resurslarini talab qiladi. Bank resurslarini mukammal ravishda tashkil etish va tejamkorlik bilan foydalanish har qanday banklarning samarali ishlashi uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: moliyaviy tizim, depozit siyosati, depozit operatsiyalari, trust kompaniyalar, aksioner kompaniyalar.

Depozit siyosati-yuridik va jismoniy shaxslarning mablag'larini, shuningdek davlat byudjeti mablag'larini banklar tomonidan badallar (depozitlar) ko'rinishidagi mablag'larni jalb etishga qaratilgan chora-tadbirlar majmuidir. Depozit siyosati tijorat banklari va mijozlarning vaqtincha bo'sh pul mablag'larini jalb qilish bo'yicha munosabatlarini tashkil etishning dalillarga asoslangan yondashuvlarini ishlab chiqishni nazarda tutadi.¹

Tijorat banklarining depozit siyosati hozirgi kunda banklarda takomillashib bormoqda. Shu jumladan banklarda depozit operatsiyalarini amalga oshirishda quyidagi yo'llar orqali jalb qilinmoqda bularning mazmun mohiyatini ko'rib chiqamiz. Tijorat banklari tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarning pul mablag'larini bankka jalb qilish bilan bog'liq operatsiyalar depozit operatsiyalari deyiladi. Depozit operatsiyalari yordamida tijorat banklarning 90 foizdan ortiq passivlari tashkil qilinishi mumkin. Depozit operatsiyalarini tijorat banklari o'zlarining depozit siyosatlarini asosida olib boradilar. Tijorat bankining depozit siyosati uning kredit siyosati, foiz siyosati va boshqa faoliyat turlari bilan chambarchas bog'liq bo'lib, banklarning resurs bazasini mustahkamlash

¹ Gribanov, AV (2019). Tijorat bankining barqaror rivojlanishi sharoitida uning depozit siyosatini takomillashtirish.

va uning barqarorligini ta'minlashga qaratilgandir. Depozit operatsiyalarini amalga oshirishda bu operatsiya turining obyekt va subyektini aniqlash lozim.¹

Depozit operatsiyalarni subyektlari bo'lib bir tomondan tijorat banklari qatnashsa, ikkinchi tomondan:

- davlat korxonalar va tashkilotlari;
- moliya, sug'urta, investitsion va trust kompaniyalar;
- xususiy korxonalar va tashkilotlar;
- aksioner kompaniyalar;
- banklar va boshqa kredit muassasalari;
- qo'shma korxonalar, kooperativlar;
- jamoa tashkilotlari va fondlar;
- alohida jismoniy shaxslar yoki ularning birlashmalari ishtirok etadilar.

Banklar yuridik shaxs bo'lib, iqtisodiy jihatdan mustaqildir. Ular bozor munosabatlari sharoitida asosiy maqsad sifatida har bir aniq mijozga nisbatan o'zlarining foiz siyosatini olib boradilar, uning yakuniy natijasi foyda olishdir. Bankning mijozlar bilan ishlashi uchun iqtisodiy va huquqiy javobgarlik bank muassislari va aksiyadorlari zimmasiga yuklanadi. Tijorat banki kredit portfelini shakllantirishdan oldin kredit va depozit operatsiyalariga nisbatan foiz siyosatini maksimal foyda keltiradigan tarzda shakllantirishi kerak. Shunga ko'ra, depozit operatsiyalari bo'yicha foiz stavkasi kredit operatsiyalariga nisbatan past darajada. Turli depozit vositalari bo'yicha foiz stavkalari shakllanishning o'ziga xos xususiyatlariga ega. Jismoniy shaxslarning depozitlari bo'yicha stavkalar odatda yuridik shaxslarning depozitlari bo'yicha stavkalardan past bo'ladi, chunki depozitlar hajmi kichikroq va resurs bazasini shakllantirish xarajatlari yuqori. Shu bilan birga, jismoniy shaxslarning omonatlari yaxshi boshqariladi va depozitlar bo'yicha foizlarni oshirish orqali resurslarning tez oqimini ta'minlash mumkin.

Tijorat bankining depozit siyosatini shakllantirishning fundamental asoslarini ko'rib chiqishda ushbu qoidalarga qo'shimcha ravishda kredit muassasasida uni ishlab chiqish va amalga oshirish mexanizmini o'rganish muhim ahamiyatga ega.

O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki taqdim etgan ma'lumotlarga ko'ra 2022-yilda:

¹ Bektemirov A., Omonov A.A., Xaydarov Z.Sh., Niyozov Z.D. "Tijorat banklari aktiv va passivlarini boshqarish fanidan o'quv qo'llanma. – Samarqand: SamISI, 2020. 168-bet

Depozit va depozit sertifikatlari mablag‘lari qoldig‘i, mlrd. so‘mda¹
1-jadval

Sana	Ja mi	muddat bo‘yicha				
		Talab qilib olinguncha	1 kundan 30 kungacha	30 kundan 180 kungacha	180 kundan 365 kungacha	1 yildan yuqori
01.02. 2021	111 035	44 771	4 576	17 625	12 404	31 659
01.02. 2022	149 561	57 958	5 524	19 259	20 245	46 575

Xulosa sifatida shuni aytish mumkin, depozit operatsiyalari aholini qisqa va uzoq muddatlarda moliyalashtirishga qaratilgan resurslarning katta qismi uchun asos hisoblanadi. Omonatlarni jalb qilishda banklar omonatlarni qayta ishlash tezligi va soddaligiga tobora ko‘proq e‘tibor qaratmoqda, banklar mijozlarga yo‘naltirilgan bo‘lib bormoqda. Ko‘plab banklarning bir xil siyosati bilan bog‘liq holda, bozorda omonatlarning katta tanlovi va qattiq raqobat shartlari mavjud.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi 05.11.2019 yildagi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni, O‘RQ-580-son.
2. Gribanov, A.V (2019). Tijorat banking barqaror rivojlanishi sharoitida uning depozit siyosatini takomillashtirish.
3. Bektemirov A., Omonov A.A., Xaydarov Z.Sh., Niyozov Z.D. “Tijorat banklari aktiv va passivlarini boshqarish fanidan o‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamISI, 2020. 168-bet.

Sabirov M.Q. – PhD, associate professor
Sharopova Sh.A. – student of TFI

DIGITALIZATION AND THE CHALLENGES FOR THE ACCOUNTING PROFESSION

Accounting profession is traditional profession and accounting rules and principles have been established and are the same for many years. However, globalization of business, stronger regulations and numerous technological solutions and innovations are not bypassing the accounting profession either. Challenges for the accounting profession are reflected in the need for rapid adaptation and transformation of business practice and business processes without abandoning away from basic accounting rules and principles. The aim of this paper is to analyze and systematize the key challenges that digitalization

¹ <https://cbu.uz/uz/> - O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banking rasmii sayti.

brings for the accounting profession. The results are showing that accounting profession is faced with numerous challenges in the era of digitalization. Key challenges could be systematized in following: the use of big data in accounting and reporting, cloud computing and continuous accounting, artificial intelligence and blockchain technology. The conclusion of this research is that changes in technology and digitalization will have a significant impact on the accounting profession in the coming period. Changes are moving toward reporting on a daily basis, difference on the way of preparing business and strategic plans, implementation of digital wallet and on-line accounting as well as outsourcing of accounting in distant countries. Education system is going to change in circumstances of growing digitalization of business. Also, users of accounting information in digital era are changing; they want accounting information right away when a business event occurs, not with time lag. Those changes will influence on the way accountants carry out their job, it will be necessary the knowledge of new skills especially in engineering, and, finally, that will lead to new types of the accounting professionals.

- In order to assess the possibility for automation of accounting tasks and processes, it is needed to distinguish routine tasks that can easily be automated and non-routine tasks that are difficult to be conducted by machines or software. Oschinski highlighted that jobs and tasks that require critical thinking, high-level creativity and training as well as human contact will not be automated soon. However, routine tasks which do not require high level of education and training and that require a little human communication can be easily automated.

- There are a few researches that analyse how many companies today use digital solutions, and what they expect to use in next few years. Those researches are mainly initiated and implemented by biggest audit firms.

- PWC made a survey on a sample of 76 large and medium sized companies based in Germany about the current status and further digital development. The most popular areas for artificial intelligence for the companies surveyed are automatic reading of invoices and documents for accounting (39% of responses) and automated payment transfers (29%). Third place on the list of priorities is shared by monitoring data and consistency checking of documents, with 10% of responses each (PWC, 2018).

- As a result of these researches it can be concluded that companies are preparing for the implementation and changes in business as result of digitalization. Implementation of a new software support solutions is a very long and expensive process, especially if it is about internal solution development. For that reason, a lot of companies that provide services and develop new solutions for accounting system see here a big chance. Companies that have already implemented new solutions or are in the phase of implementation are primarily large companies due to the fact that in smaller companies' implementation of costly solutions is not cost-effective.

Despite many of accountants think that digitalization will take their jobs, and that robots will replace humans, results show that accountants will use digital solutions and automation for routine tasks rather than replace accountants. There are tasks and activities of accountants that require critical thinking and creativity, so it would be not so easy to automate those tasks and activities. Accordingly, digitalization will affect the development of accounting profession.

Accountants should be ready for automation and that requires specific and new knowledge and skills of accountants. Routine, repetitive and structured tasks of accountants are or will be automated in near future. Wider network of information, knowledge based system and data mining are powerful tools for successfully running a business. New digital solutions as artificial intelligence, blockchain, big data, cloud computing and continuous accounting etc. will affect on reducing manual data entry and improving the speed, quality and accuracy of data. So, to the possible develop, accountants need to seize the opportunity of development of technology that facilitates and enhances their profession. Digitalization of processes and implementation of new software(s) that enable knowledge-based management is very expensive, and it is available only for large companies.

Finally, despite of wide range of accountants' activities and tasks that can be automated, human intelligence will always exceed machine learning. The practical implication of this paper can be summarized in the fact that accountants will shift their current activities to either advisory or consultancy. Furthermore, IT, analytical and tax knowledge and skills of accountants will have to be developed. Finally, those changes will require that universities change and modify their education programs in order to prepare accounting students for work in modern environment along automation and digitization. Limitation of this study is related to the coverage of analyzed literature, because it is not comprehensive. Although, the use of digitalization and automation is global, there are still scarce professional and academic researches about the application of digitalization in accounting and its impact on the accounting profession (especially in certain countries). Future research should be directed toward primary research through a survey as well as in-depth interviews in order to gain knowledge about the changes the role of accountants in environment of digitalization and automation and the use of artificial intelligence, and about the accounting tasks that are automated in companies with different size (micro, small, medium and large).

References

1. The Law of the Republic of Uzbekistan "On Accounting" in the new edition of April 13, 2016 No. 404.

2. Christensen M., Parker L. Using Ideas to Advance Professions: Public Sector Accrual Accounting. II Financial Accountability and Management. 2010. Vol. 26. No. 3. P. 246–266.

3. Ergasheva Shakhlo Turgunovna, Shermatov Behzod Xalimkul o‘g‘li, Kucharov Abror Sabirjanovich. The Importance of The Improvement And Convergence of IAS/IFRS to the National Accounting System of Uzbekistan //International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277–3878, Volume–8 Issue–2S4, July 2019. P. 731.

4. <https://www.finance.uz/>

5. <https://www.ifc.org/>

*Mamadjonova S.Sh. - master of Science
Finance and Accounting
in Binary Graduate School
conducted by Tashkent Institution of Finance*

FEMALE CONTRIBUTION TO THE ECONOMIC GROWTH OF THE COUNTRY

Annotation

The issue of gender equality in the education, workplace and throughout our lives is already an agenda in the new era of our country. However, considering the question only from the social perspective would be unwise, thereby female labor force participation could earn economic returns the same as male labor force participation. The article tries to explore the potential of female labor force of Uzbekistan.

Keywords: Female Labor force Participation, GDP, contribution of female workforce, economic growth, social and financial return

Human resource is one of the main contributing factors for economic growth and other kinds of development such as: social, political, and technological. The labor force participation of women is lower than the labor force participation of men. Female labor force is a particular kind of labor activity in the context of sex. Since men and women make up about half of the global population, the proportional representation of women in the process of social production allows, to a certain extent, to make certain conclusions about the level of its socio-economic development of a given society. In patriarchal communities, social conditions tend to preserve the inequality of women, which are expressed, among things as, the nature of labor relations, as well as in the division of labor between women and males. As the example of some countries shows, for the labor emancipation of a colossal number of women, their freedom from exclusively domestic roles, technological progress alone is not enough: full equality between men and women is possible only with the active financial and moral support of the government, which supports transformations in cultural and

mental attitudes. Thus, the state must act as a trigger in enhancing the active participation of females in the labor market as in macro-level for reaching the stable income per capita increase in the country the rate of female and male employment rates should be equal, to fifty to fifty¹.

In micro level, companies with more gender diversity are more productive than those without².

Recent years several measurements have been implemented in order to shift the gender balance in the education as well as the workplace in our rather patriarchal and conservative society, however the fact of Uzbekistan is not reflected in the Global Gender Gap Report says that we have a long way ahead in order to change the attitudes of our society towards ladies trying to contribute to the GDP of Uzbekistan. Thereby, only 39.45% of the economically active population was women in 2020³, which is by almost 11% less from the estimated norm. It must be emphasized that Uzbekistan has taken significant steps to amend the position of women generation as a workforce, however, gender differences are still here with us. Gender-equitable economic and social development requires the promotion of decent work and social protection for all, and the elimination gender bias in laws, policies, practice and institutions.

In economic context low female labor force participation means losing our potential, as working women are considered to add an important value to the gross domestic product. The range of estimates for the countries implies that closing the gender gap in labor force participation could increase GDP by between 10 percent and 80 percent, depending on the initial value of female labor force participation⁴. Additionally, in constantly aging economies, higher rates of female workforce labor can boost the growth by mitigating the impact of a reducing workforce. Better opportunities for women can also assist to broaden economic development in developing economies like Uzbekistan, for instance through higher levels of school enrollment for girls⁵.

Social drawbacks of low women workforce participation is that women are busy mainly in less prestigious jobs which shrinks their financial independence, leading to social vulnerability. According to the data of the State Committee of the Republic of Uzbekistan the least paid spheres of industry as health and social services as well as education were by 79% and 78%, respectively, occupied by women in 2018. There was almost no significant change since that time. This

¹Erdem, E., Yücel, A. G., & Köseoğlu, A. (2016). Female labour force participation and economic growth: Theoretical and empirical evidence. *The Empirical Economics Letters*, 15(10), 985–991. <https://www.researchgate.net/publication/312586284>

²PwC. (2020). *Women in Work 2020. March*, 1–16. <https://www.pwc.co.uk/services/economics/insights/women-in-work-index.html>

³World Bank Report, 2020

⁴Ostry, J. D., Alvarez, J., Espinoza, R., Papageorgiou, C., Ostry, J. D., Alvarez, J., Espinoza, R., & Papageorgiou, C. (2018). *Economic Gains from Gender Inclusion: New Mechanisms, New Evidence; IMF Staff Discussion Notes No. 18/06; October 9, 2018; by J. D. Ostry, J. Alvarez, R. Espinoza, and C. Papageorgiou.*

⁵Aguirre, DeAnne, Leila Hoteit, Christine Rupp, and Karim Sabbagh, 2012, “Empowering the Third Billion. *Women and the World of Work in 2012,*” Booz and Company).

means, our women mainly give their preference to nursing and teaching, ignoring other more financially secure jobs. Interestingly, in accordance with International Labor force Organization GDP per capita for women in 2018 constituted \$4656, whereas the same macroeconomic measurement for men was \$8277, meaning that income of females was 56% of income of males. The numbers in case of our country might be even smaller, because more than 90 per cent of persons dedicated to unpaid child care and household work were women in 2018, whereas 67 per cent of employed persons were men¹. Nevertheless, women contribute substantially to economic welfare through large amounts of unpaid work, such as child-rearing and household tasks, which often remains unseen and unaccounted for in GDP². Burden of domestic and unpaid work taken by women frees men and creates an opportunity for them to earn economic and social status, leaving the opposite sex in the shade.

In conclusion, it is essential for the government to pay attention at the significant role of female labor force in the GDP. In addition, based on International Labor Organization (ILO) data, women tend to invest a large proportion of their household income than men, in the education of their children, which is on its turn undeniable social and future financial return for the nation.

*Хидиров Н.Ф. - Тошкент молия институти
катта ўқитувчиси, PhD*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришда давлат кредит тизимининг аҳамияти, банк тизимининг ўрни ва унга Ўзбекистонда кредит тизимининг таъсири ўрганилган.

Таянч сўз ва иборалар: саноат корхоналари, инвестицион фаолиятини молиялаштириш, банк кредитлари, ўз маблағлари, давлат кредит тизими, молиявий воситачилар.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз саноат корхоналарининг инвестицион фаолияти асосан банк кредитлари ва инвесторнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Жумладан, саноат корхоналари инвестицион фаолиятини фонд бозори орқали жалб қилинган маблағлар, лизинг

¹ ILO, 2018

² Ostry, J. D., Alvarez, J., Espinoza, R., Papageorgiou, C., Ostry, J. D., Alvarez, J., Espinoza, R., & Papageorgiou, C. (2018). *Economic Gains from Gender Inclusion: New Mechanisms, New Evidence*; IMF Staff Discussion Notes No. 18/06; October 9, 2018.

маблағлари ва хорижий инвесторлар маблағлари эвазига молиялаштириш даражаси жуда ҳам паст ҳисобланади.

ЯИМда саноатнинг улуши ошиб борар экан, тижорат банклари саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштириш учун кредит ва молиявий ресурсларга бўлган талабини қондиролмайди. Шунинг учун саноат корхоналарида турли молиялаштириш манбаларини излаб топиш муаммоси пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳам, тармоқ корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришда давлат, молиявий институтлар ва молия бозорларининг ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

Жумладан, тадқиқотларимиз объекти ҳисобланган тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар таркибида экспортнинг юқори улушига эга бўлган корхоналарда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни тўлашда давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий компенсация ажратиш таклиф этилган бўлиб, ушбу таклиф натижасида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспорт қиладиган тикув-трикотаж корхоналарига тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, айланма маблағларни тўлдириш мақсадида тижорат банклари томонидан миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдорида, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан хорижий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдори «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланди¹.

Саноат корхоналарининг инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва молиявий ресурсларни жалб қилиш механизмнинг муҳим манбаларидан бири давлат кредит тизимидир. Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги шароитида саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини молиявий таъминлашда кредит тизими муҳим ўрин тутади.

Мамлакатдаги кредит тизимининг ҳолати нафақат банк тизими, жумладан, кредит уюшмалари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг (саноат корхоналари) фаолиятига ҳам боғлиқдир. Иқтисодиётдаги мавжуд кредит тизимининг роли, пул ресурсларини тўплаш ва уларни қайта тақсимлаш маркази сифатида тизим вазифаларини бажариши лозим. Шунинг учун ҳам барча мижозлар, омонатчилар, ҳамкорлар ва инвесторлар кредит тизимининг муҳим бўлаги ҳисобланган ҳар қандай

¹ <https://www.lex.uz/docs/4199421> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2019 й., 07/19/4186/2604-сон

тижорат банкининг барқарорлиги ва ишончилигига тўлиқ ишонишлари керак.

Саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришда кредит тизимини тўғри йўлга қўйилгани муҳим рол ўйнагани сабабли, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, кредит тизими кредит механизми орқали ишлайди.

Кредит механизми ўз ичига кредитлаш, инвестиция, воситачилик, маслаҳат, жамғарма, қайта тақсимлаш фаолиятининг барча жиҳатларини ўз ичига олади. Кредит механизми қуйидаги муносабатлардан ташкил топади:

- пул маблағларини жамлаш ва саноат корхоналарининг инвестицион эҳтиёжлари учун йўналтириш мақсадида кредит ташкилотлари ва иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги узвий муносабатлар;
- капитал бозори имкониятларидан фойдаланиш орқали молиявий институтлар ўртасида пул маблағларини қайта тақсимлаш билан боғлиқ муносабатлар.

Кредит тизимининг ҳозирги ҳолатини тавсифловчи баъзи кўрсаткичлар келтирилган (1-жадвалга қаранг).

1 -жадвал

Ўзбекистонда кредит тизимининг ҳолатини тавсифловчи айрим кўрсаткичлар¹

	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2017	2018	2019	2020
	Кредит ташкилотлари сони, та	104	121	147	159
	<i>шу жумладан:</i>				
	тижорат банклари	28	29	30	32
	нобанк ташкилотлар	76	92	117	127
	Кредит ташкилотларининг активлари, млрд. сўм	166851,0	214882,5	273367,7	366984,8
	<i>шу жумладан:</i>				
	тижорат банклари	166632,0	214420,0	272727,0	366121,1
	нобанк ташкилотлар	219,0	462,5	840,7	863,7

¹ www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

	Жалб қилинган депозитлари, млрд. сўм	59579,0	70001,0	91009,0	114746,9
	<i>шу жумладан:</i>				
	тижорат банклари	59579,0	70001,0	91009,0	114746,9
	нобанк ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0
	Кредит ташкилотларининг кредит қўйилмалари, млрд. сўм	110765,2	167802,4	212328,4	277720,2
	<i>шу жумладан:</i>				
	тижорат банклари	110572,0	167391,0	211581,0	276974,8
	нобанк ташкилотлар	193,2	411,4	747,4	745,4

Жадвал маълумотларидан маълумки, кредит тизимининг асосий кўрсаткичлари банклар ва нобанк ташкилотлар ўртасида рақобатни паст эканлигига қарамай, иқтисодиётни кредитлаш асосан тижорат банклари зиммасига юкланганини, шунингдек, кредит ташкилотларини кредитлаш бўйича фаолиятида ижобий динамикани кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, саноат корхоналари фаолиятини, жумладан, инвестицион фаолиятини молиялаштиришда мамлакатдаги кредит тизими иштирокчилари ўзларининг функция ва мақсадларини бажарган ҳолда қўллаб-қувватлайдилар. Бизга маълумки, кредит тизими такрор ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнини қўллаб-қувватлашда, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида мавжуд ноаниқ маълумотлар олиш муаммосини баргараф этишда муҳим рол ўйнайди¹.

Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштириш механизмини муҳим қисми сифатида иқтисодиётда яратилган кредит тизимини айтиш мумкин. Умуман олганда, кредит тизимини қуйидагича таърифлашимиз мақсадга мувофиқ:

- кредит ташкилотлари ва кредит хизматларидан фойдаланувчилар ўртасида вужудга келувчи кредит муносабатлари йиғиндиси;
- кредитлашнинг хилма-хил усуллари ва шаклларини ўзида акс эттирувчи жараён.


Кредит ташкилотларининг кредит муносабатларини амалга оширилишини белгиловчи тизим сифатида кредит тизимини таърифлаш

¹ Дмитриева Е.В. Финансовый инструментарий стимулирования инвестиционной деятельности в современных условиях. Путеводитель предпринимателя. 2015; (27): 201-212.

хам мақсадга мувофиқ саналади. Кредит муносабатларини ташкил қилишнинг иккита асосий қўйи тизими мавжуд: банк ва нобанк муассасалари.

Ушбу икки тизим давлат кредит тизимининг ажралмас қисми саналади ва уларнинг ҳар иккиси ҳозирги кунда саноат тармоғи корхоналари инвестицион фаолият молиялаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Давлат кредит тизимининг тузилишини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин (1-расмга қаранг). Унга кўра кредит тизимининг бош бўғини сифатида банк тизими намоён бўлади.



1-расм. Давлат кредит тизими тузилмаси¹

Банк тизимини эса икки турга ажратишимиз мумкин. Булар тижорат ва махсус ташкил этилган банклар. Нобанк кредит ташкилотлари ва бошқа молиявий воситачилар эса ҳозирги кунда кредит тизимининг муҳим бўғини сифатида намоён бўлиб бормоқда.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, саноат тармоғи корхоналарининг инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш орқали, корхоналарнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини максимал даражада қоплаш мумкин бўлади.

Tojiboyeva Z. X. - Magistratura bo'limi Buxgalteriya hisobi yo'nalishi 1-bosqich magistranti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH VA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

¹ Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Annotatsiya: Maqolada raqamli iqtisodiyotning buxgalteriya hisobiga ta'siri mavzusi muhokama qilinadi. Raqamli texnologiyalar buxgalteriya hisobida ma'lumotlarni qayta ishlash, to'plash, saqlash va zamonaviy dunyoda raqobatbardoshlikni saqlash uchun yangi imkoniyatlar ochadi.

Kalit so'zlar: Raqamli iqtisodiyot, Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, Raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish

Iqtisodiyotni erkinlashtirish va modernizatsiya qilish davrida amaldagi buxgalteriya hisobi tizimi asta sekin jamiyatdan rivojlanishga mos holda takomillashib xalqaro standartlarga yaqinlashib bormoqda. Bunday davrda raqamli iqtisodiyotning o'rni hayotimizdagi o'rni oshib bormoqda va har qadamda raqamli iqtisodiyot atamasi qulog'imizga chalinmoqda. Ho'sh, o'zi raqamli iqtisodiyot nima va u nima uchun kerak, u nima uchun hayotimizga kirib kelmoqda degan savollar tug'ilishi tabiiy. Hozirgi kunda axborot texnologiyalari jadallik bilan rivojlanib bormoqda va shunga hamohang ravishda insonlar uchun qulay bo'lgan online xizmat turlari ham rivojlanib bormoqda. Raqamli iqtisodiyot dunyo bo'ylab barcha korxonalar va tashkilotlar bo'ladimi, ularning tarkibiy bo'linmalari bo'ladimi, jismoniy shaxslar bo'ladimi o'z yo'nalishiga mos ravishda foydalaniladi. Raqamli iqtisodiyotga korxonalar miqyosida qaraydigan bo'lsak, raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish bu avvalambor korxonalarimiz uchun dunyo bozorlariga chiqish, turli chet el mamlakatlaridan hamkorlar topish va aloqalarni yo'lga qo'yish uchun zamin yaratadi va shu bilan birgalikda ishlab chiqarish tannarxini pasaytirish, mehnat samaradorligini oshirish, raqobatbardoshlikning o'sishi, yangi zamonaviy kasblarning paydo bo'lishi kabi ijobiy tomonlarini keltirishimiz mumkin. Buxgalteriya hisobi bu korxonalarining so'zlashuv tili bo'lib hisoblanadi. Oddiygina kundalik hayotga nazar tashlaydigan bo'lsak, kimdir chet davlatga chiqmoqchi (ishlash, o'qish va hokazo) bo'lsa chet tilini o'rganib o'zida qo'llashni boshlaydi. Har bir davlatning o'zining davlat tili bo'lganidek, o'zining buxgalteriya hisobining milliy standartlariga ham ega. Demak har qanday korxonalar chet el korxonalarini bilan aloqalar o'rnatishi, investitsiyalar kiritishi uchun korxonalar uchun xalqaro til hisoblanadigan moliyaviy hisobining xalqaro standartlarini o'zida qo'llashi va Moliyaviy hisobotlarini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida rasmiylashtirishi kerak. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bizga nima uchun kerak va u bizga nima beradi? Hozirgi kunda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlaridan dunyoning 140 dan ortiq mamlakatlari foydalanib kelmoqda. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlar korxonalar moliyaviy holatini tasniflashning standartlashtirilgan fo'rmasini tashkil etadi. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlaridan dunyoning 140 dan ziyod mamlakatlari foydalanishini inobatga oladigan bo'lsak, ushbu mamlakatlar tadbirkorlari tushunadigan tilda moliyaviy hisobotlarni yozish biz uchun ham muhim ahamiyat kasb etmay qolmaydi.

Respublikamizga investitsiya kiritmoqchi bo'lgan tadbirkorlar nafaqat qonunchilik holatini, balkim mavjud korxonalariga investitsiya kiritish nuqtai nazaridan ularning moliyaviy hisobotlarini tushunishi muhimdir. Dunyo miqyosida Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tilishi barcha tadbirkorlik sub'ektlari uchun foyda keltiradi, ayniqsa investor korxonalar hisobotlarni tahlil qilib qaysi korxonalariga yoki qaysi faoliyat turlariga investitsiya kiritishlarini aniqlab oladi. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishdan maqsad chetdan kelayotgan investorlarga moliyalashtirish uchun qaror qabul qilishda aniq va ishonchli malumotlar bilan taminlash sanaladi. Moliyaviy hisobotlarning to'liq to'plami quyidagilarni qamrab oladi:

- davr oxiridagi moliyaviy holat to'g'risidagi hisobot;
- davr uchun foyda yoki zarar va boshqa umumlashgan daromad to'g'risidagi hisobot;
- davr uchun kapitaldagi o'zgarishlar to'g'risidagi hisobot;
- davr uchun pul oqimlari to'g'risidagi hisobot;
- izohlar, ya'ni muhim hisob siyosatlarining va boshqa tushuntirish
- ma'lumotlarining qisqa bayonini qamrab olgan izohlar;
- oldingi davr boshiga moliyaviy holat to'g'risidagi hisobot, qachonki xo'jalik sub'ekti hisob siyosatini retrospektiv tarzda qo'llasa, yoki o'zining moliyaviy hisobotlaridagi moddalarni retrospektiv tarzda qayta hisoblashni amalga oshirsa o'zining moliyaviy hisobotlaridagi moddalarni qayta tasniflasa.

Respublikamizning investitsion jozibadorligini oshirish, xorijiy investorlarni zarur axborot muhiti bilan ta'minlash va xalqaro moliya bozorlariga kirish imkoniyatini kengaytirish maqsadida 2020 yil 24 fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PQ-4611-sonli qarori qabul qilindi. Mazkur qaror bilan aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug'urta tashkilotlari va yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslar 2021-yil 1-yanvardan boshlab, MHXS asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etadi va 2021-yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni MHXS asosida tayyorlashi belgilab qo'yildi. Shuningdek ushbu qaror bilan 2021 yil yakuniga qadar MHXS bo'yicha sertifikatga ega bo'lgan (CIPA, ACCA, SRA, DipIFR) yetrlicha kadrlar tayyorlash topshirig'i ham berildi. Oliy ta'lim muassasalarining pedagog kadrlari ("Buxgalteriya hisobi" va "Audit" fanlari bo'yicha), talabalari va bitiruvchilari (o'qishni tugatgandan so'ng olti oy ichida) hamda davlat organlarining xodimlarini o'qitish xarajatlarini o'quv kursini muvaffaqiyatli yakunlagan taqdirda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan akkreditatsiyadan o'tgan o'quv markazlari birgalikda belgilangan o'qitishning yagona qiymati bo'yicha akkreditatsiyadan o'tgan o'quv markazlariga qoplab beriladi; Oliy ta'lim muassasalarining "Buxgalteriya hisobi" va "Audit" fanlari bo'yicha pedagog kadrlari, talabalari va bitiruvchilari (o'qishni tugatgandan so'ng olti oy ichida)

hamda davlat organlari xodimlarining har biriga alohida quyidagi xarajatlar qoplab beriladi:

- dastlabki ro'yxatdan o'tish xarajatlari — to'liq hajmda;
- imtihon topshirish uchun birinchi marta ro'yxatdan o'tish xarajatlari — ro'yxatdan o'tish summasining 50 foizi miqdorida imtihon topshirgunga qadar, ro'yxatdan o'tish summasining qolgan 50 foizi — imtihonni muvaffaqiyatli topshirgan taqdirda;
- imtihon topshirish uchun ikkinchi marta ro'yxatdan o'tish xarajatlari — ro'yxatdan o'tish summasining 50 foizi miqdorida imtihonni muvaffaqiyatli topshirgan taqdirda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” 2020-yil 24- fevraldagi PQ-4611-son qarori ijrosini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari bo'yicha o'qitish va buxgalyerlarni xalqaro sertifikatlash doirasida imtihonlarni topshirish xarajatlarini qoplash tartibi to'g'risidagi vaqtinchalik nizomni tasdiqlash haqida”gi 38-sonli Qarori qabul qilingan. Ushbu qaror bilan Moliyaviy hisobotning xalqaro standarti bo'yicha o'qish va imtixonlarini topshirish xarajatlarini qoplash tartibi belgilangan. Xulosa qilib shuni aytadigan bo'lsak, Raqamli iqtisodiyot bu dunyo bo'ylab rivojlanib borayotganligi albatta dunyo bo'ylab savdo-sotiq, xizmat ko'rsatish va boshqa sohalarining rivojlanishiga katta hissa qo'shadi. Raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish bu korxonalar uchun eksport-import operatsiyalarining rivojlanishiga, chet el investitsiyalarining kirib kelishining jadallashishiga, korxonalar raqobatbardoshligiga, tannarxning pasayishiga va savdo-sotiq , xizmat ko'rsatish sohalarining rivojlanishiga katta tasir o'tkazadi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi turli xil yangidan-yangi tadbirkorlik turlarining vujudga kelishiga, bu bilan birga mavjud bo'lgan tadbirkorlik sub'ektlarining yopilishiga va ish o'rinlarining qisqarishiga olib kelmoqda, lekin rivojlanish, odamlar ishini yengillatish uchun raqamli iqtisodiyotga o'tish foydaliroq bo'ladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” gi PQ-4611-sonli qarori qabul qilindi va unga asosan aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug'urta tashkilotlari va yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslar 2021-yil 1-yanvardan boshlab, Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etadi va 2021-yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tayyorlashi belgilab qo'yildi. O'zaro aloqalar o'rnatish uchun albatta iqtisodiy til bu moliyaviy hisobotlar hisoblanganligi uchun ham kichik biznes sub'ektlari ham o'zlari rivojlanishi va investitsiya jalb qilishlari, dunyo bozorlarida munosib o'rinlarni egallashlari uchun ham xalqaro standartlarni qo'llagan holda buxgalteriya hisobini yuritishi

va moliyaviy hisobotlarni tuzishi, raqamli iqtisodiyot yutuqlaridan samarali foydalanish bu albatta tadbirkorlik sub`ektlarining rivojlanishiga, bizneslarining kengayishiga zamin yaratadi.

*Ilmiy rahbar: prof Elmirzayev S.E.
Yodgorova M.I. - TMI KMQB-3 guruhi magistranti*

ISLOM MOLIYAVIY INSTRUMENTLARI ORQALI KORPORATIV SEKTORNI RIVOJLANTIRISH

Annotatsiya: Islomiy moliyaviy xizmatlarga korporativ va ulgurji bozorda talabning ortib borishi tarmoq o'sishini rag'batlantirib turgan omillardan biri hisoblanadi. Ushbu tarmoqda banklar asosiy bo'g'imni tashkil etmoqda va global bank sanoatida u qadar katta bo'lmagan, lekin o'sib borayotgan tarmoqni o'zida aks ettirmoqda. XX asr oxiri – XXI asr boshlarida islomiy bank ishi o'sishidagi ulkan o'zgarishlar yirik an'anaviy banklarning ham diqqat-e'tiborini, «islomiy darcha» deb ataladigan muqobil mahsulotlarni taqdim etishga qaratishiga turtki bo'ldi. Chunki islomiy banklar umumiy moliyaviy muhitda vujudga keladi va ishlaydi, ular bozorda raqobatbardoshlikni qo'llab-quvvatlash bilan bog'liq muammolarga ro'baro' bo'ladi. Bundan tashqari, mazkur banklar shariat ko'rsatmasi talablarini bajarishlari lozim bo'ladi.

Kalit so'zlar: Islom banki, investitsiya fondi, sherikchilik, muzoraba, murobaha, mushoraka, ijara, vakala, bitim, tranzaksion bitimlar, salam, sukuk.

Ключевые слова: Исламский банк, инвестиционный фонд, партнерство, музараба, мурабаха, мушарака, рента, вакала, сделка, транзакционные сделки, салам, сукук.

Keywords: Islamic bank, investment fund, partnership, mudharabah, murabahah, musharakah, ijarah, wakalah, deal, transaction agreement, salam, sukuk.

Bugungi kunda Islomiy moliya tarmog'i jahonda jadallik bilan rivojlanib borayotgan va innovation moliyalashtirish mexanizmlarini o'zida jamlagan sohalardan biri hisoblanadi. Mutaxassislarning fikricha, islomiy moliya muassasalari jami aktivlari miqdori 2,5 trillion AQSh dollarini tashkil etadi va yildan-yilga o'sib bormoqda. Aholisining asosiy qismi musulmonlardan iborat bo'lgan davlatlar uchun ushbu tarmoqni rivojlantirish, ayniqsa, dolzarb hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoev IHT TIV kengashi 43-sessiyasi ochilish marosimida so'zlagan nutqida «Islom olami ulkan iqtisodiy, investision salohiyat, energetika resurslariga ega. Ulardan to'g'ri foydalanish, Islom hamkorlik tashkilotiga a'zo davlatlarning xalqaro savdo-iqtisodiy, moliyaviy, investision hamkorligini kengaytirish, mamlakatlarimizni birlashtiradigan transport yo'llarini tashkil etish yuksak iqtisodiy taraqqiyot

ko'rsatkichlariga eri-shish imkonini beradi va bu pirovard natijada boshqa barcha sohalarining rivojlanishida asos bo'lib xizmat qiladi», – deya ta'kidlab o'tgan edi.¹

Shunday ekan, musulmon davlatlaridagi faoliyati islomiy moliyalashtirishga asoslangan mavjud kompaniyalar, banklar, investisiya fondlari va mablag'larini O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi va xususiy sektorni qo'llab-quvvatlash maqsadida jalb etish ayni muddaodir. Buning uchun albatta milliy bank tizimiga yangicha yondashuv bilan nazar solmoq lozim, ya'ni an'anaviy moliyalashtirish mexanizmlari bilan bir qatorda sherikchilikka asoslangan moliyalashtirish mexanizmlarini joriy etish masalasi tadqiq etilishi muhim va dolzarb hisoblanadi.

Islomiy moliya muassasalari va an'anaviy moliya muassasalari o'rtasidagi asosiy farqi shundan iboratki, islomiy moliya foyda va zararni bo'lishish va real aktivlarga asoslangan moliyalashtirishni o'zida aks ettiradi. Boshqacha qilib aytganda, islomiy moliyalashtirish sherikchilikka asoslanadi. Bunda muzoraba, muboraha, mushoraka, ijara, vakala kabi ko'plab bitimlardan foydalaniladi. Bunday muassasalar mijoz talabi bo'yicha ob'ektni qurib berishi, asbob-uskunalar, tovar, xomashyolar sotib olib berishi yoki ularni ijaraga berishi mumkin. Moliyalashtirish asosida savdo amaliyotlari yotadi. An'anaviy bank tizimida esa banklarning savdo amaliyotlarini amalga oshirishi qonunchilik nuqtai nazaridan mushkul hisoblanadi va bunga soliqqa tortish hamda bank faoliyatiga taalluqli me'yoriy-huquqiy hujjatlar to'sqinlik qiladi.

Yuqorida aytilganlarni inobatga olganda, O'zbekiston Respublikasida sherikchilikka asoslangan yoki islomiy moliyalashtirishni joriy etish uchun shunga mos qonunchilik va huquqiy asos shakllantirilishi lozim. Bu, o'z navbatida, davlatimizga qo'shimcha kapital kirib kelishiga hamda muqobil moliyalashtirish mexanizmlarini taklif etishga zamin yaratadi.

Chet ellik olimlar Greys va Iqbol islomiy moliya vositalarini: bitimni amalga oshirish bilan bog'liq bo'lgan tranzaksion bitimlar va bank moliyaviy vositachi sifatida ishtirok etadigan bitimlarga ajratadilar. Tranzaksion bitimlar real sektordagi ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lib, savdo, ayirboshlash va iqtisodiy faoliyatni moliyalashtirishni qamrab oladi. Vositachilik bitimlari tranzaksion bitimlarning bajarilish shaffofligi va samaradorligini yengillashtiradi.

O'z navbatida, malayziyalik olim Sudin Xorun islomiy bank tizimida ishlatiladigan besh toifadagi vositalarni keltiradi: birinchi toifaga foyda va zararlarni aqsimlashga asoslangan vositalar, ikkinchisiga esa oldi-sotdiga asoslangan vositalar, uchinchisiga – yig'im va komissiyalarni o'z ichiga olgan vositalar kiradi. To'rtinchi toifa bepul xizmatlarni, beshinchisi esa – yordamchi xizmatlarni o'z ichiga olgan vositalarni bayon etib beradi.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoev IHT TIV kengashi 43-sessiyasi ochilish marosimida so'zlagan nutqi

Ibrohim Varde islomiy moliyaviy mahsulotlarni mazkur vositalardan foydalanishda vujudga keladigan huquqiy, moliyaviy, iqtisodiy va siyosiy munosabatlar majmuiga asoslanib tasniflaydi. Shunga muvofiq ravishda u sotishga asoslangan murobaha, musovama, istisno', salam, tavarruq va iyna kabi bitimlar kiradigan mahsulotlarni ajratib ko'rsatadi. Ikkinchi guruhdagi vositalar ijara (yollash)ga asoslangan mahsulotlardir. Uchinchi guruhga esa foyda va zararlarni bo'lishish hamda ulushli ishtirokka (muzoraba va mushoraka) asoslangan mahsulotlar kiradi.

Islomiy moliya sohasidagi rossiyalik mutaxassis R.I.Bekkin islomiy moliyaviy mahsulotlarning quyidagi tasnifini keltiradi:

– foyda va zararlarni taqsimlash mexanizmiga asoslangan vositalar yoki moliyalashtirishning investisiyaviy vositalari;

–muzoraba, mushoraka;

– qarz bilan bog'liq moliyalashtirishga asoslangan vositalar: murobaha, salam, shuningdek, istisno' va ijara.

R. R. Vohidov moliyaviy vositalarning eng ko'p tarqalgan ikki guruhini ko'rsatib o'tadi: kapitalda ishtirok etishga asoslangan vositalar va qarz bilan bog'liq moliyalashtirishga asoslangan vositalar.

Kapitalda ishtirok etishga asoslangan vositalarga R. R. Vohidov muzoraba va mushorakani, qarz bilan bog'liq moliyalashtirishga asoslangan vositalarga – murobaha, ijara, salam va sukukni kiritadi.

Ilmiy-nazariy va amaliy ahamiyatga molik tavsiya sifatida O'zbekistonda islom darchalari faoliyatini jadal ravishda yo'lga qo'yib, aholining islom moliyasi bo'yicha savodxonligini oshirgan holda korporativ sektorda islom moliyaviy instrumentlari ulushini oshirishni ko'rsatish mumkin.

Agarda, yurtimizda islomiy moliyalash tizimlari ishga tushsa, islom moliyasi muassasalaridan qarz olib uni to'lolmay ketadigan odamlar soni ko'payib ketmaydimi degan savol tug'ilishi mumkin. Bundan tashqari, islom moliyasi mexanizmlari allaqachon bunday niyati egri tadbirkorlarga qarshi kurashish vositalarini o'ylab chiqqani uchun xatarlar me'yorlar chegarasida ushlab turiladi. Ammo, har qanday faoliyat ko'proq yaxshi niyatli, halol tadbirkorlarga mo'ljallangan bo'ladi, istisnolar esa hamisha bo'lgan va bo'ladi. Zero, bu kreditlarni asosan halol va to'g'ri niyatli tadbirkorlar oladi va ular foyda olish bilan bir vaqtda to'lashni ham biladi. Agarda bunday banklar ko'paysa, har bir inson o'ziga ma'qul moliya muassasalariga boradi. Raqobat bozorida tanlash imkoni kengayib boradi.

XALQARO SAVDONI MOLIYALASHTIRISHNING ZAMONAVIY YO`LLARI

Annotatsiya: Ushbu tezisdagi xalqaro savdoni moliyalashtirish hozirgi kundagi yo`llari, xalqaro savdo qay tarzda moliyalashtirilishi hamda xalqaro savdoda mavjud bo`lgan muammolar va uning tahlili keltirib o`tilgan.

Kalit so`zlar: xalqaro savdo, tashqi savdo aylanmasi, savdoni moliyalashtirish, eksport, import.


Xalqaro savdoni moliyalashtirish va tashqi savdo operatsiyalarini moliyalashtirishning klassik va eng rivojlangan shakllaridan biri bu kreditlashdir. Uning rivojlanishiga turki sanoat inqiloblari davrida, sanoatning shakllanishi va tashqi savdoning tez sur`atlarda o'sishi, ularning jadal rivojlanishini ta'minlash uchun qo'shimcha resurslarni talab qiladi. O'shandan beri moliyalashtirish shakllari va usullari doimiy ravishda takomillashtirilib, tashqi savdo rivojlanib borgan. . Xalqaro savdo tashqi savdo aylanmasi , eksport va import, savdo balansi kabi ko`rsatkichlar bilan tavsiflanadi. Savdo moliyalashtirishning asosiy xususiyati shundaki, u faqat tovarlarni, xizmatlarni va "nou-xau" ni tashish, sotib olish yoki sotishni moliyalashtirish uchun ishlatiladi, agar bunday mablag bir davlat doirasida ta'minlansa, u ichki savdo moliyalashtirish deb ataladi, agar savdo turli mamlakatlarda joylashgan kompaniyalar o'rtasida moliyalashtirilsa turli mamlakatlarda joylashgan kompaniyalar, bu xalqaro yoki transchegaraviy savdoni moliyalashtirish deb nomlanadi. Savdo moliyalashtirishni taqdim etish muddatiga ko'ra ham tasniflash mumkin, odatda ikkita toifaga bo'linadi: qisqa muddatli savdo moliyalashtirish va o'rta muddatli savdo moliyalashtirish.

Qisqa muddatli savdo moliyalashtirish: moliya institutlari tomonidan taqdim etiladigan va 180 kun ichida qaytarib beriladigan (ayrim hollarda 2 yilgacha) turli xil savdo moliyalashtirish vositalarini o'z ichiga oladi

O'rta muddatli savdo moliyalashtirish: odatda bir muddatga taqdim etiladigan turli xil moliyaviy moliyalashtirish vositalarini o'z ichiga oladi. 2 yildan 5 yilgacha. Savdoni moliyalashtirishning ushbu turi ko'pincha ishlab chiqarish uskunalari yoki boshqa turdagi asosiy vositalarni eksport qilishda qo'llaniladi.

Xalqaro savdo- eksport va import orqali mamlakatlar o'rtasida tovarlar va xizmatlar almashinuvi. Bunday savdo mamlakatlar egalik qiladigan ayrim tovarlarni ishlab chiqarishda qiyosiy ustunliklarga asoslanadi. Ushbu afzalliklar xalqaro mehnat taqsimoti (ishlab chiqarish joylashuvi) uchun asos yaratadi. Nisbatan ustunlikdagi mamlakatlar o'rtasidagi farqlar ularning har xil tuzilmalarida, ya'ni narxlarning raqobatbardoshligida va mahoratning turli

darajalarida (professionallik), ya'ni mahsulotning differentsiatsiyasi bilan bog'liq bo'lgan raqobatbardoshlikda namoyon bo'ladi. Ushbu farqlar asosan mamlakatning asosiy resurslari (tabiiy resurslar, ishchi kuchi va kapital) bilan ta'minlanganligi va iqtisodiy rivojlanish darajasi (aholi jon boshiga daromad darajasi, xarajatlar va narxlarning umumiy darajasi, fan va texnologiyalarning rivojlanish darajasi) bilan belgilanadi, va boshqalar.). Resurslarning mavjudligi va malakasi darajasi mamlakat texnik jihatdan ishlab chiqarishga qodir bo'lgan tovarlar va xizmatlar turini belgilaydi, nisbiy xarajatlar, narxlar va mahsulotni farqlash omillari ushbu mamlakatda ishlab chiqarish uchun iqtisodiy jihatdan foydali bo'lgan tovarlar va xizmatlar turini belgilaydi, ya'ni. ishlab chiqarishda mamlakat boshqa mamlakatlarga nisbatan qiyosiy ustunliklarga ega.



1-rasm Xalqaro savdoni moliyalashtirish sxemasi¹

Xalqaro savdo mamlakat ishlab chiqarishiga ham, iste'moliga ham ijobiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Xalqaro savdo mamlakatlarga ba'zi tovar va xizmatlarni ishlab chiqarishdan arzonroq bo'lsa, ularni import qilish, shuningdek, aks holda deyarli imkonsiz bo'lgan ba'zi mahsulotlar va resurslarni olish imkoniyatini beradi, chunki mahalliy ishlab chiqaruvchilar ularni taklif qila olmaydilar (masalan, kamdan-kam xom ashyo yoki yuqori texnologiyali mahsulot). Xalqaro savdo, mamlakatning savdo sheriklariga nisbatan qiyosiy ustunligi bo'lgan mamlakatlarga import eng yaxshi o'rnini bosadigan tarmoqlar manbalarining harakatini rag'batlantirish orqali ishlab chiqarishda samaradorlikni ta'minlaydi. Xalqaro savdodan foyda olish muammosini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, ushbu imtiyozlarni optimallashtirish eng yaxshi erkin savdo sharoitida, ya'ni tariflar va kvotalar kabi savdo cheklovlari bo'lmagan taqdirda amalga oshiriladi. Ushbu tezis xalqaro hamjamiyat tomonidan tariflar va savdo bo'yicha bosh kelishuvni tuzishda va turli mintaqaviy erkin savdo

¹ <https://www.klubok.net>

zonalarini shakllantirishda qo'llanilgan. Ammo amalda xalqaro savdo foydalari ko'pincha mamlakatlar o'rtasida notekis taqsimlanadi va bu muqarrar ravishda milliy manfaatlar xalqaro majburiyatlardan ustun bo'lib, proteksionistik choralarni bir tomonlama amalga oshirilishiga olib keladi. Bundan tashqari, xalqaro savdoning hozirgi rivojlanish yo'nalishi global talab asta-sekin o'sib boradigan, tor doiradagi tovarlarni ishlab chiqarishga ixtisoslashgan rivojlanayotgan mamlakatlar uchun noqulaydir.

Shu o'rinda Markaziy Osiyo davlatlarining xalqaro savdo aylanmalarini keirib o'tish o'rili deb hisoblayman: O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirish strategiyasi diversifikatsiyalangan va raqobatbardosh iqtisodiyotni yaratishga, innovatsion texnologiyalar va bozorni boshqarishning yangi usullaridan foydalangan holda milliy resurslardan maksimal darajada foydalanishga yo'naltirilgan. Mamlakatning tashqi iqtisodiy faoliyati, xususan tashqi savdo sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning pirovard natijasi aholining turmush darajasiga bevosita o'z ta'sirini o'tkazadi. 2020- yilning yanvar-oktabr oylari yakuni bilan respublikaning tashqi savdo aylanmasi (matnda TSA) 30 059,4 mln. AQSh dollarini tashkil etib, 2019- yilning mos davriga nisbatan 4 256,9 mln. AQSh dollariga yoki 12,4 % ga kamaydi. O'zbekiston, jahonning 160 dan ortiq mamlakatlari bilan savdo aloqalarini amalga oshirib kelmoqda. TSAning nisbatan salmoqli hissasi Xitoy Xalq Respublikasida (17,1 %), Rossiya Federatsiyasida (15,1 %), Qozog'istonda (7,7 %), Koreya Respublikasida (5,9 %), Turkiyada (5,5 %), Qirg'iz Respublikasida (2,4 %) va Germaniyada (2,1 %) qayd etilgan. Respublikamizda tashqi savdoni qo'llab-quvvatlash hamda MDH davlatlari bilan ushbu sohadagi hamkorlikni yanada mustahkamlash bo'yicha olib borilayotgan chora-tadbirlarga qaramay, 2020- yilning yanvar-oktabr oylarida, tashqi savdo aylanmasida MDH davlatlarining ulushi 31,2 % ni tashkil etib, tashqi savdo aylanmasidagi 2019- yilga nisbatan ulushi 3,3 % ga kamaygan. Boshqa xorijiy davlatlarning TSAsi 2020- yilning yanvar-oktabr oylarida 2019- yilning shu davriga nisbatan 3,3 % ga ko'paydi va jami TSA'dagi ulushi 68,8 % ni tashkil etdi. Joriy yilning yanvar-oktabr oylarida mamlakatning eksportyorlari soni 5 608 tani tashkil etib, ular tomonidan 7 524,6 mln. AQSh dollari (qimmatbaho metallar eksportidan tashqari) qiymatidagi (2019- yilning mos davriga nisbatan 27,3 % ga kamaydi) tovar va xizmatlar eksport qilinishi ta'minlandi. Eksport tarkibida tovarlar ulushi 87,8 % ni tashkil etib, ular sanoat tovarlari (17,6 %), oziq-ovqat mahsulotlari va tirik hayvonlar (8,0 %), kimyoviy vositalar va boshqa toifalarga kiritilmagan shunga o'xshash mahsulotlar (5,0 %), mineral yoqilg'i, yog'lash moylari va shunga o'xshash materiallar (4,2 %) hissasiga to'g'ri kelmoqda.¹

Xalqaro tovar shartnomasi - bu ishlab chiqaruvchilarning daromadlari va asosan rivojlanayotgan mamlakatlarda valyuta tushumlarini barqarorlashtirish maqsadida ba'zi tovarlarning narxlari - xalqaro savdo ob'ektlari, masalan, kokos

¹ Manba Muallif tomonidan O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'matasining stat.uz sayti ma'lumotlari asosida tayyorlandi

va qalay narxlarini barqarorlashtirishga qaratilgan bitim. Xalqaro savdo shartnomalari rivojlanayotgan mamlakatlar ishlab chiqaruvchilarining manfaatlariga mos keladigan bo'lsa-da, iste'molchilar ham foyda ko'rishlari mumkin, chunki ushbu bitimlar o'zgaruvchan narx o'zgarishi bilan bog'liq bo'lgan noaniqlik va noqulaylikni yo'q qiladi.

Абдикаримова Д.Р. – PhD, доцент, ТМИ

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК КРЕДИТЛАРИ ГАРОВ ТАЪМИНОТИНИ БАҲОЛАШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Мазкур маъруза тезисида мамлакатимизда банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашни самарали ташкил этишнинг назарий ва ташкилий жиҳатлари ўрганилган. Ушбу жараёнда баҳоловчиларнинг билим ва малакасини оширишнинг аҳамияти ёритилган. Ўрганилган жиҳатлар асосида мамлакатимизда банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашни самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: банк кредитлари, баҳолаш, баҳоловчи, гаров реестри.

В тезисах настоящего доклада исследуются теоретические и организационные аспекты эффективной организации залоговой оценки банковских кредитов в нашей стране. Подчеркивается важность совершенствования знаний и навыков оценщиков в этом процессе. На основании изученных аспектов даны рекомендации по эффективной организации оценки залога банковских кредитов в нашей стране.

Ключевые слова: банковские кредиты, оценка, оценщик, залоговый реестр.

This thesis studies the theoretical and organizational aspects of the effective organization of the collateral assessment of bank loans in our country. In this process, the importance of improving the knowledge and skills of appraisers is highlighted. Based on the studied aspects, recommendations are given on the effective organization of the collateral assessment of bank loans in our country.

Бугунги кунда дунёдаги 45 мингдан ортиқ трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар ўзларининг 250 мингдан ортиқ шўъба ва боғлиқ компаниялари билан биргаликда МХХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрийлик асосда тузмоқдалар ва бу компаниялар учун катта имкониятларни яратмоқда. Европа Комиссияси МХХСларни Европа иттифоқи мамлакатларида қўлланилиши молиявий ҳисоботни горманизациялашнинг энг мақбул воситаси сифатида қармоқда ва уни қўллаб-қувватламоқда. Қуйида (1-расм) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг тараққий этиш қонуниятларини ўрганиш асосида муҳим

хулосани чиқариш мумкин, агар 1494 йили “иккиёқлама ёзув” асосида ҳисоб ғояси яратилган бўлса, 1973 йили бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари яратилиши билан молиявий ҳисоботни халқаро инграциялашуви бошланган бўлса, 2030 йилларга бориб молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида тўлиқ халқаро гармонизацияси ва бир хиллигига эришилади.



1-расм. МҲХСларини қабул қилган давлатлар

Ўзбекистон Республикаси ҳам МҲХСларига босқичма-босқич ўтмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “иқтисодиёни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўлимида “корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар ва усулларни жорий этиш, корхонларни стратегик

бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” устувор вазифасининг қўйилиши бошқарувнинг муҳим стандарти сифатида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлариникенг жорий этишни тақозо қилади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш билан ҳисоб босқичларини унификация қилишга ва юритилишига ёрдам беради. Бу ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида маълумотлар бериш ва ахборот билан таъминланиш жараёнини мукамаллаштиради ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

*Хусанов Б.Ш. - Главный научный сотрудник Самаркандского
регионального филиала Центра экономических
исследований и реформ, к.э.н., доцент*

ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ И ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСЛОВИЙ ДЛЯ ЕГО СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

Аннотация: В статье рассматриваются состояние повешения уровня жизни населения в условиях пандемии коронавируса. Сопоставлено и проанализировано социально-экономические показатели и уровень социального обеспечения населения.

Ключевые слова: социальная политика, социальные приоритеты, доходы населения, прожиточный минимум, потребительские расходы, социальная развития.

Аннотация: Мақолада коронавирус пандемияси шароитида аҳоли турмуш даражасининг осилиб қолиш ҳолати муҳокама қилинади. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, аҳолининг ижтимоий таъминланганлик даражаси таққосланади ва таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: ижтимоий сиёсат, ижтимоий устуворликлар, аҳоли даромадлари, яшаш даражаси, истеъмол харажатлари, ижтимоий ривожланиш.

Annotation: The article discusses the state of the improvement in the standard of living of the population in the context of the coronavirus pandemic. The socio-economic indicators and the level of social security of the population are compared and analyzed.

Key words: social policy, social priorities, income of the population, living wage, consumer spending, social development.

В условиях пандемии коронавируса к вопросам уровня жизни населения в Узбекистане уделяется все больше внимания. Стратегические цели социальной политики Узбекистана – это приближение уровня и качества жизни населения Узбекистана к мировым стандартам, достигнутое на основе научно-технического прогресса. К среднесрочным мерам относятся достижение до периода, вызванного пандемией

коронавируса, уровня и качества жизни, с соответствующим им потреблением, в текущий момент – обеспечение условий для социального и физического развития людей, предотвращение деградации основных областей социальной сферы.

При этом важнейшим инструментом проведения социальной политики в Узбекистане выступает махалля как традиционное объединение семей, живущих по соседству. Махалля доказала свою устойчивость и одновременно способность к саморазвитию. Устойчивыми остаются принципы взаимопомощи, солидарности, социальной толерантности. Лидеры махали обеспечивают выплату пособий семьям с детьми и материальную помощь малообеспеченным семьям в соответствии с решением всех членов махали и действующим законодательством, принятие решений о назначении и выплате пособий и материальной помощи, обеспечение максимальной адресности при предоставлении государственной поддержки семьям.

При этом необходимым условием развития жизненного уровня является обеспечение баланса рыночной эффективности и социальных приоритетов.

Для решения подобных проблем важно иметь информацию об уровне жизни населения, являющимся основным критерием эффективности социальной политики государства.

По результатам обследования доходы от трудовой деятельности продолжают оставаться главным источником денежных доходов. Рост доходов населения в значительной степени зависит от уровня оплаты труда.

По данным Госкомстата Республики Узбекистан, среднедушевые номинальный денежные доходы населения в январе-декабре 2021 года составил 14,8 млн. сумов, что на 21,8% больше, чем в аналогичном периоде 2020 года; реальные денежные доходы в январе-декабре 2021 года по сравнению с январем-декабрем 2020 года увеличились на 9,9%¹.

Таблица 1

**Структура совокупных доходов населения Республики
Узбекистан, за 2019-2021 гг. (в %)²**

	2019 г.	2020 г.	2021 г.
Совокупные доходы, всего	100,0	100,0	100,0
в том числе: Первичные доходы	76,2	75,4	73,6
из них: Доход от производства	73,5	73,3	71,5
Доход от собственности	2,7	2,1	2,2

¹ По данным Госкомстата Республики Узбекистан

² Составлено авторам по данным Госкомстата Республики Узбекистан

Доходы от трансфертов	23,8	24,6	26,4
-----------------------	------	------	------

Для оценки уровня жизни населения, в соответствии с законодательством многих стран мира, используется прожиточный минимум, являющийся критерием абсолютной бедности.

Несмотря на это, остается не менее важной проблема, требующая изучения потребительского бюджета семьи, точнее его стоимости, выраженной в национальных денежных единицах. Как известно из методологии расчета потребительского бюджета, в укрупненном виде он состоит из трех частей:

- продовольственной;
- непродовольственной;
- услуг, оказываемых населению.

Основными факторами, влияющими на величину прожиточного минимума в странах с переходной экономикой, являются нормы потребления продуктов питания, цены на эти продукты и установленное соотношение между продовольственными и непродовольственными расходами.

Величина прожиточного минимума в среднем на душу населения, исходя из минимального потребления основных продуктов питания, на состояние 31.05.2021 минимальные потребительские расходы на одного члена домохозяйства составили 440 000 сумов в месяц (продовольственные – 69% и непродовольственные расходы – 31%)¹.

Одним из наиболее важных показателей, характеризующих уровень жизни населения, является показатель дохода, определяющий возможности домашних хозяйств приобретать различные товары и услуги.

Высокие личные доходы семьи и каждого члена семьи, вместе с тем, выгодны не только индивиду. Это – и общественно значимая выгода, поскольку они, в конечном счете, есть единственный источник удовлетворения общих потребностей, расширения производства, а также поддержки малообеспеченных и нетрудоспособных.

Как показали исследования, проведенные в Жамбайском районе Самаркандской области, в числе самых бедных оказались семьи с четырьмя и более детьми, поскольку средняя зарплата позволяет иметь только одного иждивенца, а семейное пособие составляет меньше 10% прожиточного минимума.

По данным выборочного обследования домашних хозяйств области, доходы, использованные на потребление, в среднем на душу населения за один месяц III квартала 2021 года составили 3510,0 тыс. сум, что на 12,8% больше, чем в соответствующем квартале 2020 года.

¹ <https://review.uz/post/v-uzbekistane-obyavili-predvaritelnyu-ocenku-stoimosti-minimalnx-potrebitelskix-rasxodov-naseleniy>

По результатам выборочного обследования домашних хозяйств области среднедушевые денежные расходы населения за III квартал 2021 года (в среднем за один месяц квартала) сложились в сумме 3205 тыс. сум, что на 18,0% больше, чем в III квартале 2020 года.

В Узбекистане в статистике домашних хозяйств особое место в системе показателей занимают показатели, характеризующие уровень жизни населения как основного источника измерения уровня жизни и бедности. Подобные данные, получаемые по результатам обследований, имеют постоянно растущий диапазон видов использования.

Выборочная совокупность домашних хозяйств, принимающих участие в постоянном обследовании в республике Узбекистан, сформирована на новой основе – методом многоступенчатой вероятностной выборки, что позволяет избежать ряда ошибок, которые могут иметь место в применяющейся методологии. Также имеются некоторые недостатки, возможность получения недостоверных данных, сообщаемых населением о доходах, и отсутствие возможности у статработников контроля за дополнительными доходами, особенно в условиях пандемии коронавируса.

Работающие в сфере социального развития не всегда имеют достаточно достоверную информацию для анализа социальной ситуации и выработки обоснованных решений по корректировке социальных ситуаций с учетом прогрессивного развития.

Все это вызывает необходимость обратиться к оценке применяемой в Узбекистане методики анализа уровня жизни населения и усовершенствовать ее в соответствии со сложившимися реалиями и современными потребностями, а также существующим прогрессивным зарубежным опытом.

*Собиров И.Х. – СамИСИ, и.ф.н, доцент в.б.
Самандаров Ж. – СамИСИ, магистрант*

РАҚАМЛИ БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: в статье показаны проблемы развития цифровой банк в Узбекистане, а также предложены конкретные рекомендации.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда рақамли банк ривожлантириш муаммолари ўрганилган ва аниқ таклифлар берилган.

Annotation: The article shows the problems of the development of digital banking in Uzbekistan, as well as specific recommendations

Калит сўзлар: рақамли банк, онлайн таҳлил, масофавий банк маҳсулоти.

Ключевые слова: Цифровой банкинг, интерактивный анализ, дистанционный банковский продукт.

Keywords: Digital Bank, interactive analysis, remote banking product

Тараққиёт истеъмол бозорини ҳам кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Истеъмолчиларнинг истак ва хохишлари ҳам замонда пайдо бўлаётган тенденцияларга хос бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”. Президент таъкидлаганидек банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастурлари амалга оширилмоқда. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хизмат кўрсатиш ва сотиш бозори ўзгариш билан биргаликда, банк сектори ҳам ўзгариб бормоқда. Умумий олиб қараганда – бозор виртуал оламга трансформация бўлиш жараёнида.

Банкларни ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб банклар фақат ўз филиаллари орқали хизмат кўрсатишни ташкил этган бўлса, кейинчалик:

- 1970 йилларда банкоматлар ихтиро қилинди.
- 1980 йилларда банкларда колл – центр орқали хизмат кўрсатиш жорий қилинди.
- 1990 йилларда интернет банкинг ва 2000 йилларга келиб эса банк тизимига интернет ва мобиль технологиялар кириб келди. Электрон тижорат ривожлана бошлади.
- 2010 йилдан бошлаб Европа ва АКШда анъанавий банкларни рақамли банкга трансформацияси бошланди. Натижада банклар ўз филиалларини қисқартира бошлади.

Рақамли банк – Банк бизнесидаги янги модель. Интернет технологияларга асосланган холда масофадан банк хизматларини мижозларга етказиб бериш тушунилади.

Рақамли банкка ўтиш - банк бозорида рақобатдош бўлиш ва самарага эришиш учун қуйдагилар талаб этилади:

Мижоз учун ишлаш

- Мижоз тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш (“золотая запись”)
- Мижоз ҳаракатларини ва тарихини таҳлил қилиш
- Ўз фокусини юқори технологияларга йўналтириш

Рақамли хизматларни кўрсатиш:

- “Қийин” маҳсулотлар бўйича ягона дарча
- Товар ва хизматлар учун Маркетплейс
- Роботизацияни жорий этиш

Офисларда хизмат кўрсатишдан рақамли каналларга ўтиш

- Сайт ва мобил иловалар
- Талабларни олдиндан била олиш
- бир нечта турли хил тизимларни, хизмат каналларини ёки коммуникацияларни ягона ойна (дарчада, хавола, тугмача) орқали тақдим этиш (Омниканальность) принципларини жорий этиш

Онлайн таҳлил ва ўзини ўзи ўқитувчи технологияларни (искусственный интеллект) жорий этиш

- Нейрон тизимлардан фойдаланиш
- Очиқ маълумотлар базаларидан фойдаланиш
- Big Data таҳлили асосида прогнозлаштириш

Ижтимоий тармоқларда актив позицияга эга бўлиш, рақамли маркетинг инструментларидан фаол фойдаланиш – рақамли банкнинг ҳаракатлантирувчи воситаси ҳисобланади. Чунки рақамли банкнинг асосий истеъмолчилари интернет тармоғини фаол фойдаланувчиларидур.

Ижтимоий тармоқларнинг рақамли банкни ривожлантиришдаги аҳамияти қуйдагилардан иборат:

1. Банк маҳсулотлари ва хизматлари тўғрисидаги маълумотларни тез тарқалишига олиб келади;
2. Банкнинг молиявий маслаҳатчи сифатида роли ортиб боради;
3. Аҳолининг молиявий саводхонлигини тез ривожланади;
4. Ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар ўртасида ўзаро таклиф ва тавсияларга ишонч ортиб боради;
5. Ижтимоий тармоқда банк фойдаланувчилар билан ҳамкорликда ҳеч қандай коррупциясиз мулоқот қилиш майдони юзага келади. Улар билан фақат сотиш эмас балки таклиф ва тавсияларга асосланган муносабат ўрнатилади. Бунинг натижасида фойдаланувчилар – потенциал миждозлар ўртасида банкга нисбатан ишонч пайдо бўлади, банк промоуторлари сони ортади.

Рақамли технологиялар даврида миждозларни жалб қилиш ва банк имиджини оширишнинг энг самарали воситаси – бу банкнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш ва ривожлантиришидир.

Ўзбекистонда рақамли банк жорий қилишдаги муаммолар:

1. Жисмоний шахслар ва ЯТТлар учун ягона идентификация тизимининг мавжуд эмаслиги;
2. Банк махсулот ва хизматларини масофадан сотиш имконини беришга тўскинлик килувчи норматив хужжатларнинг мавжудлиги;
3. Бизнес жараёнларнинг тўлиқ автоматлашмаганлиги;
4. Скоринг тизимининг мавжуд эмаслиги;
5. Мажбурий ташқи тизимлар (НИКИ, гаров реести ва бошқалар) билан интеграция йўлга қўйилмаганлиги;
6. ЕОПЦ билан маълумотлар алмашишдаги муаммолар.

Рақамли банкингни жорий қилишда амалга ошириш лозим бўлган ишлар:

1. Чакана банк махсулот ва хизматларини стандартлаштириш. Барча хуудларда ягона тариф сиёсатини юритиш.
2. Банкни ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш.
3. Интернет маркетинг (SMM) командасини ташкил қилиш.
4. Банк сайтида белгиланган махсулот ва хизматлар учун онлайн заявқаларни амалиётга жорий қилиш.
5. Масофадан банк махсулотларини сотиш ва ривожлантириш командасини ташкил қилиш.
6. Миждозларни сегментларга ажратиш ва хизмат кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш.
7. Масофавий сотиш каналлари: веб-сайт, мобиль банкинг, ижтимоий тармоқлар, колл центр функционаларини қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш. CRM билан интеграция қилиш.
8. Масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимлари (мобил ва интернет банкинг) тизимларини такомиллаштириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488 б.

*Бердиева У.А. - Тошкент молия институти
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти, PhD*

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН СУҒУРТА БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ**

Аннотация. Ушбу тезисда замонавий ривожланиш жараёнида жаҳон суғурта бозорида кенг қўлланилаётган ақлли суғурта технологиялари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам суғурта хизматларини

рақамлаштириш ва интернетлаштириш орқали жорий этилаётган ҳамда фойдаланилаётган ақлли технологиялар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта бозори, “ақлли технологиялар”, рақамлаштириш, интернетлаштириш, суғурта компаниялари.

Аннотация. В этом тезисе рассматриваются смарт-страховые технологии, широко используемые на мировом страховом рынке в процессе современного развития. Также анализируются смарт-технологии, внедряемые и используемые в Узбекистане посредством оцифровки и интернетизации страховых услуг.

Ключевые слова: страхование, страховой рынок, «умные технологии», цифровизация, интернет, страховые компании.

Annotation. This thesis examines the smart insurance technologies widely used in the global insurance market in the process of modern development. It also analyzes the smart technologies being introduced and used in Uzbekistan through the digitization and Internetization of insurance services.

Keywords: insurance, insurance market, "smart technologies", digitalization, internet, insurance companies.

Бугунги суғурта бозорида ахборот технологиялари суғурта компанияларига тобора талабчан ва сабрсиз мижозлар билан муваффақиятли мулоқот қилиш имконини берувчи ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Технологик инновацияларни яхши биладиган ва улардан кундалик ҳаётда фаол фойдаланадиган истеъмолчилар суғурталовчилардан тегишли технологик хизмат даражасини кутадилар.

Молиявий хизматларни рақамлаштириш мавзуси, ҳозир энг оммабоп ва кенг илмий, амалий муҳокамаларга сабаб бўлаётган мавзулардан биридир.

Ҳаётимизнинг ошқоралиги объектив тенденциядир. Хизмат кўрсатувчи провайдерлар, нафақат молиявий, балки биз ҳақимизда шунчалик кўп маълумот олишадикки, суғуртачилар томонидан масофавий мониторинг деярли кўринмас бўлади. Баин консалтинг компанияси томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, суғуртачилар (ҳаёт суғуртасидан ташқари) мижозлар маълумотларининг 40% дан кўпроғини рақамли шаклда оладилар. Шу билан бирга, кўпчилик мижозлар, агар бу тарифга таъсир қилса, уларга шахсий маълумотларни тақдим этишга тайёр. Масалан, Германияда 24-35 ёшдаги бундай мижозлар улуши 80 фоиздан ошади.

Рақамлаштириш инсон ҳаётининг кўплаб соҳаларига, жумладан харид қилиш ва саёҳат қилишдан тортиб, таълим ва банкка қадар кириб борди. Бироқ, суғурта камроқ "рақамлаштирилган" соҳалардан биридир [1]. Унинг технологик қоқоқлиги нафақат Ўзбекистон, балки бошқа ривожланаётган мамлакатлар бозорига ҳам хосдир. Ушбу мавзу доирасида хорижий

ривожаланган мамлакатларда ва Ўзбекистон суғурта бозорида қўлланилаётган “ақлли технологиялар”ни тадқиқ этиш асосий мақсад ҳисобланади.

Жаҳон суғурта бозорининг замонавий ривожланиш тенденцияси ақлли технологиялардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатлар суғурта бозорига назар ташлайдиган бўлсак, ақлли технологияларнинг суғурта бозорида фойдаланилаётганига гувоҳ бўламиз.

Ақлли суғурта жаҳонда кенг қўлланилаётган усуллардан бири бўлиб, у Big data, нарсалар интернет, маълумотларни тўплаш қурилмалари, симсиз технологиялар, виртуал ҳақиқатда маълумот тўплаш каби кўринишларда олиб борилади.

Ривожаланган мамлакатларда ушбу турдан автосуғуртада кенг фойдаланилади. Телематика ёки "ақлли" суғурта тоза автоуловчиларга суғуртани тежаш ва суғурталовчиларга ўз хатарларини яхшироқ бошқариш имконини беради. Махсус асбоб-ускуналар ёрдамида суғурталовчи ҳайдовчининг ҳайдаш услубини, автомобилнинг ҳақиқий юришини ва бошқа нуқталарни кузатиб боради, бунинг асосида полис нархи белгиланади. Европа ва АҚШда бу ёндашув "фойдаланишга асосланган суғурта" деб аталади. Strategy Meets Action тадқиқотига кўра, бугунги кунда Қўшма Штатлардаги автосуғурта компаниФяларининг қарийб 30 фоизи ўз мижозларининг ҳайдаш услубини кузатиш учун телематик тизимлардан (масофадан кузатиш) фойдаланади ва 2020 йилга келиб бу улуш 70 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, автомашиналарни суғурталашда телематика нафақат суғурталовчининг рискларини бошқариш ва ҳайдовчи учун полис нархини пасайтириш воситаси сифатида, балки умуман ўзаро муносабатларнинг қулайлигини яхшилаш воситаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, полисни сотиб олаётганда, техник кўрикдан ўтиш шарт эмас: АҚШ ва Буюк Британияда суғуртачилар автомобилни онлайн текширишади, маълумотлар базасидан маълумотларни олишади ва суғурта ҳодисалари мавжудлигини, техник кўриklar тўғрисидаги маълумотларни қўлга киритиш имконига эга бўлишади. Шахсий ҳисобда суғурта ҳодисаси ҳисоб-китоб қилинади ва тўлов ўтказилади.

Бу жараён ёки кўриниш автомобил суғуртасида телематик қўллашнинг фақат дастлабки босқичидир. Бундан ташқари, энг йирик интернет гигантлари Google, Apple, шунингдек, автомобил ишлаб чиқарувчилари сармоя киритаётган автоном автомобиллар ривожланиши билан телематика ва унга асосланган “ақлли” суғурта автомобил эгаси учун универсал ечим бўлади.

“Ақлли” технологиялар нафақат автомобил суғуртасида, балки кўчмас мулк суғуртасида (“ақлли” уй), тиббий суғурта (саломатликни масофавий баҳолаш учун гаджетлардан фойдаланиш)да ҳам қўлланилади. Масалан, Dissoreyг бир қатор хизматлар ва компанияга содиқлик дастури ёрдамида

ўз мижозларининг ҳаётини ўзгартириш имконига эга бўлди. Спорт билан фаол шуғулланадиган, чекмайдиган ва спиртли ичимликларни истеъмол қилмайдиган, тўғри овқатланадиганлар тиббий суғуртанинг компания томонидан тақдим этиладиган арзонроқ тарифларини олиш имконига эга бўлди.

Рақамлаштириш инсон ҳаётининг кўплаб соҳаларига, жумладан харид қилиш ва саёҳат қилишдан тортиб, таълим ва банкка қадар кириб борди. Бироқ, суғурта камроқ "рақамлаштирилган" соҳалардан биридир. Унинг технологик қолоқлиги нафақат Ўзбекистон, балки бошқа ривожланаётган мамлакатлар бозорига ҳам хосдир.

Рақамли суғурта паст харажатларни (шунинг учун сиёсат нархини пасайтириш имкониятини), индивидуаллаштиришни, вариантларни қулай онлайн бошқаришни ва маҳсулотлар тўпламини англатади. Қидирув тизимлари, алоқа операторлари ва банклар сингари суғурта компанияларининг ҳам унинг мижозлари ҳақида тўплам маълумотларга эга бўлишига олиб келади. рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда суғурта хизматларини танлашда суғурталовчиларнинг хатти-ҳаракатлари моделларининг ўзгариши суғурта компаниялари рақобатини биринчи ўринга харидорни танлаш учун эмас, балки фойдаланилаётган рақамли технологияда ўз хизматларини тавсия этиш даражаси учун фойдали бўлади.

Кўпгина суғуртачилар мижозларнинг соғлиғи ва турмуш тарзини кузатишга ёрдам берадиган фитнес билакузуклар ва бошқа ақлли қурилмалар маълумотларини кузатишни бошладилар. Мисол учун, Американинг John Hansosk Financial суғурта компанияси, агар мижоз муайян фитнес мақсадларига эришса, Fitbit ёки Appleдан бепул фитнес-трекерларни таклиф қилади.

Баъзилар ўз мижозлари тишларини қанчалик яхши ювишаётганини кузатиб борадилар. Хусусан, Beam Technologies суғурта компанияси чўткалаш давомийлигини назорат қилиш учун ақлли тиш чўткасидан фойдаланади ва агар у камида икки дақиқа бўлса, мижоз мунтазам равишда текин чўтка ва суғурта хизматларига чегирма олади.

Ушбу технологияларнинг барчаси суғурта компанияларига рискларни яхшироқ баҳолашга ёрдам беради, аммо бу суғурта истеъмолчилари учун ҳақиқий муаммо бўлиши мумкин. Мисол учун, ҳозирда Американинг Root Insuranse компанияси фақат ўз автомобилига кузатув мосламасини ўрнатган ва ўзини аниқ ҳайдовчи сифатида кўрсатган автомобил эгаларини суғурта қилади.

Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланиши тобора кўпроқ суғурта технологиясига таъсир этувчи, лекин унинг иқтисодий моҳиятини ўзгартирмайдиган рақамли иқтисодиётнинг янги турларини жорий этишга боғлиқ.

Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда суғурта хизматларини танлашда суғурталовчиларнинг хатти-ҳаракатлари моделларининг ўзгариши суғурта компаниялари рақобатини биринчи ўринга харидорни танлаш учун эмас, балки фойдаланилаётган рақамли технологияда ўз хизматларини тавсия этиш даражаси учун фойдали бўлади.

Omonov S.O' – tayanch doktorant, TMI

BANKLARNING INSTITUTIONAL INVESTORLAR SIFATIDA XALQARO KAPITAL BOZORIDAGI ISHTIROKI

Mazkur tezisdagi xalqaro kapital bozorida banklarning institutsional investor sifatida ishtiroki o'rganilgan. Xalqaro amaliyotda tijorat banklari va investitsion banklarning faoliyat xususiyatlari hamda investitsion banklarning xalqaro bozordagi ishtiroki tahlil qilingan. Mazkur o'rganishlar asosida mavzuga tegishli xulosalar va tavsiyalar berilgan.

Tayanch so'zlar: kapital bozori, institutsional investor, bank, investitsion bank, tijorat banklari.

В тезисе настоящего доклада исследуется участие банков в международных рынках капитала в качестве институциональных инвесторов. В международной практике проанализированы особенности деятельности коммерческих банков и инвестиционных банков, а также участие инвестиционных банков на международном рынке. На основании этих исследований даны выводы и рекомендации по теме.

Ключевые слова: рынок капитала, институциональный инвестор, банк, инвестиционный банк, коммерческие банки.

This thesis studies the participation of banks in global capital markets as institutional investors. The characteristics of the activities of commercial banks and investment banks, as well as the participation of investment banks in the international market are analyzed in international practice. Based on these studies, conclusions and recommendations on the topic are given.

Keywords: capital market, institutional investor, bank, investment bank, commercial banks.

Institutsional investorlarning eng yirik vakillaridan biri sifatida tijorat banklarning e'tirof etilishini inobatga olsak, "tijorat banklari emitent sifatida o'zlarining mablag'lari (ustav kapitali)ni va moliyaviy resurslarni jalb qilish maqsadida aksiyalarni, veksellar, depozit sertifikat yoki obligatsiyalarni muomalaga chiqaradi. Tijorat banklari qimmatli qog'ozlarni emissiya qilish barobarida dividendlar va foizlarni to'lash kabi qator operatsiyalarni bajarish majburiyatini oladi. Investor sifatida esa passiv operatsiyalar natijasida shakllantirilgan moliyaviy mablag'larining ma'lum qismini uzoq muddatli davr mobaynida daromad olish maqsadida moliyaviy instrumentlar sotib olishga

yo‘naltiradi”¹. Tijorat banklarining ushbu xususiyatlari sug‘urta kompaniyalari va investitsiya fondlariga ham xos hisoblanadi.

Kapital bozorida institutsional investorlar faoliyatining xorij tajribasini o‘rganishda banklar faoliyatini tahlil qilish ularning kapital bozoridagi ahamiyati va o‘rnini ochib berishga xizmat qiladi.



1-rasm. Investitsion banklar va tijorat banklarining farqli jihatlari²


Milliy amaliyotimizdan farqli ravishda aksariyat rivojlangan mamlakatlar amaliyotida banklar, asosan, tijorat banklari va investitsion banklarga bo‘linadi. Ularning faoliyat xususiyatlaridan kelib chiqqan holda bir qator farqli jihatlarni ajratib ko‘rsatishimiz mumkin (1-rasm). Ushbu jihatlar umumiy holda

¹ X.C.Тиллаев. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Т.: Тошкент молия институти, 2020. – 13 бет.

² Muallif tomonidan shakllantirilgan

ta'kidlangan bo'lib, ba'zi mamlakatlar amaliyotida xususiy hol sifatida investitsion banklar faoliyat xususiyatlari berilgan jihatlardan ko'ra farqlanishi mumkin. Masalan, berilgan rasmda investitsion banklar, odatda, kredit taqdim etmaydi, deb ta'kidlangan, biroq ba'zan ushbu amaliyot investitsion banklar tomonidan amalga oshirilishi ham mumkin. Bunda kreditlar turli investitsion banklar tomonidan korporatsiyalar va tijorat banklariga taqdim etilishi mumkin.

“Yevropa Ittifoqi va Yaponiya iqtisodiyotini yuqori darajada banklarga asoslangan iqtisodiyot sifatida keltirish mumkin, chunki Yevropada korporativ sektor uchun tashqi moliyalashtirishning 70-80 foizi banklar tomonidan amalga oshiriladi”¹.



2-rasm. Yetakchi xalqaro investitsion banklar daromadining xalqaro bozordagi ulushi (2021-yil dekabr holatiga)²

Yetakchi xalqaro investitsion banklari daromadining xalqaro bozordagi ulushini tahlil qiladigan bo'lsak, ushbu ro'yxatda JP Morgan investitsion banki 9.60% bilan yetakchilik qilayotganiga guvoh bo'lishimiz mumkin. Undan

¹ Carlos Martínez Sarnago. The banking sector and the capital markets: union creates strength. // Caixa Bank Research, 8 July, 2016. <https://www.caixabankresearch.com/en/sector-analysis/banking/banking-sector-and-capital-markets-union-creates-strength>

² <https://www.statista.com/statistics/271008/global-market-share-of-investment-banks/> - Statista xalqaro statistik ma'lumotlar taqdim etuvchi rasmiy veb-sayt ma'lumotlari

keyingi o‘rinlarni Goldman Sachs (9%) va Morgan Stanley (6.70%) egallagan (2-rasm).

Xulosa va tavsiyalar. Yuqoridagi tahlillar asosida shuni xulosa qilishimiz mumkinki, bugungi kunda banklar institutsional investorlar sifatida xalqaro kapital bozorida anchagina faol ishtirok etishmoqda. Milliy kapital bozorimizda banklar boshqa institutsional investorlar (sug‘urta kompaniyalari va investitsiya fondlari)ga nisbatan faolroq ishtirok etishayotgan bo‘lsa-da, umumiy holda aytishimiz lozimki, banklarning kapital bozoridagi faolligini oshirishda qilinishi zarur bo‘lgan ishlar ko‘p. Bunda ularning investitsion, emission va vositachilik faoliyatlariga alohida-alohida yondashish zarur.

*Ш.Аллаяров - и.ф.д., доцент
ТМИ “Менежмент ва маркетинг” кафедраси мудири*

МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ ИНТИЗОМИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНING ОМИЛЛИ ТАДҚИҚИ

Жаҳон миқёсида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ сиёсатининг ҳозирги замон талабларига мослашувчанлигини таъминлашнинг диққат марказида – айнан солиқ интизомини мустаҳкамлаш масаласи ётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий асосларининг шаклланишига ижобий таъсир этишнинг самарали усулларида бири - солиқ интизомини мустаҳкамлашдир. Жаҳон солиқ амалиёти, тараққий этган мамлакатларнинг солиққа тортишга оид бой ижобий тажрибалари билан қиёслаганда Ўзбекистон Республикасида замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими модернизацияси ва самарали солиқ маъмуриятчилигини шакллантириш ўзининг илк қадамларини қўяётганлиги, унинг тараққиёти иқтисодиёт раванқи учун муҳим механизм эканлиги солиқ тизимидаги шиддатли ислохотларнинг боришини, бу соҳага оид солиқ амалиётидаги тизимли ўзгаришларни реал баҳолашнинг катта аҳамиятини белгилайди. Бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислоҳининг алоҳида бир йўналиши сифатида солиқ интизомини мустаҳкамлаш мақсадида солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини ташкил этишга оид муносабатларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг тараққий этган давлатларида ҳозирги глобаллашув шароитида солиқ юкини камайтириш, солиқ турларини унификация қилиш ва солиқ ставкасини пасайтириш, солиқларни тўлаш ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишнинг электрон тизимини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, бизнесни юритиш учун қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яратиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳон солиқ амалиётининг

ривожланиш тенденцияларида солиқ интизомини мустаҳкамлашда инновацион иқтисодий ва рағбатлантиришга оид давлат чоралари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз солиқ тизими мураккаб ривожланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди ва бу борадаги ислохотлар изчил такомиллашиб бормоқда. Жумладан, истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз солиқ тизими давлат бюджети тақчиллигини камайтириш ва даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилиб, корхоналар фойдасига юқори ставкаларда солиқ солиниши белгиланган бўлса, солиқ ислохотларининг кейинги босқичларида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишини рағбатлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга ўтилди.

Мамлакатимизда солиқ тизимига асос солингандан кейин уни такомиллаштиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5116-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3802-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 320-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сон Қарори ва у асосида «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси», 2019 йил 26 сентябрь ПФ-3857-сонли «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йилдан амал қила бошлаган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси шулар жумласидандир.

Солиқ амалиётининг мазкур ҳуқуқий-меъёрий асосларида солиқ интизомига риоя этилиши – молиявий хавфсизликни таъминлашда ижобий рол ўйнашига алоҳида урғу берилган.

Молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомига риоя этилишининг зарурлиги, моҳияти ва омилларини ўрганиш ва бу борада илмий тадқиқотларни янада жонлантириш лозим шунингдек, молиявий хавфсизликни таъминлашнинг зарурлиги ва моҳиятининг назарий асосларини ва бу борада молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомига риоя этилишининг ҳолати ҳамда солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган солиқ тизими

модернизацияси мақсадларидан келиб чиқиб “солиқ интизоми”, “солиқ интизомини белгиловчи мезонлар” тушунчаларининг мазмуни иқтисодчи-олимлар ва ҳуқуқий-меъёрий асосларга таянган ҳолда назарий талқин этиш ва иқтисодий системология қоидаларига асосланиб тизим сифатида унинг зарурий элементлари илмий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, молиявий хавфсизликни таъминлаш ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади, чунки мамлакатнинг мустақиллиги ва халқаро миқёсдаги ўрни унинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқдир. Иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражаси эса, молиявий хавфсизликни таъминлаш даражаси билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг замонавий ривожланиш босқичида иқтисодий ривожланишнинг зарурий омилларидан биридир.

*Собиров И.Х. - СамДАҚИ доценти
Носиров М.Н. - магистрант СамДАҚИ*

ТАҚҚОСЛАНМА ЁНДАШУВ АСОСИДА БИЗНЕС (КОРХОНА) ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлили кўриб чиқилган. Қиёсийлик мезонлари таркиби баҳолаш шартлари ўрганилган. Бизнесни баҳолаш бўйича маълумотларга асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сузлар: таққосланма ёндашув, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, мультипликатор, сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид капиталлаштириш соф фойда.

Abstract: This article analyzes the economic consequences of expanding the revenue base of the state budget and the fact that property taxation plays an important role in increasing the competitiveness of property and creating a tax base.

Keywords: local tax, market value of property, real estate, cadastral value, personal card, tax items.

Қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлиliga асосланади. Қиёсий ёндашув доирасида капитал бозори усулидан ва битимлар усулидан фойдаланганда баҳоловчи камида учта ўхшаш корхонани танлаб олиши лозим. Таққослаш учун ўхшаш корхоналарни танлашда қиёсийлик мезонлари таркиби баҳолаш шартлари ва зарурий ахборот мавжудлиги билан белгиланади.

Куйидагилар баҳоловчи ҳисобга олиши лозим бўлган асосий мезонлар ҳисобланади:

Баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналар бир тармоққа мансублиги;
миқдор жиҳатидан қиёсийлик, сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид капиталлаштириш ва бошқа кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин;

даромадларнинг ўсиш суръатлари жиҳатидан қиёсийлик.

Баҳолаш объектининг бозор қийматини қиёсий ёндашув усуллари билан аниқлаш учун куйидаги формула бўйича ҳисобланадиган мультипликаторлар қўлланилади:

$$M = \frac{H}{K}, \text{ бу ерда:}$$

M – мультипликатор;

H – ўхшаш корxonанинг сотув нархи (ёки қийматни белгиловчи ўзга асос);

K – корхона фаолиятини тавсифлайдиган молиявий, ишлаб чиқаришга оид ёки моддий кўрсаткич. Тегишинча, баҳолаш объектининг нархи молиявий кўрсаткични тегишли мультипликаторга кўпайтириш йўли билан аниқланиши мумкин:

$$H = M * K$$

Мультипликаторлар умуман корхона бўйича ёки бир акцияга нисбатан ҳисобланиши мумкин.

Бизнесни баҳолашда мультипликаторларнинг куйидаги асосий турларидан фойдаланилади:

нарх/даромад (фойда, пул оқими);

нарх/дивидендлар. Бу мультипликатор амалда тўланган дивидендлар асосида ёки бундай тўловларга хос бўлган ўхшаш корхоналар бўйича соф фойдага нисбатан фоиз ҳисобида ўлчанадиган эҳтимол тутилган дивиденд тўловлари асосида ҳисобланади;

нарх/реализациядан келган тушум;

нарх/ишлаб чиқариш физик ҳажми;

нарх/хусусий капитал (соф активлар)нинг баланс қиймати.

Баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналарнинг хусусиятларига қараб баҳоловчи бошқа турдаги мультипликаторларни қўллаши ҳам мумкин.

Баҳолаш объектини баҳолаш учун ўринли бўлган мультипликаторларнинг танланишини асослаш ва ҳисоблаш таомилининг тавсифи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши лозим.

Баҳолаш объектининг бозор қиймати қиёсий ёндашув ёрдамида мультипликаторларнинг танланган қийматларини баҳолаш объектининг тегишли молиявий ёки бошқа кўрсаткичларига кўпайтириш орқали олинган натижаларни мувофиқлаштириш ва якуний тузатишлар киритиш йўли билан аниқланади:

агар қийматни белгиловчи асос сифатида инвестицияланган капитал қиймати олинган бўлса, узоқ муддатли қарзлар айириб ташланади;

хусусий айланма капиталнинг тақчиллиги айириб ташланади (ортиқча айланма капитал қўшилади); даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активларнинг (агар улар мавжуд бўлса) бозор қиймати қўшилади;

одатдаги харидор учун жалб қилувчан бўлмаган ишлаб чиқариш диверсификацияси мавжуд бўлса, пул оқимртфелли чегирма айириб ташланади;

ёпиқ корхона акциялари фонд бозорида котировка қилинадиган ўхшаш корхоналар бўйича баҳоланган ҳолда, ликвидлик учун чегирма айириб ташланади;

мулкнинг баҳоланаётган улуши унинг ўхшашлари билан таққослаганда берадиган назорат қилиш имконияти даражасига қараб, назоратнинг йўқлиги учун чегирма айириб ташланади ёки назорат учун мукофот қўшилади.

«Қурилишресурс» МЧЖ қийматини таққосланма ёндошув асосида аниқлаш учун учта ўхшаш объект танлаб олинди, уларнинг ҳар бири баҳоланаётган корхонага максимал яқиндир. Яъни - «Инфрастрой» МЧЖ, «Альтера» МЧЖ, «Стройсервис» МЧЖ.

Жадвал 1

Таққосланма ёндошувда ўхшаш объектлар классификацияси

Тавсифноманинг номланиши	1 ўхшаш	2 ўхшаш	3 ўхшаш	Баҳолан аётган объект
Корхонанинг номланиши	МЧЖ «Инфрастрой»	МЧЖ «Альтера»	МЧЖ «Стройсервис»	МЧЖ «Қурилишресурс»
Тушум, минг сўм.	22500	18000	25300	24 875
Соф фойда, минг сўм	1450	1230	1690	1074
Жойлашиши	марказ	Марказ	Марказ атрофи	Саноат зонаси
Баҳолаш муддати	Декабрь 2020 й.	Декабрь 2020 й.	Декабрь 2020 й.	Декабрь 2020 й.
Корхонанинг қиймати, минг сўм	13500	10700	15000	

Ҳар бир корхона учун қуйидаги формула ёрдамида мультипликаторни ҳисоблаймиз:

$$M = Q / CF,$$

Буерда, M – мультипликатор,
 Q – корхона қиймати,
 CF – соф фойда.

$$M_1 = 15\,000 / 1\,690 = 8,9$$

$$M_2 = 10\,700 / 1\,230 = 8,6$$

$$M_3 = 13\,500 / 1\,450 = 9,3$$

Ўртача арифметик мультипликаторни ҳисоблаймиз:

$$M = \frac{8,9 + 8,6 + 9,3}{3} = 9,0$$

Корхона қийматини қуйидаги формула билан ҳисоблаймиз:

$$\text{Нарх} = \text{ЧП} * M$$

$$\text{Нарх} = 1\,074\,357 * 9,0 = 9\,669\,213 \text{ минг сўм.}$$

Корхонанинг бозор қиймати таққосланма ёндошув бўйича 9 669 213 минг сўмни ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Оценка бизнеса»: Учебник под ред. А.Г. Грязновой, М.А. Федотовой -М.: «Финансы и статистика», 2010.-736с.
2. «Оценка бизнеса»: Учебник для вузов под ред. В. Есипова, Г. Маховиковой, В.Тереховой - С-П.: «Питер», 2013-415с.
3. «Оценка стоимости предприятия (бизнеса)»: Учебник под ред.Н.А. Абдуллаева, Н.А. Колайко М.: «ЭКМОС», 2010-662с.
4. «Международные стандарты оценки» под ред. Г.И.Микерина, М.И.Недужной, Н.В.Павлова, Н.Н.Яшина- М.: «Новости», 2009г.кн.1-248с,кн.2-357с.
5. «Оценка недвижимости»: Учебник под ред. А.Г.Грязновой, М.А.Федотовой.- М.: Финансы и статистика,2012.-496с.
6. «Финансовый анализ в аудите: Теория и практика».: под ред. Нитецкого В.В., Гаврилова А.А.-М.:Дело, 2010.

*Авлокулов А. - ТМИ профессори, и.ф.д.
Мавланова Д. - ТМИ магистранти*

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мазкур мақолада молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш масалалари кўриб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра молиявий натижалар ҳисобининг ахборот таъминотини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, даромад, харажат.

В данной статье рассматриваются вопросы учета финансовых результатов по международным стандартам. По результатам исследования разработаны рекомендации по улучшению информационного обеспечения финансовых результатов.

Ключевые слова: финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, отчет о финансовых результатах, доход, затраты.

In this article discusses the issues of accounting for financial results according to international standards. Based on the results of the study, were developed recommendations to improve the information support of financial results.

Key words: financial statement, international financial reporting standards, income statement, income, expenses.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий мақсади ижобий молиявий натижага эришиш, яъни максимал даражада фойда олишдир. “2018 йил якунларига кўра дунёнинг энг йирик 10 та компаниясининг йиллик соф фойдаси 312,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган”. Бу эса, дунёнинг ўнлаб мамлакати ялпи ички маҳсулотидан кўпдир. Эътиборли жиҳати, ана шу 10 та компаниянинг барчасида молиявий натижалар ҳисоби ва аудити халқаро стандартлар талаби даражасида ташкил қилинган. Шу ҳолат компанияларда молиявий натижалар ҳисоби ва аудити тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотларни олиш ва муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиб берган. Бу шундан далолат берадики, халқаро бозорга чиқиш хорижий ҳамкорларнинг молиявий натижалар ҳисоби ва аудити хусусиятларини аниқлаш, уларда молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини қўллашни тақозо этади. Шунинг учун айни пайтда бутун дунёда молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишга эътибор қаратилмоқда. Ваҳоланки, жаҳоннинг кўпгина давлатлари фонд биржаларида акциялари жойлаштирилган компаниялардан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш талаб этилади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, жаҳон мамлакатларида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ана шу тадқиқотларда даромад ва харажатларни тан олиш, турли баланс

назарияларида молиявий натижаларни шакллантириш, бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларни турли концепциялар бўйича акс эттириш, молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириш, молиявий натижалар аудитида таҳлилий амалларни қўллаш, рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш масалалари ўз ечимини топган. Эътироф этиш жоизки, тадқиқотлар йўналишида айни пайтда даромад ва харажатларни таснифлаш, ялпи даромад тўғрисида ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш, молиявий натижалар юзасидан ҳисоб ахборотларининг ишончилигини ошириш, рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш, аудиторлик текширувларида муҳимлик ва риск даражаларини қўллаш, молиявий натижалар аудити сифатини оширишни такомиллаштиришга эришилган. Лекин, молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Хўжалик юритувчи субъектда иқтисодий самарага эришиш, уни ривожлантиришдаги муҳим вазифа операция, молиявий ва инвестиция фаолиятида раҳбарият томонидан даромад ва харажатларни самарали бошқариш усулларини эгаллаши зарур. Фойда шаклланишини самарали бошқариш бошқарув жараёнининг ташкилий-услубий тизимини яратиш, фойда шаклланиши жараёнининг асосий механизмларини билиш, уни таҳлил ва назорат қилишда замонавий усуллардан фойдаланишни кўзда тутади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклланишининг муҳим жиҳати унда акс эттириладиган фойдаланувчилар эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган кўрсаткичларнинг миқдоридир. Ушбу кўрсаткичлар миқдорининг кўпайиши фойдаланувчиларга кўпроқ маълумот беради, шу билан бирга уларнинг юзага келиш шартлари очиб берилади. Кўрсаткичлар миқдорининг камайиши уларни ўқишга қулай бўлади, аммо камроқ ахборот бериб, фойда ва зарарларнинг шаклланиш шартларини тўлиқ очиб бермайди.

Бугунги кунда ахборотлар шаффофлиги ва барча учун мақбулликка эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тузилиши фаолият турлари бўйича даромад ва харажатларнинг таснифланишига асосланади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари шаклланишига бўлган ушбу ёндашув барча ривожланган мамлакатларга хосдир. Аммо ҳисобот шаклланишидаги асосий масала тақдим этиладиган кўрсаткичлар ҳажмидир.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш жараёнини такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Молиявий натижалар нафақат бухгалтерия ҳисобида, балки бутун хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобида аниқланса, таҳлил ва назорат тизимида таҳлил қилинади. Бошқарув тизимида эса бошқарув қарорлари молиявий натижалар кўрсаткичлари асосида қабул қилинади. Самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда молиявий натижаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри аниқлаш зарур.

2. Маълумки, бухгалтерия ҳисобининг асосий функцияларидан бири ахборот билан таъминлашдир. Молиявий натижалар ҳисоби ахборотлари хўжалик юритувчи субъект бошқарувини ҳисоб-таҳлилий маълумотлар билан таъминлашнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади, молиявий ҳисоботда тақдим этилган молиявий натижалар кўрсаткичлари эса турли фойдаланувчилар гуруҳлари учун бошқарув қарорлари қабул қилишда асос сифатида хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар беқарорлик ва ноаниқлик ҳолатида, даврий ўзгаришлар таъсирида ишлашига тўғри келади. Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётига интеграция ва глобаллашув жараёнлари улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтирган ва ўзаро муносабатларни мураккаблаштирган ҳолда халқаро муносабатлар қатнашчилари сонини оширишга олиб келиши муқаррар. Шу тариқа хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш борасида ахборот-таҳлилий таъминот тизимини иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги шароитларига мослаштириш зарур.

Республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни тақозо этмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини қўллаш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шу боис, молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштиришда жаҳон миқёсида 2018 йил 1 январдан амалиётда қўлланила бошлаган “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХС талабларидан кенг фойдаланиш даркор. Мазкур стандарт даромадларни тан олиш ва уларни баҳолаш борасида янгича ёндашувларни илгари сурмоқда. Мазкур стандарт талабларини кенг қўллаш хорижий инвесторлар учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини тўғри талқин қилиш ҳамда фойда ва зарарлар хусусида аниқ маълумот олиш имконини кенгайтиради.

А.Авлокулов - ТМИ, “Аудит” кафедраси профессори, и.ф.д.

Ф.Юлдашев - ТМИ магистранти

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРЛИГИ

Мазкур мақолада аудитнинг халқаро стандартлари асосида таҳлилий амалларни қўллаш йўналишлари очиб берилган. Шунингдек, аудитни

режалаштириш, далилларни тўплаш ва аудиторлик хулосасини шакллантиришда таҳлилий амалларнинг аҳамияти ёритилган. Тадқиқотлар натижасида таҳлилий амалларни қўллаш кетма-кетлиги тавсия этилган.

Таянч сўзлар: аудитнинг халқаро стандартлари, таҳлилий амаллар, аудитни режалаштириш, аудиторлик далиллар, аудиторлик хулосаси.

В данной статье рассматриваются направления применения аналитических процедур на основе международных стандартов аудита. Также освещается важность аналитических процедур при планировании аудита, сборе доказательств и формировании аудиторского заключения. В результате исследования была рекомендована последовательность применения аналитических процедур.

Ключевые слова: международные стандарты аудита, аналитические процедуры, планирования аудита, аудиторские доказательства, аудиторское заключение.

MAHALLIY BYUDJETLAR DAROMADLARINI TARTIBGA SOLISH MEKANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

Annotatsiya: Mahalliy byudjet daromadlari mahalliy va umumdavlat soliqlari hisobiga shakllanadi. Umumdavlat soliqlarining mahalliy byudjetlarga ajratiladigan qismi har yili qabul qilinadigan qonun va me'yorlar asosida amalga oshiriladi.

Kalitli so'zlar: O'zbekistonda mahalliy byudjetlar daromadlari barqarorligini ta'minlash borasida amalga oshirilayotgan islohotlarga ko'maklashuvchi ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar, mahalliy byudjetlar daromadlarining iqtisodiy mohiyati, mahalliy byudjetlar daromadlarini tartibga solish mexanizmlari.

Аннотация: Доходы местных бюджетов формируются за счет местных и государственных налогов. Часть общегосударственных налогов, отчисляемая в местные бюджеты, определяется ежегодно принимаемыми законами и нормами.

Ключевые слова: Научные предложения и практические рекомендации по поддержке проводимых в Узбекистане реформ по обеспечению устойчивости доходов местных бюджетов, экономическая значимость доходов местных бюджетов, механизмы регулирования доходов местных бюджетов.

Annotation: Local budget revenues are formed at the expense of local and state taxes. The part of the state taxes allocated to local budgets is based on the laws and norms adopted annually.

Keywords: Scientific proposals and practical recommendations to support the ongoing reforms in Uzbekistan to ensure the sustainability of local budget revenues, the economic significance of local budget revenues, mechanisms for regulating local budget revenues.

Mahalliy soliqlar va soliqsiz daromadlar mahalliy byudjet xarajatlarini qoplash uchun etarli emas, mahalliy byudjet daromadlarining asosiy qismini boshqariladigan daromadlar hisobiga ta'minlanadi. Bu soliqlar bo'yicha ajratiladigan me'yorlar soliqlar va hududlar bo'yicha tabaqalashtirilgan bo'ladi va har yili hukumat qarori asosida qayta ko'rib chiqiladi. O'zbekistonda bu me'yorlarning yildan-yilga oshib borishini kuzatishimiz mumkin. Buni mahalliy byudjet xarajatlarini shu hududdan tushadigan soliqlar hisobiga qoplash va yuqori byudjetlardan quyi byudjetlarga transfertlar hajmini kamaytirish zaruriyati bilan izohlashimiz mumkin. Chunki, soliq bazasining yuqoriligi me'yorlarni past belgilashga sabab bo'ladi. Mahalliy byudjetlarning daromadlarini mustahkamlash borasida mahalliy hukumatning soliq undirish va soliq bazalarini kengaytirishga bo'lgan qiziqishlarini rag'batlantirishni oshirish, ya'ni ortiqcha undirilgan soliqlarning mahalliy byudjetlarga tushadigan qismini oshirishni yo'lga qo'yish yaxshi samara beradi.

Mahalliy byudjetlarning daromadlarini mustahkamlash hozirgi byudjet islohatlarining asosiy yo'nalishi hisoblanmoqda. Bu borada mulkni, erni va tabiiy resurslarni soliqqa tortish asosiy rol o'ynaydi. Keyingi samarali manba bo'lib, jismoniy shaxslar daromad soliqlarini uzoq muddatga mahalliy byudjetlarga biriktirib qo'yish hisoblanadi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarda davlatning iqtisodiyotga aralashuvini qisqartirish, iqtisodiyotda davlat boshqaruvini markazlashtirishni cheklash hamda bu boradagi vazifalarning bir qismini respublikadan viloyat, tuman darajasiga o'tkazishga asosiy e'tibor qaratilmoqda, buning natijasida ko'pgina vakolatlar mahalliy o'z-o'zini boshqarish organlariga navbatma-navbat o'tkazilib borilmoqda. O'tgan davrda bu sohada ko'p ishlar amalga oshirildi, biroq sohada kelgusida hal etilishi zarur bo'lgan ko'plab masalalar mavjud. Bu borada Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning "mahalliy hokimiyat organlarining vakolat va mas'uliyatini qayta ko'rib chiqishimiz, ularning mustaqilligini yanada oshirishimiz lozim"¹ degan fikrlari so'zimizni tasdiqlaydi.

Mustaqillik davrida fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish institutining respublikamizga xos bo'lgan noyob shakli bo'lgan mahallalarga bir qancha moliyaviy vakolatlarning berilishi, jumladan bolali oilalarga nafaqalar,

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2018-yil 28-dekabrda "2019-yilda mamlakatimizni rivojlantirishning eng muhim ustuvor vazifalari to'g'risida"gi Parlamentga Murojaatnomasidan

onalarga nafaqalar yoki moddiy yordamlarning mahallalar tomonidan tayinlanishi ijtimoiy nafaqalar manzilliligini ta'minlash imkonini bermoqda. Mahalliy byudjetlar xarajatlarining asosiy qismi ijtimoiy sohaga ajratilayotganligi mazkur soha rivojida muhim o'rin egallamoqda, lekin shu bilan birga davlatimiz rahbari tomonidan "hududlarni barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni moliyalashtirish uchun mahalliy byudjetlarning mablag'lari yetarli emasligi"¹ qattiq tanqid qilindi.

Amalga oshirilayotgan bunday islohotlar markazlashgan byudjetdan amalga oshiriladigan xarajatlarning bir qismini quyi byudjetdan amalga oshirilishini obyektiv zaruriyat qilib qo'ymoqda, chunki mahalliy o'z-o'zini boshqarish organlari vakolatlarining kengayishi ular xarajatlarini oshishiga olib kelmoqdaki, bu o'z navbatida mahalliy byudjet daromad manbalarini oshirishni davr talabi darajasiga chiqarmoqda.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar, hududlarni kompleks va mutanosib ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha tadbirlarni amalga oshirilishi byudjet tizimi, jumladan mahalliy byudjetlar ahamiyatini yanada oshiradi. Mahalliy byudjetlar umumdavlat ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarini amalga oshirishda, birinchi navbatda, davlat mablag'larini taqsimlash va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega. Ular mahalliy hokimiyatlarning faoliyat ko'rsatishlarida asosiy moliyaviy manba bo'lib, davlatning ijtimoiy-iqtisodiy siyosatini joylarda amalga oshirishda asosiy rolni o'ynaydi. Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan yanada rivojlantirish bo'yicha tadbirlarning samarasi mahalliy byudjetlarning moliyaviy barqarorligiga bog'liqdir. Mahalliy byudjetlar daromadlari asosan mahalliy soliqlar va boshqa majburiy to'lovlar, belgilangan normativlarga muvofiq umumdavlat soliqlari, bozorlardan tushadigan daromadlar hamda boshqa daromadlar hisobidan shakllantiriladi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining respublika byudjetidan ajratiladigan subvensiyalar, o'tkazib beriladigan daromadlar va dotatsiyalar mahalliy byudjetlarining daromadlari hisoblanadi. Shu bilan birgalikda suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq, tadbirkorlik faoliyatining ayrim turlari bo'yicha qat'iy belgilangan soliq, O'zbekiston Respublikasida ishlab chiqariladigan pivo va o'simlik yog'i uchun aksiz solig'i mahalliy byudjetlar daromadlariga o'tkazib beriladi.

O'z navbatida Respublika va mahalliy byudjetlar o'rtasidagi munosabatlarni, ularning o'zaro bog'liqligini yanada takomillashtirish, shubhasiz hududlarni iqtisodiy rivojlantirish ular o'rtasidagi iqtisodiy nomutanosiblikka mumkin qadar barham berishdan iborat. Zero, 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish borasida qabul qilingan "Harakatlar strategiyasi"da ham xarajatlarning ijtimoiy yo'naltirilganini saqlab qolgan holda Davlat byudjetining barcha darajalarida mutanosiblikni ta'minlash, mahalliy byudjetlarning daromad qismini mustahkamlashga

1 Sh.M.Mirziyoyev. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent. "O'zbekiston", 2017 y. 576. 31-bet.

qaratilgan byudjetlararo munosabatlarni takomillashtirish¹ masalasi mamlakatni iqtisodiy rivojlantirish borasida muhim ahamiyat kasb etadi.

Shunga ko'ra, qayd etilgan masalalar bo'yicha tarmoqlar va mintaqalarni barqaror rivojlantirish hisobiga ijtimoiy muammolarning hal etilishini ta'minlovchi mahalliy byudjetlarning daromad manbaini kengaytirish bo'yicha 2017 yil davomida amalga oshiriladigan chora-tadbirlar dasturlari tayyorlanishi va ular asosida mintaqalarning ishlab chiqarish salohiyati kengaytirilishi, mahalliy byudjetlar daromadlarini oshirish va alohida viloyatlar va tumanlarning subvensiyalanishini kamaytirish bo'yicha 2017 - 2021 yillarga mo'ljallangan dasturlar amalga oshirilishi rejalashtirilgan. Shuningdek, byudjet xarajatlarini yanada optimallashtirish, shaharlar va tumanlarning subvensiyalanishini kamaytirish, fiskal nomarkazlashtirish jarayonlarini chuqurlashtirishga qaratilgan normativ-huquqiy hujjatlar tayyorlanishi rejalashtirilgan. Zero, prezidentimiz bu borada "har bir tuman va shaharda, respublika ahamiyatiga molik yirik korxonalar hissasini e'tiborga olmagan holda, soliqqa tortish bazasini kengaytirish bo'yicha amaliy chora-tadbirlarni ishlab chiqish hisobidan Qoraqalpog'iston Respublikasi va Toshkent viloyatining barcha tumanlarini subvensiyadan chiqarishni so'zsiz ta'minlash kerak. Bu yil boshqa hokimliklar va tegishli organlar uchun ham subvensiyadan qutilish masalasida sinov yili bo'ladi"² - deya ta'kidlab o'tganlar.

Yuqoridagi mazkur holatlar mahalliy byudjetlarning daromad bazasini mustahkamlashning oqilona yo'llarini izlab topishni taqozo etadi. Bu borada mahalliy byudjetlarga tushumlarning yangi manbalarini qidirib topish, soliqqa tortiladigan bazani kengashtirish va mavjud soliq tushumlari asosini takomillashtirish bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlarning samaradorligini yanada oshirish lozim bo'ladi. Bugungi kunda mahalliy byudjetlarning daromad qismini mustahkamlash, tushumlar miqdorini yanada oshirishga salbiy ta'sir qiluvchi ayrim muammoli masalalar ham mavjudki, ularning qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin bo'ladi:

Birinchi, hududlarda aholi tomonidan yerlardan noqonuniy (tegishli hujjatlarsiz), o'zboshimchalik bilan foydalanish, o'ziga tegishli bo'lmagan yerlarni qo'shib olish, yerlardan me'yordan ortiq foydalanish, yangi qurilgan turar va noturar joylarni o'z vaqtida davlat kadastr ro'yxatidan o'tkazmaslik, ularni baholatmaslik, tegishli tartibda davlat ro'yxatidan o'tmasdan tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanish, yollanma ishchilardan hujjatsiz foydalanish kabi holatlar mahalliy byudjetga soliq to'lovchilar soni, ular tomonidan to'lanadigan

¹2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar Strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni I-ilova

²O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2017 yil 14 yanvar kuni mamlakatimizni 2016-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruzasi. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. T.: Xalq so'zi. 2017 yil 16 yanvar.

mahalliy soliqlarning miqdori va soliqqa tortiladigan ba'zasinining kengayishiga teskari ta'sir qiladi.

Ikkinchidan, joylarda dehqon va mol bozorlarida bo'sh savdo o'rinlaridan oqilona foydalanilmaslik, bozor ma'muriyati tomonidan sotuvchi va xaridorlarga ko'rsatiladigan pullik xizmatlarning yetarli darajada emasligi, mavjud imkoniyatlar (tarozi, arava va b. ijarga berish)dan to'laqonli foydalanilmaslik mahalliy byudjetlarning bozorlardan tushadigan daromadlari miqdoriga ta'sir qilmoqda.

Uchinchidan, har bir hududda mavjud tabiiy, mineral-xomashyo resurslar oqilona foydalanilmaslik hamda ular negizida tadbirkorlik faoliyatini tashkil etishga bo'lgan targ'ibot tadbirlarining sustligi, aholining mavjud tomorqalaridan samarali foydalanish, uning negizida dehqonchilik va chorvachilik bilan shug'ullanish bo'yicha yetarli bilim, ko'nikma va malakalarga ega emasligi hamda ushbu faoliyatlarni amalga oshirish jarayonida zarur bo'lgan xizmatlarni ko'rsatuvchi infratuzilma ob'ektlarining hududlarda yetarli darajada emasligi, hududlarning investitsiya salohiyati hamda investitsiya kiritish lozim bo'lgan sohalar bo'yicha investorlarning to'laqonli ma'lumotga ega emasligi hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga, mavjud salohiyatdan samarali va optimal foydalana olmaslik mahalliy byudjetlarni subvensiyalanishini kamaytirishga, shuningdek daromadlarini oshirishga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

Bizning fikrimizcha, mahalliy byudjetlar daromadlarini tartibga solish mexanizmlarini aniqlash va uning mohiyatini hisobga olish bo'yicha yuqoridagi yondashuvlarning barchasi bitta umumiy afzalliklarga ega barcha mualliflar mahalliy byudjetni mahalliy hokimiyat organlariga yuklatilgan vazifalar to'plami va ularni qondirish uchun ularning ixtiyoridagi mablag'lar to'plami deb hisoblashadi. O'ylaymizki, bu takliflar O'zbekistonda mahalliy byudjetlar daromadlarini tartibga solish mexanizmlarini shakllantirish, takomillashtirishda muhim yechim bo'la oladi

Nurboboeva. N.M.

TMI, DMXM-1k guruh magistranti

Xamdamov. Sh.K.

TMI, "Moliya" kafedrası i.f.n., dotsenti

O'ZBEKISTONDA MOLIYA BOZORINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MUAMMOLARI

Annotatsiya: Maqolada moliya bozorini rivojlantirishi, lizing, sug'urta, qimmatli qog'ozlar bozori kabi xizmat turlari yo'lga qo'yilib, ular tobora takomillashtirilmoqda. Bunda, ayniqsa, sohadagi munosabatlarni tartibga soluvchi qonunchilik bazasi yaratilgani muhim ahamiyat kasb etayapti, moliya bozorini rivojlantirishning yanada kengaytirish takliflari batafsil yoritilgan.

Kalit soʻzlar: moliya bozorining mohiyati, moliya bozorining iqtisodiyotdagi oʻrni, qimmatli qogʻozlar bozori va uning turlari, fond birjasining tarkibiy tuzilishi, fond birjasi faoliyati va savdo koʻrsatkichlari, fond birja faoliyatida indekslari, moliya bozorini yanada rivojlantirish boʻyicha amaliy tavsiyalar.

Аннотация: Статья посвящена развитию финансовых рынков, лизинга, страхования, рынка ценных бумаг и других услуг, которые постоянно совершенствуются. В связи с этим особенно важно создание законодательной базы, регулирующей отношения в сфере, детализирующей предложения по дальнейшему развитию финансового рынка.

Ключевые слова: сущность финансового рынка, роль финансового рынка в экономике, рынок ценных бумаг и его виды, структура фондовой биржи, биржевая деятельность и торговые показатели, индексы биржевой активности, дальнейшее развитие финансового рынка. рыночные практические рекомендации.

Annotation: The article focuses on the development of financial markets, leasing, insurance, securities market and other services, which are constantly improving. In this regard, it is especially important to create a legislative framework governing relations in the field, which details the proposals for further development of the financial market.

Keywords: the essence of the financial market, the role of the financial market in the economy, the securities market and its types, the structure of the stock exchange, stock exchange activity and trading indicators, stock exchange activity indices, further development of the financial market practical recommendations.

Iqtisodiyotni modernizatsiya qilish va innovatsion rivojlantirish yirik hajmda investitsiyalarni talab qiladi. Mazkur jarayonda qimmatli qogʻozlar bozori muhim rol oʻynaydi, yaʼni, jamgʻarmalarni investitsiyalarga transformatsiya qiladi va iqtisodiyot tarmoqlariga investitsiya kiritishga imkoniyat yaratadi. Qimmatli qogʻozlarni birlamchi va qayta sotish boʻyicha barcha operatsiyalar asosan fond birjasi orqali amalga oshiriladi. Fond birjasining uzluksiz ishlashi, kapitallashuv darajasi va aylanma hajmi yuqoriligi hamda muomaladagi instrumentlarning likvidliligi mamlakat qimmatli qogʻozlar bozori rivojlanishini belgilab beradi. Shuningdek, fond birjasining rivojlanishi, xalqaro miqyosda integratsiyalashuvi mamlakat iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishga koʻmaklashadi. Shuning uchun ham, taraqqiy etgan mamlakatlarda fond birjasining rivojlanishiga alohida eʼtibor qaratiladi.

Taʼkidlash joizki, Oʻzbekistonda moliya bozorini shakllantirish va uni rivojlantirishga katta eʼtibor qaratilib, hozirda uning samarali faoliyat koʻrsatishi uchun davlat tomonidan tegishli meʼyoriy-huquqiy asos va iqtisodiy shart-sharoitlar yaratilgan boʻlishiga qaramasdan, milliy fond bozorimiz rivojlanishida

jiddiy o'zgarishlar kuzatilmayapti. Maskur muammolar moliya bozorini rivojlantirishni ilmiy jihatdan chuqurroq o'rganishni taqazo etadi.

Davlat qimmatli qog'ozlari bozorida asosiy e'tibor dilerlar o'rtasida raqobatni kuchaytirishga hamda birlamchi va ikkilamchi bozorlarda daromadlilikni barqarorlashtirishga qaratiladi.

Hozirgi kunda investitsiya vositachilari faoliyatini rivojlantirishdagi eng muhim vazifalar quyidagilardan iborat: investitsiya vositachilarini zamonaviy bozor to'g'risidagi bitimlar, mavjud fond bozordagi yangiliklar bilan ta'minlashga erishish; viloyatlardagi fond birja filiallarida xizmat qiluvchi xodimlarni malakasini oshirish yuzasidan maxsus kurslarni tashkil etish va ularni zamonaviy axborot texnologiyalari bilan ishlash malakalarini oshirish; O'zbekistonda amalda bo'lgan Tasiks ideksini hisoblanishi bo'yicha to'liq ma'lumotlar bilan ta'minlash; Investitsiya vositachilari orqali tashkil etilayotgan bitimlar bo'yicha savdo-sotiqnlarni elektron axborot tizimiga o'tkazish, elektron imzoni joriy qilish. Bu borada Axborot Tahlil Markazini investorlarga fond bozorida ma'lumotlarni taklif etishdagi faoliyatini jonlantirish va fond bozori axborotlari bo'yicha investitsiya vositachilarni ta'minlashda qo'yilayotgan narxlarni stavkalarini pasaytirish zarur, bu esa fond bozordagi operatsiyalar sonini va xajmini oshishiga olib keladi. Investitsiya vositachilarini nobirjaviy operatsiyalarda qatnashishlarini joriy qilish, ularni birjadan tashqari bozorlardagi savdolarda vositachi sifatida ishtirok etishlarini ta'minlash ham bu faoliyatni kengayishiga sabab bo'ladi. Korxonalar va tashkilotlarni listingga kirishi uchun qo'yiladigan talablarni yanada soddalashtirish lozim. Aktsionerlik jamiyatlarini moliyaviy faoliyati haqida kerakli ma'lumotlarni va zaruriy xujjatlarni investitsiya vositachilariga emitentlar o'z vaqtida taqdim etilishi zarur. Bunda axborotlarni tez almashinuvi ta'minlanadi va bitimlarni tuzish ishlari tezlashadi va investitsiya vositachilarini ish faoliyatlarini samarali bo'lishi ta'minlanadi.

O'zbekiston uchun iqtisodiy o'sishning barqarorligini ta'minlash, iqtisodiyotni modernizatsiya qilish va unga katta hajmlarda strategik va portfel investitsiyalarni jalb qilish dolzarb muammo bo'lganligi sababli va ushbu vazifani fond birjasi etarlicha bajara olmayotgani ushbu tizimni yanada rivojlantirish bo'yicha nazariy tavsiyalar, amaliy takliflar va tegishli choralar ishlab chiqilishini taqazo etadi.

Mamlakatimizda qimmatli qog'ozlar bozori barcha rivojlanayotgan fond bozorlari kabi katta qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Ulardan birinchisi qimmatli qog'ozlarning likvidligidir. Shuning uchun bozorning likvidligini oshirishni tashkil etishni takomillashtirish, birja va birjadan tashqari bozorlar tuzilmasini rivojlantirish, qimmatli qog'ozlar muomalasi va ularning xarajatlarini kamaytirish, axborot olish imkoniyatlarini oshirish zarur. Birinchi navbatda fond birjasi ishlarini Jahon standartlari darajasiga ko'tarish, qimmatli qog'ozlar listingi va kotirovkasi tartibini joriy etish, fond bozorini asosiy tuzilmalari: birjalari, depozitariylar va hisob-kitob kliring tashkilotlarining avtomatlashtirilgan aloqa tizimlarini yaratish zarur.

Fond birjasidagi amalga oshirilayotgan bitimlarni sonini ko'pligi mamlakat iqtisodiy ahvoli bilan bog'liq. shundan kelib chiqqan holda qimmatli qog'ozlarni birlamchi bozoridan tashqari ikkilamchi bozorini rivojlantirish va undagi investitsiya vositachilarini rolini oshirish zarur; fond bozorni yaxshi rivojlangan mexanizm sifatida shakllantirish va mamlakat iqtisodiyotidagi rolini oshirish; investitsiya vositachilari faoliyatini rag'batlantirish maqsadida ularga daromad solig'i bo'yicha imtiyozlar berish va soliq yukini kamaytirish; qimmatli qog'ozlar bozorida yuridik shaxslarga investitsiya vositachilari orqali bir mijoz qimmatli qog'ozlarini xarid qilish bo'yicha o'rnatilgan cheklovlarni kamaytirish; brokerlik idoralariga o'z filiallari orqali bitimlar tuzish jarayonida ishtirok etish imkoniyatlarini kengaytirish lozim.

O'zbekiston moliya bozorini davlat tomonidan boshqarish samaradorligini oshirish masalalarini o'rganib, bundan tashqari moliya bozorining iqtisodiyotdagi roli, tutgan o'rni, jahon moliya bozorlarining rivojlanish tendentsiyalari, moliya bozori infratuzilmasining holati va dinamikasi, undagi mavjud muammolar hamda ularni hal etish yo'llari tahlili, moliya bozori infratuzilmasini rivojlantirish yo'nalishlari kabi masalalarni ko'rib chiqib quyidagi xulosalarga keldik.

Amaldagi qonunchilik bazasi va birja savdolarini yanada takomillashtirish ustida olib borilayotgan ishlar yaqin kelajakda qimmatli qog'ozlarga investitsiya qilish orqali bo'sh pul mablag'larini joylashtirishning eng qo'lay usullardan biriga aylanishi shubhasizdir. Kelajakda fond birjasi savdolarida investorlar sonini ko'paytirishning asosiy omillari quyidagi masalalarni echish bilan bog'liqdir:

1. Davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish dasturi doirasida aktsiyadorlik jamiyatlarining, xususan iqtisodiyotning real sektori korxonalari (neft va gaz tarmog'i, energetika, qayta ishlab chiqarish sanoati va boshqalar)ning davlatga tegishli bo'lgan aktsiya paketlarini birja savdolariga chiqarish;

2. Kelajakda fond bozorining rivojlanishiga asos bo'la oladigan va barcha toifadagi investorlarni jalb qila oladigan salohiyatli kompaniyalarni birjaning rasmiy byulleteniga kiritish orqali listing kompaniyalari sonini ko'paytirish;

3. Moliyaviy xizmat ko'rsatish sohasida sug'urta kompaniyalar rolining oshib boraётganligini inobatga olib, ochiq aktsiyadorlik jamiyati shaklidagi sug'urta kompaniyalar sonini ko'paytirish maqsadida zaruriy shart-sharoitlar yaratish va shu yo'l orqali mazkur kompaniyalarning qimmatli qog'ozlarini fond birjasi bozoriga jalb qilish;

4. Xususi investorlar (aholi)ning qimmatli qog'ozlar bozorida erkin faoliyat ko'rsatishlari uchun qo'shimcha sharoitlar yaratish maqsadida birjada jismoniy shaxslarga tegishli bo'lgan mayda paket aktsiyalarini sotuvga qo'yish uchun mo'ljallangan maxsus savdo maydonini yaratish;

5. Investorlarning o'z sarmoyalarini qimmatli qog'ozlarga erkin yo'naltira olishini soddalashtirish va ishonchini oshirishga qaratilgan birja savdosi

qoidalarini tartibga solish hamda xisob-kitob va kliring texnologiyalarini takomillashtirish to'g'risidagi me'ëriy-huquqiy hujjatlarni yanada takomillashtirish;

6. Birja savdo vositalarini va texnologiyalarini yanada takomillashtirish hamda investorlar orasida "repo" bitimlarining afzalliklarini keng targ'ib qilish;

7. Fond bozorining axborot bazasini rivojlantirish, xususan:

- fond birja veb saytining axborot almashuv darajasini oshirish;

- fond bozori bozori to'g'risidagi ma'lumotlarni ëritib boruvchi axborot-tahliliy kanallarni rivojlantirish;

- emitentlar to'g'risidagi ma'lumotlarning yig'ma-axborot bazasini yaratish.

8. Aholining fond bozori, qimmatli qog'ozlarga sarmoya kiritishda bozorning tavakkalchilikka asoslanganligi haqidagi bilimini oshirish, xususan:

Yuqoridagi fikrlar amaliyotda o'z isbotini topsa, mamlakatimiz qimmatli qog'ozlar bozori infratuzilmasining va shu orqali milliy iqtisodiyotimizning barqarorligini ta'minlash mumkin bo'ladi.

*Toshpo'latov M.S. – TMI,
mustaqil izlanuvchisi*

MUVAFFAQIYATLI OILA BIZNESI

Oilaviy biznes ko'p mamlakatlarning milliy iqtisodiyotning asosini tashkil etadi. Ular ish o'rinlari yaratishi, innovatsiyalarni rag'batlantirishi va yuqori daromad keltirishi mumkin. Agar muammoga to'g'ri yondashilsa, oilaviy biznesning ko'plab turlari muvaffaqiyatli tashkil etilishi mumkin. Umuman olib qaraganda, yaqin qarindoshlar biznes yuritish jarayonida ishonchliroq hisoblanishadi. Ammo boshqa tomoni shundaki, oila va biznesni aniq ajratib ko'rsatish kerak, aks holda oilaviy munosabatlar buzilishi va foydasiz qolinishi mumkin.

Oilaviy biznesda mulkdorlar o'rtasida ziddiyatlarga sabab bo'luvchi holatlar mavjud. Masalan, kompaniya foydasini dividend sifatida taqsimlamasdan reinvestitsiya qilish to'g'risida qaror qabul qilinganda turli oila a'zolarining fikri turlicha bo'lishi mumkin. Oilaviy biznesda ishlaydigan mulkdor mazkur qarorga u allaqachon kompaniyadan ish haqi olganligi bois umuman qiziqish bildirmasligi ham mumkin. Boshqa tarafdin asosiy daromad manbai oilaviy biznes tomonidan beriladigan dividend bo'lgan va oilaviy biznesda ishlamaydigan mulkdor nuqtayi nazaridan umuman boshqacha qaraladi. Mazkur mulkdor yanada ko'proq va doimiy dividend olish tarafdori bo'ladi.

Oilaviy biznesning menejerlari biznes doirasidagi ularning boshqa rollariga bog'liq holda turli xildagi motivlari mavjud bo'ladi. Ushbu jabhada umumiy muammo oila a'zosi bo'lgan va bo'lmagan menejerlarga nisbatan turli xildagi

munosabatdir. Aksariyat oilaviy bizneslarda asosiy menejment lavozimlarini barchasi yoki bir qismi qat'i ravishda oila a'zolari uchun band qilib qo'yiladi. Ushbu holat kelgusida qancha ishlashidan qat'i nazar hech qachon ijroiya organda ishlay olmasligini biladigan oila a'zosi bo'lmagan menejerlarning motivatsiyasi va samaradorligiga ta'sir qiladi. Natijada, ko'pchilik oilaviy bizneslar malakali tashqi menejerlarni jalb qilish va saqlab qolish masalasida doimo qiynalishadi. Aniq va adolatli (oila a'zosi bo'lgan va bo'lmaganlar uchun) bandlik siyosatining shakllantirilishi oilaviy biznesga ularning eng yaxshi va malakali xodimlarni rag'batlantirish va biznes rivojlanishidan manfaatdor tarzda ushlab turishni oson qilib qo'yadi. Bunday siyosat u oila a'zosi bo'lish bo'lmasligidan qat'i nazar ishchining xohishlarini ularning samaradorligiga bog'liq qilib qo'yadi.

Keltirilgan jihatlar korporativ boshqaruvning oilaviy modeli, oilaviy biznesni boshqarish o'ziga xos afzallik va kamchiliklarga ega ekanligini namoyon etmoqda (1-jadval).

1-jadval

Korporativ boshqaruvning oilaviy modeli, oilaviy biznesni boshqarish o'ziga xos afzallik va kamchiliklar

Afzalliklari	Kamchiliklari
1. Biznes ustidan qat'iy tartibga asoslangan boshqaruv va nazorat imkoniyati;	1. Biznesda oila manfaatlarining ustuvorligi va bir tomonlama maqsadga qaratilganligi;
2. Yirik biznes tomonidan qo'shib olinish bo'yicha risklar darajasining pastligi;	2. Minoritar aksiyadorlar manfaatlarini himoya qilish masalasi e'tibordan chetda qolishi;
3. Yirik loyihalarni amalga oshirish uchun kapital yo'naltirish, foydani reinvestitsiyalash imkoniyatining yuqoriligi;	3. Inovatsion ishlanmalarga intiluvchanlikning past darajadaliigi va biznesni kengaytirishga motivatsiya yetishmasligi;
4. Oilaviy qadriyatlar saqlab qolinishi va biznes rivojining yuqori darajasi;	4. Axborot ochiqligining va faoliyat shaffofligi darajasi pastligi;
5. Oilaviy bandlik va daromadlilikning ta'minlanishi;	5. Biznesga investitsiyalar kiritishning murakkabligi;
6. Oilaviy biznes guruhlar (xoldinglar) yuzaga kelishi	6. Biznesni boshqarish bo'yicha oilaviy ichki ziddiyatlar.

**Mualliflar tomonidan ishlab chiqilgan.*

Umuman har qanday sharoitda oilaviy biznesni rivojlantirish, unda boshqaruvni takomillashtirib borish oila farovonligi, mamlakat iqtisodiy taraqqiyotida muhim ahamiyat kasb etadi. Oilaviy biznesning globallashuvi esa global raqobat sharoitida munosib o'ringa ega bo'lishga xizmat qiladi.

Qarindoshlar bilan muzokara qilish har doim ham oson emas. Ularning kamchiliklari yoki qobiliyatsizligini ko'rsatish qiyin, bu jiddiy muammoni

keltirib chiqarishi va ish jarayonini tashkil etishga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Mehnat shartnomasi bo'yicha ishlaydigan qarindosh bo'lmagan odamga biron bir narsani taqdim etish osonroq. Shuningdek, oilaviy biznesning yana bir kamchilik tomoni shundaki, har bir kishi yetakchilik mavqeini egallab, korxonani yakka o'zi boshqarishni xohlaydi. Bu juda murakkab masala, uni rejalashtirish bosqichida eng yaxshi yechim topiladi, aks holda hamma narsa qulashi mumkin. Meros qilib olish masalasi ham oldindan rasmiylashtirilishi kerak. Yangi biznesni tezda o'rganish va bilimlarni amaliyotda muvaffaqiyatli qo'llash uchun ko'p vaqt talab etiladi va tezkor harakatlar muvaffaqiyatning birinchi kalitidir. Ma'lumoti va ish tajribasiga ega bo'lgan xodimni yollash osonroq. Bir oilada darhol bir vaqtning o'zida bir nechta sohalarda samarali ishlay oladigan mutaxassislar jamoasi paydo bo'lishi dargumon. Ish va shaxsiy munosabatlarni farqlash kerak. Hech qanday holatda oilaviy munosabatlar mehnat faoliyatini tashkil etishga ta'sir qilmasligi kerak. Har bir xodimning uy vazifasi bilan bog'liq bo'lmagan muayyan ish majburiyatlari mavjud. Oila uchun biznes janjal oloviga aylanmasligi uchun, biznes ochishdan oldin oiladagi barcha mumkin bo'lgan vaziyatlarni muhokama qilinishi lozim.

Rejalashtirish bosqichi har qanday tashabbus uchun eng muhim hisoblanadi. Shuning uchun, yangi biznesni boshlashdan oldin, barcha oila a'zolari nima qila olishini aniqlab olish kerak. Ya'ni, qaysi ish jarayonida har bir qarindosh ishtirok etadi. Bu shaxsiy tajriba, kasbiy va ijodiy qobiliyat, ta'lim va ish tajribasi asosida amalga oshirilishi kerak.

Quyidagi 2-jadvalda oilaviy korxonalar rivojlanish davrida duch keladigan oilaviy boshqaruvning asosiy muammolari keltirilgan:¹

2-jadval.

Oilaviy korxonalar rivojlanish davrida duch keladigan oilaviy boshqaruvning asosiy muammolari.

Egalik qilish bosqichi	Aksiyadorlarning ustun masalalari
1-bosqich: Muassis (lar)	Yetakchilikka o'tish Vorislik Ko'chmas mulkni rejalashtirish
2-bosqich: Aka-uka hamkorligi	Jamoa va hamjihatlikni saqlash Oilaviy mulkni saqlab qolish Vorislik
3-bosqich: Amakivachchalar konfederatsiyasi	Korporativ kapitalni taqsimlash: dividendlar, qarzlar va foyda darajasi Aksiyadorlarning likvidligi Oiladagi nizolarni hal qilish

¹ John Ward, *Creating Effective Boards for Private Enterprises* (Family Enterprise Publishers)

	Oilaning ishtiroki va roli Oila qarashlari va vazifalari Oilaning biznes bilan bog'liqligi
--	--

Har bir bosqich turli xil muammolarni o'z ichiga oladi, agar ular to'g'ri boshqarilsa, oilaviy biznesning uzluksizligini ta'minlaydi. Aksariyat oilaviy kompaniyalar kompaniyaning asoschisilari tomonidan qilingan katta sa'y-harakatlar tufayli o'zlarining dastlabki davrida muvaffaqiyatli bo'lishadi, chunki ular biznesning barcha jabhalarida qo'llaniladi. Uzoq muddatda samarali aloqa kanallari va oilaviy biznesda ishtirok etadigan har bir kishining roli va umidlarini aniq belgilashga imkon beradigan to'g'ri boshqaruv tuzilmalari va mexanizmlarini yaratish zarurati tug'iladi.

*Якубов М.М катта ўқитувчи
Тошкент молия институти таянч докторанти*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНА БИЗНЕС– ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ОПЕРАЦИОН АУДИТНИНГ ЎРНИ

Мазкур тезисда рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар бизнес–жараёни самарадорлигини баҳолашда операцион аудитнинг туган ўрин ва унинг мақсадлари кўриб чиқилган. Ўрганилган ҳолатлардан келиб чиқиб муаллиф томонидан операцион аудит қамраб оладиган масалалар ва уни ташкил этиш, ўтказишда хориж тажрибасини қўллаш тартиби келтирилган.

Таянч сўзлар: операцион аудит, бизнес –жараёнлар, тежамкорлик, самарадорлик, натижадорлик.

В статье рассмотрены место и цели операционного аудита в оценке эффективности бизнес- процессов современных компании. По результатам исследования автор представляют масштаб и зарубежный опыт проведение операционного аудита.

Ключевые слова: операционный аудит, бизнес-процессы, эффективность, результативность, экономичность

In the article is being described the role and the objectives of the operational audit in the evaluation of effectiveness of the business-processes of modern companies in the condition of digital economy. According to the study author shows the scope and foreign experience of conducting an operational audit.

Keywords: operational audit, business-process, effectiveness, efficiency, economy

Мамлакатимиз иқтисодиётида туб ўзгаришларни амалга ошириш, уни рақамлаштириш жараёнларини изчил давом эттиришга катта эътибор

қаратилмоқда. Айнан шу жараёнларда аудиторлик фаолиятида олиб борилаётган ислохатлар муҳим аҳамият касб этади. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг замон талаблари асосида ривожланишининг характерли жиҳати шундан иборатки, улар хўжалик юритувчи субъектларни фақатгина молиявий ҳисоботларини текшириш билангина чегараланиб қолмайди. Натижада аудиторлик хизматлари бозори янада кенгаяди ва аудитнинг янги шакллари пайдо бўлишига замин яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги 4611– сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш фақат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида амалга ошириш белгиланган [1]. Бу ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг корпоратив бошқарув жараёнини қайта кўриб чиқиш ва уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мослаштиришни келтириб чиқаради. Биз қуйида корпоратив бошқарувга асосланган замонавий корхоналарнинг бизнес–жараёнлари самарадорлигини баҳолашда операцион аудитнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Корпоратив бошқаруви замонавий моделларининг шаклланиши акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда ва инвестицияларни жалб қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Мавжуд тадбиркорлик тузилмаларида молиявий, шу жумладан инвестицион оқимларнинг ҳаракатини ташкил этишда корпоратив бошқаруви бўйича қарама қаршиликларнинг юзага келиши, эски бўлинмалар ва лавозимларнинг тугатилиши, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этилиши, шунингдек, бошқарувнинг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятини самарали ташкил этишга тайёр бўлмаслиги каби муаммоларга дуч келинади. Мазкур ҳолатда, корхона ривожланиши учун раҳбарият олдида бизнес жараёнларни қайта ташкил этиш билан боғлиқ босқичларни амалга ошириш вазифаси туради. Айнан шундай вазиятларда аудитнинг шаклларида бири бўлган операцион аудит ўз функцияларини муваффақиятли амалга оширади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўрганишда аудит ўтказиш жараёни, агарда унда таҳлил элементлари қўлланилмаса самарали восита сифатида қаралиши мумкин эмас. Операцион аудитнинг асосий мақсади айнан корхона фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш, унинг молиявий

ҳолати ва рентабеллигини башоратлаш ҳамда яхшилаш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

“Операцион аудит” тушунчаси турли хил кўринишларда намоён бўлади. Ушбу тушунча қуйидаги мазмундаги хатти ҳаракатларни ифодалашда қўлланилиши мумкин:

- Биринчидан, ишлаб чиқариш цехи, омборхона, шўба корхонаси, хорижий операцион бўлинма ва хоказолар кўринишидаги операцион бўғинлар аудити. Бир вақтнинг ўзида, аудиторлик текширув кўлами бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва бошқарув назоратларини қамраб олиши, шунингдек, текширув кўламини бошқарув ва операцион назоратларни, рискларни бошқариш ҳамда назорат остидаги операцион бўғинларнинг бошқариш жараёнларни қамраб олиш мақсадида кенгайтирилиши ҳам мумкин.

- Иккинчидан, бизнеснинг исталган қисми (операцион бўлинма, функционал қисм, блок, бўлинма ёки бизнес жараёнлар ва хоказо)нинг аудити. Бу ерда операцион аудитнинг асосий мақсади корхона бошқаруви ўз мақсадларига эришишда қўлланиладиган тежамкорлик, унумдорлик ва самарадорликни ўрганиш ҳисобланади.

Қуйидаги расмда операцион аудит ўтказиш билан ҳал этиладиган вазифаларнинг баъзи кўринишларини келтиришимиз мумкин.



1-расм. Операцион аудит амалга оширадиган масалалар¹.

Юқорида келтирилган вазифалардан келиб чиқиб аудит ўтказиш жараёнида қуйидагиларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

- Бошқарув тизимини, унинг тузилиши, фаункциялари, бошқарув билан боғлиқ бизнес – жараёнларни, технология ва бизнес–операцияларни;
- Ишлаб чиқариш тизимини, унинг тузилишини, бизнес– жараёнларни ва шу тизим доирасидаги бизнес–операцияларни;
- Ахборот тизимини, унинг ташкил этилиши ва тузилишини, бизнес жараёнлар ва информацион технологияларни;
- Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ривожланиш стратегияси, унинг бизнес–режаси ва мақсадли дастурларини;
- Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи бошқа жихатларни.

Операцион аудитда бутун аудит жараёни бўйича корхона бошқарув мақсадлари энг муҳим омил деб қараладиган ёндашув, самарали ёндашув дейилади. Агарда аудитор фақат “Нима нотўғри амалга оширилган?” каби мазмундаги саволлардан фойдаланса корхона бошқарувига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин, аксинча “Бошқарувда белгилаган мақсадларга эришиляптими?” кўринишдаги саволларга кўпроқ муурожаат этса корхона бошқарувига ижобий таъсир кўрсатади. Мақсадли бошқарув нафақат кераксиз операцияларни бартараф этиш бўйича жавобгарликни олади, балки унинг асосий вазифаси кўйилган мақсадларга эришиш ҳам ҳисобланади[2].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жараёнида операцион аудитнинг вужудга келиши ва аудиторлик ташкилотлари хизматларида пайдо бўлиши аудиторлик фаолияти ривожланишининг навбатдаги даражага кўтаради. Аудиторлик ташкилотлари ёки ички аудиторлар томонидан операцион аудитнинг ўтказилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларининг самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора – тадбирлари тўғрисида” Фармони. 2015 йил 24 апрель.
2. Chambers, Andrew D. The operational auditing handbook: auditing business and IT processes. —2nd ed. John Wiley & Sons, 2010. - 862 p.
3. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and Assurance Services: an integrated approach. – 14 ed., 2012. – 850 p.
4. Нетикша О. Эффективность операционного аудита. (Электрон манба). Финансовый директор №3, 2008 г.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш, уни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш масалаалри кўриб чивилган.

Калит сўзлар: тиббиет, стоматология клиникаси, табдиркорлик, миждоз, саломатликни сақлаш

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы оказания высококвалифицированной специализированной медицинской помощи населению, совершенствования системы ее финансирования.

Ключевые слова: медицина, стоматологическая клиника, предпринимательство, клиент, здравоохранение.

Annotation: This article discusses the issues of providing highly qualified specialized medical care to the population, improving the system of its financing.

Key words: medicine, dental clinic, entrepreneurship, client, healthcare.

Аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда ошқоралик, адолатлилик ва шаффофлик тамойиллари асосида замонавий талабларга жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш хозирги куннинг долзарб вазифасидир.

Республикамизда сўнгги йилларда табдиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлашда хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сонли Президент қарори, Тиббиет соҳасида табдиркорликни ривожлантириш орқали бугунги кун талабларига жавоб берадиган, замонавий кўринишга эга бўлган тўлиқ жихозланган бинода стоматологик хизматларга булган талабни имкон қадар кондириш учун беморларни қабул қилиш ва хизмат турлари ва сифатини ошириш, сифатли хизмат кўрсатиш фаолиятини йулга куйиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, жамоатчилик томонидан тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон [Фармони](#)га асосан Молия вазирлиги республика ихтисослаштирилган

тиббийет марказларида бепул даволанишга ордерлар бериш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан хуудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш тадбирлари учун бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан 2021 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қўшимча 80 миллиард сўм маблағ ажратди.

Одам организми, жумладан тишлар доимий назорат ва таъмирга муҳтож бўлади. Шуларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, стоматология соҳасида бизнес доимо талабга бой ва даромадли иш бўлади. Бугунги кунда стоматология соҳаси жадал суръатларда ривожланиб келмоқда. Кўплаб стоматология клиникалари очилмоқда, шунга қарамай, кўп мижозлар кўпроқ пул тўлашга тўғри келса-да хусусий стоматология хизматга мурожаат қилишмоқда. Стоматология клиникасини очиш мураккаб ва масъулиятли ишлардан бўлиб, у кўп масала ва саволларга ечим излашга чорлайди. Айнан мана шу босқичда кўп хатоларга йўл қўйилади. Стоматология клиникасини очишда яхши жой танлай олиш, мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш, мижозлар учун янги ва талабга бой хизмат турларини кўрсатишни йўлга қўйиш, хизматлар нархини тўғри белгилаш, рухсатнома олиш каби бир қатор ишларни бажариш зарур. рақобатбардошликларни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш борасида хам иўларни ташкил қилиш даркор.

Жадвал № 1.

**Хизмат кўрсатиш фаолиятига таъсир этувчи омиллар таҳлили
SWOT ТАХЛИЛИ**

Афзалликлар (Strengths)	Заифликлар (Weaknesses)
Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик Солик имтиёзларининг мавжудлиги Рақобатбардошлилик Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга якинлик. Кредит фоизларининг пастлиги	Ташки омилларга таъсирчанлик Мижозлар ишончини ва хизмат кўрсатиш куникмасини шакллантиришда юзага келадиган кийинчиликлар
Имкониятлар (Opportunities)	Тусиклар (Treats)
Четдан қушимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги клиниканинг қулай инфратузилмада жойлашганлиги Мутахассисларни жалб этиш (Республикамиздаги юқори малакали мутахассисларни амалиётларда иштирок этиши ва. х.к.	Юзага келиши мумкин булган фирром рақобат Ва. х. к.

Хизмат кўрсатувчи корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш учун нархларни нисбатан пасайтириш, сифатли хизмат кўрсатиш, беморларнинг ҳар қандай талабига жавоб берадиган стоматология маркази фаолиятини ташкил этиш, замонавий диагностика ускуналари орқали беморларни даволашни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш борасида қуйидагиларни назарда тутадиган клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тиббий хизматларга ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;

ҳудудларнинг хусусиятлари, муассасалар тури, аҳоли зичлиги ва бошқа омилларни ҳисобга олувчи тоифаланган тузатиш коэффициентларига эга молиялаштиришнинг ягона жон бошига тўғри келадиган нормативини жорий этиш ҳисобига бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг ҳудудий бюджет таъминланганлигини тенглаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида юқорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳозирги куннинг устувор масаласидир.

Абдуразақов А.А
мустақил изланувчи,
Тошкент молия институти

ХАРАЖАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг муҳим омили — харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тазда ташкил қилишдир. Бу вазифани унинг замонавий ва инновацион усулларини қўллагандан бажариб бўлмаслиги ҳам, бизнинг фикримизча, аксиомодир. Шу борада алоҳида таъкидлаш жоизки, айтиш мумкин бўлган пайтда, саноат корхоналари учун тармоқлараро рақобат кучайиб бораётганлиги сабабли, таннархни аниқ ва тўғри миқдоридан аниқлаш эмас, балки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган асоссиз харажатларнинг олдини олиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш усулларидан бири сифатида ХХ аср бошларида АҚШ ва Европада пайдо бўлган, моҳиятан ҳақиқий харажатлар миқдорини олдиндан белгиланган

меъёрлар (стандартлар) билан таққослаш ва харажатларни оғишлар бўйича бошқаришга асосланган Standard Costing тизимидир. Бу усулнинг амалиётга жорий этилиши кераксиз харажатларнинг олдини олиш имконини берди.

1936 йилда Ж.Харрисон таннархни ҳисобга олишни бевосита тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар кесимида ҳисоблаш концепциясини илгари сурди (Direct Costing усули) ҳамда амалиётда шу усулнинг ишлаш механизмини кўрсатиб берди. Бу эса устама (билвосита ёки эгри ва ш.к.) харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш заруриятини бартараф этди. Direct Costing усули 1960-йилларнинг ўрталарига келиб амалиётда ўзининг кучли ўрнига эга бўлди. Ж.Харрисон ҳар хил турдаги харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан турлича боғлиқлигини ва шунинг учун асосий кўрсаткичлар бўлган фойда ва маҳсулот рентабеллигига улар турли хилда таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатди. Унинг бу мушоҳадаси натижасида харажатларни бошқаришда бу бир қанча калькуляция тизимларининг яратилди. Улардан бири – Absorbtion Costing усули.

Absorbtion Costing усули барча харажатларни сотилган маҳсулот ва омордаги қолдиқ ўртасида тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашни назарда тутди. Бу усулда, тўғри (бевосита) харажатлар маҳсулотнинг маълум турларига, эгри (билвосита, устама ва ш.к.) харажатлар эса маҳсулот турлари ёки харажатлар марказлари бўйича ягона анъанавий тарзда қабул қилинган қўшимча харажатлар ставкалари бўйича тақсимланади. Билвосита харажатларни тақсимлашнинг бундай соддалаштирилган тизими 20-асрнинг бошларида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти - қўллашнинг қулайлиги, лекин шу билан бир қаторда аниқлигининг паст даражада бўлиши, хатоларнинг юқори даражада вужудга келиши билан ифодаланади. Ушбу тизим умумий харажатлар миқдорида билвосита харажатлар улуши унча катта бўлмаган ҳолатларда самарали ҳисобланади.

Direct Costing хўжалик юритувчи субъектнинг умумий харажатларини доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш асосида амалга оширилади. Фақат охиригиси, яъни ўзгарувчан харажатлар миқдори ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Доимий харажатлар миқдори эса бевосита молиявий натижалар миқдоридан чегириш орқали ҳисобдан чиқарилади. Харажатларни бошқаришда Direct Costing усулидан фойдаланиш - бу маржинал даромадни (сотишдан тушган тушум миқдоридан, яъни даромад ҳажмидан ўзгарувчан харажатларни чегириб ташлагандан кейин қоладиган миқдор) бошқариш деб ҳам аталади. Шундай қилиб, маржинал даромад - бошқарув қарорларини қабул қилишда бизнес рентабеллигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичидир. Direct Costingнинг муҳим хусусияти шундаки, унинг ёрдамида харажатлар (харажат), ишлаб чиқариш ҳажми ва

фойда ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро боғлиқликни ўрганиш, тезкор ва жараёнли таҳлилни қилиш мумкин.

Иқтисодий тараққиёт, узлуксиз тарзда, харажатларни ҳисобга олиш усуллариининг замонга ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бориш заруриятни қўйиб келокда.

Шунга мувофиқ тарзда яна бир усул - Функционал калькуляция тизими (ABC - Activity Based Costing – Фаолият йўналишлари бўйича харажатларни ҳисоблаш) вужудга келди. Бу усул харажатларни улар вужудга келадиган жойлар бўйича ҳисобга олишга асосланади. Бу усулни амалиётда одатда, масъулият марказлари бўйича харажатларни ҳисоблаш усули деб ҳам аташади. Бу усулдан амалиётда фойдаланиш жуда қимматга тушади, лекин юқори аниқлик даражасига эга ва харажатларни ҳисоблаш хатолари билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Ушбу тизим билвосита харажатларнинг улуши юқори бўлган саноат корхоналари учун қўлланилади, уларнинг маҳсулотлари турли нисбатларда ташкилий ресурсларни талаб қилади. Бундай ҳолда, кўпинча икки босқичли жараён қўлланилади: биринчи босқичда билвосита харажатлар харажатлар марказларига тақсимланади; иккинчидан, масъулият марказларида тўпланган харажатлар тегишли асослар (мезонлар, тақсимлаш асослари ва ш.к.) бўйича маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Standard Costing ҳамда ABC - Activity Based Costing усуллариини қўллаш натижасида, баҳони белгилаш ва солиққа тортиш учун базавий кўрсаткич ҳисобланадиган, тўлиқ таннарх миқдори аниқланади.

Кейинчалик, ана шу иккита усул Р. Д. Мс-Илхатган, Р. А. Хауэлл ва С. Р. Соуслар таклифи ва илмий хулосалари натижалари асосида бирлаштирилган ҳолда “Sistem in time (SIT)” усули деб, ишлатилиб бошланди. Ушбу олимларнинг таклифлари моҳияти, харажатларни бошқариш бевосита ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулотига эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига қаратилган бўлади.

Шу муносабат билан ана шундай ривожланган бозор муносабатлари шаклланган демократик давлатларда шаклланган ва амалиётда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатган тажрибаларини ўрганиш ва самаралиларини миллий амалиётимизда қўллаш имкониятларини баҳолаш, муҳим деб ҳисоблаймиз. Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотларнатижасида - шу борада муҳим йўналиш харажатларни ҳисобга олиш усуллариининг деган илмий хулосага келинди. Харажатларни ҳисобга олиш усуллариининг моҳиятан замонга ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бориш заруриятини қўйиб келокда. Хусусан, харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда, қуйидаги 3 та усулдан интеграллашган ҳолда фойдаланиш таклиф этилди:

- қиймат занжирини таҳлил қилиш;
- стратегик йўналишларни таҳлил қилиш;
- харажатларни шакллантирувчи омилларни таҳлил қилиш.

ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ДИНАМИКАСИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

6. Риск-ориентированная модель, основана на ранжировании ставок в зависимости от надежности заемщика, его кредитоспособности и кредитной истории, осуществление андеррайтинга и мониторинга на более высоком уровне в зависимости от уровня принимаемого риска, рейтингование на основе внутренних рейтингов (IRB- подход).

7. Клиентоориентированная модель, подразумевает комплексный анализ клиентов и направлена на удовлетворенность клиента. Направлениями деятельности банка в кредитовании при использовании данной модели являются удержание старых клиентов, улучшение качества обслуживания и привлечение новых клиентов с помощью индивидуального подхода в работе с каждым из них. Поэтому одну из самых важных ролей играет сотрудник банка, который ведет переговоры с клиентом. Клиентоориентированность – характеристика бизнеса, отражающая место интересов клиента в системе приоритетов руководства и собственников².

8. Социально ориентированная модель (или этический, экологический, зеленый, альтернативный банкинг), существует, в основном, на Западе и характеризуется инвестициями в общественно полезное дело. Понятие возникло на основе инвестиций в устойчивое развитие.

*Джамалов Х.Н. - к.э.н., доц. кафедры
«Налоги и налогообложение» ТФИ,
Абдуллаев А.Б.- доц. кафедры «Бухгалтерский учет,
экономический анализ и аудит», PhD.*

ОБОСНОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ МЕТОДИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА НАЛОГОВЫХ ИЗДЕРЖЕК

Аннотация: В тезисе излагается позиция автора по вопросам обоснования технологии методического обеспечения управленческого

¹ Новые модели банковской деятельности в современной экономике: монография / коллектив авторов; под редакцией О.И. Лаврушина. – Москва : КНОРУС, 2017.с.44-68.

²Марасеева, А.Ю. Клиентоориентированная модель обслуживания в банковском сервисе / А.Ю. Марасеева // Проблемы современной экономики. – 2010. – № 4. – С. 203–205.

учета налоговых издержек, принципов управления налоговыми издержками при формировании методики управленческого учета.

Ключевые слова: налоги, выручка, прибыль, стоимость активов, налоговый учет, управленческий учет, налоговые издержки, принципы управления налоговыми издержками, налоговая издержкостность.

Аннотация: Тезисда солиқ харажатларининг бошқарув ҳисобини услубий таъминлаш технологиясини асослаш масалалари, бошқарув ҳисоби методологиясини шакллантиришда солиқ харажатларини бошқариш тамойиллари бўйича муаллифнинг позицияси баён этилган.

Калит сўзлар: солиқлар, тушум, фойда, активлар қиймати, солиқ ҳисоби, бошқарув ҳисоби, солиқ харажатлари, солиқ харажатларини бошқариш тамойиллари, солиқ харажатлари сизими.

Annotation. The thesis outlines the position of the authors on the issues of substantiating the technology of methodological support for management accounting of tax costs, the principles of managing tax costs in the formation of a management accounting methodology.

Keywords: taxes, revenue, profit, value of assets, tax accounting, management accounting, tax costs, principles of tax cost management, tax cost intensity.

Принцип технологии управления налоговыми издержками должно опираться на разграничение налоговых начислений в разрезе объектов учета, инициирующих возникновение налоговых обязательств. При этом не имеет значение, на какой балансовый счет и за счет каких источников начислен тот или иной налог в системе бухгалтерского учета. В управленческом учете любой налог, являясь, по сути, частью издержек организации, будет отнесен на увеличение издержек конкретного объекта управленческого учета. Это позволит определить реальный вклад каждого объекта в совокупную прибыль предприятия.

Такой механизм особенно актуален для «имущественных» налогов, таких как налог на имущество. Использование имущества конкретными подразделениями предприятия подтверждает необходимость отнесения в управленческом учете указанного налога на издержки подразделений, эксплуатирующих это имущество. Ответственность за часть налоговых издержек усиливает у функциональных менеджеров контроль над излишками имущества, например, в виде неэксплуатируемого оборудования или транспортных средств.

В целях управления налоговыми издержками при формировании методики управленческого учета целесообразно придерживаться существенных принципов. В качестве таковых можно выделить три основных принципа. Во-первых, это налоговая издержкостность, при которой любой налоговое обязательство отражается в учете в виде текущих издержек периода. В рамках этого принципа не предполагается

начисление налога за счет совокупной «обезличенной» прибыли, или за счет совокупной выручки, или за счет увеличения совокупной массы общехозяйственных расходов. Именно такие подходы используются в финансовом учете при начислении каждого вида налогов. Экономическое содержание управленческого учета противоречит такому принципу и основано на установлении ответственности за каждую статью расходов, включая налоговые издержки, и, соответственно отражении в учете всех издержек в разрезе установленной ответственности.

Во-вторых, соблюдая принцип установления ответственности за каждый налоговый расход, в управленческом учете налоговые издержки необходимо относить на один из двух групп объектов учета – носители затрат или центры затрат. Целесообразность прямого соотнесения налоговых расходов на указанные объекты связана с тем, что совокупная налогооблагаемая база для начисления налогов состоит, в свою очередь, из аналитических баз, которые и позволяют совместить ответственность за налог с объектом ответственности. Простота этого принципа заключается в распределении совокупного налога на аналитические составляющие, которые и послужили аналитической базой для его начисления. Принцип основан на установлении первичного аналитического объекта возникновения налоговой нагрузки. При этом для одного вида налога объектами распределения могут быть только или носители затрат, или центры затрат. Финансовый же учет вуалирует взаимосвязь налоговых расходов с ответственностью за объективность налоговой массы расходов.

Третий принцип, соединяя первый и второй, заключается в необходимости распределения совокупной величины каждого налога между аналитическими объектами учета пропорционально той или иной базе распределения. В качестве базы распределения могут выступать только налогооблагаемые показатели: выручка, прибыль, стоимость активов, мощность транспортных средств и т. д.

На базе объединения всех вышеуказанных принципов для учета налоговых издержек в таблице 1 систематизированы объекты и источники отнесения основных издержкостных обязательств перед бюджетом в системе управленческого учета. Для наглядности учетных приемов в таблице приведены исходные данные и источники отнесения тех же налогов на примере финансового и управленческого учета.

Таблица 1

Различия объектов и источников налогообложения в финансовом и управленческом учете¹

Наименование налога	Финансовый учет		Управленческий учет	
	Ключевые показатели для расчета налога	Источник начисления	Объект отнесения налога	База для распределения налога

Налог на прибыль	Разница между совокупными доходами и расходами	Совокупная прибыль	Расходы носителей затрат	Пропорционально прибыли каждого носителя затрат
НДС	Доходы и материальные затраты	Выручка	Расходы носителей затрат	Трудовые затраты носителей затрат
Налог на имущество	Остаточная стоимость основных средств	Совокупная прибыль	Расходы цен тров затрат	Пропорционально остаточной стоимости основных средств, закрепленных за подразделениям и
Таможенные экспортные платежи	Выручка	Издержки обращения	Расходы носителей затрат	По прямому признаку (в зависимости от экспортируемых носителей затрат)
Земельный налог	Стоимость земельных участков	Общехозяйственные расходы	Расходы цен- тров затрат	Пропорционально эксплуатируемой площади
Лицензионные платежи в бюджет	Ставки платежей	Совокупная прибыль	Расходы носителей затрат	По прямому признаку (в зависимости от объекта лицензирования)
Штрафные санкции	Недоимка по налогам	Чистая совокупная прибыль	Расходы цен тров затрат	По прямому признаку (в зависимости от менеджера, допустившего штрафные

				санк ции)
--	--	--	--	-----------

Предложения и рекомендации.

Свои особенности для целей управленческого учета налоговых издержек имеет налог на добавленную стоимость, на долю которого приходится существенная часть налоговой нагрузки предприятия. По своей экономической природе это налог на трудовые затраты. Чем больше ручного труда используется при производстве конкретной продукции, тем больше налоговых затрат в виде НДС приходится на эту продукцию. Именно эта экономическая характеристика позволяет объективно распределить налоговые обязательства по НДС пропорционально трудовым затратам для отнесения ее в управленческом учете на статью «Налоговые издержки». Особенность такая процедура может иметь при наличии существенного остатка материальных ценностей на складе предприятия. Материалы еще не списаны в производство, а косвенный налог уже принят к вычету из бюджета. В этом случае целесообразно до момента пропорционального распределения налога исключить из суммы распределения налог, приходящийся на остаток материалов на складе. Все остальные особенности расчета налога не существенны, и их можно нивелировать в рамках управленческого налогового учета.

При расчете финансового результата конкретной группы продукции доходы в расчет принимаются в управленческом учете с НДС, но в составе расходов по статье «Налоговые издержки» учитывается НДС по предложенной методике расчета. Это позволит выявить более объективный финансовый результат по каждой группе товарной продукции.

Аналогичный подход в управленческом налоговом учете может быть использован при учете налога на имущество. Данный налог в системе финансового учета начисляется «за пределами себестоимости» по статье «Прочие расходы». Однако величина налога зависит от остаточной стоимости основных средств, которые закреплены за конкретными структурными подразделениями. Центры затрат своими активами участвуют в создании расходов в части налога на имущества, которые с точки зрения полноты информации об издержках подразделений целесообразно учитывать по статье «Налоговые издержки».

Подобный вариант также применим и к земельному налогу при условии использования земельных участков структурными подразделениями или при производстве конкретной группы продукции. Это особенно актуально для сельскохозяйственных предприятий или социальных объектов (домов отдыха, санаториев и пр.), в учете которых не

составит труда отнести налоговые издержки на конкретный объект эксплуатации земельных угодий.

Таможенные платежи (при экспорте), являясь обязательствами перед бюджетом, уже на этапе таможенного оформления продукции имеют прямую взаимосвязь с конкретными товарными позициями. Если в финансовом учете они обезличенно относятся на уменьшение совокупной выручки, то в управленческом учете в момент обработки первичных таможенных документов они могут быть отнесены в качестве налоговых издержек на аналитические объекты учета. Тем самым в части таможенных платежей объективно формируется себестоимость носителей затрат по статье «Налоговые издержки».

Штрафные санкции по своему философскому содержанию являются оценкой некомпетентного исполнения своих функциональных обязанностей тем или иным руководителем. Причиной таких потерь могут быть ошибки бухгалтера в исчислении налогов, неверное планирование финансовой службой денежных потоков, приведшее к отсутствию денежных средств на момент наступившего срока для уплаты налогов, ошибка таможенного отдела предприятия при предоставлении документов в таможню, что впоследствии привело к доначислению таможенных санкций и пр. Каждая из этих причин связана с человеческим фактором и в управленческом учете должна быть отнесена на издержки того подразделения, руководитель которого допустил непланируемые платежи в бюджет. В финансовом учете штрафные санкции, независимо от причины, относятся на уменьшение прибыли после налогообложения, что полностью скрывает объект их появления.

Для учета всех вышеприведенных налоговых расходов в системе управленческого учета предложена одна и та же статья расходов – «Налоговые издержки». При этом каждый из объектов управления, являясь объектом учета, привлекает к себе часть налоговой себестоимости. Именно эта часть для целей управления должна стать текущими издержками в самостоятельном информационном поле производственного учета, которое взаимосвязано с информационным полем финансового учета только в момент ввода первичных документов. Необходимо лишь преобразовать данные первичного бухгалтерского учета в аналитические налоговые показатели.

Ахмедов Х.– соискатель ТФИ

К ВОПРОСУ ГНОСЕОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ МОДЕЛЕЙ КРЕДИТОВАНИЯ

Модель является философской категорией, которая происходит от

латинского *modulus*, что означает мера, образец¹. В научном обиходе данный термин появился во второй половине XIX века, а широкое распространение получил лишь в середине XX века и сейчас приобрел статус фундаментальной философской категории².

На наш взгляд, существующие понятия – «модель кредитования», «система кредитования», «механизм кредитования» – взаимосвязаны, пересекаются между собой, имеют похожую структуру элементов, однако не являются взаимозаменяемыми. В целях доказательства данного тезиса определим понятие модели кредитования и ее структурные элементы. Более подробная классификация моделей приведена в таблице 1.

Таблица 1.
Классификация моделей³

Признак	Виды моделей
По способу построения	– абстрактные (идеальные), – материальные.
По отношению ко времени	– статические, – динамические.
По целям получения	– познавательные (теоретические), – прагматические (практические).
По способу получения	– теоретические, – эмпирические.
По способу представления	– графические, – аналоговые, – математические.
По назначению	– экономические, – математические, – физические, – технические, – социальные и т. д.

Данные классификации не являются полными, однако из них видно, что способы построения, как и предназначение моделей, различаются. С этой стороны все они полезны с практической точки зрения. Рассмотрим более подробно понятие модели у разных авторов.

В.А.Штофф определяет модель как мысленно представляемую или материально реализованную систему, которая, отображая или воспроизводя объект исследования, способна заменить его так, что ее

¹. Глоссарий философских терминов ИФ им. Киренского РАН – Национальная философская энциклопедия. – Текст : электронный. – URL: <http://terme.ru/dictionary/197>.

² Вечтомов, Е.М. Философия математики : монография / Е.М. Вечтомов. – Киров : Радуга–Пресс, 2013.с.47

³. Акинин, П.В. Математические и инструментальные методы экономики : учебное пособие / П.В. Акинин [и др.] – второе издание. – Москва : КНОРУС, 2014.с.13-14; Роль моделей в теории познания : учебное пособие / Н.С. Дуреева, Р.Н. Галиахметов. – Красноярск : Сибирский федеральный университет, 2011. С.21-29.

изучение дает новую информацию об этом объекте¹. В данной интерпретации, с одной стороны, достаточно полно рассмотрено понятие модели лишь как объекта-аналога, а с другой, толкование им и ограничено.

В книге В.А.Штоффа также рассматривается понятие модели в методологии естествознания. Это мысленная идеализированная система, в которой отражаются реальные объекты и выполняются исходные принципы и выведенные в них законы². Данное толкование, в отличие от предыдущего, уходит от понятия объекта-аналога, однако рассмотрено только с идеализированной стороны.

Ю.М. Бохенский в книге «Современные методы мышления» дал следующее определение: модель – физическое, принципиально наблюдаемое невооруженным глазом образование, которое одинаково по форме с представленным в научном высказывании (теории и т. д.) положением вещей (перевод Штоффа с немецкого)³. Данное определение описывает модель с точки зрения неотомизма. Она рассматривается лишь как материальное воплощение теории.

Краткий критериологический словарь дает следующее определение: Модель – система кибернетическая упрощенная, с разной степенью приближения отражающая собой реально существующую систему, полученная абстрагированием от некоторых связей, элементов, критериев реально существующей системы⁴. Данная трактовка балансирует между понятием модели как объекта-аналога и физико-математической моделью, но при этом разделяет систему на реально существующую и упрощенную, идеализированную.

В толковом экономическом словаре Дж.Блэка под моделью понимается упрощенная система, используемая для имитирования определенных аспектов реальной экономики⁵. В данном толковании автор пытается дать экономическое определение модели, однако в нем внимание акцентировано на ее упрощенности, а не на существенных характеристиках.

В словаре современной экономической науки Л.И. Лопатникова приведено такое определение: «Модель – логическое или математическое описание компонентов и функций, отображающих существенные свойства моделируемого объекта или процесса (обычно рассматриваемых как

¹ Штофф, В.А. Моделирование и философия / В.А. Штофф. – М. : Наука, 1966.с.19.

²Штофф, В.А. Моделирование и философия / В.А. Штофф. – М. : Наука, 1966.с.37.

³ Штофф, В.А. Моделирование и философия / В.А. Штофф. – Москва : – Ленинград : Наука, 1966.с.75

⁴.Мир, Г. Краткий критериологический словарь / Г. Мир – Текст: электронный. – URL: <http://terme.ru/dictionary/197>.

⁵Экономика : толковый словарь / составитель Дж. Блэк ; под общей редакцией И.М. Осадчей. – Москва : Инфра-М, Издательство «Весь Мир», 2000. – Текст : электронный. http://dic.academic.ru/contents.nsf/econ_dict..

системы или элементы системы)»¹. Данное определение наиболее полно среди всех вышеприведенных рассматривает понятие экономико-математической модели, однако не затрагивает вещественную, материалистическую сторону модели.

В философском словаре С.А. Лебедева под моделью понимается опытный образец изучаемого объекта, выступающего в качестве оригинала². Данное определение раскрывает иную сущность понятия и, в отличие от предыдущих, опирается на его происхождение. На основе нескольких приведенных толкований термина «модель» необходимо привести наиболее точное экономическое определение. Модель – это экономико-математическая система, которая абстрактно отображает существенные свойства и характеристики исследуемого объекта или процесса, адекватная им в отношении некоторых заданных критериев. Данное определение затрагивает и материальную, и абстрактную сторону модели и акцентирует внимание на том, что изучается в объекте.

Отсюда под моделью кредитования, в широком смысле, понимается экономико-математическая система, которая абстрактно отображает существенные свойства и характеристики кредитования в целом или отдельного вида кредитования, адекватная ему в отношении некоторых заданных критериев конкретной экономики, экономической ситуации, банка. В узком смысле, под моделью кредитования понимается эталон, отображающий конкретную ситуацию в рамках системы кредитования, разрешенную с наибольшим положительным эффектом для банка и клиента, и постоянно применяющийся для аналогичных случаев.

*Toshkent moliya institute mustaqil tadqiqotchisi
PhD. dost. Rustamov Maqsud Suvonqulovich
Tadqiqotchi Gulruh Uralova*

TADBIRKORLIKNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YO‘LLARI

Annotatsiya

Maqolada banklar tomonidan tadbirkorlik sub’ektlariga berilayotgan kreditlarning davlat jamg‘armalari tomonidan kafolatlanishi va kompensatsiyalar orqali qaytarilishi hajmini ortishi uning rivojlanishidagi o‘rniga qaratilganligi bilan ajralib turadi. Shuningdek, kichik biznes rivojlanishi uchun uni davlat tomonidan har tomonlama qo‘llab- quvvatlanishi va o‘z vaqtida kredit mablag‘lari bilan ta’minlash yo‘llari borasida takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: kichik va o‘rta biznes, kredit, jamg‘arma, kredit foizi,

¹Экономико–математический словарь : словарь современной экономической науки / составитель Л.И. Лопатников. – Москва : Дело, 2003.Текст : электронный. – http://economic_mathematics.academic.ru.

²Лебедев, С.А. Философия науки: словарь основных терминов. второе издание, переработанное и дополненное. – Москва : Академический проект, 2006. –320 с.

kompensatsiya, kafillik.

O‘zbekiston iqtisodiyotini barqaror sur‘atlarda rivojlantirish omillaridan biri kichik biznes sub’ektlari faoliyatini taraqqiy etishini ta‘minlash hisoblanadi. Ushbu soha bozor kon’yukturaci o‘zgarishlariga tez moslasha olishi, yangi ish o‘rinlarini yaratish orqali aholi bandligini ta‘minlash va daromad manbalarini yaratishi, o‘rta mulkdorlar sinfini shakllantirish xususiyatlariga egaligi bilan ajralib turadi. Aynan mazkur sektorni rivojlantirish hisobidan mamlakatimizda taraqqiyot va demokratik tub o‘zgarishlar sari faol harakatlantiradigan kuch hisoblangan ijtimoiy qatlam shakllanmoqda.

O‘tgan davr mobaynida aholining keng qatlamini tadbirkorlikka jalb qilish va ularning daromad manbalarini kengaytirishga qaratilgan “Har bir oila – tadbirkor”, “Yoshlar kelajagimiz” va boshqa ijtimoiy dasturlar doirasida jami 13 trln so‘mdan ziyod imtiyozli kreditlar ajratilib, 600 mingdan ziyod oilalarni qamrab olishga erishilganligi¹ tadbirkorlikni rivojlantirishga qo‘yilgan katta qadamning mahsulidir. Qabul qilingan dasturlar hududlarda aholining tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanishi, uning turmush tarzini yaxshilash va ish bilan bandligini oshirish uchun turtki bo‘lib xizmat qilmoqda. Shuning bilan birga orttirilgan tajriba hamda xalqaro amaliyot kompleks va o‘zaro bir-birini to‘ldiruvchi kredit olish imkoniyatidan iborat bo‘lgan yaxlit tizim shakllantirishni davrning o‘zi taqozo etmoqda.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini kreditlash hamda ularni moddiy qo‘llab-quvvatlashning ilmiy, nazariy – uslubiy asoslari bo‘yicha bir qator xorijiy hamda respublikamiz olimlari ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishgan. Xususan: iqtisodchi olimlar F.Allen va D.Galelarning fikricha kichik va o‘rta biznes sub’ektlari faoliyatini moliyalashtirishning ikki tizimi – banklar faoliyatiga asoslangan tizim va moliya bozorlariga asoslangan tizimning mavjudligini e‘tirof etishadi va bunda birinchi tizimning nisbatan muhim ahamiyat kasb etishini ta’kidlashadi². F.Allen va D.Galening mazkur xulosasi o‘tish iqtisodiyoti mamlakatlari uchun muhim amaliy ahamiyat kasb etadi. Buning sababi shundaki, birinchidan, mazkur mamlakatlarda kichik biznesni kreditlash tizimida tijorat banklari yetakchi mavqega ega ekanligi bo‘lsa, ikkinchidan, kichik biznes sub’ektlari uchun qimmatli qog‘ozlar bozori orqali resurslar jalb qilish imkoniyati mavjud emasligidir. Ushbu tizimni amaliyotga joriy etilishi banklarda kreditlash imkoniyatini oshiradi va resurs bazasini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash sohasida kompleks chora-tadbirlarni muvofiqlashgan tarzda amalga oshiruvchi, davlat yoki aralash kapital bilan tashkil etiladigan maxsus davlat muassasa yoki tashkiloti AQShda Kichik biznes assotsiatsiyasi (Small Business Administration,

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 13 oktyabrdagi “Aholini tadbirkorlikka jalb qilish tizimini takomillashtirish va tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4862-sonli Qarori.

² Allen F., Gale D. Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.

SBA¹), Yaponiyada Kichik va o'rta korxonalar agentligi (Small and Medium Enterprise Agency²), Koreya va Chexiyada Kichik biznesni moliyalash davlat korporatsiyasi, Germaniyada davlat kapitali ishtirokidagi ixtisoslashgan kredit muassasasi, Polshada Tadbirkorlikni rivojlantirish bo'yicha agentlik (PARP), Singapurda Savdo va sanoat vazirligi huzurida tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi (SPRING), Qozog'istonda "Tadbirkorlikni rivojlantirish fondi" aksiyadorlik jamiyati (DAMU), Belorussiyada "Tadbirkorlikni moliyaviy qo'llab-quvvatlash fondi", Hindistonda "Kichik va o'rta biznes vazirligi" (MSME³) tashkil etilgan. Ushbu muassasalar kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlariga tijorat banklaridan kredit olishda vositachilik vazifasini, kerakli hujjatlarni rasmiylashtirish, loyihaning barcha bosqichlarida tadbirkorlar manfaatlarini himoya qilish bilan shug'ullanadi. Buning natijasida biznes rejani ko'rib chiqish muddati qisqarib, tadbirkorlarning ortiqcha xarajatlari sezilarli kamayishiga olib keladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 17 avgustdagi "Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasini tashkil etish to'g'risida"gi PQ-3225-son qarori asosida "Tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasi" tashkil etilgan bo'lib bugungi kunda ushbu jamg'arma tomonidan tadbirkorlik sub'ektlariga kompensatsiyalar va kafilliklar berish orqali ularning rivojlanishiga yordam berib kelmoqda.

Tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasi tomonidan ko'rsatiladigan moliyaviy yordam shakllari quyidagilardan iborat:

1. Aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarining tadbirkorlik tashabbuslarini amalga oshirish uchun kredit miqdorining 50 foizigacha, biroq bazaviy hisob-kitob miqdorining 100 baravaridan ortiq bo'lmagan tijorat banklari kreditlari bo'yicha kafillik berish.

2. Tijorat banklarining kreditlari bo'yicha kredit summasining 50 foizigacha miqdorda kafillik berish, biroq 8 milliard so'mdan ortiq emas.

3. Tijorat banklarining kreditlari bo'yicha foizli xarajatlarni qoplash uchun kompensasiya berish, shu jumladan:

a) summasi 10 milliard so'mdan ortiq bo'lmagan O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining qayta moliyalashtirish stavkasining 1,5 baravaridan oshmaydigan foizli stavka bilan qayta moliyalashtirish stavkasidan ortiq bo'lgan, biroq 5 foizli punktdan ortiq bo'lmagan qismi bo'yicha milliy valyutada;

b) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «tadbirkorlik sub'ektlari va keng aholi qatlamiga mikrokreditlar ajratish tizimini yanada soddalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017 yil 17 martdagi PQ-2844-son qaroriga 2-ilovadagi ro'yxatda ko'rsatilgan chekka va tog'li tumanlarda, shuningdek,

¹ www.sba.gov Small Business Association USA ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

² <https://tradingeconomics.com/japan/loan-growth> ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

³ <https://msme.gov.in/> ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 29 martdagi PF-5386-son Farmoni bilan tasdiqlangan «Obod qishloq» dasturi doirasida amalga oshiriladigan summasi 10 milliard so‘mdan ortiq bo‘lmagan loyihalar uchun - 8 foizli punkt miqdorida qayta moliyalashtirish stavkasining 1,5 baravari miqdoridan ortiq bo‘lmagan foizli stavka bilan milliy valyutada;

c) summasi 10 milliard so‘mga teng miqdordan oshmaydigan xorijiy valyutada - tijorat banklari tomonidan belgilangan foizli stavkaning 30 foizgacha miqdorda, biroq 3 foizli punktdan ortiq emas;

d) xorijiy valyutada - issiqxonalar qurish, intensiv bog‘lar yaratish va sovutgichlar qurish uchun 2017 yil 5 sentyabrgacha xalqaro moliya institutlarining kredit liniyalari hisobiga xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarga ajratilgan valyuta kreditlari bo‘yicha - belgilangan foizli stavkaning 50 foizi miqdorida;

e) fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa er egalariga, «tomorqa xizmati» MChJlar hamda qishloq xo‘jaligi kooperativlariga fermer, dehqon xo‘jaligi va tomorqa er egalarini qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining asosiy stavkasida ajratiladigan kreditlar foiz stavkasining 50 foizi miqdorida.

Jamg‘arma tomonidan beriladigan kompensasiya bu - tadbirkorlik sub’ektlariga tijorat banklari tomonidan ajratiladigan kreditlar bo‘yicha kredit foiz stavkasining bir qismini qoplashdir. Shuningdek, kompensasiya xizmati bepul xizmat hisoblanib, to‘lab berilgan kompensasiya mablag‘i qaytarmaslik sharti bilan beriladi bu tadbirkorlik faoliyatini rivojlanishi uchun juda ham katta turtki hisoblanadi.

Kompensasiya quyidagi maqsadlardan tashqari barcha yo‘nalishlarga beriladi:


- ilgari olingan kreditlarni yoki istalgan boshqa qarzdorlikni qaytarish;
- alkogolli va tamaki mahsulotlari ishlab chiqarish;
- savdo-vositachilik tashkilotlari va umumiy ovqatlanish korxonalarining aylanma mablag‘larini shakllantirish;

- savdo ob’ektlari va umumiy ovqatlanish ob’ektlari qurilishini moliyalashtirish;

- bankdan tashqari kredit tashkilotlari va lizing kompaniyalarining resurs bazasini shakllantirish;

- tavakkalchilikka asoslangan qimor va boshqa o‘yinlarni tashkil etish hamda shu maqsadlar uchun uskunalarni xarid qilish;

Joriy kreditlar yoki byudjetga to‘lovlar bo‘yicha muddati o‘tgan qarzdorligi mavjud bo‘lgan qarz oluvchilarning loyihalari bo‘yicha kompensasiya berilmaydi.



1-rasm. Tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasi tomonidan berilgan kompensatsiyalar dinamikasi¹

Amalga oshirilgan ilmiy izlanishlar natijasida shunday xulosalar qilish mumkinki, aholini tadbirkorlikka jalb qilish tizimini takomillashtirish, kambag'allikni qisqartirish va tadbirkorlikni rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar kundan kunga rivojlanib borayotganligini guvohi bo'lib turibmiz. Shuningdek tadbirkorlik faoliyatini moliyaviy qo'llab-quvvatlashni rivojlantirish maqsadida quyidagi takliflarni ishlab chiqdik:

- aholining tadbirkorlik bilan shug'ullanishga qiziqishi va manfaatdorligini oshirish;
- aholida tadbirkorlik sohasida zaruriy ko'nikmalarni shakllantirishga qaratilgan o'qitish tizimini joriy etish, mazkur jarayonga xalqaro tashkilotlar, nodavlat notijorat tashkilotlari va nodavlat ta'lim tashkilotlarini keng jalb qilish;
- aholini tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanish jarayonida soliq imtiyozlarini kengaytirib boorish;
- tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanayotgan sub'ektlarga "Tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasi"ning moliyaviy xizmatlaridan foydalanishni kengaytirish va uni targ'ib qilish ishlarini davom ettirish;
- tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan mikro kreditlash tizimini institutsional jihatdan takomillashtirish va rivojlantirish;
- tadbirkorlik ko'nikmasi va tajribasiga ega bo'lgan aholini va boshqa kichik biznes vakillari salohiyatini ro'yobga chiqarish orqali ular faoliyatini kengaytirish va rivojlantirishga qaratilgan to'laqonli tizimni yaratish;

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli farmoni. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida. // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. – Toshkent, 2017. – № 6 (766). – 32-b.

¹ <https://statefund.uz/uz> va www.cbu.uz ma'lumotlari asosida tayyorlandi

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 13 oktyabrdagi “Aholini tadbirkorlikka jalb qilish tizimini takomillashtirish va tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4862-sonli Qarori.

3. Allen F., Gale D. Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.

4. Hernan Ortiz-Molina Maria Fabiana Penas Small Business Economics (2008) “Lending to small businesses: The role of loan maturity in addressing information problems”.

5. N.Yamori Japanese SMEs and the credit guarantee system after the global financial crisis. Cogent Economics & Finance Volume 3, 2015. Issue 1 (2015).

6. Isakov J. (2016) “Xizmat ko‘rsatish sohasini kreditlashda kredit samaradorligini oshirish” ilmiy dissertatsiya olish uchun avtoreferat Toshkent, - 28b

7. www.sba.gov Small Business Association USA.

8. <https://tradingeconomics.com/japan/loan-growth>

9. <https://msme.gov.in>

10. <https://statefund.uz>

11. www.cbu.uz

Жуманиязов. И., Phd
ТМИ, “Молия” кафедраси доценти

Суверен фондлар фаолиятини ривожлантириш йўналишлари (Хитой тажрибаси)

Ушбу тезисда суверен фондлар фаолияти бўйича илгор хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган. Хитой давлатининг суверен фондлар фаолиятини таҳлил қилиш натижасида мамлакатимизда Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

В данной статье рассматривается опыт ведущих зарубежных стран по суверенным фондам. В результате анализа суверенных фондов Китая в нашей стране были разработаны научные рекомендации и практические рекомендации по развитию Фонда реконструкции и развития.

This article discusses the experience of leading China in sovereign funds. As a result of the analysis of sovereign funds of foreign countries in our country, scientific recommendations and practical recommendations for the development of the Fund for Reconstruction and Development were developed.

Калит сўзлар: суверен фонд, Норвегия глобал пенсия фонди, Хитой инвестиция корпорацияси, SAFE инвестиция компанияси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Шарқий Осиёдаги бир нечта иқтисодий минтақалар ва Яқин Шарқдаги нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатлар йирик валюта захираларига эга бўла бошлади. Валюта захираларини инвестиция қилиш орқали юқори даромад олиш учун бу мамлакатлар ҳукуматлари махсус инвестиция институтлари ёки давлат фондлари ташкил этилган. Булар бизга бугунги кунда суверен инвестиция фонди номи билан маълум

АҚШ Ғазначилик Департаменти талқинига кўра, суверен фонд бу “давлат инвестицияларини амалга оширувчи восита” ҳисобланиб, мамлакатнинг расмий валюта захираларидан алоҳида ҳолда бошқарилади. Халқаро валюта фонди (ХВФ) уни ҳукумат томонидан эгалик қилинадиган ёки тартибга солинадиган махсус мақсадли инвестиция фондлари деб таърифлайди¹. Умуман, суверен инвестиция фондлари ҳукумат профицити узлуксиз тўпланишини англатади ва иқтисод, савдо, ҳукумат даромадлари ва харажатларини такомиллаштириш бўйича валюта захирасига ва қайта тикланадиган табиий ресурслар, шунингдек, бюджетни узоқ муддатли режалаштиришни амалга ошириш ва молиявий харажатларни таққлаш сиёсатини англатади. Ортиқча молиявий даромадлар ва халқаро валюта айрибошлаш заҳира салдосидан келган маблағлар махсус инвестиция институти томонидан бошқарилади, шунингдек улар инвестицияларнинг юқори даромадлилик даражасини ошириш мақсадида валюта курсидан ёки пул сиёсатидан ажралиб туриши мумкин.

Ҳозирги кунда 40 га яқин мамлакатда 100 дан ортиқ суверен фондлар ташкил этилган. Энг йирик суверен фондлардан бири – Норвегия глобал пенсия бўлиб, у 2022 йил 1 апрел ҳолатига 1473 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.²

ХВФ маълумотларига кўра суверен инвестиция фондлари молиявий маблағлари ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 1990 йилда 500 миллиард АҚШ долларидан 2007 йилда 2,5 триллион АҚШ долларигача ўсган, 2012 йилда 10 триллион АҚШ долларига етган ва 2022 йилга келиб 15 триллион АҚШ долларни ташкил этган³.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР)да ҳам 5 та суверен фонд мавжуд. 1978 йилдаги очиқ иқтисодиётга йўналтирилган ислохотлардан кейин Хитой хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга ва экспортга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга валюта захираларининг катта

¹ http://www.fcsey.gov.tw/news_detail2.aspx?icuitem=3861125.

² Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <https://www.swfinstitute.org/fund-rankings/sovereign-wealth-fund>

³ Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <https://www.swfinstitute.org/fund-rankings/sovereign-wealth-fund>

миқдорини йўналтирди. Ортиқча валюта захиралари бўйича қарашни тубдан ўзгартириш хорижий инвестициялар фаоллашувига олиб келди.

1992 йилдаги ХХР коммунистик партиясининг 14-миллий конгрессида биринчи марта “корпоратив хорижий инвестициялар ва миллатлараро операциялар ҳажмини фаол кенгайтириш” сиёсати таклифи илгари сурилди. Ху Жинтао 2007 йилдаги ХХРнинг 17 миллий конгрессида хорижий инвестицияларга алоҳида урғу берди. Хитойнинг тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1990 йилда атига 900 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 18,72 миллиард АҚШ долларига етган¹. Хитой корпорациялари ўз фаолиятини бошқа давлатларда ҳам кенгайтириш учун суверен инвестиция фондларини ташкил этишни бошлади. АҚШ ва бошқа Ғарбий мамлакатлари Хитой ҳукумати фонд валюта бозорини маъмурий куч билан назорат қилиб, узок вақт валюта қийматини ушлашга етарли баҳо бермаслик натижасида жаҳон бозорида Хитой маҳсулотлари нархлари пастга тушиши мумкин деб ҳисоблайди. Натижада валюта захираларининг катта миқдорда ўсиши танқидга юз тутди ва миллий валюта қадрини ошириш мақсадида катта миқдордаги валюта захираларини камайтиришга ҳаракат қилди. Бироқ, унинг валюта захиралари 2006 йилнинг февралида 1 триллион АҚШ долларига етиб, Япониядан ҳам ошган ҳолда дунёда валюта захираси бўйича биринчи ўринга чиқиб олди².

1-жадвал

Хитой суверен фондлари тўғрисида маълумот

№	Мамлакат	Суверен фонднинг номи	Активи, млрд АҚШ долл	Ташкил этилган йили	Маблағлар манбаси	Linaburg-Maduell Транспарентлик индекси
1	ХХР	China Investment Corporation	1222,3	2007	Ҳом ашё бўлмаган	8
2	ХХР	SAFE Investment Company	441***	1997	Ҳом ашё бўлмаган	4
3	ХХР	National Social Security Fund	295	2000	Ҳом ашё бўлмаган	5
4	ХХР	China-Africa Development Fund	5.0	2007	Ҳом ашё бўлмаган	5
5	ХХР	China-Africa Development Fund	5.0	2007	Ҳом ашё бўлмаган	5

¹ Sun, M.D., “Results and Prospect of China’s Overseas Direct Investment and SWFs Investment”, *Taiwan Economic Research Monthly*, Vol. 31, Issue 5, (May 2008) pp. 64-69.

² <http://finance.sina.com.cn/focus/wh>

Хитой Молия вазирлиги томонидан махсус давлат қарзи шаклида 200 миллиард АҚШ долларини ажратиб Суверен инвестиция фондини ташкил этди. Маблағ Хитай Халқ банки томонидан валюта захирасидан Молия Вазирлигига ўтказиб берилди ва валюта захираси камайтирилди.

Хитойнинг биринчи суверен инвестиция фонди Хитой инвестиция корпорацияси (China Investment Corporation (CIC)) 2007 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Бу фонд ташкил этилганидан бошлаб 2 йил ўтиб дунёнинг суверен инвестиция фондлари ичида энг катта 6- ўринни эгаллаган¹.

Бу даврда фонд жаҳондаги бир нечта йирик корпорацияларга инвестиция киритиб, ўзининг молиявий мабдағларини оширди. Жумладан, АҚШнинг Morgan Stanley инвестиция банкига 5,6 миллиард АҚШ доллари, Австралиянинг Goodman Group компаниясига 156 миллион АҚШ доллари, Буюк Британиянинг Tesco корпорациясининг 0,5 фоиз акцияларига, Канаданинг Teck Resources компаниясига 17 % акциясига 1,5 млрд АҚШ долларни ва дунёнинг бошқа йирик компанияларига инвестиция киритди².

Суверен инвестиция фонди ташкил этилгандан кейин 2003 йил 16 декабрда ташкил этилган марказий Huijin Investment Ltd тугатилиб унинг шўъба компаниясига айлантирилди.

Хитой инвестиция корпорацияси (ХИК) Сингапур ҳукуматининг суверен инвестиция фонди Сингапур Инвестиция Корпорацияси (Singapore Investment Corporation (GIC)) операцион модели асосида миллий валюта инвестицияларини амалга оширди³. Бошқа томондан, у Temasek Holdings Pte Ltdнинг инвестиция моделини қабул қилди. Унда капитал саноатни стратегик ривожлантириш, даромад даражасини ошириш ва халқаро рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида тўғридан-тўғри бошқарилади⁴.

Хитой суверен инвестиция фондининг асосий мақсади валюта активларини инвестициялаш орқали инвестицион даромадларини ошириш ҳисобланади. Бу мақсад сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан иккига бўлинади.

Кутилаётган иқтисодий мақсадлар қуйидагилар:

– Валютавий инвестициялаш каналлари ва йўлларини кенгайтириш орқали молиявий активларни тақсимлаш ва диверсификация қилиш ҳамда инвестицияни халқаролаштириш.

– Хитойнинг ички молиявий институтларига пул маблағларини киритиш, миллий банклар ва қимматли қоғозлар дилерлари ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш, занжирли молиявий инқироздан қочиш, миллий

1 <http://udn.com/NEWS/WORLD/WOR2/4556166.shtml>. Lan, W.Y., Yu, M.S., Hung, T.L., "East Asian Financial Consolidation and SWFs", *Taiwan Economic Research Monthly*, Vol. 31, Issue 6, (June 2008), pp.78~83

2 <http://finance.sina.com.cn/g/20071008/05134034888.shtml>.

3 Sun, M.D., "Results and Prospect of China's Overseas Direct Investment and SWFs Investment", pp.64~69.

4 Chen, C.C., Sun, M.D., "Development and Possible Limitations of China's Mainland Overseas Direct Investment and SWFs", *Finance and Taxation Research*, Vol.41, Issue 2, (March 2009), pp.163~174.

молиявий активларни сақлаб қолиш ва миллий бойлик қийматини ошириш.

– Валюта активларининг узоқ муддатли даромадларини ошириш.

Кутилаётган сиёсий мақсадлар қуйидагилар:

– Хитой инвестиция корпорацияси чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали даромад олади. Бу Хитойда катта иқтисодий инқироз ёки молиявий воқеалар юз берганда, мамлакат иқтисодиётини самарали барқарорлаштириш ва ҳокимият барқарорлигини сақлаб қолиш учун тезда қўллаб-қувватланиш имкониятини беради.

– Бошқа давлатларнинг инвестициялар ҳажми инвестицион сиёсатда Хитой дипломатиясида сиёсий битим чипи сифатида хизмат қилади.

– Халқаро сиёсат ва иқтисодиётга таъсирини ошириш, шунингдек, Хитойнинг халқаро ҳамжамиятдаги мавқеини ўстириш.

– Хорижий инвестициялар орқали қабул қилувчи мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволини билиб олиш, ахборот йиғиш ва инвестиция киритилган мамлакатнинг тегишли сиёсатларига таъсир ўтказиш.

Юқорида келтирилган сиёсий ва иқтисодий мақсадларга асосланиб, Хитой инвестиция корпорацияси уч қисмдан иборат:

1) хорижий молиявий активларни инвестициялаш учун масъул бўлган Хитой инвестиция корпорацияси бош компанияси;

2) Хитой инвестиция корпорациясига тегишли бўлган "Huijin" МЧЖ, у тижорат банкларига маблағларни жалб қилиш ва манфаатларини назорат қилиш ҳуқуқини қўлга киритишни давом эттиради;

3) “Huijin” МЧЖ доирасида Хитой Жианьин Инвестицион Қимматли Қоғозлар (China Jianyin Investment Securities (CJIS)), Фонд маблағларини қимматли қоғозлар бозорига жойлаштириш, Хитой муаммоли қимматли қоғозлар савдоларини айирбошлаш ва нотўғри активларни муомаласидан хабардор қилади.

Дунё амалиёти шуни кўрсатадики, суверен фондлар ёрдамида бир қатор давлатлар келажакда хом ашё зиёнини қоплаш учун самарали механизмни яратдилар. Яъни, бюджет даврида суверен фондларда маблағ тўплаш орқали бюджет-солиқ сиёсатида сифатни яхшилаш таъминланди, шу билан бирга истеъмол қилинадиган табиий ресурсларни сотишдан тушадиган даромадлар ўзгарувчан ва чекланган бўлиб, хусусан, бюджет харажатларини даромадлардан тушириш ҳисобига молия сиёсатининг сифатини оширди.

Бундан ташқари, суверен фондларнинг самарали ишлаши миллий валютани реал жиҳатдан мустаҳкамлашдан қочиб, миллий экспортчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга имкон беради. Суверен фондлар иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини осонлаштирадиган функцияларни амалга ошириши, шунингдек, маблағларни мақсадли сарфлашнинг ошкоралигини таъминлаши зарур.

Суверен фондлар маблағларини самарали бошқариш, умуман олганда жаҳон иқтисодиётининг ривожини, давлат ва молия бозорларининг ривожланиш тенденциялари ҳақида аниқ тасаввурни таъминлашнинг мумкин эмаслиги сабабли жуда мураккаб вазифадир. Масалан, Венесуелада барқарорлик жамғармаларининг фаолияти кутилган натижаларга тўлиқ эришмади. Бунинг сабаби менежментдаги хатолар, маблағларни тўплаш ва улардан фойдаланиш қоидаларидаги баъзи ўзгаришлар бўлиб, улар охир-оқибат ушбу мақсадларга эришиш учун қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Шундай қилиб, энг яхши ютуқлар дастлаб фондлар фаолиятини тартибга солидиган аниқ қоидалар ўрнатган ва кейинчалик уларга қатъий риоя қилган мамлакатлар томонидан эришилди. Бу, биринчи навбатда, Норвегия, Сингапур, Хитой каби мамлакатлар. Қоидалар ноаниқ ва мажбурий бўлмаган ҳолларда ва ҳукуматлар маблағларни ўз хоҳишига кўра сарфлаш имконига эга бўлишган бўлса, тўпланган маблағлар одатда етарлича самарали сарфланмайди, бу эса дастлаб белгиланган мақсадларга эришишга имкон бермайди.

Юқорида суверен фондлар бўйича Хитой тажрибасини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини беради:

Биринчидан, суверен фондлар ривожланишида қуйидаги тенденциялар мавжуд: ресурсларга боғланиб қолмаган мамлакатларда юзага келадиган суверен фондлар сонининг ўсиши устунлик қилади; тобора кўп сонли фондлар хомашё билан боғлиқ бўлмаган манбалар ҳисобига шакллантирилмоқда; келажакда янги фондлар ташкил топадиган асосий минтақа олтин-валюта захиралари катта бўлган Осиё бўлиб қолавермоқда; суверен фондлар инвестицион портфелининг структураси риск/даромадлилик кўрсаткичининг энг яхши уйғунлашуви ҳисобига рисклироқ активлар томон ўзгармоқда; суверен фондлар таркибида уларнинг маблағлари ривожланиш нуқтаи назаридан энг муаммоли бўлган иқтисодиёт соҳаларида мамлакат ичкарасидаги инвестицияларга йўналтириладиган инфратузилма фондлари ташкил қилинмоқда.

Иккинчидан, илғор хориж тажрибасининг афзал жиҳатлари сифатида инвестицион фаолият бўйича молия бозори иштирокчисига айланиш, Жамғарма фаолияти бўйича юқори даражадаги шаффофликни таъминлаш ва активларни бошқаришда ташқи бозордаги фаолликни таъминлаш мақсадга мувофиқ;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг миллий фаровонлик суверен фонди институти рейтингини ва халқаро рейтингларга киришини таъминлаш мақсадида Жамғарма молиявий ҳисоботларини миллий фаровонлик суверен жамғармаларининг халқаро стандартларга мувофиқ эълон қилишни таъминлаш лозим.

*Норбеков Даврон доц., ТМИ
Тоирова Наргиза ТМИ
1 босқич магистранти*

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР(МҲХС)ГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш даврида молиявий ҳисоботнинг икки глобал тили тан олинмоқда: АҚШ бухгалтерия ҳисобиумумқабул қилинган принциплари (УС ГААП) ва Молиявий Ҳисобот ХалқароСтандартлари. Молиявий ҳисобот аниқлиги ва яқунланганлиги, унинг глобалкомпаниялар томонидан фойдаланиш эҳтиёжлари туфайли кўпроқ МолиявийҲисобот Халқаро Стандартларига мурожаат этишмоқда. МҲХС асосидатайёрланган ҳисоботни жуда кўп мамлакатлар қимматбаҳо қоғозлар бозорларитомонидан эътироф этилмоқда. Албатта, буларнинг замирида инвесторларқатламини жалб қилиш ётади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) орқали инвесторлар ва бошқа молиявий ахборотдан фойдаланувчилар (масалан, давлат органлари, касаба уюшмалари, бизнес-шериклар ва ҳ.к.) ўзларини қизиқтирган ташкилот ҳақидаги маълумотдан манфаатдор бўлади. Бу манфаатэса уларнинг иқтисодий, инвестицион ва ҳуқуқий қарор чиқаришларизаруратидан келиб чиқади.

Мисол учун, улар акциядор киритган маблағлари қанчалик фойдакелтириши, бизнес мулки қанчалик ўсгани, қарздорлик ҳолати қандай аҳволдалиги каби саволлар билан қизиқишлари табиий. Ундан ташқари, салоҳиятли инвестор бирор бизнесга маблағ киритиш ёки киритмаслик ҳақидаги қарорини яхшилаб баҳолашга уринади, бунда у ташкилотни иш юритаётган тармоқдаги бошқа ширкатлар билан солиштириб кўришига тўғри келади. Бунинг учун мазкур ташкилотнинг иқтисодий, мулкӣ ва молиявий ҳолати ва ўтган давр фаолияти натижалари ҳақидаги рақамли ва тушунтириш матнларидан иборат ҳисоботга зарурат туғилади. Айнан шу заруратни таъминлаш мақсадида, маркази Лондонда жойлашган Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлар кенгаши ушбу ҳисобот андозаларини ишлаб чиққан.

Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш уларда мавжуд бўлган маълумотларнинг ошкоралигини таъминлайди. Ахборотнинг шаффофлиги ва холислиги инвестор ва банкларнинг корхона фаолиятини ривожлантиришга инвестиция киритиш масаласини ҳал этишга хизмат қилади. Мамлакатимиз миқёсида эса хорижий инвестицияларини тўғридан тўғри жалб этиш орқали ишлаб чиқариш кенгайтирилади, модернизация қилинади, янги иш ўринлари яратилади, давлат бюджетига солиқ

тушумлари кўпаяди, иқтисодий ўсиш барқарорлиги таъминланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда республикада бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида амалга оширилиши қонунчилик билан белгиланди.

2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида МҲХСга ўтиш тарихида янги саҳифа очадиган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611сон қарорни имзолади. Қабул қилинган ҳужжат тadbиркорлик субъектларини МҲХСга ўтишга тайёрлаш ва мувофиқлаштириш жараёнини тубдан қайта кўриб чиқишни назарда тутди.

Хусусан 2021 йил якунларидан бошлаб мажбурий равишда МҲХС асосида молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган шахслар рўйхати белгиланди. Унга акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йириксолиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар киритилган. Улар 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ташкил этишлари ва халқаро стандартларни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлашлари лозим бўлади.

Шу билан бирга, бу вақт мобайнида халқаро стандартлага ўтиш нафақат юқоридаги хўжалик юритувчи алоҳида ташкилотларга, балки бутун ички бухгалтерия тизимига ҳам тегишли ҳисобланади. Чунки тизимларни уйғунлаштириш бухгалтерия ҳисоби бўйича янги низомларни жорий этиш ва мавжуд қоидаларни ўзгартириш орқали амалга оширилди, бу эса охири оқибатда кўплаб ўзбек корхона ва компаниялари учун ички ҳисоб-китоб тизимида сезиларли узилишларсиз бир қатор МҲХС қоидаларини тўла-тўқис қўллаш имконини берди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, республикада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва молиявий ҳисоботларни тузиш асосида бухгалтерия ҳисобини босқичма босқич ташкил этиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имконини беради. Бу республикада бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлади.

*Жиянова Н.Э. -к.э.н., профессор
Ташкентского финансового института
Алижоновна Р.О. - магистр Ташкентского
финансового института*

**ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ РЫНКА
ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЦЕННЫХ БУМАГ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

Аннотация. В статье исследованы и рассмотрены организационные основы развития рынка государственных ценных бумаг Узбекистана, вилы и задачи государственных ценных бумаг а также проводимые реформы и меры по эффективному функционированию рынка государственных ценных бумаг.

Ключевые слова: рынок капитала, фондовая биржа, государственные ценные бумаги, бюджетный дефицит, финансовый инструмент.

Государственные ценные бумаги Узбекистана — это казначейские обязательства Республики Узбекистан и облигации, выпущенные уполномоченным органом Кабинетом Министров Республики Узбекистан, а также облигации Центрального банка Республики Узбекистан.¹

Финансовым инструментом, который получил широкое распространение в Узбекистане, являются государственные ценные бумаги (ГЦБ).

На Узбекской республиканской валютной бирже (УзРВБ) внедрена электронная торгово-депозитарная платформа, посредством которой осуществляются организация и проведение первичного размещения и вторичного обращения государственных ценных бумаг, клиринг и проведение расчетов по заключенным сделкам, а также хранение и учет прав на государственные ценные бумаги.

Государственные ценные бумаги (ГЦБ) Республики Узбекистан включают:

- купонные и дисконтные казначейские обязательства и облигации, выпускаемые Министерством финансов Республики Узбекистан в бездокументарной форме и размещаемые среди коммерческих банков и юридических лиц - резидентов Республики Узбекистан
- облигации Центрального банка Республики Узбекистан, выпускаемые в электронной форме и размещаемые среди коммерческих банков.

В целях дальнейшего регулирования рынка ценных бумаг был принят Указ Президента «О мерах по дальнейшему развитию рынка капитала». В Указе было отмечено, что в целях увеличения предложения на рынке капитала необходимо внедрить практику выпуска государственных ценных бумаг для целевого финансирования развития вторичного рынка государственных ценных бумаг и инфраструктуры.²

Возникновение и обращение капитала, представленного в ценных бумагах, тесно связано с функционированием рынка реальных активов,

¹Закон Республики Узбекистан «О рынке ценных бумаг» от 3.06.2015 г. № ЗРУ-387

²Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева «О мерах по дальнейшему развитию рынка капитала» от 13.04.2021г., № УП-6207, г.Ташкент.

т.е. рынка, на котором происходит купля-продажа материальных ресурсов. С появлением ценных бумаг (фондовых активов) происходит как бы раздвоение капитала. С одной стороны, существует реальный капитал, представленный производственными фондами, с другой — его отражение в ценных бумагах.

Сегодня вопросы развития рынка капитала регулируются несколькими регуляторами, имеющими разные сферы управления и влияния, соответственно, разные задачи управления экономикой:

- Министерство финансов является основным эмитентом и бенефициаром при эмиссии государственных ценных бумаг (в том числе международных бондов, размещаемых на международных фондовых рынках);

- Центральный банк отвечает за регулирование адекватности капитала банков взятым им обязательствам, соответственно, все банки у нас являются акционерными, которые эмитируют и размещают ценные бумаги среди учредителей и на свободном рынке. Банки в отдельных случаях являются эмитентами облигаций (международных бондов), размещаемых как среди местных (потенциально), так и среди иностранных инвесторов. Все это на сегодня полностью контролируется Центральным банком;

- Агентство по управлению государственными активами является органом, регулирующим весь процесс приватизации госпредприятий, следовательно, эмиссии акций приватизируемых госпредприятиями, если формой приватизации является создание АО, также выполняет Агентство;

- Коммерческие банки Узбекистана – являющиеся эмитентами международных ценных бумаг, определяют порядок эмиссии и обращения которых диктуются фондовыми рынками, где размещаются эти ценные бумаги.

- Надо признать, что рынок капитала содержит много институтов, так называемых инвестиционных посредников (брокеры, инвестиционные компании, биржи, регистраторы, депозитарии и другие), которые паразитируют на эмитентах и инвесторах. Думается АРРК совместно с Антимонопольным комитетом, Центральным банком и Министерством финансов мог бы устанавливать структуру и предельные размеры транзакционных издержек, включая комиссии коммерческих банков и платежных систем при проведении инвестиционных сделок. По информации участников вышеназванной международной конференции транзакционные расходы участников рынка капитала составляют до 8-10% от суммы инвестиций, что совершенно недопустимо.

Для эффективного функционирования рынка государственных ценных бумаг важным условием выступает его высокая ликвидность, снижающая риски инвесторов по управлению собственными портфелями, а также их издержки при заключении сделок. Ликвидный вторичный рынок способен существенно сократить затраты при первичном

размещении государственных ценных бумаг, а также предоставить центральным банкам широкий набор инструментов для проведения эффективной денежно-кредитной политики. Поэтому проблемы повышения ликвидности рынка государственных ценных бумаг актуальны для органов власти большинства стран.

Организация и проведение торгов государственными ценными бумагами регламентированы «Правилами проведения торгов государственными ценными бумагами на Узбекской республиканской валютной бирже» и «Правилами проведения торгов облигациями Центрального банка Республики Узбекистан на Узбекской республиканской валютной бирже».

Все операции по обращению ГЦБ осуществляются через дилеров, уполномоченных осуществлять операции на основании договоров с Центральным банком и УзРВБ.

В целях предоставления дополнительных торговых возможностей для участников рынка ГЦБ на УзРВБ также внедрены механизмы осуществления сделок прямого и междилерского РЕПО с ГЦБ, которые осуществляются в соответствии с «Правилами заключения и исполнения сделок РЕПО с государственными ценными бумагами Республики Узбекистан на Узбекской республиканской валютной бирже»¹.

Из государственных ценных бумаг на сумму 500 миллиардов долларов США, выпущенных Центральным банком на 18.06.2021 г., размещены ГЦБ на сумму 300 млрд. сум. Все ГЦБ, выпущенные во время всех последующих торгов, размещены. Средняя доходность по этим ГЦБ колебалась в течение года, который составлял 13,46% на 16.06.2021 г., в то время как показатель упал до 11,38% на 09.06.2021 г. и достиг 13,96% в начале марта, затем наблюдалась тенденция к снижению, 9 июня текущего года зарегистрирован самый низкий результат - 11,3%, в следующем периоде наблюдалась тенденция к росту.

При первичном размещении казначейских обязательств и облигаций с 06.04.2020 по 15.06.2021 стало очевидно, что наибольший рост эмиссии и торгов приходится на 06.04.2020 г. с объёмом 700 млрд. сум больше 16% доходностью в годовых. Но резкий спад показателей рассматривалось в феврале 2021 г. ниже 8% доходности в годовых.

Дальнейшее развитие рынка ценных бумаг в Узбекистане требует проведение коренных преобразований в рамках действующей модели инфраструктуры фондового рынка с целью обеспечения стабильности его функционирования и интеграции в мировую экономическую систему при достижении высокого уровня конкурентоспособности. Для выполнения поставленной задачи, необходима модель инфраструктуры

¹Источник: <https://www.uzrvb.uz/ru/category/gosudarstvennye-cennye-bumagi>

саморегулируемого рынка ценных бумаг, в рамках реализации которой предлагается:

- реализация программ по снижению уровня рисков, сопровождающих профессиональной деятельностью участников фондового рынка;
- обеспечение активного участия профессиональных участников в совершенствовании законодательно-нормативной базы;
- разработка и внедрение единых стандартов профессиональной деятельности для всех участников РЦБ (не только для членов определенной СРО), а также принципов корпоративного поведения;
- расширение профессиональными участниками спектра предоставляемых услуг с одновременным снижением их себестоимости (при поддержании высокого качества оказываемых услуг путем унифицирования и оптимизации проводимых операций на финансовом рынке).

Список использованной литературы:

1. Закон Республики Узбекистан от 08.06.2015 г. №ЗРУ- 387 «О рынке ценных бумаг»;
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»;
3. Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы регулирования рынка капитала» от 13 апреля 2021 года.
4. Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по организации выпуска государственных казначейских обязательств и облигаций республики Узбекистан» от 14 декабря 2018 года.
5. Чалдаева Л., Килячков А. Рынок ценных бумаг. Учебник. – М.: Юрайт, 2019 г.
6. Мухамедов Ф. «Направления развития торговых систем рынка ценных бумаг в Узбекистане». Монография – М.: «Экономика-Финансы», 2019 г.
7. Жиянова Н.Э., Вохидов Б.Б. Сущность проведения IPO для устойчивого развития компании в национальной экономике//«ИНТЕРНАУКА» Научный журнал №17(146) Май 2020 Часть 2. С.30-33
8. Жиянова Н.Э., Насретдинов Б.У. Реализация IPO компаний-эмитентов в условиях глобализации и взаимозависимости национальных и мировой экономики//«ИНТЕРНАУКА» Научный журнал №20(149) Июнь 2020 Часть 3. Б.30-33
9. www.mf.uz – Официальный сайт Министерства финансов Республики Узбекистан.
10. www.lex.uz – Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан.

11. www.openinfo.uz - Единый портал корпоративной информации
12. www.uzgvb.uz – Официальный сайт Узбекской республиканской валютной биржи.

*Жиянова Н.Э. -к.э.н., профессор
Ташкентского финансового института
Джамалдинова М. М.
магистр Ташкентского финансового института*

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЭФФЕКТЫ ПОВЫШЕНИЯ ПЕНСИОННОГО ВОЗРАСТА В УЗБЕКИСТАНЕ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

Аннотация: *В статье рассмотрены основные научные определения пенсионного обеспечения и пенсии. Исследованы основные направления социально-экономических эффектов повышения пенсионного возраста в Узбекистане.*

Ключевые слова: *пенсионное обеспечение, пенсионная система, возраст, стаж, выплата, пенсия.*

Осуществляемая в нашей стране реформа пенсионного обеспечения, используя совокупность правовых, финансовых и организационных отношений, имеет своей целью, в основном, материальное обеспечение граждан, достигших определенного возраста. Пенсионное обеспечение в Узбекистане - совокупность действующих в Республики Узбекистан правовых, экономических и организационных институтов и норм, имеющих целью предоставление гражданам материальной поддержки в виде пенсии.

Нужно подчеркнуть, что в последнее время, охватывающей вопросы современного пенсионного обеспечения, в значительной мере анализируется зарубежный опыт функционирования и развития систем пенсионного обеспечения, а также их организация, управление, экономическое содержание; формируются основные аспекты адаптации их к российским условиям.

При этом до настоящего времени и в Узбекистане, и в зарубежных странах совершенствуется комплексная модель развития системы пенсионного обеспечения как целостной социальной, динамической и финансовой системы, основывающейся на теоретических, методологических, методических и стратегических подходах их реализации.

Однако несмотря на то, что в Узбекистане уделяется приоритетное внимание вопросам социальной защиты, в стране нет ни официально принятого определения социальной защиты, ни специального учреждения

для разработки, координации и управления различными программами, существующими в настоящее время.

В силу масштабности государственной программы пенсионного обеспечения в современных условиях, а также ее сложности, обусловленной особенностями накопленных пенсионных обязательств, современная пенсионная система государства играет огромную роль не только в социальной и общественно-политической жизни государства, но и в финансово-бюджетной системе страны, оказывая самое серьезное влияние на формирование и перераспределение денежных ресурсов в региональном и отраслевом аспектах.

Пенсионная система в Узбекистане регулируется Законом «О государственном пенсионном обеспечении граждан», принятым 3 сентября 1993 года.

Женщины старше 60 лет и мужчины старше 65 лет, с недостаточным периодом уплаты взносов социального страхования или без него, имеют право на пенсии по возрасту. Лица, подающие заявление на получение социальных пенсий по возрасту, должны указать, есть ли у них взрослые дети, родственники или другие лица, которые, согласно Семейному кодексу, обязаны их поддерживать.

Если текущий доход лица, подавшего заявление, и доходы детей, родственников или других лиц оцениваются как недостаточные для поддержки лица, подавшего заявление, назначается социальная пенсия по возрасту.

Пенсионный возраст в Узбекистане на сегодня, действительно, один из самых низких в мире. В европейских странах он постепенно увеличивается, причем уравнивается для мужчин и женщин. В Великобритании все выходят на пенсию в 65 лет, а со следующего года этот порог планируется повысить до 67 лет. Польша гарантирует пенсионное обеспечение для женщин с 60 лет, для мужчин – с 65 лет, но в ближайшее время пенсионный возраст для всех будет повышен до 67 лет.

В Финляндии пенсионный возраст составляет 68 лет, в Германии – 65 лет, но к 2030 году он будет повышен до 67 лет, а к 2050 году его планируется увеличить до 69, 70 или даже до 76 лет. Однако стоит учесть, что и продолжительность жизни в этих странах гораздо выше, чем в России. В Германии, например, она составляет 82 года для женщин и 76 лет – для мужчин, в Финляндии – примерно так же, в Польше – 79 лет для женщин и 74 года – для мужчин.

С 1 января 2017 года по 1 июля 2021 года количество получателей пенсий и пособий увеличилось на 26,1 процент и составило 3 959,7 тыс.чел.

Актуальными вопросами пенсионного обеспечения Узбекистана в современных условиях, как и во всех других странах, — это обеспечение стабильной финансовой прочности и повышение эффективности его

использования.

Пенсионная система Узбекистана постоянно испытывала финансовые трудности в своевременной выплате пенсий. Объективным фактором, обуславливающим сложность решения этой проблемы, является большая продолжительность пенсионного цикла, который охватывает значительный период и равна средней продолжительности жизни человека.

С учетом вышеизложенного при решении актуальных вопросов пенсионного обеспечения повышение пенсионного возраста приведет к тому, что люди, позже выходящие на пенсию, будут получать её меньший период, а то и вовсе не доживать до наступления пенсионного возраста, соответственно это и приведет к сокращению расходной части бюджета. Скорее всего, повышение пенсионного возраста будет осуществляться в несколько этапов, и оно не коснется людей уже достигнувших пенсионного возраста.

Следствием повышения пенсионного возраста станет незначительное замедление темпов инфляции и улучшение бюджетных показателей, но такие меры являются не популярными среди населения и восприняты они будут весьма негативно, но в связи с сокращением доходов бюджета и дефицитом средств в пенсионном фонде избежать повышения пенсионного не получится.

Подводя итог следует сказать, что только повышение пенсионного возраста сможет решить проблемы, которые возникают на данном этапе в пенсионном обеспечении. Для пожилых людей, которые по состоянию здоровья могут работать, повышение пенсионного возраста – не ущемление, а расширение прав личности. Мера повышения пенсионного возраста является очень важной. Это нужно не только и не столько с точки зрения балансирования пенсионной системы, сколько для продления периода продуктивной жизни будущих пенсионеров и снижения дефицита трудовых ресурсов на рынке.

Список использованных литератур:

1. Конституция Республики Узбекистан. - Т.: Узбекистон, 2014;
2. Бюджетный кодекс Республики Узбекистан, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 26.12.2013г. № ЗРУ-360;
3. Налоговый Кодекс Республики Узбекистан (новая редакция) утвержден Законом Республики Узбекистан от 30.12.2019 г. № ЗРУ-599;
4. Закон Республики Узбекистан "О государственном пенсионном обеспечении граждан" от 3.09.1993г. № 938-ХП;
5. Указ Президента Республики Узбекистан от 4 июня 2021 года за № [УП-6241](#) «О дополнительных мерах, направленных на дальнейшее совершенствование системы социальной поддержки населения»;
6. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 29 декабря 2020 года <https://president.uz/ru/lists/view/4057>

7. Целевые бюджетные и внебюджетные фонды: Учеб, пособие/ под ред. Карчевского В.В., Дом «Вузовский учебник», М., 2011.
8. Жиянова Н. Э. Управление государственными финансами: Учебник./ - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2019. - 444 с.;
9. www.mf.uz – Министерство финансов Республики Узбекистан.
10. www.lex.uz – Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан.
11. <https://cabar.asia/ru/kak-ustroena-pensionnaya-sistema-v-uzbekistane>

*Абдуразақов А.А мустақил изланувчи
Тошкент молия институти*

ХАРАЖАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг муҳим омили – харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тазда ташкил қилишдир. Бу вазифани унинг замонавий ва инновацион усулларини қўллагандан бажариб бўлмаслиги ҳам, бизнинг фикримизча, аксиомодир. Шу борада алоҳида таъкидлаш жоизки, айти ҳозирги пайтда, саноат корхоналари учун тармоқлараро рақобат кучайиб бораётганлиги сабабли, таннархни аниқ ва тўғри миқдоридан аниқлаш эмас, балки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган асоссиз харажатларнинг олдини олиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш усулларидан бири сифатида ХХ аср бошларида АҚШ ва Европада пайдо бўлган, моҳиятан ҳақиқий харажатлар миқдорини олдиндан белгиланган меъёрлар (стандартлар) билан таққослаш ва харажатларни оғишлар бўйича бошқаришга асосланган Standard Costing тизимидир. Бу усулнинг амалиётга жорий этилиши кераксиз харажатларнинг олдини олиш имконини берди.

1936 йилда Ж.Харрисон таннархни ҳисобга олишни бевосита тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар кесимида ҳисоблаш концепциясини илгари сурди (Direct Costing усули) ҳамда амалиётда шу усулнинг ишлаш механизминини кўрсатиб берди. Бу эса устама (билвосита ёки эгри ва ш.к.) харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш заруриятини бартараф этди. Direct Costing усули 1960-йилларнинг ўрталарига келиб амалиётда ўзининг кучли ўрнига эга бўлди. Ж.Харрисон ҳар хил турдаги харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан турлича боғлиқлигини ва шунинг учун асосий кўрсаткичлар бўлган фойда ва маҳсулот рентабеллигига улар турли хилда таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатди. Унинг бу мушоҳадаси натижасида харажатларни

бошқаришда бу бир қанча калькуляция тизимларининг яратилди. Улардан бири – Absorbtion Costing усули.

Absorbtion Costing усули барча харажатларни сотилган маҳсулот ва омбордаги қолдиқ ўртасида тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашни назарда тутди. Бу усулда, тўғри (бевосита) харажатлар маҳсулотнинг маълум турларига, эгри (билвосита, устама ва ш.к) харажатлар эса маҳсулот турлари ёки харажатлар марказлари бўйича ягона анъанавий тарзда қабул қилинган қўшимча харажатлар ставкалари бўйича тақсимланади. Билвосита харажатларни тақсимлашнинг бундай соддалаштирилган тизими 20-асрнинг бошларида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти - қўллашнинг қулайлиги, лекин шу билан бир қаторда аниқлигининг паст даражада бўлиши, хатоларнинг юқори даражада вужудга келиши билан ифодаланади. Ушбу тизим умумий харажатлар миқдорида билвосита харажатлар улуши унча катта бўлмаган ҳолатларда самарали ҳисобланади.

Direct Costing хўжалик юритувчи субъектнинг умумий харажатларини доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш асосида амалга оширилади. Фақат охиригиси, яъни ўзгарувчан харажатлар миқдори ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Доимий харажатлар миқдори эса бевосита молиявий натижалар миқдоридан чегириш орқали ҳисобдан чиқарилади. Харажатларни бошқаришда Direct Costing усулидан фойдаланиш - бу маржинал даромадни (сотишдан тушган тушум миқдоридан, яъни даромад ҳажмидан ўзгарувчан харажатларни чегириб ташлагандан кейин қоладиган миқдор) бошқариш деб ҳам аталади. Шундай қилиб, маржинал даромад - бошқарув қарорларини қабул қилишда бизнес рентабеллигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичидир. Direct Costingнинг муҳим хусусияти шундаки, унинг ёрдамида харажатлар (харажат), ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро боғлиқликни ўрганиш, тезкор ва жараёнли таҳлилни қилиш мумкин.

Иқтисодий тараққиёт, узлуксиз тарзда, харажатларни ҳисобга олиш усулларининг замонга ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бориш заруриятни қўйиб келоқда.

Шунга мувофиқ тарзда яна бир усул - Функционал калькуляция тизими (ABC - Aktivty Based Costing – Фаолият йўналишлари бўйича харажатларни ҳисоблаш) вужудга келди. Бу усул харажатларни улар вужудга келадиган жойлар бўйича ҳисобга олишга асосланади. Бу усулни амалиётда одатда, масъулият марказлари бўйича харажатларни ҳисоблаш усули деб ҳам аташади. Бу усулдан амалиётда фойдаланиш жуда қимматга тушади, лекин юқори аниқлик даражасига эга ва харажатларни ҳисоблаш хатолари билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Ушбу тизим билвосита харажатларнинг улуши юқори бўлган саноат корхоналари учун қўлланилади, уларнинг маҳсулотлари турли нисбатларда ташкилий ресурсларни талаб қилади. Бундай ҳолда, кўпинча икки босқичли жараён

қўлланилади: биринчи босқичда билвосита харажатлар харажатлар марказларига тақсимланади; иккинчидан, масъулият марказларида тўпланган харажатлар тегишли асослар (мезонлар, тақсимлаш асослари ва ш.к.) бўйича маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Standard Costing ҳамда ABC - Aktivty Based Costing усулларини қўллаш натижасида, баҳони белгилаш ва солиққа тортиш учун базавий кўрсаткич ҳисобланадиган, тўлиқ таннарх миқдори аниқланади.

Кейинчалик, ана шу иккита усул Р. Д. Мс-Илхатган, Р. А. Хауэлл ва С. Р. Соуслар таклифи ва илмий хулосалари натижалари асосида бирлаштирилган ҳолда “Sistem in time (SIT)” усули деб, ишлатилиб бошланди. Ушбу олимларнинг таклифлари моҳияти, харажатларни бошқариш бевосита ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулотига эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига қаратилган бўлади.

Шу муносабат билан ана шундай ривожланган бозор муносабатлари шаклланган демократик давлатларда шаклланган ва амалиётда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатган тажрибаларини ўрганиш ва самаралиларини миллий амалиётимизда қўллаш имкониятларини баҳолаш, муҳим деб ҳисоблаймиз. Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотларнатижасида - шу борада муҳим йўналиш харажатларни ҳисобга олиш усуллари дир, деган илмий хулосага келинди. Харажатларни ҳисобга олиш усуллари моҳиятан замонга ҳамоханг тарзда такомиллашиб бориш заруриятини кўйиб келокда. Хусусан, харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда, қуйидаги 3 та усулдан интеграллашган ҳолда фойдаланиш таклиф этилди:

- қиймат занжирини таҳлил қилиш;
- стратегик йўналишларни таҳлил қилиш;
- харажатларни шакллантирувчи омилларни таҳлил қилиш.

Адабиётлар:

1. Друри К. Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. -665 с. – (Серия «Зарубежник учебник»). Стр. 567-569.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

3. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshgaruv hisobi: Darslik /A.X. Pardayev, Z.A. Pardayeva. - Т.: ”Iqtisod-Moliya”, 2019. -556 b;.

4. Abdinabi Kh. Pardaev, Umidjon U. Kostaev. The improvement of organizing strategic management accounting, [Journal of Critical Reviews](#), 7(18), с. 718-721, ISSN-2394-5125 vol. 7, ISSUE 18, 2020.

5. Пардаева Ш.А. Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. /Монография – Т.: “Lesson Press” нашриёти, 2022., - 124 б.


Matiyazova S.R “Iqtisodiyot, boshqaruv, soliqlar va sug`urta” kafedrasida katta o`qituvchisi

SUG`URTA MARKETINGINING INTERNATSIONALLASHUVI VA ISTE`MOLCHILARNI HIMOYA QILISH HARAKATINING RIVOJLANISHI

Zamonaviy sug`urta marketingi faqatgina sotuvni jadallashtirish tizimidagina iborat bo`lgan o`zining dastlabki rivojlanish bosqichidan tobora uzoqlashib bormoqda. Hozirgi kunda bu butun boshli tijorat biznesi bo`lib, shaffoflik, o`zgarishlarga intilish, sug`urta faoliyatini optimallashtirish va uning daromadlilikini oshirish uning asosiy xususiyatlari hisoblanadi. G`arbdagi sug`urta kompaniyalari ishini mushkullashtiruvchi va ayni chog`da sug`urta ishida marketing ahamiyatini oshiruvchi muhim bir holatga e`tibor qaratish lozim. Bu o`rinda biz iste`molchilarning o`z haq-huquqlari uchun («konsyumerizm» deb nomlanuvchi) harakatlarini nazarda tutaymizki, bu harakat ijtimoiy xususiyatga ega bo`lib, g`arb mamlakatlari ijtimoiy taraqqiyotida muayyan tamoyillarga ega.

Sug`urtalanuvchilar sug`urta qiluvchilar ularning xizmatida bo`lishini istaydilar, aksincha holatni emas. Bunday vaziyatda sug`urta marketingi va sug`urtalanuvchilarning ijtimoiy munosabatlari mijozlar uchun olib borilayotgan raqobatchilik kurashida yashab qolishning eng zarur vositasiga aylanadi. Evropa chegaralari ochib yuborilgach, sug`urta marketingi oldida yangi muammolar paydo bo`ldi. Endilikda bozorni, mahsulotlarni va raqobatni alohida olingan mamlakat doirasida tahlil qilishdan tashqari, sug`urta qiluvchilar birlashgan milliy bozorning turli-tumanligini, istemolchilar qiziqishlarining o`zi xos qirralarini va shu kabilarni hisobga olishlari zarur. Boshqacha aytganda, talab va ehtiyoj bilan uyg`unligini, xalqaro bozorlardagi va xalqaro raqobatdagi ahvolini hisobga olmay turib bugungi kunda sug`urta maxsulotini ishlab chiqarish mumkin emas.

Rivojlangan mamlakatlarda sug`urta amaliyotlarining mijozlar uchun shaffofligi sug`urta marketingining o`ziga xos xususiyatlari bo`lib hisoblanadi. Sug`urta qiluvchilarning mijozlar uchun ochiqligi qator mamlakatlarda qonuniy jihatdan mustahkamlab qo`yilgan me`yor bo`lsa, boshqa hollarda esa sug`urta amaliyotlari shaffofligini oshirish sog`lom hisob-kitoblar asosi hisoblanadi.



1-rasm. Sug'urta maxsulotlari raqobatbardoshligini aniqlash bosqichlari.¹

Gap shundaki, sug'urta mahsulotini mijozlarga sotilishida ko'p hollarda mijozlar uchun sug'urta qiluvchining yashirinligi va sug'urtalanuvchining mazkur sug'urta himoyasi mohiyatini tushunmasligi sababli qiyinlashadi. Odamlar maqsadi va vazifasi o'zlariga tushunarsiz mahsulotni sotib olishdan qochadilar. SHu bois mijozga sug'urta tarifi qanday shakllanishini, kompaniya tomonidan olingan mablag'lar qanday sarflanishini, ehtimol ko'rilgan zarar qay yo'sinda qoplanishini tushuntirish o'tkazish ishlarining faollashuviga yordam beradi.

Shu jihatdan sug'urta xizmatlari sifatini oshirish dasturlari ham ta'sirchanlikka ega buladi. Qator sug'urta kompaniyalari sug'urtalanuvchilarga yuqori sifatli xizmat ko'rsatishni raqobatchilar bilan kurashda o'zlarining eng muhim qurollariga aylantirib olganlar. Sug'urta xizmatlarining sifati past bo'lishligi ehtimoldagi mijozlarni sug'urta kompaniyasidan qochirib yuboradi. Kompaniyaning obro'-e'tibori reklama bilan emas, balki «og'izdan-og'izga» o'tuvchi duv-duv gap orqali vujudga keladi. Agar mijoz o'z do'stlaridan yoki tanishlaridan qaysidir kompaniya shartnoma tuzish yoki sug'urta holati sodir bo'lganligini tekshirish jarayonida sug'urta xizmati ko'rsatishning zarur sifat bilan ta'minlay olmaganligini eshitsa, hech qanday reklama bu odamni mazkur sug'urta qiluvchi bilan shartnoma tuzishga majbur qila olmaydi. Xizmatlarning

¹ Chizma muallif tomonidan tayyorlandi

yuqori sifatda yo'lga qo'yilishi esa, aksincha, qo'shimcha ravishda yangi-yangi sug'urtalanuvchilarni kompaniyaga jalb etadi. Shu sababli sug'urta bozorlaridagi ayovsiz raqobat sharoitida kompaniyalar sug'urta xizmatlarining til tekkizilmaydigan darajada sifatli bo'lishi uchun tobora ko'proq intilmoqdalar.

Matiyazova S.R "Iqtisodiyot, boshqaruv, soliqlar va sug'urta" kafedrasi katta o'qituvchisi

SUG'URTA BOZORINI SEGMENTATSIYALASHNING TAMOYILLARI

Sug'urta bozorini segmentlash – bu juda oddiy konsepsiya bo'lib, sug'urta bozorini o'xshash jihatlariga qarab guruhlariga ajratishdir.

Sug'urta amaliyotida kamdan-kam holatlarda istiqbolli mijozlar sug'urta mahsulotlarini sotib olishda oddiy toifaga yoki segmentlarga ajratilmaydilar. Shu sababli sug'urta bozorini segmentlarga ajratishda yuzaga keladigan qiyinchiliklarni hal etishda ba'zi bir aniq qoidalarga bo'lgan ehtiyoj ortadi.¹

Bozorni xatti-harakatga ko'ra segmentlashning hammabop uslubi bo'lmaydi. Sug'urta qiluvchi segmentlashning bitta yoki bir necha ayirib olingan turlarini har xil o'zgaruvchan ko'rsatkichlar asosida tajribadan o'tkazib ko'rishi kerak. Bu narsa bozor tarkibini o'rganishga nihoyatda muvofiq keladigan yondashuvni tanlab olish va iste'mol xatti-harakatini aniq aks ettiradigan eng muhim ko'rsatkichlarning eng kam sonli majmuini ajratib olish imkonini beradi. Ba'zi yirik sug'urta kompaniyalari alohida mamlakatning milliy sug'urta bozorida segmentlashdan foydalanadilar, ya'ni bozorni segmentlashning dastlabki mezonini bo'lib davlat chegaralari xizmat qiladi. Boshqa sug'urta kompaniyalari esa (ayniqsa xozirgi yaxlitlashib borayotgan evropada) transnasional (umumevropa) segmentlashni qo'llashadi. Bunda bir qator mamlakatlardagi bir xil ehtiyojdagi va qiziqishdagi sug'urtalanuvchilarni guruhlash va olingan axborot asosida yagona marketing strategiyasini shakllantirish maqsad qilib olinadi.

Iqtisodiy rivojlangan evropa mamlakatlarida sug'urta marketingi xatarlariga ko'ra o'zaro keskin farqlanuvchi bozorning quyidagi asosiy segmentlarini ajratib ko'rsatiladi:

<i>Bozor segmenti</i>	<i>Chuqurroq segmentlash mezonlari</i>
-----------------------	--

¹ Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institut, Great Britain, 1993, 328 pg.

<p>Xususiy shaxslar bozori, unda yosh va keksa yoshli kishilar, shuningdek yirik va o'rtacha boylikka ega bo'lganlar o'ziga xos guruhchalar hisoblanadi.</p>	<p>Yoshi, daromadlari, kasb-kori, xususiy o'y-joyga egaligi, farzandlarining soni va sh.k.</p>
<p>Erkin kasb egalari – tabiblar, notariuslar, soliq maslahatchilari va sh.k., mayda savdogarlar, hunarmandlar, fermerlar Sanoat korxonalarini va boshqa firmalar</p>	<p>Faoliyat sohasi, o'ziga xos xavfning mavjudligi (xatarlilik), sarmoya miqdori, ko'char va ko'chmas mulkning mavjudligi va h.k.</p>
<p>Mahalliy o'z-o'zini boshqaruv organlar, kasaba va boshqa turdagi uyushmalar</p>	<p>Hajmi (aylanmalar yoki xodimlar soni), faoliyat sohasi, eksportga ega ekanligi, o'ziga xos xatarning mavjudligi, korxonalar faoliyat ko'rsatayotgan iqtisodiyot tarmog'ining taraqqiyoti. B'azi hollarda batafsil segmentlash maqsadida quyidagi mezonlardan ham foydalaniladi: rahbarning yoshi va g'ayratchanligi, rahbarning optimistlik darajasi. Hajmi, a'zolarining soni, faoliyat sohasi.</p>

Xaridorlarni sug'urtalanish istagi tug'ilishiga nimalar vaj bo'lganligi va ular sug'urta mahsulotidan umid qilayotgan manfaatdorlik asosida o'zaro ajratish mumkin. Bozorni segmentlashning bu usuli nihoyatda ahamiyatli. Gap shundaki, o'z mol-mulkini, salomatligini va hayotini himoyalash to'g'risida qayg'urayotgan kishilar, odatda keng ko'lamli sug'urta qoplamasini sotib oladilar, tashqi muhit taqozosi bilan (qonunchilik talablari yoki kontrakt shartlari asosida) sug'urtalanayotganlar esa, eng arzon namunadagi sug'urta polislarini afzal ko'radilar.

Sug'urta bozorini segmentlashtirish sug'urta kompaniyasining barcha ishlarini qayta qurishga olib keladi. Birinchi navbatda uning tarkibiy tuzilishi o'zgaradi va bu bo'limlarning sug'urta bozorining turli segmentlari (bo'laklari)ga ixtisoslashishga mos ravishda taqsimlanishida ifoda topadi. Shundan keyin sug'urta mahsulotini sotish tizimi ixtisoslashadi va ular o'zining asosiy mijozlarining xususiyatlariga moslashadi. Ba'zi hollarda sug'urta kompaniyasi bozorning alohida segmentlariga ixtisoslashgan bir necha avtonom sho'ba korxonalariga bo'linishi kuzatiladi. Bu sho'ba korxonalarini o'zining ishlab chiqarish, sifatni nazorat qilish va sug'urta mahsulotini tarqatish xizmatlariga ega bo'ladi.

Sug'urta bozorini segmentlash sug'urta qiluvchining injiqligi emas. U raqobat kurashi sharoitida mijozning xususiyatlarini to'la hisobga olishga tayanuvchi qudratli qurol bo'lib xizmat qiladi. Segmentlashtirish sug'urta qoplamasini sug'urtalanuvchilarning ehtiyojlari va moliyaviy imkoniyatlariga aniqroq moslashtirish va sug'urta qoplamasining narxi va sifatini oqilona uyg'unlashtirish imkonini beradi. Mijozlarning o'ziga xos ehtiyojlarini aniqlash

shunga mos xizmatlarni aniq tanlab olishga yordam beradiki, bu narsa keyingi vaqtda sug'urta qiluvchilarning raqobat kurashida asosiy vositalardan biriga aylanib bormoqda. Sug'urtalanuvchilarning sug'urta mahsulotini sotib olishga sezgirliklarini o'rganilayotganligi sug'urta bozorini segmentlashning muhimligini dalillovchi yorqin misol bo'la oladi. Bazaviy (minimal) qoplamani xarid qilayotganlar, uni bank, supermarket, pochta, telefon, elektron tarmoq orqali sotib olishlari mumkin. To'liq sug'urta himoyasiga ega bo'lishni istovchi sug'urtalanuvchilar esa sug'urta qiluvchining agentiga yoki brokerga murojaat etadilar.

Султонов Ш.Н., ТМИ
“Молия” кафедраси, PhD

ФОНД БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ёки фонд биржаси капитализациясининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улушининг оширилишида ушбу бозорнинг давлат томонидан тартибга солиниши¹ муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлат томонидан тартибга солиш ҳар қандай бозор тизимининг, шу жумладан, молиявий тизимнинг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Фонд бозори ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида ва умуман бутун дунёда катта роль ўйнайди. Айнан, фонд бозори инструментлари ва механизмлари орқали тараққий этган мамлакатлар миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун ресурсларнинг катта қисмини жалб қилади. Шу сабабли дунёнинг илғор, ривожланган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Германия, Япония ва шу каби давлатлар аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг ҳамда давлатнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз миллий иқтисодиётларини ривожланишини молиялаштириш учун йўналтириш имконини берувчи фонд бозорининг ривожланган тизимига эга.

Қимматли қоғозлар бозорини бошқаришда кўплаб умумий ёндашувларга қарамай, ҳар бир мамлакат фонд бозорини давлат томонидан тартибга солиш институтининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига эга.

Фонд бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органларнинг аксарият функциялари бир-бирига ўхшашдир, бу эа фонд бозорларини бошқаришнинг жаҳон тажрибаси деярли ўхшаш эканлигини англатади. Буюк Британия, Германия, Корея, Россия ва Қозоғистонда фонд бозорини тартибга солиш молия бозорини тартибга солишнинг ягона органи – мега - тартибга солувчи муассаса томонидан амалга оширилаётган бўлса, АҚШда

¹ Тартибга солиш (иқтисодий) – бу иқтисодий жараёнлар ривожланишининг йўналишларини аниқлаш, йўлга қўйиш ва маълум тизимга солишга қаратилган мақсадли йўналтирилган ҳаракат

бу функция бевосита Президентга ҳисобот берадиган алоҳида органга юкланган. Шу муносабат билан, молиявий бозорларни бошқаришни марказлаштириш ва ягона мега-регуляторларни яратиш умумий тенденциясига қарамай, энг ривожланган фонд бозорига эга бўлган АҚШ мега-регуляторни яратиш фонд бозорини ривожлантиришнинг универсал ва асосий самарали механизми эканлиги ҳақидаги тахминларни рад этади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича хорижий тажриба шуни кўрсатадики, жаҳон молия бозорида мега-тартибга солувчи муассасаларни яратиш тенденцияси устунлик қилмоқда. Шу билан бирга, мега-тартибга солиш институтлари иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам яратилмоқда.

Мега тартибга солувчи муассасанинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат: алоҳида бошқарув органлари томонидан фонд бозорини тартибга солиш функцияларининг такрорланишига барҳам бериш; фонд бозори иштирокчилари ҳисобот бериш ишларини ташкил этишга ягона тизимли ёндашув; фонд бозори тараққиётини прогнозлаштириш ва марказлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш учун ахборот оқимларини оптималлаштириш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ижро этишнинг ягона механизмининг мавжудлиги; фонд бозорини бошқариш бўйича барча ваколатларнинг бир муассасада мавжудлиги бошқа муассасалар (идоралар) фаолиятини оптималлаштиришга олиб келади.

Ушбу қатор афзалликларга қарамай, мега-тартибга солувчи муассаса яратилишида ҳам унинг камчиликлари бўлиши мумкин: молия бозорининг айрим участкаларини тартибга солишнинг заифлашиш эҳтимоли; турли хил тартибга солиш объектларига эътиборни қаратиш ва молия бозорининг муайян сегментини ривожлантиришнинг аҳамияти ва устуворлигидаги номуносивлик.

Шу билан бирга, АҚШ дунёдаги энг ривожланган, ҳуқуқий анъаналари асрлар давомида шаклланган ва қонунчилиги амалий ишлар натижасида пайдо бўлганлигини ёдда тутиш керак. Умуман олганда, бошқарув органининг тузилиши ва ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар институтининг ривожланганлигидан қатъий назар, ваколатли органларнинг асосий функциялари қонун ижодкорлигини ва назоратни ўз ичига олади.

Мухтасар айтганда, фонд бозори макроиқтисодий сиёсат ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий муҳитсиз ривожлана олмайди. Фонд бозорининг ривожланиши маълум вақтни ва тўғри қарорлар қабул қилиниши талаб қилади, чунки баъзи бозорлар ривожланган молиявий инфратузилмани ва тараққиёт учун кучли ҳуқуқий ҳимояни талаб этади.

Фонд бозорининг ривожланишига бозор ҳажмини оширишга қаратилган сиёсат, жумладан, солиқ ислоҳотлари, молиявий эркинлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кабилар ёрдам бериши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, хулоса сифатида шуни қайд этиш зарурки, хорижий мамлакатларда фонд бозорини тартибга солишнинг замонавий тизимлари асосан молия бозори мега-регуляторини яратишга асослангандир. Шунга ўхшаш ёндашувнинг Ўзбекистонда қўлланилиши ва қўлланилмаслиги миллий молия тизимининг истиқболдаги тараққиёти кўрсатиб беради. Аммо, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, республика фонд бозорини тартибга солишнинг амалдаги тизими қисқа муддатда олдида турган барча вазифаларни сифатли бажара олади.

*Султонов Шерали Нуралиевич
ТМИ, “Молия” кафедраси, PhD*

ФОНД БОЗОРИНИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугунги кунда самарали корпоратив бошқарув тизими инвестицион қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи омил сифатида қаралмоқда ва шу сабабли «корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлмаган компания рақобатбардош ва инвестицион жозибадор бўлиш учун бозорнинг тўлиқ иштирокчисига айланиш имкониятига эга эмас»¹. «Жаҳон амалиётида сўнгги ўн йилликда корпоратив бошқарувга бўлган бундай жиддий эътиборнинг асосий мезони инвесторлар учун янада хавфсизроқ ва қулай муҳит яратишга интилиш ҳисобланади»². Акциядорлик жамиятлари хўжалик юритиш амалиётида корпоратив бошқарувнинг кенг тарқалганлиги у ёки бу мамлакатнинг очиклик ва ривожланиш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Самарали компаниялар ва корхоналарсиз мамлакат турмуш фаровонлигини ошириш ва қўшимча ишчи ўринларини ҳосил қилиш учун етарлича шароит яратиш имкони бўлмайди. Давлат учун инвестициялар жалб қила оладиган, ишчи ўринлари ва моддий бойликларни ярата оладиган, барқарор ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, корпоратив бошқарув савияси ҳамда механизми яхши ташкил этилган корхоналар керак. Шунинг учун ҳам замонавий корпоратив бошқарув миллий иқтисодиётни ривожланиши учун заруриятга айланиб бормоқда. Мазкур жараёнлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, корпоратив бошқарувнинг лозим амалиёти барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш учун корпорациялар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш воситаларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Фикримизча, самарали корпоратив бошқарув воситасида миллий

¹Силова Е.И. Сравнительный анализ моделей корпоративного управления// Вестник Челябинского государственного университета, 2011, №32 (247). – С. 104-107.

²Тагавердиева Д.С. Методы оценки эффективности корпоративного управления// Актуальные проблемы экономики и права, 2012, №2. – С. 82.

фонд бозорини ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этилиши керак. Жумладан;

1. Корпоратив қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари тўғрисидаги ахборотнинг ошкор этилиши масаласи;

2. Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келган хорижий инвестициялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, аммо, корпоратив қимматли қоғозлар бозори орқали уларнинг салмоғи пастлигича қолмоқда. Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорациялардаги давлатга тегишли йирик акциялар пакети бирламчи бозор орқали стратегик хорижий инвесторларга инвестицион мажбурият асосида сотилаётганлиги; Иккиламчи бозор орқали эса бундай инвесторлар корпорациялардаги ўз улушларини ички инвесторлар (жисмоний ва юридик шахслар) эвазига ошироқдалар. Демак, миллий корпоратив бошқарувда корпоратив қимматли қоғозлар давлатнинг фаол инвестиция сиёсати талабларига жавоб бера олмаётганлиги билан изоҳланиши мумкин.

3. Корпоратив қимматли қоғозлар ва биринчи галда акцияларнинг ликвидлигини сезиларли даражада ошириш;

4. Миллий фонд бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган мавжуд муаммоларнинг бири сифатида корпоратив облигациялар бозорининг ташкил этилмаганлиги. Жаҳон амалиётида, фонд бозорининг 70-75 фоизини қарз муносабатларини ўзида акс эттирувчи қимматли қоғозлар ташкил этади.

Бугунги замонавий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларни жадаллаштиришдан асосий мақсад, қуйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга қаратилган қатор илмий хулосалар ҳамда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради:

- иқтисодиёт тармоқларида давлат улушининг мавжудлиги ва самарадорлигини, бошқача айтганда, “иқтисодиётдаги давлат”нинг ролини кенг миқёсда танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда хусусий секторнинг иқтисодиёт тармоқларидаги иштирокини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича янги чора-тадбирларни белгилаш вақти келди. Бундай корхоналардаги давлат улушини хусусий секторга, жумладан, янги миллий инвесторларга, улар томонидан ана шу корхоналар негизида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбуриятини қабул қилиш шarti билан ноль қийматида сотиш мақсадга мувофиқдир.

- Ўзбекистон миллий корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмалар молияси тизимини ишлаб чиқилишини тезлаштириш, акциядорлик жамиятлари мулкдорлари ва менежерлари, ҳамда тармоқлараро назорат органлари раҳбарлари ва кенг иқтисодий жамоатчилик орасида муҳокама қилинишини ташкил қилиш;

- жойларда, хорижий инвесторлар инвестиция қарорларини қабул қилишда катта эътибор берадиган корпоратив бошқарув тамойилларининг

тўла амалга ошириш учун зарур бўлган ички корпоратив қурилиши масалаларида ташаббус етишмаяпти;

- ҳозирда миллий фонд бозорига хорижий инвестицияларни жалб қилиш воситаси сифатида қарашларни эътироф қилган ҳолда, фонд бозори инфратузилмасининг ҳозирги кундаги ҳолати жаҳон капитал бозорига қўшилиб кетишга кам имконият беради.

- Ўзбекистонда миллий корпоратив бошқарув тизими ишлаб чиқилишини тезлаштириш, акциядорлик жамиятлари мулкдорлари ва менежерлари, ҳамда тармоқлараро назорат органлари раҳбарлари ва кенг иқтисодий жамоатчилик орасида муҳокама қилинишини ташкил қилиш.

- Корпоратив бошқарувнинг ички корпоратив норматив-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозори тизимини ривожлантириш, корхона бошқарув органлари тузилмаси таркибига кирадиган шахсларнинг жавобгарлигини оширишни ҳисобга олиш зарур.

Яқуний хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ривожланаётган корпоратив бошқарув тизими катта ҳажмдаги капитал тўплаш имкониятини яратса, фонд бозори эса иқтисодиётнинг барча тармоқларини доимий актив молиявий маблағлар билан таъминлаш имкониятини яратиб беради.

Абдуқаҳоров Б.Ў.

Тошкент молия институти талабаси

Базаров Ф.О.

Тошкент молия институти доценти,

иқтисодиёт фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда ҳамда тартибга солишда солиқ сиёсатининг ўрни ўрганиб чиқилган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятида амалга оширилган чора-тадбирлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик тадбиркорлик субъектлари, бюджет-солиқ сиёсати, солиқ юки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, солиқ ставкалари, ягона солиқ, айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи

Жаҳон иқтисодиётида халқаро ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларида солиқ юкини камайтириш бўйича зарур кўрсатмалар ва мезонлар ишлаб чиқилган бўлиб, унинг талаблари асосида давлат тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш стратегиялари ва уларда солиқ юкини камайтиришга, тадбиркорликнинг давлат аҳамиятидаги жараён сифатидаги белгиловчи роли, тадбиркорлик фаолиятига солиқлар

таъсирининг ва тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигига янги таҳдидлар мазмунини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг Савдо ва Ривожланиш конференцияси тадқиқотларига кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2019 йилдаги 1,54 трлн. АҚШ долларлик қийматидан 2020 йил якунига бориб, деярли 40 фоизгача камайиши мумкинлиги, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 5-10 фоиз камайиши, сўнгра 2022 йилга келиб инвестициялар ҳажми қайта тикланиши прогноз қилинган.¹ Бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибаларни қўллашга алоҳида эътибор қаратиш ва республикамиз тадбиркорлик субъектларида солиқ юкини камайтириш тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Халқаро амалиётда Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Жаҳон Савдо ташкилоти, БМТнинг Тараққиёт дастурлари томонидан тадбиркорлик субъектларида солиқ юкини камайтириш мақсадида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг ривожланаётган мамлакатлар тадбиркорлик субъектларида солиқ юкини камайтиришга оид тадқиқотлари хулосаларига кўра, ушбу механизм яхши йўлга қўйилган мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари ривожланиши даражаси анча юқорилиги асосланган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик тараққиётини рағбатлантиришнинг янги самарали восита ва усулларида фойдаланиш асосида тадбиркорлик субъектларида солиқ юкини камайтириш механизмининг такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Бу борада иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиш сифатида “тадбиркорликка солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, тадбиркорлик тараққиёти мақсадларида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”², “тадбиркорлик тараққиётининг ҳуқуқий асосларини соддалаштириш, тадбиркорлик тараққиётини рағбатлантиришнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилиқлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчи-тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш”³ лозимлиги таъкидланди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлаб келинган солиқ ставкалари бўйича маълумотга тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу кўрсаткичлар 2005 йилдан бошлаб очиқлана бошлаган. Бунинг сабаби

¹ World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. United Nations. p.2. Манба: https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_overview_ru.pdf

² 2017- 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947- сонли Фармонида 1-ИЛОВА.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 26 сентябрьги ПФ-5837-сонли фармони,

мазкур субъектлар фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш асосан 2005 йилдан эътиборан бошланганлиги ва шу йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун 13 фоизлик ягона солиқ (ялпи даромад солиғи) қўлланила бошланган. Бугунги кунда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилиши натижасида, айланмадан олинган солиқ (ягона солиқ тўлови) ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 2021 йилда 4 фоизгача ёки 3 баробардан ортиқ камайтирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун катта имкониятлар берди. Жумладан, 2005 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi кичик бизнес субъектлари улуши 31 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йил якуни билан бу кўрсаткич 53,9 фоиз, 2019 йилда 54,2 фоизни ташкил этган¹. Ушбу кўрсаткич 2012-2018 йиллардаги ҳолатга нисбатан камайиш тенденциясига эга. Ушбу ҳолатни 2019 йилдан бошлаб амалга оширилган иқтисодий ислохотлар билан изоҳлаш мумкин. Яъни бюджет-солиқ сиёсати концепцияси доирасида қўлланилган механизмлар таъсирида кичик бизнес субъектлари тоифасини аниқлашда фақатгина ходимлар сони эмас балки уларнинг айланма маблағлари ҳам инобатга олинishi билан асослаш мумкин.

Юқорида ўрганиб чиқилган маълумотлар асосида мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда фаолият иштирокчиларига юқори имкониятлар яратилганлигини, солиқ сиёсати борасида тадбиқ этилган имтиёзлар ўзининг ижобий самарасини берганлигини кўришимиз мумкин. Умумий хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштиришда солиқ сиёсатининг ўрни юқори даражада эканлигини алоҳида аҳамият касб этади.

Uskanov E.E.
TMI mustaqil tadqiqotchisi

BANKLARARO KREDIT BANK RESURS BAZASINI MUSTAHKAMLASHDA MUHIM OMIL

Mamlakatimizda iqtisodiyotni liberallashtirish va modernizatsiyalash, bozor islohotlarining yanada chuqurlashtirilishi natijasida yildan-yilga salmoqli natijalar qo‘lga kiritilib, barqaror iqtisodiy o‘shish yo‘nalishi mustahkamlanib bormoqda. Bunda hukumatimiz tomonidan ishlab chiqilgan iqtisodiy siyosatning to‘la va izchil amalga oshirilishi, iqtisodiyotning muhim ustuvor tarmoqlarining belgilab berilishi hamda ularni rivojlantirish bo‘yicha barcha imkoniyatlarning safarbar etilishi muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Mamlakatimiz hukumati tomonidan so‘nggi yillarda bank-moliya sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar bank tizimining moliyaviy barqarorligini yanada mustahkamlashga xizmat qilmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари

Prezidentning 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947- sonli “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishni beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasi” va 2017 yilning 2 sentyabrdagi PF-5177-sonli “Valyuta siyosatini liberallashtirish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni, 2017 yil 13 sentyabrdagi “Pul-kredit siyosatini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3272-sonli qarori, 2017 yil 12 sentyabrdagi “Respublika bank tizimini yanada rivojlantirish va barqarorligini oshirish choratadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3270-sonli qarorini bank tizimi barqarorligini mustahkamlashda muhim xuquqiy xujjatlar sifatida xizmat qilmoqda. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentning 2020 yil 12 maydagi PF-5992-sonli “2020-2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi farmoni mamlakatimiz bank tizimi moliyaviy barqarorligini oshirish, banklarni kompleks transformatsiya qilish, banklarni bozor tamoyillari asosida ishlashini ta‘minlash bo‘yicha aniq vazifalarni belgilab berdi.

Hozirgi paytda bank soxasini rivojlantirish va iqtisodiy jixatdan yuksaltirish uchun kredit muassasalarining barqarorligiga erishish juda muximdir. Ma‘lumki, qo‘yilmalarni jalb etish va bank resurslarini ko‘paytirishda uning obrusi hal qiluvchi omil sanaladi. Bu obru tijorat banklari passivlarini boshqarish sifatiga ko‘p jixatdan bog‘liq bo‘ladi. Bozor munosabatlari sharoitida tijorat banklari tarmog‘ini kengaytirish ular o‘rtasida depozitlar, banklararo kredit va boshqa resurslarni jalb etish uchun raqobatni yuzaga keltiradi. Keng ma‘noda passivlar operatsiyalarini boshqarish omonatchilar va boshqa kreditorlarning mablag‘larini jalb etish va mazkur bank uchun mablag‘lar manbalari tegishli kombinatsiyasini belgilash bilan bog‘liq faoliyatdir.

Tor ma‘noda esa, passivlar operatsiyalarini boshqarish deganda zaruriyatga ko‘ra qarz mablag‘larini faol ravishda topish yo‘li bilan likvidlikka bo‘lgan extiyojni qondirishga qaratilgan harakatlar tushuniladi. Depozit sertifikatlarini joylashtira olishi hamda yevrodollarlar yoki mablag‘larni Markaziy bankdan qarzga olishi mumkinligi bankning kam daromadli ikkilamchi zaxira aktivlariga kamroq darajada qaram bo‘lishiga imkon beradi. Bu esa, uning foyda olish imkoniyatlarini kengaytiradi. Lekin bu operatsiyalar tavakkalchilik bilan bog‘liqdir. Passiv operatsiyalarni boshqarishda ushbu qo‘shimcha tavakkalchilikni va bundan tashqari, mablag‘larni jalb etish xarajatlari bilan ushbu mablag‘larni qarzlar va qimmatli qog‘ozlarga joylashtirishdan olinishi mumkin bo‘lgan daromad o‘rtasidagi nisbatni e‘tiborga olish kerak. Binobarin, aktivlarni boshqarish va passiv operatsiyalarni boshqarish o‘rtasidagi o‘zaro aloqa bankning foyda ko‘rishi uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Resurslar negizi bank faoliyati uchun birinchi darajali ahamiyatga ega. Biz bilamizki, tijorat banklari aktiv operatsiyalari o‘zlarida mavjud bo‘lgan hamda jalb etilgan pul mablag‘lari manbalari doirasidagina amalga oshira oladilar. Binobarin, ayni passivlar operatsiyalari aktivlar operatsiyalarining xajmi va

miqyosini belgilaydi. Bank passivlarini shakllantirish va maqbullashtirish jarayoni, tijorat banklarining resurs saloxiyatini tashkil etadigan pul mablag‘lari barcha manbalarini boshqarish sifati muhim ahamiyat kasb etadi.

Bankning barqaror resurslar negizi uning aktiv operatsiyalari barcha turlarini muvaffaqiyatli ravishda o‘tkazish imkonini beradi. Shu sababli, har bir tijorat banki o‘z resurslari negizini oshirib borishga intiladi. Tijorat banklari qarz mablag‘larini keng jalb etmoqdalar. Qarz mablag‘lari xisobiga aktivlar jami miqdorining 80 foizdan ko‘prog‘i shakllanadi. Bank operatsiyalaridan olinadigan nisbatan yuqori bo‘lmagan foyda arzongina qarz mablag‘laridan, shu jumladan depozitlardan foydalanish pirovard natijada aksiyadorlarning maqbul daromad olishlarini ta‘minlaydigan miqdorga yetishi kerak.

Qarz mablag‘larini jamlash imkoniyati ko‘p jixatdan quyidagi tashqi omillarga bog‘liq bo‘ladi:

- iqtisodiy faollik darajasiga;
- mintaqaning rivojlanganlik darajasiga;
- muqobil qo‘yilmalar imkoniyatlariga;
- inflyatsiya yuzasidan qilinadigan taxminlarga.

Tijorat banklari likvidligini boshqarish siyosatini rivojlantiradigan va to‘ldiradigan passivlarni boshqarish nazariyasi quyidagi ikki asosga ega.

Birinchisi - tijorat banki likvidlik muammosini qo‘shimcha pul mablag‘larini kapital bozorida sotib olgan xolda jalb etish yo‘li bilan xal eta borishi mumkin. Real tarzda ushbu fikr-muloxaza g‘arb mamlakatlarida amalda ruyobga chiqqan.

Ikkinchidan - tijorat banki o‘z likvidligini Markaziy bankdagi keng miqyosda qarzga beriladigan pul mablag‘laridan yoki vakil banklaridan qarzga olinadigan, shuningdek yevrovalyutalar bozoridan olinadigan qarzlardan foydalanib ta‘minlashi mumkin.

Keyingi yillarda banklar o‘z likvidliklarini ta‘minlash uchun keng miqyosda qarz olishdan foydalanmoqdalar. Qarz mablag‘laridan foydalanish ko‘lamini kengaytirish keyingi yillarda bank kreditlariga talab oshganligi va talab qilingungacha omonatlar nisbatan sekin ko‘payayotganligi bilan belgilanadi. Iqtisodiy faollik kuchayishi va inflyatsiya sur‘ati oshishi xo‘jalik firmalarining kreditlarga oid extiyojlari oshishini anglatar edi. Bundan tashqari, firmalar ham, xususiy shaxslar ham foiz stavkalariga nisbatan sezgirroq bo‘lib qolganlar.

Shular munosabati bilan, ta‘kidlab utganimizdek, talab qilingungacha omonatlar ko‘payishi sekinlashdi. Xarajatlar ko‘payishi banklarni o‘z resurslaridan to‘liqrok foydalanishga undadi. Bu esa avvalgi yillardagiga nisbatan ssuda/depozitlar koeffitsientining oshishiga olib keldi. Buning oqibatida banklarning mablag‘larga extiyoji vaqti-vaqti bilan oshadi. Banklar ushbu vaqtinchalik extiyojni xalqaro amaliyotda banklararo kreditlar, zaxira fondlari, REPO bitimlari yoki yevrodollarlar bozoridan qarz olish yordamida qondiradilar.

Banklar resurslarini boshqarishning asosiy konsepsiyalaridan biri banklararo kreditlar nazariyasi xisoblanadi. Banklararo kreditlar nazariyasi Markaziy bank yoki vakil bankdan qarz olish zaxiralarning (binobarin, likvidlikning ham) xolatini tuzatish uchun mablag'larni safarbar etishning «xisob oynasi» (diskount window) deb ham nomlanadigan bir usulidir. Zaxiralarni baravarlashtirib borishning ushbu usuli keng yoyilmagan bo'lsada, bunday qarzlarni Markaziy bank tomonidan nazorat qilinadi. Mablag' joylashtirishdan naf ko'rishdan tashqari, kreditor banklar bank faoliyatining boshqa masalalari bo'yicha ham amaliy sherikchilik munosabatlari o'rnatish imkoniyatiga ega bo'ladi. Moliyaviy barqaror katta banklardan tashqari, tashkil qilinish, rivojlanish bosqichida turgan banklar bo'sh kredit resurslariga ega bo'ladi. Ular xozircha mijozlar yetishmasligi davrini boshdan kechirishmoqda.

Kredit resurslarining o'rnini qoplash muddatlari turlichadir. Xalqaro amaliyotda 1,3 va 6 oy muddatidagi depozitlar, bir kundan toki bir necha yilgacha eng yuqori muddatlilar ko'proq tarqalgan. Banklararo kredit buyicha stavka odatda, xo'jalik yurituvchilarga berilgan kreditlar bo'yicha belgilanadigan foiz stavkalaridan pastroq bo'ladi va Markaziy bankning rasmiy xisobga olish stavkasiga muvofiq ravishda tuzatiladi. Qarz oluvchi bank boshqa banklardan kredit resurslari jalb etishiga uning o'z mijozlarining qarz mablag'lariga bo'lgan ehtiyojlarini qondirishi, ya'ni o'z kredit qo'yimlarini kengaytirishi hamda bank likvidligini tartibga solib borish zaruriyati sabab bo'ladi.

Banklararo kredit jalb etish ikkita usulda: mustaqil ravishda, to'g'ridan-to'g'ri muzokaralar yo'li bilan yoki moliyaviy vositachilar orqali amalga oshiriladi. Banklarning o'zlari banklararo kredit to'g'risida kelishilgan taqdirda ularning munosabatlari maxsus shartnoma bilan rasmiylashtiriladi. Banklararo shartnomalarning aksariyati muddatli shaklda, qolganlari esa muddatsiz shaklda tuziladi. Iqtisodiy barqarorlik bo'lmagan sharoitda kredit bozorida qanday vaziyat yuzaga kelishini va bankning moliyaviy ahvoli qanday bo'lishini oldindan bilish qiyin. Chunki, kredit resurslari yetishmasligi yoki ortiqcha bo'lib qolishi mumkin. Banklararo shartnomaning muddatsiz shakli banklararo kreditni shartnomada belgilangan eng qisqa muddatga berishni ko'zda tutadi. Bu muddat tugaganidan keyin kredit muddatsiz kreditlar toifasiga o'tadi, ya'ni kreditor - bank tomonidan oldindan ma'lum qilingan xolda istalgan paytda talab qilib olinishi mumkin. Kredit resurslarini qarzga olgan bank ularni qaytarish imkoniyatiga ega bo'lmasa, u boshqa banklarning muddatli qarzlardan foydalanadi. Bush resurslar jalb etish (joylashtirish) to'g'ridan-to'g'ri (sotuvchixaridor) emas, balki vositachi ishtirokida kechadi. Banklarning o'zlari, brokerlik idoralari, fond birjalari, moliya uylari, kredit dukonlari shu yusinda qatnashishlari mumkin.

ХУСУСИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хусусий таълим ташкилотлари мустақил иқтисодий субъектлар ҳисобланади. Улар бошқа иқтисодий бирликлардан турли жиҳатлари бўйича фарқланади. Бундай фарқли жиҳатлар уларнинг мақоми, мақсади, устав вазифалари, маблағларининг шакллантириш манбалари, бу маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, тушумлар ва сарфлар ўртасидаги фарқнинг фойда сифатида тан олинмаслиги ва таъсисчилар ўртасида тақсимланмаслиги, келиб тушган мақсадли тушумлардан фақат беғараз мақсадларда фойдаланиш ва бошқаларда ёрқин намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, хусусий таълим ташкилотларининг ўзига хос иқтисодий бирликлар сифатида макон ва замонда мавжудлигига, мамлакатни бошқаришда, инсонлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тобора ортиб боришига қарамасдан, улар фаолиятини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг назарий, ташкилий ва методологик масалалари етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш хусусиятлари адабиётларда ҳам атрофлича очиб берилмаган. Республикамизда хусусий таълим ташкилотларида ҳисоб ва ҳисоботни юритиш махсус меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солилмаган. Улар ўз фаолияти ҳисобини, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардагидек, республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” асосида юритиб келмоқдалар. Бироқ, ушбу БҲМСда хусусий таълим ташкилотлари фаолиятида юз берадиган барча жараёнлар, маблағлар ва уларнинг сарфи, чунончи мақсадли тушумларнинг келиб тушиши ва сарфланишининг ҳисоби, хусусий таълим ташкилотлари хусусиятларидан келиб чиқиб, атрофлича очиб берилмаган. Шу боис ҳам ҳозирги пайтда хусусий таълим ташкилотлари амалиётида улар фаолияти, маблағлар ва уларнинг сарфи, чунончи мақсадли тушумлар кирими ва чиқими ҳисоби турли бир-биридан фарқланувчи услубий тартибларда олиб борилмоқда.

Хусусий таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил қилувчи жараёнлар ва операциялар, уларнинг маблағлари кирими ва сарфи ҳисобини яхлит методологик тартибда олиб борилиши таъминлаш учун “Хусусий таълим ташкилотларида молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” ишлаб чиқилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу меъёрий ҳужжатда хусусий таълим ташкилотларининг хусусиятларидан келиб чиқиб,

мақсадли тушумларнинг келиб тушушини уларнинг ҳар бир манбасига қараб, ушбу маблағларнинг сарфланишини эса хусусий таълим ташкилотларининг харажатлар сметасида назарда тутилган моддалар бўйича акс эттирадиган счётлар тизимини назарда тутиш, бизнингча, фойдадан холи бўлмайди.

Мақсадли тушумлар хусусий таълим ташкилотлари хусусий капиталининг асосий тури бўлиб ҳисобланади. Бироқ, республикамизнинг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни”га кўра мақсадли тушумлар умуман, хўжалик юритувчи субъектлар, чунончи, хусусий таълим ташкилотлари хусусий капиталининг элементи сифатида эътироф этилмасдан қолган. Бухгалтерия баланси ҳамда “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот”да эса мақсадли тушумлар хусусий капиталнинг элементлари сифатида алоҳида моддаларда акс этирилади. Фикримизча, мақсадли тушумларнинг хусусий капитал элементи сифатида тан олиншини республикамизнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунига ҳам киритиш лозим.

Хусусий таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, мақсадли тушумлар ҳисобини ушбу ҳисоб объектининг таркиби, мақоми ва мазмунига тўлиқ мос равишда юритиш ҳисобланади.

Мақсадли тушумлар миқдори ва кўлами улар ҳолати ва ҳаракатини махсус счётларда тизимли равишда юритишни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, ушбу мақсадли тушумлардан мақсадли фойдаланиш устидан бухгалтерия назоратини узлуксиз олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни тизимли равишда алоҳида шаклланишига, жамоат фондларида ўтказиладиган ички ва ташқи аудитни, шунингдек улар мулкӣ ва молиявий ҳолати таҳлилини объектив, асосли ҳисоб маълумотларига таянилган ҳолда амалга оширишга имкон беради.

Яна бир методологик муаммолардан бири бу мақсадли тушумлар ҳамда беғараз олинган мулк ва беғараз олинган молиявий ёрдамларнинг барчасини бир хилда тушум сифатида эътироф этиш ҳисобланади. Ҳозирда амалда бўлган тартибга кўра мақсадли тушумларнинг айрим турлари, масалан, хайрия тушумлари, давлат бюджетидан берилаётган дотациялар ва субсидиялар жамоат ташкилотларида 8800 “Мақсадли тушумлар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар” тизимида мақсадли тушум сифатида акс этирилади. Беғараз олинган мулк эса жамоат фондларида худди бошқа хўжалик юритувчи субъектларидаги сингари резерв капитали сифатида тан олинади ва мос равишда 8530 “Беғараз олинган мулк” счётида акс этирилади. Бизнингча, бундай олинган беғараз мулк ҳам хусусий таълим ташкилотларида 8800 “Мақсадли тушумлар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар” тизимида алоҳида счётда, масалан, 8880 “Беғараз олинган мулк” счётида акс этирилиши керак.

Республикамизнинг 21-сон БХМСда мақсадли тушумларнинг ишлатилиши бўйича хўжалик ситуацияларини счётларда акс эттириш тартиби тўлиғича ўз аксини топмаган.

Хусусий таълим ташкилотларида мақсадли тушумларнинг ишлатилиши тўғрисида очиқ ва атрофлича ахборотларни тизимли шакллантириш учун 21-сон БХМС асосида яратилиши таклиф этилаётган йўриқномада қуйидаги счётларни назарда тутиш фойдадан холи бўлмайди:

*9410 “Устав вазифаларни бажаришга қилинган харажатлар”;

*9420 “Бошқарув харажатлари”;

*9430 “Бошқа операцион харажатлар”.

Ушбу счётларга олиб бориладиган харажат моддалари таклиф этилаётган йўриқномада барча хусусий таълим ташкилотлари учун ягона тарзда “Тушум ва сарфлар сметаси”да келтириладиган моддаларга мос равишда белгиланиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Харажатларни акс эттирувчи ушбу счётларнинг дебетида тўпланган суммалар ҳисобот даврлари охирида 8800 “Мақсади тушумлар” счёти тизимида очиладиган счётларига ёпилиши керак.

Хусусий таълим ташкилотларида капиталлаштиришга сарфланган мақсадли тушумлар ҳамда сарфланмасдан қолган мақсадли тушумларни ҳисоб ва ҳисоботида акс эттиришнинг ҳам яхлит тартиби ўрнатилиши лозим. Фикримизча, асосий воситалар, номоддий активлар, шунингдек товар-моддий бойликлар сифатида капиталлаштирилган мақсадли тушумларни ушбу активлар ҳақиқатда кирим қилинган ойларда номлари юқорида зикр этилган счётларнинг дебетида ҳамда тавсия этилаётган 8540 “Капиталлаштирилган мақсадли тушумлар” счётининг кредитида акс эттириш, шунингдек, ушбу капиталлаштирилган мулкни хусусий таълим ташкилотлари балансида “Резерв капитали” моддасида кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, ННТларда сарфланмасдан қолинган мақсадли тушумлар улар балансининг махсус моддасида алоҳида кўрсатилиши лозим.

Бизнингча, юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар республикамизда борган сари равнақ топаётган хусусий таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш имконини беради.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ИНВЕСТИЦИОН КЎЧМАС МУЛКНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ

Маълумки, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кўпроқ бозор учун мўлжалланган. Ушбу стандартларнинг асосий тамойилларидан бири бу мувофиқлик ва ишончлилик тамойилларидир. Мувофиқлик тамойили кўпроқ қарорлар қабул қилишга мўлжалланиши, яъни ҳисобот маълумоти инвесторга мўлжалланиши ва бозорга хизмат қилиши керак.

Турли мамлакатларда қисқа муддатли инвестицияларни баҳолашнинг турлари ва ҳисоботда акс эттиришнинг турли хил қоидалари ишлаб чиқилган. 25-сон БҲХС қисқа муддатли инвестицияларни балансда бозор қийматида ёки икки хил баҳонинг энг пасти бўйича: бозор баҳоси ёки таннарх бўйича ҳисобга олинади. Иккинчи ҳолатда паст баҳо ёки тўлиқлигича инвестиция портфели бўйича, ёки асосий категориялар бўйича ёхуд яқка тартибда танлаб олинади¹.

Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тизимида инвестициялар асосан қисқа ва узоқ муддатли турларга қараб ҳисобга олинади. Хорижий давлатларда инвестицияларни узоқ ва қисқа муддатларга бўлишдан ташқари, уларни қарзли ва улушли инвестицияларга ҳам ажратилади. Бу орқали бошқа корхонага қўшилган улуш бўйича инвестицияларни турли хил усулларида баҳолаш мумкин бўлади.

Агарда инвестицион кўчмас мулк узоқ муддатли инвестицион мулк сифатида кўриб чиқилса, ҳар йили мустақил баҳоловчилар томонидан аниқланадиган бозор қийматига мос келадиган жорий қиймат бўйича ҳисобга олинади. Инвестицион кўчмас мулкни ҳисоб сиёсатида очиб бериш бошқа активлардан бирмунча фарқланади.

Агар бино операцион ижарага берилган ер участкасида жойлашган ва ер участкасининг ижара муддати бинонинг фойдали хизмат муддатидан ошадиган бўлса ҳамда ижара шартномасида бинодан фойдаланиш учун ер участкасини қайтариб олиш кўзда тутилмаган бўлса, алоҳида актив сифатида ҳисобга олиниши керак. Бошқа ҳолларда бино операцион ижара доирасида ҳисобга олинади.

Операцион ижарада жойлашган ер участкалари операцион ижара каби ҳисобга олинади: ерни операцион ижарага олиш шартномаси доирасида аванс тўловларини амалга ошириш ҳолларида бу аванс тўловлари ижаранинг бутун муддати давомида фойда ва зарарлар

¹ <http://www.iasplus.com/standard/ias25.htm>

тўғрисидаги ҳисоботда фиксирланган йиллик харажатлар сифатида акс эттириладиган ва кейинги даврларда амортизация қилинадиган узок муддатли актив сифатида капиталлаштирилади.

Агарда инвестицион кўчмас мулк ижарага берилмайдиган активлар қаторига ўтказилса, у ўз фойдаланишидаги асосий восита каби ҳисобга олинади, унинг қайта таснифлаш санасидаги жорий қиймати эса кейинчалик асосий воситанинг ҳисобини юритиш мақсадида фойдаланиладиган қиймат бўлиб қолади.

Агарда фойдаланиш тартибининг ўзгариши натижасида ўз фойдаланишидаги асосий восита инвестицион кўчмас мулк таркибига ўтказилса, баланс қиймати ва жорий қиймат ўртасида бир тоифадан иккинчи тоифага ўтказилиши санасида юзага келадиган фарқ «Асосий воситалар» номли 16-сон БҲХСга мувофиқ асосий воситаларни қайта баҳолаш резерви сифатида капитал таркибида тан олинади.

Узок муддатли инвестицияларни баҳолаш усуллари ҳам ўзгариб туради ҳамда турли давлатларда бир хилда эмас. Халқаро стандартлар уларни таннарх баҳоси, қайта баҳолаш қиймати, акциялар учун инвестициялар портфели асосида паст баҳолаш қондасини таклиф қилади. Европа директиваларига мувофиқ, таннарх баҳоси ёки амортизация ҳисоблангандаги қайта баҳолаш қиймати бўйича баҳоланади. Умумқабул қилинган ҳисоб тамойилларига кўра узок муддатли инвестициялар энг паст баҳо, таннарх қиймати, турли хил инвестицияларга қатнашиш усули ва консолидациялаш усуллари асосида баҳоланади.

Инвестицион кўчмас мулкнинг ҳаракати ҳисобини ташкил қилишнинг хорижий тажрибасидан шу нарса кўриниб турибдики, ушбу объект ҳаракати бўйича ҳисоб ишларини юритиш, инвестицион кўчмас мулк бўйича даромадлар ва зарарларни ҳисоботда акс эттиришнинг бутун бир яхлит тизими яратилган. Агарда биз инвестицион кўчмас мулкни ҳисобнинг алоҳида объекти сифатида киритмоқчи бўлсак, унинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган барча ҳисоб жараёнларини ташкил қилиниш тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицион кўчмас мулк ҳисобини такомиллаштириш учун, аввало, биз ҳисобнинг ушбу объектини республикамиз ҳисоб амалиётига олиб киришимиз ва уни ҳисоб объекти сифатида таснифлаш, баҳолаш, уларнинг ҳаракати ҳисобини ташкил қилинишига эътибор қаратишимиз лозим. Ҳозирги амалиётдан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида инвестицион кўчмас мулк бўйича ҳисоб ишларини ташкил қилиш ва ҳисоботда акс эттириш борасидаги масалалар тўла-тўқис очилмаган.

Бизнинг фикримизча, объектнинг иқтисодий моҳияти ва мазмунига кўра ҳисоб ишларини ташкил қилишнинг зарурлигига таянган ҳолда инвестицион кўчмас мулк ҳисобини юритиш тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

БАНКЛАРНИНГ РАҚАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТЛАРИ ТУРЛАРИНИ ҲАМДА СИФАТИНИ ОШИРИШ

Бугунги кунга келиб чакана банк хизматлари банклар учун фойдали бизнес турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чакана банк хизматлари турли-туман бўлиб, уларга валюта операциялари, муддатли, муддатсиз ва жамғарма депозитлари, сертификатлар, депозитарийлар, истеъмол кредитлари, консультатив ва бошқа бир қанча хизматларни мисол келтириш мумкин. Ушбу хизматларининг барчаси бугунги кунда АҚШ, Европа мамлакатлари, Япония ва банк тизими ривожланган бошқа давлатларда кенг кўламда миқозларга тақлиф этилади.

Банк тизимини ривожлантириш йўлидаги асосий вазифалардан бири - бу банк хизматлари сифатини ошириш, хизматлар кўламини кенгайтириш ва уларни ривожланган давлатлар банклари даражасига етказишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкнинг», «Интернет-банкнинг», «Мобил-банкнинг») фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда банк пластик карталари орқали жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб рақамларини бошқариш имкониятини кенгайтириш¹ масалалари кўйилганлиги бугунги кунда жуда долзарб масалаларидан бири эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотига кўра, 2019 йил якунида тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитларнинг умумий ҳажми 2018 йилга нисбатан 1,3 фоиз ошиб, 1953727,6 млрд. сўмни ташкил этган.

Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари сифати ва кўламининг кенгайиши ҳисобига масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар, яъни юридик ва жисмоний шахслар сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 10153458 тани ташкил этганлиги банк тизимида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда пластик карточка жуда қулай тўлов воситасига айланди. Ривожланган инфратузилма ёрдамида карточка эгалари ундан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида бемалол фойдалана олишади. Пластик карточка билан боғлиқ бизнес юқори технологияларга асослангани билан ажралиб туради. Банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра пластик карточкаларнинг умумий сони 2018 йилнинг бошига нисбатан 1,3 млн. тага ортиб, 20,5 млн. донадан ошган. Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида ўрнатилган тўлов терминаллари сони 2018 йил бошига нисбатан қарийб 156 мингга кўпайиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра 392 минг донадан ошган. Шунингдек, жойларда тўловларни узлуксиз қабул қилишни таъминлаш мақсадида ўрнатилган инфокиоск ва банкоматлар сони 2018 йил давомида 5632 донга ортиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига 9 203 та бўлган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3620-сонли Қарорида, ҳам банклар фаолияти ва улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўллари баён қилинган. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгайтирилмоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик ошиб бормоқда. Аҳоли учун валюта айирбошлаш амалиётларини амалга оширишни енгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий этилмоқда, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун шароитлар яратилди. Бундан ташқари, ушбу қарорда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимида бўлган ишончни янада оширишга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар баён этилган.

Юқоридаги маълумотлар асосида хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда банк тизимида чакана миқдорларга кўрсатиладиган банк хизматлари салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунга қарамай, банк хизматларидан фойдаланиш ва унинг оммабоплиги айрим ривожланган давлатларга солиштирганда мамлакатимизда бир оз сустлигини, хизматларни реализация қилиш механизмини етарли даражада такомиллашмаганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш ҳар бир банкда миқдорларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ошишига ва банк даромади кўпайиши имкон яратади.

¹ www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёранди.

МАМЛАКАТИМИЗ КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар ўртасидаги нотекис улуши, саноат тармоқларининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни, саноатнинг етакчи тармоқлари фаолиятини ривожлантиришда инновацияларнинг ролини ошириш билан боғлиқ қатор муаммоли ҳолатлар саноат зоналари, хусусан, кичик саноат зоналарида инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва бу орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш заруриятини юзага келтирмоқда. Шу сабабли мазкур масаланингнинг ечимини комплекс ҳал этишга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Саноат зоналарининг қиёсий устунликларидан фойдаланиш инвестиция сиёсатини олиб боришнинг асоси сифатида қайд этилганлиги билан характерланади. Аммо, замонавий иқтисодий ва геосиёсий шароитларда саноат зоналарининг фаолият самарадорлиги унинг рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, мазкур жараён сармоявий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли, бу борада глобаллашув жараёнларининг таъсирини тадқиқ этиш жараёнига устуворлик бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясида, инвестиция сиёсатини амалга ошириш жараёнига мамлакат иқтисодий тараққётини таъминлашнинг асосий омили сифатида устуворлик берилган. Стратегияда мамлакатда бизнесни ривожлантириш учун қулай воситаларни шакллантириш, ҳудудларни ривожлантириш учун иқтисодиётнинг устувор тармоқ ва соҳаларининг инвестицион фаоллигини ошириш, шунингдек, инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлашда самарали воситаларни шакллантириш тизимини яратиш зарурлиги қайд этилади.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқ ва соҳалари бўйича устувор инвестиция сиёсати, инвестицияларни кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга йўналтирилган инвестицион қарорларнинг самарадорлигини талаб этади. Ўз навбатида бу борадаги амалий вазифалар янги технологияларни жорий этиш, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификациялашга қаратилган инвестицияларнинг фаоллик даражасига боғлиқ. Республика ва унинг ҳудудларида нисбий устунликлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда

худудий инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ишлаб чиқариш қувватлари худудларнинг нисбий афзалликларини, улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омилларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Охир-оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлаш жараёни, қўшимча молиялаштириш манбаларини топишга имкон беради.

Саноат зоналари ўртасида ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятнинг ўзаро фарқланиши бу борадаги ягона стандартлаштирилган амалиётни инкор этади. Шу сабабли, саноат зоналарида инвестицион фаолият стратегиясини шакллантириш орқали уларнинг саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш жараёнига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу борада кичик саноат зоналари учун инвестиция муҳитини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг стратегик имкониятлари саноат зонасида инвестицион салоҳиятни баҳолаш, унинг молиявий-иқтисодий имкониятларни асослаш учун хизмат қилади. Ўз навбатида мазкур жараёнда, ишлаб чиқариш фаолиятининг цикл давомийлиги таъминланади. Шунинг учун бу борада тегишли аниқлик киритиш талаб этилади. Мазкур жараён кичик саноат зоналарининг иқтисодий фаолият самарадорлигини баҳоловчи индикаторлар тизими ёрдамида амалга оширилади.

Кичик саноат зоналарининг иқтисодий фаолият самарадорлигини баҳоловчи индикаторлар тизими саноат зонаси даражасида инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг қуйидаги катор йўналишларини шакллантиришга имкон беради:

- кичик саноат зоналарининг инвестицион фаоллигини оширишга йўналтирилган инвестиция муҳитини шакллантириш; - кичик саноат зоналарида саноат ишлаб чиқаришнинг таркибий асосларини молиялаштириш манбаларини излаш;

- кичик саноат зоналари фаолиятини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш;

- давлат инвестиция дастури доирасида кичик саноат зоналари фаолиятини молиялаштиришда инвестиция учун ажратилган бюджет маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш;

- инвестиция рискинни пасайтириш ва бошқалар. Шу сабабли, кичик саноат зоналарида инвестицияларни жалб қилишнинг қуйидаги усулларида фойдаланиш талаб этилади:

- кичик саноат зоналари жойлашган худудларда инвестиция лойиҳаларини танлаш, асослаш ва амалга ошириш учун устувор йўналишларни тақсимлаш;

- худудларда етакчи кичик саноат зоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмига устуворлик бериш;

- кичик саноат зоналарининг ЯХМ улуши ва умумий саноат ишлаб чиқаришдаги салмоғи паст бўлганларида инвестиция фаолиятини қўллаб
- қувватлаш механизмларини диверсификациялаш;
- кичики саноат зоналарига инвестицион лойиҳалар тарғиботини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-оммабоп нашрларни тайёрлаш ва бошқалар.

Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг стратегик имкониятлари асосан корхоналар ва ташкилотларнинг муҳим илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятида намоён бўладиган инновацион жараёнларни фаоллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш орқали намоён бўлади. Кўпгина кичик саноат зоналари учун уни чеклашнинг асосий сабаби инновацион ривожланиш, иқтисодий омиллар ҳисобига рўй беради. Шу сабабли, кичик саноат зоналарида молиявий манбаларнинг етишмаслиги, инновацияларнинг нисбатан юқори нархи, товарларга бўлган ноаниқ талаб юқори риск шартини келтириб чиқаради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasu-28-12-2018>

2. Ш.Э.Маннопова “Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг стратегик имкониятлари” Иқтисодиёт ва таълим, (4), 35–39. 30 авг. 2021 г.

*Raimberdiyev Samandar
Toshkent moliya instituti talabasi
Safarov G'iyosiddin, Phd
TMI, fakultet dekani, dotsent*

TIJORAT BANKLARI RESURSLARINING SHAKLLANISHI VA ULARDAN FOYDALANISH YO'LLARI

Moliyaviy tizim va iqtisodiyotda tijorat banklari muhim rol o'ynaydi. Ular iqtisodiyotni ta'minlab va kerak bo'lsa uni rivojlanitirib turuvchi xususiyatga ega. Shuni aytib o'tish joizki, bank faoliyati yetarlicha bank resurslarini talab qiladi. Bank resurslarini mukammal ravishda tashkil etish va tejamkorlik bilan foydalanish har qanday banklarning samarali ishlashi uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Moliyaviy tizimning asosiy komponenti sifatida banklar omonatchilardan qarz oluvchilarga mablag'larni samarali ajratadilar. Ular moliyaviy xizmatlar ko'rsatadilar, bu esa jamg'arma va qarz olish imkoniyatlari haqida ma'lumot

olish xarajatlarini kamaytiradi. Bu moliyaviy xizmatlar umumiy iqtisodiyotni yanada samaraliroq qilishga yordam beradi. Banklar jismoniy shaxslardan, korxonalaridan, moliya institutlaridan va hukumatlardan ortiqcha mablag'lari (jamg'armalari) bilan qarz oladi. Keyin ular bu omonatlar va qarz mablag'laridan (bankning majburiyatlari) kredit berish yoki qimmatli qog'ozlarni (bank aktivlari) sotib olish uchun foydalanadilar. Banklar bu kreditlarni tadbirkorlik subyektlariga, boshqa moliya institutlariga, jismoniy shaxslarga va hukumatlarga (investitsiyalar yoki boshqa maqsadlar uchun mablag' kerak bo'lganda) berishadi. Foiz stavkalari qarz oluvchilar, kreditorlar va banklar uchun narx signallarini beradi. Bank tizimi depozit olish, kredit berish va foiz stavkalari signallariga javob berish orqali mablag'larni tejoychilardan qarz oluvchilarga samarali yo'naltirishga yordam beradi. Banklarning mablag' manbalarining asosiy qismi depozitlar - cheklar, jamg'armalar, pul bozori depozit hisoblari va muddatli sertifikatlaridir. Ushbu mablag'lardan eng ko'p foydalaniladigan maqsad - bu ko'chmas mulk, tijorat va sanoat kreditlarini berish. Alohida banklarning aktiv va passiv tarkibi tarmoq ko'rsatkichlaridan farq qilishi mumkin, chunki ba'zi muassasalar ixtisoslashgan yoki cheklangan bank xizmatlarini ko'rsatadilar.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida yaratilgan resurslar tijorat banklarning iqtisodiy faoliyati ni oqilona amalga oshirishda muhim ahamiyatga ega. Resurs bazasini shakllantirishda yangi mijozlarni jalb qilish resurs bazasining tarkibiy qismini tashkil etadi. Rossiyalik olim O.Lavrushinning fikriga ko'ra, tijorat banklarining resurslari yoki «banklarning resurslari» bankning ixtiyorida bo'lgan o'z va jalb qilingan resurslarining yig'indisi bo'lib, uning aktiv operatsiyalarini amalga oshirishda ishlatiladi. Masalan: tabiiy resurslar, moliyaviy resurslar, iqtisodiy resurslar, inson resurslari va boshqalar. Shunga asoslanib, iqtisodiy resurslarni iqtisodiy imkoniyatlarning asosiy elementlaridan biri sifatida qarash mumkin. U jamiyat rivojlanishining barcha bosqichlarida taqsimlanadi. Resurs iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishning aniq maqsadlariga erishish uchun ishlatiladi. Iqtisodiy resurslarning aksariyati - bu moliyaviy resurslar bo'lib, ularni pul va soliq resurslari tashkil etadi va iqtisodiy rivojlanishni qo'llab-quvvatlash uchun xizmat qiladi.

2020-yildan boshlab har bir bankda keng ko'lamli transformatsiya dasturi amalga oshirildi. Bu borada banklarimizning kapital, resurs bazasi va daromadlarini oshirish alohida e'tibor qaratildi. 2019 - yilda bank tizimida respublikamizda tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlaydigan "Loyihalar fabrikasi" faoliyatini yo'lga qo'yildi. O'z navbatida, respublika milliy banklarining dunyo moliya bozorlariga olib chiqish hamda, arzon va uzoq muddatli bank resurslarini olib kelish nuqtai nazaridan ko'plab ishlar amalga oshirildi. Birgina, milliy banki va Ipoteka banki o'z yevrobondlarini aynan shu yili yetarlicha ishlarni amalga oshirdi. Davlatimiz rahbari ta'kidlaganidek, "Bank sohasidagi

islohotlarning asosiy maqsadi - tijorat banklarini mijoz uchun ishlashga o'rgatishdan iborat"¹.

Moliyaviy resurslarning asosiy manbalari bo'lib vaqtinchalik bo'sh mablag'lar, soliqlar, jismoniy shaxslarning mablag'lari, chek omonatlarini berish bilan bog'liq mablag'lar va boshqalar hisoblanadi. Moliyaviy resurslarning ajralmas qismi bo'lgan bank resurslarini ko'rib chiqamiz. Dastlab banklarning majburiyatlari va ularning resurslari bir xil tushunchalar emasligiga e'tibor qaratish lozim. Bank passivlari bank resurslarining manbai hisoblanadi. Demak bank resurslari bank balansining passiv qismida aks ettiriladi. Ularning o'lchami quyidagilarga bog'liq:

- o'z mablag'lari hisobidan amalga oshiriladigan bank faoliyati;
- Markaziy bankning pul-kredit siyosati va banklardan qarz mablag'lari va ularning tuzilishi;
- tijorat bankining Markaziy bankdagi majburiy zahira miqdori;
- boshqa passivlar.

Bankning asosiy vazifalaridan biri bu ko'proq darajada bo'sh pul jalb qilish va ularni boshqa maqbul aktivlarga joylashtirish orqali daromad olishga yo'naltirishdir. Bank resurslari banklarning passiv operatsiyalar yordamida yaratiladiva qisman ikkita katta guruhga bo'lish orqali o'rganiladi. Bank balansining passivlari quyidagilardir: o'z mablag'lari va jalb qilingan mablag'lar. Bank resurslarining asosiy qismini bank mijozlarining mablag'lari tashkil etadi. Tijorat banklarining resurs bazasini resurs turlari bo'yicha quyidagi guruhlarlarga bo'lish mumkin:

- o'z mablag'lari;
- jalb qilingan mablag'lar;
- bankning qarz mablag'lari.

Passivlar va aktivlar bo'yicha majburiyatlarni boshqarish bankning muhim vazifalaridan hisoblanadi. Mablag'larni jalb qilish yoki ularni joylashtirish bilan bog'liq operatsiyalarning har ikkalasi ham banklar faoliyatida muhim ahamiyatga ega. Ularni samarali tashkil qilish banklar faoliyatida yuqori natijalarga erishish imkonini beradi. Bank resurslari uning passiv operatsiyalari orqali shakllanadi. Shu bois bank resurslarini shakllantirish, uning passiv hisob raqamlari yoki aktiv-passiv hisob raqamlaridagi pul mablag'larini ko'paytirish bilan bog'liq operatsiyalar banklarning passiv operatsiyalari deyiladi. Tijorat banklari moliyaviy resurslarini boshqarishda asosiy e'tibor bank balansidagi mablag'larning manbalariga qaratiladi. Ushbu mablag'lar ikkita yirik guruhga – majburiyatlar va kapitalga bog'linadi. Majburiyatlar – bank tomonidan jalb etilgan mablag'lar hisobidan, kapital esa bankning o'z mablag'lari hisobidan shakllanadi. Ushbu mablag'larning barqaror manbalar

¹ O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020 yil 29 dekabr.

hisobidan shakllantirilishi tijorat banklarining samarali ishlashi va iqtisodiy jihatdan baquvvatligini ta'minlaydi. Bank resurslarining aylanish bosqichlari¹:

Pul mablag'lari.

Kredit ajratish.

Kredit va foiz to'lovi.

Tijorat banklari jamlanma balansi².

1-jadval

Ko'rsatkichlar nomi	01.03.2021 y.		01.03.2022 y.		O'zgarishi, foizda
	mlrd. so'm	ulushi, foizda	mlrd. so'm	ulushi, foizda	
Aktivlar					
Kassadagi naqd pul va boshqa to'lov hujjatlari	10 938	3,0%	12 984	3,0%	18,7%
Markaziy bankdagi mablag'lar	13 212	3,6%	22 473	5,1%	70,1%
Boshqa banklardagi mablag'lar-rezident	13 435	3,7%	14 096	3,2%	4,9%
Boshqa banklardagi mablag'lar-norezident	21 058	5,8%	21 310	4,9%	1,2%
Investitsiyalar va boshqa qimmatli qog'ozlar	10 453	2,9%	20 921	4,8%	100,1%
Mijozlarning moliyaviy instrumentlar bo'yicha majburiyatlari	1 553	0,4%	1 267	0,3%	-18,4%
Kredit qo'yimalari, (sof)	272 833	74,5%	316 964	72,6%	16,2%
Asosiy vositalar, (sof)	8 731	2,4%	11 086	2,5%	27,0%
Aktivlar bo'yicha hisoblangan foizlar	8 226	2,2%	9 859	2,3%	19,9%
Bankning boshqa xususiy mulklari	887	0,2%	1 417	0,3%	59,7%
Boshqa aktivlar	4 830	1,3%	4 457	1,0%	-7,7%
Jami aktivlar	366 154	100%	436 834	100%	19,3%
Majburiyatlar					
Depozitlar	113 114	36,9%	148 350	40,6%	31,2%
Markaziy bankning vakillik hisobvarag'i	648	0,2%	1 415	0,4%	118,3%
Boshqa banklarning mablag'lari-rezident	13 327	4,3%	13 740	3,8%	3,1%
Boshqa banklarning mablag'lari-norezident	3 060	1,0%	4 647	1,3%	51,9%
Olingan kreditlar va lizing operatsiyalari	153 647	50,1%	171 997	47,1%	11,9%
Chiqarilgan qimmatli	9 562	3,12%	10 634	2,9%	11,2%

¹ Muhammadiyev D.A Tijorat banklari resurslaridan samarali foydalanish yo'llari. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.

² <https://cbu.uz/> - O'zbekiston Respublikasi markaziy bankinging rasmiy veb sayti.

qog'ozlar					
Subordinar qarzlar	4 027	1,3%	4 846	1,3%	20,3%
To'lanishi lozim bo'lgan hisoblangan foizlar	3 022	1,0%	3 634	1,0%	20,3%
Boshqa majburiyatlar	6 217	2,0%	5 739	1,6%	-7,7%
Jami majburiyatlar	306 625	100%	365 001	100%	19,0%
Jami kapital					
Ustav kapitali	44 719	75,1%	56 262	78,3%	25,8%
Qo'shimcha kapital	444	0,7%	753	1,0%	69,7%
Zaxira kapitali	5 235	8,8%	6 528	9,1%	24,7%
Taqsimlanmagan foyda	9 132	15,3%	8 289	11,5%	-9,2%
Jami kapital	59 530	100%	71 832	100%	20,7%

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, daromadning asosiy hajmi banklarga kredit investitsiyalari, qimmatli qog'ozlarga investitsiyalar taqdim etiladi. Bankning umumiy likvidligi resurslarni yuqori likvidli aktivlarga joylashtirish orqali markaziy bank va boshqa tijorat banklaridagi korrespondentlik hisobvaraqlarida ta'minlanadi. Resurslarning ma'lum bir qismi banklar tomonidan asosiy vositalar va nomoddiy aktivlarni sotib olishga sarflanadi. Bunday aktivlar likvid emas va daromad keltirmaydi, lekin ular boshqa tadbirkorlik subyektlari kabi bankning normal ishlashini ta'minlash uchun zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020 yil 29 dekabr.
2. Muhammadiyev D.A Tijorat banklari resurslaridan samarali foydalanish yo'llari. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.
3. <https://cbu.uz/> - O'zbekiston Respublikasi markaziy bankining rasmiy veb sayti.

Raimberdiyev Samandar
Toshkent moliya instituti talabasi

TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA DEPOZIT SIYOSATINING AHAMIYATI

Annotatsiya: Moliyaviy tizim va iqtisodiyotda tijorat banklari muhim rol o'ynaydi. Ular iqtisodiyotni ta'minlab va kerak bo'lsa uni rivojlantirib turuvchi xususiyatga ega. Shuni aytib o'tish joizki, bank faoliyati yetarlicha bank resurslarini talab qiladi. Bank resurslarini mukammal ravishda tashkil etish va tejamkorlik bilan foydalanish har qanday banklarning samarali ishlashi uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: moliyaviy tizim, depozit siyosati, depozit operatsiyalari, trust kompaniyalar, aksioner kompaniyalar.

Depozit siyosati-yuridik va jismoniy shaxslarning mablag'larini, shuningdek davlat byudjeti mablag'larini banklar tomonidan badallar (depozitlar) ko'rinishidagi mablag'larni jalb etishga qaratilgan chora-tadbirlar majmuidir. Depozit siyosati tijorat banklari va mijozlarning vaqtincha bo'sh pul mablag'larini jalb qilish bo'yicha munosabatlarini tashkil etishning dalillarga asoslangan yondashuvlarini ishlab chiqishni nazarda tutadi.¹

Tijorat banklarining depozit siyosati hozirgi kunda banklarda takomillashib bormoqda. Shu jumladan banklarda depozit operatsiyalarini amalga oshirishda quyidagi yo'llar orqali jalb qilinmoqda bularning mazmun mohiyatini ko'rib chiqamiz. Tijorat banklari tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarning pul mablag'larini bankka jalb qilish bilan bog'liq operatsiyalar depozit operatsiyalari deyiladi. Depozit operatsiyalari yordamida tijorat banklarning 90 foizdan ortiq passivlari tashkil qilinishi mumkin. Depozit operatsiyalarini tijorat banklari o'zlarining depozit siyosatlari asosida olib boradilar. Tijorat bankining depozit siyosati uning kredit siyosati, foiz siyosati va boshqa faoliyat turlari bilan chambarchas bog'liq bo'lib, banklarning resurs bazasini mustahkamlash va uning barqarorligini ta'minlashga qaratilgandir. Depozit operatsiyalarini amalga oshirishda bu operatsiya turining obyekt va subyektini aniqlash lozim.²

Depozit operatsiyalarni subyektlari bo'lib bir tomondan tijorat banklari qatnashsa, ikkinchi tomondan:

- davlat korxonalar va tashkilotlari;
- moliya, sug'urta, investitsion va trust kompaniyalar;
- xususiy korxonalar va tashkilotlar;
- aksioner kompaniyalar;
- banklar va boshqa kredit muassasalari;
- qo'shma korxonalar, kooperativlar;
- jamoa tashkilotlari va fondlar;
- alohida jismoniy shaxslar yoki ularning birlashmalari ishtirok etadilar.

Banklar yuridik shaxs bo'lib, iqtisodiy jihatdan mustaqildir. Ular bozor munosabatlari sharoitida asosiy maqsad sifatida har bir aniq mijozga nisbatan o'zlarining foiz siyosatini olib boradilar, uning yakuniy natijasi foyda olishdir. Bankning mijozlar bilan ishlashi uchun iqtisodiy va huquqiy javobgarlik bank muassislari va aksiyadorlari zimmasiga yuklanadi. Tijorat banki kredit portfelini shakllantirishdan oldin kredit va depozit operatsiyalariga nisbatan foiz siyosatini maksimal foyda keltiradigan tarzda shakllantirishi kerak. Shunga ko'ra, depozit operatsiyalari bo'yicha foiz stavkasi kredit operatsiyalariga nisbatan past darajada. Turli depozit vositalari bo'yicha foiz stavkalari shakllanishning o'ziga xos xususiyatlariga ega. Jismoniy shaxslarning depozitlari bo'yicha stavkalar odatda yuridik shaxslarning depozitlari bo'yicha stavkalardan past bo'ladi,

¹Gribanov, AV (2019). Tijorat bankining barqaror rivojlanishi sharoitida uning depozit siyosatini takomillashtirish.

²Bektemirov A., Omonov A.A., Xaydarov Z.Sh., Niyozov Z.D. "Tijorat banklari aktiv va passivlarini boshqarish fanidan o'quv qo'llanma. – Samarqand: SamISI, 2020. 168-bet

chunki depozitlar hajmi kichikroq va resurs bazasini shakllantirish xarajatlari yuqori. Shu bilan birga, jismoniy shaxslarning omonatlari yaxshi boshqariladi va depozitlar bo'yicha foizlarni oshirish orqali resurslarning tez oqimini ta'minlash mumkin.

Tijorat bankining depozit siyosatini shakllantirishning fundamental asoslarini ko'rib chiqishda ushbu qoidalarga qo'shimcha ravishda kredit muassasasida uni ishlab chiqish va amalga oshirish mexanizmini o'rganish muhim ahamiyatga ega.

O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki taqdim etgan ma'lumotlarga ko'ra 2022-yilda:

Depozit va depozit sertifikatlari mablag'lari qoldig'i, mlrd. so'mda¹
1-jadval

Sana	Jami	muddat bo'yicha				
		Talab qilib olinguncha	1 kundan 30 kungacha	30 kundan 180 kungacha	180 kundan 365 kungacha	1 yildan yuqori
01.02.2021	111 035	44 771	4 576	17 625	12 404	31 659
01.02.2022	149 561	57 958	5 524	19 259	20 245	46 575

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, depozit operatsiyalari aholini qisqa va uzoq muddatlarda moliyalashtirishga qaratilgan resurslarning katta qismi uchun asos hisoblanadi. Omonatlarni jalb qilishda banklar omonatlarni qayta ishlash tezligi va soddaligiga tobora ko'proq e'tibor qaratmoqda, banklar mijozlarga yo'naltirilgan bo'lib bormoqda. Ko'plab banklarning bir xil siyosati bilan bog'liq holda, bozorda omonatlarning katta tanlovi va qattiq raqobat shartlari mavjud.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi 05.11.2019 yildagi O'zbekiston Respublikasining Qonuni, O'RQ-580-son.
2. Gribanov, A.V (2019). Tijorat bankining barqaror rivojlanishi sharoitida uning depozit siyosatini takomillashtirish.
3. Bektemirov A., Omonov A.A., Xaydarov Z.Sh., Niyozov Z.D. "Tijorat banklari aktiv va passivlarini boshqarish fanidan o'quv qo'llanma. – Samarqand: SamISI, 2020. 168-bet.

¹ <https://cbu.uz/uz/> - O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining rasmiy sayti.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН НОРМАТИВ – ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Жиноят ҳуқуқида коррупция деганда, давлат муассасаларида ишловчи мансабдор шахслар ёки давлат хизматчиларининг уюшган гуруҳи, шунингдек, бошқа жиноятчилар билан тил бириктириб, жиноят содир этиши ёки уларнинг жиноят содир этиши учун шароит яратиш тушунилади.

Бюрократия жинояти коррупциянинг кўринишларидан бири бўлиб, бу жиноятлар қонунни ижро этувчи ва уни ҳимоя қилувчи шахслар томонидан содир этилиши билан тавсифланади. Бу жиноят кўплаб Осиё ва Ғарб давлатларида кенг тарқалган бўлиб, бу мамлакатларда давлат бошқарув аппаратида ҳам коррупциянинг учратиш мумкин. Бу мамлакатлар қонун чиқарувчи органларидаги коррупциянинг кўриниши бўлган порахўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш кабилардир.

Жиноят ҳуқуқида коррупция билан боғлиқ жиноят содир этиш, шахсни квалификация қилиш ва жазолаш катта аҳамиятга эга. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2003-йилнинг 9 декабрь кунини коррупцияга қарши кураш Халқаро кунини деб эълон қилган ва Коррупцияга қарши конвенцияни тасдиқлаган. Шунга кўра коррупция порахўрлик, мансабдор шахслар, сиёсатчиларнинг найранги; коррупция одоб ва ҳалолликнинг йўқлиги; шахсий манфаат учун позициядан фойдаланиш, ноқонуний фойда олиш; коррупция мансабдор шахсларнинг шахсий манфаат учун лавозимларини суистеъмол қилишидир.

Цивилизация давридан бошлаб коррупция етти асрлик тарихга эга бўлган ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният бу ёвузлик билан курашиб келмоқда. Агар жамиятдаги коррупциянинг келиб чиқишини кўриб чиқсак, унинг кўринишлари узок ўтмишга бориб тақалади. Унинг кўринишларини бутпараст эътиқодлар тарихида ҳам кўриш мумкин.

КОРУПЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Коррупция жараёнида масаланинг моҳиятига кўра иштирокчилар сони турлича бўлиши, жумладан икки томон иштирок этиши этади. Бунда пора берувчи ўзининг қандайдир манфаатини амалга ошириш учун пора олувчига муайян миқдорда пул ёки моддий бойлик кўринишида ҳақ тўлайди. Ушбуда пора олувчи маъмурий ваколат ёки маъмурий функцияларга эга бўлиши шарт, зеро пора олувчи бундай ваколат ёки маъмурий функцияга эга бўлмаса, пора берувчининг манфаатини амалга ошира олмайди. Шу билан бирга, у ўз мавқеи, таъсири ва ваколатидан

фойдаланган ҳолда талабларни мустақил равишда бажариши ёки бошқа шахслар томонидан талабларнинг бажарилишига ҳисса қўшиши мумкин. Таъкидлаш керакки, коррупция бошқа жиноятлар билан чамбарчас боғлиқ. Масалан: легаллаштириш, жиноий даромадлар, фирибгарлик, кибержиноят ва бошқалар. “Пора берган ёки олган шахс фойда олади. Шунинг учун, қоидага кўра, пора берувчи ёки пора олувчи бу унинг учун қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида ўйламайди. Эртами-кечми, амалга оширилган ҳаракатлар қонунийлиги, олинган даромаднинг қонунийлиги ҳақида савол туғилади”¹. Коррупция ҳар қандай жамиятнинг энг оғир хасталигидир. Ушбу хасталикнинг олдини олиш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ташкилий асосларни мустаҳкамлаб бориш мамлакатни ривожлантириш имкониятини яратади.

В обеих конвенциях идет речь о привлечении квалифицированных экспертов и специалистов по медицине, механике, электричеству и химии, которые привлекались бы к работе инспекции в таких формах, которые будут признаны наиболее отвечающими национальным условиям, с целью обеспечить применение законодательных положений, относящихся к здравоохранению и безопасности работников во время их работы, а также получать информацию о влиянии применяемых способов, используемых материалов и методов труда на состояние здоровья и безопасность работников. А также, требующих технических знаний, к работе инспекции труда в сельском хозяйстве привлекались квалифицированные эксперты и специалисты, в таких формах, какие могут быть признаны наиболее отвечающими условиям страны.

В соответствии со статьями 28-29 Закона Республики Узбекистан «Об охране труда» Инспекторам предоставлено Государственные технические инспекторы труда имеют право запрашивать и получать от руководителей и иных должностных лиц организаций документы, объяснения, информацию, необходимые для выполнения надзорных и контрольных функций.

В соответствии с пунктом 4 Положения о Государственной трудовой инспекции Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан, утвержденной Постановлением Кабинета Министров от 31.12.2018 г. № 1066 «О мерах по совершенствованию деятельности Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан» на должности инспекторов принимаются в соответствии с направлениями деятельности лица с юридическим и инженерно-техническим образованием.

Согласно пункта 10 Положения о Государственной трудовой инспекции Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан инспекторы имеют право запрашивать и получать от Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, Министерства строительства Республики Узбекистан, Узбекского агентства стандартизации, метрологии и сертификации, Госкомитета промышленной безопасности и Государственной инспекции по надзору в

электроэнергетике сведения, связанные с расследованием несчастных случаев на производстве и установлением профессиональных заболеваний, производственным травматизмом, а также об условиях труда.

Конвенциями установлено требования набора сотрудников государственных служб. В соответствии с национальным законодательством, пунктом 4 Положения о Государственной трудовой инспекции Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан, утвержденной Постановлением Кабинета Министров от 31.12.2018 г. № 1066 «О мерах по совершенствованию деятельности Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан» на должности инспекторов принимаются в соответствии с направлениями деятельности лица с юридическим и инженерно-техническим образованием.

При приеме на работу в Инспекцию кандидаты проходят обязательный двухнедельный вводно-адаптационный курс на базе Республиканских курсов повышения квалификации работников органов по труду.

Работники Инспекции проходят обучение на Республиканских курсах повышения квалификации работников органов по труду не реже одного раза в три года.

Постановлением Кабинета Министров от 07.11.2018 г. № 920 «Об утверждении Положения о порядке проведения аттестации должностных лиц контролирующих органов по предоставлению права на проведение проверок деятельности субъектов предпринимательства» в целях оценки квалификации и профессионального уровня должностных лиц контролирующих органов, осуществляющих проверки деятельности субъектов предпринимательства, а также повышения их ответственности за соблюдение требований законодательства в части деятельности контролирующего органа и порядка проведения проверок деятельности субъектов предпринимательства проводится Аттестация.

Касательно прав инспекторов требований Конвенций на национальном законодательстве установлено согласно статьи 28 Закона Республики Узбекистан «Об охране труда». Государственные технические инспекторы труда имеют право вносить представления о принятии в установленном законодательством порядке мер в отношении должностных лиц, виновных в нарушении законодательства об охране труда;

запрещать использование не соответствующих требованиям охраны труда средств индивидуальной защиты и средств коллективной защиты;

привлекать в установленном порядке к административной ответственности лиц, виновных в нарушении требований законодательства об охране труда;

приостанавливать деятельность организаций или эксплуатацию оборудования, не отвечающих требованиям безопасности труда и создающих угрозу жизни или здоровью работников, в порядке, установленном законодательством.

Пунктом 10 Положения о Государственной трудовой инспекции Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан, утвержденной Постановлением Кабинета Министров от 31.12.2018 г. № 1066 «О мерах по совершенствованию деятельности Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан» Инспекторам предоставлено право:

давать обязательные для исполнения предостережения государственным и иным органам, организациям и их должностным лицам, а также гражданам-работодателям;

составлять акты проверок и давать руководителям и иным должностным лицам организаций обязательные для исполнения предписания об устранении нарушений законодательства в соответствии с предметом государственного надзора и контроля в области труда, занятости и охраны труда;

расследовать (участвовать в расследованиях) несчастные случаи на производстве и иные повреждения здоровья работников, связанные с исполнением ими трудовых обязанностей;

осуществлять производство по делам об административных правонарушениях, рассматривать дела, отнесенные к компетенции Инспекции, и применять административные взыскания;

изучать в установленном законодательством порядке документы и другие материалы, связанные с вопросами соблюдения законодательства о труде, охране труда, занятости населения, обязательном страховании гражданской ответственности работодателя и социальной защищенности лиц с инвалидностью;

контролировать исполнение выданных руководителям и иным должностным лицам организаций обязательных для исполнения предписаний об устранении нарушений законодательства в соответствии с предметом государственного надзора и контроля в области труда и охраны труда;

приостанавливать в установленном порядке действие приказов и других актов организаций, противоречащих законодательству о труде и охране труда, занятости населения и обязательном страховании гражданской ответственности работодателя, в необходимых случаях вносить предписания об их отмене в установленном порядке;

приостанавливать деятельность организаций или эксплуатацию оборудования, не отвечающих требованиям безопасности труда и

создающих угрозу жизни или здоровью работников, в порядке, установленном законодательством;

запрещать использование не имеющих сертификатов соответствия или деклараций о соответствии либо не соответствующих требованиям охраны труда средств индивидуальной защиты и средств коллективной защиты работников;

возбуждать административные дела за невыполнение требований по созданию условий лицам с инвалидностью для беспрепятственного доступа к объектам социальной инфраструктуры, а также для пользования железнодорожным, воздушным, водным, междугородным автомобильным транспортом, всеми видами городского и пригородного пассажирского транспорта, транспортными коммуникациями, средствами связи общего пользования и информации;

подготавливать и направлять в правоохранительные органы и в суд документы о привлечении виновных лиц к ответственности, в том числе уголовной, в соответствии с законодательством Республики Узбекистан;

привлекать виновных должностных лиц в установленном законодательством порядке к административной ответственности, с оформлением протокола о нарушении законодательства и постановления о наложении штрафа за нарушение законодательства о труде и занятости, об охране труда и обязательном страховании гражданской ответственности работодателя;

вносить предостережения государственным и иным органам, организациям и их должностным лицам, а также гражданам – работодателям о недопустимости нарушения законодательства о труде и занятости населения, об охране труда, обязательном страховании гражданской ответственности работодателя и социальной защищенности лиц с инвалидностью, при наличии сведений о готовящихся правонарушениях, с разъяснением ответственности за совершение подобного правонарушения;

вносить представления в вышестоящие организации и правоохранительные органы об устранении нарушений законодательства о труде и занятости населения, об охране труда, обязательном страховании гражданской ответственности работодателя и о социальной защищенности лиц с инвалидностью, а также условий, способствующих их возникновению, с предложениями о принятии в установленном законодательством порядке мер в отношении организаций и должностных лиц, виновных в нарушении вышеуказанных актов законодательства;

обращаться в суд с иском о рассмотрении трудового спора между организацией и работником (работниками) или иной орган по вопросам, входящим в компетенцию Инспекции.

В нормах Конвенций установлено требования о передаче информации о несчастных случаях на производстве и о профессиональных заболеваниях. Инспектора труда участвуют, по мере возможности, в любом расследовании на месте причин наиболее серьезных несчастных случаев на производстве или профессиональных заболеваний, в особенности когда они происходят с несколькими трудящимися или имеют смертельный исход.

В соответствии со статьей 23 Закона Республики Узбекистан «Об охране труда» Работодатель обязан:

предоставлять органам, осуществляющим государственный надзор и контроль за соблюдением требований охраны труда, а также профессиональным союзам и другим представительным органам работников информацию и материалы, необходимые для осуществления ими контроля, надзора и мониторинга за состоянием охраны труда, расследованием несчастных случаев и профессиональных заболеваний;

обеспечить обязательное государственное социальное страхование от несчастных случаев на производстве и профессиональных заболеваний, а также обязательное страхование гражданской ответственности работодателя;

проводить в установленном порядке расследование несчастных случаев на производстве и профессиональных заболеваний, а также вести их учет.

Постановлением Кабинета Министров от 06.06.1997 г. №286 «Об утверждении Положения о расследовании и учете несчастных случаев на производстве и иных повреждений здоровья работников, связанных с исполнением ими трудовых обязанностей» установлен единый порядок расследования и учета несчастных случаев и иных повреждений здоровья работников, происшедших в связи с трудовой деятельностью на предприятиях, учреждениях, организациях всех форм собственности, а также у отдельных граждан по трудовому контракту на территории Республики Узбекистан.

Статья 15 конвенции 81 и статья 20 конвенции 129 гласит одинаковые требования:

При условии соблюдения исключений, которые могут быть предусмотрены национальным законодательством, инспекторам труда:

а)запрещается участвовать прямо или косвенно в делах предприятий, находящихся под их контролем;

б)вменяется в обязанность, под угрозой уголовных санкций или соответствующих дисциплинарных мер, не разглашать, даже после ухода с должности, производственных или коммерческих тайн или же производственных процессов, с которыми они могли ознакомиться при осуществлении своих функций;

с) предписывается считать абсолютно конфиденциальным источник всякой жалобы на недостатки или нарушения законодательных положений и воздерживаться от сообщения работодателю или его представителю о том, что инспекционное посещение было сделано в связи с получением такой жалобы.

Согласно Положению о Государственной трудовой инспекции Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан, утвержденной Постановлением Кабинета Министров от 31.12.2018 г. № 1066 «О мерах по совершенствованию деятельности Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан» Инспекторы проводят на основании обращений физических и юридических лиц, письменных обращений органов государственной налоговой службы, без предварительного согласования со специальными уполномоченными органами внеплановые краткосрочные проверки соблюдения организациями, независимо от организационно-правовых форм, требований законодательства о занятости, труде и охране труда, без вмешательства в финансово-хозяйственную, а также любую другую деятельность субъектов предпринимательства, не связанную с предметом проверки.

В соответствии со статьей 17 Закона Республики Узбекистан от 03.12.2014 г. № ЗРУ-378 «Об обращениях физических и юридических лиц» (новая редакция) при рассмотрении обращений не допускается разглашение работниками государственных органов, организаций и их должностными лицами сведений о частной жизни физических лиц, деятельности юридических лиц без их согласия, а также сведений, составляющих государственные секреты либо иную охраняемую законом тайну, и другой информации, если это ущемляет права, свободы и законные интересы физических и юридических лиц.

Не допускается выяснение данных о физическом и юридическом лице, не относящихся к обращениям.

По просьбе физического лица не подлежат разглашению какие-либо сведения о его личности.

Указом Президента Республики Узбекистан от 27.07.2018 г. № УП-5490 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы защиты прав и законных интересов субъектов предпринимательства» установлено, что с 1 сентября 2018 года:

инициирование проверок деятельности субъектов предпринимательства осуществляется на основе результатов системы «риск-анализа», предполагающей инициирование проверок, исходя из степени риска совершения соответствующим субъектом предпринимательства нарушений законодательства;

все проверки деятельности субъектов предпринимательства, проводимые контролирующими органами, подлежат обязательной регистрации в Единой системе электронной регистрации проверок.

Усиление инспекции труда имеет решающее значение для обеспечения высоких стандартов охраны труда. Во многих странах инспекции труда становятся катализатором для многих процессов, происходящих в государственных структурах, а также для социальных партнеров, когда нужно создать устойчивую трехстороннюю культуру отношений.

Ратифицированные Республикой Узбекистан Конвенции Международной организации труда, послужит дальнейшему совершенствованию национального законодательства, эффективному внедрению в практику международных стандартов.

Выполнение положений конвенций имеют важное значение в обеспечении верховенства закона в трудовой сфере, дальнейшем усилении контроля за его исполнением, повышении на новый уровень качества работы в деле обеспечения прав граждан в области труда и занятости.

Также, формированию положительного имиджа Узбекистана в отношениях с МОТ и другими международными организациями, станет показателем практической реализации задач, обозначенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 -2021 годах.

РЕКОМЕНДАЦИИ И ЗАКЛЮЧЕНИЕ.

Для усиления инспекции труда в Республике Узбекистан:

Создание Инспекцию труда независимым от Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан

С целью обеспечения перехода к экономическим методам управления охраной труда необходимо внесение изменений в действующие законодательные акты, прежде всего, в Трудовой кодекс РУ путем ведения в его терминологический аппарат понятий «инспекция труда», «безопасность и гигиена труда», «профессиональный риск» и «управление профессиональным риском» а также установления прав и обязанностей субъектов трудовых отношений, связанных с управлением профессиональными рисками.

Одновременно предполагается внести соответствующие изменения в Административный и Уголовный кодекс Республики Узбекистан в целях усиления ответственности субъектов трудовых отношений за нарушения законодательства об охране труда.


Введение эффективного обучения, совершенствование системы непрерывной подготовки технических инспекторов на основе современных технологий обучения.

Активизация роли инспекторов труда.

Публикация наилучших практических примеров инспектирования, информирование, консультирование и оказание правовой помощи работникам и работодателям по вопросам охраны труда, пропаганда и популяризация мер по охране труда

Обеспечение инструментов для систем управления и инспекторов труда, современной технической оснащенности органов, осуществляющих государственный надзор и контроль за соблюдением законодательства об охране труда.

Другие вопросы: предпринимать шаги к обузданию коррупции и устранению проблем.



ЛИТЕРАТУРА:

1. Трудовой кодекс Республики Узбекистан
2. Закон Республики Узбекистан “Об охране труда”
3. Сборник нормативно-правовых актов по охране и безопасности труда Республики Узбекистан, [УЎК: 67.405\(5Ў\), КБК: 67.405 \(5Ў\), ISBN 978-9943-4983-6-5, 2018 г.](#)
4. [МОТ-СУОТ – 2001, Рекомендации Инспекция труда. Введение в профессию. Вольфганг Фон Рихтхофен, МБТ, Женева, ISBN 92-2-112710-9, 2004 г.](#)
5. Отчет Института санитарии, гигиены и профзаболеваний
6. Материалы VIII Курултая Федерации профсоюзов Узбекистана

7. Статистические данные Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан.
8. Женевада ХМТ матбуот-ахборотномаси (PDF 135 Kb)
9. “Хавфсиз меҳнат учун” дастури директори, доктор Юкка Такала – мақола (PDF 140 Kb)
10. Хавфсиз меҳнат учун ХМТ ахборотномаси (PDF 274 Kb)
11. Меҳнат муҳофазаси рақам ва фактларда. Меҳнат муҳофазаси маданиятини такомиллаштириш йўналишлари. Женева 2003. (PDF 700 Kb)
12. “Хавфсиз меҳнат учун” дастури директори Юкка Такала интервьюси (2002) Россия
13. <http://www.prgutmb.ru/law/21-postpr.html>
14. <https://prgu.ru/oxrana-truda-i-zdorovya/polozenie-o-texnicheskoy-inspekcii-truda-profsoyuza/>
15. https://studme.org/33679/bzhd/obschestvennyy_kontrol_ohranoy_truda
16. <http://www.strop-rf.ru/docs/ofdok/tehinspek/>
- Украина
17. <http://www.pmgd.dn.ua/?p=1435>
18. <http://ohrana-bgd.narod.ru/ohrana2.html>
19. <http://www.prupu.org/proflideru/instruktivnye/polozenie-tehnicheskaya-inspekcija/>
- Белорусия
20. https://1prof.by/about/protection/technical_inspection/
- Молдова
21. <http://lex.justice.md/viewdoc.php?action=view&view=doc&id=346297&lang=2>
22. http://www.ilo.org/moscow/information-resources/publications/WCMS_365346/lang--ru/index.htm
23. <https://www.gov.uz/uz>
24. <http://parliament.gov.uz/ru/laws.php?id=0>
25. <https://oilman.by/ponjatje-gigieny-truda-i-proizvodstvennoj-2.html>
26. <https://base.safework.ru>
27. <https://www.facebook.com/groups/952478448200117/files/>
28. <http://ohrana-bgd.narod.ru/ohselh.html>
29. http://www.ot-kirov.ru/page/obuchenie_po_ohrane_truda_pamyatka_rabotodatellyu
30. <http://www.strop-rf.ru/docs/ofdok/tehinspek/>
31. <http://www.xn----8sb2aahmxf1h4a.xn--p1ai/otcexpert/works.html>
32. <http://www.gazeta.asot.ru/index.php?art=146>
33. <https://www.google.com/webhp?sourceid=chrome-instant&ion=1&espv=2&ie=UTF-8#q=%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%B1%D0%BB%D0%B5%D0%BC%D1%8B+%D0%B2+%D0%BE%D0%B1%D0%BB%D0%B0%D1%81%D1%82%D0%B8+%D0%BE%D1%85%D1%80%D0%B0%D0%BD%D1%8B+%D1%82%D1%80%D1%83%D0%B4%D0%B0>
34. <https://mehnat.uz/cyrl>
35. <http://ohrana-bgd.narod.ru/ohrana2.html>
36. <http://www.ot-kirov.ru/page/lab>
37. <http://ohrana-bgd.ru/selhoz/selhoz.html>

Каримова Н.Б.
Заведующая отдела охраны труда
Федерации профсоюзов Узбекистана

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА МЕХНАТ МАСАЛАЛАРИ

КИРИШ. COVID-19 пандемияси шароитида меҳнат муносабатларини йўлга қўйишда меҳнат стандартлари компас вазифасини бажаради.

Биринчидан, ХМТнинг меҳнат стандартларида меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитлари, алоҳида тоифадаги ходимлар ҳимояси, меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг (дискриминация) таъқиқланиши, бандлик ва ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларда миллий ва халқаро меҳнат стандартларини бажариш, ходимлар, иш берувчилар ва ҳукуматни COVID-19 пандемияси шароитида муносиб меҳнатни таъминлашида кафолати дейишимиз мумкин.

Иккинчидан, ХМТнинг меҳнат стандартларида бандлик, ижтимоий ҳимоя, меҳнатга ҳақ тўлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнат соҳасида ҳамкорликка оид аниқ берилган инсон манфаатига йўналтирилган сиёсий тавсиялар инқироз ва унинг оқибатларини енгиб ўтишда ёрдам беради.

Учинчидан, ХМТнинг меҳнат стандартлариходимларнинг касалликларга чалиниши эҳтимолини камайтириш, уларнинг меҳнат қилиши учун хавсиз шароит яратишимконини беради.

Меҳнат стандартларидаги тавсияларга амал қилиниши ижтимоий мулоқот маданиятини ҳамда кризис вақтида ва ундан кейин бандлик ва меҳнат шароитларини ёмонлашишини бартараф этиш гарови бўлган меҳнат соҳасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга хисса қўшади. Инсоният COVID-19 пандемияси каби узоқ муддат таъсир кўрсата олувчи аниқ шарт-шароит билан юзма-юз келганда меҳнат стандартлари йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беради.

Қўлимга қоғоз олиб қоралай бошлаганимда ҳаёллар уммонига чўмган ва ҳозирги 2019-nCoV коронавирус пандемияси даврида бутун дунё халқларининг ҳаёти кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади. Биз нақадар бахтлимиз дейман, сабаби жанатмакон юртда туғилиб, умримиз саҳифаларини айрим халқларга нисбатан бахт аталмиш ёрқин дамлар ила ўтказяпмиз. Ҳар ишда бир хикмат бор деб бежизга айтишмаган. Ўтган синовли кунлар Ўзбекистоннинг нақадар қудратли экани, жипслашган халқи ва оқил йўлбошчиси Шавкат Мирзиёев билан юксак марраларга ета олишини яна бир бор исботлаяпти десам муболаға қилмайман.

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2020 йил 11 март куни коронавирус пандемияси элон қилинди. Ўзбекистонда биринчи марта 15 мартда коронавирусга чалинган илк бемор аниқланди.

Мамлакат раҳбарининг оқилона сиёсати сабабли, илк бемор аниқлангунига қадар, яъни ўтган йилнинг январь ойида бизнинг ҳудудимизга коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, қулай санитария-эпидемиологик муҳитни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Республика махсус комиссияси шакллантирилиб, аниқ йўналишда қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу сайёҳ-ҳаракатлар туфайли, шифо топаётганларнинг зиён кўрганларга нисбатан ошгани, касалликни қайсидир маънода жиловланди дейишга асосимиз бор.

Халқни ўйлаб, иқтисодиётга қандай таъсир этишидан қатъий назар, авваламбор одамлар саломатлигининг устуворлигига қаратилган карантин чора-тадбирлари белгиланиши ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Бу масалаларда юртбшимиз Шавкат Мирзиёев атрофида юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллат раванқини ўйлайдиган, барча соҳа вакиларидан бўлган, бош харфлар билан битишга лойиқ “ИНСОН”лар жипслашиб, бутун дунёга хавф солаётган балони енгишга камарбаста бўлдилар.

Коронавирус инфекциясига чалинган фалон нафар беморларнинг шунчаси соғайиб, юқумли касалликлар шифохонасини тарк этди каби хабарларни ўтган йилда деярли барча инсоният орзиқиб кутди.

Коронавирус пандемиясига қарши курашда мамлакатимиз шифокорлари олд қаторларда туришди. Мазкур олийжаноб касб эгаларининг фидокорона ва профессионал фаолияти, профилактика чоралари сабаб Ўзбекистонда коронавирус тарқалиб кетмаслиги билан боғлиқ вазият барқарор даражада бўлиб, бу эса вазиятни назорат остида ушлаб туришга имкон берди. Албатта, буларнинг барчаси ҳамжиҳатликда амалга оширилди.

Саломатлик – нафақат ҳар бир инсоннинг ўзи учун, балки бутун жамиятнинг бебаҳо бойлигидир.

Бутун дунёда бўлгани каби бу мураккаб жараён Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Албатта, халқимизни таъминлаш учун ҳам, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун ҳам мамлакатимизнинг захиралари ва имкониятлари етарли бўлди.

Вақтинча ишламаётганлар ва ёрдамга муҳтожларни аниқлаш, уларга кўмак беришда, маҳалла институти, нодавлат ҳамда давлат ташкилотлари ва албатта саҳоватпеша халқимиз ҳақида айтиб ўтиш жоиз. “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоатчилик фондининг ташкил этилгани, Хомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази фаолияти йўлга қўйилиб, беғараз кўрсатилган ёрдамлар ҳақида Ўзбекистонда билмаган одам бўлмаса керак.

Мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга

зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Хусусан, коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар бўйича мутлақо янги - "Темир дафтар", ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-хунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" тизимлари ҳаётга татбиқ этилди.

АСОСИЙ ҚИСМ. Ўтган даврда ишсизлар, ёрдамга муҳтож аҳоли сонининг ортгани табиий ҳолат. Меҳнат соҳасидаги айрим статистик маълумотлар билан танишиб, Ўзбекистонда **бир миллион 405 минг** аҳоли **2 миллиондан** кам ҳақ олаётгани тўғрисидаги ахборот мени ўйлантириб қўйди. Бутун дунёда ҳолат қандай экани билан қизиқдим.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори Гай Райдернинг айтишича, коронавирус пандемияси нафақат тиббий инқироз, балки ижтимоий-иқтисодий ҳамдир. Барча омилларни ҳисобга олган ҳолда, мувофиқлаштирилган ва глобал жавобларимиз билан самарали натижага эришамиз. Хусусан, у энг ҳимоясизларнинг эҳтиёжларини қондириши керак.

Глобал даражада кўрилаётган чоралар каби, мамлакатимизда давлат раҳбари ва маҳсус комиссиянинг қабул қилаётган қарорларида ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами эътибордан четда қолмаган.

ХМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон иқтисодиётининг (ЯИМ) глобал ўсишига COVID-19 таъсирининг турли хил сценарийлари асосида, 2019 йилдаги 188 миллион асосий даражадан, глобал ишсизлик даражаси **5,3 миллиондан** ("Кам" сценарий) **24,7 миллионгача** ("Юқори" сценарий) кўтарилиши айтилган.

2008-2009 йиллардаги глобал молиявий инқироз глобал ишсизликни **22 миллионга** оширган эди.

Дунё тажрибасига назар солар эканман, ХМТнинг "Глобал маърузаси"даги айрим рақамлар эътиборимни тортди. 2030 йилгача дунёни ўзгартиришнинг 8-мақсадига етишда қатор таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, айрим муаммолар дунё хамжамияти эътиборини тортмоқда дейилган, жумладан:

Иш билан таъминлаш

Ҳозирги ишсизлик муаммосини ҳал қилиш учун 2030 йилгача 344 млн иш ўрни ва унга яна 190 млн қўшимча иш ўринларини яратиш зарурати бор.

Ишсизлик

Бугунги кунда 190 млн киши ишдан махрум улардан 64,8 млн ишлар.

Норасмий бандлик

2 млрд инсонлар норасмий иқтисодиётда фаолият юритмоқда.

Ишлаётган қашшоқлар

300 млн ходим ўта қашшоқ шароитда яшамокда (кунига 1,90 доллардан кам ҳақ эвазига меҳнат қиляпти).

Иш жойида халокатли жароҳатлар ва касб касалликлари

Иш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ходиса ва касб касалликлари оқибатида ҳар йили 2,78 млн киши ҳаётдан кўз юмляпти.

Иш вақти

Дунёдаги 36,1% ходимлар белгиланган иш вақтидан ортиқ ишламоқда (ҳафтасига 48 соатдан кўп).

Иш ҳақи

2016-17 йилларда иш ҳақининг ўсиш суръатлари 2,4%дан 1,8%гача пасайган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича гендер тафовут

Аёллар эркакларга нисбатан 20% кам ҳақ олмоқдалар.

Тенгсизлик

1980 йилдан 2016 йилгача дунёдаги энг бой одамларнинг 1% и дунё даромадларининг 27% ни олган, энг камбағал одамларнинг 50% эса атиги 12% даромад олган.

Рақамли тафовут (*цифровой разрыв*)

Барча уй хўжалиқларининг 53,6% интернетга уланган. Ривожланаётган давлатларда уларнинг улуши атиги 15%ни ташкил қилади.

ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бюроси директори Ольга Кулаева пандемия давридаги вазиятни иккинчи жаҳон урушидан кейинги жаҳон иқтисодиёти бошидан кечираётган энг катта инқироз дея атаб, дунёда **3,3 миллиард** одам ишлаши ва ҳар беш кишидан тўрттаси тўлиқ ёки қисман ишдан бўшатилиш муаммоси олдида турганини эътироф этмоқда. Иқтисодиёти йўлга қўйилган, одамларнинг даромад даражаси ўртача даражадан юқори бўлган дунёдаги етакчи мамлакатларда, 100 миллион кишининг тўлиқ иш билан таъминланишига тенг иш вақтининг йўқолиши кутилмоқда.

Инқироздан энг кўп зарар кўрган тармоқлар қаторига меҳмонхона бизнеси, овқатланиш, чакана савдо, ишлаб чиқариш, тижорат ва маъмурий фаолият кирмоқда.

Норасмий равишда ишлайдиган ва амалда ижтимоий ҳимоя тизимидан махрум бўлган, яъни кунлик даромад топувчи, конверт усулида ҳақ олувчи, официант, сартарош, мардикор каби **2 миллиард** одамни тақдири ҳақида тўхталмасдан иложимиз йўқ.

Халқаро экспертлар ўтказган тадқиқотлар, ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йил охирига келиб, бандлик даражасининг пасайиши ходимлар учун **860 дан 3,4 трлн.** АҚШ доллари миқдорида катта йўқотишларга сабаб бўлади. Бу товарлар ва хизматлар истеъмолнинг камайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида бизнес ва иқтисодиёт истиқболларига таъсир қилади.

Меҳнат қашшоқлиги даражаси ҳам сезиларли даражада ошиши кутилмоқда, чунки "иқтисодий фаолиятнинг пасайиши натижасида келиб чиқадиган даромад юки камбағаллик чегарасидан ёки ундан паст бўлган ишчиларни ҳалокатга олиб келади". ХМТнинг ҳисоб-китоблар асосида, 2020 йил бошида қилган башорати (прогноз)га нисбатан таққослаганда, дунё бўйича **8,8-35 миллион** одамлар камбағалликдан азоб чекишади (башоратларга кўра, дунё бўйича 14 миллионга қисқаради дейилганди).

Инқироздан чиқиш йўллари тўғрисида гапирганда, корхоналарни қўллаб-қувватлашга, бандлик ва даромад олишга, ижтимоий ҳимоя тизимини тўлиқ қамраб олишни таъминлашга, тўлиқ бўлмаган тақдирда ҳам бандликни сақлаб қолишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар бўлиши керак. Мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан бу масалаларга алоҳида урғу берилмоқда. Масалан, кичик бизнес ва тадбиркорлар учун вақтинча солиқ имтиёзлари белгиланиши, иқтисодиётни рағбатлантириш ва ишчи кучига талабни ўрганиб, инқироздан энг кўп зарар кўраётган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, энг муҳим жиҳати эса – иш жойларида муносиб меҳнат шароитлари билан таъминлаш, шу жумладан масофада ишлаётганларнинг ҳам меҳнатини ва соғлиғини ҳимоя қилишни айтишимиз мумкин.

Тадбиркорлар томонидан янги иш ўринлари яратилиши сонининг ортиб бориши билан уларга бериладиган имтиёзлар ҳам ортиб боради. Нафақат тадбиркор, балки барча одамзот, юртбошимиз айтганларидек, инсонларга яхшилик қилаётганларида *“менинг энг меҳрибон ватандошим, қўшим, қариндошим деб чин юракдан қилиши керак”*.

Сахийлик энг яхши инсоний хулқлардандир. Илмда саховатпешалик қилиш – бу шубҳасиз, саховатнинг энг юксак мартабаларидан бири бўлиб, мол билан саховат қилишдан-да шарафлироқдир.

Ҳозирги кунда ахборот коммуникация технологиялари кун сайин ривожланиб, янги-янги чўққиларни эгаллаб бормоқда. Ўқувчи ва талабалар учун ташкил этилаётган онлайн дарслар ҳам АКТдан фойдаланган ҳолда олиб борилмоқда.

Кимё, металлургия, кончилик, нефть-газ саноати каби йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни барча санитария-гигиена талабларига риоя этган ҳолда давом эттирилмоқда.

Аҳоли бандлиги ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида катта имкониятларга эга “драйвер”лардан бири қурилиш соҳаси ҳисобланади. Хусусан, бу тармоқ 1 миллион 325 минг нафар аҳолини иш

билан таъминлайди, бошқа саноат йўналишлари учун ҳам талаб яратади. Шу боис, ўтган даврида қурилиш ҳажми камайишига йўл қўймаслик мақсадида бу соҳага қўшимча 3,6 триллион сўм маблағ ажратилди.

Кўплаб корхоналар 2020 йилда тўлиқ қувват билан ишламади, бу эса иқтиодиётга ўз таъсирини кўрсатди.

Албатта, мамлакат раҳбари таъкидлаб ўтганларидек, шундай оғир дамда меҳнат қилаётган барча соҳа вакиллари, шифокорлар, тадбиркорлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимлари, худди 1941-45 йиллардаги уруш даврида жангда қандай қатнашган бўлса, худди шундай кураш майдонида бўлдилар. Ўз халол меҳнатлари билан халқ корига яраб, миллат равнақи учун хизмат қилиб, жасорат кўрсатдилар ва бу тарих саҳифларига муҳрланди.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР. ИШ БЕРУВЧИЛАРГА ТАВСИЯЛАР

Давлат томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларга риоя этинг, уларни ҳар бир ходимга етказинг ва бажарилишини мониторинг қилинг.

Ходимлар ва уларнинг оилаларини етарли даражада ижтимоий-иқтисодий таъминланганлиги нуқтаи-назаридан иш ўринларидаги мавжуд сиёсатни иш берувчи ўзи томонидан қўллаб-қувватлаётганига ишонч ҳосил қила оладиган даражада қайта кўриб чиқинг.

Ижтимоий мулоқот, миллий меҳнат қонунчилиги ва халқаро меҳнат стандартларига асосланган сиёсатни амалга оширишда илғор тажрибаларга амал қилинг. Иш жойидаги қўллаб-қувватловчи чоралар барча учун камситишсиз қабул қилинишини таъминланг, барча ходимларни улар билан таништиринг, мазкур чораларнинг моҳиятини барча ходимларга тушунтиринг ва ўзларини қулай хис қилишлари учун қулай шароит яратинг.

Иш жараёнида ходимларга оид маълумотларнинг хавфсиз ва махфийлигини таъминлаб, камситиш ва ижтимоий табақаланишга йўл қўймаслик, уларни ўқитиб, билимларини ошириш орқали қўллаб-қувватланг.

Ходимлар масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ишларини ўз уйларида, оиласи билан бажаришлари учун эркинлик беринг. Агар юқорида баён этилган тартибда ишлаш имкони бўлмаса, ишлайдиган ота-оналарга уларнинг болаларини парвариш қилиш тарзида ёрдам кўрсатишининг бошқа турларини кўриб чиқинг.

Ишлаётган ота-оналарни уларнинг болаларини парвариш қилишни ташкил этишорқали қўллаб-қувватланг ва болалар парвариши сифатли олиб борилаётганига ишонч ҳосил қилинг.

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси чораларини кучайтиринг, шу жумладан, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид йўриқ бериш ва ўқитиш ишларини амалга оширинг.

Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, ўриндошлик асосида ишлаганлик учун, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги,

базариладиган ишлар ҳажми ортганлиги учун тарафлар ўртасидаги келишувга кўра, меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорини белгиланг.

Ходимлар учун меҳнат шартлари ноқулай тарзда ўзгарган тақдирда (МКнинг 89-моддаси), ходимнинг розилиги билан меҳнатни ташкил этинг. Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, ўша тартибда ўзгартирилишини унутманг. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг якка шартларини ходимлар учун ноқулай томонга ўзгартирилишига уларнинг розилигисиз йўл қўйманг (МКнинг 156-моддаси).

Ходимларга стресс ҳолатга тушган, тиббий ёрдамга муҳтож инсонларга биринчи ёрдам кўрсатишни ўргатинг.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда меҳнатга ҳақ тўлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сонли Фармонининг 16 ва 17-бандларига амал қилинг:

- коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўланг;

- коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйманг.

Масофавий ишга вақтинчалик ўтказилган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни қуйидагича амалга оширинг:

- меҳнатга ҳақ тўлашдаги соатбай асосида – ходимнинг масофавий ишга ўтказилгунга қадар белгиланган тариф ставкаси (лавозим оклади) дан келиб чиққан ҳолда;

- меҳнатга ҳақ тўлашдаги ишбай асосида – ўрнатилган нархлардан келиб чиққан ҳолда.

Ходимларни мослашувчан иш графигига ўтказганингизда уларнинг таътиллار жадвалига мувофиқ меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун ҳужжатларида ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларини сақлаб қолинг. Мослашувчан иш графигига ўтказилган ходимларга меҳнат ҳақини ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга муносиб равишда тўланг.

Уйда ишлашга ўтказилган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни қуйидагича амалга оширинг:

•мехнатга ҳақ тўлашдаги соатбай асосида - ходимнинг уйда ишлашга ўтказилгунга қадар белгиланган тариф ставкаси (лавозим оклади)дан келиб чиққан ҳолда;

•мехнатга ҳақ тўлашдаги ишбай асосида(Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом, рўйхат рақами 3228, 28.03.2020).

МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ТАВСИЯЛАР

Касаллик аниқланганида иш берувчилар нима қилиши керак?

Иш берувчи ҳар бир иш ўрнида меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши, ходимларни белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминлаши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилишини таъминлаши ҳамда йўл-йўриқлар бериши керак (Ўзбекистон Республикасининг 22.09.2016 йилдаги ЎРҚ-410-сонли «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 23-моддаси).

Иш берувчилар касбий хавфларни минималлаштириш учун профилактика ва ҳимоя чораларини кўриш учун жавобгар. Иш берувчилар, тегишли асос бўлганда ва имкониятларидан келиб чиқиб, ходимларни талаб даражасидаги ҳимоя кийимлари ва воситалари билан бепул таъминлашлари керак(ХМТнинг 155-сонли Ишлаб чиқаришда ва меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида конвенцияси).

Иш берувчилар ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли маълумот билан таъминлаши, ишларига оид масалаларда маслаҳатлашиши, фавқулодда ҳолатларда чоралар кўриши, касалликлар ҳақида соғлиқни сақлаш ва меҳнат органларига тезкорлик билан хабар бериши учун жавобгардир.

Ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда (авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш ва бошқа ҳолларда) ана шу даврда унинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади (МКнинг 167-моддаси).

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан энг биринчиси ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлашдир.

ХАВФСИЗЛИК ҚОДАЛАРИДАН 10 ТА ТАВСИЯ

1. Каронавирус пандемияси даврида иш ўрнида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларини SARS-CoV-2 инфекциясидан ҳимоя қилиш бўйича тезкор чоралар билан тўлдиринг.

Жамоат жойларида кўплаб одамлар тўпланади. Инфекциядан зарарланиш хавфи ортади, бу соғлиқни сақлаш тизимининг ҳаддан ташқари юкланишига олиб келади. Бу эса, ўз ўрнида юқори хавфсизлик ва

соғлиқни сақлаш талабларини пандемияга динамик мослаштиришни талаб этади.

2. Инфекция тарқалишига қарши курашиш ишларига врачлар, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни жалб қилинг, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг доирасини кенгайтиринг.

Мутахассислар билан ижтимоий шериклик корхона, ташкилот ва муассасаларга кундалик иш ҳаётида зарур ҳимоя чораларини самарали таъминлашга ёрдам беради. Ташкилот шифокорлари ва меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассислар иш берувчиларга меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид қоидаларнинг бажарилиши тўғрисида маслаҳат беришлари ва уларга кўрсатмалар беришлари керак. Корхона, ташкилот ва муассасалар ўз ходимларига, шунингдек, масофадагиларига телефон орқали ихтиёрий тиббий кўрикларни таклиф қилишлари керак.

3. Ҳамма ерда: иш жойида, биноларда, кўчада ва транспорт воситаларида камида 1,5 метр узоқликда хавфсиз масофа сақланишини таъминланг.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда тегишли тўсиқлар ўрнатинг, белгилар осинг ёки кириш қоидаларини жорий этинг. Агар бунинг иложи бўлмаса, самарали муқобил чораларни қўлланг.

4. Ходимларнинг меҳнат жараёнида тўғридан-тўғри алоқада бўлиш ҳолатларини иложи борича камайтиринг.

Иш жадвали, танаффуслар жадвали ёки офисга ташқаридан ташриф буюриш бўйича ташкилий чора-тадбирларини ишлаб чиқинг. Ходимлар ўртасидаги алоқалар минимал даражада бўлишини таъминланг.

5. Ишда касаллар бўлмаслигини таъминланг.

Инфекция аломатлари бўлган одамлар (жумладан, енгил иситма, шамоллаш аломатлари, нафас қисилиши) иш жойини тарк этишлари ёки шифокор келиб, ҳолатга аниқлик киритгунича уйда қолишлари керак. Ходимлардан ҳамкасбларига хавф туғдирмаслик учун уйдан ишга чиқишларидан олдин соғлиқларини текширишларини талаб қилинг.

6. Тўғридан-тўғри алоқа қилиш зарур бўлганда қўшимча ҳимояни таъминланг.

Ҳимоя қисмларига ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, ходимларни ва бино ёки ҳудудга кириш ҳуқуқига эга бўлган барча шахсларни (масалан, миждозларни) ҳимоя воситалари билан албатта таъминланг.

7. Қўшимча гигиена чораларини кўринг.

Кириш-чиқиш ва иш жойлари яқинида қўл гигиенаси учун ювиш ва дезинфекция воситалари бўлишини таъминланг. Умумий жойлар, ташкилот транспорт воситалари, иш ускуналари ва бошқа алоқа бўлиши мумкин бўлган жойларни вақти-вақти билан дезинфекцияланг.

8. Меҳнат гигиенасини ва хавф гуруҳидаги ходимлар ҳимоясини таъминланг.

Кўп одамлар ўз соғлиғи учун қайғуришади. Корхона, ташкилот ва муассасалар шифокорлари, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси хизмати иш билан боғлиқ соғлиқ учун хавфлар тўғрисида шахсий маслаҳатлар беришлари керак. Агар сизгаходим хавф гуруҳида эканлиги маълум бўлса, зарур шахсий химоя чораларини кўринг.

9. Пандемия давридаги тайёргарлик ҳолатини таъминланг.

Аниқланган инфекцияларга тезкор жавоб бериш учун пандемия даврида иш тартибини ишлаб чиқинг. Касаллик юқтирган ходимларни аниқлаш, хабардор қилиш ва касаллик юқтирган ходимларни ажратиш, хавфсиз ҳолатга келтириш мақсадида маҳаллий соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорлик қилинг. Агар ходимлар инфекция юқтирганларини шубҳа қилсалар, ташкилотдаги доимий алоқа қилиш учун масъул шахс билан боғланишларини талаб қилинг.

10. «Саломатлик биринчи навбатда!» принципига амал қилинг.

Ходимларнинг доимий равишда қўллаб-қувватланг. Иш берувчи учун ходимларнинг хавфсизлиги ва саломатлиги устувор вазифа эканлигини улар тушунишлари ва ҳис қилишлари керак. Инфекцияни юқтиришдан химоя қилиш бўйича барча қўшимча чоралар ва инфекция тарқалишига доир маълумотларнинг моҳиятини тушунтиринг. Зарурат туғилганда, чоралар амалиётга қўлланилишини ва маълумотлар текширилиши мумкинлигини маълум қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
2. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 28 мартда 3227-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартдаги 8-2020/Б-сон буйруғига илова “Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилганда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом”
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 28 мартда 3228-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартдаги 9-2020/Б-сон буйруғига илова “Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом”

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сонли «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

6. Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиялари

7. <https://www.facebook.com/EuropeanAgencyforSafetyandHealthatWork/>

8. <https://www.napofilm.net/en/napos-films/napo-stop-pandemic>

9. <https://osha.europa.eu/en/publications/covid-19-back-workplace-adapting-workplaces-and-protecting-workers/view>

10. https://ec.europa.eu/commission/presscorner/detail/en/ip_20_729

11. <https://www.ccohs.ca/oshanswers/diseases/coronavirus.html>

12. https://www.youtube.com/watch?v=rAj38E7vrS8&ab_channel=StanfordMedicine

13. <https://www.dw.com/ru/%D0%BA%D0%BE%D1%80%D0%BE%D0%BD%D0%B0%D0%B2%D0%B8%D1%80%D1%83%D1%81-%D0%BA%D0%B0%D0%BA-%D0%BF%D0%BE%D0%B4%D0%B3%D0%BE%D1%82%D0%BE%D0%B2%D0%B8%D1%82%D1%8C%D1%81%D1%8F-%D0%BA-%D0%BF%D0%B0%D0%BD%D0%B4%D0%B5%D0%BC%D0%B8%D0%B8/a-52530085>

14. <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC6518251/>

15. <https://www.safety2021canada.com/>

16. <https://www.ilo.org/global/topics/coronavirus/news/lang--en/index.htm>

17. https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_738742/lang--en/index.htm?fbclid=IwAR0fCYKSPglYQ7qazc5HbppG44al3QQ5LXYjJgqokOwp1HHGLHe0W-XxZg

18. https://www.industriall-union.org/covid-19-advice-for-workers-and-employers?fbclid=IwAR1YcoW5eqYy95tmtMvnh7WZuRLxN8YdxL_3zPITMfJf8PQbOmGe20bf6BM4

19. https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_740101/lang--en/index.htm

20. <https://www.ilo.org/global/topics/coronavirus/regional-country/country-responses/lang--en/index.htm#AL>

21. https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_739961/lang--en/index.htm

22. Отчет Института санитарии, гигиены и профзаболеваний

23. Материалы VIII Курултая Федерации профсоюзов Узбекистана

24. Статистические данные Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан.

*Турсунов Жаҳонгир Пулатович
Тошкент молия институти
“Суғурта ва пенсия иши” кафедраси доценти, PhD*

КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ЎЛЧАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Мазкур тадқиқот ишида камбағалликнинг ижтимоий аҳамияти, камбағалликни аниқлаш ва уни ўлчаш борасида турли ёндашувлар келтирилган. Мамлакатда камбағаллик даражасини ўлчаш усуллари келтирилган, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашилган. Камбағалликни тадқиқ қилишнинг таърифлаш ва баҳолаш босқичлари тадқиқ этилган ва хулосалар шакллантирилган.

Калти сўзлар: камбағаллик, камбағаллик даражаси, мутлақ камбағаллик, нисбий камбағаллик, субъектив камбағаллик, даромад, харажат, Жинни коэффициенти

В исследовании представлены различные подходы к социальной значимости бедности, определению бедности и ее измерению. Существуют методы измерения бедности в стране, каждый из которых рассматривается отдельно. Изучены этапы определения и оценки исследования бедности и сделаны выводы.

Ключевые слова: бедность, уровень бедности, абсолютная бедность, относительная бедность, субъективная бедность, доходы, расходы, коэффициент Джини

The study presents various approaches to the social significance of poverty, the definition of poverty and its measurement. There are methods for measuring poverty in a country, each of which is considered separately. The stages of defining and evaluating the study of poverty are studied and conclusions are drawn.

Keywords: poverty, poverty rate, absolute poverty, relative poverty, subjective poverty, income, expenditure, Gini coefficient

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистонда камбағаллик ҳолати ўрганилмоқда ҳамда уни камайтириш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур масала бўйича Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади”¹, дея таъкидлади ва бу ҳақда очик ойдин фикр юритиб, камбағалликни қисқартириш ечимларини топиб, мамлакатимизда камбағаллик даражасини қисқартириш кераклигини таъкидлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 й. 25 январь.

Бугунги кунда Ўзбекистон ривожаланётган давлатлар қаторида тўради. Бу даврда мамлакатдаги ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ҳодисани шу жумладан, камбағалликни ҳам таҳлил қилиш ва ўлчаш зарур. Статистика ҳамда иқтисодий адабиётларда камбағалликни аниқлаш ва уни ўлчаш борасида турли ёндашувлардан фойдаланилади. Камбағаллик даражасини аниқлаш ва уни қиқартириш юзасидан назария ва амалиётда турли фикрлар ва ёндашувлар мавжуд.

Аҳолининг камбағал қатламини ўлчаш қуйидаги усуллар билан фарқланади:

1. **Мутлақ камбағаллик.** Бунда бирон-бир оила ёки шахснинг бир ойлик даромади ўрнатилган минимумдан бир қанча даражада паст бўлади ва булар мутлақ камбағал ҳисобланади.

Мутлақ камбағаллик мезонидан фойдаланишда камбағаллик сони ва даражаси давлат томонидан расман ўрнатилган камбағаллик чегарасига боғлиқ бўлади ва ўз навбатида у давлатнинг молиявий имкониятларига боғлиқ бўлади.

Мутлақ камбағалликни ўрганишда иккита муҳим масалани ечиш зарур:

– камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиши мумкин бўлган кўрсаткични ишлаб чиқиш;

– камбағаллик чегараси билан таққослаш учун фаровонлик даражаси кўрсаткичлари тизимини танлаш.

2. **Нисбий камбағаллик.** Буни аҳолининг турли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланишида юз берган ўзаро нисбатлар ифодалайди. Улар ҳар бир оила ёки шахс баъзи бир ҳаётий стандартлардан нисбий камбағал эканлигини билдиради.

3. **Субъектив камбағаллик.** Бу ёндашув илк бора Лейден университетининг голландиялик олимлари томонидан қўлланилган. Улар оилаларни танлама текшириш асосида респондентларнинг етарли минимал даромадлари тўғрисидаги ўз тасавурлари ва танланган оила эга бўлган ҳақиқий даромад даражаси ўртасида чамбарчас боғлиқлик борлигини аниқлаб, камбағаллик чегарасини тавсифлаш учун ижтимоий фикр сўровларидан фойдаланишни таклиф қилишган.¹

Агар камбағалликнинг мутлақ концепциясида камбағаллик чегараси инсоннинг жисмоний яшаши учун физиологик зарурий меъёрлардан келиб чиқиб, расман давлат томонидан ўрнатилса, нисбийда инсон тўлақонли ҳаёт кечира олмаслигининг чегараси қайд қилинади, субъектив усул эса респондентнинг ўзига ушбу чегарани аниқлашга ва ўз фаровонлигининг ҳолати даражасини баҳолашга имкон беради.

Мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар паст даромаднинг объектив кўрсаткичлари ҳисобланиши мумкин. Аксинча, кам даромаднинг

¹ Курс социально-экономической статистики (под ред. М.Г.Назарова). – М.: ОМЕГА-Л. 2006, с.577

субъектив кўрсаткичлари даромад даражаси тўғрисида жамоатчилик фикрига асосланади, улар “сал-пал етарли” деб ҳисобланади ва шу билан экспертлар томонидан аниқланадиган асосий эҳтиёжларни ихтиёрий танлаш муаммосидан қочишади.

Камбағалликнинг нисбий концепцияси доирасида “нисбий маҳрумлик” тушунчаси деб номланган ва инглиз олими П.Таусентнинг фаолияти туфайли маълум бўлган ёндашув ҳам мавжуд. Бу ҳолда камбағаллик тўғридан-тўғри уй хўжалигининг истемол хусусиятларини баҳолаш орқали ўлчанади ва маълум бир жамиятда истемол стандартлари учун зарур бўлган ресурсларнинг етишмаслиги тушунилади. Жамият учун турмуш даражасининг стандартдан тафовути “муҳтожлик” ёки “марҳумлик” тушунчалари билан аён қилинади.¹

Камбағалликни тадқиқ қилишнинг иккита, яъни таърифлаш ва уни баҳолаш босқичлари мавжуддир. Биринчи яъни таърифлаш босқичи – камбағалликни битта мезон асосида аниқлашнинг иложи бўлмаган кўп ўлчовли ҳодиса сифатида тавсифлаш имконини беради. Шу боис камбағаллик пул даромадларининг таъминланиши даражаси билан ўз ичига турли етишмовчиликларни оладиган физиологик ҳамда маънавий эҳтиёжларни муносиб қондириш имконига эга бўлмаган маълум ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати сифатида аниқланади.

Камбағал одамлар ҳам жамиятдаги бошқа ижтимоий гуруҳлар вакиллари каби ҳуқуқ ва кафолатларга эга бўлган аъзолардир. Ушбу қоида нафақат муаммонинг моҳиятини ва унинг пайдо бўлиш сабабларини тушунишни, балки баҳолашни ҳам талаб қилади.

Айни баҳолаш камбағалликни тадқиқ қилишнинг иккинчи босқичида амалга оширилади. Бу босқич камбағаллик чегарасини белгилашни, камбағаллик чегарасидан паст даромадга эга бўлган аҳоли салмоғини, камбағал оилаларнинг моддий етишмовчилик даражасини, яъни камбағалликнинг чуқурлашувини, камбағал оилаларнинг даромади даражаси бўйича қатламларга ажралиш меъёрини, шунингдек, аҳолининг камбағал қатламлари ижтимоий таркибини аниқлашни ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткичлар ёрдамида аҳолининг умуман у ёки бу фаравонлиги ҳақида гапириш мумкин.

Қайд қилинган кўрсаткичларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз:

1. Камбағаллик чегараси. Кенг маънода у камбағал ва камбағал бўлмаганларни ажратадиган чегарани англатади. Ушбу кўрсаткични аниқлашда инсоннинг ихтиёридаги даромади истемол даражасидан паст бўлган инсон камбағал ҳисобланади.

¹ Townsend P. Poverty in the United Kingdom. A Survey of household resources and standards of living. N.Y., 1979.

Яшаш минимуми шунчалик бўлиши керакки, бунда инсон ҳеч бўлмаганда зарур маҳсулот, товар ва хизматларни оз бўлса-да етарлича олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Яшаш минимуми – инсоннинг ҳаётининг фаолиятини таъминлайдиган истеъмол саватидаги маҳсулот, товар ва хизматлар зарурий тўпلامни кўп бўлмасда етарлича олиш зарурлигини билдиради. Шунинг учун ижтимоий тўловлар, яъни пенсия ёки нафақаларнинг барча ҳисоб-китоблари яшаш минимуми миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

2. Камбағаллик даражаси. Бу оилавий даромади камбағаллик чегараси деб номланган мутлақ даражадан паст бўлган ва минимал истеъмол саватидан товарлар сотиб олишга қодир бўлмаган аҳолининг улушини англатади. Камбағаллик даражасини аниқлашда оиладаги даромадлар ўлчанади, чунки оилада маълум бир одамнинг истеъмолини тақсимлашда қийинчиликлар юзага келади.

Камбағаллик даражаси кўрсаткичидан фойдаланиш осон ва тушунарли. Аммо у аҳолининг у ёки бу гуруҳлари қанчалик камбағал эканлиги, уларнинг даромади камбағаллик чегарасидан қанчалик паст эканлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди. Шу сабабли, у камбағаллик динамикасини аниқлашда ва унга қарши курашиш самарадорлигини баҳолашда хатоликларга олиб келиши мумкин. Мисол учун, камбағаллик чегараси ўзгарганда ҳам, гарчи, камбағалликка қарши кураш учун катта молиявий ресурслар сарф қилинса-да, камбағаллар улуши ўзгаришсиз қолади, яъни камбағаллик даражаси камбағаллар даромадининг ўзгаришига сезиларли таъсирга эга эмас. Бундай ҳолда камбағаллик динамикасини баҳолашда даромадлар тақчиллиги кўрсаткичи аниқроқ баҳо беради.

3. Камбағалликнинг чуқурлашуви. Унинг асосида камбағаллик чегараси ва камбағаллар фаровонлигининг тегишли кўрсаткичи (истеъмол, сарфлар, даромад ва бошқалар) ўртасидаги фарқ ётади, яъни бу индикатор камбағаллик чегарасининг сарфлар даражасидан ёки камбағалларнинг ўртача даромадидан ошиб кетишини акс эттиради.

4. Камбағалликнинг кескинлашуви энг оддий жамланма кўрсаткичлардан бири бўлиб, унинг ёрдамида умумий камбағалликни баҳолашда камбағаллар камбағаллиги чуқурлашуви кўрсаткичининг қийматлари ўзига-ўзи тортилади, яъни квадратга кўтарилади. У камбағалликни баҳолашда муҳим мезон бўлиб, муаммонинг жиддийлик даражаси ўзгаришини акс эттира олади ва камбағалликнинг максимал чуқурлашувини аниқлайди. Камбағалликнинг кескинлашуви индексининг камбағалликнинг чуқурлашуви индексидан фарқи шундаки, иккинчисини ҳисоблашда даромад (сарф) лар тақчиллиги юқори бўлган уй хўжаликларига кўпроқ улуш берилади. Камбағалликнинг кескинлашуви кўрсаткичи аҳолининг камбағал қатламлар ўртасидаги тенгсизликни тавсифлайди. Табақаланиш даражасини Жинни коэффициенти ёрдамида

аниқлаш мумкин. Ўзбекистонда 2018 йилда пул даромадлари бўйича унинг қиймати 0,262 га тенг бўлиб, тенгсизлик концентрацияси пастлигидан далолат беради.

5. Камбағаллик кесими (профили). Бу кўрсаткич вақт ўтиши билан ўзгарадиган аҳоли камбағал қатламлари ижтимоий таркибини таҳлил қилишни кўзлайди. Унинг ёрдамида камбағаллик хавф-хатарига гирифтор бўлган аҳолининг қайсидир гуруҳлари, шунингдек, камбағаллар контингентининг таркиби тўғрисида маълумот олиш мумкин. Бу нафақат камбағалликни таҳлил қилиш учун, балки тегишли ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун ҳам талаб қилинади. Камбағаллар таркиби сабабчи омилларни аниқлашга ва кўпчилик камбағалларга ёрдам берадиган сиёсатни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, камбағаллик кўрсаткичлари таҳлили жамиятда қабул қилинадиган истеъмолнинг минимал даражасини тавсифлаш, даромадларни тақсимлашдаги тенгсизликни тартибга солиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари учун мақсадли гуруҳларни аниқлаш ва уларнинг натижадорлигини баҳолаш учун зарур.

*Abduraxmonov I.Kh.
Tashkent Institute of Finance*

INSURANCE PRODUCTS AS A FACTOR OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE INSURANCE INDUSTRY

The development of the insurance market, its penetration into the population, the acceleration of insurance operations largely depends on the quality and scope of insurance services provided by insurance companies, the stability of economic processes in the country, the insurance culture and income of the population. Improvement of traditional insurance services and the introduction of new mechanisms to protect the interests of insurers, competitive insurance products can contribute to the rapid development of the insurance industry. The formation of a successful model of insurance business development is mainly determined by the introduction of modern innovative insurance technologies and products

It should be noted that the search for innovative solutions for the development of the insurance market depends on the innovative approaches of companies to provide insurance products in the digital economy.

From the point of view of a modern customer-oriented insurance model, it is expedient to study the insurance product taking into account the individual needs and desires of the insured.

An insurance product is a service that provides comprehensive protection of the property interests of the insured, provided by the contract and supported

by the relevant guarantees of the insurance company in the event of an insured event, through conventional and digital sales channels.

The current classification of insurance products involves the systematization of insurance products from the position of the insurance company, firstly, according to consumer demand, and secondly, in terms of maximizing the income of the insurance company. An innovative approach to the organization of insurance activities defines an approach that takes into account the interests of the insured, his needs for insurance protection.

At the same time, it should be noted that the concept of innovation falls more on the offer of an insurance product that allows to maximize the property interests of the insured. When compensating for the loss of insurance services, using mobile applications to report the insured event, by sending documents confirming the insured event (photo), you can enter QR codes to identify the insured person, and more.

The proposed classification of insurance products not only determines the need, but also maximizes the financial stability and profitability of the insurance business by introducing innovations in the national insurance market and developing personalized insurance products for consumers, taking into account modern trends in ensuring the property interests of policyholders allows to determine the direction of activation of insurance companies

The customer-oriented insurance business model should not only provide innovative product sales channels, but also allow policyholders to take advantage of traditional approaches to purchasing insurance products. The reason is that today there are barriers to overcome over time: low level of trust in insurance companies and digital services (subjective), Internet speed and lack of stable mobile communication in some places (technical), unwillingness of the majority of middle-aged and older people to work in the digital environment in regional disproportionate (organizational) insurance.

Today, to maintain the financial stability of insurance companies requires the development of new insurance products and services, increasing the attractiveness of existing ones, the introduction of innovative approaches to encourage repurchase and loyalty to a particular brand. At the same time, it requires a detailed study of the wishes and desires of consumers and taking them into account.

Current and effective innovations in the field of insurance are new technologies and sales channels, active use of digital technologies and remote networking systems. In the near future, we will be able to follow the practice of using artificial intelligence and biometric technologies abroad.

Thus, if we analyze the directions of innovation and development of innovations in the national insurance market, in the near future the individual (personal) offers of insurance companies in attracting policyholders will increase. Accordingly, attention should be paid to Big Data technologies designed to shape personal offers to potential insurers. Second, the use of

blockchain technology allows the integration of different resources (for example, universal electronic insurance card), which allows the insured to keep all documents in one place (policy, passport and technical certificate, various certificates, medical card, etc.) and one of them multiple use and identification of the insured person will not only speed up the insurance process, but also simplify the claim settlement process, as well as prevent fraud due to the transparency of transactions.

While the Internet of Things (IoT) can serve to reduce insurance risks, it is possible to achieve an improvement in this insurance underwriting by implementing personal approaches to an insured person.

The introduction of a customer-oriented model requires extensive use of CRM - customer relationship management system, which opens up a wide range of opportunities to ensure not only customer value, but also customer loyalty, insurance portfolio management and innovative areas of insurance business.

It is important to study the innovative processes in the insurance market, accelerate their implementation and increase their efficiency, in order to properly organize these processes, it is necessary to work in the following areas:

1) Innovative activity of insurance companies implies the transition to a customer-oriented insurance business model, the digitization of the insurance business, the introduction of innovative products, the use of Internet technologies in sales of insurance products, new sales channels and new methods of reviewing and covering insurance claims.

2) Taking into account the fact that the main factors hindering the innovative development of insurance have been identified, the acceleration of work in these areas, they include:

□ Objective organizational and technical (Internet speed, access and quality, mobile communication, customer access to smartphones, availability of tablets and mobile devices for the use of digital technologies);

□ Subjective (limited innovative proposals of insurance companies, low level of trust in the insurance company, financial literacy and financial decision-making skills of the population, unformed insurance culture, loyalty of the insured to traditional products and sales channels).

3) Further development of the insurance market is largely associated with the activation of digital services aimed at the purchase of insurance products and the provision of individual proposals for resolving insurance claims. Including blockchain technologies, Big Data, depends on the use of tele technologies.

СУҒУРТА СОҲАСИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛАРИ

Охирги йилларда инновациялар иктисодиётнинг молия секторидаги ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи асосий омили сифатида намоён бўлиб келмоқда. Молия секторининг суғурта соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, шунингдек суғурта соҳаси ҳозирги кунда рақамли трансформация даврига қадам қўймоқда ва бу кўплаб тадқиқотчиларни жамият ҳаётини такомиллаштириш юзасидан илмий таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришга ундамоқда.

Суғурта бозорида рақобатнинг кучайиши ва ахборот каналларининг ривожланиши, истеъмолчиларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар суғурта компанияларини бизнес юритишнинг мавжуд технологик тамойилларини қайта кўриб чиқишга ундаяпти. Айнан инновацион ёндашувда суғурта бизнесининг келажаги ётади, шунинг учун суғурта соҳасида янги инқилобий блокчейн технологиясидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Охирги йилларда молия институтлар мавжуд тўлов тизими доирасда блокчейнни қўллашга жиддий қизиқиш билдира бошладилар. Блокчейн технологиясининг асосий афзалликларидан бири бу тизимнинг шаффофлиги ва хавфсизлиги ҳисобланади: блокчейн транзакция ҳақидаги барча маълумотларни, жумладан вақт, сана, миқдор, олувчи ва тўловчини қамраб олади, шунингдек маълумотларни кетма-кетлик занжирида мустақамлангандан кейин ушбу маълумотларга ўзгартириш киритиш имконияти бўлмайд.

Суғурта соҳаси блокчейн технологияларини жорий этиш учун истиқболли соҳадир. Қўйида жаҳон бозоридаги стартапларнинг айримларига мисоллар келтириб ўтамиз (Гарипов Р.И., Максимова Н.Н. (2020)):

1. *Etherisc*. Ушбу илова парвозни суғурталаш имконини берувчи ақлли шартномалар асосида қурилган бўлиб, парвоз кечиб қолган тақдирда суғурта тўловини амалга ошириш имконини беради. Etherisc маҳсулоти тўловларни автоматлаштириш имконини беради, шунингдек маълумотлар хавфсизлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

2. *Inchain*. Бу марказлашмаган блокчейн поатформаси бўлиб, бунда фойдаланувчиларга рискларни суғурта қилиш, инвесторларга эса суғурта облигацияларига инвестиция киритиш имконини беради. платформа Ethereum блокчейн ва смарт-шартномалар асосида қурилган.

3. *Prosto. Insure*. 2017 йилда Россия суғурта бозорида амалга оширилган суғурта блокчейн-платформаси. Ушбу лойиҳа саёҳат суғуртаси учун мўлжалланган. Ушбу тизим фойдаланувчи маълумотларининг

ўзгармас ҳолатда сақлаш ва фирибгарликдан ҳимоя қилиш имконини беради.

4. *Allianz Risk Transfer*. Анъанавий суғуртасиз, ақлли шартномалардан фойдаланган ҳолда рискларни суғурталаш механизмига асосланган.

Шундай қилиб юқорида блокчейн технологияларидан фойдаланишга турли ёндашувларда қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Бундан блокчейнни ривожлантириш стратегиясини амалга оширувчи суғурта компанияларини ўрганиш асосида ундан фойдаланишнинг асосий ёндашувларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин (1-жадвал)


1-жадвал

Суғурта соҳасида блокчейндан фойдаланиш ёндашувлари

Ёндашув	Тавсиф
Иқтисодий	Иқтисодий нуқтаи назарга кўра хизматлар нархини ва харажатларни камайтириш учун блокчейн технологиясидан фойдаланиш
Ҳуқуқий	Фирибгарликни аниқлаш ва мижозлар маълумотларини ҳимоя қилиш учун ушбу технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади
Технологик	Иш жараёнини тезлаштирадиган турли хил технологик маълумотлар базаларини яратиш. Масалан: ахборотнинг тармоқ миқёсида марказлаштирилган омборини яратиш; КҮС (Know Your Customer) учун блокчейн ечими, бу ерда барча ҳужжатлар реестри юритилади ва криптография ёрдамида шифрланади

Жадвал маълумотларига асосланган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, блокчейн суғурта соҳаси фаолиятини яхшилаш учун турли йўллар билан фойдаланиш мумкин: даъволар бўйича ўртача харажатларни камайтириш, суғурта жараёнларини осонлаштириш ва тезлаштириш, уларни автоматлаштириш ва ишончлилигини ошириш.

Технологияларнинг қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, суғурта соҳасидаги блокчейннинг мумкин бўлган ўрнини кўрсатиш керак бўлади (1-расм)



1-расм. Суғурта соҳасида блокчейн технологияларидан фойдаланиш вариантлари

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, суғуртага инновацион технологияларни жорий этишнинг барча йўналишлари ушбу соҳанинг сезиларли ривожланишига, иқтисодий самарли тежамкор суғурта маҳсулотларини яратиш орқали суғурта бозорининг ўсишига олиб келади.

Суғуртада блокчейн технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда ва баҳолашда анъанавий ва янги технологияларни қўллашнинг афзалликларини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Суғуртада анъанавий ва блокчейннинг қиёсий тавсифи

Анъанавий тизим	Блокчейн тизими
<i>Ҳисоб-китобларни амалга ошириш</i>	
Онлайн суғурта, интернет орқали онлайн ариза, нақд тўлов кўринишида	Автоматлаштирилган тизим ёрдамида, суғурта компаниялари учун fintech хизматлари
<i>Маълумотларни ҳимоя қилиш</i>	
Шахсий маълумотларни қайта ишлаш хавфсизлигини таъминлашда ягона стандартлар ва ёндашувларнинг йўқлиги. Суғурта компаниясининг шахсий маълумотларнинг ахборот тизимидан фойдаланиши	Транзакция ҳақидаги барча маълумотларни сақлаш, сана, вақт, қабул қилувчи, сумма, шунингдек уларни кейинчалик уларни ўзгартира олмаслик бу эса хакерларнинг бузиб кириш имконини бермайди
<i>Маъмурий харажатлар</i>	
-сўровни кўриб чиқиш вақти; - транзакция қиймати	Жараёнларни автоматлаштириш орқали харажатларни камайтириш

Таққослаш натижасида шуни кўришимиз мумкинки, блокчейнни амалга ошириш натижасида қўлда амалга ошириладиган жараёнлар автоматлаштирилади. Бунинг натижасида қорорлар қабул қилиш

оптималлаштирилади, битта аризани кўриб чиқиш вақти ва харажати камаяди. Инновацион технологиялар бозордаги улушни ошириш имконини беради, бу ҳар қандай тижоратга асосланган компаниянинг асосий мақсадидир. Шунингдек, блокчейн технологиясидан фойдаланиш ахборот ва маълумотлар хавфсизлиги соҳасидаги кўплаб, юқори нархли мутахассисларни талаб этмайди.

Бунда иқтисодий самарадорлик қуйидагилардан иборат бўлади:

1) Мижозларга хизмат кўрсатиш учун вақтнинг тежалиши 70-85%га;
2) Маблағларнинг иқтисод қилиниши, тайёр ишланмаларнинг мавжудлиги анъанавий ечимлар нархини 60-90% гача камайтириш имконини беради;

3) Рискларнинг камайиши, фирибгарлик ҳолатларининг қисқаришига олиб келади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, блокчейн технологиясидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги бу аниқдир: ушбу технологиялардан фойдаланадиган суғурта компаниялари ўз фаолиятини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга блокчейнни амалга ошириш самарадорлигини тўлиқ баҳолаш ва фойдаланиш стандартларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Шунингдек, мавжуд афзалликларга қарамай, миллий суғурта компаниялари ўз бизнес жараёнларида замонавий технологиялардан фойдаланиш ва жорий этишда бир қатор муаммолар ва хавфларга дуч келишлар мумкин, булар қуйидагилардан иборат:

– Энергия истеъмоли, кенг кўламлилик, бунда интеграция жараёнларининг харажатлари аниқ асосланган бўлиши керак;

– Киберфирибгарлик;

– Ҳуқуқий ва тартибга солиш масалалари, шунингдек бу борадаги стандартларнинг йўқлиги.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, суғурта соҳасида блокчейн технологияси юқори истиқболли ривожланиш салоҳиятига эга. Унинг қўлланилиши суғурта бозорида янги маҳсулотларнинг пайдо бўлишига (P2P суғурта, микросуғурта, манзилли (параметрик) суғурта), шунингдек, соҳанинг иқтисодий ривожланишига олиб келади.

Шунингдек, блокчейннинг муваффақиятли ишлаши учун тартибга солиш ва қонунчилик шартларини аниқ ишлаб чиқиш ва кутилаётган “тармоқ эффекти”ни ойдинлаштириш керак бўлади. Бундаг ташқари, дастлабки жорий этишдан олдин технологияларнинг афзалликлари ва камчиликларини диққат билан ўрганиш ва таҳлил қилиш, рискларни ҳисобга олиш ва уларнинг оқибатларини минималлаштириш керак бўлади.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун асосларни, жумладан, илмий асосланган асосларни яратиш муҳим ҳисобланади.

Аҳадов Б.А.
Тошкент молия институти

БАНК СУҒУРТАСИ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мамлакат молия бозорларини янада ривожлантириш, аҳолига сифатли молиявий хизматларни тақдим этиш, суғурта компанияларининг суғурта маҳсулотларини сотишнинг замонавий технологияларини жорий этиш фаолиятини кўллаб-қувватлаш, шунингдек, суғурта воситачилари фаолиятини фаоллаштириш, ишлаш тизимини такомиллаштириш, банк суғурта механизмларини жорий этиш, умуман суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш орқали суғурта маҳсулотлари сотиш кўламини кенгайтиришга эришиш мақсадида соҳага янги технологиялар жорий қилинмоқда. Шу билан бирга ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳолига сифатли молиявий хизматларини кўрсатиш, республика суғурта хизматлар бозорининг ролини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Халқаро амалиётда банк суғуртаси турли хил воситалар орқали амалга оширилиб келинмоқда. Биргаликда олиб бориладиган бундай фаолият аслида банклар ва суғурта компанияларининг ҳамкорликда кўшма корхоналар ташкил этиши, уларнинг бирлашиши, қўшиб юборилиши, банкларнинг суғурта компаниялари таъсисчилари ҳисобланишилари ортида молиявий конгломератларнинг вужудга келиши ётади.

Шунингдек, банк суғуртасини ташкил этишда ягона ёндашув мавжуд эмас. Лекин, суғурта компаниялари ва банкларнинг “bancassurance” ҳамкорлигида фаолияти юритишлари иккала томоннинг манфаатларига мос келади (1-жадвал).

1-жадвал

Суғурта компаниялари ва банкларнинг “bancassurance”да иштирок этиш афзалликлари¹

Суғурта компанияларининг “bancassurance”да иштирок этиш афзалликлари	1. Мижозлар сонининг кўпайиши ва янги бозорларга кириш
	2. Бизнесни кенгайтириш учун инвестициялар
	3. Агентлик тармоғини яратмасдан, бозорни тезликда эгаллаш
	4. Биргаликда банк хизматларни кўрсатиш
	5. Сотиш ҳаражатларининг камайиши
	6. Суғурта даромадлари ҳисобидан

¹ Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

	инвестициялар самарадорлигини ошиши
	7. Мижозларни селекция қилиш имконияти
Банкларнинг “bancassurance”да иштирок этиш афзалликлари	1. Фоиз ставкасини пасайтириш орқали кўшимча даромад (комиссиялар) олиш
	2. Хизматлар турларини кенгайтириш орқали мижозларни ушлаб қолиш
	3. Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини жалб қилиш ҳисобига кредитлаш ресурсларини кўпайтириш
	4. Бизнесни кенгайтириш учун инвестициялар
	5. Филиал ва офислар сонини оширмасдан бозорни тезликда эгаллаш
	6. Суғурта имкониятларидан фойдаланиб, маҳсулот турларини кўпайтириш
	7. Мижозларни селекция қилиш имконияти

Жадвалдан шуни кўришимиз мумкинки, моливий жиҳатдан банклар ва суғурта компанияларининг яқинлашуви икки томон учун ҳам бир хил афзалдир. Чунки уларнинг биргаликдаги ўзаро фаолияти, ҳамкорлари ва мижозлари учун ҳам кўлай ҳисобланади.

Банк суғуртасини ташкил қилишда, муваффақиятга эришишнинг асосий омиллари қуйидагилардан иборат:

- Молиявий маҳсулотларнинг оддийлиги ва ҳамёнбоплиги;
- банк ва суғурта компаниялари ходимларининг профессионал малакаси;
- сотиш технологияларини банкка бирлаштириш;
- сотиш жараёнларини ахборот технологиялари (IT) орқали қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш;
- банк суғуртаси жараёни менежментини ривожлантириш.

Молия бозорида суғурта компаниялари ва банкларнинг бундай ўзаро ҳамкорликдаги моделлари одатда иштирокчиларнинг манфаатли ўсишига олиб келади охир – оқибатда эса бундай ҳаракат барча иштирокчиларга фойда келтириши мумкинлигини кўрсатади. Бундай ўзаро ҳамкорлик иштирокчиларнинг ҳар бирига келтириши мумкин бўлган афзалликларни алоҳида таҳлил қиладиган бўлсак қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

Суғурта компанияси учун афзалликлар: мижозлар базасини банк мижозлари орқали ошириш, суғурта компанияси анъанавий агентларга бўлган эҳтиёжини камайтиради, янги молиявий маҳсулотлар ишлаб чиқиши ва керак бўлганда банклардан молиявий ёрдам олишлари мумкин. Ушбу афзалликларни қуйидагича ёритиш мумкин:

- янги сотиш тармоғи орқали суғурта компанияси ўзининг мижозлар базасини сезиларли даражада кенгайтиради ва янги молиявий хизматларга

эҳтиёжи бўлган янги мижозларга эга бўлади. Оддатда бу ўзаро ҳамкорликнинг энг асосий омил сифатида қаралади;

– суғурта компанияси анъанавий агентларнинг (барқарор эмас бўлган сотиш тармоқлари) қарамлигига боғлиқлиги сусаяди ва бу орқали суғурта маҳсулотларини сотиш тармоқлари кенгайтиришга эришида ва сотиш усулларини ўзгартириши мумкин;

– суғурта компаниялари ва тижорат банклари кўпинча мижозлари ўз имиджи ва мавқеи орқали жалб қилишида, бу эса уларга қўшимча даромад олиш имкониятини яратиб беради;

– суғурта компаниялари анъанавий савдо вакилларига хос бўлган ҳаражатларга нисбатан тақсимот ҳаражатларини камайтиришдан ҳам манфаатдордирлар, сабаби савдо тармоғи одатда банк маҳсулотлари ва суғурта маҳсулотлари учун бир хил бўлади. Бу шуни англатадики, маҳсулотлар истеъмолчиларга арзонроқ нархларда таклиф этилиши мумкин;

– суғурта компанияси янги бозорда ўз ўрнини маҳаллий банкнинг мавжуд тармоғидан фойдаланиб мустаҳкамлаши мумкин;

– суғурта компаниялари ўзларининг тўлов қобилиятини яхшилаш ва бизнесни кенгайтириш мақсадида банклардан қўшимча маблағлар (кредит, займ, устав капиталига маблағларни жалб қилиш, акциялар сотиш) олиши мумкин.

Истеъмолчиларнинг молиявий эҳтиёжлари учун “ягона дарча” бўлишдан ташқари, банклар мижозларни сақлаб қолиш, ҳавфга асосланган капитал талабларини камайтириш ва қўшимча барқарор даромад оқимини таъминлаши муҳим саналади. Банк суғуртаси банкларда қўшимча даромадларни кўпайтириш ва самарадорликни ошириш, кредит рискларини ҳимоялашга ёрдам бериш ҳамда банкларда зарур бўлган савдо маданиятини яратиш имконини беради. Шу билан бир қаторда улар молиявий яъни универсал супермаркетлар вазифасини бажаради ва бу орқали мижозларнинг молиявий эҳтиёжларини қондирадилар. Банклар учун ушбу афзалликлар қуйида намоён бўлади:

– банк молиявий хизматлар учун “супермаркет”, “ягона дарча”га айланади, бу ерда барча мижозларнинг молиявий эҳтиёжлари қондирилади. Маҳсулот турларини кенгайтириш банкни янада жозибадор қилади ва мижозлар эҳтиёжини тўла қонли қондиришга ёрдам беради;

– банк суғуртаси банк учун янги даромад олиш ва бизнес фаолиятини диверсификациялашнинг усули ҳам ҳисобланади. Суғурта компаниялари томонидан олинадиган воситачилик хизмат тўловлари банклар учун қўшимча, ҳавфсиз ва барқарор даромад манбаи ҳисобланади;

– банклар учун бир хил даражадаги даромад олиш учун ҳавфга асосланган капитални пасайтиради;

– сотиш ҳаражатлари камаяди сабаби молиявий хизматларни юқори малакали банк ходимлари тақдим эта бошлайди. “Ягона дарча” модели тармоғидан фойдаланиш банк фаолиятини оптималлаштиради ва филиаллар тармоғининг рентабеллигини оширишга хизмат қилади;

– бундан ташқари, суғурта маҳсулотлари, айниқса банк кредитларининг таъминланган қисмини суғурталашда кенг қўл келади ва гаровнинг бут сақланишида кафолат бўлиб хизмат қилади.

Мижозлар учун афзалликлар қўйдагиларда намоён бўлади:

– банк учун афзалликлар орасида қайд этганимиздек миждоз (истеъмолчи) бир жойнинг ўзида ҳам банк ҳам суғурта маҳсулотларини сотиб олиши имкониятга эга бўлади;

– хизмат кўрсатиш ва воситачилик ҳаражатлари анъанавайи сотиш тармоғидан паст бўлгани учун миждозлар (истеъмолчилар) анъанавий сотиш тармоқларидан кўра арзонроқ (устамаси кам бўлган) суғурта маҳсулотларини сотиб олишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, суғурта мукофотини тўлаш усуллари соддалаштирилган бўлади, чунки суғурта мукофотлари бевосита банклардан олинади;

Шундай қилиб миждозлар учун турли қулайликлар яратишни истасак, келажакда ҳар бир томон фойдага эришмоқчи бўлса албатта суғурта маҳсулотларини банклар орқали сотишни йўлга қўйиш керак.

Ҳозирги кунда суғурта компаниялари ва банкларнинг фаолият юритишлари мамлакат молия тизими учун бирдек муҳим ҳисобланади. Шуниндек, уларнинг биргаликдаги ўзаро ҳамкорлигидан барча бирдек манфаатдор (давлат, банклар, суғурта компаниялари ва қолаверса миждозлар) ҳисобланади. Улар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда банк суғуртасини жадал ривожлантиришда молия бозорининг бошқа иштирокчиларини ҳам таъминлаш муҳим аҳамит касб этади. Уларга мисол қилиб лизинг компаниялар, баҳоловчи компаниялар, микрокредит ташкилотларни мисол қилишимиз мумкин. Бу молиявий институтлар, суғурта компаниялари билан ўзаро ҳамкорликда ва суғурта агентлари сифатида фаолият олиб бормоқда. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар амалиётини тадқиқ қилиш натижасида банк суғуртасидан фойдаланиш бу нафақат суғурта бозорининг балки, молия бозорининг ривожланишига ҳам турки бўлмоқда. Мамлакатимиз банклари ва суғурта компаниялари ҳам банк суғуртасидан тўлиқ фойдаланиши жамиятнинг барча иштирокчиларига фойдали бўлади.

*Султонмуродов Б.Б.
Вр.и.о. директора департамента
Green banking АКБ
«Узпромстройбанк»*

РАЗВИТИЯ КРЕДИТОВАНИЯ КОРПОРАТИВНЫХ КЛИЕНТОВ

В ходе последовательного реформирования финансового сектора реализован ряд мер, в результате которых созданы необходимые правовые условия для ведения прогрессивного банковского бизнеса и усиления конкурентной среды в секторе¹.

Одним из наиболее динамично развивающихся секторов экономики является банковский сектор. Практика показывает, что в рыночных условиях коммерческие банки продолжают реализовывать клиентоцентричный подход бизнеса. Исходя из результативности ведения бизнеса коммерческих банков следует отметить что, существующие взаимоотношения коммерческих банков и корпоративных клиентов не соответствуют требованиям реального сектора экономики из-за отсутствия четкой ориентации на потребности последних, не учитывают разработку новых и модернизацию старых банковских услуг, информационных компьютерных технологий, определение требуемой степени индивидуальности работы на каждом из этапов.

Необходимо отметить, что основными клиентами коммерческих банков, потребителями средств международных финансовых институтов являются корпоративные клиенты. Средства международных финансовых институтов рефинансируются через коммерческие банки, а это в свою очередь способствует реализации инвестиционных проектов корпоративных клиентов.

Каждый коммерческий банк формирует собственные принципы, которые ложатся в основу взаимоотношений с корпоративными клиентами. Однако общими особенностями подхода банков к вопросу корпоративного кредитования являются всесторонний анализ деятельности клиента и оценка всевозможных кредитных рисков.

В условиях конкурентной среды каждый коммерческий банк формирует собственные принципы, которые ложатся в основу взаимоотношений с корпоративными клиентами. Однако общими особенностями подхода банков в вопросе корпоративного кредитования являются всесторонний анализ деятельности корпоративного клиента и индивидуальный клиентский подход на основе отраслевой специфики и углублённого понимания потребностей клиента.

Проводя анализ топ-200 крупных компаний Республики Узбекистан в разрезе обслуживающих банков можно увидеть следующее (рис. 1.).

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 12 мая 2020 года № УП-5992




Рисунок 1. Крупные корпоративные клиенты¹

Из диаграммы видно, что крупные корпоративные клиенты в основном обслуживаются в АКБ «Узпромстройбанк», АО «Узнацбанк» и АКБ «Хамкорбанк». Это обусловлено тем, что крупные банки как АО «Узнацбанк» и АКБ «Узпромстройбанк» специализированы в таких промышленности как: нефтегазовая, химическая, энергетическая, металлургическая, горнодобывающая и др., также имеют достаточную ресурсную базу для бесперебойного их обслуживания.

Следует отметить, что корпоративный клиент является стабильным и доходоприносящим для любого коммерческого банка. Целями развития кредитования корпоративных клиентов являются: сохранение лидерских позиций на рынке инвестиционно-банковских услуг для корпоративных клиентов, обеспечение их кредитными средствами, предоставление оптимальных процентных ставок, уменьшению бюрократии в запрашиваемых документах, предоставление новых банковских продуктов и др.

К сожалению, на сегодняшний день большинство коммерческих банков во избежание высоких рисков связанных с кредитованием крупных клиентов перестали работать над улучшением системы кредитования корпоративных клиентов. Банки не работают над увеличением собственного капитала, это в свою очередь не позволяет кредитованию крупных инвестиционных проектов и клиенты часто сталкиваются с

¹ Составлено автором на основе данных <http://registr.stat.uz>

такими проблемами как, капитал банка не достаточен для получения кредита, в итоге клиент уходит в другой банк.

Также можно заметить, что многие банки не работают над улучшением и расширением своих услуг в сфере кредитования инвестиционных проектов. Помимо внутренних причин, связанных с развитием кредитования корпоративных проектов есть и внешние, которые напрямую не связаны с ведением бизнеса коммерческого банка. На сегодняшний день одной из актуальных внешних проблем является ситуация, связанная с пандемией, которая тоже послужила некой проблемой развития кредитования в целом.

АКБ «Узпромстройбанк» (далее Банк), будучи одним из крупнейших банков страны, является активным участником в проводимых экономических реформах, участвует в реализации крупных инвестиционных и социальных проектов.

На сегодняшний день наибольшую долю кредитного портфеля Банка составляют кредиты корпоративных клиентов. Ниже можно увидеть динамику изменения выдачи кредитов корпоративным клиентам (рис. 2.).




Рисунок 2. Выданные кредиты корпоративным клиентам¹

Анализируя данные, можно сделать вывод что в 2018 г. общая сумма выданных кредитов корпоративным клиентам составила экв. 7 410 млрд. сум, в 2019 г. сумма выдачи составила экв. 7 980 млрд. сум. Исходя из этого можно сделать вывод, что сумма выданных кредитов увеличилась на экв. 570 млрд. сум. Произошёл резкий скачок, в 2020 г. общая сумма выданных кредитов корпоративным клиентам была равна экв. 12 012 млрд.

¹ Составлено автором на основе данных <https://www.sqb.uz>

сум, к сожалению, в связи с некоторыми обстоятельствами в мире общая сумма выданных кредитов корпоративным клиентам Банка в 2021 г. составила экв. 11 121 млрд. сум, на в экв. 891 млрд сум меньше по отношению 2020 года. На кредитование корпоративных клиентов повлияла ситуация связанная с COVID-19, охватившая весь мир.

Как известно корпоративные клиенты банков в основном получают большие суммы кредитов на строительство и модернизацию основных средств. Инвестиционные проекты корпоративных клиентов связаны с поставкой оборудования из-за рубежа (Китай, Германия, Турция и др.) Основная проблема уменьшения выданных кредитов корпоративным клиентам заключается в том, что крупные зарубежные производители и поставщики оборудования в связи с пандемией приостановили свою деятельность, а это в свою очередь замедлило реализацию инвестиционных проектов. Наступил выжидающий момент для всех, что отразилось на кредитной деятельности Банка.

Влияние мировой пандемии COVID-19 на экономику стран весьма существенно. Значительно пострадала торговля, уровни потребления и инвестиции резко снижаются. Кризис воздействует на ключевые факторы регионального роста, в том числе и на экспорт продукции. В сложившийся нынешний сложный коммерческим банкам необходимо уделить должное внимание системе кредитования. Учитывая всевозможные факторы влияющие на развитие кредитования, коммерческим банкам рекомендуется.

1. Банки в своём стратегическом видении должны в первую очередь предусмотреть развитие существующей модели бизнеса с особым акцентом на индивидуальный клиентский подход на основе отраслевой специфики и углублённого понимания потребностей клиента.

2. Использовать опыт зарубежных банков в части кредитования инвестиционных проектов.

3. Развивать сотрудничество с международными финансовыми институтами в области привлечения дополнительных средств, с приемлемыми условиями для клиентов.

4. Разработать новые банковские продукты, развивать синдицированное кредитование, а также предоставлять услуги по структурному финансированию, которые позволят сформировать долгосрочные партнёрские отношения с клиентом.

5. Увеличивать долю зелёных кредитов в корпоративном кредитном портфеле путём внедрения новых инновационных и выгодных в долгосрочной перспективе продуктов по зелёному финансированию.

6. Создание партнёрских моделей взаимодействия с клиентами и проникновения win – win в бизнес, для эффекта общей синергии, который приведёт к положительным сдвигам в экономике.

Подводя итоги, можно сделать вывод что, развитие базы (компетенций) клиентских менеджеров и сервисной модели обслуживания на основе концентрации функционала в головных офисах банков облегчит взаимоотношения с клиентом.

С.А.Қурбонов
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
муस्ताқил тадқиқотчиси

СУҒУРТА СОҶАЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Рақамли технологиялар дунёда тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Сўнгги йилларда уларнинг ривожланиши жуда катта ўзгаришларга олиб келди. Биринчидан, рақамли технологиялар ишлаб чиқариш босқичларини (жараёнларини) қисқартирди ва соддалаштирди. Иккинчидан, янги технологиялар аналитик маълумотларни кенгайтди ва уларни қайта ишлашни қулайлаштирди, бу ўз навбатида стандартлаштирилган таклифдан индивидуал таклифларга ўтиш ва ноёб тажрибаларни жорий этиш имкониятларини яратди. Ҳозирги кунда деярли барча соҳалардаги компаниялар ўз фаолиятларида ўзгаришларга эҳтиёж сезмоқда, сабаби янги технологиялар, инновациялар ва истеъмолчиларнинг хулқ-атвори эски ўрнатилган бизнес-моделларни тубдан ўзгартириб юбормоқда. Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни суғурта компаниялари фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўсатмоқда.

Рақамли трансформация даврида анъанавий офис компаниялари ўрнини платформа компаниялар эгаллашмоқда, шунингдек бу жараёнларда уларнинг бизнес моделлари шаклланиб бормоқда. Мобил технологиялар, ижтимоий тармоқлар, булутли хизматлар, интеграциялашган қўрилмалар, катта маълумотлар ва турли хил таҳлилли воситалар инсон катитали салоҳиятига таъсир кўсатмоқда. Компаниялар рақамли инновациялардан ўзларининг амалдаги ва рақобат афзалликларини қайта кўриб чиқиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, мижозларга наф келтириш ва даромадларини ошириш учун фойдаланишмоқда. Суғурта компаниялари рақамли иқтисодиётнинг базавий инновацияларига қизиқишлари катта. Бизнес-жараёнларни ва механизмларни соддалаштириш мақсадида улар автоматлаштириш, чат-бот, маълумотларни булутли қайта ишлаш каби технологиялардан фаол фойдаланиб келишмоқда.

Рақамли иқтисодиёт шароитида суғурта компанияларининг асосий мақсади – бу иқтисодиётни рақамлашуви туфайли суғурталанувчиларнинг ўзгарган эҳтиёжларини қондиришдан ибаратдир. Истеъмолчилар суғурта хизматлари тўғрисида содда, қўлай, кечаю кундуз етказиш, аниқ ва тушунарли маълумотларга эга бўлишни хошлашади. Суғурта компанияси эса қисқа вақт ичида фойдани кўпайтиришга ва маҳсулот таннархини

камайтиришга эришади. Бу эса истиқболда суғурта компанияларига инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш имкониятини яратиб беради. Маваффақиятли суғурта компаниялари ўзларини янги соҳаларда синаб кўришмоқда ва янги суғурта хизматларни яратишмоқда. Бундан асосий вазифа биринчи навбатда ўзи учун ликвид бозорни яратишдир.

Ҳозирги кунда бир қатор ҳодисалар (феноменлар) суғурта тармоқларини рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида намоён бўлмоқда, улар рақамли иқтисодиётда шаклланган терминология доирасидаги интернетлаштириш, индивидуаллаштириш ва рақамлаштириш сифатида белгиланади, уларнинг хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Суғурта соҳаларини рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари тавсифи

Йўналиш	Таъриф	Қўлланиладиган рақамли технологиялар	Суғурта компаниясининг истеъмол аудиторияси
Интернетлаштириш	Суғурта компаниясининг бизнес жараёнларида интернетдан фойдаланиш	Янги ишлаб чиқариш технологиялари; симсиз алоқа технологиялари; булутли технологиялар	Ташқи – суғурталанувчилар; Ички – ходимлар, суғурта агентлари
Индивидуаллаштириш	Суғурталанувчилар ва суғурта объектлари тўғрисидаги маълумотларнинг энг кенг тўпланини олиш асосида индивидуал суғурта таклифларини (тариф бўйича, рисклар жамланмаси бўйича ва бошқа шартларга мувофиқ) ишлаб чиқиш	Катта маълумотлар; Янги ишлаб чиқариш технологиялари; симсиз алоқа технологиялари	Ташқи – суғурталанувчилар (шу жумладан солоҳиятли мижозлар ҳам)
Рақамлаштириш	Суғурта компаниясининг бизнес жараёнларида рақамли (рақамлашган) технологиялардан фойдаланиш	Янги ишлаб чиқариш технологиялари; симсиз алоқа технологиялари	Ички – ходимлар; ташқи – суғурталанувчилар

Суғурта тармоқларини рақамлаштиришнинг асосий йўналишларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Суғурта тармоқларини интернетлаштириш. Суғурта тармоқларини ва умуман суғурта бозорини рақамлаштириш сифатида интернетлаштириш суғурта компаниясининг бизнес-жараёнларида интернетдан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Ҳозирги кунда “интернет – суғуртаси” кенг тарқалган бўлиб, тор маънога эгадир, яъни бунда суғурта хизматлари ёки суғурта маҳсулотларини интернет орқали сотилиш назарда тутилади.

Суғурта фаолиятини интернетлаштириш суғурта компанияларида қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- Суғурта хизматларини интернет орқали сотиш;
- интернет орқали суғурта даъволарини ҳал қилиш;
- интернет орқали суғурталанувчилар тўғрисида маълумотларни йиғиш.

Уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат томонидан интернет тармоғидан фойдаланишнинг кенгайиб бориши суғурта бозорида янги сегментларининг пайдо бўлишига олиб келди, масалан, киберрискларни суғурталаш, интернетдаги нарсаларни (маълумотлар) суғурта қилиш ва бошқалар.

Суғурта тармоқларини индивидуаллаштириш. Иқтисодий муносабатларни индивидуаллаштириш суғурта бозоридаги оммавий стандартлаштирилган маҳсулотлардан воз кечган ҳолда суғурта компаниялари таклифларини индивидуаллаштиришда (2-жадвал) намоён бўлади.

2-жадвал

Суғурта компанияларида суғурта таклифини индивидуаллаштириш технологиялари

Рақамли технология	Технология тавсифи ва қўлланилиши
<i>Big Data</i>	Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияси
Интернет «нарсалар» (<i>internet of things, IoT</i>)	Суғурталашнинг потенциал объекти сифатида ишлайдиган ва интернетга ўланадиган қўрилмалар тўғрисида қўшимча маълумотларни тўплаш
Кўрсаткичларни йиғиш ускуналари (телематика, ҳаёт ва соғлиқ кўрсаткич-ларини масофадан тўриб йиғиш)	Суғурта объектлари тўрисида қўшимча маълумотларни масофадан туриб мақсадли йиғиш
Симсиз алоқа технологиялари	Суғурталанувчи (суғурталанган шахс) ҳақида wi-fi жойлашуви бўйича қўшимча маълумот олиш
Виртуал воқеяликдан	Суғурталанувчи (суғурталанган шахс) томонидан

Суғурта таклифини индивидуаллаштириш қўйидагилардан иборат:

- Суғурталанувчилар ва суғурта объектлари тўғрисида тўпланган маълумотлар миқдорининг қўпайиши орқали шахсий рискларни баҳолаш;
- суғурталанувчининг талабига биноан индивидуал таклифни тайёрлаш.

Суғурта технологияларини рақамлаштириш. Суғурта бозорида рақамлаштириш деганда суғурта компаниясининг бизнес жараёнларида рақамли технологиялардан фойдаланиш тушунилади. Ушбу тушунча билан бир қаторда “бизнес-жараёнларни рақамлаштириш” атамасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Кўпинча рақамлаштириш жараёнида янги ишлаб чиқариш ва симсиз технологиялардан фойдаланишади. Ҳозирги вақтда суғурта компанияларида қўйидаги бизнес жараёнлари рақамлаштирилмоқда: бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, шартномани расмийлаштириш олдиан суғурталанувчиларнинг рискларини баҳолаш жараёнида, суғурта хизматларини сотиш ва даъволарни қўриб чиқиш жараёнлари.

Миллий суғурта бозорининг ривожланиши рақамли иқтисодиёт технологияларининг суғуртага таъсир кўрсатадиган технологияларнинг жорий этилишига боғлиқдир, асосийси бу технологиялар унинг иқтисодий моҳиятини ўзгартирмайди. Рақамли технологиялардан суғурта фаолиятида фойдаланиш қўйидаги самарали натижаларни беради:

- Суғурта фаолиятининг самарадорлиги ва рентабеллиги ошади;
- нотижорат ва тижорат суғуртасининг ўзаро уйғунлашуви юз беради (P2P – суғуртаси);
- суғурта муносабатларининг ижтимоийлашуви таъминланади;
- янги суғурта хизматлари ва маҳсулотлари пайдо бўлади;
- суғурта соҳасидаги меҳнат муносабатлари ўзгаради (қуйи ва ўрта бўғинлар менежерлари, шунингдек суғурта агентларининг фаолиятини автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ўтилиши).

Замонавий технологиялар иқтисодий соҳаларнинг барча тармоқларини, шу жумладан етарли даражада консерватив бўлган суғурта тармоқларини ҳам рақамлаштириш имконини беради. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рақамлаштиришга тез ва тўлиқ ўтиш нафақат янги юқори технологиялар, балки суғурта бозорини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ҳам боғлиқ.

*Rayimqulova Sh. A., TMI magistranti
Ilmiy rahbar: U.O‘roqov, TMI dotsenti*

O‘ZBEKISTONDA QULAY INVESTITSIYA MUHITINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI

Annotatsiya: Ushbu tezisdagi O‘zbekistonda qulay investitsiya muhitini shakllantirish masalalari yoritilgan.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы создания благоприятного инвестиционного климата в Узбекистан.

Annotation: This article addresses the issues of creating a favorable investment climate in Uzbekistan.

Kalit so‘zlar: Investitsiya, investitsiya muhiti, investitsiya jozibadorligi, investor.

Ключевые слова: Инвестиции, инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность, инвестор.

Keywords: Investments, investment climate, investment attractiveness, investor.

Mamlakatning iqtisodiy rivojlanish darajasi investitsiya faoliyatining taraqqiyotiga, uning o‘zi esa investitsiya muhitiga bevosita bog‘liq. Xorijiy investitsiyalarni respublika iqtisodiyotiga jalb etish uchun zaruriy shart-sharoitlarning yaratilishi muhimdir. Negaki mamlakatda iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va huquqiy shart-sharoitlar mavjud bo‘lsagina o‘sha davlat iqtisodiyotiga investitsiya qo‘yilishi mumkin. Investitsiya muhitining jozibadorligi xorijiy investitsiyalar oqimini ko‘paytirishning muhim omili hisoblanadi.

Jahon amaliyotidan ma‘lumki, iqtisodiyot tarmoqlarini modernizatsiyalash va ularni intensiv rivojlantirish, zamonaviy texnika-texnologiyalar asosida ishlab chiqariladigan mahsulot raqobatdoshligini oshirish va mamlakatning eksport salohiyatini mustahkamlash investitsiyalar orqali ta‘minlanadi.

Bugungi kunda iqtisodiyot tarmoqlariga investitsiyalarni jalb qilish mamlakat investitsiya siyosatining bosh maqsadi bo‘lib qolmoqda. Chunki pandemiya sharoiti iqtisodiyot tarmoqlari oldiga keng qamrovli inqirozlardan himoyalaniş kabi murakkab vazifalarni qo‘ymoqda. Ayniqsa, ichki va tashqi bozorlarda yuqori raqobatga erishishda eng avvalo, investitsion jozibadorlikni oshirish masalasi zarur bo‘lgan asosiy muammolaridan biri sifatida namoyon bo‘lmoqda.

Ma‘lumki, har qanday mamlakatning iqtisodiy taraqqiyot darajasi va shuningdek, olib borilayotgan davlat investitsiya siyosatining samaradorligi va o‘shirish sur‘atlari albatta qulay investitsion jozibadorlik muhitiga bog‘liq bo‘ladi. Qulay investitsion muhitni yaratish investitsiya resurslarini joylashtirish uchun

umumiy mezon bo'lib xizmat qilib, birinchi galda, kapital mablag'larining daromadlilikini ta'minlab beradi.

Investitsiya muhitining holatini investitsiya faoliyatini amalga oshirishning maqsadga muvofiqligi va jozibadorligini aniqlaydigan iqtisodiy, ijtimoiy, tashkiliy, huquqiy, siyosiy, ekologik va boshqa shart-sharoitlarning umumlashtiruvchi xususiyatlari belgilab beradi. Investitsiya muhiti deganda mamlakat iqtisodiyoti yoki uning ma'lum bir hududiga kiritiladigan investitsiyalarning samaradorligini va xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, tashkiliy-huquqiy, ekologik, madaniy va boshqa shart-sharoitlar majmuasi tushuniladi. U muayyan hududga investitsiyalar kiritishning maqsadga muvofiqligi va jozibadorligini belgilaydigan shart-sharoitlarning mavjud ijobiy va salbiy tomonlarini anglatadi.

Investitsiyaviy jozibadorlik mamlakat, tarmoq yoki alohida olingan korxonalar investitsiyalarining daromadlilik, rivojlanish istiqbollari va investitsiya xatari darajasi nuqtai nazaridan baholanishidir. Investitsiyaviy jozibadorlik investitsiya salohiyati va investitsiya xatari darajasini shakllantiradigan ikki guruh omillarning bir vaqtda ta'sir etishi orqali aniqlanadi. Bu kabi ko'rsatkichlarga baho berish orqali investitsiyalarning maqsadga muvofiqligi hamda jozibadorligi, investitsiya xatari darajasini aniqlash mumkin. Investitsiya jozibadorligi mamlakat yoki alohida olingan tarmoq investitsiyalarining daromadlilik, investitsiya muhiti, infratuzilma, rivojlanish istiqbollari va investitsiya riski darajasi nuqtai nazaridan aniqlanadi. Investitsiya jozibadorligi mamlakat investitsiya salohiyati va investitsiya riski darajasining bir vaqtda ta'sir etishi orqali aniqlanadi. Bu kabi ko'rsatkichlarga baho berish orqali investitsiyalarning maqsadga muvofiqligi hamda jozibadorligini aniqlash mumkin bo'ladi. Investitsiya riski darajasi investitsiya muhitiga to'g'ri bog'liqdir.

Investitsiya muhiti makroiqtisodiyot darajasida ikki tomonlama, ya'ni investor va aniq davlat organlari, xo'jalik sub'ektlari o'rtasidagi munosabatlarda o'z aksini topadi. Investitsiya muhiti har qanday aniq vaqt uchun ob'ektiv holat bo'lib, kapital qo'yish uchun mavjud sharoitlarning majmuasini o'zida qamrab oladi. Lekin investitsiya muhiti davlat organlarining boshqarish faoliyati ta'sirida shakllanadi. Shuning uchun davlatning investitsiya siyosati eng asosiy omillardandir. Shu ma'noda har bir davlat kapital import qilishda o'zining aniq kapital qabul qilish tizimiga ega bo'ladi.

Mamlakatimizda investitsiya muhitining jozibadorligini oshirish va uning qulayligini ta'minlashda quyidagilarga alohida e'tibor qaratish maqsadga muvofiqdir:

– investitsiya infratuzilmasini rivojlantirish – banklar, investitsiya fondlari, sug'urta va lizing kompaniyalari faoliyatini rag'batlantirish va investitsiya loyihalarini amalga oshirishda ularning ishtirokini samarali yo'lga qo'yish zarur;

– tadbirkorlarning biznes-ko‘nikmalari, shu jumladan, investitsiya loyihalari bilan ishlash tajribasi va huquqiy bilimlarini yanada oshirish – hududlarda konsalting, marketing va yuridik xizmat ko‘rsatuvchi markazlar tashkil etish va foliyatini rivojlantirish lozim;

– investitsiya takliflari va loyiha texnik-iqtisodiy asoslarining belgilangan talablarga javob bermasligi sabab tadbirkorlarga investitsiya loyihalarini ishlab chiqishda tijorat banklari, hududlardagi savdo-sanoat palatasi va boshqa mas’ul idoralar tomonidan amaliy yordam ko‘rsatilishini mahalliy hokimliklar tomonidan tashkil etish va doimiy nazoratga olish kerak;

– amaliyotda ayrim loyiha tashabbuskorlari moliyaviy-iqtisodiy holatining nochorligi kuzatilishi sabab investitsiya dasturlari va hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo‘yicha dasturlarga kiritish taklif etilayotgan loyihalar tashabbuskorlarining moliyaviy-iqtisodiy holatining mahalliy hokimliklar va tijorat banklari tomonidan chuqur tahlil qilinishini ta‘minlash;

– mahalliy hokimliklar-ning xorijiy investorlarni hudud to‘g‘risida to‘liq investitsion muhitga oid ma‘lumotlar bilan ta‘minlashda faolligini oshirish – xorijiy investorlarni to‘laqonli ravishda axborot (investitsiya loyihalari va biznes takliflar bazasi, hududiy matbuot nashrlari, iqtisodiy tahlil xom ashyo va mehnat salohiyati to‘g‘risida ma‘lumotlar) bilan ta‘minlash, investitsiya faoliyatiga oid konferentsiyalar, seminarlar va taqdimotlar (respublika hududida va xorijiy mamlakatlarda) o‘tkazish lozim, ayrim korxonalarda mahsulot ishlab chiqarish va uni eksport qilishdagi hamda xom ashyo sotib olishga aylanma mablag‘lar etishmasligi bo‘yicha korxonaning moliyaviy-iqtisodiy ahvolini o‘rganib chiqib, uni moliyaviy sog‘lomlashtirish, qarzlarini restrukturizatsiya qilish bo‘yicha muvofiqlashtirish ishlarini olib borish orqali eksport salohiyatini oshirish zarur;

– ishlab chiqarish infratuzilmasiga oid muammolar, shu jumladan, korxonalarining elektr energiya, tabiiy gaz, suv va yoqilg‘i mahsulotlari bilan ta‘minlashdagi uzilishlarni hal etgan holda eksportyor korxonalarini uzluksiz ravishda elektr energiyasi va tabiiy gaz bilan ta‘minlash bo‘yicha chora-tadbirlarni ishlab chiqish va nazoratga olish lozim;

– texnologiya va asbob-uskunalarning eskirib borayotganligini e‘tiborga olib, ishlab chiqarilgan mahsulotning xalqaro standartlarga mosligini va raqobatbardoshligini ta‘minlash maqsadida mahalliy tadbirkorlarning xalqaro ko‘rgazma-savdolarda ishtirok etishini ta‘minlash, tejamkor texnologiyalarni tanlash va ularni moliyalashtirish manbalarini aniqlash kerak;

– korxonalarda marketing xizmatini to‘g‘ri tashkil qilish, ularning chet el bozorlari, ishlab chiqaruvchilari va xaridorlari to‘g‘risidagi ma‘lumotlar bilan muntazam ta‘minlanishiga erishish maqsadida korxonalarda marketing bilan shug‘ullanuvchi xodimlar bilimini, malakasini oshirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlarining ishlab chiqarish hamda eksport salohiyati, marketing va mahsulotlarni sotishga bag‘ishlangan o‘quv mashg‘ulotlari, seminarlar va ko‘rgazmalarni tashkil etishni muntazam yo‘lga qo‘yish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining yangi tahrirdagi "Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida"gi O'RQ 598-sonli Qonuni. 2019 yil 25 dekabr.
2. O'zbekiston Respublikasining "Chet el investitsiyalari to'g'risida"gi Qonuni. 2017 yil 18 aprel.
3. Uroqov Uchqun, Yuldasheva Nadira, Nuritdinova Vasila, Tukhtabayeva Sogdiana. Budgetary methods for local budgets. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. DOI: 10.5373/JARDCS/V12I6/ S20201165
4. Uroqov Uchqun. Increasing the independence of local budgets in the social and economic development of the regions. // International Journal of Economics, Commerce and Management. United Kingdom ISSN 2348 0386 Vol.VII, Issue12, December 2019

Холматов С.Н.

Ташкентский финансовый институт

ИПОТЕЧНОЕ СТРАХОВАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

В настоящее время актуальной и особенно востребованной на рынке финансовых продуктов стала совместная деятельность банков и страховых компаний в сфере ипотечного кредитования. Ипотечное жилищное кредитование сегодня является актуальной темой, которая рассматривается не только на уровне кредитных и страховых организаций, но и на уровне государства, так как доступность жилья является одним из основных направлений государственной социальной политики. Если рассматривать в качестве одного из примеров кредитного страхования ипотечное страхование, то, несмотря на высокую динамику развития рынка ипотечного кредитования в Узбекистане, можно отметить, что за последние 6 лет абсолютный объем операций по предоставлению страховых услуг в системе страхования ипотечных кредитов незначителен и не соответствует сложившимся потребностям общества.

Данная негативная тенденция объяснима следующим перечнем проблем:

1) недоступность ипотечных кредитов для основной массы населения страны, ввиду высокой тарифной ставки, а также отсутствие стабильности в развитии банковского и страхового сектора Узбекистана. Данная проблема обусловлена следующими причинами:

1.1) отсутствие категориального подхода в формировании тарифной ставки с учётом уровня дохода (не учитываются диспропорции уровня доходов населения);

1.2) неоправданная политика ценообразования на рынке

недвижимости (в результате формирование завышенной цены на недвижимость);

1.3) высокий уровень инфляции, воздействующей на накопления населения, снижая их покупательскую способность;

1.4) высокие риски участников рынка ипотечных кредитов, обусловленные сроком предоставления кредита, а также нестабильной экономической обстановкой внутри страны;

1.5) установление высоких (по сравнению с европейскими странами) процентных ставок по ипотечным кредитам, что, в свою очередь, отпугивает потенциальных клиентов, тем самым снижая объём как кредитования, так и оказания сопутствующих кросс-услуг по страхованию ипотечного кредита;

2) несовершенство законодательной базы: в современном отечественном законодательстве имеется определённая сложность подхода к организации страхования при ипотечном кредитовании.

В увеличении риска по страхованию ипотеки страховыми компаниями важную роль играет сложность в осуществлении процесса передачи риска в дальнейшее страхование. После завершения процесса формирования страхового портфеля (когда у страховых компаний сформируется максимальный портфель договоров ипотечного страхования и достигнута предельная величина риска, оставленного на собственное удержание) у страховщика возникают затруднения, вызванные поиском перестраховщика, готового принять оставшиеся риски на страхование. Однако часто действующие перестраховщики отказывают в заключении договора перестрахования, мотивируя диспропорциями в системе ценообразования на рынке недвижимости, нестабильностью экономической обстановкой внутри страны, что может привести к значительным финансовым трудностям и нарушению сбалансированности страхового портфеля уже перестраховочной компании.

Важной проблемой в организации ипотечного страхования является наличие проблемы, связанной с отсутствием должного государственного регулирования, контроля и надзора в области страхования ипотечных кредитов.

Проанализировав проблемы в развитии системы ипотечного страхования в отечественном рынке, можно предложить следующие способы их решения:

1) развитие системы государственной поддержки сферы ипотечного кредитования и страхования, выраженной в модернизации системы финансирования и механизма обеспечения, создающего стабильные денежные потоки в системе ипотечных кредитов, для динамичного развития, зависимого рынка страхования ипотечных кредитов;

2) развитие системы государственных гарантий, обеспечивающих привлечение средств в строительство нового жилья. Данный шаг позволит

увеличить объёмы ипотечного кредитования и снизить процентные ставки по кредитам, способствуя притоку инвестиций в строительство недвижимости. При планомерной организации данного процесса рынок недвижимости будет стремиться к установлению рыночного равновесия между ценой на недвижимость и спросом, будет увеличиваться доступность жилья, решая проблему ценообразования как в сегменте недвижимости, так и в формировании страховых тарифов (делая их более доступными);

3) необходимое законодательное формирование простого механизма перераспределения кредитного риска между кредитором и страховыми организациями путём обобщения существующих видов ипотечного страхования в единую комплексную страховую услуг;

4) разработка дифференцированных целевых государственных и муниципальных программ для определённых категорий заемщиков, базирующихся на принципе финансовой состоятельности (устанавливая специальные льготы и особые условия ипотечного кредитования для каждой категории, что позволит увеличить доход финансовых организаций и улучшить социальное положение граждан страны);

5) введение упрощённого или преференциального режима налогообложения участников рынка ипотечного кредитования (заёмщиков, ипотечных кредиторов, инвесторов);

6) необходимость законодательного стандартизации и установления к обязательному применению общей формы договоров купли-продажи недвижимости между различными сторонами договора ипотеки.

Реализация указанных мер будет неэффективна без стимулирования роста рынка ипотечного кредитования за счёт кредитов, выданных с минимальным первоначальным взносом при условии заключения договора ипотечного страхования. При этом особое внимание необходимо уделять информированности потенциальных клиентов об ипотечном страховании, а также всем тем преимуществам, которые оно несёт. При этом современные страховые компании должны разработать единую стандартную систему правил страхования при ипотечном кредитовании на основе разработки унифицированного стандарта по реализации ипотечного страхования для страховых компаний, оказывающих услуги в сфере ипотечного страхования, предусматривающие одинаковые правила страхования, а также перечень и формы страховой документации, используемой при оказании страховых услуг.

В то же самое время логичным кажется организация некоммерческого партнёрства между банками и страховыми компаниями, оказывающими услуги в сфере ипотечного страхования, в целях регулирования их деятельности, что позволит решить проблему разработки специализированных методик актуарных расчётов страховых тарифов для

различных категорий страхователей, что в условиях колебаний в экономике позволит сбалансировать страховой фонд страховой компании, параллельно упростив процесс принятия риска на страхование, снизив количество необходимой документации, что значительным образом оптимизирует затраты как клиента, так и финансовой организации.

*Халиков У.Р.
Тошкент молия институти*

СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

Суғурта фаолияти бошқа тадбиркорлик фаолият турларидан тубдан фарқ қилади. Бу асосан суғурталовчиларнинг суғурталанган мижозлари олдидаги мажбуриятларини бажариш жараёнидаги жавобгарлигида номоён бўлади. Суғурта турли нохуш ҳодисалар натижасида етказилган зарарларни қоплаш функцияси туфайли мамлакат иқтисодиётига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатади, шунингдек суғурта бозор муносабатларини билвосита тартибга солиш вазифасини ҳам бажаради. Суғурталанувчилар маблағларини (суғурта мукофотларини) мобилизация қилиш орқали давлат иқтисодиёт инфратузилмаларини молиялаштириш имкониятига эга бўлди, бу ўз навбатида мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошишига хизмат қилади.

Шу сабабли суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича чораларни кўриш, шунингдек унинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатадиган барча омиллар ва жараёнларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш муаммоси иқтисодиётнинг тўғри амалга оширилиши учун муҳим ҳисобланади, чунки иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий муҳит ва такрор ишлаб чиқариш барқарорлиги сақлаш айнан суғурта компанияларининг тўғри ташкил этилган молиявий имкониятларига боғлиқ бўлади.

Бундар ташқари, суғурта компаниялари молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятига эга бўлиши орқали иқтисодий ўзгарувчан бозор шароитида иқтисодий тизимнинг самарали ишлаши учун замин яратишлари мумкин.

Суғурта компанияси иқтисодий муносабатларнинг махсус тизими сифатида тизимли ёндашув нуқтаи назаридан ушбу омилларни тизим ичидаги (ички) ва тизимдан ташқари (ташқи) қисмларга бўлиш мумкин.

Бундай таснифлаш суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини бошқариш учун мос келеди, сабаби бу ташқи таъсирга жавобан иқтисодий суюъектнинг ташқи ва ички молиявий

муҳитнинг мувозанатини таъминлайдиган баъзи ички ўзгаришларни таъминлашга имкон беради.

Ташқи омиллар ташқи муҳитнинг суғурта ташкилотига таъсирининг натижасидир. Улар суғурта компанияси ва унинг иш самарадорлигига боғлиқ эмас. Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган иқтисодий характердаги ташқи омиллар қаторига банк фоиз ставкаларининг динамикаси, инфляция даражаси, фонд бозори ва солиқ тизимининг ҳолати киради; ички омилларга эса – компаниянинг андерайтинг, тариф, ва инвестиция сиёсатлари, талаб этиладиган миқдорда суғурта захираларининг мавжудлиги, қайта суғурта тизимидан фойдаланиш, ўз капиталининг етарлилиги ва бошқалар киради.

Ташқи омиллардан фарқли улароқ, ички омиллар маълум бир компания фаолиятига боғлиқ бўлади. Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини белгилайдиган энг муҳим ички омиллар бу суғурта портфелининг барқарорлиги ва инвестиция портфелининг барқарорлигидир.

Ушбу омилларнинг ҳар бири бир қатор иккинчи даражали омиллар таъсири остида шаклланади. Шундай қилиб, суғурта портфелининг барқарорлигига таъсир қилиувчи омиллар орасида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: андерайтинг сиёсати (суғурта шартномаларини тузиш билан боғлиқ сиёсат), тариф ставкаларини белгилаш соҳасидаги сиёсати, зарур миқдордаги суғурта захираларининг мавжудлиги, қайта суғурта тизимидан фойдаланиш ва ўз капиталининг етарлиги.

Ташқи ва ички омиллар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Баъзи омилларнинг ўзгариши бошқаларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин, шунингдек уларнинг суғурта компаниясининг молиявий барқарорлик даражасига таъсири бир-бирига боғлиқдир. Хусусан, суғурта хизматларининг тарифлари ташқи (иқтисодий конъюнктура, риск даражаси ва бошқалар) ва ички омиллар (суғурта портфелининг мувозанатлашгани ва ҳажми, инвестиция портфелининг ҳолати, иш юритиш харажатларининг даражаси ва бошқалар) таъсирида шаклланади.

Инвестиция портфелининг ҳолати асосан молия бозори ҳолати билан белгиланади, бизнесни юритиш харажатлари инфляция даражасига боғлиқ, суғурта портфелининг ҳажми суғурта фаолиятининг кўлами билан белгиланади, бу эса ўз навбатида демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа омиллар, хусусан иқтисодий цикл каби муҳим омиллар билан белгиланади. Жумладан, асосий капитални янгилаш цикли тадбиркорлик рисклари ва мол-мулкларни суғурталаш нуқтаи назаридан суғурта кўламини ва суғурта портфелининг ўсиши имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Шундай қилиб, иқтисодий конъюнктура цикли суғурта компаниясининг барқарорлигини белгилайдиган муҳим ташқи омиллардан бири сифатида наомён бўлади, сабаби у етарли даражада катта

ва мувозанатлашган суғурта портфелини шакллантириш имкониятини беради. Тизимли глобал ва макроиктисодий ўзгаришлар шароитида, айниқса молиявий барқарорлик шароитида суғурта компаниясининг ташқи муҳитининг аҳамияти ортиб боради.

Суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш муаммоси турли хил объектлар суғурта қилинганда суғурта суммаларининг тенглаштирилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Фақат шу ҳолатдагина молиявий барқарорликнинг Коньшин коэффиценти суғурта суммаси миқдорида боғлиқ бўлмайди. Суғурта компанияларининг суғурта суммаларини тенглаштиришга бўлган интилиши қайта суғурталашга бўлган талабни кўчайтирди, яъни алоҳида объектларни ки уларнинг қийматининг бир қисмини бошқа суғурталовчига ўтказиш зарурати пайдо бўлди. Қайта суғурталаш ҳозирги кунда замонавий иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Қайта суғурталанувчи ҳал қиладиган асосий вазифа – бу катта рискларнинг қанча қисмини қайта суғурталашга бериш ва қанчасини суғурта портфелида олиб қолишдир. Шунингдек суғурта компаниялари орасида ихтисослашган қайта суғурта клублари ташкил этилмоқда, булар ҳам ўз навбатида юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам бериб келмоқда.

Шундай қилиб, қайта суғурталаш суғурта компаниясининг бир хил рисклардан иборат бўлган суғурта портфелини яратишга имкон беради ва шу билан суғурта операциялари учун зарур бўлган молиявий барқарорликни таъминлайди.

Юқоридаги муаммоларни ва уларнинг жиҳатларини ҳар томонлама ҳал қилиш учун молиявий барқарорлик таъминлашда умумий ижобий омиллар мустаҳкамлаш билан бир қаторда салбий омиллар таъсирини камайтириш ҳаракатларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ижобий омилларга қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

– суғурта компаниясининг фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг ижобий динамикаси. Фойданинг ошиши молиявий барқарорликни ўсишига тўридан-тўғри боғлиқдир;

– маблағларнинг барча манбаларининг умумий қийматида ўз маблағлари манбаларининг юқори улушининг таъминланиши;

– суғурта тарифининг етарлилик миқдори;

– дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг йўқлиги (солиқ тўловлари ва ходимларнинг иш ҳақлари бўйича ҳам);

– қўшимча даромад келтирадиган инвестициялар миқдорининг кўпайиши;

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги салбий таъсир кўсатувчи кўрсаткичларига қўйидагилар киради;

– активлар ва қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ўртасидаги нормативларнинг мос келмаслиги;

– дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг салбий нисбати.

Кўрсатиб ўтилган ижобий ва салбий омилларнинг таъсири суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини ошириши ва камайтириши мумкин деган хулоса келишимиз мумкин.

Суғурта компаниясининг барқарорлиги ёки барқарор эмаслик ҳолати ва таъсир доираси жиҳатидан фарқ қилувчи (иқтисодий, сиёсий, демографик ва бошқа) тизим ичидаги ва тизимдан ташқари омиллар таъсири остида шаклланади.

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини белгилайдиган омиллар таснифи суғурта компаниясининг барқарорлигини тартибга солишда методологиясини ишлаб чиқишда ва уларга олдиндан таъсир этиш чораларини шакллантиришда кўл келиши мумкин деб ўйлаймиз.

Nomozov B.R, TMI magisranti
Ilmiy rahbar: U.O‘roqov, TMI dotsenti

O‘ZBEKISTONDA TA’LIM TIZIMI XARAJATLARINI MOLIYLASHTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach, jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy rivojining hamma jabhalarini, shu jumladan, ta’lim tizimini isloh qilishga alohida e’tibor qaratmoqda. Chunki, chuqur islohotlarni amalga oshirish, bozor iqtisodiyotiga o’tish, birinchi navbatda, kadrlar potentsialiga, ularning kasb jihatidan tayyorgarligiga bog‘liq bo‘ladi. Ushbu maqsadga ta’lim tizimini isloh qilmasdan, yoshlarning qobiliyatini yuzaga chiqarishga yo’naltirmasdan, ijtimoiy ehtiyojlari qondirilmasdan, sohaga mo’ljallangan moliyaviy mablag‘lardan samarali foydalanmasdan erishib bo‘lmaydi. Shuningdek, mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy hayotining tarkibiy qismi hisoblangan xalq ta’limi tizimini modernizatsiyalash jarayoni ushbu sohaga yo’naltiriladigan moliyaviy resurslardan yanada samaraliroq foydalanishni taqozo etmoqda.

Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek, «Bizga bitiruvchilar emas, maktab ta’limi va tarbiyasini olgan shaxslar kerak,¹ ... «Zamonaviy ta’lim-tarbiya tizimini isloh qilish, zamon talablariga mos kadrlar tayyorlash ishini yo’lga qo’yish faoliyatimizning bosh yo’nalishidir»². Mazkur vazifalarni bajarish esa, soha uchun mo’ljallangan mablag‘lar sarflanishiga alohida munosabat qaratishni talab qiladi. Shuningdek, jahon tajribasida bu ko’rsatkichning darajasi 3-5 foizdan oshmayotgan bir

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. <http://uza.uz>. 22.12.2017 y.

² Mirziyoyev Sh. «Buyuk kelajagimizni mard va oliy janob xalqimiz bilan birga quramiz.» Toshkent: "O‘zbekiston" 2017 y. 488 b.

paytda O'zbekistonda har yili ta'lim uchun sarflanayotgan xarajatlar yalpi ichki mahsulotning 10-12 foizini tashkil etayotganligi sharoitida xalq ta'limini samarali moliyalashtirishni tashkil etish masalalari yanada dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Birgina o'tgan 2021 yilda ijtimoiy sohalarni moliyalashtirish uchun davlat byudjeti jami xarajatlarning qariyb 60 foizi yo'naltiriladi. Bu o'tgan yilga nisbatan 4 trillion 100 million so'm yoki 22,5 foiz ko'p demakdir.

Ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlarni amalga oshirishda davlat byudjeti mablag'lari muhim o'rin egallar ekan, ijtimoiy sohalarga ajratilayotgan mablag'lardan foydalanish samaradorligini oshirish, davlat va jamiyatning barcha sohalari uchun malakali kadrlarni tayyorlash jarayonida umumta'lim maktablari kadrlarni shakllantirishda fundamental asosni tashkil etganligi uchun aynan ushbu sohani moliyaviy jihatdan ta'minlanishini takomillashtirish va uning sifatini oshirish Bugungi kunda dolzarb masalardan biridir.

Fikrimizcha, bu masalarni hal etishda quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirilishi maqsadga muvofiq:

- bozor iqtisodiyoti sharoitida xususiy maktab, bog'chalarni hamda maktabdan tashqari muassasalarni ochilishini davlat qo'llab-quvvatlashi lozim. Ya'ni, xususiy bog'cha va maktablar hamda maktabdan tashqari muassasalarga davlat byudjeti tomonidan bosqichma-bosqich ravishida subsidiyalar ajratilishi, imtiyozli kreditlar berilishi va ma'lum muddatga soliq imtiyozlarini berilishi maqsadga muvofiqdir. Bu xarajatlar ma'lum muddat o'tgandan keyin o'zini oqlaydi;

- ta'lim muassasalarini moliyalashtirish mexanizmini takomillashtirish maqsadida bir nafar o'quvchiga xarajatlarning bazaviy normativlaridan kelib chiqqan holda «mablag' o'quvchi ortidan» tamoyili asosida (vaucher tizimi) bosqichma-bosqich moliyalashtirish tizimiga o'tish. Bunda har bir hududning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasini inobatga olish;

- umumta'lim muassasalarida pullik xizmatlarni ko'rsatish, shuningdek homiylik va xayriya mablag'lari orqali byudjetdan tashqari jamg'armalarni shakllantirish amaliyotini joriy etish;

- byudjetdan tashqari manbalardan, homiylardan mablag'lar tushishi va taqsimlanishini nazorat qilish maqsadida raqamli onlayn-platformalarni yaratish;

- davlat-xususiy sheriklik asosida umumta'lim tarmog'ini rivojlantirish hisobiga xalq ta'limi tizimida raqobat muhitini kengaytirish;

- Bugungi kunda ta'lim muassasalarida, shu jumladan ayrim umumta'lim maktablarida ham pullik qo'shimcha ta'lim xizmatlari joriy qilingan. Lekin, aynan umumta'lim muassasalarida ko'rsatilayotgan ushbu ta'lim xizmatlarini ma'lum bir tartibda muvofiqlashtirish lozim. Bunda muassasa o'zining oldiga faqatgina foyda olishni emas, balki eng avvalo o'quvchilarning qiziqishlari va bilim olishlariga bo'lgan talablarini e'tiborga olishi zarur. Shundan kelib chiqib, umumta'lim maktablari qoshida pullik o'quv kurslarini tashkil qilishni jadallashtirish zarur. Bunda qishloq joylarida nafaqat maktab yoshidagi

o'quvchilar, shuningdek boshqa yoshdagi talabgorlarni ham jalb qilinishi maqsadga muvofiqdir.

Umumta'lim maktablarida talabgorlarning (umumta'lim maktabi yoshidagi o'quvchilardan tashqari o'quvchilar, abituriyentlar va boshqalar) talabi bo'yicha quyidagi yo'nalishlar bo'yicha pullik o'quv kurslari tashkil qilinishi mumkin:

- tabiiy fanlar;
- aniq fanlar;
- ijtimoiy-gumanitar fanlar;
- fanlarni chet tilida o'qitish va turli chet tili kurslari;
- kompyuter savodxonligi bo'yicha o'quv kurslar;
- hunar o'rgatish bo'yicha turli xil to'garaklar (bichish-tikish, oshpazlik, dizaynerlik, sartaoshlik, duradgorlik, naqqoshlik va h.k.).

Mazkur taklifning joriy etilishi natijasida uy sharoitida faoliyat ko'rsatayotgan repetitorlik xizmatlarining norasmiy shug'ullanishini oldi olinadi va yakka tartibdagi tadbirkor sifatida rasmiy faoliyat ko'rsatishiga turtki bo'ladi.

Fikrimizcha, bu orqali umumta'lim maktablarining bo'sh turgan binolaridan samarali foydalanishga erishiladi va muassasaning maxsus hisob raqamiga kelib tushadigan mablag'lar miqdorining oshirilish imkoniyati yaratiladi.

Ayrim viloyatlardagi real ahvoldan kelib chiqqan holda umumta'lim maktablaridagi o'quvchilar zichligini ta'minlash zarur. Chunki ayrim mahalliy byudjetlardagi ijtimoiy-iqtisodiy holat, demografik joylashish va milliy xususiyatlarni hisobga olmaslik muayyan qiyinchiliklarni keltirib chikarmokda. Shuning uchun umumta'lim maktablarda o'quvchilarning sinf zichligini aniqlashda ana shunday xususiyatlarni inobatga olib, moliyalashtirish rejalarini tuzish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Yuqorida zikr etilgan fikrlarni amaliyotga tatbiq etish ta'limi tizimi xarajatlarini rejalashtirishda va moliyalashtirishda mablag'laridan oqilona foydalanishga imkon yaratadi, deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. <http://uza.uz>. 22.12.2017 y.

2. Mirziyoyev Sh. "Buyuk kelajagimizni mard va oliy janob xalqimiz bilan birga quramiz." Toshkent: "O'zbekiston" 2017 y. 488 b.

3. Do'stmuxammad X.U. Xalq ta'limini samarali moliyalashtirish: nazariya va amaliyot. – T.: «Akademiya», 2009 y.

4. Nurmuxamedova B.I., Srojiddinova Z.X., Sugirbaev B.B. O'zbekiston Respublikasida ta'lim xarajatlarini rejalashtirish. T: «INFO CAPITAL GROUP» -2013 y.

5. Uroqov Uchqun, Yuldasheva Nadira, Nuritdinova Vasila, Tukhtabayeva Sogdiana. Budgetary methods for local budgets. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. DOI: 10.5373/JARDCS/V12I6/ S20201165

6. Uroqov Uchqun. Increasing the independence of local budgets in the social and economic development of the regions. // International Journal of Economics, Commerce and Management. United Kingdom ISSN 2348 0386 Vol.VII, Issue12, December 2019

7. Urokov Uchkun Yunusovich, Toshmatova Rano Gaipovna, Sharapova Mashhura Azadovna, Ismailova Nasiba Komiljonovna, Isaev Husan Mansurovich. Matters of revenue generation and cost optimization while increasing the efficiency of the state budget. Vol. 48. No. 12. December 2021. <https://johuns.net/index.php/publishing/240.pdf>

Р.С.Сагдиев

Ташкентский финансовый институт

ЦИФРОВИЗАЦИЯ АНДЕРРАЙТИНГА НА ОТЕЧЕСТВЕННОМ РЫНКЕ СТРАХОВЫХ УСЛУГ

Андеррайтинг выступает основным бизнес-процессом в страховых организациях и предусматривает оценку и управление страховым риском, принимаемым на страхование. В то же время андеррайтинг является бизнес-процессом с одним из самых низких уровней использования цифровых технологий.

В научной литературе андеррайтинг рассматривается как основной бизнес-процесс страховой организации, связанный с оценкой страхового риска, выработкой конкретных условий и определения оптимального тарифа по договору страхования. Основные проблемы, которые поднимаются при описании андеррайтинга, касаются особенностей его организации и андеррайтинговой политики по различным видам страхования, необходимости государственного регулирования, разработки профессиональных требований к андеррайтерам.

Особенность их андеррайтинговой оценки связана со следующими факторами:

- необходимостью привлечения профильных специалистов для комплексной оценки рисков, например, для аудита систем защиты от киберпреступлений;
- нематериальным характером потенциальных убытков, отсутствием единых методик прогнозирования ожидаемых убытков;
- сдвигом убытков от прямых потерь в сторону затрат на устранение последствий ущерба и косвенных убытков;

- отсутствием локализации отдельных киберрисков и их взаимосвязью;
- быстрым распространением информации о повышенной уязвимости отдельных объектов цифровым рискам;
- потенциально высокой вероятностью наступления рисков;
- выраженной антиселекцией рисков;
- трудностями с распределением ответственности при реализации цифровых рисков, в том числе ответственности за действия машин с искусственным интеллектом, Интернета вещей, «умных» гаджетов и прочих.

Новые производственные технологии используются страховщиками на отечественном страховом рынке в андеррайтинге по автострахованию и страхованию имущества физических лиц, по страхованию жизни и добровольному медицинскому страхованию. Описание новых производственных технологий по различным видам страхования приводится в таблице-1.

Таблица-1

Новые производственные технологии в андеррайтинге на отечественном страховом рынке

Вид страхования	Новая производственная технология	Краткое описание
Автострахование	Телематика	Технология реализуется через установку специального устройства на автомобиль и/ или установку мобильного приложения на смартфон. Оценка предстрахового риска (определение стиля вождения в пробный период 1–3 месяца). Оценка текущего риска в процессе действия договора страхования (определение стиля вождения, ограничение километража).
	Самоосмотр	Оценка рисков объекта перед заключением договора страхования. Осмотр автомобиля перед покупкой полиса КАСКО через мобильное приложение. Разработанное мобильное приложение позволяет заполнить анкету, провести фотографирование по «маскам», через видеосвязь провести визуальный осмотр сотруднику страховщика
Страхование жизни, добровольное	Телемедицина	Оценка предстрахового риска. Проведение врачом телемедицинской консультации перед заключением договора

медицинское страхование		страхования для выявления хронических заболеваний и иных проблем со здоровьем
	Биомониторинг	Оценка предстрахового риска и его изменения в процессе действия договора страхования. Применение различных устройств, начиная с фитнес-браслета, оценивающего количество пройденных шагов и частоту сердцебиения, до сложных устройств, считывающих до 10-ти параметров.
Страхование имущества физических лиц	Самоосмотр	Оценка рисков объекта перед заключением договора страхования. Осмотр квартиры или загородного строения перед покупкой полиса через мобильное приложение. Разработанное мобильное приложение позволяет провести фотографирование по «маскам», через видеосвязь осуществить визуальный осмотр сотруднику страховщика.

Цифровизация бизнес-процесса андеррайтинга в перспективе будет способствовать повышению точности оценки страхового риска по договорам страхования, замене рутинных процедур андеррайтера по сбору оценочной информации на автоматизированные программы, в том числе с привлечением искусственного интеллекта, индивидуализации страховых услуг через моделирование потребительского поведения потенциальных страхователей, снижению транзакционных издержек страхователей при заключении договоров страхования.

Несомненно, цифровизация андеррайтинга в свете вышеописанных направлений должна рассматриваться как положительный процесс на страховом рынке, направленный на снижение аквизиционных расходов страховых организаций и на повышение удовлетворенности страхователями страховыми услугами.

В то же время определенные опасения может вызывать повышение точности оценки страхового риска по договорам страхования, так как пока не совсем понятен предел, до которого может быть повышена точность оценки страхового риска.

Получение большей информации о страхователе или объекте страхования позволит повысить точность оценки страхового риска, то есть вероятности его наступления и ущерба, причиняемого реализацией неблагоприятного события. Следовательно, для определенной совокупности страхователей, прежде заключающих договоры по единому страховому тарифу и обеспечивающих раскладку ущерба между собой, будут предложены различные страховые тарифы, исходя из новой оценки страхового риска.

Вполне возможна ситуация, когда часть страхователей, так называемое оценочное ядро, сохранит прежний тариф. Для страхователей с

повышенным страховым риском, по новой оценке, будет предложен повышенный страховой тариф, который может привести к потенциальному отказу от заключения договора страхования по желанию как страхователя (отказ из-за высокого тарифа), так и страховщика (отказ из-за высокой убыточности). Низкоубыточная группа страхователей, получившая низкую оценку страхового риска и низкий тариф, захочет продолжать страховые отношения, но данная группа может быть невыгодна страховщикам, так как затраты на ведение дел, рассчитанные как доля от страховой премии, могут быть недостаточными для покрытия существующего нижнего уровня рентабельности на договор страхования.

Дальнейшее повышение точности оценки страхового риска приведет к распаду «оценочного ядра» на аналогичные группы страхователей. Следовательно, индивидуализация страховых услуг по ценовому фактору (более точная оценка страхового риска) может привести к сокращению клиентской базы страховщика. В условиях отсутствия планомерного роста количества потенциальных страхователей излишняя индивидуализация страховых услуг будет способствовать сокращению количества договоров страхования как за счет высокорисковых, так и низкорисковых клиентов.

Поэтому влияние цифровизации андеррайтинга на тарифную политику страховых организаций, структуру доходов и расходов по портфелю договоров страхования требует дальнейшей проработки, в том числе в направлении возможного предела экономической целесообразности повышения точности в оценке страхового риска.

*Ibotova Dilrabo Shodmonovna
Toshkent moliya instituti DMXM-1k guruh magistranti
Shernayev Akbar Aqmirzaevich
Toshkent Moliya instituti, "Moliya" kafedrası i.f.n., dotsenti*

O'ZBEKISTONDA VALYUTA OPERATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VA XALQARO VALYUTA BOZORINING ISTIQBOLLI YO'NALISHLARI

Xalqaro tijorat banklari xalqaro miqyosida keng tarqalgan va rivojlangan filial tarmoqlariga va banklararo vakillik hisob varaqlariga ega bo'lib, bu ikki omil, pirovard natijada, ularning XIM tizimidagi yuqori darajadagi mavqeini ta'minlashning birlamchi zaruriy sharti hisoblanadi.

Tijorat banklarining xalqaro vakillik munosabatlari geografik yo'nalishi, operatsiya turlari va munosabatlarning xarakteriga ko'ra farqlanadi.

Tijorat banklarining o'zaro vakillik munosabatlari geografik yo'nalishiga ko'ra ichki va tashqi munosabatlarga bo'linadi. Ichki munosabatlar deganda, bir mamlakat ichidagi tijorat banklari o'rtasidagi o'rnatilgan o'zaro vakillik munosabatlari tushuniladi. Xalqaro hisob-kitoblarning asosiy qismi tashqi

vakillik munosabatlari orqali amalga oshiriladi. Bunda to'lovlar «Nostro» va «Vostro» vakillik hisob varaqlari orqali amalga oshiriladi.

O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining rivojlangan xorijiy davlatlarning tijorat banklari bilan bir tomonlama tashqi vakillik munosabatlariga ega ekanligi xalqaro operatsiyalar ko'lamini kengaytirishga salbiy ta'sir qiladi. Masalaning mohiyati shundaki, Respublikamizning yirik tijorat banklari rivojlangan xorijiy davlatlarning tijorat banklarida o'zlarining «Nostro» vakillik hisob varag'iga ega. Rivojlangan xorijiy davlatlarning tijorat banklari esa, respublikamizning tijorat banklarida o'zlarining «Vostro» vakillik hisob varag'iga ega emaslar.

Shuni ham qayd etib o'tish lozimki, hozirgi kunda vakolatli banklar valyuta amaliyotlarini amalga oshirish doirasini jahon amaliyotiga muvofiq kengaytirishga yordam beradigan O'zbekiston valyuta bozorini erkinlashtirish bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishni hisobga olgan holda, manfaatdor organlarga xalqaro valyuta bozori faoliyat yuritish uslublarini diqqat bilan o'rganish hamda mamlakat iqtisodiyotiga salbiy ta'sirlarga yo'l qo'ymaslik maqsadida valyuta risklarini tartibga solish instrumentlarini qo'llash uchun shart-sharoitlar yaratish lozim. munosabatlarga bo'linadi. Mijozlarning operatsiyalariga ularga trast xizmati ko'rsatish operatsiyalari, mijozlarning tijorat operatsiyalari, ularning majburiyatlari bo'yicha to'lov topshiriqnomalari, cheklar, hujjatlashtirilgan akkredetivlar va inkasso vositasida to'lovlarni amalga oshirish operatsiyalari, qimmatli qog'ozlar bilan bog'liq operatsiyalar, ularga kafolatlar berish va boshqa operatsiyalar kiradi.

Banklarning o'z operatsiyalariga xorijiy valyutada kreditlar berish va kreditlar olish, depozitlar qabul qilish valyutalarni, qimmatli qog'ozlarni sotib olish va sotish operatsiyalari kiradi.

O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining birontasi hozirgi kunga qadar xalqaro qimmatli qog'ozlar bozorining listingiga kirmagan. Bu esa, ularning xorijiy valyutadagi yozalgan qimmatli qog'ozlar bilan bog'liq operatsiyalarini rivojlantirishga to'sqinlik qiladi.

Ko'pchilik holatlarda o'zaro vakillik munosabatlari ikki tomonlama yoki bir tomonlama hisob varaqlari ochish yo'li bilan amalga oshiriladi.

Ayni vaqtda, hisob varaqlari ochmasdan turib ham o'zaro vakillik munosabatlarini o'rnatish mumkin. Bunda xalqaro hisob-kitoblar uchinchi bankda ochilgan hisob varag'i orqali amalga oshiriladi.

Tijorat banklarining xalqaro hisob-kitob munosabatlarini XIM tizimidagi o'rnini belgilovchi ikkinchi asosiy omil ularning xalqaro elektron to'lov tizimiga ulanishi hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so'ng, bank sohasida olib borilgan islohatlar natijasida qisqa muddatda milliy elektron to'lovlar tizimi joriy etildi. Buning natijasida O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarida xo'jalik subektlari o'rtasida to'lovlar o'tkazish vaqti keskin ravishda qisqardi. Ushbu ma'lumotlar quyidagi diagrammada keltirilgan.

Bundan tashqari zaxira shakllantirish mumkin bo'lgan valyutalar (AQSh dollari, fund sterling, fransuz franki, nemis markasi, yapon yeni va boshqalar) bir tomondan kamaygan bo'lsada (butun yevpopada yevro ning yagona pul birligi sifatida qabul qilinishi natijasida nemis markasi, shvetsariya franki, fransuz franki, fund sterling (qisman) kabi zaxira shakllantiradigan valyutalar muomiladan chiqib ketishi hisobiga), bir tomondan jahon moliyaviy inqirozi davrida neft narxining keskin ko'tarilishi va neftni eksport qiluvchi yirik mamlakatlarning pul birliklarining jahon bozoriga kirib kelishi natijasida jahon valyutalari ko'payib ketdi.

Konferensiyada qabul qilingan yana bir tamoyilga ko'ra butun dunyoda erkin valyuta kurslari rejimi amal qilishi kerak edi. Lekin hozirda bor-yo'g'i jahonning 23 davlatida ushbu rejim amal qilib, 100 dan ortiq davlatlarda yo qat'iy belgilangan valyuta tizimi yoki boshqariladigan rejimdagi valyuta kurslari muomilasi taminlangan.

Bu holatlarning barchasi xalqaro valyuta fondini qayta isloh qilishni talab qiladi. Chunki hozirgi kunda xalqaro valyuta fondi moliyaviy va valyuta munosabatlarini to'liq va izchil nazorat qilish imkoniyatiga ega emas. Masalan xalqaro valyuta bozorlari tizimining yangi ko'rinishi FOREX tizimini nazorat qilish juda mushkul. Bu bozorni tartibga solib bo'lmaydi deyish ham mumkin. Bu bozorning malum manzilda joylashmagani qolaversa u butun kun davomida faoliyat olib borishi unda bo'layotgan operatsiyalarni nazorat qilish imkoniyatini cheklaydi.

Fikrimizcha, jahon moliya bozori tushunchasiga uslubiy yondashuv ushbu tushunchani bir tomondan izohlashning iloji bo'lmaganligi tufayli, ko'p o'lchamliligini tushunishga asoslanishi kerak. Hatto eng asosiy tushuncha ham bir necha omillarni – bozorda yuzaga keluvchi munosabatlarning iqtisodiy mohiyati, unda aylanuvchi moliya aktivlari, bozorda bitimlarni amalga oshiruvchi sub'ektlar, shuningdek, ularning jahon iqtisodiyotidagi ahamiyatini rad etishi mumkin. Shuning uchun turli mualliflarning jahon moliya bozori tushunchasiga tahlil etilgan yondashuvlaridan o'zaro to'ldiruvchi sifatida foydalanish mumkin.

Jahon moliya bozori rivojlanishining geografik tuzilishi tahlili rivojlangan mamlakatlarning ustunligini ko'rsatadi. Shimoliy Amerika mamlakatlari (AQSh va Kanada), Evropa Ittifoqi mamlakatlari va Yaponiya umumanjahon bozorining uchdan bir qismini egallaydi.

Jahon bozoridagi joriy yo'nalishlarning tadqiq etilishiga ko'ra, yaqin va uzoq muddatli istiqbolda aksariyat davlatlar moliya sektorida chuqur o'zgarishlar ehtimoli mavjud. 2009-2010 yillarda ishbilarmonlik faoliyatining jonlanishiga qaramay, hozirgi jahon moliyaviy inqirozi oqibatlari to'liq bartaraf etilmagan. Bizning fikrimizcha, yaqin bir necha yilda jahon moliya bozorida ikki asosiy omil – jahon moliyaviy inqirozi oqibatlarining bevosita ta'siri, shuningdek, barqarorroq moliya tizimini tashkil etishga qaratilgan va inqirozni keltirib chiqaruvchi tartibga solish muhitining o'zgarishi hukmronlik qiladi.

Natijada, moliya sektori faoliyati, moliya institutlari hajmi, operatsiyalarni moliyalashtirish usullari, xatarlarni boshqarish siyosati, alohida davlat (mamlakat)lar va jahon moliya bozorlaridagi raqobat xususiyatlarida miqyosli o'zgarishlarning ehtimoli mavjud.

Usmonov Jumanazar Faxriddin o'g'li
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistranti
Shernayev Akbar Aqmirzayevich
Toshkent Moliya instituti, "Moliya" kafedrası i.f.n., dotsenti

BOJXONA MA'MURIYATCHILIGI TIZIMIDA ISLOHOTLAR ISTIQBOLLARI

Mamlakatimizda bojxona faoliyatini tashkil etishga va uning moddiy - texnika bazasini mustahkamlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'tgan davr mobaynida bojxona xizmati Respublikaning ijtimoiy - iqtisodiy rivojlanishiga erishish, keng ko'lamli islohotlarni muvaffaqiyatli amalga oshirishga, tashqi iqtisodiy faoliyatni erkinlashtirish, iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlashga alohida omil sifatida ijobiy ta'sir ko'rsatdi.

Bojxona faoliyati O'zbekistonning tashqi va ichki siyosati tizimida ustuvor o'rinlardan birida turadi. Bir tomondan, tashqi iqtisodiy faoliyatning erkinlashtirilishi tashqi bozorga mustaqil chiqish huquqiga ega bo'lgan korxonalar, tashkilotlar va tadbirkorlar doirasini jiddiy ravishda kengaytiradi.

Makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolish. Tarkibiy o'zgartirishlarni chuqurlashtirish, milliy iqtisodiyotning etakchi tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish¹

Davlat bojxona siyosati vositalari - tarifli va notarif boshqarish vositalari orqali ularning tovarlar, ishlar va xizmatlar eksporti va importi bo'yicha faoliyatiga ta'sir ko'rsatadi. Ikkinchi tomondan, ichki iqtisodiy jarayonlarni tartibga solish, milliy bozorni shakllantirish, Respublika budjetining daromad qismini to'ldirish vositasi sifatida bojxona faoliyatining ahamiyati ortdi. Bu o'z navbatida, bojxona faoliyatining huquqiy asosini yaratuvchi qonun hujjatlari va normativ hujjatlar tizimini ishlab chiqishni taqozo etdi. Bojxona faoliyatining iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirishdagi o'rni bojxona vositalarini qo'llash asosida iqtisodiyotni, ayniqsa, import o'rnini bosadigan va eksportga yo'naltirilgan zamonaviy ishlab chiqarishni rag'batlantirish, samarali tashqi iqtisodiy faoliyatni tashkil etish va erkinlashtirish, davlat budjeti tushumlarini boj va turli to'lovlar negizida doimiy ravishda ta'minlash, ichki bozorimizni har tomonlama himoyalash,

¹ O'zbekiston Respublikasining prezidenti SH.Mirziyoyev: "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi"

mamlakatimiz iqtisodiy xavfsizligini saqlash va O'zbekistonning xalqaro nufuzini oshirish kabi masalalarda namoyon bo'lmoqda.

Bugungi kunda bojxona tizimi mamlakatimiz iqtisodiyotining yuksak darajada rivojlangan sohalaridan biridir. Shuning uchun ham, iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish talablaridan kelib chiqqan holda, bojxona faoliyati samaradorligini oshirish yuzasidan ilmiy asoslangan metodologik, uslubiy va amaliy ahamiyat kasb etgan taklif va tavsiyalarni ishlab chiqish muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Bunda O'zbekiston iqtisodiyotining o'ziga xos rivojlanish tamoyillari, amalga oshirilayotgan islohatlar strategiyasini nazarda tutish lozim.

Jahon savdo tashkiloti, Jahon bojxona tashkiloti va boshqa xalqaro tashkilotlarning standartlari va tavsiyalarini milliy qonunchilikka implementatsiya qilish borasida amalga oshirilayotgan ishlar bojxona ma'muriyatchiligini takomillashtirish va bojxona tartib-taomillarini soddalashtirishni talab etadi.

Shu bilan birga, «qog'ozsiz va elektron bojxona» lozim darajada rivojlanmayapti, kontrabanda, kontrafakt mahsulotlarni olib o'tish, korrupsiya, noqonuniy valyuta operatsiyalari va bojxona to'lovlarini to'lashdan bo'yin tovlashga qarshi kurashish usullari bojxona ma'muriyatchiligining zamonaviy va sinovdan o'tkazilgan usullarini qo'llashni talab etmoqda.

Bojxona ma'muriyatchiligini isloh etish, bojxona organlari faoliyatini yanada takomillashtirish hamda samaradorligini oshirish, «qog'ozsiz va elektron bojxona»ning mantiqiy davomi va rivojlanishi bo'lgan «raqamli bojxonani» shakllantirish, shuningdek, bojxona ishi sohasidagi umume'tirof etilgan xalqaro norma va standartlarni milliy qonunchilikka implementatsiya qilishni jadallashtirish.¹

Bojxona organlari faoliyatini rivojlantirish va takomillashtirishning quyidagi yo'nalishlarini o'z ichiga olgan 2020 — 2023 yillarda bojxona ma'muriyatchiligini isloh qilish va O'zbekiston Respublikasi davlat bojxona xizmati organlari faoliyati samaradorligini oshirish kontseptsiyasi (keyingi o'rinlarda — Kontseptsiya) muvofiq:

- bojxona sohasidagi normativ-huquqiy bazani yanada takomillashtirish; mavjud kuch va vositalarni optimal qo'llagan holda bojxona organlari faoliyati va infratuzilma ob'ektlarining institutsional asoslarini rivojlantirish;
- raqamli iqtisodiyot doirasida zamonaviy va ilg'or axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini bojxona sohasiga joriy etish orqali bojxona organlari faoliyati shaffofligi hamda samaradorligini ta'minlash;
- bojxona organlarining fiskal funktsiyalarini amalga oshirishni takomillashtirish, tashqi iqtisodiy faoliyatni (keyingi o'rinlarda — TIF) tarif va notarif jihatdan tartibga solishni soddalashtirish;

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 05.06.2020 yildagi PF-6005-son. Bojxona ma'muriyatchiligini isloh etish va o'zbekiston respublikasi davlat bojxona xizmati organlari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida

- kontrabanda va bojxona to'g'risidagi qonun hujjatlari buzilishiga qarshi kurashish;

- bojxona organlari xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash hamda malakasi va mahoratini yanada oshirish, ularning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish;

- xalqaro tashkilotlar va xorijiy davlatlar bojxona xizmatlari bilan o'zaro manfaatli hamkorlikni yanada rivojlantirish;

Xulosa qilib aytganda, bojxona siyosati ichki siyosatning tarkibiy qismi sifatida o'z xususiyatiga ko'ra, davlat manfaatlarini, korxonalar, xo'jalik birlashmalari, tadbirkorlar, fuqarolarning huquqlarini himoya qiluvchi huquqni muhofaza qilish organi hisoblanadi.

Puxta o'ylangan va muvozanatli bojxona siyosati milliy iqtisodiyotni jahon bozorlari kon'yukturasi keskin o'zgarishlaridan himoya qilishga, uning jahon xo'jaligiga qo'shilishiga faol ko'maklashishga da'vat etilgandir.

Bojxona nazorati bojxona organlari tomonidan amalga oshiriladi. Bojxona organlari o'z faoliyatida "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi"ga, «Davlat bojxona xizmati to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga, boshqa qonun hujjatlariga, O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalariga amal qiladi.

Bojxona nazorati O'zbekiston Respublikasining bojxona hududiga olib kirishda - tovarlar va transport vositalari bojxona chegarasini kesib o'tgan paytdan e'tiboran; bojxona hududidan tovarlar va transport vositalarini olib chiqishda - bojxona deklaratsiyasi qabul qilib olingan paytdan e'tiboran boshlanadi.

Bojxona organlari bojxona nazoratini o'tkazilayotganida inson, hayvonot va o'simliklar hayoti va sog'lig'i uchun xavfsiz bo'lgan hamda tovarlar va transport vositalariga ziyon etkazmaydigan texnikaviy va boshqa vositalar qo'llanilishi mumkin.

Bojxona nazoratini o'tkazish qoidalari O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlarida belgilanadi. Shaxslarga, ularning tovarlari va transport vositalariga g'ayriqonuniy zarar yetkazmaslik bojxona nazoratini o'tkazishning umumiy qoidasi hisoblanadi.

Bojxona organlari qonunchilikka muvofiq o'z faoliyatini joylardagi davlat organlaridan mustaqil ravishda amalga oshiradilar. Bojxona organlari o'z zimmalariga yuklatilgan vazifalarni davlat boshqaruvining boshqa organlari va davlat hokimiyati mahalliy organlari bilan hamkorlikda bajaradilar.

Bojxona organlari o'z zimmalariga yuklatilgan vazifalarni bajarish maqsadida boshqa organlar va tashkilotlar bilan aniqlangan huquqbuzarliklar bo'yicha mavjud materiallar to'g'risidagi axborotni, shuningdek boshqa axborotni qonun hujjatlarida va bitimlarda belgilangan tartibda o'zaro almashadilar.

Bojxona organlari bojxona nazoratini o'tkazganida tekshirish davomida olingan barcha axborot maxfiy hisoblanadi hamda faqat bojxona maqsadlarida

foydalanish mumkin, u oshkor qilinmasligi, bojxona organlarining mansabdor shaxslari tomonidan shaxsiy maqsadlarda foydalanilmasligi, shuningdek uchinchi shaxslarga va davlat organlariga berilmasligi kerak.

Usmonov Jumanazar Faxriddin o'g'li
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistranti
Sultonov Sherali Nuralievich
Toshkent moliya instituti "Moliya" kafedrasi dotsenti, i.f.n.

MAMLAKATIMIZDA EKSPORT FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDAGI MUAMMOLARNI BARTARAF ETISH YO'LLARI

Mamlakat iqtisodiyotining barqaror iqtisodiy o'sishini ta'minlashda iqtisodiyotning real sektori korxonalarini modernizatsiyalash uchun investitsiyalar jalb qilish muhim ahamiyatga ega. Shu bois yurtimizda chet el sarmoyasi ishtirokidagi sanoat korxonalari sonini ko'paytirish hamda mahalliy xom ashyodan eksportbop mahsulotlar tayyorlashga ustuvor vazifa sifatida qaralmoqda. Bunda xorijiy investorlar uchun yaratilgan qulay investitsiya muhiti muhim omil bo'lmoqda. Xorijiy tajribadan ma'lumki, milliy iqtisodiyotda qulay investitsiya muhitini yaratishda erkin iqtisodiy hududlarni tashkil etish muhim o'rin tutadi.

Ochiq iqtisodiyot qaror topishining muhim bo'g'ini sifatida O'zbekiston iqtisodiyotiga investitsiyalar, xususan, xorijiy investitsiyalar oqimini yanada ko'paytirishda jahon amaliyotida faol rivojlanib borayotgan erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini yo'lga qo'yishning keng imkoniyatlari mavjud.

Jahon amaliyoti tajribasi shuni ko'rsatadiki, erkin iqtisodiy zonalar (EIZ) milliy va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bilan birgalikda, ishlab chiqarishga yangi texnologiyalarni olib kirish, zamonaviy xorijiy menejment va marketing tajribalaridan foydalanish, ichki bozorni import o'rnini bosuvchi tovarlar bilan to'ldirish, mamlakat eksport salohiyatini yanada oshirish, hududlarda yangi ish o'rinlari yaratish, valyuta tushumlari kirib kelishini ko'paytirish va pirovardida milliy iqtisodiyotning jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuvini kuchayishiga olib keladi.

Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va aholi bandlik darajasini yanada oshirishning muhim omili sifatida jahon standartlariga javob beradigan va dunyo bozorlarida talab qilinadigan mahsulot ishlab chiqarish, xorijiy investitsiyalarni, birinchi galda to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni jalb etish bo'yicha qulay shart-sharoit yaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur vazifani amalga oshirishda erkin iqtisodiy zonalar alohida o'rin tutadi. Shu bois bugungi kunda Xitoy, AQSh, Frantsiya, Janubiy Koreya, Irlandiya, Meksika, Vengriya, Bolgariya kabi mamlakatlarda hududning jo'g'rofiy va boshqa qulayliklaridan kelib chiqqan holda erkin iqtisodiy zonalar tashkil etilgan.

O‘zbekiston o‘zining taraqqiyoti mobaynida iqtisodiy rivojlanish, investitsion siyosat, aholi farovonligining oshishi, yalpi ichki mahsulotning ortishi, aholi bandiligini ta‘minlash, ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, valyuta barqarorligi va boshqa bir qator ko‘rsatkichlar bo‘yicha salmoqli natijalarni qo‘lga kiritdi. Qisqa davr mobaynida O‘zbekiston tomonidan qo‘lga kiritilgan bunday yutuqlar dunyoning ko‘plab davlatlari va yirik moliyaviy-iqtisodiy tashkilotlar tomonidan alohida e‘tirof etilmoqda.

Xulosa qilib aytganda, boshqa mamlakatlarda tashkil etilgan EIHlar tor ixtisoslik bo‘yicha ish olib boradilar, mamlakatimiz EIZlarida esa, ishlab chiqarishning barcha turlari bo‘yicha faoliyat olib borish mumkin. Mamlakatimiz boy mineral-xom ashyo resurslariga ega ekanligini hisobga olsak, EIZda faoliyat yurituvchilar xom ashyolarni yanada kengroq qayta ishlashga va yuqori qiymatga ega bo‘lgan mahsulotlarni ishlab chiqarish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Bu esa, o‘z navbatida, mahsulot ishlab chiqarishda kerak bo‘ladigan xom ashyo va materiallarning transport xarajatlarining sezilarli darajada iqtisod qilinishi natijasida tovar tannarxining maksimal darajada optimallashtirishiga olib keladi. Rivojlangan multimodal tarmoq raqobatlashuvda asosiy ustunlikni beradi, chunki O‘zbekistondan yuklarni etkazib berish va mamlakatimiz hududidan o‘tuvchi tranzitlar orqali yuklarni tashish sezilarli darajada yuk tashishga ketadigan vaqtni hamda xarajatlarni qisqartirish imkoniyatini beradi. Xorijiy investitsiya yordamida, birinchi navbatta, mineral-xom ashyo va qishloq xo‘jaligi resurslarini chuqur qayta ishlashga imkon beruvchi korxonalar tashkil etiladi. Ikkinchi o‘rindagi muhim yo‘nalish – import o‘rnini bosa oladigan tovar ishlab chiqaradigan tarmoqlar jadal rivojlanishini ta‘minlash. Va, nihoyat, sezilarli ahamiyat milliy mahsulotni jahon bozorlariga samarali chiqishini ta‘minlab beruvchi zamonaviy transport tizimlarini shakllantirishga beriladi.

Endilikda hududlar va tarmoqlarda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi loyihalar ko‘lamini kengaytirish, ulami amalga oshirishda qat‘iy nazorat mexanizmini o‘rganish uchun yangi tizim tashkil etilishi ma‘lum qilindi. Unga muvofiq:

Birinchi: Viloyat hokimlari har haftada bittadan tuman yoki shaharga borib, elchilar bilan aloqa o‘rnatgan holda, u yerga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha ishlarni tashkil qiladi. Hududlarga birlashtirilgan respublika idoralari rahbarlari viloyat hokimlari va elchilar bilan birgalikda har bir tuman (shahar)da to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi loyihalar holatini o‘rganib, ularning ijrosini jadallashtirish bo‘yicha aniq choralar ko‘radi. Shuningdek, qo‘shimcha loyihalar bo‘yicha takliflar ishlab chiqib, xorijiy investorlarni jalb qiladi.

Ikkinchi: Investitsiya qo‘mitasi hududlar va tarmoqlarning investitsiya loyihalari bo‘yicha takliflarini umumlashtirib, samaradorligini baholaydi va yagona elektron “onlayn” bazani shakllantiradi.

Uchinchi: Tashqi ishlar vazirligi hamda hududlarga birlashtirilgan elchilar yagona elektron bazaga kiritilgan loyihalarga xorijiy investorlarni jalb etadi.

To'rtinchi: Vazirlar Mahkamasi saralab olingan istiqbolli loyihalarni amalga oshirish uchun xorijiy investorlar bilan tegishli kelishuvlarni rasmiylashtirib, ijrosini nazoratga olish bo'yicha yo'l xaritalari"ni tasdiqlaydi.

Mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan taraqqiy etishi, barqaror iqtisodiy o'sishga erishishi, aholi daromadlarining oshishi, turmush sharoitining yaxshilanishi aksariyat holatlarda milliy iqtisodiyotning turli soha va tarmoqlariga jalb etilayotgan investitsiya mablag'larining hajmi va tarkibiga bog'liq. Shunday ekan, har bir mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish strategiyasining ustuvor yo'nalishi milliy iqtisodiyotga investitsiya mablag'larini jalb etishning jozibador muhitini shakllantirishga qaratilishi muqarrardir.

Iqtisodiyotning globallashuvi sharoitida va bozor munosabatlari talablaridan kelib chiqib, jahonda investitsiyalar uchun qat'iy raqobatli kurash izchil davom etmoqda. Tashqi iqtisodiy faoliyatni erkinlashtirish, mamlakatimiz iqtisodiyotiga bevosita xorijiy investitsiyalarning jalb qilinishini ta'minlaydigan huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy va boshqa shart-sharoitlarni takomillashtirish, xorijiy investitsiyalar uchun barcha qulayliklarni yaratish siyosatini o'tkazish, mablag'larni mamlakatning iqtisodiy mustaqilligini ta'minlovchi ustuvor yo'nalishlarda hamda raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqarish bilan bog'liq yo'nalishlarda mujassam qilish respublikamizda olib borilayotgan investitsiya siyosatining asosiy tamoyillaridir.

Xorijiy investitsiyalarni jalb etmay, ayniqsa, yetakchi tarmoqlarda chet el investitsiyalari ishtirokini kengaytirmay turib, iqtisodiyotda tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirish va uni modernizatsiya qilish, korxonalarni zamonaviy texnika bilan qayta jihozlash hamda raqobatdosh mahsulotni ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish mumkin emas. Mamlakatimiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarning jalb etilishi uning iqtisodiy imkoniyatlarining kengayishini tezlashtirib, barcha sohalarda ichki imkoniyat va rezervlarni ishga solish, yangi texnika va texnologiya, eksportbop tovarlarni o'zlashtirish, ularni ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish orqali davlatimiz iqtisodiy qudratini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni faollashtirishda quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur:

- O'zbekiston hududlarining o'ziga xos xususiyatlarini inobatga olgan holda erkin va maxsus industrial iqtisodiy zonalar tashkil etishini faollashtirish zarur;

- Tashqi investorlar uchun soliq va bojxona tizimini takomillashtirish hamda soliqlarning rag'batlantiruvchi rolini kuchaytirish kerak;

- O'zbekistonning bozor iqtisodiyotiga o'tishi, turli mulkchilik shakllarining rivojlanishi va ishlab chiqarishning baynalminallashuvini hisobga olgan holda investitsiya loyihalarini ishlab chiqish va ularning samaradorligini baholashda jahon amaliyotida qo'llanayotgan uslubiyotlardan foydalanish jarayonida quyidagi chora-tadbirlarga e'tibor berish lozim:

- loyihali tizimda keng marketing izlanishlarni olib borish, ya'ni ichki va tashqi bozorni asosiy raqobatchilarni, narxlarni, mahsulotning kelgusidagi istiqbolini o'rganish;

- loyihaning samaradorligini baholashda uning ijtimoiy-ekologik natijalarini investitsiya xavf-xatarlari va inflyatsiya darajasini hisobga olish va inflyatsiyaning ta'sirini hisoblashda istiqbolli baholardan va qator xarajatlar va narxlar dinamikasidan foydalanish;

- Xorijiy investitsiyali korxonalarni barpo etish va ularni ro'yxatdan o'tkazish jarayonini soddalashtirish hamda xorijiy sarmoyali korxonalarni respublika hududlariga mutunosib joylashtirish lozim;

- Mamlakatlarning investitsiyaviy jozibadorligini belgilashda muhim rol o'ynaydigan xalqaro reyting agentliklari tomonidan e'lon qilinadigan xalqaro indekslarda mamlakatimiz ishtirokini ta'minlash maqsadga muvofiqdir.

Toshmuradova B.E. – i.f.d., prof., TMI
Ergasheva S. E. –magistrant TMI

KAPITAL BOZORINI RIVOJLANTIRISHDA DIVIDEND SIYOSATINI OPTIMALLASHTIRISH

Bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitida ko'plab iqtisodiy masalalarni hal qilishda hukumatimiz tomonidan ko'rilayotgan chora-tadbirlar, hamda O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari orqali tartibga solinib turadi. Xususan, aksiyadorlik jamiyatlarida dividend siyosati haqida 53-moddaning birinchi qismi O'zbekiston Respublikasining 2008-yil 31-dekabrda O'RQ-197 sonli Qonuni tahririda - O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 52-son, 513-modda belgilab qo'yilgan.

Qonunga to'xtaladigan bo'lsak, "Dividend foydaning soliqlar va boshqa majburiy to'lovlar to'langanidan, qayta investitsiya amalga oshirilganidan so'ng aksiyadorlik jamiyati ixtiyorida qoladigan, aksiyadorlar o'rtasida taqsimlanishi kerak bo'lgan qismidir."¹

"Kapital bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 13.04.2021 yildagi PF-6207-son farmonida 2021-2022-yillarda kapital bozorini rivojlantirish Dasturini amalga oshirish bo'yicha bo'yicha "Yo'l xaritasi"ning 27-bandida "Kapital bozori rivojlangan xorijiy davlatlar tajribasini hisobga olgan holda korporativ harakatlar standartini joriy etish va dividendlarni to'lash tartibini takomillashtirish"² bo'yicha bir qancha amalga oshirish mexanizmlarini ishlab chiqarishni ko'zda tutgan.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 31.12.2008 yildagi O'RQ-197-son <https://lex.uz/docs/-1420858?query=dividend#sr-1>

² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 13.04.2021 yildagi PF-6207-son <https://lex.uz/docs/-5371091>

Jamiyat aksiyalarning har bir turi bo'yicha e'lon qilingan dividendlarni to'lashi shart.

Aksiyadorlar jamiyatining umumiy yig'ilishi qaroriga binoan dividend pul mablag'lari yoki boshqa qonuniy to'lov vositalari bilan to'lanishi mumkin.

Dividend aksiyadorlar o'rtasida ularga tegishli aksiyalarning soni va turiga mutanosib ravishda taqsimlanadi.

Dividend - bu aksionerlarning pul daromadi hisoblanadi va o'z mablag'larini aksiyasiga jalb qilgan kompaniyaning ijobiy ishlayotganligi to'g'risida ma'lum bir darajada habar berib turadi. Hisobot davrining foydasini taqsimlashning soddalashtirilgan yo'nalishlarini quyidagicha tasvirlash mumkin:

- foydaning bir qismi dividendlar ko'rinishida to'lanadi;
- qolgan qismi esa kompaniyaning aktivlariga qayta investitsiyalanadi.


Foydaning qayta investitsiya qilingan qismi kompaniyaning faoliyatini moliyalashtirishning ichki manbasi hisoblanadi, shundan ko'rinib turibdiki, dividend siyosati aksiyadorlik jamiyatida jalb qilinayotgan va moliyalashtirishning tashqi manbalari miqdoriga ma'lum darajada ta'sir qiladi.

Aksiyadorlik jamiyatining dividend siyosatining tashkil etish yo'nalishlari tahlili bilan bir qatorda, muqobil manbalardan moliyaviy resurslarni shakllantirish imkoniyatlarini ham tahlil qilish kerak. Bular:

- o'tgan davrda shakllangan o'z sarmoyasi zahiralari yillariga yetariligi;
- qimmatli qog'ozlar emissiyasi hisobidan qo'shimcha sarmoyani jalb etish qiymati;
- qo'shimcha qarez sarmoyasini jalb etish qiymati;
- moliya bozorida kreditlardan foydalanish imkoniyati;
- kompaniyaning joriy moliyaviy faoliyati bilan aniqlanadigan kreditga layoqatlilik darajasi.

Aksiyadorlik jamiyat shakllantirishda ilgari olindan kreditlar bo'yicha to'lovlarning kechiktirib bo'lmasligi omilini ham ko'rib chiqish lozim, to'lov qobiliyatini ushlab turish dividend to'lovlarning o'sishiga qaraganda ancha ustuvor vazifa hisoblanadi.

Dividend siyosatini tashkil etishda hamda amalga oshirishning yakuniy bosqichi kuzatuv kengashi tomonidan dividendlarni to'lash siyosatini tashkil etish quyidagilardan iborat:



1-rasm. Dividendlarni to'lash siyosatini tashkil etish yakuniy bosqichlari.

1. Dividendlarni naqd pulda to'lash. Bu dividend to'lovlarining en sodda va keng tarqalgan shakli.

2. Dividendlarni aksiyalar bilan to'lash. Ushbu shakl aksiyadorlikga dividendlar summasidagi yangi chiqarilgan aksiyalarning taqdim etilishini nazarda tutadi. Bunday shakl keyingi davrda aksiyadorlik sarmoyasining o'sishini ko'zlovchi aksiyadorlarda qiziqish uyg'otadi. Joriy daromadni afzal ko'ruvchi aksiyadorlar esa qo'shimcha aksiyalarni fond bozorida sotish huquqiga ega.

3. Dividendlar jamiyatning jamiyat tasarrufida qoladigan sof foydasidan va o'tgan yillarning taqsimlanmagan foydasidan to'lanadi.

Kapital bozorini rivojlantirishning muhim omili bu dividend siyosatini takomillashtirish ekanligini ta'kidlab o'tish joiz. Shu tufayli kapital bozori rivojlangan xorijiy davlatlar tajribasini hisobga olgan holda korporativ harakatlar standartini joriy etish va dividendlarni to'lash tartibini takomillashtirish vazifasi xukumat tomonidan belgilangan.¹ Kapital bozorini rivojlantirishda dividend siyosati roli katta bo'lib, uni quyidagilarda ko'rish mumkin:

- kapital, moliya bozorini rivojlantirish omillaridan biri -daromadlar qayta taqsimlanishi orqali iste'mol bozorini muvofiqlashtirish vositasi;
- aholining moliyaviy savodxonligini oshirish imkonini beradi;
- dividendlardan soliq to'lovlari hisobiga davlat byudjeti daromadlarini oshishiga imkon beradi;
- investitsion jozibadorlikka ta'sir etadi;
- aksiyalar kursini shakllantiruvchi omil hisoblanadi;
- moliyaviy resurslarni shakllantirish jarayoniga ta'sir etadi;
- aksiyadorlik jamiyatlari kapitalizatsiya hajmiga ta'sir o'tkaza oladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, mamlakatimizda kapital bozorini rivojlantirish masalalariga yuqori darajada e'tibor berilayotganligi kapital bozoridagi talabni oshirish bo'yicha mavjud muammolarning kompleks yechimini ta'minlashga, kapital bozoridagi talabni oshirishni rag'batlantirishga qaratilgandir. Uning bir qismi sifatida dividend siyosatini rivojlantirish davr talabi bo'lib qolmoqda.

Kapital bozorini rivojlantirish maqsadida amalga oshirilayotgan ishlar rejasi albatta muhim ahamiyatga ega. Lekin bu tadbirlar avvalo mamlakat umumiy iqtisodiyoti yuksalishi bilan bir qatorda ijtimoiy sohani rivojlantirishga, ishsizlik muammosini xal qilishga, jamiyatda va iqtisodiy

¹Kunarov, R. and Buriyev, J. (2020) "Features of the dividend policy of commercial banks," International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 17. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/17/>

subyektlar o'rtasida daromadlarning to'g'ri va adolatli taqsimlanishiga xizmat qilishi shart.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 31.12.2008 yildagi O'RQ-197-son <https://lex.uz/docs/-1420858?query=dividend#sr-1>
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi "Kapital bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6207-sonli Farmoni. <https://lex.uz/docs/-5371091>
3. Sherkuzieva, N. and Omonov, S. (2020) "The current state of dividend policy in joint-stock companies in Uzbekistan and "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №3, июнь, 2021 й. ISSN: 2181-1016.
4. "International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 5, Article 16. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss5/16>
5. Kunarov, R. and Buriyev, J. (2020) "Features of the dividend policy of commercial banks," International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 17. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/17>


*Холбаев А. Ю.
Тошкент молия институти
мустақил тадқиқотчи*

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРИДА ИНФОРМАЦИОН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ ТАЖРИБАСИ

Информацион рискларни суғурталашнинг амалиётга кириб келишини Стивен Хаас номи билан боғлашади. У 1997 йилда «American International Group, Inc» (AIG) билан биргаликда «Интернет хавфсизлиги учун жавобгарлик сиёсати» бўйича биринчи ҳужжатни ёзган¹. Худди шундай ҳужжат 2000 йилда Лондоннинг Lloyd's суғурта компанияси томонидан ҳам ишлаб чиқилган.

Ўтган қисқа даврда халқаро суғурта бозорида кибер рискларни суғурталаш сегменти юқори суръатлар билан ривожланди. Жаҳонга машҳур Marsh халқаро суғурта ва қайта суғурта брокерининг маълумотларига кўра 2009 йилда кибер рискларни суғурталаш бўйича халқаро суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари 500 млн. АҚШ долларига етмаган бўлса, 2020 йил якунларига бу кўрсаткич 5,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, 2022 йилга бориб эса бу кўрсаткич 7 млрд. АҚШ долларига етиши прогноз қилинган (1-расмга қаранг).

¹ The Growth and Challenges of Cyber Insurance, Chicago Fed Letter, No. 426, 2019.



1-расм. Кибер рискларни суғурталаш бўйича халқаро суғурта бозорида йиғилган ва йиғилиши кутилаётган суғурта мукофотлари ҳажми динамикаси¹

Дарҳақиқат, «Кибер суғуртани ривожлантириш бўйича глобал ҳисобот»да² қайд этилишича 2025 йилга келиб ушбу йўналишда йиғиладиган суғурта мукофотлари ҳажми 21,4 млрд. АҚШ долларига етади ва шу даврда йиллик ўсиш 27,2 фоизни ташкил этади.

1-расмда келтирилган диаграммада кибер рискларни суғурталашнинг асосий салмоғи АҚШга тўғри келишини кўришимиз мумкин. Жаҳонда кибер рискларни суғурталаш борасида АҚШ етакчилик қилмоқда. 2017 йил ҳолатига кўра, АҚШ компанияларининг 34 фоизда кибер рискларни суғурталаш бўйича алоҳида полис мавжуд. Қолган компанияларнинг яна 44 фоизи суғурта брокери билан бундай полисни сотиб олишни муҳокама қилганликлари ҳақида хабар беришган³.

Бугунги кунда кибер суғурта билан шуғулланадиган жаҳоннинг етакчи суғурта компаниялари сирасига қуйидагилар киради:

- American International Group, Inc (AIG);
- Allianz Group;
- Berkshire Hathaway, Inc.;
- Marsh;
- Lockton Companies, Inc.;
- Chubb Limited;
- Munich Re Group;
- AXA XL SA;
- Tsurich Insurance Group;
- Lloyd's Group of London Ltd.

¹ Манба: www.marsh.com.

² Global Cyber Insurance Market (2019-2025).

³ <https://www.statista.com/statistics/728769/share-of-organizations-who-have-a-stand-alone-cyber-insurance-policy-usa>.

Швейцариянинг Цюрихда шахрида жойлашган «Chubb Ltd» жаҳонда энг машҳур ва энг йирик суғурта компанияларидан бири ҳисобланади. Унда жаҳон бўйлаб 31 000 ходим ишлайди. 2018 йил бошига «Chubb Ltd»нинг активи 167 млрд. АҚШ долларни ва ялпи йиғилган суғурта мукофоти 36 млрд. АҚШ долларини ташкил етган. Компания қуйидаги бир неча турдаги кибер суғурта маҳсулотларини тақдим этади:

- *ERM* – йирик корхоналар учун рискларни бошқариш;
- *DigiTech ERM* – технологик ва дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компанияларнинг талабларига мос кенгайтирилган ҳимоя;
- *Integrity+* – мижозлар, маҳсулот ёки хизмат етказувчилар ва учинчи шахсларнинг шикоятларини ҳал қилиш;
- *ForeFront Portfolio 3.0* – хусусий компанияларга мўлжалланган бўлиб, жиноятлар, маълумотларни ўғирланиши ва товламачиликлардан суғурталашни ўз ичига олади;
- *Chubb's Cyber Protection product* – жисмоний шахсларга мўлжалланган.

Қоплаш тури маҳсулотга боғлиқ бўлиб, учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик, тўлов карталаридан маблағ йўқолиши, фаолият фаоллигининг тўхташи, маълумотларни рақамли тиклаш, тармоқ орқали фирибгарлик ва товламачилик ва бошқа кўплаб хос рискларни суғурталашни кўзда тутди.

Суғурта суммаси энг ками 10 млн. АҚШ доллари, энг юқориси 100 млн. АҚШ доллари миқдорида белгиланади.

«AIG» номи билан жаҳонга машҳур «American International Group» суғурта компанияси 1919 йилда Шанхайда ташкил этилган бўлиб, 1926 йилда ўзининг биринчи офисини АҚШда очган. Бугунги кунда бу компания ўз фаолиятини жаҳоннинг 80 та давлатида олиб бормоқда, штаб-квартираси эса Нью-Йоркда жойлашган. 2017 йилда йиллик суғурта мукофотлари тушуми 49,52 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, умумий активлари 498,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этади, ходимлар сони қарийб 50 000 нафарга этади.

«AIG» кибер таҳдидларга қарши кенг ва ягона ёндашувни бошлаган суғурта компания, корхонадаги маълумотларни тарқалиши ёки ноқонуний фойдаланиш оқибатларидан ҳимоя қилиш учун «CyberEdge» суғурта дастурини ишлаб чиққан. Компанияларга маълумотларни ўғирлаш, хакерлар ҳаракати, ишчи персоналнинг хатоси ва бошқа шу каби таҳдидлардан ҳимояланишга ёрдам бериш учун «AIG» мижозларга кибер хавфсизлик ва кибер жиноятчиликни тергов қилиш хизматлари, юридик маслаҳатлар ва инқирозга қарши PR билан шуғулланувчи ташкилотларга мурожаат қилиш шароитини яратиб берган. Аслида бу йўқотишларни олдини олиш ва маълумотларни тарқатиш оқибатларини бартараф этиш учун қулай воситадир.

«AIG»нинг суғурта полиси мажбурий ва қўшимча ҳимояни ўз ичига олади. Мажбурийда қуйидагилар ҳимоя билан таъминланади:

- маълумотларни бузилиши билан боғлиқ зарарлар;
- маълумотларга нисбатан маъмурий суриштирув;
- маълумотларни бузилишига қарши ҳаракат қилиш харажатлари;
- ахборот мазмуни учун жавобгарлик;
- виртуал товламачилик;
- тармоқ узилиши.

Қўшимча ҳимояга ахборот мазмуни учун жавобгарлик, йўқотилган фойда учун компенсация киради. Суғурта суммаси 100 млн. АҚШ долларидадан ошмаган миқдорда белгиланиши мумкин.

Кибер суғуртанинг жозибадор дастурларидан бирини Англиянинг Lloyd's компанияси тақдим этган. Полис «Internet Asset and Income Protection Coverage» деб номланиб, унинг муҳим хусусияти хавфсизлик воситалари етказиб берувчисини танлаш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади. Бу дастур хавфсизлик тизимида бузилиш ёки унинг ишламай қолиши натижасида ахборот активларини йўқолиши ёки шикаст етиши хавфларини қоплайди. Ахборот активларига миждозлар рўйхати, кредит карта рақамлари, ишчи ҳужжатлар ва шу каби маълумотлар киради. Агар миждоз 20 минг АҚШ доллари тўласа, унда у 1 млн. АҚШ долларигача суғурта қопламасини олиш имкониятига эга бўлади. Бадал 75 минг АҚШ долларини ташкил этганда суғурта қопламаси миқдори 10 млн. АҚШ долларига ортади. Бошқача қилиб айтганда, суғурта мукофоти миқдори аниқ белгиланмаган ва биринчи ҳолатда 2 фоизни, иккинчисида эса 0,75 фоизни ташкил этади¹.

Россияда кибер рискларни суғурталашнинг пайдо бўлиши ўзининг аниқ санасига эга эмас. Ушбу суғурта турини амалга ошириш бўйича суғурталовчиларнинг айрим ташаббуслари 1997-1999 йилларда бошланган. Шу даврда биринчилардан бўлиб «Инфострах» ва «Ингосстрах» суғурта компаниялари Россия Федерацияси алоқа вазирлиги билан ушбу соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим тузишган. Ушбу битимга асосан кибер рискларни суғурта қилишнинг илмий-тадқиқот қисмини Бутунроссия ҳисоблаш техникаси ва ахборотлаштириш муаммолари илмий-тадқиқот институти ўз зиммасига олган. Бироқ, кибер рискларни суғурталашни бошланиш нуқтаси сифатида Россия Федерацияси Президенти томонидан «Россия Федерацияси ахборот хавфсизлиги Доктринаси» тасдиқланган 2000 йил 9 сентябр санасини кўрсатиш тўғрироқ бўлади. Ушбу доктринага биноан ахборот хавфсизлиги таҳдидларига қарши курашишнинг иқтисодий усуллари сифатида таҳдидлар юз берган тақдирда зарарни қоплашга қаратилган юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот рискларини суғурталаш тизимини яратиш кўзда тутилган. Шундан сўнг

¹ Косарев А.В. Страхование информационных рисков. – М., 2010.

кўплаб суғурта компаниялари ушбу соҳада фаолият кўрсатиш учун лицензия олишга муваффақ бўлдилар ва бу ҳолат Россия Федерациясида кибер рискларни суғурталаш бозорини шаклланишига шарт-шароит яратди.

Бугунги кунда Россия бозорида кибер суғурта полисини таклиф қилувчи бир қатор суғурта компаниялари мавжуд. Биринчилардан бўлиб «AIG»нинг Россиядаги шўъба компанияси кибер рискларни суғурталаш хизматини кўрсата бошлади. Унинг маҳсулоти 2013 йилда бозорга чиқди. Шунингдек, ушбу суғурта тури ҳозирда «Альянс», «Сбербанк страхование», «Ингосстрах» (2017 йилдан), «Альфа Страхование», «СОГАЗ» (2018 йилдан) суғурта компаниялари томонидан амалга оширилмоқда. Шунингдек ушбу бозорда «Marsh», «AON», «Willis», «Sealine» ва «ГрЕКО Интернешнл» суғурта брокерлари ҳам фаолдир. «Сбербанк страхование» суғурта компаниясининг прогнозига кўра, Россияда кибер суғурта бозори 2025 йилга келиб 8-10 млрд. рублга етиши мумкин¹. Таққослаш учун, 2019 йил ўрталарида бу бозорнинг ҳажми 10 млн. рублда баҳоланган.

Россия кибер суғурта бозорида суғурта компаниялари томонидан тақдим этилаётган суғурта маҳсулотлари ўзига хослиги билан фарқланади. Масалан, «Альфа страхование» суғурта компанияси «Альфа Cyber» полисини таклиф этиб келмоқда. Полис маълумотлар, дастурий таъминотнинг йўқолиши ва бузилиш хавфини (шу жумладан тўлов дастурлари вирусларини), шахсий маълумотларни ошқор қилинишини қоплайди ва кибер ҳужумларни текшириш ва диагностикасини ўз ичига олади. Шунингдек, полисда қуйидаги рисклардан ҳимоялаш кўзда тутилган: интеллектуал мулкни ўғирлаш, ҳисоблаш ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, товламачилик, маблағларни ўғирлаш, шахсий маълумотларнинг махфийлигини бузиш ва ошқора қилиш, ишбилармонлик обрўсига путур етказиш, фаолият жараёнининг тўхтаб қолиши.

«Allianz» кибер рискларни суғурталаш бўйича «Allianz Cyber Protect» маҳсулотини ишлаб чиқди. Полис қуйидаги риск тоифаларидан суғурта ҳимоясини таъминлайди:

- миждозларнинг шахсий ва молиявий маълумотларини йўқотиш учун фуқаролик жавобгарлиги;
- суғурталанувчининг фаолиятни тўхтаб қолиши ва кибер товламачилик туфайли кўрилган зарарлари;
- ходисани текшириш ва суд экспертлари ёрдами ҳаражатлари.
- Ҳозирги вақтда Россияда кибер рискларни суғурталаш тизимини яратишнинг асосий шартлари қаторида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:
- ахборот бозорининг кескин ривожланиши;

¹ <https://tass.ru/ekonomika/7661063>.

- давлат ва тижорат ташкилотлари учун ахборот тизимларини ҳимоялаш масаласининг долзарблиги;

- ахборотни сақлаш ва тарқатиш бўйича жавобгарликни ахборот тизимларини ишлаб чиқарувчилар, эгалари ва фойдаланувчилар ўртасида тақсимлаш заруратининг мавжудлиги.

Юқоридагилар билан бир қаторда бугунги кунда жаҳонда кибер суғуртанинг тез суръатлар билан ривожланмаётганлигига баъзи сабаблар мавжуд. Ушбу сабабларни қуйидаги расмда кўришимиз мумкин (2-расмга қаранг).

Расмдан кўришиб турибдики, кибер рискларни суғурталаш бўйича жаҳон савдосига тўсиқ бўлаётган асосий салбий омиллардан бири кибер рискларни тушунмасликдир. Тўғри, бундай ҳолат ушбу суғурта турининг янгилиги ва кенг тарқалмаганлиги билан изоҳланади.



2-расм. Кибер рискларни суғурталаш бўйича жаҳон савдосига салбий таъсир қилаётган омиллар¹

Бироқ, жаҳон миқёсида юз бераётган рақамлаштириш жараёни кибер хавфсизлик масаласини бирламчи поғонага кўтармоқда. Бу ўз навбатида, кибер суғуртага бўлган талабни кескин ортишига, демакки ушбу суғурта турини нафақат корпоратив секторда, балки аҳоли ўртасида кенг оммавийлаштиришга олиб келади. Бизнинг фикримизча, мижозлар томонидан кибер рискларни тушунмаслик ҳолати мавжуд бўлишига қарамай, истиқболда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини рақамлаштириш ушбу сегментни кескин ривожланиши учун катта салоҳият мавжудлигидан далолат беради деб ҳисоблаймиз.

¹ Манба: DELLOITTE UNIVERSITY PRESS, PARTNER RE ADVISEN билан биргаликда.

**ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ТИЗИМИ ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БАНК
КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ БОЗОР
МЕХАНИЗМЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ**

***Аннотация:** Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда инвестицияни молиялаштириш масалалари, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими ва инвестицион фаоллигини ошириш, кичик бизнесни молиялаштириш манбаларидан бири сифатида банк кредитларини олишдаги мавжуд муаммолар ва улар ечимдаги ёндошишлар кўрсатиб ўтилган.*

***Калим сўзлар:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари; инвестицион молиялаштириш; молиявий қўллаб-қувватлаш тизими; инвестицион фаоллик; банк кредитлари.*

***Аннотация:** В статье освещены вопросы финансирования инвестиций в малый бизнес и частное предпринимательство, система финансовой поддержки предпринимательства и повышения инвестиционной активности, существующие проблемы при получении банковских кредитов как одного из источников финансирования малого бизнеса и подходы к их решению.*

***Ключевые слова:** структуры малого бизнеса и частного предпринимательства; инвестиционное финансирование; система финансовой поддержки; инвестиционная деятельность; банковские кредиты.*

***Annotation:** The article highlights the issues of investment financing in small business and private entrepreneurship, the system of financial support for entrepreneurship and increasing investment activity, the existing problems in obtaining bank loans as one of the sources of financing small business and approaches to solving them.*

***Keywords:** small business and private entrepreneurship structures; investment financing; financial support system; investment activity; bank loans.*

Республикамиз миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиб боришининг етакчи омили сифатида фаол инвестицион фаолиятни амалга ошириш давр талабига айланиб бормоқда. Инвестиция ресурсларининг етарли эмаслиги, ноқулай инвестиция шароитлари, давлатнинг фаол инвестицион сиёсат борасидаги суғуст механизми мамлакатда хўжалик юритиш субъектларининг инвестицион фаолиятларини юритишларида бевосита ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ҳар қандай инвестицион лойиҳани амалга ошириш босқичида, маълумки молиявий ресурсларнинг мавжудлиги тақоза этилади. Инвестицияни молиялаштириш манбаларининг тузилмаси асосан, мамлакатдаги иқтисодий сиёсат, қонунчилик (асосан солиқ қонунчилиги), инвестицияни жалб қилиш инфратузилмаси аҳолига боғлиқ бўлади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида инвестициялар ва инвестицион фаолиятга оид жараёнлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади ва бу муносабатларнинг ҳуқуқий базаси ҳисобланади ва қонунда таърифланганидек, “Инвестиция сиёсати – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи”дир [1].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжалик юритиш тузилмалари инвестицион базасининг ривожланиши кўп жиҳатдан уларни молиявий томондан қўллаб-қувватлашнинг давлат сиёсати ўтказилаётганлиги билан боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, инвестицион сиёсатни фаол олиб бориш иқтисодиётимиздаги барқарорликни, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил бўлишига ва амалга ошаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармони [2] кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор даражада ривожлантиришни мамлакат иқтисодий ҳаётида давр тақозасига айлантирди.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашга қаратилган ҳозирги босқичда тадбиркорлик субъектлари учун инвестицияни қайси манбалар ҳисобидан молиялаштириш устидан бош қотиришлари зарурияти пайдо бўлмоқда.

Айнан бу масалада, хўжалик субъектларида, хусусан хусусий корхоналарда ўз маблағларининг етишмовчилиги инвестициялашни молиялаштиришнинг манбаларидан бири бўлган банк кредитларига эҳтиёж уйғотади. Банк тизими миллий иқтисодиётнинг муҳим элементи ва тармоғи бўлганлиги сабабли, биз ишонч билан айтишимиз мумкинки, банклар мамлакатимиз пул тизимининг барқарорлигини таъминлашда ва кенг кўламли банк фаолиятини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Тижорат банклари депозитларни қабул қилиш ва кредитлаш, миқдорлар ҳисобини юритиш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, депозитлар бўйича фоизларни тўлаш, қимматли қоғозларни сотиб

олиш ва сотиш, валюта операциялари ва бошқа банк хизматларини кўрсатадилар. Банк хизматлари ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган энг оммабоп хизмат бу кредитдир.

Кредит бериш ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар томонидан талабга эга бўлганлиги учун ҳам бу хизмат банклар томонидан кенг миқёсда олиб борилади.

Қарз (кредит) орқали молиялаштириш – бу лойиҳани амалга оширишда молиявий ресурслардан фойдаланиш устидан қаттиқ ташқи назорат барпо этишга олиб келади ва муайян зарар эвазига гаровни расмийлаштириш ва ресурслардан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш зарурлигини тақоза этади [3, 113 б.].

Лойиҳани молиялаштириш - бу лойиҳани кредитлаш тарзидаги олдиндан назарда тутилган муддат бўлиб, лойиҳани амалга ошириш жараёнида олинган даромад ҳисобидан кредит тарзида олинган молиявий ресурсларни қайтариш кафолатини таъминлаш мажбурияти белгиланади.

Инвестицияларни молиялаштириш учун кредит капиталини ишлатиш амалий жиҳатдан анча қийин кечади, чунки банклар кредитларни юқори фоиз миқдоридан таклиф қиладилар. Юқори фоизли кредитлар барқарор ишлаётган корхоналарни оғир молиявий аҳволга солиб қўяди. Кредитларни расмийлаштиришдаги ортиқча молиявий харажатлар (кредит суммасидан муайян фоизда сугурта учун, нотариал расмийлаштириш учун тўланади) ҳам қўшимча юқдир. Банк бу расмийлаштиришларсиз ўз кредитини бермайди. Халқаро молия корпорацияси ўтказган сўровлар натижаларига кўра, банклардаги расмиятчилик энг асосий муаммо бўлиб қолаётганлигини 35% респондентлар тасдиқлаган [4]. Шу сабаб, тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг умуминвестициядаги улуши анча камдир ва бу кўрсаткич 2020 йилда 14.1% ни ташкил этиб, ўтган йиллар мобайнида бу даражанинг ўзгаришида сезиларли силжиш кузатилмаяпти.

Ҳамма кредитлар асосий фондлар гарови остида берилади, уларнинг мавжудлиги эса айниқса кичик хўжалик юритиш субъектларида чегаралангандир. Шунинг учун, қарз маблағлари қисқа муддатли кредитлар кўринишида асосан айланма маблағларни тўлдириш ёки савдо-воситачилик операцияларида фойдаланилади.

Кичик тадбиркорликда инвестицияни молиялаштириш манбаларидан бири сифатида банк кредитларини олишда тижорат банкларининг лойиҳаларга ишончли кафилликсиз кредит беришни истамасликлари муаммолари унинг ривожланишида ва рақобатдошлигини таъминлашда тўсиқ бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, кичик бизнесни банклар томонидан бу масалада рағбатлантирилиши шубҳасиз, юқори самарали бозор иқтисодиётига ўтишнинг амалий шарт-

шароити бўлиб ҳисобланади. Кичик корхоналарда кредитлар олиш учун зарурий гаров имкониятларининг йўқлиги, кафолат тизими ва лизинг механизмини яхши йўлга қўйилмаганлиги бозор стратегияси одимларига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Шундан хулоса қилишимиз мумкинки, тадбиркорликни ривожланишига тўсиқ бўлаётган бош сабаблардан бири - энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими бозор ислохатларини чуқурлаштиришнинг устувор йўналишида сусткашлик қилаётганлигидир. Ваҳоланки, Германияда кичик ва ўрта компанияларни ривожланишида қўллаб-қувватлаш ва кўмак кўрсатиш мақсадида уларни молиялаштириш имкониятларини кенгайтирадиган хусусий банклар давлат томонидан рағбатлантирилади. Бу мамлакатда 2 млн. кичик ва ўрта фирмалар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ЯИМнинг 50%ини ташкил этади. Бу фирмалар йирик корхоналар билан ишлаб чиқаришни бошқариш ва янги техника ва технологияларни татбиқ этишда рақобатлашмоқдалар [5]. Молия-кредит тизимининг фаол ҳаракати эса кичик ва хусусий бизнесга барқарор ишлаётган корхоналар билан муаффақиятли рақобатга киришга имкон берар эди. Кичик ва хусусий бизнесда бошлангич капитални шакллантириш учун молиявий ресурслар тақчиллиги уларнинг инвестицион фаоллигини чегаралаб турибди ва афзал даражада воситачилик соҳасининг ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик тадбиркорликни ривожлантиришда давлат кўмагининг бир кўриниши сифатида инвестицион фаолликни ошириш манбаларидан бўлган кредит маблағлари билан таъминлаш шарт-шароитларини яратиш ва бу ишлар рағбатлантирилиши зарур.

Бу борада қатор тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир ва улар жумласига, фикримизча, қуйидагилар киради:

- кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун бошлангич капитални имтиёзли кредитлар асосида шакллантиришга кенг имконият берилиши;

- кичик корхоналарни молиялаштириш учун турли хил манбалардан маблағларни жалб этиришнинг илғор тузилмаларини шакллантириш;

- кичик ва хусусий бизнес корхоналарига кредитлар беришни суғурта қилиш махсус тузилмаларини ташкил этиш;

- кичик ва хусусий бизнес субъектлари лойиҳалари остида кредит берувчи молия-кредит муассасаларига кафиллик берувчи кафолат фондларини яратиш;

- кредит олиш ва уни қоплаш билан боғлиқ харажатларни таннарх таркибига киритиш билан кичик корхоналарга имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 3-моддаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлашга, хусусий мулкни ҳар тамонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони –Т.: 2016 йил 5 октябрь, ПФ-4848-сон.
3. Абдуллаева Ш.Р. Развитие форм финансирования инвестиционных проектов // Альманах мировой науки. 2016. №1-3. с. 112-115.
4. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса. Отчет. - Международная финансовая корпорация., 2003г.,- 160с.
5. Попонова Н.Г., Павлюченко В.П. О налогообложении предприятий в ФРГ.//Финансовая газета. -1998. №14(4). с.5.

*Иброҳимов Д.М.
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
Зайдуллаев А.Б.
ТДИУ магистранти*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тижорат банклари тижорат асосида банк фаолияти, яъни маблағларни жалб қилиш ва кредитларни тақдим этиш, банк ҳисобварақларини очиш ва уни юритиш ҳамда тўловларни ўтказиш каби амалиётларни амалга оширувчи кредит ташкилотидир. Тижорат банклари - бўш пулга (жамғармага) эга ва пулга муҳтож бўлганлар ўртасидаги воситачилардан бири ҳисобланади.

Тижорат банклари ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахснинг ҳисобварағи ёки омонати (депозити) очилганлиги (ёпилганлиги), ҳисобварағи ёки омонати (депозити) реквизитларининг ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ахборотни тегишли ходиса рўй берган кундан эътиборан уч кун ичида электрон шаклда, ўзи жойлашган ердаги солиқ органига маълум қилиши шарт.

Ахборотни банк томонидан маълум қилиш тартиби ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ органининг банк миждозига нисбатан ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровига биноан банк ёзма сўров олинган кундан эътиборан уч кун ичида солиқ органларига қуйидагиларни бериши шарт:

1.Мижознинг банкда ҳисобварақлари ва омонатлари (депозитлари) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни.

2.Мижознинг ҳисобварақлари ва омонатларидаги (депозитларидаги) пул маблағларининг қолдиқлари ҳақидаги маълумотларни.

3.Мижознинг ҳисобварақларидаги операцияларга ҳамда омонатларига (депозитларига) доир кўчирмаларни.

4.Солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бошқа маълумотларни.

Ахборот, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда чет давлат ваколатли органининг сўрови асосида ҳам солиқ органлари томонидан банкдан сўраб олинishi мумкин.

Солиқ органи томонидан банкка сўров юбориш шакли ва тартиби ҳамда банклар томонидан солиқ органларининг сўровларига кўра ахборот тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Тижорат банклари солиқ тўловчининг пул маблағлари ҳисобидан солиқни бюджет тизимига ўтказишга доир тўлов топшириқномасини, шунингдек солиқ органининг солиқни бюджет тизимига ўтказишга доир инкассо топшириқномасини бажариши шарт.

Солиқ тўловчининг топшириқномалари ва солиқ органининг инкассо топшириқномалари фуқаролик қонунчилигида белгиланган навбат бўйича бажарилиши лозим.

Солиқ тўловчининг топшириқномаси ёки солиқ органининг инкассо топшириқномаси бундай топшириқнома олинган кундан кейинги бир операция куни ичида банк томонидан бажарилади.


Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлган ва тўлов ҳужжатида реквизитлари тўғри кўрсатилган тақдирда банк солиқ тўловчининг топшириқномасини ёки солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажаришни кечиктиришга ҳақли эмас.

Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағларининг йўқлиги (етарли эмаслиги) сабабли солиқ органининг инкассо топшириқномасини белгиланган муддатда бажаришнинг имкони бўлмаганда, банк белгиланган муддат тугаганидан кейинги кундан кечиктирмай инкассо топшириқномасини юборган солиқ органига унинг топшириқномаси бажарилмаганлиги (қисман бажарилганлиги) тўғрисида хабар қилиши шарт.

Солиқ тўловчининг топшириқномаси ёки солиқ органининг инкассо топшириқномаси бажарилмаганлиги (қисман бажарилганлиги) тўғрисидаги банк хабарномасининг шакли ва уни электрон шаклда узатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тижорат банклари солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Жавобгарлик чораларининг қўлланилиши банкни солиқ тўловчининг топшириқномасини ёки солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажариш мажбуриятдан озод этмайди.



1-диаграмма. Давлат бюджетининг умумий даромадларидаги улуши (%)

Тижорат банклари солиқ тўловчиларнинг топшириқномаларини ва солиқ органларининг инкассо топшириқномаларини кўрсатилган операциялар бўйича хизмат кўрсатилганлиги учун ҳақ ундирмасдан бажаради. Солиқ тўловчиларга ёки солиқ агентларига ортиқча тўланган (ундирилган) солиқлар, пенялар ва жарималар суммаларини қайтариш бўйича банклар томонидан топшириқномалар бажарилганда кўрсатилган операциялар бўйича хизмат кўрсатилганлиги учун ҳам ҳақ ундирилмайди.

Солиқ мажбуриятининг бажарилиши мол-мулк гарови, кафиллик, банк кафолати, пенялар, банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларнинг тўхтатилиши ва солиқ тўловчининг мол-мулкини хатлаш билан таъминланиши мумкин.

Тижорат банклари хорижий валютани нақд ва нақд пулсиз шаклларда сотиб олиш ва сотиш, банк консалтинг ва инфорацион хизматлар, ҳужжатларни ва бошқа қимматбаҳо нарсалар ва ҳоказоларни сақлаш учун сейф ва ячейкаларни ижарага бериш билан боғлиқ хизматлар кўрсатади.

Тижорат банкларининг хизматлар тури:

Жисмоний шахсларга	Юридик шахсларга
<ul style="list-style-type: none"> • Пул ўтказмалари • Омонатлар • Банк карталари 	<ul style="list-style-type: none"> • Пул ўтказмалари • Депозитлар • Банк карталари

<ul style="list-style-type: none"> • Кредит маҳсулотлари • Конверсион амалиётлари • Мобил банкинг • Индивидуал сейф ва ячейкалар • Ҳисоб-китоб ва касса хизматлари • Тўловларни қабул қилиш • Коммунал тўловларни амалга ошириш • Жамғарма сертификатлари • Мол-мулкни ишончли бошқариш 	<ul style="list-style-type: none"> • Кредит маҳсулотлари, шу жумладан хорижий валютада • Лизинг • Факторинг • Конверсион амалиётлари • Интернет-банкнинг • Индивидуал сейф ва ячейкалари • Ҳисоб-китоб ва касса хизматлари • Хорижий кредит линиялари • Лойиҳаларни молиялаштириш • Суғурта ташкилотлар номидан суғурта шартномасини тузиш • Омонат сертификатлари • Мол-мулкни ишончли бошқариш
--	--

Тижорат банкларига молиявий амалиётлар билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, суғурта ва бошқа фаолият билан бевосита шуғулланиш тақиқланади. Юқорида таъкидланганидек, тижорат банкларининг асосий мақсади фойда олишдир.

Тижорат банклари даромадлари:

Фоизлар эвазига даромадлар:	Фоизсиз даромадлар:
<ul style="list-style-type: none"> • кредитлар • бошқа тижорат банкларига берилган қарзлар • инвестициялар • қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш келишувлари • Марказий банкдаги ҳисоблар • қарз мажбуриятларига инвестициялар • лизинг операциялари ва ҳоказолар 	<ul style="list-style-type: none"> • миқдорлар учун ҳисоб-китоб ва касса хизматлари • банк қафолатларини тақдим этиш • миқдорларнинг валюта шартномалари бўйича хизмат кўрсатиш • конверсия амалиётлари • брокерлик ва депозитар хизматлари • пластик карталар билан амалиётлар • ишончли бошқариш амалиётлари • факторинг хизматлари • депозит сақлаш ва бошқалар

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари ўзгарган тақдирда ва солиқ қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда солиқни тўлаш мажбурияти банк қафолати билан таъминланиши мумкин.

Агар солиқ тўловчи тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини ва тегишли пеняларни белгиланган муддатда тўламаса, банк қафолати туфайли банк (қафолат берувчи) солиқ органлари олдида солиқ тўловчининг солиқни тўлаш бўйича мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Банк қафолати қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

-кафолат қайтариб олинмайдиган ва бошқа шахсга ўтказилмайдиган бўлиши керак.

-кафолатда солиқ органи томонидан кафолат берувчига ушбу моддада назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишга доир кўрсатма бўлиши мумкин эмас.

-амал қилиш муддати, солиқ тўловчи томонидан банк кафолати билан таъминланган солиқ тўлаш мажбуриятини бажаришнинг белгиланган муддати ўтадиган кундан эътиборан камида олти ойдан кейин тугаши керак.

-қайси суммага берилган бўлса, ўша сумма кафолат берувчи томонидан солиқ тўловчининг солиқни ва тегишли пеняларни тўлаш бўйича мажбурияти, тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаши керак.

-кафолат берувчи томонидан ушбу банк кафолати бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисидаги талабнома белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, солиқ органи томонидан тўлаш мажбурияти банк кафолати билан таъминланган суммаларни кафолат берувчидан ундириш чоралари қўлланилишини назарда тутиши керак.

Солиқ тўловчи томонидан солиқни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилиши банк кафолати билан таъминланган солиқ белгиланган муддатда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ органи солиқни тўлаш тўғрисидаги талабномани бажариш муддати тугаган кундан эътиборан беш кун ичида кафолат берувчига банк кафолати бўйича пул суммасини тўлаш ҳақида талабнома юборади.

Тижорат банклари кафолати бўйича мажбурият кафолат берувчи томонидан у банк кафолати бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисида талабнома олган кундан эътиборан беш кун ичида бажарилиши лозим.

Кафолат берувчи солиқ органига банк кафолати бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани қаноатлантиришни рад этишга ҳақли эмас.

Қоидалар пенялар ва жарималарни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи банк кафолатларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки чет эл юридик шахси томонидан солиқни тўлаш мажбурияти халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтингга эга бўлган чет эл банкининг банк кафолати билан таъминланиши мумкин.

Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг капиталлашиш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим.

-пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта ва унинг айирбошлаш курси барқарорлигини кучайтириш, аҳолининг банк депозитларига кўядиган омонатлари кўпайишини рағбатлантириш, банкдан ташқари айланмада қолаётган молиявий маблағлар ва оқимларни банк айланмасига жалб этиш;

-тижорат банклари барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ошириш, банкларни капиталлаштириш, уларнинг устав жамғармалари ва айланма маблағларини кўпайтириш, кредит портфелларини соғломлаштириш ва даромадини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш;

-тижорат банкларини тўлиқ хусусийлаштириш, банк ва лизинг хизматларининг тўлақонли бозорини шакллантириш, халқаро банк ва молия капиталини кенг кўламда жалб этган ҳолда кўшма банклар ташкил қилиш;

Бобоқулов А.М
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
Зайдуллаев А.Б
ТДИУ магистранти

СОЛИҚ ҚАРЗИНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲИСОВВАРАҚЛАРИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН УНДИРИШ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тижорат банклари иқтисодиётнинг “қон томир тизими” бўлиб, аҳоли ва бизнеснинг тўпланиб қолган жамғармаларини тақсимлаш орқали иқтисодиётни зарур молиявий ресурслар билан таъминлайди. Бу воситачилик иқтисодиётни янада ривожлантириш учун зарур бўлган “ёқилғи” билан таъминлайдиган омилдир.

Воситачи сифатида тижорат банклари пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўлаш шарти билан омонатларни жалб қиладилар ва уларни аҳоли ва тадбиркорларга кредитлар ва инвестициялар шаклида фоиз эвазига тақдим этадилар.

Ўзбекистонда тижорат банк фаолиятини юритиш учун Марказий банк томонидан бериладиган банк лицензиясини олиш зарур. Ушбу лицензия муддатсиз ва учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

Тижорат банклари хизматлари:

Биринчидан, банклар сизнинг маблағингиз билан самарали фойдаланишни ва хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, омонатга пулингизни қабул қилиб, фоиз тўлаш орқали маблағларингизни кўпайтириб беради.

Иккинчидан, маблағ керак бўлганда ёки зарур нарсаларни сотиб олиш учун жамғармаларингиз етарли бўлмаганда, тижорат банклари кредитлар

тақдим этиши мумкин. Мисол учун, уй, техника, автомобил, мебел сотиб олиш, ўқиш тўловлари ва бошқалар учун кредитлар олишингиз мумкин.


Учинчидан, банкларнинг кассалари ва мобил иловалари орқали маҳсулотларнинг хариди, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар, жарималар ва бошқалар учун тўловларни амалга ошириш осон.

Тўртинчидан, нақд пулсиз маблағлар билан тўлаш учун тижорат банкларида ҳисобварақ очиш мумкин. Бу, онлайн дўконларда амалга оширилган харидлар учун энг қулай тўлов йўли ҳисобланади. Банк ҳисобварағига маблағингизни қўйиб, уларни хавфсизликда сақлайсиз.

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

2021 йил ноябрь ойидаги солиқ ҳисоботининг таҳлили



1-диаграмма. Давлат бюджетининг умумий даромадларидаги улуши (%)

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

- ушбу солиқ тўловчи томонидан солиқ органига молиявий ва солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда.

- солиқ тўловчи томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда.

- солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога киришига тўсқинлик қилишда.

Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текшириляётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради.

- солиқ тўловчининг ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини аниқлатади.

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонунчилигига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қуйидагилар асосида қарор қабул қилинган тақдирда бекор қилинади:

- солиқ тўловчи томонидан молиявий ва солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан кейин бир кундан кечиртирмасдан.

- солиқ органининг талабига жавобан ҳужжатлар, тушунтиришлар ва тузатишлар тақдим этилган куни.

- солиқ органининг текширув ўтказётган мансабдор шахсларига кириш ҳуқуқи берилган кундан кейин бир кундан кечиктирмай.

- солиқ тўловчининг у маълум қилган манзилида йўқлигининг асослилиги солиқ органи томонидан эътироф этилган кундан кейин бир кундан кечиктирмай. Бундай эътироф учун солиқ тўловчининг вакили солиқ тўловчи ҳисобда турган жойдаги солиқ органига зарур тушунтиришларни шахсан тақдим этиши шарт.

Солиқ тўловчи бошқа солиқ органида ҳисобга қўйилганда, агар ҳисобда туриш жойи ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар олдинги ҳисобда туриш жойидаги солиқ органига маълум бўлмаса, шунингдек техник хатолар юз берганда ва бошқа шу каби ҳолларда солиқ тўловчининг ҳисобга олинган жойда йўқлиги асосли деб эътироф этилиши мумкин.

Солиқ тўловчининг унинг филиали ёки алоҳида бўлинмаси ҳисобда турган жойда ёхуд солиқ солиш объекти ҳисобланган мулки жойлашган ерда йўқлиги, хусусан филиал ёки алоҳида бўлинма тугатилган ёки кўрсатилган мулк реализация қилинган тақдирда асосли деб эътироф этилиши мумкин.

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисидаги қарор банкка электрон шаклда бундай қарор қабул қилинган кундан кейинги кундан кечиктирмай юборилади.

Солиқ тўловчининг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ва тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисидаги солиқ органининг қарорларини банкка электрон шаклда юбориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш муддати ёки бундай қарорни банкка юбориш муддати бузилган тақдирда тўхтатиб туриш режими амал қилган пул маблағлари суммасига фоизлар ҳисобланади, бу фоизлар солиқ органи томонидан солиқ тўловчига муддат бузилган ҳар бир календарь кун учун тўланиши лозим.

Агар солиқ органи солиқ тўловчининг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида ноқонуний қарор чиқарган бўлса, тўхтатиб туриш режими амал қилган пул маблағлари суммасига нисбатан банк солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан то уни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олгунга қадар ҳар бир календарь кун учун ушбу солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган фоизлар ҳисобланади.

Фоиз ставкаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар ноқонуний тўхтатиб турилган, солиқ органи солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ёки солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни банкка юбориш муддатини бузган кунларда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг этиб қабул қилинади.

Солиқ органининг солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори банк томонидан сўзсиз бажарилиши лозим.

Солиқ органининг қарорига кўра ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатиб турилиши оқибатида солиқ тўловчи кўрган зарар учун банк жавобгар бўлмайди.

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш банк солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида солиқ органининг қарорини олган кундан эътиборан, то солиқ органининг ушбу тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисидаги қарори олинган кунга қадар амал қилади.

Солиқ тўловчининг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор банкка электрон шаклда юборилганда банк ушбу қарорни олган сана ва вақт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тартибда белгиланади.

Агар солиқ тўловчининг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг солиқ тўловчининг номи ва унинг солиқ органининг ушбу қарорига мувофиқ операциялар тўхтатиб турилган банкдаги ҳисобварағи реквизитлари ўзгарса, мазкур қарор банк томонидан ўз номини ўзгартирган солиқ тўловчига ва реквизитлари ўзгартирилган ҳисобвараққа нисбатан ижро этилиши шарт.

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида солиқ органи ёки суднинг қарорини олганидан кейин банклар ушбу солиқ тўловчига янги ҳисобварақлар, омонатлар ва депозитлар очишга ҳақли эмас.

Солиқ қарзи белгиланган муддатда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ қарзини ундириш ундирувни банк ҳисобварақларидаги пул маблағларига шу жумладан, корпоратив карталардаги пул маблағларига қаратиш йўли билан мажбурий тартибда амалга оширилади.

Ушбу қоидалар фақат юридик шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ қарзини ундириш солиқ органи томонидан мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварағи очилган банкка ушбу шахснинг ҳисобварақларидан зарур пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджетга ўтказиш учун инкассо топшириқномасини электрон шаклда юбориш йўли билан амалга оширилади.

Солиқ органининг мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджетга ўтказишга доир инкассо топшириқномасининг шакли ҳамда уни банкка юбориш тартибини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда белгилайди.

Агар солиқ тўловчи солиқни тўлаш учун тўлов топшириқномасини мустақил равишда юбормаган бўлса, солиқ органининг инкассо топшириқномаси солиқ тўловчининг ҳисобварағига солиқни тўлаш учун белгиланган муддат тугагач уч иш кунидан кечиктирмай қўйилади.

Солиқ органининг мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджет тизимига ўтказишга доир инкассо топшириқномаси банк томонидан фуқаролик тўғрисидаги қонунчилигида белгиланган тўловлар навбатини ҳисобга олган ҳолда банк томонидан сўзсиз бажарилиши шарт.

Қуйидаги ҳолларда солиқ органлари мажбуриятга эга шахсларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджет тизимига ўтказишга доир бажарилмаган инкассо топшириқномаларини чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилади:

-солиқ қарзига нисбатан кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилганда.

-солиқ қарзи узилганда, ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммалар ҳисобга олиниши муносабати билан солиқ қарзи узилганда.

-ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилганда.

-тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича солиқ ва пеня суммалари камайтирилганда.

Солиқ қарзини ундириш миллий валютадаги талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларидан, бундай ҳисобварақларда маблағлар етарли бўлмаган тақдирда эса мажбуриятга эга шахснинг чет эл валютасидаги талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларидан амалга оширилиши мумкин. Мажбуриятга эга шахснинг валюта ҳисобварақларидан солиқ қарзини ундириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сотиладиган санада белгиланган курси бўйича миллий валютада ундириладиган суммага эквивалент суммада амалга оширилади.

Солиқ қарзини ундириш муддатли депозитларга жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан, уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амалга оширилмайди.

Валюта ҳисобварақларида турган маблағларни ундириш чоғида солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) инкассо топшириқномаси билан бир вақтнинг ўзида банкка мажбуриятга эга шахснинг валютасини сотиш учун топшириқнома юборади. Мазкур топшириқнома банк томонидан у олинган кундан кейинги операция кунидан кечиктирмай бажарилади. Чет эл валютасини сотиш билан боғлиқ харажатлар шу мажбуриятга эга шахснинг ҳисобидан амалга оширилади.

Солиқ органининг мажбуриятга эга шахснинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджет тизимига ўтказишга доир инкассо топшириқномаси банк томонидан инкассо топшириқномаси олинган кундан кейинги бир операция кунидан кечиктирмай, валюта ҳисобварақларидан ундиришда эса икки операция кунидан кечиктирмай бажарилади.

Агар банк томонидан солиқ органининг инкассо топшириқномаси олинган кунда мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварақларида уни бажариш

учун пул маблағлари етарли бўлмаса, инкассо топшириқномаси шу ҳисобварақларга пул маблағлари келиб тушишига қараб, ҳар бир бундай тушум кунидан кейинги бир ёки икки операция кунидан кечиктирмай, ҳисобварақ валютасига боғлиқ ҳолда бажарилади. Мазкур инкассо топшириқномаси банк томонидан фуқаролик тўғрисидаги қонунчилигида белгиланган тўловлар навбатини ҳисобга олган ҳолда банк томонидан бажарилади.

Тижорат банкларининг инвестицион жозибadorлигини ошириш масалалари, шунингдек, мамлакат банк секторини модернизация қилиш, тижорат самарadorлигини ошириш ўрта ва узоқ муддатли стратегияни шакллантириш учун активларни тақсимлашни оптималлаштириш механизмларини ўз ичига олган банк-молия секторини тизимли ўзгартириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

-пул-кредит сиёсати воситаларини, жумладан лойиҳаларни молиялашни янада такомиллаштириш, нақд ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига харидорлар талабини рағбатлантирувчи турли хил истеъмол кредитларини ривожлантириш бўйича аниқ чоратадбирлар қабул қилиш;

-иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда, инвестиция дастурларини амалга оширишда, биринчи галда иқтисодиётнинг реал тармоқларига инвестиция киритиш учун маблағлар жалб этишда тижорат банкларининг фаол иштирок этиши;

-тижорат банкларининг корхоналарни хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларида кенг иштирок қилиши, қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг операцияларини ва банкларнинг корхоналарни ишончли бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш;

-тижорат банкларини касбий жиҳатдан юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, банк ходимларининг масъулияти ва маданиятини ошириш.

Холматов С.Н.

Тошкент молия институти

МОЛ-МУЛК СУҒУРТАСИДА АНДЕРАЙТИНГ

Суғурта ривожланишининг асосий тенденциялари инсон, жамият, давлат, хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини рисклардан ҳимоя қилишнинг ишончли воситасини яратиш зарурати билан боғлиқдир. Шу нуктаи назардан, андерайтинг суғурта компаниясининг операцион фаолиятини бошқаришнинг асосий бўғини бўлиб, андерайтинг натижаси асосан суғурта компаниясининг фаолият натижасини белгилайди.

Суғурта компаниялари олдида турган асосий муаммо суғуртада андерайтинг жараёнини ташкил этиш ва бошқариш усулларини

такомиллаштириш, уларга суғурталанувчиларнинг индивидуал рисклари билан оператив ишлаш ва суғурта компаниясининг андерайтинг натижасини яхшилаш имконини беради.

Суғурта соҳасининг асосий бизнес жараёнларидан бири бу суғурта шартномаларини андерайтинг қилишдир. Суғурта фаолиятининг ушбу жараёни орқали суғурта компаниясининг асосий функцияси – рискни баҳолаш ва суғурта қабул қилишни амалга оширишдир. Ушбу жараённинг муҳимлигига қарамай “андерайтинг” тушунчасига аниқ бир таъриф мавжуд эмас, шунингдек бу борада ҳеч қандай меъёрий-ҳужжатларда ва стандартларда аниқлик киритилмаган.

Суғурта компаниясининг фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Бу жараённинг турли жиҳатлари суғурталовчининг мижозлари жалб қилиш, суғурта шартномаларини юритиш, сақлаш ва суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тегишли функцияларни амалга оширишни акс эттиради.

Ҳар бир функцияни амалга ошириш муайян бизнес жараёнлар шаклида юз беради. Умуман олганда, қуйидаги асосий функцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) Суғурта маркетинги;
- 2) Нархнинг шаклланиши;
- 3) Суғурта андерайтинги;
- 4) Зарарларни қоплаш;
- 5) Бухгалтерия ҳисоби;
- 6) Қайта суғурталаш;
- 7) Инвестиция;
- 8) Актуар таҳлил;
- 9) Бошқа.

Миллий суғурта компаниялари юқори сифатли андерайтингни иқтисодий фаолиятнинг сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдор кўрсаткичларига урғу берилганлиги сабабли андерайтингни рақобатбардош устунлик сифатида кўриб чиқишмайди.

Андерайтинг бизнес жараёнининг энг кенг тарқалган муаммоли стратегик режалаштиришнинг етишмаслигини ўз ичига олади.

Андерайтингнинг фалсафаси бу суғурта компаниясини ривожлантиришнинг умумий тушунчаси, унинг стратегиясини шакллантириш, суғурта қилиш тамойиллари, суғурта компанияси эгаллага умид қилаётган суғурта бозоридаги улушини режалаштиришни белгилаш, суғурта портфели, суғурта маҳсулотларини сотиш каналлари, мақсадли истеъмолчилар гуруҳини шакллантириш ва суғурта операцияларини амалга оширишдан кутилаётган рентабиллик даражасини аниқлаштиришдан иборатдир.

Унинг асосида суғурта компаниясининг бозор сегменти, истеъмолчилар гуруҳлари, суғурта объектларига қўйиладиган талаблар,

тақдим этиладиган ҳимоя миқдорлари, суғурта суммаларининг ва мукофотларнинг минимал миқдори, суғурта суммалари бўйича қарорларнинг тизимли комбинациясидан иборат бўлган андерайтинг сиёсати ишлаб чиқилади.

Андерайтинг сиёсати алоҳида ҳужжат бўлиб, унга қайта суғурталовчилар катта эътибор берадилар, шунинг учун ушбу ҳужжат мавжуд бўлмаганда айрим қайта суғурта компаниялари суғурталаш учун маълум рискларни қабул қилишдан бош тортадилар.

Қайта суғурта компаниялари облигаторли суғурта шартномага “андерайтинг сиёсатини ўзгартириш тўғрисида”ги махсус банд қўшишни талаб қилишлари одатий ҳолга айланиб бормоқда, сабаби суғурта компанияси қайта суғурта компаниясининг розилигисиз суғурта сиёсатини ўзгартиришга ҳақли эмаслигидан келиб чиқади.

Бунинг сабаби шундаки, андерайтинг маълумотлар файли ҳар бир алоҳида объектни суғурта қилиш бўйича қабул қилинган барча қарорларни ўз ичига олган файл бўлиб, унда ариза, объектнинг текширув далолатномаси, ҳисоб-китоб варақаси, имзоланган ўзгаришлар, қайта суғурталашни тасдиқлаш, мижоз билан ёзишмалар, объектнинг фото суратлари ва бошқалардан иборатдир.

Ушбу файл ходимларнинг алмашинувида, қўнимсизлигида зарур бўлади, сабаби бошланғич тарифни шакллантириш ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан объектни янги муддатга суғурталаш ёки амалдаги шартномага ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлмайди.

Хатолардан бири шундан иборатки сотувчи ва андерайтер (ҳатто суғурта оламида бу позициянинг таърифи ҳам пайдо бўлга “сотувчи андерайтер”) функцияларининг биргаликда олиб борилишидир, бу эса манфаатлар тўқнашувига олиб келади. Сотувчи-андерайтер режани бжариш ёки комиссия ҳақ олиш учун объектларнинг рискилик даражаси ёмон бўлган рискларни суғурта қилишига мойиллиги ошади, бу эса андерайтинг ишини иккинчи даражали бўлиб қолишига саба бўлади.

Турли суғурта компанияларида андерайтинг хизматининг мақсади суғурта компанияси томонидан қабулқилинган сиёсатига қараб фарқланиши мумкин. Қоида тариқасида бу техник натижанинг мақсадли даражасини таъминлашдир.



1-расм. Андерайтинг функциялари

Бошқариш функциясининг асосий компонентлари қўйидагилардан иборат:

- ҳар йиллик андерайтинг сиёсатини шакллантириш – суғурта компаниясининг суғурта объектларини танлаш тўғрисидаги қарори (андерайтер ва раҳбарлар билан биргаликда шакллантирилади), тақдим этилган суғурта қопламаси миқдори, суғурта учун қабул қилинган рисклар сифатига қўйиладиган талаблар, қоплама миқдори, суғуртага қабул қилинган рисклар сифатига қўйиладиган талаблар, объектларни экспертизадан ўтказиш учун суғурта мукофотининг энг кам миқдорининг белгиланиши суғурта портфелининг мақсадли йўналишда ривожланишини таъминлайди;

- суғурта портфелини бошқариш – бу нисбатан катта суғурта портфелига эга бўлган андерайтернинг асосий функцияларидан биридир. Бу турли соҳалардаги суғурта портфелини мунтазам таҳлил қилиш ва улар учун рақобатбардош суғурта шартларини ва тарифларини белгилаш бўйича ўз вақтида қарорлар қабул қилиш, бир томондан эса тўловларнинг зарур миқдорини ва бозорнинг асосий сегментларини эгаллаш учун зарар бўлган режалаштирилган техник натижа кўрсаткичларига эришишдир;


- оммавий портфелни қайта суғурталаш – ушбу шартномалар бўйича рискнинг ўзида сақланиб қоладиган суғурта суммалари миқдорини аниқлаш; облигаторли ва факултатив қайта суғурталашга тегишли бўлган суғурта шартномалари суммаларини белгилашдан иборатдир.

Шартномавий функция компонентлари эса қўйидагилардан иборат:

- рискларни селекция қилиш ва тегишли суғурта шартларини шакллантириш;

- суғурта қийматини, суғурта суммасини, чегирмалар миқдорини аниқлаш, баъзи ҳолларда эса тўловлар миқдорини чеклаш ва бошқалар;

- ноодатий объектларни суғурталашда объект ҳақида қўшимча маълумотларни тўплаш ва риск омилларини баҳолаш;
- суғурта тарифларини белгилаш. Суғурта тарифлари актуар ҳисоб-китоблар асосида ҳисоблаб кичилади, андерайтинг вазифаси муайян суғурта шартномасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда базавий ставкага мувофиқ оширувчи (камайтирувчи) коэффициентларни танлашдан иборат;
- комисион ҳақлар миқдорини ёки сотиш қиймати миқдорининг бошқа шаклларини белгилаш.



2-расм. Мол-мулкни суғурта қилиш шартномасини тузиш бўйича операциялар кетма-кетлиги

Шартномавий андерайтинг босқичлари қўйидагилардан иборат (2-расм):

- маълумотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилиш. Суғурталанувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (суғурта компаниясининг сўровига мувофиқ аризалар, анкеталар ва бошқа ҳужжатлар) риск ҳақидаги дастлабки маълумот манбалари ҳисобланади; компаниянинг ўз маълумотлари, агар мавжуд бўлса, ўтган йилги суғурта шартномаларининг ўз ичига олади; хавфсизлик хизмати бўлиmidан олинган маълумотлар; оммавий ахборот воситалари ва интернетдаги ҳамма учун очиқ маълумотлар; суғуртадан олдинги экспертизадан кейин олинган маълумотлар. Зурур бўлганда, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш суғурта компаниясининг рискларини баҳолаш учун ҳаракатлар алгоритминини қўллашдан иборат;
- баҳолаш. Риск доир маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилгандан кейин андерайтер суғурталанадиган рискларни аниқлайди ва баҳолашни амалга оширади, суғурта шартларини, франшиза ва рухсат этилган тарифни белгилайди. Риск баҳолангандан сўнг суғурта компанияси суғурланувчига расмий суғурта таклифини юбоади;
- суғурта шартномасини тузиш – мижоз ёки воситачи билан суғурта қилишнинг барча шартлари келишилгандан кейин шартнома тузилади;
- шартномани юритиш. Шартнома муддати давомида дастлабки

суғурталаш ҳолати ўзгариши мумкин (масалан, суғурталанувчи янги мол-мулк сотиб олиши ёки сотиб юбориши мумкин, бу суғурта суммаси ва суғурта мукофотига тузатиш киритишни талаб қилади, шунингдек қўшимча рискларни ҳисобга олишни назарда тутди). Суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш талаб қилиши ҳам мумкин;

– шартномани узайтириш. Суғурта муддати тугагандан сўнг, суғурта шартномасини узайтириш тўғрисида суғурталанувчи билан музокара олиб борилади ва суғурта рискини баҳолаш амалга оширилади. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида андеррайтинг сиёсати, тарифлар, рискларни баҳолаш усуллари, мулкнинг суғурта қиймати ўзгаришлари мумкин. Шу сабабли, янги суғурта даври учун янги суғурта таклифи тайёрланади. Бу жараён реандеррайтинг – суғурта шартномасини янгилашда қайта андеррайтинг деб аталади. Шартномани тузиш бўйича жараён босқичлари (2-расм).

Меъёрий-услубий функция қўйидагилардан ташкил топади:

– суғурта қоидаларини шакллантириш ва уларга ўзгартиришлар киритиш;

– суғурта маҳсулотларини шакллантириш;

– стандарт ва ностандарт объектларни аниқлаш, уларни суғурталаш услубиёти;

– тариф кўрсатмаларини ишлаб чиқиш;

– суғурта портфелини бошқариш функцияларини амалга ошириш, рентабелликни бошқаришга таъсир кўрсатиш имкоини берувчи намунавий ҳисоботларни шакллантириш учун техник шартларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

– ходимларни синовдан ўтказиш ва улар сонининг лимитларини белгилаш;

– суғурта шартномаларини тузиш бўйича кўрсатмаларни тайёрлаш (рўйхатга олиш қоидаларига, тузиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ҳажмига, тузиш тартиби ва бошқалар). Суғурталаш харажатларини аниқлаш усуллари шакллантириш.

Ўргатувчанлик функцияси қуйидагиларда намоён бўлади, яъни агентлар ва сотув менежерларини ўргатишдан иборат бўлади. Янги ходимлар учун тренинглари ўтказиш, малака ошириш, янги суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилганда уларни ўқитишни қамраб олади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, суғурта соҳасида андеррайтинг суғурта жараёнининг дастлабки ва кейинги иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, суғурта компаниясининг операцион бошқарув тизими, маркетинг сиёсати, тариф сиёсати, қайта суғурталашнинг етарлигининг асосий сўрсаткичи сифатида муҳим рол ўйнайди.

Андеррайтинг суғурта компаниясининг ривожланишининг ишончлигини ва барқарорлигига таъсир қилувчи ва компаниянинг молиявий бошқаруви,

стратегик режалаштириш ва бюджет бошқаруви сифатини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун суғурта соҳалари ва турлари бўйича малакали андерайтерлар керак бўлади. Афсуски бугунки кунда миллий олий таълимда уларни тизимли тайёрлаш мавжуд эмас, фақатгина қисқа муддатли курслар мавжуд, улар бўлса ҳам андерайтинг муаммоларини тўлиқ қамраб олмайди.

Хақимзода Мафтуна Юсуф қизи
ТМИ

ИННОВАЦИИ И МИРОВЫЕ ТРЕНДЫ В СТРАХОВАНИИ

Инновации традиционно ассоциируют с определенными изменениями, имеющими ценность и способными обеспечить повышение эффективности деятельности и ее результатов. Их ключевая характеристика – это «улучшающая» новизна или изменения, обеспечивающие качественный положительный эффект как для внедрившего инновацию, так и для того, на кого он непосредственно направлен. В страховом бизнесе основными субъектами инновационной деятельности выступают базисные участники страхового рынка – страховые общества, к которым постепенно начинают примыкать страховые брокеры. Страховые агенты в силу выполняемых задач пассивны в инновационном поле; субъекты страховой инфраструктуры только начинают осваивать страховой рынок, поэтому для них пока достаточно традиционности в рамках реализуемых функций; у малочисленных обществ взаимного страхования в инновациях нет особой потребности в силу исторических особенностей организации данной формы страхования. В отличие от этого слоя страхового рынка, именно у страховых обществ более сильная и абсолютно оправданная мотивация поиска новых решений, способных с одной стороны, удовлетворять меняющиеся потребности носителей рисков, а с другой стороны, обеспечить репутацию абсолютно естественного и вместе с тем необходимого финансового института, ценностные ориентиры которого совпадают с ожиданиями получателей страховых услуг. О необходимости такого совпадения все чаще говорят в международном страховом сообществе, утверждающемся в мысли о том, что ценностные предложения страхования пора выводить за границы компенсации потерь в область предупреждения страховых событий. Как точно заметил Peter Manchester, «переосмысливая, как по-настоящему обеспечить клиентам ценность страхования, страховщики имеют возможность покататься на

растущих волнах инноваций, которые уже начинают перекраивать отрасль».¹

Так или иначе, основной замысел инноваций в современном их формате сводится к необходимости направить силы и средства страхового общества на построение рентабельного бизнеса, способного удовлетворять меняющиеся возможности и потребности клиентов. Мотивированность конкурентным давлением меняется на потребность соответствовать ожиданиям и предпочтениям покупателей страховых услуг. Современная экономическая среда все ближе к пониманию того, что вне клиенториентированного подхода мало возможностей быть выбранным и особо остро это ощущается в страховом бизнесе, продуцирующем услуги, которые «продаются, а не покупаются», они не желанны, а необходимы. Именно поэтому основное направление инноваций в страховании – это создание и продвижение продуктов:

- представляющих для клиента интерес;
- имеющих для клиента ценность;
- имеющих «удобные» потребительские свойства, в том числе связанные с их покупкой.

Таким образом, каждая инновация должна решать конкретную проблему конкретной группы потребителей или быть направлена на удовлетворение вполне конкретной потребности.

В настоящее время в страховой отрасли зарубежья формируется абсолютно новое течение – стартапы, сами по себе являющиеся инновацией страхового рынка. Они кардинально меняют представление о том традиционном страховании, к которому все привыкли, поскольку предлагают рынку совершенно новые продукты и решения, отличающиеся оригинальностью формирования страховых продуктов, их продаж и даже отдельных операционных процессов. Мировыми лидерами данного сегмента, задающими основные тенденции развития рынка страховых услуг, предлагая, распространяя и внедряя передовые инновационные идеи, стали Великобритания и США.²

По нашему мнению, изучение их опыта весьма полезно, поскольку на его основе достаточно просто предугадать ближайшее будущее страхового рынка:

- «Bought By Many», Великобритания (<https://bought-bymany.com>) – в 2017 году запустила собственные инновационные продукты в сегменте страхования домашних животных под девизом: «Мы исправляем то, что люди ненавидят в страховании». Судя по тому, что в 2018 году By Many по

¹ Peter Manchester. The fundamentals of the insurance industry are starting to shift. The new insurance ecosystem could unlock huge value // https://www.ey.com/en_gl/innovation-in-insurance/why-the-insurance-industry-needs-to-rethink-its-value-proposition.

² The 15 most innovative companies in insurance // <https://medium.com/go-weekly-blog/the-15-most-innovative-companies-in-insurance-5533466cde48>

версии Wired Bought была признана самым популярным стартапом в Европе, а в 2019 году получила премию Moneywise в номинации «Самый надежный поставщик страхования домашних животных», у компании это удачно получается. Она также стала первой компанией, получившей награду «Fairer Finance Clear & Simple Mark» за «понятные покупателю условия страхования и сопровождающие его документы». Это яркий пример того, как именно получатель страховых услуг становится основным источником инновационных идей: прежде чем разработать столь востребованные условия страхования, сотрудниками страховой компании были выслушаны пожелания несколько тысяч владельцев домашних животных. Взяв их за основу, удалось создать продукты, максимально приближенные к ожиданиям и потребностям клиентов: бездокументарное онлайн предъявление претензий, круглосуточный доступ к видеозвонкам ведущим ветеринарам через специально разработанное приложение, оперативное клиентское обслуживание и сопровождение и т.п.

– «So-sure», Великобритания (<https://wearesosure.com>) – страховая компания, реализующая новую концепцию «социального» страхования, в формате объединения нескольких участников для целей страхования на принципах сочетания возможности прямых продаж и сетевого маркетинга – это дает возможность страхователям вернуть до 80% уплаченной страховой премии благодаря вовлечению в страховой фонд сторонних участников из числа знакомых. Невостребованность призового фонда со стороны лица, заработавшего его, может предполагать либо его распределение между всеми участниками образованной группы, либо направляется на уменьшение платежа следующего года. Еще одна отличительная черта данного страховщика – это ставка на связку «мобильный телефон-страхование», называемой компанией «мобильное страхование». Здесь мобильный телефон – это и объект страхования, и его средство, поскольку основное общение страховщика с клиентом – это технические средства связи, к которым дает доступ телефон: мобильное приложение, электронная почта, WhatsApp, смс-сообщения.

– «Trov Insurance Solutions», Великобритания (<https://www.trov.com>) – страховая компания, позиционирующая себя в качестве «мирового лидера в области страховых технологий». В сегменте автострахования и мультимодальных перевозок страховщик предлагает работать на базе платформы, позволяющей в режиме реального времени контролировать уровень риска, адаптируя страховое покрытие под рисковую среду. Кроме функции аналитики рисков предоставляется возможность полного цифрового управления претензиями. «Trov Insurance Solutions» разработаны также основанные на облачных технологиях корпоративные приложения, которые посредством выбора нужного цифрового страхового продукта позволяют формировать портфель защиты в формате «страхования по требованию».

– «Brolly», Великобритания (<https://heybrolly.com>) – сервис, работающий в формате личного страхового консьержа. Его идея достаточно проста и выражается в простой фразе: «Бролли упрощает страхование». Основная цель – обеспечить пользователям автоматизированный способ хранения и управления имеющимися страховыми полисами, контролировать личный страховой портфель, сообщать о появляющихся страховых продуктах с более интересными условиями или о возможности оптимизировать имеющееся страховое покрытие, напоминать о приближающейся пролонгации.

– «Cover», США (<https://cover.com>) – компания, выбравшая новаторство в качестве своей основной ценности. Также как и Brolly, Cover ставит предельно четкую цель: «Мы хотим упростить страхование всеми возможными способами»¹. Работает в формате страхового брокера, но при этом обеспечивает правильное сочетание экспертных оценок с использованием мобильных технологий и автоматизации.

– «Lemonade», США (<https://www.lemonade.com>) – страховщик, позиционирующий себя в качестве компании, «полностью изменяющей традиционную модель страхования». Делает ставку на два аспекта: 1) максимально быстрый подбор страхового покрытия при страховании жилья (в среднем до 90 секунд на обработку одного страхового запроса и формирование готового предложения, 3 минуты для оплаты полиса); 2) быстрое удовлетворение претензий в полной мере за счет отличного от традиционного механизма финансового обеспечения выплат (компания остается только фиксированный платеж, риски практически полностью перестраховываются, а заработанная премия перераспределяется между страхователями).

– «Oscar Insurance Corporation», США (<https://www.hioscar.com>) – компания из сегмента медицинского страхования, сделавшая ставку на сочетание форматов страхового консьержа и мобильного страхования, позволившее сделать максимально оптимальным и оперативным предоставление сложной услуги – конгломерата медицины и страхования. Здесь всё, как любит поколение Z – круглосуточный доступ к услуге в онлайн формате. Не покидая привычной зоны комфорта, застрахованный получает консультацию, план лечения и лекарственное обеспечение посредством обращения через личный аккаунт, приложение, видеозвонки и т.п. Кроме того, компания располагает собственным медицинским центром, не только предоставляющим доступ к первичной медицинской помощи, но и оказывающим бесплатные услуги, направленные на профилактику заболеваний и формирующие экосистему здорового образа жизни.

¹ <https://cover.com/about>

– «Betterview», США (<https://www.betterview.com>) – создана в 2014 году Дэвидом Тобиасом, представителем семейного страхового бизнеса; примечательна инновациями в сфере оценки и андеррайтинга недвижимого имущества. Компания предлагает услуги по сбору, обработке и анализу информации об объектах недвижимости, получаемой главным образом с помощью беспилотных летательных аппаратов (дронов) и спутниковых геоизображений. Платформа геопространственной прогнозной аналитики Betterview позволяет страховщикам повысить эффективность управления имущественными рисками как на стадии андеррайтинга, так и в процессе удовлетворения страховых претензий, поскольку позволяет осуществить максимально точный прогноз свойств объекта и их изменений в процессе эксплуатации.

– «Zeguro», США (<https://zeguro.com>) – компания, предлагающая интегрированное решение по минимизации рисков, возникающих в киберпространстве, с возможностью их страхования. Если управление киберрисками – это то, к чему бизнес-сообщество уже приобщилось, то страхование соответствующих рисков, включающее покрытие на случай потери данных, перерыва в деятельности, судебных исков и возникновения прочих расходов, связанных с реализованными кибератаками и киберпреступлениями – это тот сегмент, который только начинает осваиваться, причем крайне неохотно. Zeguro – пример инноваций, демонстрирующих возможность оптимального межотраслевого взаимодействия, при котором данные и возможности одной сферы деятельности являются основой андеррайтинга и превенции для другой.

– «Carpe Data», США (<https://carpe.io>) – команда специалистов в области программного обеспечения и страхования, «нацеленных на преобразование мира страхования», объединенных общей целью инноваций в страховой отрасли. Являясь лидером InsureTech на американском рынке, предоставляет страховщикам «автоматизированные решения для сбора данных и прогнозирования, позволяя им лучше понимать риски и значительно улучшать многие аспекты жизненного цикла страхования, начиная с идентификации потенциальных клиентов и заканчивая их привлечением, валидацией, андеррайтингом, рекламациями и оценкой продукта»¹. В настоящее время продукты Carpe Data, в том числе прогнозирующие скоринги, дают страховым компаниям новую возможность использовать онлайн-данные в качестве инструмента для выявления случаев страхового мошенничества. Ставка компании – получение данных из общедоступных источников и их использование в режиме реального времени, в том числе путем преобразований в баллы и индексы, дающие возможность проводить сравнительные измерения и строить прогнозные сценарии с целью управления рисками.

¹ <https://carpe.io/carpe-data-launches-next-generation-data-products-internationally-2>

Примеры представленных стартапов позволяют сделать вывод о том, что современными мировыми страховыми трендами становятся:

- а) упрощение клиентского этапа процесса страхования;
- б) удешевление страховых продуктов;
- в) максимально полное использование возможностей, которые предоставляет цифровизация технологических процессов и развитие технических средств. Именно это направление становится все более выраженным и, пожалуй, самым перспективным. Автоматизация организационных и бизнес-процессов дает возможность более качественному анализу рисков, максимально оперативному и гибкому реагированию на их изменение; способствует развитию современных каналов продаж и расширению рынка сбыта, увеличивая лояльность клиентов.

Р.С.Сагдиев
Тошкент молия институти

ИННОВАЦИОН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Суғурта компанияларининг рискларни бошқариш тизими рискларни аниқлаш ва уларнинг хусусиятларини идентификациялаш, мақсад ва бошқариш усулларини аниқлаш, рискларни бошқаришнинг амалдаги операцион тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ўз ичига олади. Бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда рискларни бошқариш тизимларини шакллантириш ва амалага ошириш маълум бир омилларга боғлиқ кечади, яъни суғурталаш шакллари ва турлари, уларнинг қамрови (тармоқлари, филиаллари) ва ташқи омилари (суғурта тарихи, ривожланиш даражаси, кредит ва инвестиция сиёсати ва муҳити) билан боғлиқ бўлади.

Суғурта рискларини комплекс бошқариш тизимини шакллантириш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1) Рискларни комплекс бошқариш ва рискларни бошқаришнинг стратегиясини шакллантириш бўйича стратегик мақсадларни аниқлаш.

2) Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигининг асосий омилларини аниқлаш:

– Суғурта маҳсулотлари ва хизматлари стандартларининг сифатини баҳолаш;

– Қайта суғурталашнинг суғурта компанияси молиявий барқарорлигига таъсирини аниқлаш;

– Суғурта ва қайта суғурта қопламаларининг тақсимланиши;

– Суғурта, инвестиция ва бошқа фаолиятнинг молиявий барқарорлиги омиллари, ишбилармонлик фаолияти баҳолаш (компаниянинг активларни бошқаришда тўлов қобилияти ва молиявий ҳолатини белгилловчи асосий омил сифатида алоҳида эътибор қаратилиши лозим).

3) Бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисобот шакллари, бошқарув ҳисоб регистрлари бўйича молиявий ҳолат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш.

4) Статистик таҳлил, моделлаштириш, ўйинлар назарияси, андерайтинг баҳолаш, ички аудит, стресс-тест усуллари ёрдамида ўзининг ва қабул қилинган рискларни аниқлаш, идентификация қилиш:

– риск концентрацияси зоналарини аниқлаш (ички аудит ва назорат);

– риск хариталарини шакллантириш;

– риск маълумотлар базасини яратиш, рискларни амалга ошиши натижасида юзага келадиган техник йўқотишлар;

– рискларни бошқариш сийсатини шакллантириш.

5) Рискларнинг келиб чиқиш марказлари қўйидаги жиҳатларга мувофиқ аниқланади:

– компания тузилмаси;

– функционал хусусиятлари;

– фойдани шакллантириш марказлари.

Ушбу жараён рискларнинг келиб чиқиш марказларига мувофиқ мақбул даражадаги рискларни ҳисоблаш учун жавобгар шахсларни аниқлаш билан бирга олиб борилади.

Шу билан бирга, бизнес-жараёнларнинг муҳим рискларни шакллантириш зарур, жавобгарликни тақсимлаш, рискларни амалга ошиши натижасида юз берадиган оқибатларга қарши курашиш режасини шакллантириш. Шунингдек рискларни аниқлаш ва фарқлаш учун операцион тизимни шакллантириш.

Суғурталанувчининг суғурта компаниясига қўшимча талаблар (одатда молия-кредит ташкилотлари томонидан молиявий ҳолат бўйича меъёрий талаблар билан бир қаторда сўралади) қўйидаги кўрсаткичлар бўйича сўралиши (талаб этилиши) мумкин:

– Тўлов қобилияти маржаси (меъёрий ва ҳақиқий);

– капитал (ҳажми, тузилиши ва сифати);

– қайта суғурталовчилар (резидент ва но резидент);

– суғурта тарихи (суғурта компаниясининг суғурталанувчилар билан агар мавжуд бўлса; суғурта компаниясининг ушбу суғурта тури бўйича ва суғурталанувчилар тури бўйича тажрибаси);

– тариф ставкалари, франшиза, максимал лимит, имтиёзлар.

Рискларни бошқариш жараёнларини бундай стандартлаштириш ва шакллантириш суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама рискларни бошқариш тизимларини яратишга имкон беради.

Суғурта компанияларида рискларни бошқаришда андерайтинг сиёсати муҳим ўрин тутди. Андерайтинг стратегияси суғурта маҳсулотлари портфелини рисклар тоифаси ва полислар сони бўйича диверсификация қилишни назарда тутди. Суғурта рискларини диверсификация қилишнинг асосий усули бу тариф сиёсатини тартибга солиш асосида рискларни бошқаришдир.\

Суғурта тарифлари қўйидаги омиллар таҳлили асосида белгиланади:

– Бозорда ўхшаш маҳсулотларни таҳлил қилиш асосида кутилаётган зарар кўрсаткичлари асосида;

– маҳсулот рентабеллигини таҳлил қилиш ва шу каби бозордаги комисион ставкалари асосида;

– бозордаги ўртача суғурта тарифи таҳлили асосида.

Рискларни баҳолаш ва бошқариш самарадорлиги баҳолаш беш босқичда амалга оширилади:

1) Таҳлил қилинаётган соҳага хос бўлган рискларни аниқлаш мақсадида қонунчиликни, ички ҳужжатларни, молиявий ҳисоботларни ва сўровномаларни таҳлил қилиш ҳамда ушбу рискларни бошқариш бўйича кўзда тутилган чораларни таҳлил қилиш.

2) Рискларнинг ҳақиқий мавжудлигини ва уларни бошқариш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш амалга ошиш даражасини аниқлаш учун дастлабки ҳужжатларни, моливий ҳисоботларни ва интервьюларни текшириш.

3) Аниқланган рискни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда уни баҳолаш (қолдиқ риск).

4) Олиб брилган теширув натижасида аниқланган рискларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятига таҳдид солмайдиган рисклар даражасини сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар (қолдиқ рискни молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятига хавф тўғдирмайдиган риск даражаси билан таққослаш).

5) Текширувлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботда рискларни баҳолаш ва бошқариш самарадорлигини баҳолаш натижаларини акс эттириш.

Шундай қилиб, маҳаллий суғурта компаниялари озми кўпми нафақат суғурталанувчилардан қабул қилган, балки ўзларининг ҳам оддий тадбиркорлик субъектлари сифатидаги рискларни бошқариш тизимларини шакллантирадilar ва ривожлантириб борадилар.

Суғурта компаниялари риск бозорининг салоҳиятини ҳисобга олган ҳода ўзларининг заиф томонларини камайтириши ва фаолиятининг бизнес моделларини ўзгартиришлари керак.

Ҳозирги кунда суғурта компанияларини рискларни суғурталаш амалиёти кўламини кенгайтиришлари энг оқилона сиёсат ҳисобланади. Миллий суғурта бозорида фаолият юритаётган кўпчилик суғурта компаниялари иш фаолияти ҳозирги кунда анча эскириб қолганлиги тажрибадан кўришимиз мумкин. Ҳамма компаниялар ҳам иш юритиш бўйича халқаро тажрибаларни жорий этмаган, ҳали ҳамон ҳам эскича ёндашувлар учраб турибди. Масалан ҳозирги кунда суғурта маркетингининг асосий мақсади нафақат янги мижозларни топиш, балки мавжудларини сақлаб қолишга қаратилган. Олдинги ривожланиш йилларида суғурта компаниялари суғуртада бозорида яшаб қолиш мақсадида суғурта воситачилари фаолиятига кўп ўрғу беришган. Бу албатта тўғри, лекин бу фаолият йўналиши демпинг ва юқори комиссия ҳақ эвазига бўлиши керак эмас. Ҳозирги кунда суғурта компаниялари ўз фаолиятларини кенгайтиришда тўғри рақобат шаклларини шакллантириш, филиаллар ва бўлинмалар, сотиш марказлари сонини кўпайтириш эвазига олиб боришлари керак. Шунингдек бундай фаолият суғурталанувчи манфаати ва талабига нисбатан олиш борилиши, улар талабини қондирадиган маҳсулотларни таклиф этиш, ҳар бир суғурталанувчи алоҳида ёндашиш орқали унинг ўзига хос бўлган индивидуал рисклари бўйича суғурта ҳимоясини тақдим этиш фаолиятнинг асосий мақсадига айланиши керак бўлади.

1-жадвал

Суғурта компанияларининг эски ва янги бизнес юритиш моделларининг солиштирма таҳлили

	Эски модел	Янги модел
Маркетинг	Экстерсив ривожланиш. Вақтинчалик ва мажбурий суғурта турларига урғи бериш, мақсад уларни сотиш, муддати тугаган шартномаларни узайтириш эмас	Интенсив ривожланиш. Кросс сотувларга урғу бериш, шартнома муддати тугагандан кейин уларни яна қайта расмийлаштириш, инновациялар орқали талабни яратиш
Мақсад “истеъмолчи”	Асосий эътибор суғурта воситачига (банк, суғурта агенти, суғурта брокери) қаратилган. Бундан келиб чиққани суғурта воситачиларининг комиссия ҳақларининг юқорилиги, хизмат кўрсатиш сифати ва тўлов сиёсатининг	Асосий эътибор суғурталанувчига. Бундан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор тўғридан-тўғри сотишларга қаратилади. Суғурталанувчилар учун қўлай бўлган маҳсулотлар ва тарифлар шаклланади. Мижозларни қўллаб-қуватлаш марказларининг ташкил этилиши. Шаффоф ва адолатли тўлов сиёсати.

	кониқарсизлиги	
Рақобатбордош устунлик	Паст нархлар ва юқори комиссиялар. Бундан юқори зарарлилик даражаси ва иш юритиш харажатлари юқори бўлиши келиб чиқади.	Ишончилилик ва барқарорлик. Бунда юқори реётингларга эришиш, рискларни самарали бошқариш ва шафофликни оширишга қаратилади. Хизмат кўрсатиш даражаси. Бунда сифатли ва кўшимча хизматлар кўрсатилади.
Компания қийматини белгилайдиган омиллар	Тушумлар бўйича кўрсаткичлар. Бу тарифлар бўйича демпинг ва комиссия харажатларнинг юқорилиги билан изоҳланади	NPV (net present value) / (соф жорий қиймат), яъни бизнес юритишнинг рентабиллиги ҳисобга олинади.
Бизнес тури	Ўрта бизнес. Паст даражада тартибга солинган иш жараёнлари, парчаланган ИТ - тизими	Катта бизнес. Бунда бизнес жараёнлари марказлашган ва тартибга солиниб туради, ривожланган ИТ – технологиялари, электрон хужжат айланиш тизими жорий этилган, бизнес жараёнлари компаниянинг барқарор ривожланишига қаратилган.

Ҳозирги кунгача бозорда фаолият юритиб келаётган кичик суғурта компаниялари ўз бизнес тармоқларини кенгайтириш бўйича йирик бизнес субъектларига айланиши давр талаби сифатида қаралмоқда. Сабаби кичик суғурта компаниялари асосий фаолияти бир холдинг, соҳа ёки тармоқ ичида фаолият юритишлари қийинчилик билан кечмоқда. Бунда бизнесни кенгайтириш энг мақбул вариант ҳисобланади.

*Назаров Р.Ф.
Ташкентский финансовый институт*

СТРАХОВАНИЯ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ

Страхование автотранспорта является одним из основных способов обеспечения защиты социальных и имущественных интересов граждан и организаций, а также приоритетной задачей социально-экономического развития страны как в долгосрочной и среднесрочной перспективе. Состояние данной отрасли зависит от общеэкономической ситуации в стране и таких показателей, как ВВП, инфляция, численность экономически активного населения, а также от развития автомобильного рынка и ситуации на рынке банковских услуг, а именно – кредитования.

В странах с развитой экономикой успешно разработан и реализуется процесс возмещения экономического ущерба лицам, пострадавшим в результате использования своих автомобилей или от его угона – автострахование. Данный вид транспортного страхования возмещает

различные убытки не только участникам автотранспортного движения, но и третьим лицам, которые случайно становятся жертвами дорожно-транспортного происшествия. Учитывая текущее состояние и перспективы развития автотранспортного парка в нашей стране, можно предположить, что в ближайшие годы автострахование станет ведущей отраслью национального рынка страхования. В связи с этим потребуется своевременное решение имеющихся в этой области проблем как институционального, организационно- правового, так и социально-экономического характера.

Страхование транспортных средств – это отдельный процесс, который является силу закона обязательным в процессе приобретения транспортного средства, а также добровольным. Не каждый владелец транспортного средства хочет застраховать свой автомобиль, так как это требует определенные расходы.

На сегодняшний день наиболее популярными являются два вида страхования: ОСАГО и КАСКО. Каждый из видов страхования, активно используются многими автомобилистами и в то же время, каждый из них имеет свои преимущества и недостатки.

Обязательное страхование гражданской ответственности владельцев транспортных средств (ОСАГО - обязательное страхование автогражданской ответственности) – вид страхования ответственности, возникший в США в 1920-х годах и получивший очень широкое распространение в 1940 – 1950-х годах в Европе (а позже – и в остальном мире), при котором объектом страхования являются имущественные интересы, связанные с риском гражданской ответственности владельца транспортного средства по обязательствам, возникающим вследствие причинения вреда жизни, здоровью или имуществу потерпевших при использовании транспортного средства. ОСАГО вводилось во всех странах как социальная мера, направленная на создание финансовых гарантий возмещения ущерба, причинённого владельцами транспортных средств и как финансовый инструмент повышения безопасности дорожного движения. Подобное страхование действует во многих странах мира, а также в рамках транснациональных соглашений – например, «зелёная карта».

Каско – страхование средств транспорта (автомобилей, судов, самолётов, вагонов) от ущерба, хищения или угона. Не включает в себя страхования перевозимого имущества (карга, англ. cargo), ответственности перед третьими лицами и т. д.

В таблице 1 выделены преимущества и недостатки ОСАГО, КАСКО.

Таблица-1

**Преимущества и недостатки видов автострахования
ОСАГО, КАСКО**

Вид страхования	Преимущества	Недостатки
ОСАГО	низкая стоимость;	не включает возмещение ущерба при случаях: стихийных бедствий, краж, случайной порчи транспортного имущества;
	доступно для автовладельцев любой категории транспортных средств и разных территорий;	
	фиксированные тарифные ставки;	отсутствует выплата виновнику;
	возмещение ущерба за виновника ДТП;	
	возможность заключить дополнительное страхование здоровья и жизни пассажиров и владельца авто;	выплата компенсации ограничена
	подсчет компенсационной выплаты производит калькулятор ОСАГО	
КАСКО	возмещение ущерба в полном объеме (соответственно стоимости нового транспортного средства);	стоимость высока - полис доступен владельцам солидных транспортных средств, когда цена страховки оправдывает затраты на ремонт;
	ущерб возмещается независимо от виновности участников ДТП;	
	включает в себя всевозможные риски.	устанавливается требования года выпуска транспортных средств (пример: не подлежат страхованию отечественные транспортные средства при сроке эксплуатации выше 5 лет и иностранные транспортные средства при сроке эксплуатации выше 7 лет) или страхуется по завышенной ставки
	при наличии страховки КАСКО возможно заключать с банками договоры автокредитования;	
	возможность самостоятельно подсчитать размер компенсационной выплаты с помощью онлайн-калькулятора КАСКО	

Подготовлено автором

КАСКО среди владельцев транспортных средств становится более популярными. Полис КАСКО гарантирует компенсацию в случае наступления страхового случая. В этом случае выплата страховки может

происходить как в денежном выражении, так и в проведении своевременного ремонта.

Преимуществом КАСКО является получение компенсации в случае повреждения автомобиля в результате аварии, ущерба, причиненного в результате стихийных бедствий, в случае угона или кражи транспортного средства.

Существует множество вариантов, которые отражают наиболее важные аспекты КАСКО (таблица-2)

Таблица-2

Варианты страхования каско

КАСКО	ПЛЮСЫ	МИНУСЫ
Полное	Самый надёжный вариант с защитой от угона, ущерба, хищения и несчастного случая.	Самый дорогостоящий тип страхования.
Частичное	Защита от наиболее востребованных рисков. Стоимость меньше, чем у полного каско.	Не возмещается ущерб, если ДТП произошло по вине страхователя.
	<u>МикроКАСКО</u>	защитит от наиболее востребованных рисков - ДТП и угона. При этом риск ДТП означает повреждение автомобиля в результате столкновения с другим транспортным средством, водитель которого признан виновным.
	<u>МиниКАСКО</u>	тип недорогой защиты от крупных рисков. Примерно за 30% от стоимости стандартного полиса можно застраховать машину от угона, возгорания или стихийного бедствия. Защита от риска ДТП может быть включена дополнительно
С франшизой	Полная компенсация в случае серьёзных повреждений.	Невыгодна при мелких и частых повреждениях.
В рассрочку	Не нужно сразу выплачивать полную сумму. Можно подобрать удобную схему платежей.	Возможна переплата на 2–3%. Компенсация предоставляется только после полной оплаты полиса.
С телематикой	Можно получить скидку на страховой полис.	Подходит только опытным и аккуратным водителям.

Полис каско – это добровольное страхование автомобиля от различных рисков, начиная от мелкой царапины на бампере после неудачной парковки и заканчивая ДТП вплоть до полного уничтожения. У него есть много вариантов для водителей с разным стажем и манерой вождения. Перед покупкой страхового полиса стоит изучить все возможные варианты, чтобы выбрать оптимальный.

Факторы стоимости договора КАСКО:

1) Возраст водителя. Стандартным является возраст от 21 до 60 лет. Если водитель не подпадает под эти условия, стоимость КАСКО будет увеличена;

2) Водительский стаж. Данный фактор наоборот будет понижающим – чем больше стаж водителя, тем меньше стоит страховка;

3) Срок эксплуатации и год выпуска авто. Чем старше авто, тем больше цена договора. На практике страховые компании практически не заключают договор, если авто выпущено более 10 лет назад. И, наоборот, стоимость КАСКО на новый автомобиль будет минимизирована;

4) Технические характеристики авто – класс, марка, модель. Всё это влияет на стоимость запчастей и соответственно коррелирует стоимость страховки. Также данный фактор учитывается в таком ключе – какие модели более популярны у автогонщиков, что также складывается в стоимости договора;

5) Сигнализация (противоугонная система) – понижающим фактором будет не только наличие таковой системы, но и её технологичность;

6) Франшиза – определённая сумма, которая выплачивается не страховой компанией, а владельцем авто (чаще всего это определённый процент). Наличие пункта про франшизу обычно значительно снижает цену страховки;

7) Дополнительные факторы – не обязательные факторы, однако их наличие или отсутствие в некоторых случаях может повлиять на стоимость договора:

- охраняемая стоянка либо личный гараж;

- каким образом был приобретён автомобиль – наличными либо в кредит;

- был ли водитель прежде клиентом других страховых компаний. Обычно наличие такого фактора может снизить стоимость договора до 15-30 процентов.

Недостатком КАСКО является, нерегулируемость со стороны государства, когда страховая компания имеет право предоставлять свои условия заключения страховых договоров свои тарифные расценки, ответственность за полис КАСКО не страхуется, однако, он покрыт огромным количеством рисков, связанных с повреждением транспортного средства, стоимость КАСКО будет изменяться между различными страховыми компаниями, а также самое главное высокая его стоимость.

Таким образом, институт автострахования укрепляет гарантии защиты имущественных интересов пострадавших граждан и предприятий, обеспечивая сохранение факторов жизни и производства. Он должен строиться на основе учета функций и принципов страхования и особенностей ответственности, как социально-экономической категории. Для дальнейшего развития системы автострахования в отечественном рынке страхования необходим комплекс мер административного, гражданского, экономического, инженерно-технического, социального и морально-этического характера при четком взаимодействии органов государственной власти, страховых организаций и населения. Реализация всех этих мер позволит улучшить регулирование и контроль в данной сфере и создать необходимую базу для развития страхования в целом.

Автострахование весьма важный вид страхования, требующий значительных усилий со стороны страховщиков, связанных, как с оказанием услуг по страхованию автомобилей, так и с урегулированием убытков. С каждым годом все больше людей понимают преимущество страхования. Следовательно, чем больше людей будет страховать автотранспорт, тем больше будет конкуренция между страховыми компаниями, тем выше будет качество предоставляемого сервиса. Автострахование самый распространенный вид страхования, при этом демпинг, завышение комиссионных, недобросовестное поведение отдельных игроков и неудовлетворенность клиентов качеством выплат, заставляют быть крайне осторожными в прогнозах его будущего развития. Рынок автострахования в Узбекистане представлен большим количеством страховщиков. Поэтому основной задачей автовладельцев является правильный выбор страховой компании.

*Рамз Муҳаммадиев – мустақил изланувчи,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)*

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ КАФОЛАТЛАНГАН ПАКЕТ МЕХАНИЗМИ АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республикада тиббиёт соҳасида хусусий секторни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан биргаликда бюджетдан маблағ ажратиш жараёнида хусусий секторни инобатга олиш, давлат томонидан кафолатланган пакетдан ташқари кўрсатиладиган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш, арзон ва ундан фойдаланиши соддалаштириш орқали аҳоли ва беморлар учун танлов имкониятини тақдим этади. Аҳоли ва беморлар учун тиббий хизматдан фойдаланиш борасида танлов имкониятини тақдим этилишида, бюджет маблағлари ҳисобидан давлат томонидан кафолатланган пакет доирасида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни молиялаштиришнинг янги механизмини яратиш лозим бўлиб, ундан фойдаланувчиларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизимини жорий этиш орқали, бемор даволанганидан сўнг давлат тиббий суғуртаси жамғармасидан даволаган муассасага базавий нархлар доирасида беморга кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга мувофиқ, сарфланган маблағни давлат бюджети ҳисобидан ўтказиб бериш ва маблағларни мақсадли ҳамда самарали ишлатилиши, аҳоли тиббий ҳолатини яхшилашни таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, келгусида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш, маблағлар етишмовчилигига йўл қўймаслик ва

маблағлар ҳаракатини бошқариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилган [2].

Annotation: On the basis of reforms aimed at improving the health care system in the Republic of Uzbekistan, updating the outdated procedure for allocating funds for human health and necessary medical practice, the system of payment for "each case" and per capita funding, as well as the gradual introduction of state health insurance, efficient and accurate use of funds, the provision of directly state-funded treatment and prevention facilities with the necessary medical equipment, the correctness of the flow of funds through accounting documents. strict adherence to discipline and the formation of accounting information play a key role.

Калит сўзлар: тиббиёт; хусусий сектор; тиббий суғурта; кафолатланган пакет; молиялаштирувчи; йўлланма; базавий нарх; тиббий-иктисодий экспертиза.

Keywords: medicine; private sector; health insurance; guaranteed package; financier; referral; base price; medical-economic expertise.

Кириш. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган амалий ишлар доирасида тизимини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби анчайин эскириб қолганлиги, молиялаштирилаётган маблағлар аниқ мақсадларни назарда тутмасдан, у асосан давлат таъминотидаги даволаш-профилактика муассасаларини сақлаш учун ажратилаётгандек тасавур ўйғотиб, молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этишга эҳтиёж туғилади.

Шу боис, тиббиёт муассасаларига тегишли молия йили доирасида ажратиладиган маблағлар тиббий хизматлар яъни клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришни, қолаверса, давлат тиббий суғуртасини босқичма-босқич жорий этиш орқали, маблағлардан самарали ва аниқ фойдаланиш, маблағлар ҳаракатини бухгалтерия ҳужжатлари орқали тўғри расмийлаштирган ҳолда бюджет-смета интизомига қатъий риоя этишни талаб қилади. Сўнги йилларда мамлакатимизда тиббиёт соҳасида хусусий секторни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бюджетдан маблағ ажратиш жараёнида хусусий секторни инобатга олиш, давлат томонидан кафолатланган пакетдан ташқари кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун пул тушумларини шакллантириш ва ундан келгусида мақсадли ва самарали фойданиш заруриятини юзага келтиради [3].

Бюджет маблағлари ҳисобидан давлат томонидан кафолатланган пакет доирасида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни молиялаштиришнинг янги механизмини яратиш лозим бўлиб, ундан фойдаланувчиларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизимини жорий этиш орқали, бемор даволанганидан сўнг давлат тиббий суғуртаси жамғармасидан даволаган

муассасага базавий нархлар доирасида беморга кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга мувофиқ, сарфланган маблағни давлат бюджети ҳисобидан ўтказиб бериш ва маблағларни мақсадли ҳамда самарали ишлатилиши, аҳоли тиббий ҳолатини яхшилашни таъминлаши билан бирга, келгусида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш, маблағлар етишмовчилигига йўл қўймаслик ва маблағлар ҳаракатини бошқариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун ҳақ тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришга йўналтириш, қолаверса, давлат тиббий суғуртасини босқичма-босқич жорий этиш орқали, маблағлардан самарали ва аниқ фойдаланиш механизмларининг мавжуд эмаслиги боис бу туғрисида мамлакатда етарли равишда тадқиқотлар олиб борилмаган [4].

Тиббиёт муассасалари фаолияти вазифалари, уларни молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар самарадорлигини ошириш масалалари доирасида олиб борилган тадқиқотларларида хорижий ва маҳаллий олимлар бу борада ўз қарашларини билдирганлар. Бироқ, олимларнинг қарашлари таҳлили ушбу масалада бир хил тўхтамга келинмаганлигини кўрсатмоқда.

Хорижий давлатлар соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш амалиётида “режали-дастурли бюджетлаштириш” ва “ижрога асосланган бюджетлаштириш” барча харажатлар ҳамда алоҳида қимматли дастурлар натижасини боғлашда ва бюджет маблағларини мақсадли тақсимлашда ишлатилади [5,6,7], деб баҳоланади.

Соҳа бўйича йирик мутахассис ҳисобланган профессор Д.А.Асадов “...тиббиёт муассасасининг асосий вазифаси, аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган бирламчи эҳтиёжини қондириш, бюджет эса буни етарли маблағ билан қоплашди” [8], деган фикрни билдиради.

Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини молиялаштириш масалалари бўйича ўтказган тадқиқотлари натижаси бўйича Г.Қосимова “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” услубини амалиётга киритиш ва такомиллаштиришни эса бюджет харажатлари ва эришилган натижалар орасидаги ўзаро алоқани акс эттирувчи бюджетнинг шаклланиши ва ижроси сифатида белгилаш мумкин [9,10], деган хулосага келади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни олиб бориш ва натижаларни асослаш мақсадида мантиқий фикрлаш, монографик кузатув, таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган таҳлил ва изланишларга асосан, бюджет маблағлари ҳисобидан давлат томонидан кафолатланган пакет доирасида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни молиялаштиришнинг янги механизмни яратишда қуйидаги асосий

тушунчаларни қўллаш фойдаланувчилар учун бир қатор қулайликлар яратади:

молиялаштирувчи – базавий нархлар асосида ўзаро тузиладиган шартномага мувофиқ тиббиёт ташкилотларига маблағ ажратувчи Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма).

йўлланма – имтиёзли тоифага кирувчи шахс (кейинги ўринларда – бемор)ларга, уларнинг касаллигига мувофиқ тиббиёт ташкилотларида даволаниш ҳуқуқини берувчи, кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг қиймати акс эттирилган ҳужжат.

базавий нарх – бир нафар беморни муайян касалликдан даволаш учун тасдиқланган ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари асосида кўрсатилган тиббий ёрдам бўйича барча харажатларни акс эттирувчи қиймат. Бунда базавий нархга тиббиёт ташкилотининг соф фойдаси ва қонунчиликда белгиланган солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар киритилади.

имтиёзли тоифага кирувчи шахс – ижтимоий мақоми ва/ёки айрим касалликларнинг мавжудлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган ҳамда мақсадли ажратилган маблағлар доирасида йўлланма асосида тиббий ёрдам кўрсатиладиган беморлар тоифаси;

тиббиёт ташкилоти – йўлланма билан мурожаат қилган беморларга ташхис қўйиш ва даволашнинг тасдиқланган стандартлари асосида тиббий ёрдам кўрсатувчи юридик шахс;

тиббий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда – шартнома) – мақсадли ажратилган маблағлар доирасида беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт ташкилоти ҳамда Жамғарма ўртасида тузилган битим;

тиббий-иқтисодий экспертиза – тиббиёт ташкилоти томонидан беморларга кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини ҳамда уларнинг тасдиқланган стандартлар ва базавий нархларга мувофиқлигини тақдим этилган ҳужжатлар (бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисоб-фактура ва бошқалар) асосида эксперт баҳолаш.

Шуни таъкидлаш лозимки, Беморларни даволаш учун Жамғармага ажратиладиган маблағлар давлат бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Жамғарма маблағлари миқдори аввалги йилда ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар миқдорига ҳар йиллик харажатларнинг ўсиш коэффициентини қўллаш (индексация қилиш) орқали аниқланиши лозим. Навбатдаги молия йили учун Давлат бюджети параметрлари бўйича тасдиқланган маблағлар Молия вазирлиги томонидан бир сатрда Жамғарманинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағида ойлар бўйича тенг тақсимланган ҳолда режалаштирилади.

Жамғарма томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳар чорак охириги ойининг 15-санасигача беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун

ажратилган маблағларнинг кейинги чорак учун кутилаётган миқдорлари тўғрисида маълумот тақдим этиб, ўз навбатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги кейинги чорак учун тиббиёт ташкилотларида беморларга тиббий ёрдам кўрсатишга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумот (касалликлар ва тиббиёт ташкилотлари рўйхати кесимида йўлланмалар сони) ҳар чорак охириг ойининг 25-санасигача Жамғармага тақдим этиши жамғарма маблағларидан самарали фойдаланишга имкон яратади.

Беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш харажатларини қоплаш учун ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар доирасида Жамғарма ва тиббиёт ташкилотлари ўртасида тавсиявий шаклдаги тўғридан-тўғри шартнома тузилади. Шартнома қиймати тиббиёт ташкилотининг имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга мўлжалланган бемор ўринлари фонди ва уларни қабул қилиш қуввати, базавий нархлар, беморларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга бўлган талаб ҳамда ажратилган маблағлар асосида аниқланади. Шартномадан ташқари кўрсатилган тиббий ёрдам ҳажми, қиймати ёки бошқа омилларнинг таъсири натижасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади.

Тиббий хизмат кўрсатиш бўйича нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан Жамғарма ўртасидаги шартномалар белгиланган базавий нархларда айнан шу турдаги тиббий хизмат кўрсатувчи Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва давлат тиббиёт ташкилотлари учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Имтиёзли тоифага кирувчи шахслар электрон ахборот дастури орқали навбатга олинади ва уларга даволаниш ҳуқуқини берувчи йўлланма шакллантирилади. Йўлланма беморга тақдим этилишидан аввал йўлланмада кўрсатилган касаллик тури учун белгиланган базавий нарх миқдоридаги маблағлар мавжудлиги Жамғарма томонидан мазкур электрон ахборот дастури орқали тасдиқлаб берилади. Тиббиёт ташкилоти даволанган беморга базавий нарх доирасида тиббий ёрдам кўрсатишдаги барча харажатлар (тиббий хизмат, дори воситалари, тиббий буюм ва сарфлов материаллари, озиқ-овқат, бемор даволанган ўрин-кунлари сони ва бошқалар)ни акс эттирган ҳолда бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактурани шакллантиради ҳамда беморга кўрсатилган тиббий ёрдам тўғрисидаги тўлиқ маълумот билан бирга бемор даволаниб чиққан кундан кейин 5 иш куни ичида Жамғармага электрон ахборот дастури орқали юборади. Бунда, беморга кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш учун бемор тўғрисидаги тўлиқ маълумот (Ф.И.Ш., ЖШШИР, туғилган санаси, яшаш манзили, телефон (мобил ва уй) рақами, касаллик ташхиси ва бошқалар) Жамғармага тақдим этилган ҳужжатларда акс эттирилади.

Тиббиёт ташкилоти томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатига киритилмаган касалликлар бўйича даволанган беморлар харажатлари қоплаб берилмайди. Тиббиёт ташкилоти томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар Жамғарма томонидан 5 иш куни давомида кўриб чиқилади ҳамда ушбу ҳужжатлар асосида тўлов амалга оширилиши тўғрисида қарор қабул қилинади. Тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда, ушбу камчиликлар кўрсатилган ҳолда ҳужжатлар Жамғармага тақдим этилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида тиббиёт ташкилотига қайтарилади. Беморни даволаш харажатларини қоплаш учун тўлов шартнома қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар, базавий нарх, ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартлари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура асосида 10 иш куни ичида амалга оширилади.

Тиббиёт ташкилотларига уларнинг сўровига асосан ҳар ойнинг 5-санасига қадар жорий ой жами молиялаштириш ҳажмидан 50 фоизгача бўлган миқдорда Жамғарма томонидан олдиндан тўлов амалга оширилади. Тиббиёт ташкилоти томонидан олдиндан тўлов сифатида олинган маблағлар ойлик молиялаштириш ҳажмида инобатга олинади ва беморларни даволаш сарф-харажатларидан ортиқча бўлган қисми кейинги ойда назарда тутилган маблағларни камайтириш орқали ушлаб қолинади. Молия йили охирида беморларни даволаш учун ажратилган маблағларнинг Жамғарма алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағидаги қолдиқ миқдори Давлат бюджетига қайтарилмайди ва ундан келгуси молия йилида йўлланма асосида беморларни даволаш учун фойдаланилади.

Беморнинг хоҳишига кўра базавий нарх доирасида тиббий ёрдам кўрсатилишида қўлланилиши белгиланган дори воситалари, тиббий буюм ва сарфлов материаллари ўрнига тасдиқланган ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, клиник протоколлар талабидан четга чиқмаган ҳолда бошқа турдаги дори воситалари, тиббий буюм ва сарфлов материаллари қўлланилишига йўл қўйилади. Бунда, бошқа турдаги дори воситалари, тиббий буюм ва сарфлов материаллари қўлланилиши натижасида вужудга келган нарх тафовути беморнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади. Беморда асосий касалликка ташхис қўйиш ва даволаш жараёнида қўшимча касалликлар топилиши туфайли қўшимча даволаш ҳамда ташхис қўйиш зарурияти пайдо бўлса, ушбу қўшимча муолажалар тиббиёт ташкилотининг ўз маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Тиббиёт ташкилоти томонидан беморга тиббий ёрдам кўрсатилишида тасдиқланган клиник протоколлар ва даволаш стандартларига риоя этилмагани натижасида ёки тиббиёт ташкилоти мутахассисларининг нотўғри ташхиси ёхуд тиббиёт ташкилоти ходимларининг хатти-ҳаракатлари туфайли юзага келган асоратлар билан боғлиқ қўшимча

харажатлар тегишли тиббиёт ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади. Тасдиқланган Давлат дастурлари ва чора-тадбирлар доирасида давлат бюджети маблағлари, грант ва бошқа манбалар ҳисобидан марказлашган тартибда тиббиёт ташкилотларига берилган дори воситалари, тиббий буюм ва сарфлов материаллари, озиқ-овқат ва бошқалар Жамғармага тўлов учун тақдим этилган ҳисоб-фактура ҳамда бажарилган ишлар далолатномасида акс этирилмайди ва уларнинг қиймати Жамғарма томонидан қоплаб берилмайди. Бунда, тиббиёт ташкилотлари марказлаштирилган тартибда ажратилган барча дори воситалари, тиббий буюм ва сарфлов материаллари, озиқ-овқат ва бошқалар бўйича харажатларни Жамғармага тўлов учун тақдим этилмаслиги бўйича зарур чораларни кўради. Давлат бюджети маблағлари, грант ва бошқа манбалар ҳисобидан марказлашган тартибда тиббиёт ташкилотларига дори воситалари, тиббий буюм ва сарфлов материаллари, озиқ-овқат ва бошқалар ажратилганлиги тўғрисидаги маълумот Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар ойнинг 1-санасида Жамғармага тақдим этилади.

Шошилич тиббий ёрдамга муҳтож аҳолига тиббиёт ташкилотлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сонли ва 2017 йил 14 октябрдаги 826-сонли қарорларига асосан умумий тиббий ёрдам кўрсатишнинг белгиланган меъёрларига нисбатан шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларининг улушларига ҳамда шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш стандартларига асосан амалга оширилади. Бунда, даволаган тиббиёт ташкилоти томонидан кўрсатилган шошилич тиббий ёрдам билан боғлиқ асословчи ҳужжатлар Жамғармага тақдим этилади ва Жамғарма томонидан беморни даволашнинг ҳақиқий харажатлар қиймати тиббиёт ташкилотига тўлаб берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 октябрдаги 826-сонли қарори билан тасдиқланган шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларининг тасдиқланган меъёрларидан ортиқ миқдорда аҳолига кўрсатилган шошилич тиббий ёрдам харажатлари даволаган тиббиёт ташкилотининг бошқа даромадлари ҳисобидан қопланади.

Тиббиёт ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уларни белгиланган муддатларда Жамғарма ҳамда тегишли органларга тақдим этади. Тиббиёт ташкилотлари ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жамғармага тасдиқланган классификатор, кодлаш тизимларини қўллаган ҳолда жами даволанган беморлар, уларга кўрсатилган тиббий хизматлар тўғрисидаги ҳисоботни беморларни пуллик ва имтиёзли тоифалар бўйича ажратган ҳолда тақдим этади.

Тиббиёт ташкилоти томонидан беморларга кўрсатилган тиббий ёрдамнинг тасдиқланган ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, клиник

протоколларга мувофиқлиги ҳамда тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ шакллантирилганлигини назорат қилиш Жамғарма томонидан уларни тиббий-иқтисодий экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади. Бунда, тиббий-иқтисодий экспертиза Жамғармага тўлов учун ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг уларни ўрганиш йўли билан ўтказилади.

Тиббий-иқтисодий экспертиза қуйидаги мезонлар бўйича ўтказилади:

беморни даволашда тасдиқланган клиник протоколлар, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига риоя этилганлиги;

даволанган касаллик тури Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатига киритилганлиги;

тақдим этилган ҳужжатлар (ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси)даги тўлов миқдорининг тўғри ва асослилиги ҳамда базавий нархларга мувофиқлиги.

Ҳар чоракда бир маротаба режали тартибда ва беморларга кўрсатилган тиббий ёрдам юзасидан шикоят тушганда Жамғарма ходимлари:

тиббийёт ташкилотига ташриф буюриб, беморларга кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига мувофиқлигини ўрганиш учун қўшимча маълумот ҳамда ҳужжатларни олиш;

тиббийёт ташкилоти томонидан кўрсатилган тиббий ёрдам бўйича беморлар билан суҳбат ўтказиш, уларга қилинган харажатлар, хусусан дори воситалари, тиббий буюм ва сарфлов материалларининг ҳақиқатда сарфланганлигини ўрганиш ваколатига эга. Бунда, беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда ташхис қўйиш ва даволаш сифатига доир белгиланган стандартларга риоя этилмаганлиги аниқланган тақдирда, Жамғарма томонидан тиббий-иқтисодий экспертиза натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилади.

Тиббий-иқтисодий экспертиза натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Жамғармага тақдим этилган ҳужжатларда акс эттирилган тўлов миқдorigа тегишли ўзгартириш киритилади ҳамда ортикча тўланган маблағлар кейинги тўловлардан ушлаб қолинади. Тиббийёт ташкилоти томонидан асосиз харажатларни тўлов учун такроран тақдим этиш ҳолати қайд этилган тақдирда, Жамғарма томонидан тиббийёт ташкилоти билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ тегишли чоралар кўрилади.

Тиббийёт ташкилоти томонидан беморни даволашда тасдиқланган клиник протоколлар, ташхис қўйиш ҳамда даволаш стандартларига мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатилиши, дори воситалари ҳамда тиббий буюм ва сарфлов материаллари, озик-овқат ва бошқалар билан етарли даражада таъминлашга тиббийёт ташкилоти раҳбари масъулдир. Тиббийёт

ташкilotларининг раҳбарлари беморларга сифатли ва тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилиши, давлат бюджети маблағларининг самарали сарфланиши, Жамғармага тақдим этиладиган барча ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ҳамда тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади. Тиббиёт ташкилоти томонидан беморни даволашда тасдиқланган клиник протоколлар, ташхис қўйиш ҳамда даволаш стандартларига риоя этилмаганда ҳамда Жамғармага тақдим этиладиган барча ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги таъминланмаган тақдирда: давлат тиббиёт ташкилотини раҳбарига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чораси қўлланилади, нодавлат тиббиёт ташкилоти билан Жамғарма ўртасида тузилган шартнома Жамғарма томонидан бир томонлама бекор қилишга асос бўлади.

Хулоса ва тақлифлар. Олиб борилган ўрганишларимизга кўра, давлат бюджети ҳисобидан тиббиёт муассасалари томонидан кўрастилган хизматлари учун маблағ ажратишни бироз соддалаштириш лозим бўлиб, маблағ ажратишда талаб этиладиган бир бирини такрорловчи ҳужжатларни қисман камайтириш ҳамда маблағ ажартиш муддатини 3 кундан оширмаслик лозим. Шунингдек, бемор тўғрисидаги батафсил ахборот молиялаштирувчи учун аҳамият касб этмайди.

Шу сингари, ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасалари билан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатини аҳоли фойдаланиш учун қулай шаклга келтириш, унинг дастлабки ва оралик ўсиб боровчи қийматини олдиндан режалаштириш керак.

Бундан ташқари, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатига киритилмаган, бироқ, тиббий амалиёт давомида аниқланган оғир асоратли иккиламчи касалликларни даволаш учун маблағ ажратиш имкониятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжин асосан тор соҳа ихтисослашган тиббий хизматлар учун шаклланиб, батафсил (тўлиқ) тиббий хизматни олмаган бемор провардида тиббий хизматдан рози бўлмаслигига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида. 1996 йил 29 август. 265-І-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5590-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида (янги таҳрири). 2016 йил 13 апрел. ЎРҚ-404-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-4890-сон қарори.

5. Public budgeting systems / Robert Lee, Ronald Johnson, and Philip Joyce. Ninth Edition Copyright© 2013. by Jones & Bartlett Learning, LLC, an Ascend Learning Company. -P.202.

6. Васкес Абанто Х.Э., Васкес Абанто Э.А. Здравоохранение и вопросы его финансирования // «Медицина неотложных состояний», 2014.

7. Заболоцкий А.П. Современные экономические процессы и явления в здравоохранении. / Саратов: Изд-во СГМУ, 2007. – С. 8-12.

8. Асадов Д.А. “Рыночные отношения в здравоохранении не самоцель». // Экономическое обозрение №9(142)-2011.

9. Қосимова Г.А. “Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришни такомиллаштириш истиқболлари”. // Biznes-daily media №11(107)-2016

10. Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш: и.ф.н. ...дис. автореф. – Тошкент, 2001. – 21 б.

*Тошпулатов Д.А.
“Ўзбекистон ипотекани қайта
молиялаштириш компанияси”
АЖ Риск менежери, PhD.*

БАНК РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАСИ

Жаҳонда юз берган ва бераётган турли ҳил инқирозлар, жумладан молиявий ва банк инқирозлар тижорат банкларида фаолиятида турли ҳил рискларнинг пайдо бўлишини кўрсатиб турибди. Албатта бу рискларни оқилона баҳолаш ва бошқаришни талаб қилади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, банк секторидаги рискларни нотўғри ва ўз вақтида баҳоламаслик рискларни кенг тарқалиб, нафақат бир мамлакатда, балки бутун дунёда инқирозли ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Бу нафақат давлат даражасида, балки халқаро миқёсда ҳам рискни тартибга солувчи органларнинг пайдо бўлиши зарурлигини тушунтиради.

Бугунги кунда молиявий рискларни баҳолаш қуйидаги концептуал ёндашувларга: вазиятли ёндашув (у ҳодисалар оқибатида йўқотишларни аниқлаш ва баҳолаш); жараёнли ёндашув (кўп шаклли, яъни вариативлик кўрсаткичларидан фойдаланиш); сценарийли ёндашув (пессимистик,

реалистик ва оптимистик каби сценарийлар таҳлилидан фойдаланиш); комплекс ёндашувга (кутилаётган фойдалилик концепцияси) асосланган¹.

Ушбу ёндашувлар риск-менежмент тизимини яратиш ва молиявий рискларни баҳолашда қўлланилиши мумкин. Рискларни баҳолаш ёндашувлари бошқарилаётган объект хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши лозим.

Риск менежментида рискларни баҳолаш усуллари баҳолаш ёндашувларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади.

Ҳозирги кунда айрим муаллифлар банкнинг молиявий рискларини миқдорий баҳолашнинг асосий усуллари сифатида қуйидаги усуллари келтиришади: 1) Статистик: Монте карло усули, Z-Альтман усули, Чесер усули, Дюран усули, VAR усули; 2) Эксперт баҳолаш усули: Дельфи усули, шажара қарор қабул қилиш усули, Коэффициент таҳлили ёки рейтинг усули; 3) Таҳлилий усул: дюрация усули, стресс-тест усули, GAP – таҳлил усули; 4) Аналогик усул; 5) Комбинациялашган усул².

Банк рискларини статистик усулда баҳолаш ҳодисанинг юзага келиш эҳтимолини ва риск даражасини аниқлаш учун маълум ёки шунга ўхшаш банкда содир бўлган йўқотишлар ва фойдалар статистикасини ўрганишдан иборат. Бунда дисперсион, регрессион, омилли ва кластер таҳлил усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу усул қўлланишининг асосий камчилиги сифатида узоқ муддатли статистик маълумотлар бўлишини талаб этади, чунки у динамик қаторларни ўрганишда маълум бир қийинчиликларни юзага келтиради.

Эксперт усулда банк рискларини баҳолашда турли даражадаги йўқотишларнинг юзага келиш эҳтимоли бўйича ички ёки ташқи экспертлар томонидан қилинган баҳолашларни тўплаш ва ўрганишни ўз ичига олади. Ҳисоб-китоблар барча молиявий риск омилларини ҳисобга олишга, шунингдек, статистик маълумотларга асосланади.

Банк рискларини баҳолашда мавжуд маълумотлар чекланган ва миқдорий риск таҳлили зарур бўлганда аналитик усуллар қўлланилади. Аналитик усулларга Гаусс тақсимоти, Пуассон тақсимоти каби стандарт тақсимот функциялари киради. Шунингдек, дюрация, стресс-тест, GAP – таҳлили усуллари ҳам аналитик усуллари қаторида кенг қўлланилади.

Аналогия усули одатда янги лойиҳанинг рискларини таҳлил қилишда қўлланилади. Аналогия усули бўйича лойиҳанинг ривожланиш босқичи, ишга тушириш босқичи, ўсиш босқичи, етуклик босқичи ва пасайиш босқичларини ажратган ҳолда банк рисклари баҳоланади.

1 Баймуратов Т.М., Баймуратова Г.Т. Суғурта ташкилотлари молиявий рискларини баҳолаш: концептуал ёндашувлар ва тизимлилик. Молия ва банк иши электрон илмий журнали III сон. Май - июнь, 2020. 49-60 б.

2 Бобиль В.В. Финансовые риски банка: классификация, оценка, управление. Современный взгляд на проблемы экономики и менеджмента, / Сборник научных трудов по итогам международной научно-практической конференции. № 3 г. Уфа, 2016. 124 с.

Комбинацияланган усулда бир нечта алоҳида усуллар ёки уларнинг алоҳида элементларининг комбинацияси орқали банк рисклари баҳоланади.

Банк рискларини баҳолаш усуллари банк бошқаруви мақсади, стратегияси, маълумотларнинг мавжудлиги, иқтисодий вазият ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда танланади.

Рискнинг асосий кўрсаткичлари ташкилотдаги операцион таваккалчилик даражасини ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни бошқариш ва мониторинг қилишда кенг тарқалган восита. Шу билан бирга, асосий риск кўрсаткичлари тизими банкдаги операцион таваккалчилик профилини тўлиқ кўриш имкониятини берадиган кенг қамровли мониторинг воситасидир¹.

Ушбу ҳолатлар банкларда асосий риск кўрсаткичларини таҳлил қилиш, баҳолаш, олдини олиш ва бошқариш мақсадида назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Ҳақиқий ҳаётда банкда юз берадиган асосий жараёнлар, фаолият йўналишлари, йўқотишлар ва ҳодисаларга мос келадиган минглаб асосий риск кўрсаткич турлари мавжуд, шунинг учун баҳолаш жараёни тарихий маълумотлар асосида ва маълумотлар ўртасидаги муносабатларни аниқлайдиган статистик методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак².

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, асосий риск кўрсаткичлари – бу рискларни назорат қилиш учун рақамли ўлчовлар тўплами бўлиб, камчиликлар ва меъёрдан оғишиш вақтини олдиндан аниқлаш ҳамда бошқарувнинг кузатув ҳаракатлари натижасини назорат қилиш учун хизмат қилади.

Асосий риск кўрсаткичларини ўз ичига олган асосий риск, самарадорлик ва назорат кўрсаткичларининг биргаликда ишлатилиши умумий ҳолатни яққол тасвирлашга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

¹ Сизикова В., Гаврилина В., Битюцкий М. Риск-менеджмент в кредитной организации № 4 (24) \ 2016

² Дятлов С.А. , Щугорева В.А. , Лобанов О.С. Оценка средств управления эффективностью банковского риск-менеджмента// Современные технологии управления. ISSN 2226-9339. — №5 (77). Номер статьи: 7704. 2017-05-30 <https://sovman.ru/article/7704/>

МЕҲНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби тизимини такомиллаштириш, унинг даражасини ошириш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифадир, чунки у нафақат бутун иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди, балки кўп жиҳатдан аҳоли турмуш даражасини белгилайди. Меҳнат ҳақининг иқтисодий мезон сифатида ўзига хос хусусияти шундаки, у ишчи кучининг товар хусусиятини ёки ишчининг корхона билан расмий ҳуқуқий муносабатлари доирасида яратилган маҳсулот ёки ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссасини акс эттиради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш механизми мураккаб ва хилма-хилдир. У иш берувчилар, ходимлар ва давлатнинг меҳнатга ҳақ тўлашдаги қарама-қарши манфаатлари ва умидларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ўзаро боғлайди, шу билан бирга мавжуд меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари ҳар доим ҳам оқилона ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратмайди[2].

Хорижий ва маҳаллий амалиётда [3,4,5] ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоби ва мукофотлаш тизимини шакллантиришнинг инновацион ёндашувлари қўлланилади, улар меҳнатни адолатли баҳолашга, меҳнатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, меҳнатни тўғри баҳолашга, ташкилотнинг мақсадлари, меҳнат самарадорлиги, сифати ва унумдорлигини оширишга қаратилган.

Жаҳон амалиётида корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби, қоида тариқасида, турли тоифадаги ходимларни моддий рағбатлантириш тизимига янги ёндашувлардан фойдаланишга асосланган [5]. Масалан, Франция ва Швецияда ходимнинг ёки кичик ижрочилар гуруҳининг ўзига хос хизматларига қараб, бонус тўловларини индивидуаллаштириш тамойили қўлланилади. Германияда бонус тўловларини ҳисоблашда мажбуриятларнинг (касбларнинг) уйғунлашуви ва ходимнинг қўшимча масъулиятни ўз зиммасига олиши ҳисобга олинади.

Илмий-техник соҳадаги ўзгаришлар ходимлардан нафақат билим ва кўникмаларга эга бўлишни, балки ўқитиш ва малакаларини кенгайтиришга тайёр бўлишни ҳам талаб қилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда меҳнатга ҳақ тўлашга “билим учун тўлов” деб аталадиган ёндашув тобора оммалашиб бормоқда[6].

Рус иқтисодчиси Сухованинг фикрича меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ёндашувларни такомиллаштириш иш ҳақи миқдорининг иш натижаларига

мос келишини акс эттириши ва бошқа томондан, ходимни рағбатлантириши керак. Бу вазифа ижодий, интеллектуал ва бошқарув ишлари учун энг кийин бўлиб туюлади, бу ерда стандарт ёндашувлар самарали бўлмайди [7].

Жаҳон тажрибасида оммалашган миқёсда қўлланиб келаётган меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳисобининг Грейд-баҳолаш усули ходимларни моддий рағбатлантиришнинг бир туридир. Ушбу тизим ташкилот учун лавозим қийматини баҳолашга ва тегишли иш ҳақи билан лавозимлар иерархиясини яратишга асосланган. Баҳоларни жорий этиш иш ҳақи фондини тартибга солиш воситаси, ташкилотнинг ички лойиҳаси, ходимларни рағбатлантириш ва ривожлантиришнинг бошқарув механизмларини жорий этиш учун асосдир.

Грейд-баҳолаш усули Америка Қўшма Штатларидан кириб келган. Эдвард Н. Хей ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида универсал мезонларга асосланиб, турли хил касб эгаларининг ишини баҳолаш услубиятини ишлаб чиқди. Ўша вақтдан бери баҳолаш тизими Ғарбда ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатиб, ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатларида самарали равишда қўлланилмоқда. Грейд-баҳолаш усули дастлаб ишлаб чиқилган ва ҳозиргача алоҳида компаниялар томонидан иш ҳақининг фақат асосий қисмини бошқариш учун фойдаланилади [8]. Ушбу тизим давлатда кўплаб лавозимлар мавжуд бўлган ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини оптималлаштириш ва соддалаштириш зарур бўлган йирик ва ўрта компанияларда ўзини оқлаши мумкин. Баҳолашнинг энг машҳур усулларида бири бу балл орқали баҳолаш усулидир. Ҳар бир позиция бир қатор омиллар бўйича балл билан баҳоланади ва баллар сони ва корхона ичидаги позициянинг қиймати ўртасида боғлиқлик шаклланади, сўнгра меҳнат бозори мониторинги асосида иш ҳақининг якуний даражаси шаклланади.

Ушбу ёндашувда йил давомида иш ҳақи даражасини қайта кўриб чиқиш имконияти бўлмасда, аммо иш фаолиятини ва ваколатларга эга бўлишни йиллик баҳолаш ходимларнинг тоифаларини кўриб чиқиш ва шунга мос равишда иш ҳақи даражасини мослаштириш имконини беради. Йил охирида ходимга одатда корхона молиявий фаолияти ва натижаларига боғлиқ бўлган мукофот тўлаб берилади.

Йирик корхоналарда ҳозирда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини шакллантиришнинг инновацион усулларида яна бири бу- КРІ (иш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари) ҳам ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, КРІ хизмат вазифаларини биринчи ўринга қўяди, қарор қабул қилиш жараёнларини яхшилайти, доимий такомиллаштириш жараёнларини ва корхона ресурсларидан самарали фойдаланишни қўллаб-қувватлайди [9].

Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобида КРІ имкониятиларидан меҳнат ҳақининг шаклланишида рейтинг тизими билан биргалликда

фойдаланилганда юқори натижаларга эришилади. КРІ мукофотлаш тизимини жорий этиш нафақат иш ҳақининг асосий қисмини бошқариш, балки маълум бир ходимнинг лавозимидан қатъи назар, мақсадга эришишдаги ҳиссасини баҳолаш имконини беради.

Ушбу тизимни қўллашда алоҳида бўлимлар даражасида маълумот тайёрлаш, норматив-услубий таъминот ва бевосита амалга оширишга тўсқинлик қиладиган бир қатор кўп меҳнат ва вақт талаб қилинадиган ҳолатлар юзага келиши мумкин::

- ҳар доим ҳам тайёргарлик босқичида талаб қилинадиган ташқи маслаҳатчи иштирокини таъминлаб бўлмаслик;

- меҳнат вазифаларининг мураккаблигини ва ходимларнинг мақсадларга эришишда иштирок этиш даражасини белгилайдиган омилларнинг аҳамиятини тўғри баҳолаш;

- норматив-ҳуқуқий даражага тўғри келадиган расмий иш ҳақи миқдорини тўғри белгилаш учун ҳар хил турдаги ишларнинг бозор қийматини, шунингдек, давлатнинг молиявий ҳолати ва иқтисодий ривожланиш салоҳиятини аниқлаш учун корхона ҳудудий меҳнат бозорини таҳлил қилиш керак;

- турли тоифадаги ходимларни мукофотлаш учун асосий КРІ кўрсаткичларидан фойдаланганда, кўпинча мақсадлар, ишлаб чиқариш вазифалари, иш ҳажмининг ўзгариши ва бошқа қутилмаган ҳолатларда юзага келган ўзгаришлар туфайли ҳисобот даврида КРІ кўрсаткичларини тузатиш зарурати туғилади.

Мослашиш тартибини соддалаштириш ва жорий этилаётган тизим самарадорлигини ошириш мақсадида кейинги бўлиниш учун лавозимларнинг иерархик таркибини белгиловчи омилларнинг аҳамиятини балли баҳолашдан фойдаланиш таклиф этилади. Лавозимлар хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ва ушбу лавозимнинг корхона учун аҳамиятлилик даражасига қараб, тахминан бир хил миқдордаги балл олиш тамойилига кўра даражаларга гуруҳланиши керак.

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини инновацион КРІ кўрсаткичлари асосида оптимал таркиби ва тузилишини яратиш учун қуйидаги тавсиялар берилиши мумкин:

- 1) ходимларнинг иш фаолиятини баҳолаш учун жуда кўп КРІ кўрсаткичлари бўлиши мумкин, аммо мукофотлаш учун мақсадларнинг мақбул сони 5-7 мақсад билан чекланиши керак;

- 2) бир ёки иккита кўрсаткичга жиддий эътибор берилмаслиги учун КРІ кўрсаткичлари ўртасида "мувозанат" ни сақлаш керак;

- 3) КРІ кўрсаткичлари мувозанатли кўрсаткичлар картаси (одамлар, жараёнлар, мижозлар, молия) тамойилига мувофиқ барча соҳаларни қамраб олиши керак.

4) аниқроқ ва батафсил баҳолаш учун КРІ кўрсаткичлари мослашувчан бўлиши керак, бунинг учун ҳисобот даврида асосий кўрсаткичларни таҳрирлаш имкониятини таъминлаш керак.

